Аббос Саид

КЎЧАДА ҚОЛГАН ОДАМ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84 (5Ў)7
С – 21
Саид, Аббос
Кўчада қолган одам: Роман / Аббос Саид. – Т.: Янги аср авлоди» 2015. – 848 б.

ISBN 978-9943-27-398-6

Аббос Саид «Беш кунлик дунё» романи орқали ўзбек китобхонлари эътиборини ўзига жалб этолган ёзувчиларимиздан. Унинг қайта нашр этилаётган мазкур романи эса ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги воқеаларини ўз ичига олади. Асарда шўро тузумидан кейинги даврда одамларимиз орасидаги айрим эркак, аёллар янги бозор иқтисоди шароитида пулга ружу қўйиб, бойлик, мансаб, манфаат ва шунга ўхшаш енгил-елпи ҳою ҳаваслар ортидан қувиб, асосий инсоний фазилатлардан маҳрум бўлиб, ҳар турли қабиҳликларга қўл урганликлари, пировард-натижада бу қилмишларининг жабрини нафақат ўзлари, балки бегуноҳ одамлар ҳам тортганликлари қаламга олинади. Муаллиф ана шу маънавий қиёфасига путур етган фожеий шахслар қисмати орқали янги аср бўсағасидаги ҳаётимизни кенг кўламда, жонли тасвирлайди.

ISBN 978-9943-27-398-6
© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004 йил.
© Аббос Саид, «Кўчада қолган одам». «Янги аср авлоди», 2015 йил.

Албатта, У бандаларидан огоҳ ва кўриб тургувчи бўлган зотдир[1].

1

Илгари ҳаётида не ишлар бўлиб ўтганда ҳам ўзини айбдор санамаган Журъат бундан етти-саккиз йил бурун не ҳасратда қургани, ҳали ёлчитиб ҳам ишлатолмагани ҳайҳотдай дўкони жойлашган автостанциянинг йўлига ҳам яқин йиллар ичида катта кўприк қурилишини ҳокимиятдан эшитиб келдию нима қиларини, бошини қайси тошга уларини билмади. Ҳукуматга бир нима деб бўладими? Кўпга келган тўй! Фақат ана шундагина ўтган йилнинг баҳорида бандаликни бажо келтирган марҳум тоғаси, марҳум тоғасининг улар – ёш келин-куёв Қоратошдаги эски ҳовлиларидан араз билан тезотар кўчиб кетишаётганида айтган, унинг хотирасига муҳрланган сўнгги гапи ёдига тушди: «Онанг ишдан келмагунча кетма! Унинг қарғишини эмас, дуосини опкет, жиян!» У эса бунинг аксини қилиб, тоғасига терс ўгирилиб, ўша пайтда унинг ҳимоячисига айланган маҳалла корчалони, марҳум дадасининг ошнаси Мадрайим полвоннинг қистови билан янги олган, ҳали мойи артилмаган кўк ранг «Жигули»сига ўтирганинию ғизиллатиб

---

[1] Қуръони Карим, Ал-исро (17) сураси, 30-оят.

кетиб қолганини, яна бўлиб ўтган талай гап-сўзларни бирин-сирин хотира чизиғидан ўтказдию анчайин шахти пасайиб, ўзини айбдор ҳис этди. Бўшашгандан-бўшашиб, тилини тишлади. Шу дамда кўнглидан кечган биринчи ўй: «Омад мендан бутунлай юз ўгирган кўринади. Йил бошиданоқ аптекамни ўғри урди», дегани бўлди, сўнг эса ўша ишни босди-босди қилишганини ўйларкан, ўшанда ўринбосари Мирзоҳиднинг сўзига қулоқ солишни истамай дўконга қоровул қўймаганини, темир панжаралар-у қатор шарақ-шуруқ қулфларнинг ҳам иш бермаганини ўйлаб: «Падар лаънати орқадан, мактаб томондан ҳожатхонани тешиб киришини ҳеч туш кўрибманми?!», деб фикр юритиб, афсус чекди.

У қачон, қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмади. Бошини хам қилиб, кенг пешанасини тириштириб, ўнг қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқларини чўзиқ иягига олиб борган кўйи у ёқдан-бу ёққа юрди. Хонанинг шифтидаги янги қўйгани биллур қандилга, ўзи истагани коҳу ранг бўёқ суртилган деворларга, ана шу рангга мутаносиб тушган мебел жиҳозларга, ундан эса ёзув столи тўридаги узун суянчиқли қора чарм оромкурсисига гўё уларга алвидо айтаётгандай маҳзун қиёфада бир-бир нигоҳ қадаб чиқди. «Фақирий айтгандай, Қорун бўлмай кет, шу кичик бир офисни ҳеч бир савдолашиб ўтирмай юз эллик минг сўмга суваб-бежаттирибсан-а?! Мана шундай бир пайтда хонага зеб бериш шартмиди?! Бу ёқда мана бу гап чиқиб қолди! Туравермайдими? Ўзи ғуррагинг бола очиб турганда! Ўша ўғри урганида суюнган душманларинг айтса-айтавермасмиди офисинг-

ни тузатмабсан деб? Мана энди уларга худо беришини кўрасан!..», деди ўзига. Юраги сиқилди. Унга гўё ичкарида ҳаво етишмаётгандай туйилди. Катта машина йўлига қараган темир панжарали ойнаванд деразага ўрнатилган совуткичга нигоҳини қадади. У хитойи шоҳисидан бўлган оч-сариқ дарпардаларни тебратиб хонага яхшигина ҳаво пуркаётган эди. Эшикни очиб, дорихонага чиқди.

Бўлим дим, жимжит. Лотин алифбосида «очиқ» деб ёзиб қўйилган ойнаванд эшикдан пашша ҳам кирмайди. Провизори Зубайда ён томондаги хонадан унинг чиққанини ҳам сезмай, китобдан бош кўтармади. «Яхшиям буларга Фақирий бор экан, у китоб ташийди, булар ўқийди», деди, сўнгра Фақирийнинг эски, қорнига ямоқ тушган жинси халтасини кўз олдига келтириб томоқ қирди.

Зубайда дўкон эгасининг томоқ қириши уни огоҳлантириши эканини сезгани учун дарров мутолаа қилаётгани қора муқовали семиз китобдан бошини кўтарди. Нигоҳлар бир-бирига тўқинди. Қиз ўзи сезмаган тарзда кўзларини пирпиратиб кулди. Унинг ёқимли кулгиси Журъатга шу дамда ёқмади.

– Шеригингиз Сайрам қани? – деб сўради ундан.

– Имтиҳони бор экан, Зоҳид акадан жавоб сўради.

– Фақирий жуда қизиқ китоб ташлаб кетган кўринади-а? – деди Журъат кесатиқ оҳангида.

Зубайда тўғри қиз эди, унинг илмоқли гапини тушунмади, ярим табассум билан:

– Ҳа-а-а, – деди.

– Бўлимгаям қараб туринг. Яқинда ҳисоб-китоб қиламиз-а, тағин камомад чиқиб ўтирма-

син. Ўзи бир марта ўғри ургани етади, – деб яна ўша қишда бўлиб ўтган воқеани эслади. Эсладию хаёлидан: «Босди-босди қилмасаям бўлмасди, кавласа бошқа нарсалар ҳам чиқаверарди. Қанчалаб рўйхатда йўқ дорилар бор эди-я! Кўпи ўзимизники эди! Икки-уч миллионнинг бошини еди», деган ўй кечди.

Зубайда жиддийлашди. Шундагина у бошлиғи юқоридаги гапни кесатиқ ўрнида айтганини, унинг авзойи яхши эмасини тушунди, ўқиётган китобини юзига ёпди. Чўзиқ билан тўгарак миёнасидаги чиройли, ярим маҳзун оппоқ юзи қизаринқиради.

Буни Журъат сезди. Сезгани учун:

– Ҳа-а-а, Фақирийга айтаман, сизларни китобга ўргатмасин, – деди.

– Йўқ, йў-ўқ, у кишида айб йўқ, – деди Зубайда, оҳу кўзларини пирпиратди.

Журъат юқоридаги гапи қизга қаттиқ таъсир этганини сезгани учун ҳам аччиқ кулиб қўйди-да:

– Зоҳид кеп кетдими? – деб сўради.

Зубайда айбдор одамдай бошини эгди, шошиб қолиб жавоб қайтарди:

– Ҳа-ҳа, эрталаб хабар опкетувдилар!

Қизнинг «хабар опкетувдилар»идан сўнг Журъатнинг хаёлидан: «У пакананинг ҳам пайтавасига қурт тушиб қолди. Тутқич беришни истамасди, дўконнинг бузилишини эшитдию ўзини қўярга жой тополмайди. Қандай қилиб қўлимдан қутулиб қочиб чиқиб кетишини билмайди», деган ўй ўтди, ўтдию: «Қаёққаям борарди, кимнинг кўзи учиб турибди у шайтонга! Бозорга эса икки дунёда чиқмайди! Қоп орқалаб юриш осон иш эмас, бўйни ёр бермайди бир метр жой-

да туриб савдо қилишга! Иннайкейин, бозор ҳам ўлиб бўлди! Конвертация ёпиқ, фақат юқорида «криша»си бор бўлган маълум бир фирмаларгина ишлаб турибди! Қўй-чи, хўроз ҳамма ёқда бир хил қичқирмоқда!..», дея мулоҳаза юритди, дорихонани кесиб ўтиб, савдо залининг эшигини очди. Идора анжомлари сотиладиган бўлим ҳам ҳувиллаб ётибди – пашша учса билинади! Уни икки-уч ой бурун очишган, ҳали самараси кўрингани йўқ! Бўлимнинг орқа томонидаги ижарада турган «Коника» фотостудиясидагина уч-тўрт мижоз суратга тушишга навбатда турарди, холос. Журъатнинг юраги увушиб кетди. «Зоҳид: «Ҳамма иш дафтар-қаламда бўп қопти, биз билмай юрган эканмиз, бозордан опкеб ҳам ураверишмумкин, йўли кў-ўп», деб ҳовлиқувди, бу ишиям ҳеч бир натижа бераётгани йўқ! Мен унга: «Бу ер вокзал бўлса, бу ерда дафтар-қаламинг кетармикин?!», деб айтувдим, қулоқ солмади, мана оқибати, ҳар куни Дариҳа пашша қўради. Ана шу пашша қўрганига мен унга ойлик тўлаяпман», деган хаёлга борди.

У бўлим адоғидаги пештахтанинг нариги учини артаётган сотувчиси билан сўрашди, умид билан сўради:

– Ҳа, Дариҳа, савдо бўляптими?..

Ёши Журъатлар қатори ўттиз беш-ўттиз олтиларда бўлган, аммо жуссадорлиги туфайли улуғсифат кўринувчи аёл сўниқ жилмайди. Дўкон эгаси берган саволга шахти пасайиб жавоб қайтарди:

– Иккита ўчирғич, бир қути қистирғич сотдим, – деди, сўнг эса дарров сотган нарсаларини калькуляторга солди. – Икки юз сўмлик бўлди, холос.

Унинг жавобидан Журъатнинг баданида чумоли ўрмалагандай бўлди, ичдан эзилди. Аммо бу ҳолатини сотувчисига сездирмади. Бўлимдаги икки миллион сўмликка яқин молнинг ўн беш фоизини тўлаб, пул ўтказиш йўли билан икки фирмадан олиб келишганди. Ана шу харид қилингани идора молларига бир-бир нигоҳ қадади-да:

– Ҳечқиси йўқ, Дариҳа, ҳали битта-яримта пул ўтказишга сўраб келади, кўтарага сотасиз, сал вақт бор-да, – деб унинг кўнглига умид учқунини солди, шунинг баробарида ўзининг ҳам кайфиятини кўтармоққа тутинди. Аммо, қани энди, унинг уриниши ўз натижасини, самарасини берақолса! Шунда у бўлим орқасидаги беш-олти метр жойни ижарага «Коника» фотостудиясига бериб, эвазига ижара ҳақидан ташқари студия эгаси, жуҳуд Тимофейдан икки юз доллар олаётганини эслаб, кўнгли сал ўрнига тушди. Аммо яна дўконининг бузилиши ҳақидаги янгиликни ўйладию ана шу тушум билан ҳам видолашуви мумкинлигидан бир ҳолат бўлиб кетди.

– Уларга одам кириб турибдими? – дея ўсмоқчилаб сўради Дариҳадан, сотувчисидан «ҳа, улардан одам аримайди», деган ҳасаднамо сўзни эшитгач, пича хотиржам ҳам бўлди. Шу боис ҳам: «Жуҳудларни билиб бўладими, студиясига ҳеч ким кирмай қўйса «дўкони»ни ёпадию хайр-маъзурни ҳам насия қилиб кетворади, ана унда қолаверасан чапак чали-иб! Тимофейдан ҳар ойда қурутдай санаб олаётганинг икки юз доллар ҳам инига киради деган сўз! Майли, меникига барака бермаётган экан, ишқилиб, Тимофейнинг дўконига барака бериб турсин, илоҳим», деб ичида ўйлаб, пировардида ўзига

тасалли, айни дамда таскин берган бўлди Журъат. Аммо буни овоз чиқариб айтиб юбормадимикин, деган хаёлга боргани учун ўзининг ўй суриб қолганига диққатини қаратаётган Дариҳага юзланди: – Майли, уларга одам киргани яхши, сизам зерикмайсиз!..

– Улар дам олиш куниям ишлайдиган бўлишибди, бошлиғи айтиб кетибди, – эркалангандай овозда маълум қилди Дариҳа, Журъатга яқинлашиб бўлиқ-бўлиқ кўкракларини унга тегизаёзди.

«Нўғойлар қандай қилиб суйкалишни билади», деган ўй Журъатнинг дилидан ўтди, ўтдию аёлга кўнгли чопмагани боис ўзини сал орқароққа ташлади. Ёдига Фақирий тушди. «Дўконга келиб-кетиб юриб иш ўрганинг, қачонгача бозорда эски китобларни сотиб юрасиз. Ўн-ўн беш мингингизни бераман», деб ваъда қилганини, шундан буён Фақирий бўзчининг мокисидай уларнинг олдига қатнаб дўконнинг ул-бул ишларига кўмаклашиб юрганини, иш йўғида бу ерга келган-кетганга чой дамлаб, хонага, телефонга қўриқчилик қилаётганини хотирлади.

– Дам олиш куни сиз қолмайсиз, Дариҳа. Олдимизга бир одам келиб-кетиб турибди-ку, шуни ишга оламиз, сизга ёрдам беради, – деди Журъат, Дариҳанинг юзи ёришганини кўриб қўшиб қўйди: – Ўзи яхши одам. Ҳаёт тақозоси билан қийналиб юрибди.

– Фақирийми?

– Фақирий, – жавоб қилди Журъат, сотувчисининг нигоҳида ажабланиш аломатини туйиши ҳамоно сўради: – Нима, сизга ёқмадими?..

– Нега?! – бош бармоғининг пушти лак суртилган тирноғини ўйнашга тушди Дариҳа. –

Фирманинг бошлиғи, дўконнинг эгаси сизсиз. Мен нимаям дея олардим. Кўринишидан маданиятли одамга ўхшайди. Аптекадаги қизларимиз мақташаяпти.

– Ҳа-а-а, жудаям ҳожатбарор одам, бировдан яхшилигини аямайди. Менинг ўзимгаям ёқиб қолди.

– Сиз нима десангиз шу-да, – деди Дариҳа, сирли жилмайди.

Журъат унинг жилмайишидаги ана шу сирнинг тагига етолмади, айни дамда хаёлидан: «Менга қармоқ ташламоқчими бу нўғой?», деган ўй ўтди, ана шу ўй таъсири остида яна қайтиб ўша эшикдан дорихонага чиқди, фақат шундагина юқоридаги ўй унинг хаёлини тарк этди.

Зубайда икки-уч харидорга дори сотаётганди. Унинг мижозларга муомаласига эътиборини қаратган Журъатнинг хаёлидан: «Аксига олиб аптеканинг ҳам сезони эмас, мана, бир ойдан ошди ҳамки савдо тўхтаб қолди. Одамлар ташлаб кетган дориларнинг ҳам пулини қилиб беролмаяпмиз», деган ўй ўтиб, хуноби ошди, кейин эса ҳафсаласи пир бўлиб: «Бор-будимни шу ишларга тикувдим-а!», деди у, дўкон ишларини бир ёқлик қилгач, фирмасини хотинининг номига ўтказиб, ўзи соҳаси бўйича прокуратурага ишга кириб олишни мўлжаллаганди, у ҳам бўлмади, укаси панд бериб қўйди. Суръатнинг номини судланганлар рўйхатидан ўчиртиришга муваффақ бўлиб, унинг ишини тўғрилаганида эса таниши хомлик қилди. «Қайним бўлади деб илтимос қилишга бало бормиди? Улар «қайним»ига тушунармиди? Пулини бердимми, тўғридан-тўғри дангал гаплашиши керак эди, ўзининг ҳам тегишини берардим. Фақирийнинг

шогирдига айтувдим, шўтта хомлик қилди. Хомлик қилгани йўқ-ку, гўрга хомлик қилармиди, ниятимизни билмайди деб ўйлашди, ниятлари эса маълум эди, Хўжақуловга илтимос қилиб ишни битириб, бошлиқ-ходим икковлари пулни бўлишиб олишмоқчи эди, шекилли. Прокурорлар туллак, бурганинг кетини кўришини улар қаердан билишарди? Мен биламан-ку! Хўжақулов уларни боплади – йўқ дегани йўқ! «Бир марта илтимос билан кеп қопсизлар», деди-да, малака оширувчиликни эмас, жамоатчилик асосидаги ёрдамчиликни таклиф этди. Энди у ерга уч-тўрт йил йўлига санқишим қолувди. «Кейин ишни ҳал қиламиз», эмиш? Кейин у ерда Хўжақулов ўтирадими-йўқми? Шунинг учун бўладиган ишнинг вақтида бўлгани яхши! Энди бир ками Ҳалокунинг итидай йиллаб у ерга санқишим қолувди...» У ана шу хаёлда ўй сурар экан, ўзининг ҳам ёши ўтиб бораётганини, ҳозир ўттиз олтига кетаётган бўлса, эрта-индин қирққа ҳам тўлишини, аммо ҳали-ҳамон ўйлаган орзуси ушалмай армонлигича қолаётганидан яна бир карра сиқилди. Ортидан яна муроқаба дарёсига шўнғиб: «Туман прокуратурасига илиниб олсам бўлди эди, ишни эплаб кетардим. Мана, мен билан ўқиганлар, талабалик йилларимизда оғзидаги сўзини домлаларга дурустроқ тушунтириб беролмайдиганлар казо-казо бўлиб юрибди-ю, мен улардан кам-мидим? Айбим – отам ўлиб кетди, укаларимни уйлантирай, жой қилай, тирикчилик манбаи бўлган мана бу дардисарни қурай, сўнгра ўз соҳамда ҳалол ишлаб, кўпчиликнинг мушкулини осон қиламан, дардларига малҳам бўламан дегандим... Алифни калтак деёлмайдиган бола-

ларга «қаёқдасан?» десам, «шаҳардаман», дейди, «вилоятдаман», дейди. «Нима, мен эплаб кетолмасмидим?», деди, ўзича оғир хўрсинди, ортидан яна худди ана шу Фақирий олдига олиб боргани одамни эслаб: «Ўшанинг сўзига кириб Адлияга жойлашиб олсам бўларкан. «Вазирликдан прокуратурага ўтиб кетишингиз осон бўлади», девди, «Кирсам фақат прокуратурага кираман», деб икки оёғимни бир этикка тиқибман-а! Ҳе, одамнинг нодони, гўли гумроҳи, қўлингга шахсий варақа тутқизган жойидан уни кадрлар бўлимининг бошлиғи қўлига қайтариб бериб чиқиб кетибсан-а! Қайтага бир бечорани катта бир амалдор таниши олдида ёмон кўрсатиб қўйганинг қолди. Яқинларинг қилмаган яхшиликни сенга нотаниш бўлган шу Фақирий қилди-я!..», деди, яхшиликни ўйлаганида укаси Суҳбат ёдига тушди. «Уям иши бўлса келади, бошқа пайтда қорасини кўрсатмайди. Бирор марта «Ака, ҳолинг нима кечди? Нима дардинг бор?!», демайди. Иши бўлса остонамга ётволарди. Бошқаларга нисбатан шу менга қайишиб туриши керак эди. Унга оз мунча меҳнатим сингмадими?!», деб укасидан гиналаниб, офисга қайтиб кирди. Ўзини шу дамда жуда ожиз, ҳимояга муҳтож одамдек ҳис этди. Илгарилари унда бундай ҳис бўлмагандай туйилди. У дўст-душманнинг олдида кўкрагини ғоз кериб юришга, ўзини хафа қилдириб қўймасликка, ана шундай бир ҳолатда бўлган тақдирда ҳам бу кайфиятини бошқалар пайқамаслиги учун сир бой бермасликка уринар, пули йўқ пайтларда ҳам ҳамиша пули бордай, ишлари юришаётгандай қилиб кўрсатарди ўзини. Бошқалар Журъатнинг мана шу ҳайба-

тидан чўчиб, унинг дунёсига яқинлашолмас, у эса бундан маълум пайтларда норозиланса-да, кўпинча хурсанд бўлар, ўзини бундай тутиши кўп ишларда унга қўл келарди. Ҳозир эса бутунлай тескарисидай кўринди. Ҳозир у ўзини одамларнинг кўмагига муҳтождай сезди. Нима қилиш керак? Боши қотган бир авзода қўлини шимининг чап киссасига суқди. Суқдию қўли калитга тегиб мияси «жиз» этиб кетгандай бўлди. «Бу ҳаётда қолган биргина овунчоғим, дард-кашим шу эди, буниям Худо кўп кўрди», деди ўзича, ўша туғилган кунидан бери Покиза унга бирор марта телефон қилмаганини ўйлаб юраги орзиқиб кетди. Ўшанда ҳам фақат табриклаш учун қилдию бир оғиз ортиқча гап айтмасдан гўшакни қўйиб қўйди. Охирги учрашувларида нима деганди?! «Ҳайронман, сизнинг нимангизни ёқтириб қолганимга?», деган эди, кейин эса: «Аёл киши қирқдан ўтгандан кейин ортидаги ҳаётини ўйлаб қоларкан», деб ўғли Санжарни уйлантириш тараддудида эканини, иккинчи томондан қизи Шаҳлонинг бўйи етиб, совчилар эшиги турумини бузишаётганини пешлаганди! «Наҳотки, бундан кейинги умрини ёлғиз эрию болаларига бағишламоқчи?! Йўғ-э, ундай қилолмайди, қилмайди! Унда мен қаёқда қоламан?!» У ана шу каби ўй-мулоҳазаларга бордию миясига биров гурзи билан туширгандай бўлди. «Қандай қилиб бўлмасин у билан учрашишим керак!» деган фикр миясига чиппа ёпишди. «Ғурурни қўй! Икки ойдан бери ўзи қилсин, мен унга қилмайман, дединг, бирор марта телефон қилдими? Йўқ! Албатта, шунинг учун қандай бўлмасин у билан учрашиб, орани очди қилиб олишдан ўзга

илож йўқ! Ҳозир сен унга муҳтожсан! Ёлғиз у дардингни эшитиши, ёлғиз унга дардингни ёзилиб айтишинг мумкин!.. Нима деб орани очди қилиб оласизлар?» Уни ана шу савол ҳам қийнагандан қийнарди. «Покизанинг нега ундай деганини-да!» Ахир, Журъат, унга, «Покиза, мен ҳатто хотиним Гулчеҳрани сизнингчалик кўрмайман, сиз менинг нафақат севгилим, балки илҳомлантирувчи маслаҳатгўйим ҳам сизсиз!», деган, аммо аёл уни эшитишни истамагандай кўринганди. Мана энди унинг тоқати тоқ бўлди. Бундан кейин аёлни кўрмаса туролмаслигини сезди. Покиза тақиқлаб қўйишига қарамай, унинг ишхонасига телефон қилди.

Гўшакни унинг котибаси олди. Журъатнинг овозини таниди чоғи, «Покиза Самадовна ҳозир мажлис ўтказяптилар. Ярим соатларда тугатсалар керак», деди, сўнг эса узр айтиб гўшакни қўйди.

Журъат соатига қаради. Боргунича тугатиши мумкин. У ўринбосари Мирзоҳиднинг уяли телефонига қўнғироқ қилди. «Лаббай», деган Мирзоҳиднинг ингичка овози эшитилди. «Мен Журъатман, Зоҳид, қаердасан ҳозир?» деб ундан сўради. Ўринбосари ўзининг «Чилонзор» савдо марказининг рўпарасидан ўтаётганини, улар учун тушликка сомса олиб келаётганини, ўн-ўн беш дақиқалар ичида дўконда бўлишини маълум қилгач, Журъат унга: «Менга қара, Зоҳид, сомсани қизлар билан ўзинг ерсан, мен зарур иш билан кетяпман. Налоговойдаги Азиз ака сўраса бир баҳона қиларсан. Бугун энди у билан учрашолмайман. Сўраган дорисини обориб бер, қолган гапларни кейин гаплашармиз. Мабодо зарур бўп қолсам телефонлашармиз»,

деди, кейин гўшакни жойига қўйди, шошганча столнинг нариги томонига ўтиб, «Сотовой»сига заряд бераётган электр тармоғидан уни тортиб олди-да, зарядлаш асбобини жавон пештахтасидаги қутига солиб, ташқарига ошиқди.

2

У лицей ҳовлисига кириб, пишган ғишт ётқизилган торгина йўлка билан маъмурият жойлашган бир қаватли асосий бино томон шошиб кетаётган эди, чап томондаги талабалар ўқийдиган уч қаватли бинодан шу тарафга келаётган холасининг қизи Саодатни таниб қолди. Журъатнинг онаси билан муносабати яхши бўлмагани учун ҳам она авлоди билан борди-келдиси деярли йўқ ҳисоби эди. Фақатгина тўй-ҳашам ёхуд бирор бир маросимда онда-сонда учрашиб қоларди, холос. Мана шу ягона холасининг фарзандлари билан тоғасининг ўғил-қизларинигина танир, ундан у ёқдагилари билан иши ҳам йўқ, шулар билан ҳам юракдан гаплашганини билмас, тўғрироғи уларга яқинлашишни ўзига эп кўрмасди. У ким-у, улар ким! Аммо ота авлодининг барчасини яхши танир эди!..

Саодатнинг кўзи унга тушиши ҳамоно юзини тескарига буриб, кўрмагандай ўтиб кетди. «Уям мени танимай қолди шекилли», деган ўй билан ойнаванд эшикни очаётганида ўгринча кетига қаради, минг афсуслар бўлсинки, худди ана шу пайтда Саодат ҳам унинг орқасидан қараб турганига кўзи тушиб, ичида бир нарса «чирт» узилгандай бўлди. Холаваччалар орасидаги алоқалар

у қадар яхши бўлмаса-да, қариндош-уруғлар ўртасида гап бўлишидан чўчиди. «Аввалги сафар қабулхона ёнида кўриб қолувди, мана энди эса ҳовлида. Бир нимани пайқаган кўринади, ортимдан қараб қолди», деб фикр қилди, сўнгра «бўлганча-бўлар» қабилида қўл силтади-да, узун, торгина йўлак билан қабулхона томон юрди.

Қабулхонада кишининг диққатини ўзига тортмайдиган ўрта ёшлардаги паст бўйли, бошига ёғи чиққан марғилони дўппи кийган, япалоқ юз, дукки пешана, соқоли ўсган эркак билан олтмиш – олтмиш бешлар миёнасидаги рус кампир навбат кутиб ўтиришарди.

Улар ўнг қўлининг иккинчи ўрта бармоғига қалин тилла узук таққан, сўл қўлига уяли телефон ушлаб олган, баланд бўйли, димоғдор кўринишли Журъатга бошдан-оёқ разм солишди. У соқолини қиртишлаб олган, эгнига энг сўнгги урфдаги ингичка йўлли оқ кўйлак кийган, кенг почали қора шимининг тахи пичоқдай «тиламан» дер, оёғидаги қора чарм туфлиси ҳам эрталаб мойлангани сабаб ялтиллаб турар, юриш-туришининг ўзи ҳар қандай одамнинг диққатини ўзига жалб этарди. Кенг пешанаси томонидан анчайин сийраклашиб, таги кўриниб қолган сочларию ўзини жиддий, маълум маънода бошқалардан бир поғона баландда тутиб туришидан кўплар уни ҳуқуқ-тартибот идораларининг одами деб ўйлар, буни Журъат сезгани учун ҳам маълум хатти-ҳаракатлар қилиб, ўзининг «ана ўшалардан» эканини таъкидлагандай бўларди. Ҳатто ана ўша идоралар, хусусан, прокуратурада ишлайдиганлар образига киришга ҳам тайёр эдики, буни бир неча марта танишларига бил-

дирган ва бу ёлғон гапларидан маълум маънода ўзи лаззатланганди ҳам...

Шу маҳал ичкарига кириб кетган котиба қиз Шоира қайтиб чиқди-да, Журъатни кўриб ёқимли, айни паллада ўзга бир сирли нигоҳда кулиб қўйди. Унинг ана шу «сирли нигоҳдаги кулги»си Журъатга ёқмади, ёқмади эмас, уни ташвишлантирди. Унга баайни Покиза билан котибасининг тили бирдай кўринди. Лекин бу ҳолатини у қизга сездирмаслик учун қўлидаги телефонни ўйнади, ортидан шимининг почасини қоқиб қўйди.

Шоира эрга тегадиган қизлардан эмасми, бошлиғига рашки келиб, кўзига ял-ял ёниб тургандай кўринган Журъатни бошдан-оёқ кузатиб чиқди, сўнг эса йигит ҳам унинг фикри-ўйини уққандай бўлиб кўрингани важидан шошиб қолиб:

– Боя йиғилишдан чиққанларида айтувдим сизнинг телефон қилганингизни, – деди.

Журъат ҳам сир-бой бермасликка тиришди. Чунки Покиза яқин алоқаларини ходимлар билмаслиги учун у билан келишиб олган, «Қўлостидагиларим олдида мени Покиза Самадовна денг, уларга сиримгизни олдирманг», деганди. У ана шу келишувларига ҳозир ҳам риоя қилди. Лекин шунда ҳам унга бу ердагилар икковининг ошиқ-маъшуқлигини сезиб қолишгандай бўлиб туйилаверди.

Ҳалиги кампир билан эркак унинг «муҳим одам» эканига шубҳа қилмай вужудлари қулоққа айланганини кўрган Журъат ўз вазифасини аъло даражада бажаришга уринди.

– Ҳа, ҳа, Покиза Самадовнада муҳим гап бор эди. Бир нарса юзасидан маслаҳатлашиб олишимиз керак эди...

Шоира уларнинг ишқий муносабатларини аллақачон фаҳмлаган эди-ю, аммо бу ҳақда бирорта ходим билан гаплашмаган, бирорта аёлга «шундай экан», деб оғиз очмаган, тахминлари, ўзича чиқарган хулосалари ўзи билан, ҳатто буни бошлиғига ҳам сездирмасликка тиришар, Журъатдан оғиз очилса ёхуд у телефон қилса ҳеч нарсани билмагандай бўлар, аммо унинг телефон қилганини дараклар, ана шуларни етказаётганда бошлиғи унинг ташқи кўринишидаги ўзгаришни кузатаётганини сезарди. Аммо Журъатга келганда, у йигитга жилмайиб ҳам, у билан бошқа нарсаларда ҳазиллашиб ҳам қўярди. Уларнинг бу ҳазил-ҳузули шунчаки эканини йигит билади, уларни Покиза Самадовнага айтмайди деб ўйларди.

– Сизнинг келганингизни айтаймми? – сўради Шоира, ёнидагиларга қараб қўйди.

Журъат ҳам ўнғайсизлангандай қиёфада, аслида эса уни кўришга ошиқиб:

– Майли, – деди, ортидан сўради: – Ўзи ким бор эди?

– Бир ўқитувчимиз. Ремонт хусусида гаплашишаётган эди.

Журъат индамади. Ёнидаги рус кампир тоқатсизланди. «Мана бундай олифталар келиб навбатсиз кириб кетишади, бизга ўхшаган камбағаллар кутиб умримизни ўтказамиз» қабилида пакана эркак билан кўз уриштириб олди.

Шоира қайтиб чиқди.

– Ҳозир сиз кирар экансиз, – деб Журъатга қаради.

Ҳалидан бери кутиб ўтирган кампир билан эркак норозиланишаётган эди, котибадан илгари Журъат уларни тинчлантирди:

– Бизнинг гапимиз кўп эмас, уч-тўрт оғиз!

– Ҳа, шундай дедилар Покиза Самадовна.

– Муҳим гапим бор деяпсиз, ярим соат қоп кетмайсизми? – норозиланди эркак, кейин ўнг ёнидаги бужур юзли кампирга қаради. Кампир сержин дукки пешанасини қаширкан, аввал рус тилида бир нималар деб пўнғиллади, сўнг ўзбек тилини билар экан, бузиб сўзлашга киришиб:

– Шундай чирайли молодой человек нўвотсиз кираберипти, ай-яййа, – деб бошини у ён-бу ён тебратди.

Журъат унинг гапидан кулди. Энди жавоб қилмоқчи бўлган эди, ичкаридан ўрта ёшлардаги, нозиккина аёл чиқди. У Журъатга нигоҳ ташлади. Журъат ҳам унга қизиқсиниб боқди. Аёл унга таниш кўринди. «Қаерда кўрганман?» деган ўй хаёлидан ўтди. Аёл ҳам унга синовчан тикилишидан унинг ҳам хаёлидан худди ана шунга ўхшаш ўй ўтаётганини сезиш қийин эмасди.

Журъат унга йўл берди-да, аёл сал нари ўтгач, қора дерматин қопланган эшикни очди.

Катта хонанинг тўрида эгнига сўнгги урфдаги гулли япон шифонидан амалдор аёлларга мослаб русча фасонда кўйлак тиктирган Покиза ял-ял ёниб ўтирарди. Шу яқин орада сартарошхонага кирган кўринади, сочлари бежирим қилиб қирқилган, устига-устак, долчин рангга бўятиб, ялтиллатадиган лак септирган, бўйнига ўтган йили қирқ иккига кириши муносабати билан Журъат унга совға қилгани тилла занжирни тақиб олган, тўгарак билан чўзинчоқ оралиғидаги юзининг икки яноғи оч пушти упадан қизарган, ўнг бурчида гугурт донаси учидагига ўхшаш мошдеккина ҳоли бор лабларига эса тўқ қизил

лаб бўёғи суртилган, тилла соат, қўша-қўша кўзли-кўзсиз, қалин-ингичка тилла узуклар тақилган оппоқ қўллари тирноғини ҳам ана шундай тўқ қизил рангли бўёқ билан бўяб олган, хуллас, ана шу ясан-тусани билан у ёшига нисбатан етти-саккиз ёш кичик кўринар, ҳеч ким унга ўттиз бешдан ошиқ бермас, иккита бўйи етиб қолган фарзандлар онаси деб ўйламас эди.

У узун, пайваста қошларини чимириб, Журъатга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да:

– Нега бу ерга келдингиз? Билмайсизми гап-сўздан узоқроқ бўлишимиз кераклигини?! – деди, шунинг баробарида Журъат бўйин эгиб ўзи ташриф буюрганидан ич-ичдан севинди. Аммо бу ҳолатини ташқи белгиларда ифшо этмади.

Журъат Покизани анчадан бери кўрмагани учунми, аёлнинг янаям очилиб кетганидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Илгарилари уни кўрганида ҳам ана шунга ўхшаш ҳис-туйғу бутун вужудини ўртар эди-ю, аммо ҳозиргичалик ўзини йўқотаёзмаганди, ҳозиргидек юраги гуп-гуп урмаганди. Шу дамда дилидан ўтган биринчи жумла: «Сени ҳеч кимга бериб қўймасман, Покизам! Ҳатто эрингга қарамайдиган қип қўярман! Сен меникисан, фақат меники!», дегани бўлди.

– Сиз билан гаплашиб оладиган гаплар бор эди, Покиза, – деди Журъат, жазмани, «ишхонада Покиза Самадовна денг», деганига ҳам қулоқ солмади, овози титраб чиққанини ўзи ҳам сезди.

– Мен эса йўқ деб ўйлайман, – ўжарлик қилди Покиза, одатда ана шундай ҳолга тушганида ёхуд жаҳли чиққанида унинг чиройли, пайваста қошлари чимирилиб, ўртасида тугунча ҳосил бўларди, у ана шу гапидан сўнг Журъатда

қандай ўзгариш содир бўлишини кузатди. Унга Журъатнинг ана шундай девдай қомати ҳам кичрайгандай кўриниб кетди. Катта-катта қўй-кўзлари пирпиради, бир-бирига туташиб кетган сийракроқ қошлари паст-баланд чимирилиб, солқиброқ турган қовоқлари остидан кўзлари унга хўмрайиб боққанини кўрди. Лунжи ҳам осилиб тушди. Ўтган сафар учрашганларида Журъатнинг худди ана шу болаларга хос одатини назарда тутиб: «Ҳайронман, сизнинг нимангизни яхши кўриб қолганман?!», деган эди, ҳозир эса: «Худди ана шу бола табиати билан уни ёқтиргансан», деган хулосага келди. Шунда ҳам йигитнинг ана шу фазилати унга ёқишини сир тутишни мувофиқ билди. Унга айтгудай бўлса суюлиб, ўзига ҳамма нарса мумкинлигини ҳис этиб, кўнглига келган ишни қилишини, истаганча қўпол муомалада бўлишини тушунди.

– Мен сизга ҳар қачонгидан ҳам муҳтожман, Покиза. Аҳволим яхшимас, дўконим бузиладиган бўлди.

Покиза қараса ҳақиқатан ҳам йигитнинг аҳволи яхши эмас, иккинчи томондан, ўзиники ҳам ўзгарган, бу ёқда ўғли уйланиши керак. У ҳам Журъат билан қачондир орани очди қилиб олиши кераклигини ўйлади. «Шу бугун ҳал қилолармикинман?», деган ўй кўнглидан кечди-ю, қачондир бари бир бафуржа ўтириб келгуси муносабатларини ҳал қилиб олиши керакдек кўринди. Улар ўғли Санжар учун худди ана шу Журъатнинг яқин қариндошлари хонадонига боришаётганидан бери унинг тинчи бузилганди. У томонларнинг ҳам ҳисобини олиши керакми, йўқми? Уларнинг ишқий саргузаштлари қачон-

дир ўз ечимига етиши даркор, ўзга илож ҳам йўқ! Аммо шу дамда у Журъатнинг «...сизга ҳар қачонгидан ҳам муҳтожман»идан ийиб кетди. Йигит гўё унга «дўконим бузиладиган бўлди», деб «уйим куйди», дегандек бўлганди.

– Нега ундай бўлди? – анчадан кейин сўради Покиза.

– Катта кўприк қурилармиш!

– Дўконнинг ўрнигами?

– Автостанция томонга. Тепалик ўрнига. Йўлнинг бу ёғиям кетади, дейишяпти ҳокимиятдагилар.

– Дейишаётган бўлишса, йўқ гап экан-да! Ҳокимга кирмадингизми?!

Шу маҳал қабулхонада ўтирган бояги рус кампир эшикни қия очиб, ичкарига мўралади.

Журъат унга томон ўгирилди. Русчалаб «сейчас, сейчас», деди-да, кампир эшикни ёпгач яна Покизага қараб:

– Бугун бир-икки соатга учрашайлик. Анча гаплар бор, – деди, кейин шимининг киссасидан калитни олиб кўрсатди.

Покиза ҳам «йўқ, учрашмаймиз», дегани йўқ. У ҳам юқорида ўйлаган ўйларини ҳал қилиб олиш ниятида эди, шунинг учун ортиқча тихирлик қилмади:

– Майли учрашамиз. Мениям сизга айтадиган гапим бор, – деди.

– Мен унгача бозор-ўчар қип чиқаман.

Журъатнинг «бозор-ўчар қилиши» тагидаги яширин мақсадни сезган Покиза эътироз билдириб, уни чўчитди:

– Аммо...

– Аммога бормайди, аммога бормайди, – чўчиб кетди Журъат, аёл нимага ишора қилаётганини тушунди.

– Ундай бўладиган бўлса, бормай қўяман, вассалом...

– Мен сизни ранжитадиган иш қилармидим, – ўксингандай бир оҳангда сўзлади Журъат. – Ўзим кеп опкетайми?!

– Йўқ, – унамади Покиза.

Журъат у ишхонанинг машинасида ҳам эмас, балки кўчадан бирорта машина тўхтатиб бориш одати борлигини билгани учун ортиқ тиқилинч қилавермади, аёл сўзидан қайтиб қолишидан чўчиб, хонадан қушдай енгил бўлиб ташқарига ошиқди.

3

«Машинанинг борлиги яхши-да, барча ишинг тезда битади», деб дилидан ўтказди Фарҳод бозоридаги автомобиллар учун мўлжалланган тўхташ жойига кириб борганида. Орқароқ қаторнинг энг чеккасидаги буфери пачақ қизил «Запорожец»нинг ёнига келиб тўхтади. Кейин сал кетига олиб ёнини тўғрилади. Калитни бурнидан суғуриб, ён томондаги бардачокни очиб, ичидаги бир пачка икки юзталикни олди-да, «пақ» этказиб уни ёпди, духоба ёпиқли ўриндиқдаги уяли телефонини қўлига олди, кабина пештоқидаги жажжи кўзгуни ўзи томон қаратиб, юзини унга солди. Аввал икки кўзи четидаги билинар-билинмас ажинларни силади, кейин бурнининг ўнг бетини пайпаслади, охири кафти кўмагида ҳар куни соқолини олиб, фаранги атирини сепаверганидан ғадир-будир бўлиб, териси шилинаёзган иягини эҳтиёткорлик билан қашиди.

«Атир сепаверишнинг ҳам хосияти йўқ экан, соқолниям оқартириб юбораркан», деб қўйди

ичида, бу гапни унга Покиза айтганини эслади. Уни эслаши ҳамоно бошқа дардларини унутиб, бутун вужудида роҳатланиш ҳиссини туйди. «Нима қилсаям тиббиётдан чиққанда, – деди ичида. – Ўшанда юзимга юзини қўйиб шу гапни айтувди. Бугун унинг лабларидан бўса олиш, юзларини мана шу соқоллар қиртишланган иягим билан силаб-сийпалаш насиб этармикин?!» У ана шу каби ширин орзулар истагида, шу истак алангасида қўл тормозининг ёнидаги дезодоран идишини қўлига олди-да, уни писиллатиб суюқликдан ҳар икки қўлтиғининг остига пуркади. Машина салони қулупнай мазасига яқин ис тутиб кетди. У эркак сифатида ўзидан ана шундай ҳидлар таралиб туришини яхши кўрар, бу ҳидлар нафақат унга, балки у билан муомалада бўлган аёлларга ҳам ёқишини у билар, буни, айниқса, машинасига уларни ўтқазганида аёллар оғзидан эшитарди. Покиза айтмаса ҳам илгариги бошлиғи Сокина хоним, мана ҳозир унда-бунда машинасига чиқиб қоладиган, унинг қўлостида ишлаб кейинчалик ўзи дорихона очган Мадина опа кўп таъкидларди. «Қизиқ, сени кўпинча ўзингдан ёши катта бўлган аёллар қизиқтириб келади. Ўзингдан ёшлари билан қизиқиб кўрмагансан», деди у ичида, ортидан ўзича жавоб берди: «Ёшларидан бирорта иш чиқармиди? Улар бошингга битган бало, қуруқ дахмаза бўлади, холос! Ҳамма гап ёши катталарида, ўшалар сенинг қадрингга етадилар! Эркакнинг қадрини ана ўшанақалар билишади!..» У шу дамда ана шу ўй-хулосасидан ҳам мамнун эди. Шу боис ҳам бўлакча бир кайфиятда машинасидан тушди.

Аввал хандон писта, бодом, ёнғоқ, майиз харид қилмоқчи, кейин ҳўл мева, битта яхши торт, охирида хонадаги нақшинкор чинни гулдонга солиб қўйиб, у ердан чиқиб кетишаётганида Покизанинг қўлига тутқазиш учун бир даста гул ҳам сотиб олишни мўлжаллади. «Ҳар эҳтимолга қарши бир шиша шампан виносидан ҳам олволиш керак! Иш охир-оқибат барибир шунга келиб тақалади-ку, ахир!», деди ўзини янаям хурсанд қилиб.

Қўлидаги бир боғлам икки юзталикни шимининг чуқур киссасига солиб, чап қўлидаги «сотовой»ни ўнг қўлига олиб, одати бўйича у ёқ-бу ёғига кўз югуртириб, шимимга бирорта гард ёпишмадими, туфлим ифлос бўлмадими, дегандай энгашиб оёқларига қараб олиб, бозорнинг темир панжарали дарвозаси томон йўналган эди, рўпарасидан бир қўлида ҳамма ёғи доғ бўлиб кетган эски тўрва, иккинчи қўлида икки яшарлар чамасидаги майка-иштони ҳам, юз-қўллари ҳам кир бўлиб кетган боласини кўтариб олган ёшгина лўли жувон чиқиб қолди.

– Аковв, йигит ўлманг, дард кўрманг, Оллоҳ тўрт мучангизни соғ қилси-ин, Худоо омадини берган йигитларга ўхшайсизз, биир садақа қили-инг, – у томон қўлларини чўзди лўли аёл, Журъатга бошдан-оёқ разм соларкан, оғзидаги кумуш тишларини кўрсатиб ялинди. – Садақа балооларни қайтарадии аковв...

– Синглим, майда машинада қолиб кетувди, кейинги сафар оларсан, – деди Журъат, лўли аёлнинг исқиртлигидан, қўлидаги сўрғичнинг яшил гардишини тишлаб олган мишиқи боласи ундан-да исқиртлигидан ирганди.

Лўли аёл Журъатга «кейинги сафар сендақа бойваччани гўрда учратармидим», дегандай бир мазмунда илжайиб, унинг йўлини сурбетларча тўсиб ҳадеганда пул ундиришга ҳаракат қилаверди.

– Ҳа-аа, аковв, садақа балооларни қайтарадии. Атрофингизни жодугарлару алвастилар ўраб опти, манинг одамларим уларни ҳайдашга уста. Би-ир садақа қилинг, йўлингизни байлаб қўйганларнинг ўзларига уриб кетадии! Ҳа, аков каттароқ би-ир садақа қилинг, тугунларини ечиб юборопман!.. Балоғлардан халос бўли-иб, би-ир чиройли париларга йўлиқасиз, биир чирой-йли... Ҳа-а аков, маний гапимга ишонингг!..

Журъатга унинг шу гаплари ўз таъсирини ўтказди. Айниқса, лўлининг «жодугарлару алвастилар атрофингизни ўраб опти», «йўлингиз боғланган» деганидан ғалати бўлиб кетди. Унинг йўлини боғлаган «жодугару алвастилар» ҳадеганда унинг онасию Сокина хоним бўлиб кўринаверди кўзларига. Улар гўё Покиза билан алоқаларини ҳам сезиб қоладигандай, сезиб қолиши ҳамоно сочларини-юзларини юлиб дўконига тўполон қилиб келишадигандай, хотини Гулчеҳра ҳам афт-башараси бадбашара бир қиёфада айюҳаннос солиб уларга эргашиб келадигандай бўлиб туйилаверди. «Шуларнинг ўзлари ҳар турли иссиқ-совуқлар қилишаётган бўлишса-чи», деган ўй ҳам қаёқдандир унинг хаёлига ўрнашиб улгурди. Лўли гўё ҳақиқатни айтаётгандай кўринди. «Ишларим бутунлай орқага кетганлариниям тўғри топди, бунда бир гап бор», деган хаёлга бориб чўнтагидан бир боғлам икки юзталикни қандай қилиб чиқариб юборганини ҳам ўзи сезмай қолди. Резинкасини бўшатиб ичи-

дан бир донасини тортиб олди-да, лўли аёлнинг кенгпанжали эркакларникига ўхшаш бақувват, хина суртилган, мис узук тақилган қоп-қора қўлига тутди.

Лўли аёл садақани унинг қўлидан олар экан, боғламдаги ям-яшил икки юзталикларга кўзи ўйнади, илҳоми келиб янаям жаврай кетди:

– Аков, фол очиб қўяймми?! Аков, дам ури-иб қўяймии? Би-иир енги-иил тортардинги-иис!..

«Сенинг дам уришинг нима бўларди?» Унинг юқоридаги сўзларидан энсаси қотди Журъатнинг, айниқса, лўлининг бир пачка пулни кўриб кўзлари ўйнашидан ҳафсаласи пир бўлганди. У йўлида давом этиб, бозор томон йўналди. Лўли вайсаганча қолаверди:

– Би-ир енги-ил тортардинги-из, аковв!..

Журъат ўзи боя режасини тузгандайин аввал бир килодан қандак туршак, хандон писта, ёнғоқ, бодом харид қилиб, қизил гулли елим халтага солди. Кейин пастдаги бозорга ўтиб, бир-бир ярим килодан олма, узум, нок, анор харид қилди. «Қолса холодильникка солиб қўямиз, тураверади», деб хаёл қилди. Шўро тузуми қулаши билан шаҳар гастрономларидан ғойиб бўлган Киев тортлари сўнгги пайтларда Фарҳод бозорига кираверишдаги хусусий дўконлардан бирида пайдо бўлганини Журъат биларди, ана шу озиқ-овқат дўконига кириб, бир шиша шампан виноси, битта Киев тортидан харид қилди. Энди фақат бир даста яхши гул харид қилса бўлгани. Гул бозори бир чақирим наридаги такси тўхташ жойининг орқасида эди.

Журъат биратўла гулни ҳам олиш илинжида ўша ёққа юрди. Такси тўхташ жойида ўнг

қўлидаги уяли телефони билан тортни чапига, чап қўлидаги иккита елим халтани ўнгига олаётган эди, кутилмаганда охирги «2141» русумли кулранг «Москвич»ининг олди қанотига суянганча оёқларини чалиштириб олиб, қўлида калит айлантириб турган тоғасининг ўғли Собитга кўзи тушди. Бошқа пайт бўлганида ёинки Собит уни кўрмаганида тескари қараб ўтиб кетиши мумкин эди-ю, аммо у аммасининг ўғлига қараб кулиб тургани учун ундай қилолмади. Ўзини ноқулай сезди. Ана шу ноқулайлигини сездирмаслик учун тоғасининг ўғли у билан деярли тенгдош бўлса-да, узоқ йили қўлида озроқ ишлаб кетган эса-да, унга баланддан келди:

– Ҳа, Собит, братишка, қалайсан?!..

Елкасининг бош қисми гавдасига нисбатан каттароқ бўлган, юзи уч бурчакдайин иягига томон торайиб борган, сийрак қош, кўккўз Собит ярим табассум, ярим киноя аралаш у билан қўл беришиб сўрашар экан, у ҳам Журъатга ўхшаб баланддан келиб сўради:

– Ҳа, братан, бозорлар жа-а катта-ку, тинчликми, қаёққа ошиқяпсан?!

Журъат янаям ўнғайсизланди. «Фалон аёл билан зиёфат қилгани», дея олмайди-ку, нима дейишини билмай:

– Бир танишим касалхонада эди, шуни кўргани кетяпман, – деб ёлғон сўзлади, кейин ўзининг катта хато қилиб қўйганини сезиб тилини тишлади.

Унинг «бир танишим касалхонада эди, шуни кўргани кетяпман»идан кейин бирдан Собитнинг юзидаги самимий табассум қайгадир ғойиб бўлиб, ўрнини аччиқ истеҳзо эгаллади. «Сенам касал кўришни биласанми? Ўз тоғанг бир

ой шифтга қараб ётувди, бирор марта боришга ярамовдинг! Бировлар учун бораркансан-да!», дегандай унга рангини гезартириб боқди. Яна ана шу ҳолатини сўзларида ифодалади.

– Ҳимм... касалхонага дегинн...

Журъат дафъатан ундаги ўзгаришни кўриб музлаб қолаёзди. Қош қўяман деб кўз чиқарганини сезди. Собит унга: «Отам ўладиган бўлиб бир ой ётди, жияни бўлиб туриб бир марта бормадинг-а?! Ишларинг тушганида келардиларинг ҳамманг! Бировлар учун боришга уста экансан-ку?!», дегандай боқаётганини ҳам, ундан ҳафсаласи пир бўлганини ҳам пайқади. Пешанасини муздек тер қоплади. Тоғаси ўлишига уч-тўрт соат қолгандагина боргани кўзи олдидан ўтди. Ўшанда унинг ўртанча куёвини бир маҳалладаги «Наврўз» муносабати билан ўтказилган маросимда кўриб қолиб, унинг: «Бир бориб қўйинг»идан кейин уялганидан борган, яна тоғаси ўлиб-нетиб қолса, ана шу куёви: «Тириклигида бир бориб қўйинг», девдим-ку!», деб қолмаслиги учун ҳам борганди-я...

– Ҳа, бир танишим эди, – деди зўрға Журъат, нима дейишини билмади, шайтонлик қилай деса қилолмади, уйдагиларини сўрай дейишга тили айланмади, фақат хаёлидан: «Собит, аданг-ни туш кўрибдилар ойим, деб дўконга иш сўраб келганида менам унга хў-ўп ўтказиб қўйдим. Қўлига бир ярим минг доллар бериб: «Мана шу пулга мол опкеб сот», дедим, қилолмади, яна нима қилиб беришим керак эди?», деган ўй ўтди, аммо мазкур ўйлари ҳам унинг хуфтон бўлган дилига тасалли беролмади. Унинг ана шу аҳволи-руҳиясини сезибми-сезмай, Собит унга:

– Соҳиба аммам яхши юрибдиларми ишқиб? Сўраб қўй уларни, бизникига борсинлар! Ўзингам йўқ бўлиб кетма! – деди.

– Хўп, хўп, – деди Журъат, у билан хайрлашди. Тоғасининг ўғли «Соҳиба аммам яхши юрибдиларми ишқиб?» дейиши, тағин у бу гапни киноя тарзи айтиши унга янаям таъсир этиб, вужуд-вужудини ўртаб юборди. «Аммамлани сўраб қўй»идан эса қаттиқ ижирғанди. Собит бир ўқ билан икки қуённи ургандек бўлди. У гўё: «Ўз онангни қадрига етмайсан-ку, тоғангга етармидинг! Ишинг тушган битта-яримта амалдорни ёки унинг хотинини кўргани кетаётгандирсан, сени яхши биламан-ку!», дегандай бўлганди. Ҳар қалай, Журъатга шу лаҳзада худди ана шундай бўлиб кўринди. У гул олиш учун йўлнинг нариги бетига ўтаркан, қўлидаги юкларини ташлаб юборган-юбормаганини сезмай қолди. Шуни билиш илинжида икки қўлига қараган эди, ҳамма нарсаси жойида эканини кўрди, Собит қўлидаги халталарга аллақандай ғалати қарашида ҳам у: «Сенинг олифтагарчилигинг қаёққа борарди? Бузоқнинг югургани сомонхонагача!», деган бир мазмунни туйгани учун ҳам ўша машъум апрель кунлари ҳадеганда кўзи олдидан ўтаверди. Ўшанда ҳам у барибир онасини кечирмагандай бўлаверганди...

4

У Жамшид билан эндигина танишган, унинг акаларидан бири туман бош прокурори ўринбосари эканини, иккинчиси эса Москвада, Давлат думасида ишлашини ундан билиб олганди. Ке-

йинчалик йўлини қилиб улар билан ҳам танишиб олишни мўлжаллаб юрар, айниқса, кичиги, прокурор акаси уни ишга олиб кириб кетиши мумкинлигини ўйлаб, шунинг этагини тутишни кўзлаганди. Ана ўшанда мана шу прокурор – Шамшод катта акаси Фарҳоднинг олдига – Москвага кетатуриб, укаси Жамшидга унинг йўқлигини билинтирмай, ўрнига маҳалласидаги «Наврўз» байрамига чиқишини тайинлаб кетган эди. Худди ана шу анжуманга Жамшид оғайниси бўлиб қолган Журъатни ҳам олиб борган эди. Ўша ерда Журъат тоғасининг ўртанча куёви Қаҳрамонни кўриб қолди. Қаҳрамон юмшоқ феълилиги, қўли очиқ, камгап, бировнинг ишига аралашавермаслиги, яна талай фазилатлари билан унинг кўнглига ўтиришган эди. Унинг ҳам Жарариқда кичиккина бир дорихонаси бўлиб, ана шунинг ташвишида Бешоғочдаги кўтара савдо билан шуғулланадиган «Жўрабек» фирмасига қарашли дорихонага борганида онда-сонда Журъатни учратиб қолар, учратиб қолиб пича у ёқ-бу ёқдан гаплашишарди. Ана шу суҳбатларда Журъат ўзини унга яқин тутарди. Қаҳрамон бўш пайтларида элда машҳур бўлган ҳофиз Фазлиддин Усмоновга доиракашлик ҳам қилар, Аллоҳ унга берган бу иқтидордан дил-дилдан қувониб юришидан Журъат огоҳ эдики, буни бир-икки марта таъкидлаганининг гувоҳи бўлган, шунда ҳам буни калондимоғлик билан эмас, узр сўрагандай тарзда билдирганини кўриб, унинг андишалилигига қойил қолганди.

Улар маросимдан кейин сўрашиб қолишди. Пича ишдан сўзлашишди. Журъат унинг нигоҳидаги иккинчи бир маънони, яъни «тоғангнинг

ҳолини нега суриштирмайсан?», деган мазмунни сезгани учун анча ўнғайсизланган қиёфада:

– Тоға тузукмилар? – деб сўради.

Куёв қайнотасининг жияни «тоғам» эмас, «тоға» дейишидан таажжубланди. Аммо бунга хотинидан эшитгани бир «гап» сабаб эканини тахминлагани учун ҳам унинг «тоға» дейишига ўзини аҳамият бермагандай қилиб кўрсатди. Кўзларини юмиб, лабини тишлаган кўйи бошини у ёқ бу ёққа тебратди.

Унинг мазкур ишораси Журъатни ҳушёр торттирди: тоғасининг олдига боролмаганидан хижолатли бир овозда:

– Нима, оғирмилар? – деб сўради.

– Ўт пуфакни олиб ташлашди.

– Дори керакмасми? – деб юборди Журъат нима дейишини билмай. – Керак бўлса обориб ташлайман!

– Ҳаммаси бор, – деди Қаҳрамон чуқур тин олди ва қўшиб қўйди: – Имкон топсангиз, бир ўтиб қўйинг...

Журъатга унинг: «Имкон топсангиз, бир ўтиб қў-йинг», дейиши биров юзига тарсаки тортиб юбориши билан баробардек туйилди. Қулоғи шанғиллаб, вужуди ларзага келди.

– Нима, оғирмилар?!

– Дўхтирлар қайтариб юборди.

– Шу бугуноқ ўтаман! – деди Журъат, жони ачишган бир авзода, айни пайтда «қачон ўтишингиз ўзингизга ҳавола», дегандай унга нигоҳ қадаётган Қаҳрамонга изоҳ берган бўлди: – Қачон қайтарибди ўзи?!

– Кеча, – деди Қаҳрамон.

– Сиз ҳам ўтасизми? – сўради Журъат, сўнг эса бемаъни савол берганини ҳис этиб, изза бўл-

ди. «Савлатингга яраша савол бермайсанми?», деб қизаринқиради, ортидан эса: «Нима, ўтсанг унинг учун ўтармидинг?!», деб ўзини тергади, ичида биров: «Ҳа, ўтиш керак, тағин ўлиб-нетиб қолганида борсанг, Қаҳрамон деганлар: «Тириклигида келмовдинг, тоғанг ўлганида кириб кепсан-да», деб мазах қилиб ўтирмасин», деган бўлди.

– Ҳа, албатта!

– Менам ўтаман.

Шу маҳал Қаҳрамонни каравотдаги шериклари чақириб қолишди. У Журъат билан хайрлашиб, ўша ёққа юрди.

Журъат эса акасининг оғайнилари билан гаплашиб турган Жамшиднинг ёнига кетди...

Кечга яқин Кўкчадаги бозордан ярим банка қаймоқ, тўртта ёпган нон олиб машинасини Оқтепага қараб ҳайдади. Оқтепага етганда баҳор шамоли кучайиб дарахтларни тебратди, этни жунжиктирувчи изғирин турди.

Тоғасиникига кириб борганида биринчи кўрган нарсаси тўрт сотих ҳовлининг иккига бўлингани бўлди. Собит томонга каттароғу, укаси Обид томонга кичикроқ тақсимланган эди. «Шўттаям шайтонлик қипти Собит, ёмон аблаҳлик қипти. Укаси бир бечора, пул топиш у ёқда турсин оғзидаги ошини ҳам эплаб чайнолмайдиган бир гўл бола эди. Тирикчилигини бировларнинг гулини сотиш билан ўтказиб юрувди. Шунга жабр қилмай, ҳовлини тенг бўлиши керак эди», деб ўйлаб, икки-уч зина кўтарилиб, айвонга мўралади. Ҳайҳотдай айвон тўридаги дастурхон атрофида тоғанинг хотини, қизи, унинг онаси Соҳиба опа секин-секин бир нарсаларни пичирлашиб гаплашиб ўтиришарди. У онасига

кўзи тушиши билан юраги шиғиллади, бемаврид келганини ҳис этди. Оёқлари унга бўйсунмади. «Фазилат кеннойигаям мени ёмонлаётган бўлса керак, ҳойнаҳой», деган хаёлда, ичкарига киргиси келмади. Қайтиб кетиш яна бўлмайди. Чор-ночор баланд гавдаси билан эшикдан энгашиб ичкарига кирди.

Уни кўрганлар бир қўзғалишди. Ўрниларидан туришга тараддудланишганда, Журъат унамади, уларни ўтқаздириб қўйди. Фақат тоғанинг ўртанча қизи, Қаҳрамоннинг хотини Ёркинойгина ўрнидан туриб унинг қўлидаги нарсаларни олди.

Журъат кўрпачага ўтираётганида ичкаридаги уйдан тоғасининг инграганини эшитди. Жигар экан-да, юраги увушди. Омонатгина жойлашди. Кўзларини инграш эшитилаётган хона эшигига қаратди.

– Уйдагилар яхшими, келин, болалар? – деди кеннойиси Фазилат опа ҳансираган овозда, томоғидаги буқоғи «лўқ» этиб кўриниб қолди.

– Раҳмат, раҳмат, – деди Журъат, улар ортиқча саволга тутиб қолишларини истамагани учун ҳам ўзи сўроққа тутди: – Кеча опкебсизлар-да, дори-пори, уколлар қилдими? – у ана шуларни суриштираркан, юзини мумкин қадар онасидан олиб қочди.

Ҳар нафас олганида ҳарсиллаб, бир нарса эсига тушганидан «тавба, тавба» деб қўяётган Фазилат кеннойиси меровланиб турди. Сўнгра эса Журъат берган саволга:

– Қаҳрамон бояқиш опкемаган дори, кўрсатмаган дўхтири қолмади, – деб жавоб қайтариб, куёвини мақтади. Хаёлидан эса шу дамда: «Эрим мен ва болаларимнинг ўртасига тушиб

қайнонам шўрликни тоза дилини сиёҳ қилиб сўкаверар эди, мана энди ўша онасини хор-зор қилганларининг жабрини тортаяпти», деган ўй ўтиб, овоз чиқариб яна икки-уч бор «тавба-тавба» деганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Шу пайт Ёрқиной Журъат олиб келган қаймоқдан дастурхонга қўйди, нон ушатди. Унга пиёлада чой узатди, ҳол-аҳволини, бола-чақасини сўраган бўлди. У эса аҳамият бермай бош тебратди, бутун диққат-эътибори тоғасининг дардига қаратилганини авзойи орқали ифшо этди. Пиёладаги чойни ичмай дастурхон устига қўйди. Касал инграб ётган хонадонда чой ичиш ҳам унга малолдай туйилди. Шу пайт тоғаси тағин инграгани, «вой жоним» деб бор овозда йўталиб, ўхчий бошлагани эшитилди.

Журъат билан сўрашиш навбати онасига етиб:

– Ханжар, Гулруҳ яхшими? Гулюзни санаторийдан опкелдингми? – деб ҳол-аҳвол сўраган ҳам эдики, у онаси томон қараган бўлиб, бош чайқатди-да, «мен ичкарига кириб чиқайин», деган бир ишорада ўрнидан қўзғалиб, тоғаси ётган уйга йўналди. Онаси яна бир нарсани сўраганди, гапи оғзида қолди.

У хонанинг тўрида, кўчага қараган деразага яқин ердаги икки-уч қават кўрпачада ётган, устига оқ чойшаб ёпилган тоғасини бир аҳволда кўрди. Унинг тепасида Собит ва унинг хотини парвона эди. Собит кўз ёши тўкиб дадасининг қўлтиғидан ушлаб олган, ранги докадай оқарган хотини эса қайнотасининг териси пўст ташлаб ажралган, шишиб кетган қора оёқларини силашини қўймасди.

Тоғаси анча ориқлаб, янаям қорайиб кетган эса-да, баданидаги шиш туфайли узун гавда-

синининг эти қочгани сезилмас, бироқ худди ана шу шиш туфайли ҳам қорнини чангаллаб иҳраб-сиҳраб йўталар, йўталган сари ич-ичига кириб кетган кўзлари каттариб ёшланиб, ажин босган чувак юзи азобдан қийналарди.

У жияни Журъатга қўл чўзиб, бемажол, ингичка, эшитилар-эшитилмас овозда бир нималар деб ғўлдиради. Журъат бошида унинг нималар деяётганини ҳам, нима учун қўл чўзаётганини ҳам тушунмади. Фақатгина «тоғам мен билан видолашаяпти, шекилли», деган хаёлга борди.

Собит унга тушунтириб:

– Кел, сўрашайлик, деяптилар, – деди, дадасининг аҳволига ич-ичдан куйгани боис ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди.

Журъат унга яқин бориб титроқ қўлларига кафтини чўзар экан, тоғаси Жамол махсумнинг умри тугаганини, ётиш аҳволи бу бўлса, эрталабга ҳам бормаслигини ҳис этди. Юраги алланечук увушиб, бадани сескангандай жимирлаб кетди.

– Тоға, тузуксиз, Худо хоҳласа яхши бўп кетасиз,– деди-ю, бироқ бу айтаётган тасаллиси шунчаки омонат эканини, ҳақиқатда эса тоғасининг умри поёнига етганини дил-дилдан туйди.

Тоға иҳрашдан тўхтади. Журъат нима деяпти дегандайин ўғлига қаради. Ўғли унинг қулоғига яқинлашиб:

– Худо хоҳласа тузалиб кетасиз, деяпти, – деб тушунтирди.

– Бирорта дори керакмасми? – беморнинг кўнглини кўтариш учун калласига дурустроқ гап келавермаганидан сўради Журъат, шунинг баробарида қандай қилиб бўлса ҳам хонадан тезроқ чиқиб кетиш чорасини ахтарди. Тоғасининг қийналиб ётишини кўришни истамади.

– Ҳаммаси бор, – деди Собит.

Шунда Журъатнинг нигоҳи Собитнинг хотинига тушди. Ҳадеганда қайнотасининг оёқларини силашини қўймаётган келин унга аллақандай совуқ нигоҳда норозилик билан қарагандай бўлди. У дори керак-керакмаслигини сўраганидан сўнг келиннинг авзойи яна ҳам ўзгариб, қошлари чимирилганини ҳис этди. «Энди сўрайсанми? Шунча пайтдан бери қаёқда эдинг? Бегона эмас, ҳар ҳолда шу одамнинг жияни деган номинг бор эди!», дея хулоса чиқарди Журъат, ортидан эса Собитнинг хотинига тайинли жавоб қайтарган бўлиб: «Тоғам ҳам сен ўйлаганчалик фаришта эмас. Боя бекорга Фазилат кеннойим «тавба-тавба»лаб ўтирмади. Улар иккови раҳматли бувимга қанчалар озор етказишганини сен қаёқдан билардинг?! Тоғам онасига қилганларининг жабрини кўряпти! Бувим ўғлини менинг опамга ўхшаб хўрламаганди, бошида кўтариб юрарди!..», деган ўй-фикрларга борди, аммо шу дақиқаларда ўлаётган одам ҳақида ноўрин фикрга борганидан ўзидан норозиланди. «Шарти кетиб, парти қолган одам ҳақида бундай хулоса чиқаришинг нотўғри», дея ўзини ичдан койиди.

Жамол махсум яна инграшга тушди. Ортидан йўталишга тутинган эди, Собит унинг оқ белбоғ билан ўраб қўйилган қорнини маҳкам ушлаб олди.

– Менам қарашаймми? – деди Журъат. – Менам ёрдамлашаймми сенга Собит?..

– Йўқ, – унамади Собит. – Кесилган жойларидан қон оқиб кетяпти.

Журъат нима қилишини билмади. Уни тоғасининг ўзи қутқарди.

У сал йўталдан тўхтагач, бир нималар деб аранг минғирлади.

– Мен ўшанда тўғри гапни айтганман деяптилар. Сен билан рози-ризолик тилашяптилар, – деди Собит, кўнгли бузилиб.

Журъат тоғаси нимага ишора қилаётганини тушунди. Тоғасининг ўшанда айтган гапларини эслади. «Ўзингиз ҳам бувимни бўралатиб сўккан-ингиз эсингиздами? Опам эса... улар мени кўпчилик ўртасида шарманда қилдилар», деди ичида, шундай бўлса-да, тоғасига далда берди:

– Ҳали кўп йил яшайсиз, тоға, – шунда у илк марта тоғасини болалигидагига ўхшаб самимий тарзда «тоға» деганини сезиб қолди. Сездию шу дамда юрагида унга нисбатан хусумати қолмаганини ҳис этди. Юқоридаги бувиси ҳақидаги ўйни ҳам «болаларча норозиланиб айтдим-қўйдим-да энди», деб ўзича фикр қилди.

– Йўқ, умрим охирлади, деяптилар, – дея сассиз йиғлади Собит, дадасининг қон кета бошлаган қалин лабларини артди, яна қўшиб қўйди: – Ҳаммангга инсоф берсин, деяптилар.

Журъат тоғасининг сўнгги гапи ҳам унга қаратилганини сезди. Ортиқ унинг азобланишини кўришга тоқат қилолмади. Буни бемор ҳам сезди чоғи, қон кетаётган оғзини арта бошлаган ўғлининг қўли орқасидан ўзининг бемажол қўлларини силкитиб «бор-бор» деган бўлди.

– Қандай дўхтир керак бўлса менга телефон қил, Собит, ярим кечада бўлсаям етказиб опкеламан, – деди Журъат, хонани тарк этаркан, Собитнинг хотини тағин унга бир қараб қўйганини кўрди. Кўрдию: «Мана шу олакўз ёмонга ўхшайди! Ҳовлиям шуни деб бўлинган, ҳали гап чиқиб қолади-ку!..», деган хаёлда, эшикни орқасидан ёпди.

Фазилат кеннойисининг: «Бирпас ўтиринг, Журъат», деган манзиратига ҳам қулоқ солмай, ўз

узрини айтган бўлиб, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб ташқарига отилди. Фақат дарвозага етганида уни кузатиб чиққан Ёрқинойга юзланиб: «Дўхтир керак бўлса зўрлари бор! Собитга тайинладим, менга телефон қиларсизлар! Ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келаман!..», деб чиқиб кетди.

Лекин энди тоғасига на дўхтир ва на дори-дармон кор қилмасини уйдагилар сезишганидай, Журъатнинг ўзи ҳам жуда яхши билиб турарди.

У машинасида уйига қайтаркан, шамол қаттиқ туриб, йўл четидаги дарахтларни ағанатиб юборгудай бўлаётганини, теварак-атрофдаги уйларнинг томларидан тунука-шиферлар тарақлаб тушганини эшитди. Шопайзиқулоққа етганида момақалдироқ гумбурлаб қолди-ю, Журъатнинг эсхонаси чиқиб кетди. Шундай ҳам ваҳимали туйилаётган йўлни момақалдироқ овози яна ҳам қўрқинчли қилиб юборди. Асфальт йўл ўртасида елим халта бўлаклари, қоғоз-газета парчалари, ҳар турли сигарет қутилари, яна алланарсалар шитирлаб у томондан бу томонга учарди. Шу дамда унинг кўзига хонада инграганча бир ҳолатда ётган тоғасининг заъфарон юзи, оғзидан қон келиб, лаблари четидан иягига оқиб тушишлари кўриниб кетди. «Наҳот, инсоннинг ҳоли шу бўлса?», деб ўзига савол бериб, манзилига тезроқ етиш илинжида рулга маҳкамроқ ёпишиб, тезликни оширди. Ҳали Чилонзор Оқтепаси у ёқда турсин, Тошкентда машҳур бўлган Маннон самоварчининг жарликка яқин тепаликда жойлашган чойхонасига етиб улгурмасидан, машинаси ёнгинасига йўл четидаги теракнинг йўғон бир шохи «гуп» этиб ағанаб тушдию, жон ҳолатда тормоз берди. Ичидан бир нарса «чирт»

узилгандай бўлди. Миясига бир онда қайдандир «тоғамнинг жони узилмаганмикин?», деган ўй келди. Ана шу ўй келиши ҳамоно юрагидаги ваҳима ҳам қайгадир ғойиб бўлганини ҳис этди. Шоша-пиша машинасидан тушди. Рўпарада йўлга кўндаланг бўлиб тушган йўғон терак шохига қараб қоларкан, «Машинамнинг устига тушса нима бўларди? Нақ мажақларди-я! Худо бир асради мени!», деб кўйлагининг ёқасини кўтариб ичига туфлаган бўлди. Киссасидан «Кент» тамакисини чиқариб, ичидан бир дона суғурди-да, ёндиргич кўмагида тутатиб олаётганида қўли қалтираётганини, юраги темирчининг босқонидек «гурс-гурс» ураётганини сезди. Яна ундан рози-ризолик тиланаётган тоғасининг аҳволи кўз ўнгида намоён бўлди. У яна «мен сенга ўшанда тўғри гапни айтганман, ишқилиб Худо сенга инсоф берсин!», деётгандек бўлди гўё. Журъат шу дамда бутун борлиғи қизий бошлаганини, тили қуриб, томоғи қақраганини туйди. Осмон четига қирмизи шафақ ёйилиб, қуёш уфққа томон ёнбошлаган, теварак-атрофга ғира-шира қоронғилик чўкмоқда эди. Ҳозиргина момақалдироқ гумбурлаб, жала қуйишидан ваъда қилган булутлар ҳам ҳар қаёққа тарқаган, одам этини чимчилаб олувчи изғирин шамол ҳам ҳовридан тушган, терак шохлари энди ваҳимали эмас, енгил шивирлаб, оҳиста тебранарди. У ярим чақирим наридаги жарликка қараб юрди. Шу дамда унинг ҳаётини бўлак бир кўчага буриб юборгани ўша уйидан кўчиши воқеасини бирин-сирин ёдга олди..

5

Журъатларнинг ҳовлиси Қоратош билан Бешёғочнинг туташган еридаги Қовурмоч маҳалласида эди. Ғарб томондан эски «Ёшлик» кўлига бориб тақалган, ҳозирда бу кўл «Миллий боғ» тусини олган. Хилхонаси Камолон дарвозада бўлиб, раҳматли дадаси ҳам ўша ердаги Хўжа Аълам Бардор қабристонига дафн этилган эди.

Ўнг томонида икки амакиси оиласи билан, сўл тарафида улар – беш киши яшайдиган кафтдеккина ҳовлига бир куни катта аммаси Хадича калта (уни бўйи паст бўлгани, яна бир оёғини сал ташлаб босгани учун шундай дердилар) йиғи қилиб келиб қолди. Ҳали девор олиб, иккига бўлинмаган ҳовлининг қоқ ўртасидаги алмисоқи юк ташувчи автомашинанинг кузовидан ясалган чорпояда ястаниб ўтириб, куя егандайин кўринмай қолган қошларига ўсма қўяётган онаси Мастон кампирнинг тепасида йиғи-сиғи қилиб туриб олди.

– Ҳа, нима гап? – деди Мастон кампир қизининг йиғисидан эсхонаси чиқиб. – Нима бало, эринг урдими?!

– Эрим урса майли эди, ойи, – йиғлашдан тўхтамади Хадича калта, чуваккина юзида ҳам ташвиш, ҳам қўрқув аломати зоҳир эди. – Тушимга акам кириб чиқдилар, акам!.. Комолон дарвозадаги мозорнинг тупроғига аралашиб ётган кесак билан нақ пешанамга туширсалар-да!..

– Қани, ғурра бўлмабди-ку Хатча ўлгур, нега ваҳима қиласан?! – дея ҳазил аралаш қизидан норозиланди Мастон кампир, ҳақиқатда эса ўсма суртаётган сертомир, териси буришган

қўллари титраб кетганини у билан биргалашиб ўсма қўяётган тўнғич келини Соҳиба сезди.

Келини унинг қўллари титраётганига аҳамият қаратганини пайқаган кампир сир бой бермай қизига юзланди:

– Қани, нима дейсан?!

– Сен дейдилар, менинг ўғлим қолиб, ўзингнинг ўғлингни уйлантириб қўйдинг, дейдилар. Ҳадеганда менга димоқ қиладилар-да! Мундоқ олиб қарасам, ҳақиқатда уларнинг гапларида жон бор. Журъат Мансуримдан икки-уч ёш катта экан...

Чўпдек қамиш бўлагини сиқилган ўсма билан тўла пиёланинг кетига ботираётган Соҳиба опа «ялт» этиб қайнанасига қаради. Ўғлини уйлантиролмаётганидан уялди чоғи, оқ-сариққа мойил чўзиқ ва тўгарак миёнасидаги юзи қизарди. Қўяётган ўсмаси ҳам унга татимаганидан ҳафсаласи пир бўлгандай бир тарзда уни кигизга ташлади.

Мастон кампир келинининг ранги ўзгарганидан унинг шахти тушиб кетганини, ўсма қўйишни ҳам истамай қолганини балодай сезди. Шунда ҳам ҳеч бир туси ўзгармасдан қизига мурожаат этди:

– Хўш, нима қил дейсан?!

– Қулоқ солинг-да, Соҳиба, – у кўрган туши сабаб бўлиб ҳовлиқиб келган қайнэгачисининг тутуруқсиз гапларидан, йиғи-сиғисидан энсаси қотаётгандай кўринган келинига юзланди. – Келиним Маржоннинг тоғасида бўйи етган қизи бор экан. Ҳуснда тенги йўқмиш...

– Ақлда тенги йўқ бўлсин, Хатчапа.

– Ақли ҳам ҳуснига яраша бўлса керак, – келини унинг сўзларини охиригача эшитмай гап қўшишидан ранжиди Хадича калта, кейин Мастон кампирга юзланди: – Шунга совчи қўйсак

нима дейсиз ойи, ҳарҳолда невара боққан сизку, ахир?!

Хадича калтанинг «невара боққан сиз»и тағин Соҳиба опанинг жаҳлини чиқарди. Қайнэгачисига қовоғини уйиб олди. «Онанинг ўттиз ой сут берганлари, кечалари мижжа қоқмай чиққанлари, яхши ювиб, яхши тарагани, болани оёққа турғизгани, эри йўқлигини билинтирмай шуларга нон опкелай, гўшт опкелай, қорни оч қолмасин, кийими бут бўлсин, тан-жони соғ бўлсин», дейишлари бир ёқда қолар экан-да, бувининг бир соат-ярим соат бола боққани бошқаларнинг кўзига кўринаркан. Яшшамагурлар, яна шу гапни боланинг қулоғига қуйганини-чи: сени бувинг боққан, сени бувинг катта қилган!», деб ўйлади Соҳиба опа.

Мастон кампир бало эди. Келинининг хаёлидан тахминан қандай ўйлар кечаётганини фаҳмлади. Яна қизининг ҳовлиқиб шу гапни топиб келгани ҳам унга ёқмаганини, ёқмасликдан ҳам бурун энсасини қотирганини пайқади. Пайқадию бу масалада ҳал қилувчи овозга Соҳиба эгалигини билдириш илинжида қизининг таклифини унинг ҳукмига ташлаган бўлди.

Соҳиба опа бўлар-бўлмасга гапиравермайдиган, босиқ, камгап аёл эди. Гап келганда «писиллатиб» олар ёхуд илиб олиб-илиб олиб гапирарди. Унинг бу феълини қайнанаси ҳам, қайнэгачиси ҳам билишарди. Шу сабаб ҳам Мастон кампир бу масалани аввалambор унинг инон-ихтиёрига ташлашни маъқул, деб билганди.

– Қани, Соҳиба, сиз нима дейсиз, ҳар ҳолда ўғил сизники?!

Соҳиба опа қайнанаси айёрлик қилиб бу масалани унинг ҳукмига ташлаган бўлганини, ҳақиқат-

да эса, истаса ундан сўраб ўтирмай ҳал қилиб юбораверишни мумкинлигини яхши сезгани учун ҳам пича ўйланиб турди, сўнг эса ўзининг феълига хос бўлган босиқлик билан жавоб қилди:

– Қайдам, Журъатнинг олдидан ўтиш керакмиди? Ҳар қалай бу умр савдоси-ку, ахир!

– Журъат нима дерди? Мен уни кўндираман! – кўкрагига муштлаган бўлди кампир. – Ҳаҳ илгариги кучларим бўлса-ку, ўзим чопиб-чопиб совчиликка қатнар эдим-а! Мана бу оёқнинг дўмбирадек шишганига қаранглар! Шу ҳалал беряпти-да, яшшамагур!..

– Журъатга ёқади, жа-а ўзига тўқ оиламиш. Ота-онаси птицапромда ишлашаркан, Маржон келинимнинг айтишича. Уйизни товуқ билан курка босиб кетармиш, – дея Соҳиба опанинг елкасига туртди Хадича калта, ортидан эса онасига кўз югуртираркан: «Мен топсам ана шундай бой-бадавлатини топаман», деган бир мазмунда қош қоқди, лабини буриб илжайди.

– Чип-чип жўжалари-им экан-да, – дея хахолаб кулди Мастон кампир, дам қизига, дам келини Соҳибага қараб қўяркан. У бу ҳазилни бошқалар еб, у қуруқ қолгандай ҳалидан буён қовоғини уйиб олган келинининг дилини ёриштириш учун айтганини юз ифодасида ошкор этишга тутинди.

Соҳиба опага унинг мазах қилган йўсинидаги кулгиси айил ботди. «Ҳали йўқ нарсага бу нимаси эди?», деган маънода қайнанасидан норози бўлиб, бир-бирига туташган пайваста қошларини чимириб, пешанасини тириштирди, сўнг эса қайнэгачиси томон ўгирилиб:

– Бойлик нима қип берарди Хатчапа, ўзи яхши бўлсин жаҳонда, – дея топиб гапирган бўлди.

– Бойлик ҳам керак, жа-а қоқтилоғиям бўлмайди. Киши кўзи тўқ бўлсин дунёда, – деб қизининг сўзларини маъқуллади Мастон кампир, у «дунёда» сўзига ўзгача бир урғу беришининг боиси, келини ишлатган «жаҳонда» сўзи унга таъсир этганидан эди.

– Эрим оддий бир ишчи ўтган бўлса, ўзимиз қўл учида кун кўриб юрган бўлсак, ота-онаси шундай мўмай пул тушадиган жойда ишларкан, қизини бизга берармикин? Иккинчи томони, уй-жойимиз мана бу аҳволда! – у ҳовлининг паст тарафидаги икки уй ва бир кичиккина айвонга, яна ана шу дўппидеккина тор уйда беш киши яшашига шама қилди.

– Уй бўлса тезотар қурилар. Ҳозир ҳаммаям шу аҳволда кун ўтказяпти. Биздан ҳеч бир ортиқчалик жойи йўқ. Нима қипти ҳовлига?!

Хадича калтага кеннойиси ўзларини камситиши, «...ота-онаси шундай мўмай пул топадиган жойда ишларкан, қизини бизга берармикин?», дейиши қаттиқ тегди. Ана шу қаттиқ теккани учун ҳам унга жаҳл билан жавоб қайтарди:

– Нега бермас экан?! Қани, отаси бермасин-чи, ўғлимнинг қўйнига солиб қўйганим синглисининг қизини кўч-кўрони билан уйига жўнатиб юборарман! Қани, бермай кўрсин-чи!..

Мастон кампир эгнидан қишин-ёзин тушмайдиган енгсиз қора бахмал нимчасининг чўнтагидан дўлана тасбеҳини чиқариб, бармоқлари орасидан бирин-сирин ўтказар экан, уларнинг гап-сўзларига пича қулоқ солиб турди. У бир ишга жиддий киришса ёхуд киришишни мўлжаллаб турса, ўлжасини пойлаб турган бургутдай бир нуқтага тикилиб, тасбеҳ ўгиришга ту-

шарди. Ҳозир ҳам унинг ташқи авзойида ана шу ҳолат зоҳир эди.

– Журъатни кўндириш менинг зиммамда, сизлар аралашманглар, вассалом!..

Ўзи шундоқ ҳам ўн беш-йигирма чоғли жон аранг умргузаронлик қилаётган кафтдеккина ҳовлига шошилинч тарзда бир кичик айвончали уй ҳам қурилди, ундан ортиғига ҳовли торлик қилди. Кеч кузга бориб тўй ҳам бўлиб ўтди. Мастон кампир ва Хадича калта истаганлари «кўзи тўқ» оиладан бўлган келин ҳам шу уйга тушди. Икки ёшнинг висол оқшомларини очиб берувчи маҳалла оқсоқолининг таърифлашича: «Журъатдек бир йигит Гулчеҳра бону исмли шарм-ҳаёни билган иффатли ёрга, Соҳиба опадай қайнана эса оёқ-қўли чаққон, латофат ва назокат бобида тенги йўқ бир киройи келинпошшага эга бўлдилар!» Аммо...

Аммо Журъат Қорасувдаги Сокина хоним исмли тожик аёл бошлиқлик қиладиган кийимкечак дўконига ишга кириб, бир йил-ярим йил ичида иши юришиб қолганида онаси билан ораларидан «қора мушук» ўтиб қолди.

Ҳамма жанжал ҳаёт қуришларининг иккинчи йилида, қишнинг аёзли бир кунида хотини Гулчеҳранинг иккинчи боласи тушиб қолганидан сўнг бошланди. Ўшанда икки қайниси ва қайнсинглисининг кирини ювган Гулчеҳра мағзавани қаерга тўкишини билмай, қорни дўппайган ҳолда кўча адоғидаги жарликка олиб бориб ағдараётганида қовуғини чангаллаб қолди...

Гулчеҳранинг боласи чала туғилди. Унинг олдидан маст ҳолда қайтган Журъат аламини ўша куни мағзава тўкишга ёрдамлашмаган, кўлга коньки учиш учун чопиб кетган укасидан олди.

Онасининг ҳайҳайлашига ҳам қарамай Суръатнинг оғзи-бурнини қонатди.

Соҳиба опа тўнғич ўғлининг бундай бешафқат хатти-ҳаракатига чидолмади, кенжаси Суръатнинг қора қонга бўялган кийим-бошини кўтариб тўғри Журъат ишлайдиган дўконга, Сокина хоним ҳузурига шикоят қилиб борди.

Кечга томон уларнинг хонадонида яна жанжал бўлди. Ишдан одатдагидан эрта қайтган, бу сафар ҳам ичкилик ичиб олган Журъат онасига дўқ уришини қўймади:

– Нега ишхонамга борасиз? Нега мени кўпчилик ўртасида шарманда қиласиз?! Тупурдим, ҳаммангизга!..

Ўғли беш-ўн танга топиб, қўли пул кўрганидан босар-тусарини билмай қолиб, уларнинг барчасига тупурганини, ичкиликка ружу қўя бошлаганини кўрган она аввал қайнанаси Мастон кампирга, сўнгра қайниларига, бирда уникига ташриф буюрган акаси Жамол махсумга кўз ёши тўкди, уринишларидан ҳеч бир натижа чиқавермагач, кўпчилик бўлиб ҳам ўғлини тўғри йўлга солишолмагач, маҳаллага арз қилди.

– Энди менинг устимдан маҳаллага арз қилиб чиқишингиз қолувди?! – яна ичиб келиб онасига дўқ-пўписа қилишга тушди Журъат. – Нега у ерга чиқасиз? Ким ўзи сизни менга қарши қўйяпти?!

– Ким ўзи сизни менга қарши қўйяпти, дейди-я! Мана бу хулқинг, виждонсизлигинг мени сенга қарши қўйяпти! – нечанчи бор кўз ёши тўкди Соҳиба опа, ортидан эса: – Бу сафар энди газетага ёзаман, бошқа илож қолмади!.. – деди-да, қайси бир таҳририятда ишлайдиган жиянининг исмини тилга олди.

– Қўлингиздан келганини қилмайсизми?! – онасига қўл силтаб, елкасига костюмини ташлаган кўйи ҳовлидан чиқиб кетди Журъат.

Соҳиба опа ҳеч нарса қилолмади. «Ҳе, пул қутуртирмай ўлсин, сенгинани!», деганича остонада мўлтираб қолаверди. Ўйлаб-ўйлаб, бир куни ишдан қайтаётганида Навоий театри ёнидаги ўн етти қаватли «Матбуот уйи»га кириб, жияни Анварни ахтариб топди. Унга бор гапни тўкиб-сочди.

– Мен нима қилолардим, Соҳиба опа. Ўзимнинг оилавий аҳволимдан хабардорсиз, хотин томондагилар юқорига ёзгани-ёзган, ишдан бўшатиб юборишмоқчи!.. Худо ўзига инсоф бермаса қийин! Сиз яхшиси тоғамга айтинг, Журъат тоғамга қулоқ солади – деди жияни.

Соҳиба опа акасининг олдига шикоят қилиб бормади, «Анварнинг гапида жон бор. Нима қилсаям тўнғич ўғлим-ку, зора, Худо ўзига инсоф бериб, укаларига бош бўлиб уларни уйлантирса! Бу ёқда тез кунда қизимнинг ҳам бўйи етиб қолиши бор!...», дея турли хаёлга бориб, бу сафар ҳам дардини ичига ютди.

Аммо Соҳиба опанинг дардини ичига ютиши кўпга бормади. Куз кунларининг бирида, ишдан қайтгач, уйга кирган эди, хонанинг ичи ялтироқ целлофан халталарга солинган кийим-кечак моллари билан тўлганини, ҳамма ёқни аёлларнинг сўнгги урфдаги ёқаси ламали пальтосию ўша пайтларда топилиши амри маҳол бўлган, ҳамма ҳам етишавермайдигани, фақат кироийи ва амалдор эркакларнинг эгнида кўриш мумкин бўлган Финляндия плаши босиб кетганини кўрди.

Соҳиба опанинг эсхонаси чиқиб кетди. Нима қилишини, додини кимга айтишини билмай ке-

линини ахтариб уйига кирган эди, ўғлининг уйи ҳам ажнабий юртларники эканини замогига осиғлиқ ялтироқ ёрлиғи айтиб тургани, енгларида икки қатор сариқ йўли бўлган кўк, яшил рангдаги ўсмир болалар курткалари билан тўлалигининг шоҳиди бўлди.

Соҳиба опа ҳар турли хаёлга бориб, саросимага тушди. Бошига рўмолини ўради, эгнига асл рангини йўқотган эски плашини кийди, оёғига калишини илиб, Қорасувга қараб жўнади. Сокина хонимнинг қабулида кутиб ўтирган эди, қаёқдандир дарров Журъат пайдо бўлиб, уни сўроқ қила кетди:

– Нега бу ерга келдингиз? Иккинчи марта дўконга қадамингизни босманг деган эдим-ку!..

Она-боланинг шовқинларини эшитиб, Сокина хоним хонасидан чиқди. Қабулхонада ўтирган Соҳиба опа ва Журъатни дарров ичкарига олиб кириб кетди-да:

– Ҳа, нима гап ўзи, тинчликми?! – деб аввал Журъатни сўроққа тутди.

– Мен бу кишидан тағин нега бу ерга келганларини сўраяпман, – деди Журъат дўкон бошлиғига, айни пайтда онасига еб қўйгудек бўлиб ўқрайди, кўзларининг ола-куласи чиқиб кетаёзди.

Сокина хоним кийим-боши бир ҳолатда бўлган Соҳиба опага мутакаббирона қараб қўяркан:

– Ҳа, ўғлингиз тўғри айтяпти, бўлган-бўлмаганга нега келаверасиз? – деб Журъатнинг ёнини олган бўлди. – Бу ердагилар Журъат ҳақида нима деб ўйлайди?!

– Бошқаларнинг нима деб ўйлаши мени қизиқтирмайди! Аммо...

– Нима аммо? – дея ўрнидан сапчиб туриб кетаёзди Журъат.

– Уйдаги шунча кийим-кечак моллари қаёқдан келди? Сенда бунча нарсага етадиган пул йўқ эдику, тағин булар ўғирлик моллар бўлмасин?!

– Ўзи сиз қанақасиз? Онамисиз ё менинг душманимми?!

– Мен сенинг онангман! Душманинг бўлганимда бу ерга келмасдим!

– Ҳақиқатан ҳам қизиқ экансиз, опа, – унга сўз тушунтирмоқчи бўлди Сокина хоним. – Ўғирлик молни биров бериб қўймайди!

– Бўлмасам шунча камёб молларни бу қаердан олади?!

– Сизларга бир нарса бўлсин деб ҳаракат қиляпти-да! Уст-бошингизга бир қаранг! Иннайкейин, иннайкейин, укаларимни уйлантирай деб ўзини ўтдан-чўққа уриб юрибди!..

– Менга бундай ўзини ўтдан-чўққа уриб юришининг ҳечам кераги йўқ! Бундай қилиб укаларингни уйлантиришинг ҳам керак эмас!

– Қандай қилиб уйлантирамиз унда? Ана, Суҳбатизни кўриб турибсиз, кўчада ўзига ўхшаган тўртта оғайнисига қўшилиб қарта ўйнашдан, ошиқ тепишдан бери келмайди! Уларниям ҳеч тергайсизми ўзи?!

– Уларниям тергайман! Лекин сени бошқача тергайман! Сен менинг тўнғичимсан!..

– Опа, менга қаранг!.. – гапни қисқа қилинг дегандай бир мазмунда қуюқ қора қошларини паст-баланд чимирди Сокина хоним. – Бу товарлар меники эди! Журъат, уларни шу бугуноқ меникига обориб ташлагин, бўлдими?!

– Шундай қилинг, барака топкур. Менинг хонадонимдан шу бугуноқ опчиқиб кетинг.

– Сиз менга она эмассиз! Менинг душманим экансиз! Мана, менга оналик қилаётган аёл!..

Соҳиба опа ўғлининг сурбетлигидан йиғлаб юбораёзди:

– Ҳали шундай бўлдими? – деди.

– Ҳа, шундай бўлди! – тап тортмади Журъат. – Сиз менинг устимдан газетага ёзмоқчи бўлган онасиз-да!..

Соҳиба опа хонадан ҳам, дўкондан ҳам қандай қилиб чиқиб кетганини билмади. Шу куни у юм-юм йиғлаб тўғри акаси Жамол махсумнинг уйига борди. Унга бўлган воқеани айтиб берди. «Эй, баччағар, чатоқ иш қипти-ку! Қани, менам бир гаплашай-чи, зора, инсофга келиб қолса!», деди акаси Жамол махсум. Эртаси куни жияни Журъатни қидириб дўкон омборидан топди. У икки-учта гумаштасига қўшилиб «қиттак-қиттак» қилаётган эди. Қош-қовоғини уйиб олган тоғаси Жамол махсумни кўриши ҳамоно Журъатнинг кайфи учиб кетди.

– Ҳа, акаси, нега бундай бўлди? – сўради у жияни иккови ташқарига чиқишганида. – Отасининг ўғли бундай номаъқулчиликларни қилмайди-ку?! Отанг Эркин унақа одам эмасди-ку?!

– Отамниям мана шу синглингиз азоблаб юборган! – тоғасига дабдурустдан баланддан кела бошлади Журъат. – Энди сиз келдингизми ишхонамга?!

– Ҳўвв жиян, сал пастга туш! Ҳе, ичган арағингдан ўргилдим! – унга бўш келмади тоға.

Журъатнинг бирдан попуги пасайди, зорланишга ўтди:

– Нега ишхонамга шикоят қилиб келадилар? Ўзи бир марта шарманда қилганлари каммиди?!

– Шикоят қилган бўлса сени ёмон бўл дебдими? Шунча молни қаёқдан олди деб кепти, буни нима ёмон жойи бор?!

– Нима, бойисам ёмонми?! Ўғлим шу ишларни эплабди деб хурсанд бўлмайдиларми?! Ҳадеб ношукрлик қиладилар! Юришларини қаранг! Менам шуларни кийинтирай, укаларимни уйлантирай деб ўзимни ўтдан-чўққа уриб юрибман!..

– Бойишда ҳам бойиш бор, жиян! Энди тергашига келсак, она бўлгандан сўнг у тергамай ким тергайди? «Отамниям азоблаган», дейсан! Отанг ўз ажали билан кетган, юраги ёмон эди раҳматлининг! Қолаверса, уям сенга ўхшаб мана бундан отар эди! Мен ўзим уни яхши кўриб куёв қилганим учун неча марта айтганман: барака топкур, бу юрак билан ичкилик ичишни бас қилинг, деб... Йўқ, билганидан қолмади! Умри қисқа экан раҳматлининг! «Отам, отам», дейсан? Отангни сендан яхши биламан-ку! Неча марта бирга Масковга сабзавотлар оборганмиз-ку!..

– Қачон қараса жанжал қилардилар синглингиз!..

– Жанжал қилса, даданг ичиб келавергани учун қилган! Рўзғорда етишмовчилик бўлавергани учун, сенларга яхши қарасин деб қилган-да! Иннайкейин, жа-а оғзингни тўлдириб «синглингиз!» дейсан? Соҳиба менга сингил бўлса, сенга она-я! Шуни ҳеч ўйлайсанми?!

– Менга душманлик қилдилар! Душманам бу ишни қилмайди!

– Тузук, бу душман бўп қопти-да, бошқалар дўст, сенга она мақомида, ўрнида бўп қопти-да, а?!

– Сокина опани назарда тутаётган бўлсангиз, ҳақиқатда онам қилмаган яхшиликни қиляптилар. Шу боланинг бири икки бўлсин деб жон куйдириб юрибдилар.

– Ҳўвв, жиян, шу гапимни икки қулоғинг билан эшитиб ол, дунёда ҳеч ким сенга онангчалик

жон куйдирмас, онангчалик дўст бўлмас экан! Бошқаларники миннатли бўлади! Ҳали кўрарсан, гувоҳи бўларсан, тоғам бир айтувди, дерсан! Аммо онангники, сенга жон куйдириши, кетингдан йиғлаб-сиқтаб юришлари, ҳалол луқма топ, дейишлари беминнат! Ҳа, ҳали ўзинг кўрарсан! Бекорга машойихлар, жаннат – оналар оёғи остида, демас эканлар! Буни мен бошимдан ўтгани учун айтяпман. Менам сенга ўхшаб ойимни кў-ўп азоблаганман, мана энди болаларимдан кўриб ётибман... онамнинг тирноғига зорман, бир оғиз илиқ сўзига муштоқ ўтяпман! Яхшиси, вақт борида онангдан узр сўра! Ҳали у сенга кў-ўп керак бўлади, кў-ўп...

Журъатга тоғасининг бу сўзлари сафсатадек, сафсатадан ҳам бурун дийдиёдек, эркак одамнинг йиғламоқдан бери бўлиб дийдиё, иддао қилишидек бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам унинг бу иддаосига заррача аҳамиятини қаратмади. Дангалчилик қилган бўлиб:

– Мен энди у ҳовлида турмайман, кўчиб кетаман! – деди унга бақрайиб боқиб.

– Укаларинг, синглинг-чи? Ҳечқурса Суҳбатни уйлантирмайсизларми, кейин кетавермайсанми? Шунда ҳам аввал опангни рози қилиб...

– Уларга бошқа ёқда турибам ёрдам бераверараман! Укаларимни уйлантиришгаям, синглимни узатишга ҳам бош-қош бўлаверараман, аммо-лекин у хонадонда ортиқ турмайман! Узоғи билан кейинги ҳафтада кўчиб кетаман! Елкамнинг чуқури кўрсин-э!

– Ким билан маслаҳатлашдинг?

– Бувимга айтдим! «Мен барибир кетаман», дедим! Маҳалладан Мадрайим полвонминан маслаҳатлашдим!

– Тузук, онанг қолиб, бу ёқда мен қолиб, ҳеч нимада йўқ, фақат томошаларда кураш тушиб юрган бир кас маслаҳатгўйинг бўпти, жиян! Бирор турар жой топдингми ўзи?..

– Ҳозирча Сокина опанинг бир танишиникида яшаб турамиз, кейин бир гап бўлар!..

– Гап бу ёқда экан-да! – катта-катта қўйкўзларини ярим юмиб, ўзича бир нарсаларни мулоҳаза қилиб узоқ жим қолди Жамол махсум, сўнгра жиянига ортиқ бир оғиз сўз демай, хайр-хўшни ҳам насия қилиб дақюнусдан қолган «Москвич–407» русумли эски машинасига ўтирдию жўнади-кетди.

Аммо Журъат кўчиб кетадиган куни тоғаси осмондан тушгандай пайдо бўлди-да, яна ўша кунги гапини такрорлади:

– Ҳалиям бўлса шахтингдан қайт, жиян, онангни ўйла!..

Юк машинасининг тумшуғига яқин туриб олиб, қаппайиб чиққан қорнини силаганча юк ортувчиларга бош-қош бўлаётган Мадрайим полвон орага тушди:

– Махсум ака, бола бечорани онаси жа-а қийнаб ташлади, энди сиз аралашманг! Қайси она шундай ўғлининг устидан ҳар ерга шикоят қилиб бораверади? Қани, менга айтинг-чи? Боя шу гапни Мастон бувигаям, амакиларигаям айтдим! Нима, Журъат бойиса ёмонми?!

– Сиз билмаган нарсангизга аралашманг, полвон! Сиз тек туринг!

– Тек турмайман, Махсум ака! Сиз чапани бўлсангиз, мен сиздан ўтиб тушганиман!..

– Ким айтди сизга мени «чапани» деб?

– Шу пиғил сизда бор, Махсум ака, бор!

– Хўп, бўлса сизга нима?

– Йўқ, энди айтаман-да!

– Беайб Парвардигор, полвон, ҳар тўкисда бир айб! – ундан норозиланди махсум, қизишиб кетганидан хўрозга ўхшаш қизил бўйнидаги йўғон-йўғон томирлари бўртиб кетди.

– Шундайликка шундайку-я, аммо мен Журъатнинг отаси билан ошна бўлсам, нега энди тек турарканман?! – махсумнинг юқоридаги силтаб гапириши қаттиқ текканидан кекирдагини чўзди Мадрайим полвон.

– Биламан, қандай ошна эканликларингизни! Мана бу нарсада ошна эдинглар, – деб томоғига чертиб араққа, улфатчиликка ишора қилди Жамол махсум. – Ўлар чоғида кунига бирортангиз ярамадингиз, кунига мана шуларнинг ёмон онаси, менинг синглим яради!

– Ёлғон гапирманг, Махсум ака! Кимлар ўтмаган жойда турибмиз, мен икки-уч марта кўриб келганман! Ҳа, бормади деманг, мен Эркинни жа-а ҳурмат қилардим, яхши кўрардим! Мана, ўғлига қаранг, манави унга зиндонхонага айланаёзган, ҳа, Махсум ака, синглингиз туфайли унга зиндонхонага айланаёзган ҳовлидан кўчар чоғи Худо унга «кўк тулпор» берибди, гижинглатиб миниб келди уни! Ана шунинг ўзи унга кўчишининг ёқаётгани эмасми? Боланинг йўлини тўсманг! Укаларига, синглисига келсак, бошқа ерда яшабам улардан яхшилигимни аямайман, деяпти! Журъат сизминан менга ўхшаган ўғилбола, бошқа ерда яшасаям жигарларидан яхшиликларини аямайди, тўғрими, Журий?!

Жамол махсум нима дейишини билмай қолди. Журъат хотин-боласини ўтқазаётган кўк рангдаги «Жигули-06» русумли енгил машинага яқин борди-да:

– Ҳеч бўлмаса, онангнинг келишини кут, фотиҳасини олиб кет, яхши бўлади жиян, майли энди бўлар иш бўпти, – деди, энди чека бошлаган сигаретини аччиқ устида оғзида бир-икки тишлаган бўлди-да, сал наридаги ариққа қараб итқитди, орқасидан ўша ёққа тупурди.

Журъат тоғасининг гапига қулоқ солмади. Мадрайим полвоннинг буйруғидан сўнг юкни ташиш учун ёлланганлар юк машинасига чиқишди, Журъат эса онаси келиб қолиб тўполон кўтаришидан чўчиб тезда «Жигули»сига чиқиб ўтирди.

Уч-тўрт эшик нарида тўпланиб, шу ёққа нигоҳ қадаётган қўшни аёллар томон ижирғаниб қараб қўйган Жамол махсум аввал устидаги костюмини ечиб, чапанича юриш билан машинасининг орқа эшиги ойнасидан ичкарига улоқтирди-да, сўнг эса худди ана шундай тарзда бир елкасини баланд, иккинчисини пастга тушириб, қўлларини паншаха қилган кўйи Журъат ўтирган «Жигул»га яқинлашди-да, ойнага энгашиб:

– Шу дўст-душманнинг олдида онангни хўрламай дуосини олиб кет, жиян, машинани топасан, аммо онани тополмайсан, ҳўвв эркак одам!.. – деди, кўзларини жиянига жавдиратди, ортидан эса, кариллаб ҳеч кимга гап бермаётган Мадрайим полвоннинг ёнида изза тортгани учун ҳам яна шимининг киссасига қўл суқиб «Прима» сигаретини чиқарди.

Журъат унга қулоқ солмади. У тоғасидан ўтиб тушган ўжар эди, Мадрайим полвоннинг «қани, марш!»идан кейин юк машинаси ортидан ўз машинасини ўт олдириб, ғизиллатиб ҳайдаб кетди-қолди.

6

У Рашид Нўъмоновичдан Покиза икковига эсдалик бўлиб қолган бешинчи қаватдаги икки хонали уйга кўтарилди. Уй Лабзакда, Шўрогача эски туркона шаклда қуббасимон қурилган ҳаммомнинг ёнида бўлиб, ўн икки қаватли бинода эди. У чап қўлидаги халтани оёқлари орасига қўйиб турди-да, шимининг киссасидан калитни чиқариб, қўшни эшиклар томон мўралаб олиб, оҳиста темир эшикнинг бурнига суқди. Бошқалар кўришидан чўчиб секингина уни ўнг томонга икки марта буради, эшик «шиқ» этиб очилгач, у яна бир марта орқасидаги, ёнидаги эшикларга хавотирланиб кўз югуртирди-да, ичкарига кириб олиб, эшикни қандай очган бўлса, яна шундай оҳисталик билан ёпди. Йўлак чироғини ёқмай залга ўтди. Қўлидаги олиб келган нарсаларини хона миёнасидаги катта тўгарак столга қўйди. Хона жиҳозлари – тўрдаги жигарранг сервантга, ён томондаги диван, иккита оромкурсига, улардан юқоридаги «Самсунг» маркали рангли, кенг экранли телевизорга бир-бир кўз югуртирди, дили хиёл ёришди. У шинам, қимматбаҳо жиҳозлар билан безатилган, унга ҳузур-ҳаловат бағишловчи мана шу хонани яхши кўрар, яна Покиза иккови бу ерда дам олганларида ўзини дунёдаги энг бахтли эркаклардан бири санарди. У бу хонага биров келган-келмаганини билиш мақсадида сервантга яқин бориб унга кўрсаткич бармоғини теккизди. Қўлига чанг ўтиргач, кўнгли жойига тушди. «Бу ерга келмаганимизга-ям икки ойдан ошибди», деб қўйди ичида, кейин соатига кўз югуртириб олгач, ҳаракатга тушиб

кетди. Сервантдан юзида тилла рангли ҳаллари бўлган бежирим оппоқ ликопчаларни, пахта гулли чойнак-пиёлаларни, бинафша гулли хитойи сочиқларни олди. Дарров ошхонага кириб, човгумга сув тўлатиб газ плитаси устига қўйди, сочиқлардан бирини ҳўллаб чиқди-да, ликопчаларни арта кетди. Беш-ўн дақиқа ичида уларга ҳўл меваларни, олиб келган хандон писта, бодом, ёнғоқ, қандак туршакларни тўлдириб, барчасини хона ўртасидаги устида оқ шоҳи дастурхони бўлган тўгарак столга териб қўйди. Ўртага шампан виносини, йўлдаги дўконга кириб харид қилгани яхна шарбатли ичимликларни, чех биллур вазасига эса сотувчи қиз чунон таърифини келтириб мақтаб тарозида тортгани қаймоқли Киев тортини жойлаштирди. Гулни қўлига олганида дили хийла хиралашди. Собитни учратиб қолганини, учратиб қолиб онаси Соҳиба опани, марҳум тоғаси Жамол махсум билан боғлиқ бўлган нохуш воқеаларни эслаганини ўйлаб юраги сиқилди. Бу ҳолат унинг вужудини анча ўртади, аммо бу нарсалар дўконининг бузилиши олдида, яна Покизанинг дийдорини кўриш олдида арзимас гапдай бўлиб туйилгани учун ҳам буларнинг барини шу дамда фаромуш қилиш ҳақида ўйлади. Харид қилгани чинни гулларни гулвазага солиб, залдан айвончага олиб чиқадиган эшикнинг ўнг ёнидаги телевизор рўпарасига – нақшинкор курсичага қўйди. Хаёлига яна Рашид Нўъмонович келди. Бу нақшинкор курсичани унга туғилган кунида ҳокимиятдагилар ана шу рўпарадаги телевизор билан бирга совға қилишган, у буларни ўзига сирдош деб билгани Журъатга бериб, мана шу хуфия квартирасига

олиб келиб қўйишни буюрганди. Шу дамда Покиза ҳам унга ана шу Рашид Нўъмоновичдан қолган ёлғиз ёдгордек бўлиб кўринди. «Ҳақиқатда ҳам шундай-да! – деган бўлди унинг ичидаги биров. – Рашид Нўъмоновичнинг бемаврид ўлимидан кейин унинг жазманига сен эга бўлиб олдинг!» У ана шундан кейин туман ҳокими билан ака-укадай бўлиб юрган даврларини, Москва сафарини, Тошкентдаги меҳмондорчиликларни эслади. Ана шу кезлари Рашид Нўъмонович хизматидаги ҳайдовчисига жавоб бериб юбориб Журъатни олиб қолар, ундан фирма, дўкон ишларини суриштирар, унга ўзига ишонгандай бўлиб қолгани учун ҳам баъзи нозик топшириқлар берар, худди ана шу нозик топшириқлардан бири Покиза Самадовна икковини мана шу ерга олиб келиш, маълум муддатдан кейин уй-уйларига элтиб қўйиш эдиким, Журъат бу юмушни жон-дили билан бажарар, яна менга қандай юмушлар бор деб, «ҳоким акаси»нинг рўпарасида қўлини кўксига қўйиб турарди. Ана ўша кезлариёқ у Покизага «ишқивоз» бўлиб қолган, аммо бу ҳолатини, унга кўнгли суст кетганини на Рашид акасига ва на бу нозанинниг ўзига сездирмасликка уринган, лекин унинг ғойибона ошиқлиги борасида кейинчалик Покизанинг ўзидан эшитганида, бу нарсани аёл сезиб юрганини ўз оғзи билан айтиб берганида, Журъат унинг фаҳму фаросатига лол қолган ва шундан сўнггина бутун дардини тўкиб сочганди. «Мен Рашид акага хиёнат қилганим йўқ. Мен фақат унинг ўлимидан сўнггина буларнинг барини Покизага айтдим. Ҳа, ҳа, Рашид ака тирик бўлганида бу сир сирлигича қоларди. Мен унинг юзига оёқ босолмасдим», деб ўзининг марҳум акасига, қолавер-

са, ҳомийсига содиқлигига яна бир карра дилдан иқрор бўлиб турган ҳам эдики, кўча эшик бурнига калит суқилганини пайқади. Юраги темирчининг босқони каби гурс-гурс уриб кетди. «Покиза келди, Покиза!», деган қандайдир ички бир нидо вужудини ўртаб юборганини туйди. У қандай қилиб ўрнидан қўзғалганини, қандай қилиб эшикнинг ёнига бориб қолганини сезмади.

Покиза ичкарига кириб туфлисини ечганида, одатлари бўйича у билан ўпишиб сўрашмоққа тутинганди, аёл унамади, юзини четроққа бурриб, қўлини унинг оғзига тутди:

– Йўқ, йўқ, қўйинг энди шу ёмон қилиқни!

Бирдан Журъат шу икки ой ичида ҳақиқатан ҳам Покизадан анча узоқлашганини ҳис этди. Улар иккиси учун бу ерда ҳар учрашганларида одат тусига кириб қолган ўпишиб сўрашиш ҳам унга ёмон қилиқдай бўлиб кўринди. У Покизадан ажабланганини кўз, қош ифодасида ошкор этди:

– Нега энди ёмон қилиқ бўлсин? Ахир...

– «Ахир»ни қўйинг, шу ишларга чек қўяйлик, – Покиза шундай деб қўлидаги чарм сумкасини кираверишда ўнгда турган кийим илгичнинг пештахтасига қўйди, ўзини кўзгуга солди. Журъат орқасидан келиб белидан қучмоқчи бўлганини сезиб уни огоҳлантирди: – Агар шу қилиқни қилсангиз, чиқиб кетаман, вассалом!..

Журъат чор-ночор унга бўйсуниб:

– Хўп, тегмайман, – деди-ю, аммо аёлнинг сарви қоматига, занжир тагидаги сутдай оппоқ бўйнига, билинар-билинмас тукли билакларига суқланиб қарашини қўймади.

Унинг нигоҳидаги шаҳвоний ҳирсни сезган Покиза яна бир марта хушторини инсофга чақириб:

– Бундай қараш сизга сира ярашмас экан, Журъат. Гулчеҳрагаям ҳеч ана шундай қарайсизми?! – деб сўради.

Журъат ўзининг ҳолатидан уялди. Покиза унинг хотинини эслатганидан маълум маънода дадилланди. Кўнглидан: «Барибир у мени Гулчеҳрадан қизғанади», деган ўй ўтди.

– Сиз билан кўришмай юрганимиз мана шу икки ой менга худди икки йилдай туйилиб кетди!..

Покизага унинг эҳтиросли сўзлари таъсир кўрсатиб, юраги алланечук урган эса-да, аммо бу ҳолатини ташқи белгиларда ошкор этмади, билъакс Журъатнинг гапини эшитмаганга йўйиб, юқоридаги саволини тағин қайтарди:

– А, сиздан сўраяпман? Гулчеҳрагаям ана шундай суқланиб қарайсизми?!

– Гулчеҳрани қўйинг! Гулчеҳрага сизни алмаштирмаслигимни биласиз-ку ахир!..

– Мана шу сўзларни хотинингиз эшитса борми?! – кўзларини бир томонга сузиб, «мендан ҳозир калтак ейсиз» дегандай сўл қўлининг кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатди Покиза. – Ҳаҳ Гулчеҳра, шу гапингизни устида бўлмади-да!

– Бўлганда нима қилоларди? Мен ҳозирги гапимни қайтаришдан чўчимасдим!

– Ундай деманг, менинг оилам бор, қолаверса, Гулчеҳра сизнинг кўз очиб кўрган хотинингиз бўлади-я!

– Сиз менинг кўз очиб кўрган севгилимсиз!

Икков олдинма-кетин залга кирганларида Покиза тусини ўзгартирди. Қошларини паст-баланд чимириб, жиддийлашган бир авзода:

– Кўп суюлманг, – деди, Журъат расамадини келтириб бозор-ўчар қилганини кўриб дидига

қойил қолса-да, аммо шу дамда бу тўкин-сочин дастурхон дилини тўлқинлантирмади. – Шунча харажатнинг нима кераги бор эди. Мен бугун кўп... ушланиб қололмайман. Бир-икки оғиз гаплашиб оламиз-у, кейин уйга қайтаман. Иложим йўқ.

– Туғилган кунимга бормадингиз. Ҳечқурса икки ой ичида бир марта телефон қилмадингиз. Соғиниш дастурхонини тузадим-да, ахир!..

Покиза чурқ этмай ҳаммомга кириб кетди. У ердан қўлини ювиб қайтаркан, ошхонага кўз югуртириб қўйди. Залдаги жиҳозларга бир сидра қараб чиқди, ўзича «ҳамма ёқ чанг бўп кетибди», деб қўйди, сўнгра Журъатга сўзланди:

– Соғиниш дастурхонини тузадим дейсизми? Шу пайтда юристлардан ҳам кўра шоирларга ўхшаб кетдингиз. Тузук, икки ой ичида гапга уста бўп кетибсиз.

Журъатга унинг гапи мазахдай туйилди. Шахти тушгандай бир қиёфада:

– Барибир прокуратурага ишга кираман, мана кўрасиз, – деди.

Покиза юқоридаги гапи унинг иззат-нафсига текканини сезди. Журъатнинг бола табиатини яхши билгани учун ҳам:

– Шу юришингизнинг ўзиям қайси прокурордан кам, – деб унга тасалли берди.

– Юришим ўз йўлига, бу йил бўлмаса кейинги йил кираман! Қандай қип бўлмасин кириб оламан!

Покиза гапни бу тарзда бошламаслик кераклигини шу лаҳзада тушуниб етди. У Журъатнинг энг нозик еридан олган эди. Унинг кўнглини кўтарган бўлиб:

– Бунга мен ишонаман, албатта! – деди.

Шундан кейингина Журъатнинг юзига қон югурди. Аёл илгаригидай унга меҳр кўрсатаёт-

ганини, бу сўзларни шунчаки эмас, чин юракдан айтаётганини, бошида ундан анча узоқлашгандай туйилган Покиза Самадовна қайгадир ғойиб бўлиб, яна унинг дардига астойдил қулоқ тутадиган, ўзимиз учун ҳам яшашни ўрганишимиз керак экан Журъат, эрларимиз, хотинларимиз ўз йўлига экан, деб, кўп жиҳатлари билан унга ибратли таъсир ўтказолган севгилиси Покиза намоён бўлгандай кўринди.

– Бугун энди мен сизга хизмат кўрсатай, Покиза, – дея уни дастурхонга таклиф этиб, аёл ўтирадиган жойдаги стулни нари сурди, сўнгра эса чой дамлаш учун ошхонага чиқди.

Покиза одатдаги ўриндиғига эмас, телевизор ёнидаги оромкурсига ўтириб Журъатнинг ортидан қараб қоларкан, яна унга қаттиқ гапиролмаганини, яна унинг кўнглини кўтаришга тушганини ўйлади, ўйладию ундан ҳеч қачон қутулиб бўлмайдигандай, у ҳам ҳаётидаги бир эрмагига айлангандай, ана шу эрмагидан айрилса, турмушида мазмун қолмайдигандай туйилди. «Ўша майда гап эринг бермаган, Рашид Нўъмонович тортиқ қилолмаган қувончни ўзингдан етти-саккиз ёш кичик бўлган, кетингдан осилиб юрган, елиб-югураётган мана шу йигитдан олдинг-ку! Бу билан сен бахтиёр эдинг, ўзингни ҳақиқий бахтли аёл ҳис этдинг! Бошқалар бермагани, беролмагани ҳузур-ҳаловатни шунинг қучоғида олдинг! Яна нима керак сенга ундан?», деб ўзига савол берди, ичидаги иккинчи бир куч, иккинчи бир Покиза эса, ҳозирги кўнглидан кечган ўйларига қарши ўлароқ уни тергай кетди: «Уят сенга! Бундай хаёлларга бораверишуят! Қирқ тўртга кетдинг-а?! Эрта-индин қайнана бўлай

деяпсан, қуда-андалар олдида нима деган одам бўласан? Бу қадам олишларингни битта-яримта уларга етказса нима бўлади? Қандай иснод-а? Ахир, бу юриш-туришларинг бошқаларга ошкор бўлса нима қиласан?! Ана, эринг ҳам бир-икки Журъат сени машинасида ташлаб қўйганини кўрибди. Бетингга ўзи айтди-ку! Яхши, вазиятдан бир бало қилиб чиқиб кетдинг! Яна қўлга тушсанг нима бўлади?! Ҳали эрингнинг қариндош-уруғларига, ўзингникиларга сиринг ошкор бўлса-чи? Нима, Зоҳидга ўхшаганлар билмайдими қадам олишларингни? Билади, бошқалар ҳам билса керак, аммо билмаган қилиб кўрсатишади ўзларини! Қўй, мендан чиқа кўрмасин бу гап, ўзидан даф бўлсин, қабилида иш тутишади! Ҳа, ҳа, билмаган, кўрмаган қилиб тутишади ўзларини!.. Мана бундай дастурхон устида, мана бундай ўзингдан етти-саккиз ёш кичик бўлган бир йигит қўйнида эринг ёки ўғил-қизларинг ушлаб олса нима деган одам бўласан? Қандай иснод-а?! Қандай уят-а?! Ай-яйя!..»

Покиза ана шундай хаёллар гирдобида хомуш ўтирганини, афт-ангори ҳам анор янглиғ қизарганини кўрган Журъат унинг яна феъли ўзгарганини сезди. У Журъат айтмасидан бурун дастурхондаги ўз жойига ўтирди. Йигитнинг «бугун мен ўзим сизга хизмат кўрсатаман»инини ҳам унутиб, ўзи сезмаган ҳолда, устма-уст турган ёпган нонлардан бирини қўлига олиб синдираркан:

– Бу учрашувларни бас қилишимиз керак, Журъат, бас қилишимиз! – деб юборди.

Журъат аёл бу гапни ҳозирги ўтириш ҳолидан келиб чиқиб айтаётганини фаҳмласа-да, ўзини уни тушунмагандай қилиб кўрсатиб:

– Нега ахир? Ўзингиз эмасмидингиз «ўзимиз учун ҳам яшашни ўрганишимиз керак», деган, ўзингиз эмасмидингиз шу гапни қилган, а, Покиза Самадовна?! – деб саволга тутди.

– Ҳамма нарсанинг чек-чегараси бор экан, азизим, – йигит узатган пиёлани қўлига олди Покиза. – Чегарадан ўтиш Худога хуш келмас экан.

– Биз, ахир, бир-биримизни севамиз-ку!..

– Жуда кулгили гапни гапирасиз-да Журъат!

– ...

– Севиш-севилиш ёш, уйланмаган, эрга тегмаган йигит-қизларга хос гап.

– Севги ёш танламайди, – аёлни ийдириш учун илгарилари айтадиган сўзларини такрорлади Журъат.

– Ёш болалигингиз қолмади-да, Журъат! Бундоқ ўйлаб қарасам, менинг қилиб юрган ишларим ҳеч ақлга, қуюшқонга сиғмас экан! Ўзимдан қанчалар нафратлана бошлаганимни билсангиз эди!

– Эр ўз йўлига, бола-чақа ўз йўлига, деганларингиз-чи, унутдингизми?!

– Нега унутарканман?!

– Нега бўлмаса дарров айнаб қолдингиз?

– Сизга нима десам экан?.. Мундоқ ўйлаб қарасам, сизам ўз боламга ўхшайсиз, шуни тушунасизми Журъат?! – Покиза бу жумлаларни жуда ғалати, ҳазин тарзда сўзлади. Журъат ҳам унинг оғзидан бу гапларни эшитаркан, кўзлари ёш боланикидек жавдиради.

– Мана қаранг, ҳозирги гапимдан кўзларингиз мўлтираб кетди. Сизам бир боламсиз-да, Журъат! Ўринда бўладиган гапларни қўйиб турайлик! Очиғи, баъзида ўзимни сизнинг ҳам онангизга айлангандай ҳис этаман! Нима бўлса

маслаҳат бераман, кўнглингизни кўтараман: ундай қилманг, мана бундай қилинг, мана бундай юринг, мана бундай туринг, Гулчеҳрага ёмон қараманг, мана бу гапни гапиринг, Зоҳид билан қўрс муомалада бўлманг, ана ундай муомала қилинг, машинани тез ҳайдаманг, ичкилик ичманг, Ханжарни урманг, Гулюзни дўхтирга кўрсатинг, ҳоказо-ҳоказо... Бу ёғини суриштирсангиз, мундоқ танамга ўйлаб қарасам, бу ёқда нима умрим қопти? Ўзимнинг бола-чақам-чи? Ўзимнинг ташвишларим каммиди? Кеча ишга кузатиб қўяётганда қизим менга ғалати қаради. У менга ачингандай, йўқ, йўқ, мен уларни ўйламаётганимдан, уларни унутгандай, бошқа бировлар учун умрини хазон қилаётгандай бўлиб кўриндим унга! Эшитаяпсизми, ана шундай бўлиб кўриндим гўё!.. Бирдан кўз олдимга сиз келдингиз. Қизим икковимизнинг ишқий муносабатларимизни билиб қолдими деб ўйлаб капалагим учиб кетди. Баъзида тушларимда ҳам ана шу нарсадан қўрқиб чиқаман! Бир ёқда ўғлим Санжар учун совчиликка боряпмиз! Дарвоқе, Саодат сизга холавачча бўлади, шекилли?

– Ҳа, лекин она авлоди билан борди-келдимиз йўқ ҳисоби, – деб юборди Журъат, бу гап оғзидан бехосдан чиқиб кетди-ю, аммо бундай дейиш керакмаслигини кейин тушуниб етди.

– Майли-ку энди. Ана шу Саодатнинг опаси бор экан, Сабоҳат деган, шуларнинг қизига совчиликка боряпмиз.

– Яхши бўларди, қариндош бўламиз, – гапни ҳазилга бурди Журъат, унга Покизанинг боядан бери йиғламоқдан бери бўлиб хомуш тортиб сўзлашларию ана шу сўзларидаги ҳазин оҳанг, яна

«сенга она ўрнида бўлиб қоляпман», дейиши унга яна бир бошқа аёл, унинг илгариги бошлиғи Сокина хонимни эслатган, ана шу эслатгани учун ҳам шу лаҳзада у билан бир пайтлар бўлиб ўтган нохуш воқеаларни кўз ўнгида тажассумлантириш баробарида ўз ич-этини ея бошлаган, шунинг учун ҳам Покизага юқоридаги мазмунда ҳазил қилишга мажбурлик ҳис этганди.

– Бордию иккимиз ўртамиздаги алоқалар уларнинг қулоғига етиб борса нима деган одам бўламиз? «Саодат бир-икки олдингизга кирганимни кўрди», девдингиз! Сиз-ку майли, мен нима деган одам бўламан? «Қуда бўлмоқчи бўлганимиз мана бундай аёл чиқиб қолди», дейишмайдими?!

Журъат бугун ҳам Саодатни кўрганини эслади. Аммо буни Покизага айтмади. Айтса у яна ҳам авжига олишини сезди. Шунинг учун ҳам унинг ҳоврини пасайтирган бўлиб:

– Мени олдингизга иш билан келган деб ўйлайди, – деди.

Покиза Журъатга қараб мийиғида кулди. Унинг бу кулгисида Журъатни мазах қилиш аломати ҳам зоҳир эди.

– Боласиз десам, хафа бўласиз, Журъат! Сиз, ахир, ишхонам атрофида ўралашиб қолганингизни сезишмайди деб ўйлайсизми?! Сиз аёлларни билмас экансиз! Опасининг эри аптекачи экан, менинг эрим ҳам аптекачи, қолаверса, сиздаям дорихона бор...

– Мен ҳеч замонда аптекачилар билан алоқа қилган эмасман. Барча ишни Зоҳидга ташлаб қўйганман, – вазиятдан қуруқ чиқмоқчи бўлиб ёлғон сўзлади Журъат, шу дамда марҳум тоға-

синининг аптекачи куёви Қаҳрамон кўзи олдига келди. Уни эслаши ҳамоно боя бозорда учратиб қолгани Собит билан бўлиб ўтган гап-сўзлардан сўнг кўнгли хижил бўлганини ўйлади. Боз устига, қандайдир бир ички андиша туфайли ҳам шу дамда ўзини ёмон кўриб кетди.

– Мана бу ёқда сиз ҳозир тилга олганингиз Зоҳиджон бизнинг ота уруғидан бўлади. Булар сезмайди, гап қилишмайди, деб ўйлайсизми?!

– Қани, Зоҳид бир нима деб кўрсин-чи, мен уни нима қиларканман!

– Зоҳиджон сизга бир нима дермиди?!

– Зоҳид ўртамиздаги алоқадан хабардор эмас!

– Сиз шундай деб ўйлайсиз-да! Йўқ, энди бу алоқаларга чек қўяйлик! Бундай учрашувларни бас қилайлик! Сизнинг яхши оилангиз бор, менинг бола-чақам, иннайкейин, ёши қирқдан ошган аёл сизга нима учун керак? Бу ёғиниям ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?!

– Муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади дейишади, – деди Журъат, ликопчага олма арчиб бўлаклади-да, уни Покизага яқин ерга сурди, ортидан торт кесди. Бир бўлагини пахта гулли ликопчага солиб, маъшуқасининг ёнига қўйди. Унга манзират қилиб, сўзида давом этди: – Мен сизни йигирма яшарига алмашмайман!

Журъатнинг ана шу гапи учун бошқа пайт бўлганида Покиза уни қучоқлаб олар, тўйиб-тўйиб ўпарди, аммо ҳозир бу жумла унга ёш боланинг қуруқ сафасатаси бўлиб кўринди. Шу боис ҳам йигитнинг олдида ҳеч бир андиша қилиб ўтирмай:

– Бу энди безбетларнинг гапига ўхшаб кетди, – деди у тўғрисини айтиб. – Сиз марҳум акангиз Рашид Нўъмоновичнинг ё бўлмаса, менинг эримнинг ёшида эмассиз-ку?!

Журъат нега у Рашид Нўъмоновични эслатганига тушуниб етмади. Покизанинг бу эслатишида қандайдир бир ички маъно қидирди-ю, аммо уни ҳам уқолмади.

– Мен Рашид ака раҳматлини устозимдек биламан. У одам менга кўп яхшиликлар қилган. Хабарингиз бор, дўконимнинг ўрнини ҳам шу одам бош бўлиб олиб берган. Унинг сиз билан муносабати қай йўсинда бўлганини билмайман-у, – деди у, сўнг эса ёлғон сўзланди, – аммо қачондир у кишига сизни севиб қолганимни айтаман, деб юрардим. Менимча, у мени тушунган бўларди, деб ўйлайман. Эрингизга келсак, бу бошқа масала...

– Рашид Нўъмонович билан биз дўст эдик. Охиригача дўстлигимизча қолдик, – деди Покиза, қолган нарсаларни ўзинг билавер дегандай Журъатга истеҳзоли боқди. – Сиз у кишига содиқлигингизни биламан. Москвага борганларингни айтиб берганди.

– Ҳа, у одам жуда катта постга ўтириши керак эди-ю, аммо... ўлим ёмон экан, – ана шу одамга орқа қилганини, у камида шаҳар ҳокими бўлади, деб ўйлаганини, ҳатто баъзи-бировларга шу фикрини ўтказмоқчи ҳам бўлганини хотирлади. Яна ана шунинг учун ҳам унга сақичдай ёпишиб олганини, ундан ҳам бурун ака-ука ёхуд ота-болага ўхшаб кетган ширин бир дамлари, ҳаётининг ҳеч ҳам унутиб бўлмайдиган онларини эслагандай аввал жилмайиб, сўнгра эса чуқур бир хўрсиниқ билан ёдга оларкан: «Ана шу одам ҳаёт бўлганида мен аллақачон прокуратурада ишлаётган бўлардим», демоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ Покизадан истиҳола қилди. Аёл: «Сиз ўзи фақат таниш-билишга

орқа қилишни билар экансиз-да!», деб унга таъна-маломат тоши ёғдириб қолиши мумкинлигини ўйлаб тилини тишлади.

– Дарвоқе, мен бугун ҳокимиятдаги бир танишим билан дўконингиз хусусида гаплашдим. У аввал вокзалнинг орқасидаги кўчалар кетади деяпти-ку! Усмон Носир томон кетади, деган гапни қилди. Иннайкейин, автостанция томонга навбат келади, деди. Боғча, мактаб тарафга тегишларини айтмади. Бундан чиқди, дўконингиз қолар экан-да!

– Ким билан гаплашдингиз?

– Равшан Ботирович билан...

– Ҳа, ҳоким муовини биланми?

– Ҳа, у киши буларнинг авлоди бўлади, – деб эри томондагиларни назарда тутди Покиза.

Журъат ҳоким ўринбосари Покизага қариндош чиқиб қолганидан севинди, аммо худди ана шу туман ҳокими ўринбосари бўлган Равшан Ботирович беш-олти кун илгари бўлак гапни гапирганига тушунмади.

– Ахир у, ҳоким иккови ўтган ҳафтада бошқача гапиришганди-ку! Менинг дўконим жойлашган қисмиям кетишини, шу томонга кўприк тушишини дараклашди.

– Ҳозирча номаълум деган гапни қилдилар.

– Ишқилиб йўқ бўлсин-да! Қолиб кетса қани эди!– юзи ёришиб, кўзлари чарақлаб кетди Журъатнинг, завқи ошиб кетганидан маъшуқасини қистовга олди: – Покиза Самадовна, шампанни очайми? Шу дўконимнинг қолиши учун ичайлик! Ё сиз қолишини истамайсизми?

Журъат унинг нозик еридан олганини Покиза тушунди. Аммо яна унинг измига бўйсуниб қолишини, кейин йигитнинг чангалидан қуту-

лиши амри маҳол бўлишини ўйлагани учун эътироз билдирди:

– Бунга энди дўконни аралаштирманг-да!

– Нима, сиз қолишини истамайсизми? – бир жумлани ушлаб олиб Покизадан берухсат шампан виносини очишга киришди Журъат, у бу билан барибир бугун ҳам аёлни ўз измига бўйсундирмоқчи, шу йўл орқали ўз ҳирсини қондирмоқчи ҳам эдики, бошқалар бермаган ҳузур-ҳаловатни у мана шу ёнидаги малоҳатли аёлда топган эди.

– Истайман, албатта, аммо шампан ичмайман, – деди Покиза. – Иннайкейин, бугун вақтлироқ боришим керак.

– Шампан ичмаганлар дўконим бузилишига тарафдорлар! – ёш болаларча кулиб, тиқини очилган шампанни сервантдан олган иккита биллур қадаҳларга тўлдириб қуя бошлади Журъат, улардан бирини Покизага узатди. – Эшитдингизми, ичмасангиз дўконим бузилишини истаганлардан бўласиз!

– Мен барибир ичмайман! – деб иш охир-оқибат ўйлаган нарсаси билан тугаши мумкинлигига ишора қилди Покиза. – Қўйинг энди шу нарсани!..

– Йўқ, ичасиз! Аввалари ичардингиз-ку, жоним?!

Журъат ҳозирдан суюла бошлаганини сезган Покиза эътироз билдирди:

– Йўқ, ичмайман!

– Нима, менга яхшилик истамайсизми? – бамисоли ёш гўдакдай кўзларини пирпиратди Журъат. – Мени жуда ранжитаяпсиз-да, Покиза, жуда хафа қиляпсиз!

Журъатнинг катта-катта қўйкўзлари ана шундай ночор пирпирашидан Покизанинг кўнг-

ли алланечук бўшашди. Йигит узатган қадаҳни қандай қилиб қўлига олганини ҳам билмай қолди. Уни ичкилик ичишга кўндиролганидан жўшиб кетган Журъат ҳеч бир мулоҳаза қилиб ўтирмай дилидаги гапини изҳор этишга тушди:

– Илоҳим, дўконим бузилмай қолиб кетсин! Иккинчидан, севгимиз абадий бўлсин! Ана шунинг учун олайлик!

– Биринчиси учун ичамиз, иккинчисига ваъда бермайман, – деди Покиза, унга болаларча жилмайиб термулиб турган Журъатдан норозиланганини маълум қилиб бошини у ён-бу ён чайқатди, қадаҳидаги майда-майда кўпикчалари вижирлаб сачраб турган тиниқ сарғимтир рангдаги шампан виносини охиригача ичиб юборди. Ичиб юбориши ҳамоно ичини бир нарса қиздириб ўтди.

Журъат унга арчилган олма бўлагини берди-да, ўзининг қадаҳидаги шампанни кўтарди. У ҳам ликопчадан иккинчи бир олма бўлагини олиб еди.

– Энди мен турай, – Журъатни чўчитиш, шу баҳонада вақтлари чегараланганини намойиш этиш илинжида қўлидаги соатига қаради Покиза. Аммо ана шундай тўкин-сочин дастурхонни дарров ташлаб кетиш инсофдан эмаслигини туйгани, боз устига, ичини ёқимли бир нарса қиздира бошлагани учун ҳам ўрнидан қўзғалолмади; шу дамда кетишни истамай ҳам қолган, ҳадеганда унга мафтун бўлиб қараётган, айни куч-қувватга тўлган хушторининг эгнига яраша финка кўйлаги остидан бўртиб турган кенг елкалари, тукли, бақувват билаклари, баъзида ўткир, унга ўйчан, сертакаллуф боқувчан сами-

мий нигоҳлари унинг диққат-эътиборини ўзига жалб эта бошлаган, қисқаси, аёлда илгаритдан унга яхши таниш бўлган майли нечанчи бор хуружини бошлагандиким, у бундай пайтларда жисму жонида, бутун борлиғида исён қила кетгани ана шу истагига қарши боролмас, иродаси дош беролмай ожизлик қиларди.

Худди ана шундай бир пайтда Журъат тағин қадаҳларга шампан виносидан тўлдира бошлади. Бунга қарши Покиза: «Бўлди, етади, бошқа қуйманг», дея олмади, фақат йигит қилаётган айёрликни билиб турганини сездириш мақсадида у ҳам кўзларини ғилайлантириб «ёмон бола», дея норозиланиб унга танбеҳ бергандай боқди ва унинг бу боқишлари Журъатга яхши таниш бўлгани учун у энди ҳеч бир тортиниб ўтирмай қадаҳларни тўлдирди, ўрнидан туриб телевизор устидаги унча катта бўлмаган япони мусиқали марказдаги магнитофон қисмини босди-да, тезда кассетасини алмаштириб, ҳар иккови жон қулоғи билан тинглайдигани муҳаббат ҳақидаги қўшиқни қўйди. Бу қўшиқ Эрон қўшиқчиси Гугуш ижросида тарала бошлади.

– Сиз Гугуш қўшиқларини яхши кўрасиз-ку, тўғрими Покиза? Келинг, шунча йилдан бери қўшиқ айтмай қўйган Гугуш яна биз иккимиз учун айта бошласин! Худди ана шунинг учун олайлик!..

– Сизни ёмон бола девдим, унданам ўтиб тушгани экансиз, ёмон шум экансиз! – аёлларга хос айёрона кулди Покиза, яна бир карра Журъатнинг кўпда ёқимли туйилувчи юзига, бақувват гавдасига, кўйлаги ёқасидан чиқиб турган кўкрак жунларига очофат аёлларча суқланиб қара-

ди-да: «Шундай жонон йигитлар ошиғинг бўлиб турсин-да, сен ўлгур ҳалидан буён ноз-фироқ қилишингни-чи?! Бу ўткинчи беш кунлик дунёда ўзингниям ўйла, Покиза, пайтдан фойдаланиб давру давронинг келганда айш-ишратингниям суриб қол! Ҳали ёшинг элликдан ўтганидан сўнг бу имкониятлар бўладими-йўқми? Бунақа садақанг кетай йигитниям ҳеч ким сенга боғлаб бериб қўйгани йўқ! Ҳали битта-яримта сендан нуфузлироқ, сендан бойроқ, сендан гўзалроқ хуштори чиқса қушдек учадию кетади, сен чапак чали-иб қолаверасан! Шунинг учун, мавриди келган экан, ўйин-кулгингниям қилиб қол!», деб ўзига турли насиҳатлар берган бўлиб, Журъат қўлига тутқазган биллур қадаҳдаги шампанни ичиб тугатди.

Кўп ўтмай Журъат уни рақсга таклиф этди. Покиза кўп ҳам ноз қилиб ўтирмай, дил амрига қулоқ тутиб хиромон юриш билан рақс туша кетди. Оловдай товланаётган қизил гулли эрони гилам тўшалган хонада ҳар иккиси бутун дунёвий ташвишларини фаромуш қилиб, ўзларининг бу ёлғончи дунёда борликларини ҳам унутишиб, баайни ҳали турмуш қуриб улгурмаган ёш ошиқ-маъшуқлардай рақсга туша бошлашди. Рақс орасида Журъат яна бир қадаҳдан шампан виносидан олиб келди. Улар рақс тушган ҳолларича қадаҳларини бир-бирига чўқиштирдилар, яна бу хатти-ҳаракатлари ҳар икковига аллақандай ўзлари ҳам тушуниб етмаганлари завқ-шавқ, лаззат, ҳузур-ҳаловатни бахш этдиким, димоғлари бундан янада шодланди.

– Бунисини энди сиз учун оламиз жоним, сизга бўлган севгим учун оламиз! Энди қаршилик билдирмассиз, деб ўйлайман!..

Покиза ёшлик даврларини эслаб, худди балоғат остонасида турган ўн етти ёшдаги қизлар мисоли кўк-қизил гулли шифон кўйлагини ҳилпиратиб, айланиб-айланиб ўйнади ва ўзининг бу айланишларидан битмас-туганмас лаззат олиб, ипга тизилгандай бир текисда бўлган садаф каби оппоқ ва улар ёнгинасида кўзни қамаштириб товланиб турган ялтироқ тилла тишларини кўрсатиб хандон отиб кулди. Дунёга қайта туғилгандай, ўн етти ёшлиги қайтиб келгандай бўлди гўё...

– Сизни нима учун яхши кўраман, биласизми Журъат? – қўлидаги винони ичиб тугатгач, қадаҳни дастурхон устига қўйди Покиза, йигитдан саволига жавоб кутиб ўтирмади. – Ана шу кўзларингиз, болаларча самимиятингиз учун яхши кўраман! Худди ана шу кўзларингиз боя мени йўлдан урди!.. – у шундай деб, яна мушук болаcидек йигитнинг пинжига суқулиб кириб олиб, икков рақс туша бошлашди. Бу пайтда Гугуш аёл ҳақида, унинг ҳаёли, ғам-ташвиш ва изтиробларга тўла бўлган ҳаёти, ҳаётидаги ёлғиз қувончига айланган севган йигитининг ҳеч тузалмас дардга мубтало бўлгани ҳақида ҳазин, киши кўнглида ачиниш ҳиссини қўзғовчи бир қўшиқ айта бошлаганди. Бу қўшиқ Покизани янаям маст қилиб ўз оғушига олган, у йигит билан ет-тинчи осмонда сузиб юргандай тебраниб-тебраниб рақс тушиб, ана шу рақс оҳимига мувофиқ тарзда унинг измига бўйсуниб, қўшни ётоқхонага қандай қилиб кириб кетганини ҳам сезмади...

* * *

Иккови ювиниб чиққач, Покиза сочларини қуритди. Жой-жойларига ўтиришиб, Журъат пичоқда бўлакларга кесиб, ликопчаларга солиб қўйган торт билан чой ичишди. Кейин биргалашиб дастурхон йиғиштиришди. Ҳамма ёқни саранжомлаб, энди чиқиб кетишга тараддудланиб туришганида Журъатнинг уяли телефони жиринглаб қолди. У уни ўчирмаганини эслади. Диванда ётган телефонни қўлига олиб қулоғига тутган эди, эски танишларидан бўлган, бир пайтлар қисқа фурсат қўли остида ҳам ишлаган, ҳозирда ўзи мустақил равишда фирма очган Азамат деган ошнаси уни йўқлади. Журъат уни бирда кўрганида «прокуратурада ишлаяпман», деб мақтанган эди, ана шу идорага тааллуқли бўлган зарур бир иши чиқиб қолганини дараклади. «Эрталаб соат ўнларда офисда учрашайлик. Агар вақтлироқ десанг уйга келақол», деди-да, ўз узрини айтиб телефонини ўчирди. «Нима иши бор экан? Битта-яримтаси қамалиб қолган кўринади, бўлмаса бунчалик ҳовлиқиб қилмасди», деди, ортиқ бошини қотириб ўтирмади. Ташқаридан кираверишда йўлакнинг чап бурчагида турган кийим илгичнинг кўзгусига ўзини солаётган Покизага юзланди:

– Кетдикми, Покиза Самадовна?

– Ҳа, кетдик, – деди аёл юмшоқ овозда итоаткорлик билан.

Журъат у ёқ-бу ёққа аланглаган бўлди-да, бир нарсасини қолдиргандай тахлит сўради:

– Ҳеч нима қолмадими?

– Йўқ, шекилли, – деди Покиза, қўлидаги сумкага қараб олди.

Улар ташқарига чиқишди. Журъат темир эшикни юзига ёпиб, секин-аста қулфлади. Икков у ёқ-бу ёққа қараб олишиб, лифтни ҳам кутиб ўтирмай, имо-ишора билан бирин-сирин зинадан пастга тушиб кетишди.

7

Мирзоҳид сўнгги пайтларда Журъат билан Покиза ўртасидаги алоқалар узилиб қолганини пайқаган, бошлиғининг кўпда асабийлашаверишини ҳам ана шу алоқаларга путур етганлигидан ахтараркан: «Ҳайҳотдай дўконининг бузилиши эса дарди устига чипқон бўлиб тушди», деб фикр қилди. У Журъат телефон қилиб зарур иш чиқиб қолди дейиши ҳамоно бошлиғи хоними олдига ошиқаётганини фаҳмлади. «Ҳечқурса шу тафтини олар, майли бораверсин, ишга камроқ аралашар», деган ўй билан дўконга етиб келди. Машинасини офис рўпарасида тўхтатаркан, икки-уч кундан бери орқа юкхонасида ётган минг метр симни эслади. «Тушликни қилиб бўлиб шуни участкага ташлаб келаман. Илёс акага ваъда берувдим, бу йигит субутсиз экан демасин тағин», деди ўзича, ён ва орқа эшикларни қулфлади. Ўриндиқдаги ёзиғлиқ газета устига қўйгани елим халтадаги сомсаларни қўлига олиб, машинасидан тушди, калит солиб, олди эшикни ҳам қулфлади. Баайни катта дўкондорларга хос тарзда салмоқланиб, тўгарак билан чўзинчоқ орасидаги тепакал бошини олди-орқага тебратиб беш-олти қадам юрди. Офисга кириладиган дорихонага яқинлашганда бетон ариқ устидаги

узун панжарага оёқ қўяр-қўймас тўхтади. Рўпарасидаги ҳайҳотдай дўконнинг бу бошидан то троллейбус-автобус бекатига довур бориб туташган у бошигача разм солди. Баландлигига, бошдан-оёқ диққат-эътибор билан ишланиб, бир ярим-икки метр олдига чиқарилган сирланган оқ тунукали қошларига, оқ ушоқ бериб шувалган деворларга обдан разм солди. «Ҳа, жони ачимайдими, оз мунча пули, оз мунча кучи кетмаганми буни қуришга. Бузилишини эшитиб Журъат деганлар тағинам додлаб юбормади-да», дея мулоҳазаланиб уч-тўрт йилдан бери бўш ётган, қурилгандан буён ақалли ёлчитиб ишлатилмаган, ёлчитиб ишлатиш у ёқда турсин, ақалли ижарага берилмаган троллейбус-автобус бекатига бориб туташаёзган, узунлиги йигирма, энига саккиз метр қилиб қурилган савдо залига яна бир бор диққатини қаратаркан, унинг тагидаги майхонага томон юриб: «Буларни ҳечқурса ижарага бермайди-я, мана уч-тўрт йилдан бери ҳувуллаб ётибди», деди, сўнгра бинонинг адоғига, майхонага кириладиган эшикнинг ўнг ёнидаги газсув будкасини ишлатаётган Олимжонга кўзи тушди. Ўша ёққа юрди. Олимжон, йигирма билан йигирма бешлар миёнасидаги ўрта бўй, қорамағиздан келган, қалин қора соч, қора қош, катта ва кичик оралиғидаги кўзларининг оқ қисми ҳамиша бирдай қизаринқираган, боз устига, кўпинча кулиб тургандай бир мазмунни берувчи истарали йигит бўлиб, ўтган йилнинг ёзидан буён Журъат билан келишган ҳолда қаровсиз ётган ана шу газсув будкасини юргизаётган эди. У сотувчи болага ён-атрофини супуртириб, устидан шакароб қилиб сув септираётган

экан, Мирзоҳидни кўрдию унинг ихчамгина жуссасига номутаносиб тарзда салмоқланиб, ён-атрофидан ўтиб кетаётган қиз-жувонларга анграйиб қараб келишини, устига-устак, пастак бўйини ҳам назарда тутиб: «Кичик хўжайин келаётган эканлар-да», деб жилмайиб қўйди-да, унинг мутакаббир, иззатталаблигини билгани важи обрўсини сақлаш мақсадида истиқболига пешвоз чиқди. Қўлини кўксига қўйиб салом берди.

– Ҳа, мулла йигит, – унинг саломига алик олиш баробарида қўлини кўришиш учун чўзди Мирзоҳид, киноялы тикилди. – Сувлар пул бўлаяптими ишқилиб? Боплаяпсанми?!

Олимжон унинг сал ҳазилкашроқ эканини ҳам биларди, бу томонга ташрифининг сабабини ҳам фаҳмлади.

– Худога шукр, ризққа яраша, – деди у, Мирзоҳиднинг оғзини тўлдириб «боплаяпсанми?», дейиши унга нашъа қилганидан тишининг оқини кўрсатиб кулди.

– Қуруғи яхши тушяпти, шекилли а, жа-а «шукр»лаб қопсиз? – Мирзоҳид Олимжоннинг гапига яраша жавоб берган бўлди.

– «Шукр» демай нима деймиз ака, ишқилиб уч-тўрт сўм бўп турипти.

– Сен бола чатоқсан, – бир кўзини қисиб, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб айёрона кулди Мирзоҳид. – Шу сезоннинг даромадига кузга бориб тўйни бошлаб юборасан, шекилли-а?!

Олимжон у бир томондан ҳазил қилаётган бўлса, иккинчи томондан ўз тегишларига шама қилаётганини сезгани учун гапни кўпам чўзиб ўтирмади, мақсадга кўчди-да:

– Акага бериб қўйдик ўтган ойникини, – деб ҳисоб берган бўлди.

Мирзоҳид унинг «акага бериб қўйдик» деган сўзларини эшитиб Журъатга нисбатан кўнглидаги адоват ортди. «Ишга чақирганда «элликка эллик» ишлаймиз деган эди, сўзида турмади. «Коника»-дан кеп турган икки юз долларга шерик бўлганим йўқ, майли энди, бино уники, нима қилса унинг иши, дедим, аммо мана бу газсувнинг фойдасига менинг ҳам шериклик қилишга ҳақим бор эди», деб бошлиғининг лафзсизлигидан ичида норозиланди, илло буни Олимжонга сездирмади.

– Ҳа, бердингми доляни? – дейиш билан чегараланди.

– Ўзи Журъат ака билан «элликка эллик» ишлайсизларми? – дабдурустдан сўраб қолди Олимжон.

Мирзоҳидга унинг сўроғи ёқмади. Олимжон гўё унинг дилидагини уққандай бўлгани учун ҳам Журъатга бўлар-бўлмас гап айтиб қўйишидан чўчиди. Шу важдан ҳам:

– Ёш бола нарса, сенинг нима ишинг бор? – деди.

– Ё ўзим сўраяпман-да! – хижолатланди Олимжон.

– Акангдан сўрамадингми? – уни Журъатга рўпара қилган бўлди Мирзоҳид.

– Бу томонлар бузилармиш-ку, а? Ҳозир Журъат акага яқинлашиб бўлмайди, жа-а қовоқларидан қор ёғиб юрибди!

– Сенам эшитдингми?

– Ҳа, анави газетчилар катта кўприк қурилади, дейишаяпти, – бекатнинг нариги бетидаги киоскага ишора қилди Олимжон. – Хўжайинлари айтганмиш.

Мирзоҳид газсув будкасининг ёни билан юриб майхонага кириладиган эшикка яқинлашди-да, олд тарафидаги темир панжарали иккинчи эшикнинг қулфини тортиб кўрди, ундан сўнг эса чап томонга юриб, беш-ўн зина билан юқо-

рига кўтарилиб, майхона тепасидаги савдо залга олиб кирадиган ойнаванд, ич томонидан панжара тўсиқ билан ёпилган эшикнинг қўш қулфларига, огоҳлантирув белгиларига разм солган бўлди-да, ортига қайтди. Олимжонга юзланиб:

– Анави сотувчи боланг бу ёқларгаям кўз ташлаб турсин, – деди, ҳамсуҳбати қўлидаги халтага эътиборини қаратаётганини сезиб, унга манзират қилди: – Қани юр, сомсахўрлик қиламиз.

– Йўқ, раҳмат, – деди Олимжон қўлини кўксига қўйиб. – Ҳозир овқатланиб келдим.

Мирзоҳид ортига қайтиб, энди дорихонага кираман деган эди, автостанцияга олиб борадиган йўл ёқасидаги узун ошхонага туташган озиқ-овқат дўконида ишлайдиган Рустам уни чақириб қолди.

У машина йўлидан бу бетга ўтгунга қадар Мирзоҳид қўлидаги сомсали халтани Зубайдага ташлади-да:

– Дариҳа икковинглар керагича оларсизлар, чойниям қўйиб юборарсиз, – деб ташқарига қайтиб чиқди.

Рустам ҳовлиқиб келди-да, ҳали Мирзоҳид билан тузук сўрашиб ҳам улгурмай дарров сўнгги янгиликни дараклашга тушди:

– Аввал анави Ўзгариш томонлар кетаркан-ку! Бу ёқ ҳақида ҳали гап йўқмиш!

– Шунақа эканми? Биз Журъат билан ҳокимиятга борганимизда бошқача гап бўлувди-ку!

– Ана, кеча Камол ака ҳокимларни меҳмон қилиб юборганда улар айтишибди.

– Ундай бўлса сен билан менга яхши бўлади. Ишсиз қолмаймиз. Кимам бузилишини истарди.

– Мен ишсиз қолмайман, – деб ўзининг камситилишидан норозиланди Рустам. – У ёқда бензоколонка битяпти.

– Қаёқда деган эдинг? – сўради Мирзоҳид, сал наридаги машинаси ёнида – қатор тераклар соясида туриб «такси» тўхтатаётган ёшгина, бежирим қизга диққатини қаратди.

– Сельмашнинг ёнида, эски ТошМИнинг орқасида, – жавоб қилди Рустам, Мирзоҳид гапини эшитмаётганини, бутун эътиборини «Жигули»синининг ёнидаги қизил кўйлакли чиройли қизга қаратаётганини сезиб кулди.

– Ёмонсиз Зоҳид ака, қизларни ҳечам қўймайсиз-да, а? – деди.

– Мени кутиб турибдими дейман-да, обориб қўйсаммикин?

– Йигитини кутаётгандир, – дея қиз томон жиддийроқ боқди Рустам.

– Қизиқмисан, йигитини шўтта кутадими? – Мирзоҳид шундай деб энди қиз томон бир-икки қадам юрган эди, қиз ўзи ҳақида гап бўлаётганини сезди чоғи, улардан нари кетди.

– Чўчитиб юбордингиз, кетиб қолди, – кулди Рустам.

– Сен халақит бердинг-да, йўқса мен обориб қўяман-у, у йўқ дермиди, – ундан норозиланган бўлди Мирзоҳид, сўнг эса саккизинчи қаватдаги қўшниси Мактуба билан бугун гаплашмаганини эслади. «Шунча пайтгача телефон қилмади, энди ўзим қилсам бўларди, – деди ичида. – Аммо-лекин дарди чинга ўхшайди».

– Ҳурковучроқ бўлса керак-да! – оғзининг олд тарафидаги синиқ-мертик тишларини кўрсатиб яна ҳирингланди Рустам.

– Сен қаёқдан биласан? Ҳали ўйланмаган-сан-ку?!– уни мазах қилган бўлди Мирзоҳид, у ҳали ҳам Мактубанинг оппоқ, истарали юзини,

ёқимли, ширали овозини, ўзиникига мутаносиб бўлган бўй-бастларини унутмаганди.

– Нима, ёш боламидиммики билмасам? Бизаям юрганмиз сиз юрган кўчалардан!

Юқоридаги гапи Рустамнинг нафсониятига текканини туйган Мирзоҳид унинг кўнглини олгандай бир овозда:

– Ёмонсан, сан бола! – деди, сўнгра қорни очаётганини эслади. – Қачон энди яримтасини қуясан? Анави куни Ўрикзордаги бозорга обориб қўйганимни айтаман-да!

– Қачон десангиз шунда! – аввалги гапини такрорлади Рустам, Мирзоҳиднинг сўровидан сўнг ўша куни улар билан бирга кетган одам ёдига тушгани сабаб ҳам уни суриштирди: – Анави, ёнингизда ўтирган одам ҳақиқатан ёзувчимиди?..

– Ёзувчи бўлмаса Фақирий деган лақабни олармиди?!

– Аммо-лекин кўп нарсани биларкан-да, ақлли экан!

– Китоб ўқисанг сенам билардинг, фақат пулни ҳидини биласан!

– Ҳозирча пулни ҳидини ўрганиб турайлик, китоб ўқиш қочмас, – бўш келмади Рустам.

– Сўзингни бермайсан-а? Бу гапинг ҳам тўғри, – кулди Мирзоҳид, бўй-бастига мутаносиб кичиккина кулча юзини силади, соқоли кеча олинган бўлган қизғимтир иягини қашиди, ортидан, бугун эрталаб хотинига қайта-қайта дазмоллатгани, бир ҳафта бурун Журъат иккови «Аския» бозоридаги тикувчилик устахонасига буюртириб тиктиришгани сидирға қаҳваранг шимининг кейинги пайтларда яна урфга кира бошлаган манжетли почасига, тахига, ундан эса

устидаги оқ кўйлагининг енгларига баайни танноз аёллардай қаноат билан қараб олди, қорнига яқин ерини тўғрилаб, камари остидан қайта шимининг ичига киргизиб, бир-икки пастга тортиб текислаган бўлди. Ҳамсуҳбати унинг хатти-ҳаракатларини кўздан қочирмай кузатаётганини кўргач эса, қўшиб қўйди: – Бир кун соқол олмасам ғашим келади-я!..

– Юзизни шилиб юборибсиз-ку, – деди Рустам унинг сўзларига у қадар аҳамият бермай, яна Фақирий ҳақида сўради: – Энди сизларда ишлайдими у киши?

– Шундай бўлса керак. Журъат канцтоварда ишлайди, деяпти.

– Нима, Журъат аканинг қариндошими?

– Йўқ, юзини адасиникига ўхшатганмиш, қийналиб қоптимиш.

– Адаларига ўхшагани учун ишга олдиларми? – кулди Рустам, Журъатдан ажабланди. – Шоирларни бой бўлади дейишади-ку!

– Ҳаммасияммас. Фақирийга ўхшаганлари камбағал. Айниқса, ҳозирги шароитда.

– Восит Самиғ тоғамнинг қўшниси. Қора «Дэу» олиб юради...

– Фақирий Восит Самиғ эмас! Восит Самиғ қаерда ишлашини биласанми?! Восит Самиғ китлардан! Фақирий унинг олдида балиқ саналади. Китлар балиқларни ютиб юборишади, омон қолганлари мана шу акангга ўхшаб ҳар қаёққа тумтарақай қочишади, тушунарлими? Мана сенам Журъат акангдай дўкон қургунингча... тўғрими, а? – дея у мазкур ишораси орқали «сенам пихини ёрган бўлиб кетасан», демоқчи бўлди.

– Лекин ақли ўша катта шоирлардан қолишмас экан. Тунов кунги гапларини қаранг. Ҳамма

берган саволингизга жавоб топяпти. Қуръондан ҳам мисоллар келтирди.

– Ҳозир ҳамма ана шунақа диний китобларга ёпишиб олган.

– Нима, ёмонми?!

– Мен ёмон деяётганим йўқ. Эски ҳовлимиздаги бир қўшнимиз бор, ўзи қайсидир бир институтда дарс беради. Шу маҳаллага раис бўп қолди, бир пайтлар. Ўша даврнинг ноғорасига ўйнаб: «Тўйларда карнай-сурнай чалинмасин, бу нарсалар эскилик сарқити!», деб дод-вой солиб юрувди, яқинда телевизорга чиқиб олиб карнай-сурнай ҳақида ярим соат ваъз ўқиса-да! Ҳеч бўлмаса жим турмайсанми, номард! Нақ кўкларга опчиқиб қўйди бу мусиқа асбобларини! Ахир, кечаги тузумда бошқача гап қилиб турувди! Ана шунақаларни айтяпман-да!..

Шу маҳал ёнларидан ҳудуд нозири ўтиб қолди. У Мирзоҳидга бошдан-оёқ разм солиб чиқиб, такаббурона сўрашди:

– Ҳа, бой ота, қалай, яхши юрибсизми? Савдолар бўляптими?!

Мирзоҳид у гап нишабини қаёққа оғдираётганини сезиб, шунга яраша жавоб қилди:

– Дафтар-қалам билан савдо бўлармиди?!

Нозир ҳам анойилардан эмасди, унга бўш келмай ёқимсиз илжайди:

– Ахир, дорихона бор-ку?!

– Дорихонаниям Худо кўп кўрди, бу томонлар бузилади деган гаплар бор, – маълум қилди Мирзоҳид.

Нозир унга «бузилиши билан менинг қанчалик ишим бор?» деган бир мазмунда елкасини қисиб истеҳзоли қараб қўйди, сўнг эса, Рустам билан сўрашиш эсига келмагани учун унга қўлини чўзди-да:

– Сен ишдан кейин бир киргин, гап бор, – деб шошилиб бекат томон ўтиб кетди.

– Тегишимни бермаяпсанлар деяпти, тушундингми? – ижирғанди Мирзоҳид. – «Бой ота» эмиш... ўзи ҳамма ёқ хуржун бўп ётибди-ку, нимани берамиз.

– Бизникигаям ўғри тушганини эшитдингизми? – кроссовка кийиб олган оёқларини чалиштирди Рустам, сўнг эса энгашиб жинси шими устидан тиззасини қашиди.

– Йў-ўқ, қачон? – ажабсинди Мирзоҳид.

– Анави куни. Эллик минглик молни опкетган. Морожнийларни сочиб ташлаган, шикаладлар пилчиллаб ётибди.

– Нима, болалар тушганми дейман?

– Шунақа бўлса керак. Ҳали ишдан кейин кириб кет, деяпти-ку! Топган бўлса керак-да!

– Ўзига гапириб ўтирма-ку, шу участкавой келди-ю, бу ерларда ўғрилик кўпайди-да! Илгарилари жимжит эди!

– Сизларнинг аптекаларингга тушди...

– Униям кичкина бола тушадиган қилиб тешишган, – деди Мирзоҳид, бир пайтда Журъат келтирган тахминни айтди: – Шу, баъзида, ўзи шерикмасмикин деб ўйлаб қоламиз-да!

– Ўзи қаерлик?

– Қаерлик эканини билмайман-ку, лекин турқи хунук-да!..

– Ўша сизларникига тушишидан илгари ҳув тепадаги бензоколонка бор-ку, шунинг ёнидаги Зокир аканинг аптекасиниям урган экан-да!

– Ҳа, хабаримиз бор. Ўшанда қоровул қўяйлик деб Журъатга қанча айтдим, маслаҳатимга қулоқ солмади. Оқибатда икки-уч миллион қулоғини ушлаб кетди.

– Вой, шунча пуллик молни опкетганмиди?

– Сен нима деб ўйловдинг? Столнинг тортмасидаги икки юз эллик минг сўм ҳам қулоғини

ушлаб кетган! Бошимга битта телпак олишни ўзимга эп билмай юрувдим-а! – деб сочининг тепа қисми тўкилиб бўлган кичиккина сўпоқ бошини силади Мирзоҳид, сўнг эса кенжа ўғли печкага ташлаб юборган ондатра терили телпагини эсларкан, ичида Журъатни лаънатлаган бўлди. Рустам ундан кулгандай бўлганини кўриб жиддийлашди. – Ўзи шу аптекаларни урадиган битта гуруҳ бор-да! Буларнинг мелисалар билан тили бир, ҳали чиқиб қолар-ку!..

– Бизникига болалар тушган, бу аниқ! Ҳамма нарсани сочиб ташлаган!

– Эҳтимол, атайлаб қилгандир.

– Каттароғи бўлганда кўпроқ оларди, – болалар қилганига ишонтирмоқчи бўлди Рустам.

– Балки улгурмагандир.

– Ўзи анави ошхонанинг қоровули чиқиб қопти.

– Ўзларингники қани?

– Ўша билан келишгандик. Кечадан бошлаб алоҳида қўйяпмиз.

– Ҳа, бу улгуролмаган, – деб ўзининг тахминини маъқуллади Мирзоҳид.

Шу маҳал уни Зубайда чақириб қолди:

– Мирзоҳид ака, сизни телефонга сўрашяпти!

– Сен билан анча гаплашиб қопман. Бўпти, майли. Ҳа, айтмоқчи, юр овқатланамиз, – деди Мирзоҳид, Рустамдан жавоб кутиб ўтирмай ичкарига чопиб кириб кетди.

Рустам орқасига қайтди.

Мирзоҳидни телефонда сўраган Мактуба эди, у аёлдан бир дақиқага узр сўраб, хона эшигини ёпиб қайтди-да, тўрдаги оромкурсига талтайиб жойлашиб олиб, у билан қуюқ суҳбатга киришди.

8

У телефонда анча гаплашди. Мактуба билан суҳбатдан кўнгли тўлгач, хонага кираверишда чапдаги иккита оромкурсининг тўрдагисига жойлашди-да, диван ва оромкурсиларга мутаносиб тушган пастаккина столчага Зубайда дамлаб қўйган чойнакдан чой қуйиб, ликопчадаги сомсалардан бирини қўлига оларкан: «Яхшиям йўл-йўлакай икки-учтасини еб кепман, йўқса қориннинг пўстаги чиқаркан, Рустам билан анча гап сотиб қолдим-да», деб кўнглидан кечирди, сўнг эса хаёлини хона таъмири банд этди. «Ўзи яқинда уста топиб, уларга бўёқ келтириш, овқат едириш билан куним ўтувди, ҳали дўкон бузиладиган бўлса тоза мардикорчиликка куним қоларкан-да! Баҳодир акада ишлаганимдаям дўкон иккаламизники деб тоза югуртирувди, яхшиям у дам олишга кетганида отни қамчилаб қолиб Азаматдан сотиб олган еримга уста туширган эканман, қуриб олганим шу ҳовли бўлди. Энди нима қилдим? Бунақа пайтда ишдан кетаман дейишгаям юз чидамас экан», деб турли хаёлларга бориб сомсасини тановул қилди-да, егани қаёққа кетганини ҳам сезмай пахта гулли пиёладаги совиб қолаёзган чойини ичиб тугатди. Ўрнидан қўзғалиб, жавондан сочиқ олиб қўлларини артди, яна жойига келиб ўтириб юзига фотиҳа тортди, ичида биров худди қувлаётгандай бўлиб шартта ўрнидан турди-да, жавондаги мижозлари ташлаб кетган дориларга кўз югуртираркан, эшикни қия очиб Зубайдани чақирди.

Ўрта ёшлардаги қорамағиздан келган тўла бир эркакка дори сотаётган Зубайда:

– Ҳозир, Мирзоҳид ака, – деди-да, харид қилмоқчи бўлган дорисини синчиклаб кузатаётган мижозини шошилтирди.

– Дафтар билан кирарсиз-а, анави дориларни ёзиб қўяйлик, – деди Мирзоҳид.

Харидор дорихонадан чиқиб кетгач, Зубайда дориларнинг нархи ва қабул қилинган вақти қайд этиладиган катта кўк дафтарни олиб бошлиғининг олдига кираркан, дорихонага кўз ташлаб туриш учун эшикни очиқ қолдирди.

– Энди бошқа дори олманглар, – деди Мирзоҳид, янги дорилар кимлардан қабул қилиб олинганини иккинчи бир дафтарига қайд этди: – Сезонга ҳали бор-ку!..

– Рўзапаники бўлгани учун олдик, пулини қистамайди-ку, – деди Зубайда, Мирзоҳид айтган нархни дафтарига қайд этаркан, сўзида давом этди: – Манави «Норколут», «Туринал», «Ампициллин», «Эссенциал»ни Феруза опага айтган экансизлар, тўрт пачкадан ташлаб кетди.

– Менмас, Журъат акангиз буюртирган. Мадина опаям сўратганди. «Жуда бўлмаса унга бериб юборамиз», девди, – деди Мирзоҳид, ортидан ҳеч ҳам ана шуларни буюртиришнинг мавриди эмасди, дегандай бошини у ён-бу ёнга тебратди. – «Ампициллин» билан «Эссенциал» ўзимиздаям борийди шекилли, ҳозир бизга керак эмасди.

Зубайда «нима дейсиз энди?» деган тахлитда елка қисди, қисқагина кулди.

– Манави «Норколут» билан «Туринал»ни аёллар сўраб туришади, – дейиш билан кифояланди.

Мирзоҳид унинг эҳтиёткор қиз эканини биларди, шунинг учун ҳам:

– Майли, кетиб қолар энди, – деди, сўнгра ўрнидан қўзғалди-да, Зубайдадан ортиб қолган до-

риларни ташишга ёрдамлашаркан: – Қизларгаям айтиб қўйинг, бошқа дори олишмасин, хўпми, – деб савдо залига олиб чиқадиган эшик томон юрди. Ичкарига кирмади, фақат эшикни қия очиб, Дариҳа ўтирадиган чап бурчакка мўралади-да: – Ҳа, Дариҳа, ҳамма ёқ тинчми? – деб сўради, пештахтадаги молларга кўз югуртираркан, ичдан зил кетди. «Журъатга, дафтар-қалам қилайлик, ёмон бўлмас экан, бир-икки оғайнилар шу ишни қилиб ёмон бўлмаётганмиш, деган фикрни берувдим, бунданам иш чиқмаяпти. Ўзи одам кирмайдиган жойга одам кирмас экан-да! Ҳали дийдиёни бошлаб қолмаса эди», деб ўйланиб «Коника» томон кўз югуртирди. Фотостудияда одатдагидай одам гавжум эди. «Ҳа, Тимофейдан ҳар ойда икки юз долларни қурутдай қилиб санаб оляпти-ку, сабр қилар, бирор иш чиқиб қолар, у ёқда мен битта-яримта «ўхшаб» қолган ишдан тегишини бериб турибман, бундан ортиқ яна нима қип берай?» «Пул ташла, озиқ-овқат қилайлик», деди, ташладим, кетга қайтганим йўқ, беш юз доллар ҳавога учиб кетди, барибир озиқ-овқат юрмади, ана, дорихонасигаям қанча пул ташладим, энди оғзимиз ошга етганида ўғри уриб ҳамма ёқни шип-шийдам қип кетди. Бошимга битта телпак ололмай қишии чиқарибман-а! Дўкон ўзингники бўлмагандан кейин қийин-да, пулни жойига сарфлашга ҳаддинг сиғмас экан. Бу ёқда яна битта текинтомоқни етаклаб келмоқчи, сабабки ўлиб кетган дадасига ўхшар эмиш», деб турли ўй-хаёлларга борди, яна Дариҳадан суриштирди: – Савдо бўлдими ўзи, битта-яримта перечисленисга сўрадими?

– Боя бир одам кепкетди, – деб хушхабарни айтди Дариҳа, – Журъат кетганларидан ўн-ўн беш дақиқалар кейин, перечислениега олмоқчи экан, оромгоҳ учун. Мен, хўжайинлар билан гаплашинг, дедим...

– Қачон келаркан? – юзи ёришди Мирзоҳиднинг, бўлимга ўтди, эшик орқасидаги озиқ-овқат бўлими бўлганидан бери бошқа ерга олиб қўйилмагани катта, икки бўлинмали музлаткичнинг сўл томонига орқа ўгириб туриб олди-да, ўнг қўлини пештахтага тираб сўзида давом этди: – Дарров соткамга телефон қилмадингизми?

– Эртага келаман, деди. Бу ернинг телефонини ёзиб олди. Ҳар эҳтимолга қарши телефонингизниям рақамини бердим. «Зоҳиджон шуғулланадилар бу ишлар билан», дедим.

– Ростдан келаман дедими? – ишонқирамай қайта сўради Мирзоҳид. – Қўлига дарров ҳисоб рақамимиз ёзилган шартнома қоғозини тутқизмадингизми?!

– Сўрадим. «Эллик минг сўмлик оламиз. Бошлиқларингизни кўрай аввал», деди, – ундан таажжубланганини сездирди Дариҳа.

– Ҳа, майли, келсин-чи, – деди Мирзоҳид, сўнг эса дарров бўлак фирмаларга ёхуд савдо ташкилотларида ишлайдиган танишларига воситачилик қилиб, ҳисоб рақамидаги пулни нақдига айлантириб бериши жараёни хаёлидан ўтди. Ўтдию қаёқдандир: «Қайдам, шу иш билан келдимикин?», деб тахминий хулоса ҳам чиқарақолди. Бундай ишда у устаси фаранг эди-ю, аммо мазкур хатти-ҳаракатларининг охир-оқибати яхшиликка олиб бормаслигини ҳам тушунар, «бу билан қўлга тушишдан Худо асрасин!», деб

такрор ва такрор истиғфор келтириб юрардики, илло иши «ўхшаб» қолганида бундайин юмушларни ҳам ўринлатиб кетаверарди. Бир марта «совуғини» еб» қўлга тушганида Журъатнинг ёрдами билан икки минг «кўки»ни бериб қутулиб қолган, аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай, боз устига, ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битирибди, таваккал қилмасанг ғўрадан ҳалво оғзингга тушармиди, биринг икки бўлармиди, деган ақидага амал қилиб бундай номақбул, қалтис ишларга қўл уриб юборганини ўзи ҳам билмай қолар, ана шу кезлари фақат яратганнинг меҳр-шафқатига суяниб турар, бошқа бирор кимсадан нажот кутмасди.

У дорихонага қайтиб чиқди. Журъат айтган дорини Азиз акага етказиши кераклигини эслади. Уни уйга кетишда йўл-йўлакай ташлаб ўтишни мўлжаллаб, Зубайдага юзланди:

– «Церебризин»ни савдодан обқўювмидингиз? Мабодо налоговойдаги Азиз ака сўраб келмадими?

– Йўқ, – деди Зубайда, дорини бўлим бурчагида турган «Сино» музлаткичидан олиб, бир варақ қоғозга ўради-да, бошлиғининг қўлига тутқазди.

– Нархи ўзгармаган-а?

– Йўқ, бу каттаси-ку! Ўн минг сўм-да!

– Хўп, бўпти. Журъатгами, менгами ёзиб қўярсиз. Ҳали ҳисоб-китоб қилганимизда айириб ташлармиз,– у офисга кириб сигаретини, уяли телефонини олиб чиқди. – Мен шуни ташлайман-да, яна бир жойга ўтиб келаман. Мабодо Журъат акангиз сўраб қолса, налоговойни айтарсиз, бўптими? – деб унга қараб кулди, қиз кулиши мазмунини туйганини кўриб, икки кўзини юмиб қўйди-да, ташқарига чиқди.

9

Туман Солиқ идорасида кўп ушланмади. У ердан чиқиб энди машинаси рулини Кўкрак-жарроҳлик илмий-текшириш институти жойлашган кўчага қараб бурган эди, автобус-троллейбус бекатига яқин ерда икки ёшгина жувон қўл кўтарди. Улардан бири Мактубага ўхшаркан деган хаёл билан машинасини тўхтатди. Худди ана шу жувон унинг ён томонидаги эшикни очди-да:

– Ака, бизни Қатортолга ташлаб қўйинг-а, – дея ялинди.

– Ана шундай ялиниб сўраганингиз учун ташлаб ўтаман, – деди Мирзоҳид, чиройли аёлларни кўрганда суюлиб кетишини ўзи ҳам билмай қолиб. – Қани, машинага чиқинглар!

– Ҳаммаям ана шу акага ўхшаса-да, – деди қоши бир-бирига туташган, шаҳло кўз, ҳусндa шеригидан чиройлироғ-у, аммо ёшда улуғроғи, машинанинг орқа эшигини очди-да, кўйлагини тузатган бўлиб чиқиб ўтирди.

Унга шериги эргашди.

– Сиз олдига ўтиравермадингиз-да, – унга гап қотди Мирзоҳид, шунинг баробарида рўпарасидаги кўзгуча орқали ҳар икки аёлни кузатаркан, «Бари бир Мактубага ўхшагани ёқимлироқ экан», деган ўй кўнглидан кечди.

– Мен эркаклардан қўрқаман, – деб у билан ҳазиллашган бўлди машина тўхтатган йигирма беш билан ўттизлар орасидаги жувон, шифон кўйлагининг этагини тортиб қўйиб, калта қилиб қирқилган сочининг у ён-бу ёнини пайпаслаб силади. У Мирзоҳид тепадаги кўзгуча орқали уларни кузатаётганини шеригидан аввал сезган эди.

– Нима, мен шунчалик қўрқинчли эканманми? – орқасига қаради Мирзоҳид, қарадию ҳар икки аёлни нигоҳидан яна бир ўтказиб олди. «Бекорга тўхтатмабсан Мирзоҳид, ҳар икковиям пичоққа илинадиган, бағрингга босишга арзийдиган жононлар экан», деган ўй бир сонияда хаёлидан ўтди.

– Одам ҳавас қилса арзирли йигит экансиз, – деди иккинчиси, у ўттиз билан ўттиз бешлар орасидаги оппоқдан келган бир жувон бўлиб, шеригидан ёши каттароқ эканини юзи ҳам айтиб турар, гавдаси ҳам йўғонроқ эди.

– Сурайё опам тўғри айтдилар. Биз ҳаммамизнинг ҳам машинасига чиқавермаймиз. Кўзга яқин аёллармиз, тағин шўпир опқочиб кетса нима қиламиз, а Сурайпа? – деб ҳазиллашди у, кейин қўшимча қилди. – Сизнинг ўзингизни кўриб машинангизга чиқдик-да!

– Энди менам кетворган йигитлардан деб билмайман ўзимни. Бўйим паст, сочимни тепаси тўкилган-ку... – ўзини кўзгуга соларкан, айбларини рўйи-рост айтишдан уялмади Мирзоҳид. – Аммо-лекин битта-яримта аёлларга ҳам ёққан жойимиз бо-оор, йў-ўқ эмас, ҳа, чини билан ёққанмиз.

– Гапга устаям экансиз, – деди Сурайё дегани.

– Соч тўкилиши айбмас. Аёллар шунақа эркакларни яхши кўришади-да, а, Сурайпа? – шеригига қараб кўз қисиб айёрлик қилмоқчи бўлди иккинчиси.

Аёл шаҳло кўзларини қисишини Мирзоҳид ойна орқали кўриб келаётганди, унинг айёрлигидан хахолаб кулди-да:

– Сизнинг отингиз нима, кўзини қисган қиз? – деб сўради. – Буларникини билдим, Сурайё экан...

– Аввал сиз айтинг, – шеригига қараб олиб кулди аёл, унинг кулишлари ҳам, кулгичлари ҳам чиройли эканини Мирзоҳид ойнадан кўрди.

– Меники Мирзоҳид, – деди у, – ёшим билан қизиқаётган бўлсанглар, ўттиз олтига тўламан, яқинда. Касбимниям айтайми?

– Ҳа-аа, айтинг. Айниқса, шу керак, тўғрими?.. – деб шеригига қараб кулди Сурайё.

– Касбим... қани ўзинглар топинглар-чи?

– Касбингиз... савдо ходимисиз. Фақат пулдор йигитларгина бунақа дадил гаплашишади, – деди исмини айтмаган жувон, айнан ўзигина Мирзоҳидни қизиқтираётганини ҳам сезди.

– Тўғри, менам таргаш бўлсалар керак, деб ўйлаётувдим, – деди шериги чапанироқ оҳангда. – «Сотовой»ниям пулдорлар кўтариб юришибди.

– Аммо-лекин сизга қойилман, – деди Мирзоҳид Мактубага ўхшатгани аёлга. – Бало экансиз, сира-сира кутмовдим аниқ айтишингизни...

– Исмим Муяссар, – деди жувон, тағин нима айтай, деган бир мазмунда хўрсиниб қўйди.

Унинг ана шу хўрсиниши Мирзоҳидга эри борми-йўқлигини сўрашига халақит берди, худди ана шу хўрсиниши туфайли ҳам: «Турмушга чиққандирсиз, нечта болалар бор?», деб сўролмади. Аммо бу аёл турмушидан рози эмаслигини сезди. Шу важдан ҳам мана бу нарсани сўради:

– Қатортолга нима учун кетяпсизлар?

– Тирикчилик важидан! – деди Муяссар.

– Тушунмадим, – ҳайрон бўлди Мирзоҳид, кечалари ўша кўчаларда мижоз овловчи танноз, суюқоёқ аёллар бир онда кўзи олдидан ўтди, шунинг баробарида, «булар унақаларга ўхшамайди», деб қўйди ичида.

– Сергелида янги бозор очилганидан хабарингиз бордир? – сўради Сурайё.

– Ҳа, эшитувдим, супер-оптовий дейишаётганди...

– Шунга кирмоқчи эдик, чет эллик ўзбеклар очишган экан-ку, жой қолмабди.

– Хўш, Қатортолда-чи?

– Шунинг каттаси ўша ерда ўтираркан...

– Компанияси ўша ерда экан, – қўшимча қилди Муяссар.

– Шу топиб беради деб ўйлайсизми?

– Ҳа, яхши одам дейишяпти. Амин Шарифий экан исми.

– Келишган-келишган жувонсизлар ҳар икковинг, қўрқмайсизларми у кишидан?..

Ҳар икков аёл бир-бирига қарашди. Мирзоҳид уларни синаётгани учун кулиб қўйишди.

– Ёши улуғ одам дейишди-ку, ўлар энди... – деб Муяссарга қаради Сурайё.

– Нима, ёши улуғлар шўхлик қилмайдими? – яна уларни синади Мирзоҳид. – Иккинчидан, пули кўп одам...

– Чет элга опкетса кетаверардик-а, Сурайпа?.. – тағин кўз қисди Муяссар, гапидан сўнг Мирзоҳиддаги ўзгаришни кузатган ҳам бўлди.

– Ўзи мана бу ҳаёт жа жонга тегди. Кетаверардик, оти ўчсин, – деб кўрган кунини қарғади Сурайё.

– Нима, хўжайин боқолмаяптими? – боя сўролмаганини сўраш мавриди етганидан севинди Мирзоҳид.

– Кимни эри боқолвотти, қани, менга айтинг?! Ўқитувчи одам нимасига етказади? Муяссарники-ку бўлакча... – деб ёнига қаради Сурайё.

Аёл Мирзоҳид уни ойнадан кузатаётганини сезиб ерга қаради. Кўзларига ёш қуйилиб келди.

Мирзоҳид унинг боши очиқлигини сезиб, бир томондан севинди, иккинчи томондан кўзлари ёшланаёзгани учун хижолатланди. Бу ҳис аёлдан боши очиқ-очиқ эмаслигини сўраётганида ҳам унинг вужудини тарк этмади:

– Ажралишганмисизлар, Муяссар?

Аёл ўзини ўнглаб олди. Сал гавдасини кўтарди-да, баайни мағрур аёллардек босиқ овозда:

– Йўқ, юраклари туғма порок экан, оламдан ўтганлар, – деди.

Мирзоҳид бирдан бояги ҳазил-ҳузул ҳам поёнига етганини, ҳар икки аёл билан яқинлашгандай бўлиб кўринганди, яна улардан олислашганини сезди, нима дейишини билмай ҳам қолди. Тилига келган биринчи жумла:

– Фарзандлар бормиди? – дегани бўлди.

– Йўқ, – деб бош тебратди Муяссар.

Негадир Муяссар эмас, Мирзоҳид енгил тортгандай бўлди, у ёғига то манзилга етгунларича аёллар билан суҳбатлашмай келди, бир томони кўнглидан: «Негаям буларни машинамга олдим-а?!», деган ўй ҳам ўтди, иккинчи томондан эса вужудини уларга нисбатан ачиниш ҳисси чулғади. Фақат манзил рўпарасига келиб машинасини тўхтатгандагина бу туйғу уни тарк этган, дилида бу икки аёлга нисбатан яхшилик қилиш истаги хуружини бошлаганди.

– Мана шу бино бўлса керак? – деди Сурайё.

– Шунга ўхшайди, – деди Муяссар.

– Мана шу, – деди Мирзоҳид, бироз ўтгач қўшиб қўйди: – Амин Шарифийни менам эшитганман. Ҳар- ҳолда, таргаш-таргашни танийди-ку, шундай эмасми Сурайёхон?

Шу дамда ҳар икки аёлнинг чеҳраси ёришди. Ҳар иккови шошилиб сумка титкилашга тушган эди, Мирзоҳид уларни тўхтатди:

– Унақа қилсангиз машинага ўтирган жойингизга қайтариб обориб ташлайман-а!..

– Вой, барака топинг, – суюниб кетди Сурайё.

– Йўғ-э, қандай бўларкин?! – деб кармонини очишга тутинди Муяссар.

– Шундай қилсангиз Сурайё қоладилар-да, сизни обориб қўяман ўша жойга! – ундан норозиланди Мирзоҳид.

– Шунақа қилинг, – деди Сурайё, у бу гапи билан Муяссарга яхшилик қилмоқчи бўлгандай эди.

Буни Муяссар ҳам, Мирзоҳид ҳам яхши сезишди.

Муяссар аёллик ғурури йўл қўймагани учун:

– Нима, сизга ортиқчалик қилиб қолдимми, Сурайпа? – деди.

Мирзоҳид эса ҳазилкашлик қилди:

– Муяссарни ойгаям опкетишга розиман!

– Кеннойим чапак чали-ииб қолмайдиларми? – ярим киноя, ярим чин оҳангида сўради Муяссар.

– Кеннойингизниям опкетамиз, – кулди Мирзоҳид.

– Қўшхотинлиларни ойда қабул қилишмасмиш, – орага қўшилди Сурайё.

– Ҳеч бўлмаса телефон рақамларингни беринглар, – ўтиниб сўради Мирзоҳид, айни фурсатдан фойдаланиб қолди, бошқа маҳал бўлганида сўролмаслигини туйди.

– Ана, Муяссарникини олақолинг, – деб гапнинг индаллосини айтиб қўйди Сурайё, у Мирзоҳид атайлаб кўпликда сўраганини, ҳақиқатда эса Муяссарникини олмоқчи бўлганини сезган, буни нафақат Сурайё, Муяссарнинг ўзи ҳам

жуда яхши фаҳмлаган эди-ю, аммо ана шу ўйини йигитга очиқ айтишга юзи чидамаганди.

– Бизники ҳозир ишламаяпти, – деди у, пулини тўлашаёлмаётгани учун станциядан узиб қўйганини айтмади.

Буни Мирзоҳид сезди, ортиқ суриштириб ўтирмай машинасининг бардачогини кавлаб кичик бир қоғозни олиб, қўлидаги ва ишхонасидаги телефонларнинг рақамини ёзиб Муяссарга тутқазди.

– Дори керак бўлса бош устига. Жанубий вокзалга етмасдан беридаги бекат бор-ку, Чилонзор томонга кетаверишда, ўша ердаги дорихона бизники, – деди, ичида эса «ҳозирча», деб қўшиб қўйди.

Аёллар унга яна бир бор миннатдорчилик билдиришди. Мирзоҳид «Жигули»сига ўтирар экан, йўлкира пули олмаганига маълум маънода ачинса-да, дилида тўғри қилганига амин бўлиб машинасини тўғрига ҳайдади. Хаёлига қаёқдандир: «Мактуба бўлмаса Муяссар бўлар», деган номаъқул фикр келди. Ортидан уйга кетаётганини ўйлаб, ўғил-қизларини эслади, кенжаси бўлган тўрт яшар Дилмурод кўзи олдидан ўтдию: «Ҳе, хотинбоз!», деб ўзини койиди.

10

Белтепага етар-етмас, сартарошхонанинг ёнидаги кўчага бурилиб, қатор янги ҳовлилар бошланган жойга етганда рўпарасидан хорижий маркали эски машинада Ҳикмат бошини лиқиллатиб ўтиб қолди. Мирзоҳид унга кўзи тушиши ҳамоно юраги «шиғ» этиб, кўнглини нохуш бир туйғу кемириб ўтгандай бўлди. «Ёнидаги ерини сотган кўринади, машина минвопти, ё битта-

яримтаникимикин?», деб мулоҳазаланиб рулни ўнгга бурди, нима қилса ҳам йўлидан қора мушук чиқиб қолгандай, Ҳикматнинг учраши унга яхшилик аломати бўлмай кўринди. У кўп ҳам юрмай, яна машинасини ўнгга бурди-да, тепаликдаги қатор ҳовлиларга олиб борадиган торгина йўлга тушиб олди. Йўлнинг бу ёни буғдойзор, у томони эса ўн-ўн беш қатор янги тушган битган-битмаган ҳовлилар. Мирзоҳидники сўнгги қаторда бўлиб, бу ёғига ҳали тарқаб улгурмаган колхоз буғдой экиб ташлаганди. У кўпчилик уй қураётганларнинг саъй-ҳаракати билан сотиб олиб келиб қўндирилган бетон устунларга қараб-қараб келаркан, беридаги қўшнисиникида одамлар ишлаётганига кўзи тушди. «Демак, бошқа биров сотиб олибди-да! Искандар: «Қурбим етмаяпти, қайнатам ўзингни уринтирмай сотиб юбор, деяётгандилар», девди, бундан чиқди, бошқа биров сотиб олибди, бу биров ким бўлди экан?», деб ўйланиб, хом ғишт билан терилиб, ҳали усти ҳам ёпилмай старапилига навбат етганда иш таққа тўхтаб, тепасига эски-туски тунука, шифер ташлаб қўйилган, қиши билан шу аҳволда чиққан, бу йилги баҳорнинг даҳшатли шамолларию ёмғирида кўп жойидан чакка ўтиб, ўтган йили терилаётганида ҳам бир неча бор куз ёмғирида қолган, хом ғиштларининг баъзи ерлари тушиб кетган қўшни ҳовли ёнига етганда қурувчилари илгариги усталар эканини бошлиғи Рамзиддиндан таниди. Уларга «ҳормангглар», деб бош силкиб саломлашиб ўтиб, ўз дарвозаси рўпарасида машинасини тўхтатди-да, уйига кўз югуртирган эди, дарвозадаги қулф ўрнида занг босган ингичка симлар ўраб қўйилганини кўрдию юраги

иккинчи бор шиғиллаб, оёқ-қўли бўшашди. Жон ҳолатда машинадан тушиб, ўша ёққа ошиқаркан, «Ҳойнаҳой, бу ўшанинг иши бўлса керак», деган ўй миясига чиппа ёпишиб улгурди.

Уста Рамзиддин унинг ҳолатини пайқади чоғи, шағал қораётган белкурагини ташлади-да, шу ёққа юрди.

Мирзоҳид шоша-пиша симларни дарвоза эшиги илгагидан бўшатишга тушди, у билан сўрашишга келган устани қисқа, синиқ кулги билан қарши олди.

– Уни қаранг, Рамзиддин ака, кимдир қулфини ечиб опкетибди, – деб уста билан қўл бериб сўрашди. – Ўзинглар тағин кепсизлар-да!..

– Ҳа, бу ёғиям ўзимизга қолди, – деди уста, – Тошкентга бугун эрталаб тушувдик. Искандар айтиб қолди, келдик. Домла: «Ўзинглар қилиб берақолинглар», деди. Сизники очиқ экан, «Ҳойнаҳой, амаки келган бўлсалар қулфлаш эсларидан чиққандир-да», деб ўйлабман...

– Ҳа, йўқ, дадам анчадан буён келмаяптилар, – деди Мирзоҳид, отасининг дардини айтишни лозим топмади. – Сим топиб келинг, пулини йиғиб бераман, девди ҳув пастдаги Илёс ака. Шуни опкелувдим, яхшиям бугун кепман...

– Мана бу симларни мен ўраб қўйдим, – маълум қилди уста, пичадан кейин қўшиб қўйди: – Ҳа, айтмоқчи, анави цемент қорадиган темир тунукангизни олиб эдик...

Мирзоҳидга унинг бесўроқ ҳовлига кириши ёқмади. «Биров қулфини бузиб олиб кетган хонадонга эгасининг рухсатисиз кириб, унинг нарсасини оладими ҳеч замонда?», деган ўй хаёлидан ўтиб, ана шу хаёлига келган ўйни унга айтмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо андиша қилди.

– Биров атайлаб қилаётганга ўхшайди-да, – фикри-зикри тағин Ҳикмат томон кетди. Лекин ундан шубҳа қилаётганини, узоқ йилининг кузида уйининг пойдеворини қуйдираётганида иккови жанжаллашиб қолганини айтиб ўтирмади, «бу келгинди усталар менга дўст бўлармиди» қабилида гапини давом эттирди. – Ўтган сафар янги челаклар опкеб қўювдим, шулар билан икки-учта белкурак йўқолувди. Унда ўғри ҳув пастки томондан тушувди, оёқ излари деворнинг устида қолган экан. Энди бўлса қулфни бузиб кетибди. Кимдир қитмирлик қиляпти-да!

– Ичкарини кўринг-чи, бирорта нарса йўқолмабдимикин, – деди уста Рамзиддин, у энди шу гапни айтган, Мирзоҳид энди ичкарига кирмоқчи бўлиб турган эди, қурувчилар ишлаётган хонадондан ёши эллик билан олтмишлар орасидаги қорачадан келган, бўйга паст, аммо тўлагина, анчайин сийраклашган мош-гуруч сочларини орқасига тараган янги қўшни чиқиб қолди. Мирзоҳид у билан сўрашмай туриб ичкарига кириб кетолмади.

– Ассалому алайкум. Менинг исмим Мирзоҳид, – деб ёнига келган қўшнисига ўзини таништирди. – Янги жойлар моро бўлсин, қўшни бўпмиз-да, ака?!

Янги қўшниси олган жойидан кўнгли тўлмагандай қиёфада эди, буни юз-кўзи айтиб турарди, сўзларида ҳам ошкор этиб:

– Раҳмат. Менам «мир»лардanman, «Мирсодиқ ака» дейсиз, – деб ўзини таништирди, ортидан қўшиб қўйди: – Ҳали анча иши бор экан-да!

Мирзоҳид унинг кўнглини кўтарган бўлди:

– Ҳа, энди секин-секин бўлади-да, ака.

– Рамзиддин акангиз шундай деяётган эди, қулфини биров опкетиб қопти-да! – деди янги қўшниси хотиржам овозда. – Кеча пешинда келганимда бурнида тургандай кўринувди. Қани, қараб кўринг-чи, ҳамма нарса жойидамикин?!

– Қани, юринг, – деб қўшнисини ичкарига таклиф қилди Мирзоҳид, ундан «йўқ, йўқ», деган рад жавобини олгач: «Қулфи бузилган хонадонга киришни истамади, бало экан, аммо шу хонадондан цемент қорадиган тунукани опчиқиб кетган усталарига чурқ этмабди ҳам», деган хаёлда: – Ҳа, шуни қараб чиқай-чи, – деди-да, узр-маъзур сўраб ҳовлисига кириб кетди.

У ҳамма ёқни бошдан-оёқ текшириб чиқиб, дарвоза эшиги илгагига бояги симларни вақтинча ўраб қўйди, сўнг эса қўлларини орқасига қилиб олиб усталарининг шағал қоришини кузатаётган Мирсодиқ акага яқинлашди.

Қўшниси ундан сўради:

– Ҳа, ҳамма нарса жойида эканми?

– Ҳеч нарсага қўл урилмаган, – кўнгли хиёл хотиржам тортиб жавоб қайтарди Мирзоҳид. – Томда озроқ тахталар бор эди, улар ҳам жойида турибди.

– Ёш болалар қилган-да! Кеча беш-олтитаси шу томонда қўйларини боқиб юрувди. Қулфи Хитойники эдими?

– Ҳа, оқ қулф эди.

– Унақа қулфни бу шумтакалар мих билан ҳам очиб ташлайди.

– Ҳайронман, – деди Мирзоҳид, аммо кимдан гумонсираётганини янги қўшнисига айтмади, фақат мана бу мазмундаги гап билан чегаралланди: – Болалар журъат қилмас-ов, бундайин номаъқул ишга?!

– Уларда ақл борми? Кетини ўйламай қилаверади!..

– Ўтган кузга яқин уч-тўртта челак, белкураклар йўқолувди. Унда сизнинг тарафингиз очиқ эди. Пастки уй томондан тушувди...

– Ўзи икковимизнинг орқа томонимиз очиқ экан. Орқа қўшнилар фақат пойдеворини қуйиб қўйишибди.

– Ҳа, орқа томон очиқ, қўшнилар ҳали қурилишини бошламаган, – деди Мирзоҳид, ҳақиқатда эса ўша томондан қўрқишини, Ҳикмат ҳам ўша томонда туришини ўйлаб, аввалги сафар ҳам ундан гумонсираганди, ҳозир ҳам хаёлига айланиб фақат шу келаверарди.

– Ҳа, дарвоқе, цемент қорадиган тунукангизни йигитлар олишган экан... – узр сўрагандай бўлди Мирсодиқ ака. – Мен чакки қипсизлар десам...

Мирзоҳид бояги фикри тўғри чиққанини ўйлади. «Ҳақиқатан пихини ёрган кўринади бу одам», дея хаёлидан ўтказди.

– Ҳа, майли, Рамзиддин ака ўзимизнинг одам, олса опти. Фақат йўқолмаса бўлгани. Куёвим ташлаб кетувди, бировники деб...

– Йўқ-йўқ, йўқотишмайди, мен кафил.

– Ишлатаверинглар.

– Бу ёқдан хавотир олманг. Мана йигитлар қараб туришади, қолаверса, мен, болалар кеп турамиз. Ишларни бошлаб юбордик-ку!..

– Ҳа, бугуноқ, узоғи билан эртага эрталаб қулф қўйиб кетаман, – деди Мирзоҳид, бу ерга келиши сабабига кўчди: – Ҳув пастдаги Илёс ака сим айтиб юборувдилар. «Сиз опкелаверинг, кейин мен бошқалардан пулини йиғиб бераман», – девдилар. Шуни опкелдим.

– Ҳа, кўчагами? – деб орқароқда турган баланд устунга эътиборини қаратди Мирсодиқ ака. – Яхши иш бўпти-да!..

– Монтёрни гаплашиб қўйган эканлар.

– Жуда яхши бўпти-да!

– Ҳали давлат қачон қуриб беради.

– Ҳаммамиз биргалашиб қилмасак бўлмайди.

– Нариги кўчадагилар ҳам ўзлари ўтказиб олишибди.

– Ҳа, горсетга ишонсак, уч-тўрт йилсиз бу ёқларга ток олиб келмайди.

– Шуни айтаман, – деди Мирзоҳид. – Шуни Илёс акага ташлаб келай.

– Бу хайрли ишга бизам қўшилишамиз, – деди Мирсодиқ ака, кейин бир нарсасини унутган одамдай кўчага омонат ўрнатиб қўйилган дарвозаси томон юрди.

Мирзоҳид машинасини ўт олдирди-да, ўзи томон анграйиб қараб қолган Рамзиддин акага «мен ҳозир» дегандай ишора қилиб «Жигули»ни пастликка ҳайдади. Кўча бошидан ўн-ўн беш эшик беридаги пахса билан тикланиб, томига шифер ёпилган, ҳали усти сомон сувоқ қилинмаган иморат рўпарасида машинадан тушиб, юкхонасидаги икки жойидан каноп билан яхшилаб боғланган бир ўрам қора симни кўтариб чиқарди-да, капотни ёпиб, қўлида билагига довур ўтказиб олиб, очиқ турган тахта дарвоза томон юрди. Йўлакда эҳтиёт қисмлари сочилиб ётган эски «Москвич»нинг ёнидан ўтиб, овозини баландлатиб: «Мумкинми?», деб ижозат сўраб борди.

Ҳовлининг ўртасида Илёс ака кўндаланг ётган ёнғоқ тўнкасига ўтириб ўн уч-ўн тўрт ёшлар атрофидаги ўғлига сочини олдиртираётган экан,

чўзинчоқ қовоққа ўхшаш бошини кўтариб овоз келган томонга боқди-да:

– Ия, келинг Мирзоҳид! Зўр йигитсиз-да, айтган сўзингизда турибсиз! Барака топинг! – деб у олиб келган симга диққатини қаратаркан, ўрнидан сапчиб туриб кетди. Бўйнига ўраб олган кир, сарғайган сочиқни ўтирган ерига ташлаб, унинг истиқболига ошиқди.

– Сизнинг сўзиз биз учун закўн, ака! – деди Мирзоҳид, кейин эса дарвозасининг қулфини ўғирлатганини эслаб қолиб, ёришган чеҳраси, ҳазил қилишга мойил кайфияти йўқолди. Ҳолбуки, «ҳа, ака, сочни олдиришга пул тополмадингизми, ҳовли қуриш мана шунақа бўлади», деб унга ҳазил-ҳузул қилмоқчи бўлганди-ю, бироқ ана шу ўйлагани гапи кўнглига сиғмагани учун, яна устига, Илёс акага тегиб кетишини ҳам ўйлаб шахтидан қайтди, «Шу бечора ҳам сартарошга тўлайдиган юз эллик-икки юз сўм ёнга қолсин деб, патакдек ўсиб кетган сочларини ўғлига олдираётгандир-да, меникиям ўсиб кетувди, эрта-индин олдириш керак», деган хаёлга борди.

– Э, барака топинг, шу ой ичида, узоғи билан кейинги ойгача одамлардан йиғиб бераман, хўпми акаси?!

– Майли, кейинги ойгача бўлсаям майли.

– Бу ой демаётганим, биласиз-ку, баъзилар эшигини қулфлаб кетган. Ўшаларниям топгунимча пича вақт ўтади...

– «Қулфлаб кетган» деганингизга айтаман-да, менинг дарвозамни қулфини кимдир ечиб кетибди-да!..

– Йўғ-э! Кеча эрталаб нонга ўтаётганимда жойида эди! «Қараб туринг, ака», деганингизга хабар олиб турардим! Ҳа, жойида эди!

– Искандарнинг участкасини олган янги қўшниям айтяпти. «Кеча кўзим тушгандай бўлувди, жойида эди», деяпти. Ман айтаман-да Илёс ака, сиздан бошқалар билмасин-ку, сизнинг узоқ йилги жанжалимиздан озми-кўпми хабарингиз бор... анави қилмаганмикин? Атайлаб жиғимга тегиш учун? – деб Ҳикматни назарда тутди Мирзоҳид.

– Йўқ, унинг иши бўлмаса керак, – ўйланиб қолди Илёс ака. – Йў-ўқ, бунчалик пасткашлик қилмас. Яна қайдам...

– Ўтган йилиям уч-тўртта пақир, белкураклар йўқолувди-да!

– Ҳа, бирда айтувдингиз.

– Йўқ, қитиқ патимга тегиш учун қилмаётганмикин дейман-да! Ё участкавойга айтсаммикин?..

– Гумонингиз кимданлигини сўрайди-да! Уни айтсангиз яна жанжал олов олиб кетадими дейман! Ҳеч нима йўқолмаганми?..

– Йўқ, қизиғи, ҳеч нима йўқолмаган, ҳамма нарса жойида. Лекин манави гапингиз тўғри. Жанжал олов олиб кетади. Бу аниқ.

– Ҳа, арзимаган қулф экан-ку! Ўзи шу томонларга ўғри оралаганми дейман-да! Ҳув кўча бошидаги қўшниям аравасини йўқотганмиш...

Бошқа биров ҳам нарсасини йўқотганидан Мирзоҳиднинг кўнгли сал ўрнига тушди.

– Ҳикмат қилмаган-а?! – ўзини тинчлантириш мақсадида яна сўради Мирзоҳид.

– Йўқ, у бўлмаса керак. Лекин участкавойга бориб ўтирманг.

– Йўқ, бормайман. Бу гап орада қолсин, Илёс ака, – уни огоҳлантирган бўлди Мирзоҳид, шунинг баробарида унинг айтиб қўйишидан чў-

чиди ҳам. – Мени тўғри тушунинг. Отаси яхши одам, иннайкейин, бир жойда яшаймиз, кўз-кўзга тушганда, ўзи бир марта...

– Ҳа, баракалла, – бош силкиб унинг гапини маъқуллади Илёс ака, тағин Мирзоҳиднинг эътиборини ҳозир олиб келгани симга қаратди: – Мана бунинг пулини мен кейинги ойгача йиғдириб бераман! Дарвоқе, қанча бўлди?!

– Саксон минг сўм-да!

– Қирқтага яқин хонадон бўлса, тахминан икки мингдан тушар экан-да!

– Ҳа, шу атрофда. Мениям шу ҳисобга киритаверинг.

– Мабодо уйингизга ўтказмайсизми?

– Уни кейинроқ гаплашармиз. Олдин кўча бўлаверсин-чи. Ҳа, айтмоқ-чи, эртагача бирорта қулфингиз йўқмиди, Илёс ака? Соат еттига қараб кетибди, дўкон бекилганми дейман, эртага қайтариб берардим.

– Ҳозир, бир қарай-чи, – деди Илёс ака, кейин ҳовлисининг паст томонидаги ҳужра ўрнида фойдаланаётгани битмаган ҳаммомга кириб кетди. Пича ўтмай у ердан эски бир қулф билан қайтиб чиқди.

– Мана ука, Худо деган йигит экансиз, эски бўлсаям пишиғи, нақ Никалайнинг пайтидаги қулфлардан-да! Бирда Тезакопдан опкелгандим, калитиям бурнида!

– Э, барака топинг, эртагаёқ қайтараман! Очиқ қолмасин дейман-да!...

– Тўғри, очиқ қолмагани маъқул. Эртага фақат шунинг учун келмасангизам бўлади, йўлингиз бир тушганида ташлаб ўтарсиз. Менга қаранг ука, шуни сизга совға қилиб юбордим, боринг ана, ташлаб кетаман деганингиз нимаси?

– Ҳимматингиз учун раҳмат. Майли бўлмаса, бари бир хабар олиб тураман-ку, ёлғизлатиб қўймайман. Аммо шу кунларда иш кўп, эртага бўлмаса бошқа куни ташлаб кетарман, бериб турганингизгаям катта раҳмат, – деди Мирзоҳид, Илёс аканинг «ичкарига киринг», деб манзират қилишига қулоқ солмай, ташқарига ошиқди.

Илёс ака уни эшигига қадар кузатиб чиқди.

Мирзоҳид машинасини буриб олди-да, ҳовлиси томон ҳайдади. Дарвозаси рўпарасида тўхтатди. Ўзининг пишиқ ғиштдан қурган иморатига бир сония кўнгли тўлиб боқди. «Худо хоҳласа, каттароқ пул тушса, бу ёғиниям бир зарб билан битириб оламан», деган ўй кўнглидан кечди. Машинадан тушиб, дарвозага яқинлашди-да, зулфинидан симни олиб ташлаб, ўрнига қулфни суқиб калитини буради. Кўнгли сал ўрнига тушди.

– Ҳа, Мирзоҳидвой, қулф топдингизми? – сўради уста Рамзиддин.

– Ҳа, пастдаги қўшнида ортиқчаси бор экан, берди, – деди у. – Илтимос, Рамзиддин ака, бу ёқлардан ҳам хабардор бўп турингланр.

– Ҳай, акаси, бехавотир кетаверинг, биз шу ердамиз.

– Раҳмат, – деди Мирзоҳид, энди машинасига ўтираётган эди, ичкаридан Мирсодиқ ака чиқиб қолди.

– Ҳа, Мирзоҳид, кетяпсизми?

– Ҳув пастдаги Илёс акада қулф бор экан, шуни обтурдим.

Мирсодиқ ака унинг дарвозасига қаради. Занг босган эски қулфга кўзи тушди.

– Ўзи мана шунақа эски қулфлар бақувват. Ҳозиргилари бўлмайди, салга очилиб кетаверади.

– Шундай, – деди Мирзоҳид. – Қани, юринг, опкетай, кеч бўп қолди.

– Ўғилни кутиб турибман. Бочка олиб келиши керак эди, – деб қўлидаги соатига қаради Мирсодиқ ака, сўнгра машина келадиган йўлга бетоқат бир қиёфада боқди.

«Бочка» сўзини эшитиб Мирзоҳид бир сесканди. Ҳикмат билан бўлиб ўтган жанжал худди ана шу бочкадан чиқиб кетганди. У ана ўша воқеани унутишга қанчалик ҳаракат қилса ҳам кўзи олдига келаверди.

– Водопроводдан сув чиқмаяптими? Искандар обкирувди шекилли?

– Кундузлари яхши чиқмайди. Баъзан тўхтаб қолади. Нарёқдагилар олади чоғи, бу ёқлар тепалик экан-да! Ҳали сувни тўла бермаган кўринади!

– Шундай бўлса керак, – деди Мирзоҳид, яна жанжал айнан ана шу сув воқеасидан чиқиб кетганини ўйлаб. «Ўшанда Наримон ака «банкда ишлайди» дегани анави кампирдаҳан қўшниси бочкасини бир кун кейин олганида шунча машмаша йўқ эди», деган хаёлга бориб: «Аммо-лекин ёмон паст одам экан-э! Менинг қурилиш бошлаганимни кўриб дарров ғишт терувчиларни бошлаб кепти. «Нокаслик қилманг», деганим ёмон алам қип кетди-да унга», деган хаёлда Мирсодиқ ака билан хайрлашди-да, машинаси моторини ўт олдириб, биринчи тезликда ҳайдаб кетди. Бирор уч юз метрлар юргач, ўзи келган тарафга эмас, ўнгга бурди: беридаги нон дўконининг ёни билан чиқиб кетмоқчи бўлди, ўзи сезмаган тарзда Ҳикмат яшайдиган беридаги кўчага диққатини қаратди. Кўча бошида, сайҳонликдаги ёлғиз тут тагида ҳали ҳам чала ёнган вагончанинг бели букчайиб

ётарди. «Онаси шуниям мендан тўнковди. «Сенлар ёндириб кетгансан!», деб туҳмат-маломат тошини бошимга отувди», деган ўй кўнглидан кечиб, шу томонлардан жой қилганига ҳам пушаймон еди. «Азамат, «олти сотих ерим бор, яхши жойда, нақ ҳокимнинг ўзи олиб берган, шуни олсанг-чи», деб туриб олмаганида, эҳтимол, бу ерларга келмаган, шунча ташвишга қолмаган бўлармидим», деган хаёллар гирдобида кетиб бораркан, Илёс ака айтган бояги гапни эслаб: «Участкавойга айтадиган бўлсангиз яна жанжалинглар олов обкетади», деди, аммо-лекин тўғри айтди», деб ўйлаб, каллаасининг қат-қатига «олов» сўзи ўрнашиб қолди, бу сўз унга ваҳимали туйилди, бу сўз унга ҳали ўзи ҳам тушуниб етмаган балони олиб келадигандай кўринди. Фақат шу онда миясига Азамат айтган бир жумла ярқ этиб урилди: «Бу ерни Эски шаҳардаги кичик бир ҳужра билан ошхонамизни ёқвориб ундирувдим!» Мирзоҳид яна: «Нега энди ҳадеб ёнғин?!» – деб ўзига савол берди, савол бергани сайин бу сўз Илёс ака айтганида ваҳимали туйилгандай кўринаётганига яна бир карра дилдан иқрор бўлди. Хаёли энди ўша – узоқ йилининг кузида бўлиб ўтган «Бочка» воқеасига кетдию: «Бу ёнғинни қачондир сув сепиб ўчириш керак, ҳа, ҳа, алоқаларни тиклаш...», деб ўзига-ўзи гапириб борди...

11

Мирзоҳид дам олиш куни тинч ўтиролмади. Хаёли қилаётган қурилишида бўлаверди. Машинасини укаси уриб олган, уни устаникидан сешанба кунигина олиши мумкин эди. Дадаси Мирюсуф ака тушликни уларникида қил-

ди. Ўғлининг дам балконга, дам хоналарга кириб-чиқаётганини, ҳатто чуғурлашиб юрган ўғил-қизлари ҳам кўзига кўринмаётганини, ҳадеганда қафасда қолган қуш каби безовталанаётганини кўрган Мирюсуф ака сўради:

– Ҳа, тинчликми?

– Қурилишга борай дегандим, Мирвоҳид машинани мана бундай уриб келганини-чи, – деб укасидан норозиланди.

– Бир кун бормасанг бормабсан, ишлаётгандир усталаринг, – ўғлидан ранжиган бўлди Мирюсуф ака.

– Бир ёқда сув бочкаси ташлаб келиш керак эди. Ишлатаётганимизни эгаси сўратганмиш, Наримон ака айтди.

– Обораман девдинг-ку!

– Ҳа, душанбагача ишлатайлик, узоғи билан сешанба куни топиб обориб ташлайман девдим. Бочкани гаплашиб ҳам қўйдим.

– Бўпти-да, гаплашиб қўйган бўлсанг ҳовлиқишнинг нима кераги бор?

– Негадир иш тўхтаб қолгандай кўриняпти.

– Қўй-э, бир кун минг кун эмас-ку!

– Мана бу ҳаво ғанимат-да, ада. Эрта-индин қор ташлаб қолса нима бўлади? Бетон қуйиб бўладими?

– Ўзи шуни ҳозир бошлама, бу ёғи ноябрь, совуқ тушиб қолади, девдим, қулоқ солмадинг. Кейинги йилнинг майидан бошласанг ҳам бўларди.

– Кун яхши келди-ку, ҳечқурса пойдеворини шу йил битирволай, дедим-да, – деди Мирзоҳид, сўнг эса нолигандай оҳангда давом этди: – Қишлоққа, уйга бориб келайлик, деб ҳиқиллаб турувди иккитаси.

– Ўзи уста ишлатишдан оғири йўқ. Ичида бир-иккита тирриғи бўлади, – деб Мирюсуф ака, ортидан ўзининг гапидан кулиб қўйди. – Ўйин-бузуқиси бўлади.

– Ўзи уч-тўрт кунлик иш қолди, чала ташлаб кетасанларми, яқинда пул бердим, бориб ташлаб келдиларинг ўйларингга, дедим. Қайдам, ҳали қишлоғига кетвордими, Худо билади, – Мирзоҳиднинг ичини мушук тирнагандай, шунинг баробарида биров «участкангга бор», дегандай бўлаверди, чидаб туролмади. – Кўчадан машина тўхтатиб бирров хабар обкеламан, ада, – деди-да, отасининг «бугунчалик қўятур», дейишига қулоқ солмай кийиниш учун қўшни хонага кириб кетди.

Мирзоҳид уйининг тагида бир «Москвич»ни тўхтатди-да, уни кира қилиб Белтепага, қурилишига қараб кетди.

У қурилишига етиб борганида иш тўхтаб қолган, бериги қўшнисининг сайҳон ерига қўйиб қўйилган икки ғилдиракли катта бочканинг сувини эгаси ағдартириб ташлаётган экан, Мирзоҳид уни таниб, ҳовлиқиб тепасига бориб:

– Ака, отийиз нимайди, суви увол эмасми, бир кунгина ишлатишса эртага обориб берардим. Наримон акага айтувдим, – деди.

Бочканинг эгаси қирқ билан қирқ бешлар атрофидаги бўйчанг, боши каттароқ, қирғизқовоқ, ранги паст бир одам бўлиб, Мирзоҳид уни бирда кўрганди-ю, аммо исмини сўраб олмаганди, у кампирларникига ўхшаш даҳанини силади-да:

– Исмим Эрмат, – деди, сўнг эса Мирзоҳиднинг исмини сўраб ҳам ўтирмай рангини яна ҳам гезартирди. – Мен Наримон акага айтдим-ку, якшанбаларда келаман деб...

– Наримон ака менга айтдилар. Мен «душанба куни обориб қўяман жойига», девдим, бир кунгина фойдаланайлик, барака топкур, – деди, кейин ўзи сотиб олган ерида қуйилган бетонларга, ундан эса, ҳар томонга тўзғиб юрган қурувчиларига, бочканинг орқасидаги, уни тортиб олиб кетиш учун бошлаб келинган сув ташувчи юк машинаси ҳайдовчиси, Илёс аканинг ўғли бўлган ориқ йигит Муҳсинга қараб олди: – Ишимиз тўхтаб қолмасин, бир кунгина сабр қилинг.

Унинг ялинишига Эрмат аҳамият бермади, бочканинг сувини тўкишда давом этди.

– Ака, унақа бўлса сувни увол қилманг, шунча сув исроф бўлмасин, опкетаверинг мен рози, – деди Мирзоҳид, ерга шимилиб бораётган сувга ичи ачишиб боқди. – Мен розиман, опкетаверинг!

– Менга сувни кераги йўқ, бочкамни олсам бўлди, – минғирлади Эрмат, у Мирзоҳиднинг ерида ётган бир-икки машина шағалга, қоп-қоп цементга, усталари қуйган бетон пойдеворга суқланиб кўз ташлади.

Мирзоҳид унинг қарашида ўзгача мазмун сезиб, ичи қора одам эканини шу дамда яна бир карра ҳис этди. «Меникида уста ишлаётганига ичи куйиб кетяпти», деб хаёл қилиб:

– Аммо-лекин нокас одам экансиз, – деб юборди.

Эрмат унинг ана шу гапини ушлаб олди. Ўзини тутаб кетган қилиб кўрсатди:

– Нима дедингиз? Нокас бўлганимда сизга шунча вақт бочкамни бериб қўярмидим? А, бериб қўярмидим?!

– Ҳе, ана бочкайиз, опкетаверинг... – у шундай деб турган эди, унинг қурувчилари жойлашган каллакланган тут орқасидаги вагонча

томондан шу ёққа бир йигит чопиб келаётганига кўзи тушди. У яқинлашиб қолгандагина ёши йигирма ва ўттизлар орасидаги оқ-сариқдан келган, новча, тўгарак юз, шалпанг қулоқ бир йигит эканини Мирзоҳид кўрди.

У гап нима ҳақда бораётганини ҳам эшитмай, барчасидан хабардор одамдай Мирзоҳидга ўдағайлади:

– Нега бочкани олаётганда бир оғиз мендан сўрамадингиз?

Мирзоҳид ҳеч нарса тушунмай, елка қисди-да:

– Сиз ким бўласиз? – деди.

– Мен Наримон аканинг ўғлиман! – кекирдагини чўзди йигит. – Исмим Ҳикмат! Бу ерлардаги ҳамма нарсага мен хўжайинман! Анави вагонгаям бесўроқ одам жойлабсиз!..

Унинг катта кетиши, чираниши Мирзоҳидга ёқмади, аммо тишини-тишига қўйди.

– Вагонни ҳув орқасидаги Малик акадан сўрадим. Унинг қўшнисиники экан-ку вагон, – деб, бу ердан пастки томони кўриниб турган ҳовлига ишора қилди Мирзоҳид, айни дамда: «Башарасида одам сиёҳи йўқ экан, сираям фариштаси йўқ бола экан, отаси Наримон акага ўхшаб отадиган кўринади», деб ўйлади, сўнг эса сўзида давом этди: – Мана бу сув бочкасини дадангиз Наримон акадан сўровдим, фойдаланганимиз учун ҳақиниям бераман, девдим...

Шу дамда орага Эрмат аралашди. У бир нарсани сезгандай кўйи:

– Сиз қўйинг, – деб Мирзоҳидни нари олиб кетмоқчи бўлди.

Мирзоҳид ўша бир нарсани сезмади, тағин Ҳикматга яқинлашди.

– Адам эмас, мен хўжайинман! Беринг ҳақини! – деди Ҳикмат.

Мирзоҳид «хўп, хўп», деди, энди киссасини ковлаган эди, Ҳикмат яна дағдаға қилди:

– Вагонгаям тўлайсиз! Анув чироққаям тўлайсиз!..

Мирзоҳиднинг қони қайнади. Атрофига йиғилган қурувчиларига бир-бир қаради: уларнинг олдида нафсонияти ерга урилаётгандай кўринди. Ўзини базўр ушлаб турди-да:

– Вагонга бермайман. Иккинчидан, чироққа пулни адангга бераман, улар билан келишганмиз, – деди.

– Йўқ, симни у ёқларга мен тортиб келганман! Менга берасан! Икки минг, йўқ, тўрт минг берасан! – ранги ваҳимали, ваҳший тусга кириб Мирзоҳидни «сенсираб» кетди Ҳикмат. – Мен Жасур акангдан ҳам қўрқмайман!

– Қанақа Жасур ака? Нималар деяпсан?! – тушунмади Мирзоҳид. – Мен адангга бераман деяпман-ку!

– Биламан қандай олганингни ерни! Ўшанинг одамисан!

– Мен ерни бир танишимдан сотиб олдим! Ҳужжатим бор! – деди Мирзоҳид. – Уни у қандай олгани билан ишим йўқ!..

– Чироққа тўрт минг берасан! Бўйнингга қўйиб бўлсаям оламан!

Мирзоҳид унинг «бўйнингга қўйиб бўлсаям оламан», дейишига чидолмади, қандай қилиб чап қўли билан Ҳикматнинг юзига мушт туширганини ўзи ҳам билмай қолди. Кўзи фақат унинг орқасида турган, ҳозиргина ўзи «Москвич»ида келган ориққина ҳайдовчи Турғунга тушди. Кўзига шу дамда у кўринганига ҳайрон бўлди.

– Ҳали мени урадиган сенмисан?!.. – ўшқирди Ҳикмат, қўшниси Эрмат акага кўзларини бир олайтириб қараб олди. – Мени урадиган сенмисан?! Мана сенга, мана!..

Мирзоҳид орқасига тисарилди, юзига келаётган муштларга чап берди. Ўзи чапақай эканини, рақибига унинг чапақайлиги ноқулайлик туғдираётганини ҳис этиб, яна бир-икки марта унинг ўнг лунжига туширди.

Ҳикмат ундан бу муштни кутмагани учунми, сал гангиди, аммо кейин ўзини қўлга олиб, узун-узун оёқлари билан Мирзоҳиднинг гоҳ чап, гоҳ эса ўнг биқинига тепди, сўнгра унинг энгашганини сезиб, фурсатни қўлдан бермай нафас йўлига, бурнига қараб мушт туширди.

Мирзоҳид энгашиб қолди. Нафас олиши қийинлашди, қаддини ростламоққа тутинди-ю, аммо яна ўнг биқинига мушт келиб тушгач, ерга ағанади. Ўрнидан тураман деб икки қўлини ерга тираб қўзғалаётганида Ҳикмат унинг сонига қараб тепди.

Мирзоҳид ингради. Шундагина тепасида турган Ҳикмат ундан анча баландлигини, унга бас келолмаслигини туйди. У бу ҳолатини рақиби сезиб қолишидан чўчиб, тезда ўрнидан турди-да, яна чап қўлини ишга солиб, Ҳикматнинг даҳанига мушт тушира бошлаган эди, тўсатдан ўзининг ҳам жағига рақибининг икки-уч мушти келиб чунон тушдию кўзлари қоронғилашиб, боши айланди. Гандираклаб нари борди-да: «Жағимни тушириб қўйди, жағимни ёрворди», деган ўй билан ерга энгашиб тупурган эди, қон аралаш иккита тиши тупроққа тушганини кўрди. Ортига қаради – ҳамма томошабин бўлиб турарди.

«Лоақал қурувчиларим орага тушмади-я!», деб турган эди, машинасида кира қилиб келгани ҳайдовчи Турғун Ҳикматга «бўлди, бўлди!», деб ёпишаётганини, у ҳайдовчининг кучсиз қўлларини нарига итариб юбориб, худди арқонини узаман деяётган бойлоқдаги буқага ўхшаб Мирзоҳид томон пишқириб келаётганини кўрди-да:

– Шунчаликка борасанми, ифлос, пулингни берардим! – деди.

– Ўзинг бошладинг-ку мараз, қани пулни чўз! – деб Ҳикмат яна Мирзоҳид томон хезланиб кела бошлаган эди, Мирзоҳид ундан нарига қочди-да, қурувчиларининг ёнига бориб:

– Мана бунинг адасидан уч-тўртта тахта, бир-иккита арматура олувдим, шуни обориб беринглар, мен эрталаб келаман! – деди-да, лунжини ушлаб бу ерга келган машинаси томон югурди.

Ғазаб отига миниб, ўзини қаерга қўйишини билмаётган Ҳикмат унинг орқасидан чопди. У лунжини чангаллаб олган кўйи «Москвич»нинг олди ўриндиғига бориб ўтириб, замоги узилган жигарранг чарм курткасига аҳамиятини қаратаётган Мирзоҳидга юзланиб:

– Ҳа, қачон берасан чироқнинг пулини?! – деб сўради.

– Чироқ давлатники! – деди Мирзоҳид, бу сафар «бераман» демади.

– Мен давлатингни танимайман, ҳе, давлатингни!..– деб машинанинг олди капотига мушт туширди Ҳикмат.

– Нима қиляпси-из, ҳувв ака! – жон ҳолатда унинг олдига югуриб келди Турғун, капотнинг мушт тушган ери пачақ бўлганини кўрди.

– Тўлайман пачоқ қилган еримни! – баланд келишини қўймади Ҳикмат. – Тўлайман!..

– Қўйинг Турғун, ҳайданг! – деб уни чақирди Мирзоҳид, шу дамда у отасининг сўзига қулоқ солмай шу бугун бу ерга келганидан ҳам, умуман, шу томонлардан ер олганидан ҳам хафа бўлиб кетди.

Турғун машинасини орқага ҳайдаб, уни бурib олди-да, яна бир нималар деб вайсаб қолган Ҳикматнинг олдидан газ бериб «ғизиллатиб» ўтаркан, Мирзоҳидга юзланиб:

– Эсини еб қўйган, жинни бир йигит экан, шу билан жанжаллашиб ўтирибсиз-а, ака-аа, – деди.

Мирзоҳид унинг гапини англаса-да, чурқ этмади, хаёлига шу дамда Журъат келди. «У Жасур акаларни танийман деган эди, қани, бориб кўрайчи, нима маслаҳат бераркин, ҳарқалай юрист-ку», деб мулоҳазаланиб борди, фақат нон дўконининг ёнидан ўтиб, катта йўлга чиқиб олганларидагина жағида қаттиқ оғриқ турганини, иккита тишидан айрилганини эслади-да: – Сизнинг машинангизниям пачақ қилдими? – деб жағини ушлади.

– Ҳа, майли, – деб бепарво, ҳақиқатда эса машинасига ачиниб қўл силтади Турғун. – Жағизга ҳеч нима қилмадими?!

– Иккита тишим тушди, – деди Мирзоҳид, лабининг ёни зирқираб оғриётганини туйди. «Ишқилиб, жағ омон бўлсин-да», деб мулоҳазаланиб, дуппа-дуруст гапираётганини ўйлаб кўнгли хотиржам тортди. – Билмадим энди...

– Қаёққа ҳайдай? – деб сўради Турғун, янги ТошМИга бурилганларида.

– Бодомзорга ҳайданг, бир оғайнимникига кириб чиқамиз, – деди Мирзоҳид.

Турғун «хўп» деган ишорада бошини тебратиб қўйди-да, машинасини ўнгга – «София» кўчасига олиб борадиган йўлга бурди.

12

У чақириб кирганида Журъат ҳовлисида, гулзор ўртасидаги ёнғоқдан ясаттирган мўъжаз каравотга ёнбошлаб олганча, ўтган йили этак томонга қурдиргани, ғиштларини хоразмча усулда чегалатиб ишлатгани, кафтдеккина ҳовлига муқоясалаганда ҳайкалдай ғўдайиб қолгани икки хонадан иборат бўлган икки қаватли уйига маҳлиё бўлиб ўтирарди.

Мирзоҳиднинг тупроқ ёпишган уст-бошига, ҳадеганда жағини ушлайверишига эътиборини қаратди-да:

– Ҳа, тинчликми, Зоҳид? – деб сўради.

– Озроқ жанжалли иш бўп қолди, Жури, – деди Мирзоҳид.

– Қаерда? Нега?!

– Азаматдан сотволган еримда-да!

– Ҳовлидами? – таажжубланди Журъат. – Нега?!

– Орқа кўчада яшайдиган бир йигит каттачалик қилди. Бочкадан чиқиб кетди жанжал.

– Бочкадан?

– Ҳа. Қўшнисини сув бочкасини обтурувдим, адасидан сўраб, шу нокасроқ экан, борсам сувини ағдариб опкетаётган экан-да!..

– Сен жанжаллашдингми?

– У билан эмас, – яна тиши тушган, лат еган ўнг жағини ушлаб қўйди Мирзоҳид. – Ҳалиги одамнинг ўғли кеп қолса-да! Мен бочкани сўраб олган одамнинг! Шу билан жанжаллашиб қолдик. Жасур акани номини тилга олди.

– Нима деб?

– Мени унинг одами деб ўйлаганми? Йўқ, Азамат деб ўйладими мени?! Чироғи билан бочкаси-

га пул бераман девдим, «Шуни бўйнингга қўйиб бўлсаям оламан», деб ҳадеб «кўча»нинг гапини қилади-да!.. Нуқул олифталик қилади.

– Ҳа, шу Азаматлар айтган бўлса керак-да битта-яримтага, фалончига тегишли одамман, деб... Биласан-ку, оғзи билан юради бу болалар, аммо қўлидан бирор иш келмайди. Аммо уларга тил тегизиб чакки иш қипти. Улар катта одам бўп кетган-ку ҳозир...

– Энди бир маслаҳатинг керак. Мен ўша ерда яшайдиган бўлганим учун бу ишни тинчитиш керак, олов обкетса бўлмайди.

– Тўғри, – деб ўйлаб қолди Журъат. – Мени яхши танишса ҳам нари юрардим-ку, биласан, уларга яқинлашсанг хизматини қилишинг керак... Суҳбат ҳам аралашмай қўйган ҳар хил ишкалларига! Иккинчидан, у даврлар ўтиб кетди, «кўча» ҳозир биласан-ку, ҳеч нарсани ҳал қилмайди.

– Нима қил дейсан?

– Мен бу соҳанинг мутахассиси сифатида айтяпман, энг яхшиси ментавской қил...

– Милисага арз қил дейсанми? Эртага ўша жойда яшайман-ку?! Бир жойда яшаб туриб милисага бергансан демайдими?..

– Сен ҳозир дўхтирга бор! Битта қоғоз обқўй! Ана унда кўрасан бир жойингга салом бериб келишини!..

Мирзоҳид ўйланиб қолди. Анча ўйланди. Ёмон хаёлни кўнглига туккани учун эмас, бари бир жағини кўрсатиш учун врачга мурожаат қилмоқчи бўлганди. Журъатнинг маслаҳати бунга туртки бўлди, холос.

– Ҳа, ўзимам дўхтирга бормоқчи эдим, – деди шахти пасайган, ҳар турли хаёлга борган кўйи.

Журъат билан хайрлашиб, энди бурилиб ҳовлидан чиқиб кетаётган эди, у тўхтатиб улгурди.

– Менинг дўконимга ишга ўтсанг-чи ўртоқ, бирга ўсганмиз, бирга ишлаб юрардик, – деб қолди Журъат. – Кейин мен прокуратурага ишга ўтсам, ўзинг обориб юраверардинг фирманинг ишларини...

Мирзоҳиднинг ҳозирги бошлиғи билан алоқалари чаппасига кетганди, ўйланиб турди-да:

– Жавобини кейинги ҳафтада айтсам бўладими? – деди.

– Сени кутаман, – умидворлик билан бош силкиди Журъат, сўнг эса жанжалга ишора қилди. – Бундан чўчима, менинг айтганимни қил.

Мирзоҳид боши эгик ҳолда чаккасини қашиб ҳовлидан чиқди. Машинасининг орқа қанотига суянганча сигарет чекиб турган ҳайдовчига қараб:

– Жуковский кўчасига ҳайданг, Турғун, тез ёрдамга, – деди.

13

– Ўғлим, мен сенга айтдим-ку, бугун борма деб... отанинг сўзига кирмадинг, – ўнг лунжига аракдан компресс қўйиб ўтирган ўғлидан норозиланди Мирюсуф ака. – Тилингнинг чеккаси жа-аа ёмон ёрилибди-ку, нега тика қолмади?

– Тикиб бўлмаса керак-да! – ҳадеганда отасининг суриштираверишидан кўнглини безовта қилганидан истамай жавоб берарди Мирзоҳид. – «Чаканда ёғини суртиб тур, битиб кетади», деди дўхтир.

– Тиш-чи, тишам битадими? – кесатди отаси.

– Тишни қўйиб туринг, жазаси қуймаси-да!

– Ўзингникичалик бўлармиди?

– Нима қилай ада, мен шунақа бўлсин дебмидим.

Ота-бола ўтирган хонага Мирзоҳиднинг хотини Замира кириб:

– Сизгаям овқат сузиб келайми, адаси? – деб сўради.

– Сузиб келинг, ичади, суюқ оши экан-ку, – деди Мирюсуф ака.

– Йўқ, йўқ, ҳеч нарса егим келмаяпти, – кўнгли беҳузур бўлаётганини баҳона қилди Мирзоҳид. – Томоқданам ҳеч нима ўтмайди...

Хотини хонадан чиқиб улгурмасидан қўнғироқларини биров чалиб қолди. Замира чуғурлашиб йўлак томон югургилаган болаларидан илгари бориб эшикни очди.

Остонада ўрта ёшлардаги икки киши турар, улардан бири милиция кийимида эди, эшикни очган Замира билан саломлашдилар-да, эгнига қора чарм куртка кийиб олгани қўлидаги қоғозга қараб:

– Эшонхонов Мирзоҳиднинг уйлари шуми? – деб сўради.

– Ҳа, шу ер, киринглар, – деди Замира, милиция кийимидаги кишини кўриши ҳамоно эрининг иши юзасидан келишганини сезиб, уни чақиргани кириб кетди.

Улар йўлакка кириб улгурмасидан ичкаридан Мирзоҳид, унга эргашиб Мирюсуф ака чиқиб келишди.

– Салом алайкум, – деди чарм курткали йигит Мирзоҳид берган саломга алик оларкан, у билан сўрашиб бўлгач, ўз навбатида у ҳам Мирюсуф акага салом бериб сўрашди.

Мирзоҳид қирқ беш билан элликлар орасидаги милиция формасидаги капитан билан ҳам кўришди. Ундан сўнг капитан Мирюсуф акага салом бериб, кўришиш учун қўлини узатди.

Мирюсуф ака уларни овқатланиб ўтиришган хонага бошлади. Ҳаммалари ўтириб юзларига фотиҳа тортганларидан сўнг Замира дастурхонни янгилади, қанд-қурс, майиз, ёнғоқ, иккита гулли биллур идишда мева-чева келтириб қўйди, кейин чой дамлаб олиб келди, қайнатасига қараб турган эди, у келинининг қараши сабабини туйиб:

– Ярим косадан мастава сузиб келсинларми? – деди.

– Йўқ, йўқ, бизнинг қорнимиз тўқ, овқатланганмиз, – деди новчадан келган мўйловли йигит, унинг сўзлаш тарзидан татар миллатига мансуб эканлигини сезиш қийин эмасди; яна унинг ёши ҳам Мирзоҳид қатори эди. – Менинг исмим Наил, фамилиям Абсалямов, – соф ўзбек тилида сўзлади у. – Мен воқеа содир бўлган туман Ички Ишлар бўлимиданман. Жиноят қидирув бўлими тезкор гуруҳида терговчи бўлиб ишлайман. Бу киши ҳудуд нозири бўладилар. Исм-шарифлари Ўлмас Козимов. Исмлари Ўлмас, Козимов фамилиялари.

– Энди шунақа бўп қопти-да, бунга шу бугун борма, девдим, «боламисан» деб борса ҳалиги жанжал бўпти-да! Фалокат-да ука!.. – деб дам терговчига, дам ундан пастроқда ўтирган, қора чарм папкаси устидаги қоғозга бир нарсаларни қайд эта бошлаган нозирга ярим жилмайиб, аммо ўғлининг аҳволидан безовталаниб жавоб қилди Мирюсуф ака. – Бошга тушганини кўз кўради деб шуни айтади экан-да, укалар!

– Қурувчиларнинг иши тўхтаб қолмадими, деб боргандим...

– Врач Исомиддиновга «танимайман», дебсиз муштлашган одамингизни. Бизга тўғрисини айтаверинг, бари бир буни аниқлаймиз, қўймаймиз, – деб ҳудуд нозирига қараб олди терговчи.

– Мен дўхтирга у ниятда бормовдим, жағимдан қўрққаним учун борувдим... – ўнғайсизланиб сўз бошлади Мирзоҳид. – Ўша жойда ҳовли қуряпман, қўшнилар билан...

– Демак, у қўшни, шундайми?

– Орқа кўчада яшайди. Исми Ҳикмат экан... – деди Мирзоҳид, уни гўё сотиб қўяётгандай туйилгани учун яна хижолатланди. – Шу ишни қўйинглар, босди-босди қилайлик. Унга озор етказишнинг менга ҳеч кераги йўқ...

– Иккита тишингизни тушириб, тилингизни ёриб юборибди-ку, ҳеч кераги йўқ дейсиз! – деб касалхона врачи хулосасини ўқиди ҳудуд нозири. – Мен танийман ўша муштумзўрни! Ҳув, анави, вагон турган кўчада яшайди-да, а, тўғрими? У фақат сизга эмас, бошқаларгаям зўравонлик қилган!..

Ҳудуд нозирининг гапини терговчи Наил Абсалямов маъқуллади:

– Сизга тан жароҳати етган, буни шундайлигича қолдириб бўлмайди!

– Ҳали у ерга бориб яшаб улгурмасимдан бировни қаматсам нима деган одам бўлдим энди? Отасининг юзига қандай қарайман?

– Ўша отасидан сўраб олган экан бочкани, пулиниям бераман деган экан, – дея маълум қилиб, орага қўшилди Мирюсуф ака. – Гапида жон бор укалар, бизлар бировга ёмонлик тиламаймиз.

– Отасининг исми Наримон ака. Мен бочкани ундан сўровдим, қўшнисиники экан. Шу опкетиб қолаётган экан-да борсам, қаёқдандир... ҳалиги Ҳикматни айтаман-да, кеп қолдию жанжални пулга сотволди-да! Ҳали чироқнинг пулини бер, дейди, ҳали вагонни, хуллас, ҳаммаси меники дейди-да!..

– Сиз нима дедингиз? – сўради нозир.

– Хўп, аданг билан гаплашганмиз, адангга бераман, дедим, кўнмади, кейин муштлашиб кетдик, – деди Мирзоҳид, Ҳикматнинг ола-кула бўлиб кетган кўзлари, сур башараси нигоҳи олдида намоён бўлди. Шу пайтда унга ёмонлик истаб қолди, аввал уни муштлай кетганини яширди, аксинча, унинг давлатни ҳақорат қилганини хотирлаб, қўшимча қилди: – Чироқнинг пулини сўрайверди-да энди, «чироқ давлатники», девдим, давлатниям қўймади, бўралаб сўкиб кетса бўладими?..

– Ана, кўрдингизми, бундайларни сал жиловини тортиб қўйиш керак, – ҳудуд нозирига қаради Наил Абсалямов. – Кимга ташланаётганлариниям билишмайди.

– Давлатни ҳам сўкдими? – масалага жиддий тус бериб сўради ҳудуд нозири. – Оббо безори-ей! Бузғунчи...

Мирзоҳид ҳар икки ҳуқуқ-тартибот ходимининг юзларидаги ҳолат ўзгарганидан ташвишланди, масалага бундай жиддий тус бермасликларини истагандай қиёфага кирди-да:

– Жаҳл устида айтди-да, ўзи сал жиззакироқ эканми, мен кира қилиб борганим сариқ «Москвич»нинг капотини уриб пачоқ қилди. Тағинам ҳайдовчи мўмин йигит экан, чурқ этмай кетаверди, – деди.

– Ҳайдовчиям эшитдими ўша гапини?!

– Ҳа, – деди Мирзоҳид, ҳудуд нозири нега бу нарсага жиддий аҳамият бераётганини тушунмади. Аммо у кўзлари остига бир шум ниятни яшираётганини туйди. Шу сабабдан ҳам Ҳик-

матнинг ёнини олган бўлиб: – Симларни ўзи торттирган экан, шунинг учун айтди, – деб хулосаланди ҳам. – Бари бир шу ишни тинч ҳал қилиб беринглар. Келажакда ўша ерда яшайман, мени деб бировнинг бурни қонамасин...

– Ҳа, шундай қилинглар, – деди Мирюсуф ака. – Аммо иккинчи марта бунга яқинлашмайдиган қип қўйинглар у зўравонни! Иккита тишни тушириш майнавозчиликми ахир, ука?!

– Қайси соҳада ишлайсиз? – сўради терговчи Абсалямов.

– Савдо ходимиман, хизматлар бўлса айтинглар, – қўлини кўксига қўйди Мирзоҳид.

– Йўқ, хизматлар йўқ, иложи бўлса, бир кирарсиз олдимга. Йигирма учинчи хонадаман, – деди терговчи, кейин ҳудуд нозири Козимовга юзланди: – Бу ишни жиддий ўрганинг Ўлмас ака...

– Фақат ёмонлик билан тугамасин шу иш, – яна ўзининг тинчини ўйлади Мирзоҳид.

– Ҳаммаси яхши бўлади, – уни тинчлантирган бўлди Ўлмас Козимов. – Бизам бир силтаб қўяйлик, бировнинг тишини тушириш қандай бўлишини бир кўриб қўйсин!..

– Йўқ, кераги йўқ, – унинг қамалиб кетишидан чўчиди Мирзоҳид, айни дамда ичидаги иккинчи бир куч Ҳикматга энг ёвуз ниятни тилаётганини ҳис этди.

– Сиз эртага соат ўн бирларга қурилишингизга бориб туроласизми? – деб сўради Козимов.

– Ҳа, – деди Мирзоҳид.

– Ўша ерда бўп туринг, мен бораман.

– Бўпти, – деб ўрнидан қўзғалди терговчи, унга нозир эргашди.

– Ҳаммаси сизлар айтгандай бўлади, – деди Наил Абсалямов, уй эгаларининг кўнглини тинчлантирди.

– Шундай қилинглар, барака топкур укалар, – деб уларни кузатиб қўйди Мирюсуф ака, унга ўғли эргашди.

Орган ходимлари кетгач, кўча эшикни ёпиб олган Мирзоҳид отасига юзланиб:

– Буларнинг дарров етиб келишганини-чи, – деди.

– Сен нима деб ўйловдинг? Дўхтирхонанг дарров хабар беради-да!

– Йўқ, бугун дам олиш куни бўлса дейман-да!..

– Булар одам олишни билармиди?! «Жиноят қиридув бўлимиданман, опер отделданман!», деяпти-ку! Ҳозир булар анави муштумзўрникигаям ўтишади, мени айтди дерсан... У булар учун шундай тайёр гўшт-ку!..

– Буни тўғри айтдингиз, – ўйланиб қолди Мирзоҳид, шу дамда жағидаги оғриқ қайгадир ғойиб бўлганини туйди. – Бекорга: «Сизлар нима десаларинг шу», демади анави каттаси...

– Ҳа, баракалла. Қўявер, ҳали мулла минган эшакдайин олдингга ялиниб келади ота-бола, – деди Мирюсуф ака. – Энди мен укангникига чиқай. Сен суюқ ошидан ич, ҳеч нарса қилмайди, томоғингдан овқат ўтадими ахир?!

Отасининг кўнглига ҳазил қилиш сиққани учун Мирзоҳиднинг ҳам дили бироз ёришди. Уни ташқаригача кузатар экан, хаёлидан: «Журъат айтган гап бўладиган кўринади», деган ўй ўтди, ўтдию: «Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да, дўст-душманнинг олдида», деб қўйиб, отасини укасиникигача кузатиб, қайтиб келди.

14

У собиқ «Ташлимводторг»нинг омборидан эски квасс бочкасини гаплашиб, қурилишга олиб борганида, соат ўндан ошган эди. Уни илгариги бочка турган қўшнисининг сайҳон ерига қўйиб, юк машинаси ҳайдовчиси билан ҳисоб-китоб қилиб юборди-да, энди қурувчилари жойлашган вагонча томон юрган эди, уларнинг ўзи бирин-сирин унинг олдига йиғилишди. Мирзоҳид билан сўрашар-сўрашмас милициядан келишганини, уларнинг ҳаммасини сўроқ қилганини дараклаб кетишди.

– Мен билан Маматга кўрганларимизни ёздириб ҳам олди, – деди қурувчилар етакчиси Ҳисомиддин ака. У ёши қирқни қоралаган эса-да, элликлардан ошган кўринар, ориқдан келган, чўзиқ юзини ажин босган, бет суяклари туртиб чиққан, ҳадеганда ҳансираб-ҳансираб нафас олувчи касалманд бир одам эди. Ана шундай дардига қарамай шериклари билан Тошкентга тирикчилик учун тушган, барчалари Фарғонанинг Кампирдевона қишлоғидан эдилар.

– Бироргинг қўшилмадинг-а, ҳатто ажратиб олишга ярамадинг, – деб қурувчиларидан гина қила кетди Мирзоҳид. – Ичларида сан, Мамат, бақувватроғи, тили ботирроғи эдинг, ҳечқурса уни ушлаб қолишга юрагинг дов бермади-я! «Бунча гўшт опкенг, бунча нон... картишка, сабзи қомапти», дейишни билардинг. «Ҳов, тўхта, кимсан ўзи?!», демадинг, – Мирзоҳидга уларни боқаётгани ёмон алам қилиб кетди, калтак еганида бирортаси туриб бермаганидан, кунига ярамаганидан яна ичдан сиқилди. «Тағин шу-

ларни едириб-ичириб юрибман, оғзи тусаганини опкеб ўтирибман», деб кўнгли ўксиб ҳам қўйди.

– Хафа бўлмайсиз, Мирзоҳид ака, – ерга қаради Муҳаммад, эгнига эски фуфайка, тринка шим кийиб олганди, вужуди қалтирагани оёқларининг титрашидан ҳам сезилди. Қорайиб кетган, аммо самимийликдан йироқ бўлмаган суяги бузуқ юзида хўжайиннинг юқоридаги сўзларидан сўнг изтироб чекканлик аломати қалқиди:
– Яна битта гуноҳ иш қип қўйдим-ов!

– Қандай гуноҳ иш? – сўради Мирзоҳид, унда қурувчисининг туриш ҳолатига ачиниш ҳисси пайдо бўлди, хаёлидан: «Буларга опкелаётган нонингни пеш қилишинг чакки бўлди. Нима, овқат едиртирмай бетон қуйдирмоқчимисан? Шуни айтишингнинг ҳеч кераги йўқ эди», деган ўй ўтди, ўтдию ўзини айбдор ҳис этди.

– Анави милиса: «Ким биринчи мушт туширди?», деб сўраб қолувди, сизни айтиб юборибман-да!

– Ҳеч қўймади, ҳадеб чиранавериб, пул сўрайвериб қўл кўтаришга мажбур қилди, демадингми?!

– Айтдим, айтдим!.. – деб ҳовликди Муҳаммад, сўнгра оёғидаги йиртилаёзган эски калишига қараб қўйди. Мирзоҳид ҳам унинг қоп-қора, кир, ёрилиб кетган оёқларига эътиборини қаратаётганини сезиб, бирини-иккинчисининг устига қўйиб яширган бўлди-да, ўзини оқлашга киришди:
– «Ўзи ҳадеб аканинг бўйнига пул қўяверди, бировнинг ерига бостириб кирди», дедим...

– Ана шу гапни тўғри айтибсан. Мен қиморвозмидимки ҳадеб бўйнимга қўяди... Мен: «Чироқни пулини отангга бераман», дедимми? У бўлса...

– Анави гапниям тўғри ёзибди. Сизнинг ерингизга чопиб келиб жанжал кўтарганини-да! –

деди Ҳисомиддин ака, атрофдагиларга қараб қўйди. – Тўғрими йигитлар?.. Менинг эсимга келмовди шу гап...

Орага қурувчиларнинг энг ёши, жиккаги, эгнига Мирзоҳиднинг дадасига тегишли бўлган, икки-уч ерига палахса-палахсадай ямоқ тушган эски, уринган беқасам тўн, оёғига эса оғзи йиртиқ солдатча ботинка кийиб олгани – Шуҳрат исмлиси аралашди:

– Биз кеча қўшилмоқчи эдик, Мирзоҳид ака, аммо ундан чўчидик. Ўзи уч-тўрт кун бурун тўпаланг қип юрувди кўчада, бизнинг вагонгаям келди, сигарет сўради, араққами-алланималарга пул сўради. Ҳув анави пастликдаги қамишзор бор-ку, айшитта чодир қурваган қашқадарёлик лўлилар билан юриб эди. Бадр лўли бор-ку, ўша билан... У ҳар йили Тошканга тушади, ана шулар билан ош-қатиқ бўп қолган у. Ҳойнаҳой, айшинисидан ҳам тортади булар, қуруғидан!..

– Ана шуларни айтмадингларми?!

– Чўчидик. У кечқурунлари юради-да! Ярим кечада вагонимизга кеп тўпаланг қилишидан қўрқдик, – юқоридаги гапини такрорлади Шуҳрат. – Иннайкейин, анави Бадр белига ханжар бағлаб юради, тағин буларни билиб бўладими?!

– Ҳа, майли, бўлар иш бўлди, – ўзи сезмаган ҳолда жағини ушлаб қўйди Мирзоҳид. – Иккита тишимни тушгани қолди...

– Иккитасини туширдими? – ажабсинди Ҳисомиддин ака.

– Ҳа, тупуриклари орасида иккита тиш ётувди, – Мирзоҳиддан аввал жавоб қилди Шуҳрат. – Ҳалиги келган мелиса уларни опкетти-ёв! Ота-бола яшил «Жигули»га ўтиришди.

Мирзоҳид унинг сўнгги сўзларидан ўйланиб қолди. Бирор дақиқа: «Ҳойнаҳой уларни туманга опкетган-ов», деб мулоҳаза юритгач, қурувчилар етакчисига юзланиб:

– Ҳисомиддин ака, мен бориб Илёс аканинг ўғлига сувни айтиб келай, сизлар анави апалубкаларни кўчириб туринглар, – деб икки-уч кундан буён қуйилган бетонларга ёпишиб ётган тахта-қолипларга ишора қилди.

– Сувни тезроқ опкелса ишни бошлаб юборамиз, – деди Ҳисомиддин ака, кейин шериклариga иш буюра кетди.

Мирзоҳид: «Қурувчилардан битта-яримтаси қишлоғимга кетаман демаганига шукр», деган хаёлда пастликдаги Илёс аканикига қараб кетди.

Муҳсин энди сув ташувчи юк машинасига ўтириб кетмоқчи бўлиб турган экан, Мирзоҳид уни тўхтатиб улгурди. Биринчи навбатда унинг қурилишига сув олиб келишини илтимос қилиб пул берди-да, орқасига қайтиб кетмоқчи бўлиб турганда, уйидан Илёс ака чиқиб қолди. Иккови пича гаплашиб туришди.

Мирзоҳид ярим соатлардан сўнг қурилишига қайтиб келди. Дарвозасига мўлжаллаб қуйилган пойдевор рўпарасида яшил «Жигули» турарди. Қора чарм папкасини қўлтиқлаб олган Ўлмас Козимов бочка ёнида экан, Мирзоҳидни кўриб шу ёққа юрди.

Мирзоҳид ўз навбатида унинг истиқболига ошиқди.

– Ўзлари аввал мушт туширган эканлар-ку! – ярим чин, ярим ҳазил тарзда сўз бошлади ҳудуд нозири. – А, шундай бўлувмиди?!

«Мелисаларда лафз бўлармиди, кеча бошқача гап гапираётганди, бугун эса тўнини яна теска-

ри кийиб олибди», хаёлидан ўтказди Мирзоҳид, айни пайтда ҳудуд нозири унинг асабини синаётганини ҳам сезди.

– Шу нарсага мени мажбур қилди, – ҳеч бир қизишмай, хотиржам сўз бошлади Мирзоҳид, сўнгра кўрсаткич бармоғини пастга ниқтади. – Мана бу еримга ҳовлиқиб чопиб келди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай менга дўқ уриб кетди, пул талаб қилди. Анави вагончани қурувчиларим яшаши учун ҳув ўша ёнғоқнинг орқасидаги пахса деворли қўшни Малик акадан гаплашган эдим, шунгаям пул берасан деб туриб олди. «Ҳаммаси меники, бўйинингга қўйиб бўлсаям оламан», дейди. Нима, мен қиморвозмидимки бундай чапани гап қилади? «Жасурларингдан ҳам қўрқмайман!» дейдими-ей! Охири чидолмадим... Нега менинг тинчимни бузиб еримга бостириб келади?!

– Тўғри қипсиз. Менам чидолмаган бўлардим, – деди Ўлмас Козимов унинг дийдиёсини охиригача эшитиб.– Мана бу қурувчилардан ҳам ёздириб олдим, айтишгандир. Энди гап бундай, ота-бола ҳали сизнинг олдингизга келишади. «Мирзоҳидни олиб учовинглар кечга томон менинг олдимга, милиция таянч пунктига боринглар», девдим. Сиз «бормайман, каттасига чиқаман», денг. Келишдикми?

Мирзоҳид у кўнглига қандай ният тукканини тахминлади. «Улардан пул ундирмоқчи, шекилли», деган хаёлга бориб, нозирга синовчан боқди-да:

– Аммо-лекин менинг уларга хусуматим йўқ. Ҳали улар билан бирга яшайман-а, Ўлмас ака, – деди.

– Биламан. Аммо-лекин уларни бир «бураб» қўйиш керакми, ахир?! Ҳозир бу қилган жинояти учун қанча олишини биласизми?..

– Йўқ.

– Мен биламан, камида беш йил.

– Гапнинг ўғил боласини айтинг, қаматтирмайсизми? – деб юборганини ўзи ҳам сезмади Мирзоҳид, ортидан қўшиб қўйди: – Мени тўғри тушунинг!

– Уларда даъвойингиз йўғ-а?

– Йўқ, фақат бундан буён тинч юрса бўлди. Мен бу ерларда бир умр яшамоқчиман.

– Ана шунинг учун бир «бураб» оламан-да! – тушунтириб кўзини қисди Ўлмас Козимов, ортидан қўшиб қўйди: – Сиз айтганимдай қилинг-да, эртага соат ўнларга Наилнинг олдига кеп туринг, улар ҳам ана шу вақтга боришади. Бошқа нарса билан ишингиз бўлмасин.

– Мени бошқа овора қилмайсизларми?

– Йўқ, – деди Ўлмас Козимов.

Мирзоҳид унинг ниятини сезгани учун ҳам индамади. Яна Ҳикматнинг сур, номуссиз башараси, уни машинагача қувлаб боргандаги важоҳати кўз ўнгидан ўтаверди. Ана шунинг учун ҳам: «Қандай қилиб бураса бурар, жиноятни қилдими, жавобиниям берсин-да!», деган хулосага келди.

Ўлмас Козимов ҳам Мирзоҳид тахминан нималарни ўйлаётганини фаҳмлади чоғи, мавзуни ўзгартирди:

– Олди томонга қанча хона тушади?

– Тўртта уй, битта айвон... – деди Мирзоҳид, бир сония жанжални унутиб, кўнгли алланечук ёруғ ниятларга тўлиб, олди томондаги уй пойдеворига боқди.

– Юқорини яхши режалаштирибсиз. Ертўла ҳам бўладими? – деб сўради ҳудуд нозири.

– Ертўла ҳам бўлади. Бетон бир ярим метр чуқурликка қуйилган. Тахминан икки ярим метр баландликдаги ертўла бўлади-да! – жавоб қайтарди Мирзоҳид.

– Меникиям шунақа. Фақат болохона йўқ, баланд йўлакнинг ўзи.

– Уям яхши. Аммо бунга болохона тушади, – деди Мирзоҳид, сўнг эса ҳамсуҳбати паст томонга, қурувчилар тахта тўсиқни жойлаштиришаётган ерга диққатини қаратаётганига кўзи тушди, сўзида давом этди: – У ёққа айвон, бир уй, ошхона, хў-ўп, ҳаммом, ҳожатхона тушади.

– Ўзи шундай бўлади. Нима, подвал қаздирмайсизми?

– Ҳамма ёқ подвал бўп кетади, қўй, дедилар адам.

– Тўғри қипсиз, дадангизнинг сўзларига кириб тўғри иш қипсиз, – деди Ўлмас Қозимов, кейин чўнтагидан калит чиқариб машинаси томон юрди. – Ҳай, бўлмаса эртага кўришармиз-а?!

Мирзоҳид эса шу дамда отасининг сўзига кирмай мана бундай аҳволга тушганини ўйлаб борар, ўйлаган сайин: «Мана, кеча бўлмаса бугун бочкаям келаркан-ку, бир кунгина сабр қилмадинг, ҳе, ҳовлиқма!», деб ўзини койишини қўймасди.

Кўп ўтмай сув ташувчи юк машинада сигнал чалиб Муҳсин ҳам келиб қолди. У бочкани тўлдириб кетган ҳам эдики, бир пайт Мирзоҳид уйи томондан шу ёққа келаётган Наримон акани кўрдию ўзи сезмаган ҳолда юраги шиғиллаб кетди.

Наримон ака Мирзоҳиднинг юзига қараёлмагани учун ҳам диққат-эътиборини бочка ўзига тортгандай бўлиб келди.

Мирзоҳид унинг ичидан нималар ўтаётганини сезди. «Ҳойнаҳой, бочканиям топиб кепсан-

ку, демоқчи бўлаяпти», деб ўйлаб турганди, Наримон ака рангпар юзини тириштириб у билан совуққина сўрашаркан:

– Бочкаям кепти-ку, – деди, унинг заҳар томиб турган рангсиз, сур башарасидан Мирзоҳидга хусумат ила боқаётганини пайқаш қийин эмасди.

– Ҳа, душанба куни опкеламан, девдим-ку, – жавоб қилди Мирзоҳид, у бу гапи орқали: «Лоақал бир кунгина чидамай жанжал кўтардинглар-а!», деган ҳам бўлганди.

Ҳар ҳолда Наримон ака унинг гапида, гапириш оҳангида ана шу мазмунни сезди, сезгани учун ҳам вазиятдан чиқиб кетишга тутинди:

– Ўзингдан чиққан бало ёмон бўларкан, ука! «Бир кун қистамай тур, эртага қайтариб бераман деяпти», дедим-а қўшним Эрматга, йўқ, ўз айтганидан қолмади. Икки ўртада мана бу жанжал бўпти.

– Мен ўғлингизга айтдим: аданг билан гаплашганмиз, бочканинг пулини бераман, чироқни ишлатганим учунам тўлайман, дедим, қулоқ солмади...

– Биринчи мушт кўтарганингиз ёмон бўпти-да, – деди Наримон ака, бу билан у гўё «ўзинг айбдорсан», демоқчи ҳам бўлди.

Мирзоҳидга унинг ана шу гапи ёмон алам қилди.

– Ўзингиз бўлсангиз ҳам урворардингиз, Наримон ака, – деди у, туйқус овозида зорланиш оҳанги борлигини ҳис этиб хижолатланди, ана шу хижолатланишини ҳамсуҳбати сезиб қолишидан чўчигани важи қўшиб қўйди: – Ҳадеб баланддан келаверди Ҳикмат: бўйнингга қўяман, дейди, вагончагаям тўлайсан, дейди. Вагонни, ахир, Малик акадан сўровдим-ку, бундан хабарингиз бор эди, йўқ, ҳаммасига у хўжайин эмиш... ҳатто сизниям ҳурмат қилмас экан...

– Мени энди қўяверинг, – қўл силтади Наримон ака, – бўлар иш бўпти.

– Менинг еримга келиб тўполон бошлади. Мен уни бу ерга чақирганим йўқ эди. Қочиб кетганим йўқ, пулни берардим.

Унинг «менинг еримга келиб»и Наримон акани ҳушёр торттирди. У шахтидан тушди.

– Келинг ука, шу ишни яхшилик билан тугатайлик, – деб қолди у. – Сизам урибсиз-ку энди...

– Мени юмалоқ ёстиқ қилиб юборди-ку ахир, мана бу тишларни ерга тупуриб ташладим, – куйиниб ҳасрат қилишга ўтди Мирзоҳид, оғзини очиб кўрсатди. – Мен ёмон ниятда дўхтирга борганим йўқ. Жағимни тушириб қўяёзди-ку ўғлингиз!

Наримон ака Мирзоҳиднинг бадниятн бўлмаганини сезди. Унинг болаларча сўзлашига ачингандай боқди-да:

– Ўзи ёмон жаҳли тез бола-да! Ана шу тезлиги учунам келиним кетиб қолди. Нуқул ичиб келиб дўппослашини қўймади, охири унинг калтакларига чидолмади! Билмадим, нима қилиш керак буни, – деди.

– Дўхтирга кўрсатинг! Ўғлингиз жудаям жизза ки-ку! Мен келган «Москвич»нинг капотини уриб пачақ қилди! – маълум қилди Мирзоҳид. – Яхши, шўпир индамади!..

«Ҳа, индамади-я!», дея ғулдуради Наримон ака, нега бундай деганини Мирзоҳид англолмай қолди. У шуни Наримон акадан сўрамоқчи бўлган эди, ҳамсуҳбати буни сезибми-сезмай уни чалғитди:

– Ҳа, майли, ҳали кечки пайт учовимиз милицияга борар эканмиз, соат олтиларга, шуни тинч йўл билан ҳал қилайлик, юзимиз-юзимизга тушади-ку, тўғрими?..

– Муштумзўрнинг ўзи қани? – сўради Мирзоҳид, у буни боя ҳудуд нозири «ота-бола олдингизга келишади», дегани учун сўраганди.

– Ҳали боради, кўрарсиз, – деди Наримон ака, у Мирзоҳид нега бундай гап қилаётганини тушунганди.

– Йўқ, мана бу қарзни унинг олдида сизга бериб қўймоқчи эдим-да, – деб чўнтагидан пул чиқарди Мирзоҳид. – Мана бу икки минг сўм бочка билан чироқдан фойдаланганимиз учун. Етадими Наримон ака? – ўғлининг ўрнига отасига аччиқ-тиззиқ, кесатиқ оҳангида гап қилди Мирзоҳид, у «ҳа, етади», дегач, шу дамда ўзининг қўли баланд келганини Наримон ака ҳам балодай сезаётганини ҳис этиб, янаям авжига олди. – Шу арзимас пулни деб шунча жанжал кўтариш, бировга дилозорлик қилиш, тан жароҳати етказиш, устига... – ҳамсуҳбатининг ўғли давлатни ҳақорат қилишгача бориб етганини айтмоққа тараддудланган эди, Наримон ака уни тўхтатиб улгурди.

– Ўзи жа-аа тавбасига таянди, Зоҳиджон, ҳали кўрасиз, – деди.

Мирзоҳид боядан бери шу гапни айтмаётган, айтишга бўйни ёр бермаётган Наримон акага ичдан юраги ачиса-да, буни ташқи белгиларда ошкор этмади, ҳудуд нозири боя тайинлаган жумлани ҳам келтирмади, «Кечки маҳал бормай қўя қоламан-да, у ёғини Ўлмас аканинг ўзи бир нарса деб юборар. Эртага тўғри бошқармага чиқавераман», деб ўйлаб:

– Хўп, ҳали кўрамиз, – деб қўйди.

Наримон ака «ҳали кўришармиз», деган мазмунда бош тебратиб, теварак-атрофига аланглай бошлаган эди, унинг олазарак қараши маз-

мунини туйган Мирзоҳид қурувчилар етакчисига юзланиб:

– Ҳисомиддин ака, болалар кеча айтганим тахталар билан арматураларни обориб ташлашдими? Наримон аканикига обориб беришдими? – деб суриштирди.

– Ҳа, ҳа, обориб бердик, – қурувчилар бошлиғининг ўрнига жавоб берди Муҳаммад. – Шуҳрат икковимиз ташлаб келдик. Аёлингизнинг қўлларига бердик.

– Майли, берган бўлсанглар, – деди Наримон ака, шу арзимас нарсаларни сўраганидан хижолатлиги унинг овозидаги ҳазинликдан ҳам, юзидаги ярим ҳасадланишга монанд ифодадан ҳам билиш қийин эмасди.

– Ҳа, мен кеча буларга тайинлаб кетганман, – деди Мирзоҳид, Наримон ака ундан узоқлашгач, у кетган томонга хийла қараб қоларкан: «Буям қўшнисидан қолишмас экан, тўртта тахта билан иккита темирини худди еб қўядигандай сўради-я», деб ўйлаб, ортидан: «Ўзи қурилиш қилаётганда бировдан игнаям сўрамаслик керак экан», деган хулосага келди.

15

Мирзоҳид ҳудуд нозири билан келишилгани бўйича эртасига айтилган вақтга туман Ички Ишлар бўлимига, йигирма учинчи хонага кириб, Наил Абсалямов билан гаплашиб турган эди, йўлакдан Ўлмас Козимовнинг: «Сизлар шу ерда туринглар, мен ҳозир чиқаман», дегани эшитилди. У ичкарига кириб икковлари билан сўрашди-да, сўнгра Наил Абсалямовга мурожаат этиб:

– Прокурор қўл қўймаяпти. Касалхонага бориб келдим. Энди бу кишини олиб суд-тиббий экспертизаси институтига бориб келишга тўғри келади, – деди.

– Мирзоҳиднинг олдида анави безорини яхшилаб пўстагини қоқинг-да, ўша айтганимдай давом эттиринг, – деб йўл-йўриқ кўрсатди терговчи, кейин Мирзоҳидга ўгирилиб: – Сизни бошқа овора қилмаймиз, фақат анави зўравоннинг эсини сал киритиб қўяйлик, давлат билан ўйнашиш қандайлигини билиб қўйсин,– деди.

– Мен туфлини ташлаб кетарман, – деди Мирзоҳид.

Наил Абсалямов ҳудуд нозири ҳар-хил хаёлга бормасин дедими, ёки Мирзоҳиддан хижолат чекибми:

– Пулини бераман, менга кейинги ҳафтагача керак эди, – деди.

Мирзоҳид айтган нарсасини ташлаб кетишга сўз бериб, ҳудуд нозири билан олдинма-кетин хонадан чиқди. Йўлакда иккисини ота-бола – Наримон ака ва Ҳикмат кутиб туришарди. Улар Мирзоҳид билан совуққина сўрашишди. Тўртови дарвозадан ташқарига чиқишганида, эгнига жинси куртка, жинси шим кийиб олган Ҳикмат дабдурустдан типирчилаб қолиб:

– Кеча бошқача гап қилувдингиз-ку, нега сўзингизда турмайсиз?! – деб Ўлмас Козимовни ғадабга ола бошлади, шундан кейин кўзларини олайтириб, совуқ, сур башарасини тириштириб дам отасига, дам эса Мирзоҳидга ўқрайишини қўймади.

Унинг совуқ, сур башараси ҳам, ҳадеганда ёшига ярашмаган тарзда ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб типирчилайвериши ҳам Мирзоҳиднинг қонини

қайнатди, шунинг баробарида жон-понини чиқариб юборди. У ўзини базўр тутиб турди.

Козимов Мирзоҳидга «хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида», деган тарзда кўз юмиб қараб қўйди-да, уларни қатор терилган машиналардан сал нарига, теракзорга яқин ердаги ариқ бўйига бошлаб борди. Қўлларини паншаха қилган кўйи Ҳикматга дағдаға билан тушунтира кетди:

– Ҳўв, нонкўр, сен ўзи яхшиликни билмас экансан! Мана шу иккита тишини туширганинг одам яна сени деб мен билан кетяпти! Тағин бу одамни овараи сарсон қилиб опкетяпман! Прокурор актга қўл қўймаганини биласанми ўзи?! Йўқ, билмайсизлар-да! Ҳеч нарсани билмай туриб нега типирчилайверасан?! «Кеча бошқача гап қилувдинг», деб кекирдагингни чўзасан тағин!..

Наримон ака ҳудуд нозирининг авзойи бузилганидан чўчиб кетди. Ранги дам гезарди, дам қизарди. Уни тинчлантиришга уринди. Ортидан Мирзоҳидга юзланиб:

– Ука, бизни кечиринг, – деди, ўғли Ҳикматнинг тирсагидан олиб, пастга томон силтади, дакки-дашном беришга тушди: – Сенам узр сўра, кўрнамак!..

Ҳикмат ҳудуд нозирининг ҳам, отасининг ҳам сўзларини парвосига келтирмади. Мирзоҳидга ер остидан қош чимириб хўмрайиб қараб қўяркан, истар-истамас:

– Айб иш қипмиз, узр, – дейиш билан чегараланди.

– Сен бу одамнинг оёғини ўпишинг керак! Яхшиликни билмас экансанлар! – дам Ҳикматга, дам Наримон акага норозиланиб, ўқрайиб боқди ҳудуд нозири. – Бу одам мана сизларни деб

қайтадан экспертизага кетяпти, даъвойим йўқ деяпти! Сени беш йиллик тутқунликдан қутқармоқчи бўляпти, ҳўв зўравон! Аммо-лекин анави гаплардан хабари йўқ бу одамнинг!..

Мирзоҳид «қайси гаплардан?» дегандай дам ҳудуд нозирига, дам ота-болага тааҗжубланиб боқди.

Козимов Ҳикматнинг бояги типирчилашидан нечанчи бор ижирғаниб:

– Бу муштумзўр давлатни ҳақорат қилганини сизни қурилишга оборган ҳайдовчи йигит дарров бориб хавфсизлик органларига етказган! Ёзма шаклда етказган, бизга сигнал келди!.. Сизнинг хабарингиз борми?! – деб Мирзоҳидга мурожаат қилган бўлди. Кейин саволига жавоб кутган тарзи пича жим қолди.

– Йў-ўқ, – дея ажабланди Мирзоҳид. – Худо ҳақи хабарим йўқ!..

– Ана, кўрдингми, бу одамдан шубҳаланиб юрибсан тағин, – дея Ҳикматга ўқрайди ҳудуд нозири. У ерга қарагач, отаси Наримон акага ўгирилди, уям ерга кириб кетгудай бир вазиятга тушди.

Шундагина Мирзоҳид кеча ҳайдовчи ҳақида сўзлаганида Наримон ака нега гапни бўлак томонга буриб юборганини пайқади, пайқаши ҳамоно: «Ўлмас ака бу гапларни жиддий айтаяптимикин ёки манавиларни қармоққа илинтириш учун ўйлаб топган ҳийласимикин?», деган хаёлга борди, ана шу нарса унинг учун қоронғи бўлгани сабаб воқеанинг кетишини кузатди.

Ҳудуд нозири яна Мирзоҳидга қараб:

– Сиз кира қилиб борган «Москвич» сариқ рангдамиди? Рақами «саксон бир ўн ТНЕ»миди? А, шу рақамдамиди? – деб сўраб қолди, Мир-

зоҳид бунга жавобан, «Ҳа, ана шу эди, рангиям сариқ эди», дегач, Козимов тағин ота-болани қўрқита кетди: – Ҳайдовчи йигитнинг ўзиям ўша ташкилотда ишларкан. Дам олиш куни бўлгани учун кира қилгани чиққан экан. Сени «Давлатнинг конституцион қурилишига қарши бўлган кимса», дебди! Бу дегани, бузғунчи!.. Экстримистларни кўряпсан-а, ҳар хил тоифадагиларини, ана ўшалардан дебди! Бу дегани, камида ўн йилни олиб кетишинг мумкин дегани-я!..

Ота-бола «шилқ» этиб тушди.

Наримон ака гангиб қолгандай қиёфада:

– Ҳе, жувонмарг бўл, одам урмай! – дея ўғлини лаънатлади, шимининг киссасидан кир, ғижимланган дастрўмолини олиб, у билан муздек тер босган серажин пешанасини артди.

– Бу фақат одам урмайди, бошқа ишлариям бор ўғлингизнинг, – деб, ер остидан уни еб қўйгудек бўлиб кузатаётган Ҳикматга қаради нозир. – А, ўзинг биласан-а?!

– Қанақа экан? – дўриллади Ҳикмат.

– Ҳали боринглар, тушунтириб қўяман, – баланддан келишини қўймади ҳудуд нозири, ортидан Мирзоҳидни назарда тутиб: – Бу йигит калтак еса ҳам мард экан, сизларнинг шалтоғингларни тозалаш учун кетяпти. Қани, борайлик-чи, ҳали у ёқда нима гап экан, – деди.

Унинг сўнгги гапидан Наримон аканинг қизарган ранги қорайиб кетаёзди. Ўзини қўярга жой тополмади. Пича гарангсираб турди. Охири ҳудуд нозирига ўз измини топширгандай итоаткорона бўйсунди-да:

– Биз нима қилайлик, кейинроқ борайликми? – дея юмшоқ, хокисор оҳангда сўради. Унинг бу

сўроғида тақдирга тан берганликни, унга қарши турган томондан енгилганликни ошкор этувчи мазмунни уқиш қийин эмасди.

Отасидаги ана шу ҳолатни ўғли Ҳикмат балодай сезди. Эндиги сафар унга еб қўйгудек бўлиб хўмрайди. Бу қараши орқали яна ўзининг айбдор эмаслигини кўрсатмоқчи ҳам бўлди.

Мирзоҳиднинг кўнглидан шу дамда: «Бари бир бу йигитдан яхшилик чиқмайди», деган ўй кечди, мазкур ўйи таъсири остида Ҳикматга нафрат аралаш боқди, сўнг эса тезда нигоҳини ундан олиб қочди.

У Ҳикматга нафрат билан қараётганини кўрган нозир Наримон акага: «Ҳали гаплашармиз», деди-да, машинасига тезда ўтириб олиб:

– Мирзоҳид, олдига чиқа қолинг, – дея ўнг томонига энгашиб, ёнидаги эшикни очиб турди.

Мирзоҳид у кўрсатган жойга чиқиб ўтираркан, улардан сал нарида базўр судралиб кетаётган отага, ундан эса, ортидан эргашган ўғилга назар ташлаб:

– Бу йигитдан яхшилик чиқмайди, ота-онасининг шўри, – деб қўйди.

– Ҳа, энди қўяверасиз, – деди Ўлмас Козимов, машинасини ўт олдириб, рулини ўнгга буриб, аввал орқага, сўнг эса олдинга юриб кенг йўлга ўтиб олди, тезликни ошириб тўғрига ҳайдаб кетди.

16

Абдурауф Фақирий қирқ билан қирқ бешлар миёнасидаги ўрта бўй, кенг елкали, кенг манглай, истарали бир одам бўлиб, ёшига нисбатан анча улуғ кўринар, қора қош, қора кўз, тўлқинсимон қўнғир сочларига оқ оралаб, тепа қисми тўкилган, айни дамда шу қусури ҳам уни кўркам

кўрсатарди. У бировлардан йиққан китобларни эгаларига топшириб қайтди. Ўзининг шўро даврига тааллуқли эски адабиётларини ётоқхонадаги китоб жавонига қайта териб чиқди-да, ваннахонага кириб юз-қўлини ювди, кейин елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлиб отаси билан хотини тушлик қилиб ўтиришгани – ташқаридан кираверишда ўнгдаги хонага ўтди. Бу ер уйни олишганида ошхона бўлган, кейинчалик эса газ плитаси ва сув жўмраги айвонга олиб чиқилиб, овқатланиш хонасига айлантирилган эди.

Хотини Фотима овқатини еб бўлган экан, юзига фотиҳа тортди-да, эрининг тегишини олиб келиш учун ўрнидан қўзғалди.

Фақирий отасидан пастроққа – унинг чап ёнига ўтирди. Отаси Абдумутал ота етмиш билан етмишбешлар оралиғидаги бир мўйсафид эди, у ўтган йилдан буён қўя бошлагани бир тутам мош-гуруч чўққи соқолини силаб қўйиб, ўғлининг авзойига жиддий кўз югуртирди: унинг юз-кўзида ёмон томонга ўзгаришни сезмагач, у ҳам келинига ўхшаб юзига фотиҳа тортди-да, ортидан сўради:

– Ҳа, ўғлим, қаерга бориб келдинг?!

– Китобларни эгаларига қайтариб обориб бердим.

– Нима, бозори касодми?

– Яхшиларини сотиб юбордим, булари ўтмади. Иннайкейин...

– Иннайкейин, дейишингдан дўконга кирмоқчисан, шундайми?

Фақирий косада мошхўрда кўтариб келиб унинг олдига қўяётган хотинига нигоҳ қадаб қўяркан:

– Сизга Фотима айтибди-да, – деди.

Отаси унга «нима, айтмасинми?» дегандай норозиланиб боқар экан:

– Ҳа, айтди, – деди.

– Йўқ, ўзим айтаман-да! Келинг, иш ўргатамиз, идора анжомлари бўлими очилди, шу ерда ишлайсиз, дейишяпти. Яхши йигитларга ўхшайди.

– Нима анжомлари дейсан?

– Идора анжомлари – канстовар сотилади-да, дафтар-қалам дегани!

– Ҳа-аа, шундай дегин? Ўзи бориб юрувдинг шекилли, олдиларига? Анави, бир-иккита танишингга етаклаб юрувдинг шекилли, иши бўйича, ўтган йили, касал бўлмасингдан аввал, ўша йигитнинг дўконими?!

– Ҳа, ўшанинг дўкони. Ўн-ўн беш минг сўмни бизга ким беради, дада?

– Шунча бераман дейдими?

– Келиб-кетиб турсангиз бўлди, дейди.

– Келиб-кетилмайди, сенинг феълингни биламан-ку, ишланади-да!..

– Ҳа, шундай, мен томошага бормайман-ку, дада, – мошхўрдасини ичишга киришди Фақирий. – Аммо-лекин иши қийинга ўхшамайди.

– Сен маъқул тушиб қопсанми унга? – ўғлининг бирдаги гапини эслади Абдумутал ота. – Жуда сенга ёпишиб опти?

– Раҳматли дадамга қуйиб қўйгандек ўхшайсиз, дейди. Бир куни, азза-базза тепамга бирга ишлайдиган ўртоғи билан мелиса қариндошини бошлаб кепти.

– Шунақа одамлар ҳам бор-а?! – ҳайратланган бўлиб соқолини кафти кўмагида тутамлаб қўйди мўйсафид. – Бировни отасига ўхшатиб ўзи иш топиб берадиган тантиларам жаҳонда бораканми, дейман-да!..

– Ўзи юристликка ўқиган экан деб ўғлингиз ҳам бир-иккита жойга обориб юрувдилар, унга

иш ахтариб. Давронбекнинг ҳам олдига обордингиз, шекилли, а? – деди тунука чойнакда чой дамлаб келган Фотима.

– Дарвоқе, бу баннисага тушишидан бурун-а?.. Ўзи сенам учраган кишига яхшилик қилмоқчи бўлавераркансан-да, а?!

Фақирий шу дамда ўзининг анчадан буён асар ёзмай қўйганини, нашриётдан ҳам аллақачонлар бўшаб кетганини эслади. Сўнгги вақтларда бозорда эски китоблар сотиш билан кунини ўтказаётганини ўйларкан, ўксиниб ҳам қўйди-да:

– Бошқа нимаям қилимдан келарди, дада, – деди.

– Ишга кираман дейишингиз яхшику-я, аммо дардингиз хуруж қилиб қолса-чи? – уни сўроққа тутди хотини. У эрининг чап ёнига, қайнатасининг рўпарасига келиб ўтирди. Оқ оралаган қалин, силлиқ сочларининг ўртасини – фарқини очган ерини кўрсаткич бармоғи билан қашиди, ёшига муқоясалаганда анчайин ажин босган тўгарак ва чўзинчоқ миёнасидаги истарали юзида «ана унда нима қиласиз?» деган мазмундаги савол аломати ҳам қалқди.

Фақирий хотинининг оқарган сочларига, ажин оралаган чуваккина рангпар юзига, айни паллада ғам чўккандай ифодани бераётган сийрак киприкли қора кўзларига ичи ачишиб боқди. «Бола-чақа ташвиши, устига-устак, менинг мана бу дардим уни бевақт қаритди. Ҳали нима, энди қирққа кирган бўлса. У тенгилар очилиб-сочилиб юрибди», деган ўй кўнглидан кечди, Фотимага уйланмасидан аввалги унга кўнгил бериб юрган кезларини ёдга олиб ёқимли, айни дамда хомуш жилмайди. «Нашриёт йўлакларида оққушдай қанот қоқиб юрганларида ўзимни

қўярга жой тополмасдан қолардим. Ҳатто унга севги изҳор қилишга тилим айланмасди-я!» деди ичида, кейин ўша олтин даври ўтиб кетганини, у даврлардан фақат ёрқин, илиқ, одам боласининг дилини ўртагувчи хотирагина қолганини ўйлаб чуқур хўрсинди.

– Худо асрасин, қўй энди хуруж қилмасин, – деди Фақирий, қошиғи билан мошхўрдадан хўплади.

– Менам шуни айтмоқчи эдим, – келинининг ёнига қўшилди Абдумутал ота. – Ўзи ҳали хусара, ҳали пусара бўлиб юришинг бор...

– Гапларингиз тўғрику-я, аммо дада, Сора Исҳоқовна бирорта енгил иш билан банд бўлинг, ўзизни чалғитинг, деди-да!

– Енгил иш дебди-ку! Дўконда ишланг демабди-ку!

Фотима қайнатасининг гапини маъқуллагандай бош тебратиб қўйди-да:

– Уч-тўрт ойдан кейин тағин даволанишингиз керак. Бу ёқда ВТЕКдан ўтишингиз бор, – деди.

– Ҳа, бор. Кузгача ишлаб кўрай-чи, мусулмон... – хотинидан норозиланди Фақирий.

– Тағин қийналиб қолмайсанми, деймиз-да!

– Нима, бўлмаса нашриётга борайми? – деди у, қаёққа кетаётганини билмаётгани овқатидан икки-уч қошиқ ичди. – Муҳаррирликка ярармикинман ўзи?

– Нашриётда ишлолмайсиз. Иннайкейин, нашриётлар ходимларига пул топиб беролмаяпти.

– Ана, хотининг ишламади-ку! Берган беш-олти минги йўл кирасигаям етмади.

– Қанча шоир-ёзувчилар бошқа соҳанинг кетини тутиб кетди. Бу соҳалар ўлди, – деб қатъий бир хулоса чиқарди Фотима.

– Бутун бошли совет давлатини хароб қилди-ку Горбачёв! – деб оддий бир суҳбатни сиёсатга олиб бориб тақади Абдумутал ота. – Сталин бир кўрганидами унинг қилган ишини! Тепа сочи тикка бўлиб кетган бўларди!..

Фақирий отасидан бу гапни эшитдию ортда қолиб, яқин мозийга айланган ана ўша шўролар даврида гарчанд ҳарбий хизматни ўтаган бўлса ҳам яна захирадаги офицер сифатида Афғонистонга жўнатилганини, у ердаги босқинчилик, адолатсизлик урушидан бир-икки йил ичида асаби ишдан чиқиб қайтиб, неча йиллаб ўзига келолмай изтироб чекиб юрганларини ўйлади. Устига-устак, қайта қуриш шамоли эсиб, кўплаб бошқа ўлкалар каби бу ерларда ҳам бўлиб ўтган миллий-озодлик ҳаракатларини, одамлар норозиликларини кўз олдига келтираркан, саксонинчи йиллар охирида Болтиқбўйида – Вильнюс кўчаларида, сал ўтиб эса Бакуда мустабид тузумга қарши намойишга чиққан тинч аҳолига нисбатан шўро зобитлари қурол ишлатиб уларни ўққа тутганликлари, қанчалаб одамларни ер тишлатиб хунрезликлар қилганликларига қарши Тошкентда, «Инқилоб хиёбони»да «Тинчлик» халқ ҳаракати аъзолари ташаббуси билан ўтказилган ва шаҳарнинг кўплаб ташкилотларидан вакиллар иштирок этган бўлган кўп минг кишилик норозилик йиғинида «Омончи»ларнинг куч ишлатиб, фаоллар намойишини тарқатиб юбораётганларида «Ўзбекистон» меҳмонхонаси рўпарасида улардан икки-учтаси қўлларидаги таёқ билан катта ёшли таниқли шоира Гулчақчақни аёл демай, она демай калтаклаб, судраб олиб кетишаётганини кўриб, чидаб туролмай

уни нозирлар чангалидан чиқариб оламан деб ўзи ҳам қаттиқ дўппосланганини, фақатгина атрофдагиларнинг кўмаги ва ота маҳалласидан бўлган, худди ана шу зўравонлар билан бирга бу ерга «жамоат тартиби»ни сақлаш учун юборилган Саидакбар милисанинг тасодифан тепасига келиб, уни таниб, орага тушиши туфайлигина қамалиб кетишдан қутулиб қолганию ана ўша воқеанинг эртасига, вужудини қаттиқ қўрқув чулғаб олиб, бир неча кун ўзини билмай юриб, охир-оқибат уйдагилари уни руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишга мажбур бўлишганини эслади. Яна, ўшандан кейин, тузалиб чиққач, иккинчи бор, сўнгги пайтларда ўзи ишлаган таҳририятдаги ҳамкасблари билан бирга тўқсон биринчи йилнинг январида Талабалар шаҳарчасида юз берган, ўша маҳалларда «Нон туфайли юз берган жанжал», деб ном олган, ҳақиқатда эса талабаларга қарши номаълум жиноятчилар томонидан уюштирилган хунрезликлардан сўнг йигит-қизларга ҳамдардлик билдириш мақсадида у ерга борганларида, оғир тан жароҳати етказилиб, ҳамма ёғи қора қонга беланган қорамағиздан келган ёшгина бир самарқандлик йигитни «Тез ёрдам» машинасига кўтариб чиқишга ёрдамлашганию, ярим кечада уйига қайтиб бориб, ана ўша воқеа таъсирида икки-уч кун қаттиқ изтироб чекиб юриб, дарди яна хуруж қилиб қолиб, касалхонага ётқизишганини худди кечагидек хотирлар экан, «Ана ўша чиркин тузум туфайли ҳам ўғиллари мана бундай ногирон бўлиб қолганини, бу шўро деган бало қанчадан-қанча одамларнинг нафақат жисмини, балки руҳини ҳам жароҳатлаганини тушунмайдилар», деб ху-

лоса қилди. Шунинг учун ҳам у бу соҳада отаси билан баҳс бойлашмади. Илгари неча бор тортишганида отаси ўз айтганида туриб олганини кўргани учун уни ўз эътиқодидан афсус қайтариб бўлмасини тушуниб етиб, шу важдан ҳам унинг ҳозирги мана бу иддаосига бефарқ қаради. Хотинига сўзланди:

– Нима қилай бўлмаса? Ёзаётган рўмоним чала қолди. Ана ундай ҳолда тағин касалхонага тушдим...

Абдумутал ота ўғлининг касал бўлиш даврини эсларкан, келинининг ўрнига нечанчи бор унга дакки-дашном беришга киришди:

– Ўзингам сабабчисан-да! Нима қилардинг ҳар хил намойишларга бориб, бировларнинг ўртасига тушиб?!

– Ўшалар бир марта ҳолингиздан хабар олдими? Ана ўша шоира Гулчақчақ Абдурауф Фақирий мени қутқараётганида тоза калтакланувди, охир-оқибат мана бундай дардга чалиниб қопти, деб ҳеч эслармикин?!

– Бундай ишлар биров менга раҳмат десин ё бўлмаса ҳолимдан хабар олсин деб қилинмайди!..

– Нима учун қилинади бўлмаса? – ҳайрон қолди Фотима.

– Бундай ишлар ғоялар, маслаклар, улуғ мақсадлар учун қилинади!

– Қўйинг баландпарвоз гапларни! Сиз ёзувчилар осмонда юрасизлар! Ана, битталаринг бир шеърида осмонга тош отувди, охир-оқибатда тоши ўзига келиб тегиб, ўзини бошини еди!..

– Ўлганларни гапириб бўлмайди, хотин!

– Худогаям шак келтириб бўлмайди, демоқчиман-да!

Фақирий хотинига бир нарса демади, дея олмади. Фақатгина орага қўшилолмай ўйланиб

қолган отасига бир қараб олди-да, кейин шоира Гулчақчақни назарда тутиб:

– У қаердан билади менинг бундай дардга чалинганимни! Мени соппа-соғ юрибди, деб ўйлайверади-да!..

– Йўқ, энди айтаман-да! Бир марта панд еганингиз етмагандай, яна шунақа жойларга бордингиз!..

– Қаерга?!

– Анави талабалар орасига-да!

– Зўравонликка қарши ўз муносабатимизни билдирдик-да! Мана, охири, кишанлардан халос бўлдик-ку! Озодликка эришдик!..

– Яна қаёқдаги гапларни қиласиз-а?! Нима, сизлар халос қипсизми?! Шўронинг ўзи қулади-ку! Иннайкейин, сиз бу халоскорлигингизни касалхонадаям қилдингиз! Анави йигитга қайчи тиқдингиз!..

– Уям зўравонлик қилди-да! Бир ожизага зуғум қилмоқчи бўлди!

– Сиз ўзи шунақа ожизаларни ҳимоя қилиб юраверинг! Сизга ўшалар керак! – ундан норозиланди хотини. – Сизни деб мен бу ёқдагилардан ҳар турли маломатларни эшитиб юраверай, хўпми?!

– Нима қилай хотин, мен ана шунақа яратилган бўлсам?! – деди Фақирий, бироздан сўнг қўшиб қўйди: – Қўявер, баннисадаги ўша воқеаниям китобимнинг бир ерига киритиб юбораман!..

Анчадан буён эр-хотиннинг гапларига аралашмай ўтирган Абдумутал ота ўғлига астойдил ичи ачишганидан деди:

– Сенга энди ёзув-чизув бўлмайди, ўғлим! Ўн икки-ўн уч йилдан буён кетингдан юрибмиз, ахир?!

– Худо шуни истади, дада. Мениям қанча орзу-умидларим бор эди.

– Ўзингни эплаб мана китоб бўлсаям сотиб юрибсан, шуям йўқ эди-ку, ўғлим. Қаёққа борсанг кетингдан соядек эргашиб юрувдим, майли, шунисигаям шукр, – деб ўтирган ерида чайқалиб қўйди Абдумутал ота. – Ўтган йилдан буён иккинчи гуруҳга чиқариб, чой-чақа бериб турибди-ку, ишқилиб...

– Берган чой-чақаси қурсин. Шунча пайтдан бери чой-чақасини олаётганмидим? Ҳаққа бориб тақалганимдан кейин бера бошлади-да!

– Майли-да энди ўғлим! Етти-саккиз мингни сенга ким берарди?!

– Бу ёғига сизга ҳавойироқ ишлар бўлса тузук, – эрининг дўконга ишга кирмоқчи бўлаётганидан норози оҳангда сўзлади Фотима. – Аммо муолажани кечиктирмай ўз вақтида олишингиз керак бўлади.

– Ана шу ёзда ўзимни дўконда бир синайми девдим. Озроқ бўлса-да, иш ўрганганим қолади. Бозорда китобфурушлик билан ҳам кунимни кеч қилаётган эдим-да!..

Унинг «иш ўрганганим қолади»си отасига таъсир этди. Бир ҳисобда ўғли савдо ишининг кетини тутмоқчи бўлаётганидан ичида севиниб ҳам қўйди.

– Агар дўконга кирмоқчи бўлсанг, уканг Абдумаликнинг олдидан бир ўт. Сенга бир нарса бўлса, кетингдан югурадиган ана шу. Унақа кек сақлама.

У тўнғич укаси Абдумалик билан сан-манга бориб қолганидан буён «Отчопар» буюм бозоридаги бир метрлик жойда савдо қиладиган иккита укасининг олдига чиқмай қўйган, шундан

бери ўзи ва таниш-билишларининг эски китобларини Чилонзордаги бозорга олиб бориб сотиб, беш-ўн танга топиб, рўзғорларининг кам-кўстига яратиб юрган эди, отасининг «укангни олдидан бир ўт», дейиши уни ўйлантириб ва ноқулай бир аҳволга тушириб қўйди. «Қандай қилиб бораман? «Сенга эмас, анави кўчадаги тиланчига садақа қилсам бўларкан!», деган уканинг олдига қайси юз билан бораман?!» Уни ана шу ўй қийнагандан-қийнади.

– Қандай қилиб бораман? Нима деб бораман, дада?!

– Дўконга ишга кирмоқчиман, сенинг олдингдан бир ўтай девдим, дейсан-да!

– Ўзи буларнинг молини опкеладиган фирмани ёпиб қўйганмиш. Молларини текширувчилар қаергадир опкетганмиш. Абдураззоқ шундай деганди. Мени боришим уларга ёқармиди, – деб баҳона қилди Фақирий, айни дамда кўзи ўнгидан укаси Абдумаликнинг ўшандаги важоҳатию, сурбетларча айтган сўзлари ҳадеганда ўтаверди.

– Укаларинг бошига ана шундай мушкул иш тушган бир пайтда ҳолини сўраб борсанг хурсанд бўлишади, – дея гапнинг нозик жойидан олди отаси.

– Уларга менинг оғирим тушмасин девдим, – ўйга толди Фақирий, шунинг баробарида отаси ундан аччиқланаётганини кўриб қарияни ранжитгиси келмади. – Майли, дада, сиз айтганча бўлақолсин, эрталаб ўтарман.

Абдумутал отанинг кўнгли ўрнига тушиб, ҳоври хиёл пасайди:

– Шундай қил, ўғлим. Укангнинг маслаҳатини олганинг маъқул.

Фақирий еган овқати қаерга кетганини билмай юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзғаларкан:

– Болаларни даладан опкелишмоқчи эди-ку, нима, уйингдагилар боришмабдими? – дея хотинидан сўради.

– Қўявер, тинч ўтирибмиз. Беш-ўн кун юраверишсин, – деди Абдумутал ота.

– Одам соғинди уларни. Боласиз уй мозор, деганларича бор экан, – отасига қараб кулди Фақирий. – Уй эмас, худди гўристоннинг ўзи-я!..

– Ана, Асадингиз бор-ку! – деди Фотима, кейин эридан бўшаган косани қўлига олди.

– Асад акаларисиз ҳеч нима қилолмас экан. Боғчадан келиб ўзини қаёққа уришини билмайди.

– Кейинги ҳафтада машина бораркан. Ўшанга ўтқизиб жўнатамиз, дейишибди, – уни тинчлантирган бўлди хотини, чойнак билан косани олиб айвонга чиқди.

Хотинининг ортидан Фақирий ҳам ташқарига ошиқиб:

– Майли, менам сочимни олдириб келай, – деди отасига.

Абдумутал ота унинг бошига қараб қўйиб:

– Ҳали сочинг ўсмаган, шекилли. Майли, борсанг боравер, – деди.

Фақирий хонани тарк этаркан, ана шу бошига тушган дарди туфайли ҳам ўз эрки ўзида эмаслигини, бир томондан хотини ва отасига, иккинчи томондан эса шаҳар ҳовлиларида ўтирган муштипар онаси ва иккала укасига чамбарчас боғланиб қолганини ҳис этди. Бир томондан севинса, иккинчи томондан эзилди.

17

У эртасига эрта билан «Отчопар» буюм бозоридаги укалари савдо қиладиган растага борди. Улар савдо қилаётган жой аҳоли ном қўйгани – «Корейс бозори» билан «Ўзбек бозори» миёнасида бўлиб, кўплар у ерни «Хитой бозори» ҳам деб атарди. Чунки у ердаги ҳар бир сотувчига ажратилган бир метр жойда тижоратчи ўзи ёхуд биров олиб келиб бергани Хитой моллари билан кўтара савдо қиларди. Баъзи ҳолларда ана шу ёнма-ён турган сотувчилар ўртасида жой масаласида жанжал ҳам бўлиб турардики, бу уларга ажратилган жойнинг торлигидан, бирининг харидори иккинчисининг рўпарасига туриб олишидан келиб чиқар ёхуд бошқа бирининг савдоси юришиб жарақ-жарақ пул санаётганида унинг мижозлари ёнидаги савдоси суст бўлган, пачка-пачка пул санашига ғайирлиги келган шеригининг моллари олдини тўсиб қолганида юз берарди...

Фақирий ҳозир ана шундай воқеа устидан чиққанди. У укалари савдо қилаётган иккинчи қатор ўртасидаги қирқ бешинчи жойга яқинлашганида харидор томонига туриб олган тўнғич укаси Абдумалик Эронга қатнаб, кўпда оёқ кийими олиб келадиган ўнг қўшниси – «Самарқанд дарвоза»лик кўккўз Зайниддин билан тортишаётган эди.

– Нима қилай, Абдумалик ака, жойнинг торлигига мен айбдормасман-ку! Бирпас сабр қилсангиз кетишар экан-ку! Мана, қаранг, харидорларнинг бирортаси қолмади!

– Бир кун бўлса майли эди, ҳар куни шу аҳволку! Ҳар куни сиз билан ёқа бўғишамиз! Мана-

ви тапичкаларингизни босиб келасиз-да, ҳамма ёққа ёйиб ташлайсиз, сал ихчамроқ жойлаштирсангиз бўлади-ку, ахир!..

– Нега иккита жой олмадингиз, Малик ака? Нега?! Икки кишисизлар-ку?!

– Ҳўв, ука, биттасининг солиғини тўлашни кўряпсиз-ку! Ўттиз беш мингни тўлаш ўзи бўлмаяпти-ку, сиз иккита жойдан келасиз-а?!

– Ҳар куни молимни бу ёққа суриб ташлашингизга айтаман-да! Юрагимга тегиб кетаяпти ҳадеб сураверишингиз, харидорларимни нарига итараверишингиз!..

– Нима қилай, ноинсофлар жойни ярим метр ошиқча қилмай, бир метр ҳам келмайдиган қилиб ажратганига қаранг! Гўрингда тик тургурлар, бир метр жойда қандай қилиб кўтара савдо билан шуғулланади, демаганига одам хафа бўлиб кетади-да! Чет элларда товуқларниям бунингчалик катакларда сақлаб бўлмасмиш, жавобгарлиги бор экан! Биз, ахир, одамлармиз-ку!..

– Нима қиласиз энди? – Фақирийга қараб сал бўшашди кўккўз Зайниддин. – Ана, бориб бозор маъмуриятига ёки ҳокимиятга даъвойингизни айтинг!

– Э-ээ, даъвойингга қулоқ солармиди, Зайниддин! – акасига қараб қўйиб «қизиқ гапларни гапирасиз-а», дегандай қўшнисига энсаси қотиб боқди Абдумалик, кейин ён-атрофдаги сотувчиларнинг «бўлди қилинглар», дейишларига қулоқ осгандай, овозини пасайтириб, сўзида давом этди: – Бунинг учун ҳаммамиз бирлашиб туриб, даъво билан чиқишимиз керак! Савдогарлар бирлашишни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишни биладиларми?! Бирни-иккига уришдан нарига ўтмайдилар!..

– Қўйинг ака, бу ер бозор, бозорда қонунлашиб бўладими? Тағин битта-яримтаси тегишли ерга бориб етказса: «Сен нимани тарғиб қиляпсан? Одамларни қаёққа бошлаяпсан?!» деб бир жойларга опкетиб ўтирмасин! Ўзи замон мана бунақа бўп турган бўлса, иккинчи томондан, ишимиз мана бунақа орқасига, чаппасига кетган бир пайтда тинч юрайлик! Ўзи мана бу ерга келиб турибди ҳаммаси! – деб бош бармоғи билан томоғини «тилиб» кўрсатиб, молларини олишолмаётганига ҳам ишора қилди Абдураззоқ. – Сизнинг бир оғиз гапингиз билан келиб ҳаммага ярим метрдан жой қўшиб берармиди? Ўзи шунча халққа иш топиб беролмаяпти-ку! Кўрмаяпсизми, шу бир метр жойда олимиям, дўхтириям, инженериям, ўқитувчисиям келиб савдо қилиб кетиб юрибди. Кейинги йил нима бўлади, Худо билади...

– Буни Абдураззоқ тўғри айтди, – орага қўшилди анчагача жим турган Фақирий, укалари сотишаётгани кўйлак-шимларга кўз югуртириб олди. – Бозорда ўзи бир марта қонун талашиб кўргандинг-ку!..

Абдумалик акасига «қачон қонун талашган эканман?» дегандай саволомуз нигоҳ қадади-да:

– Қачон қонунлашибман? – деб сўради.

– Ҳув бирда, – узоқ йилининг кузини назарда тутди Фақирий. – Унда бозор ҳув анави от ҳайкалининг ёнида эди, манави расталар ҳали қурилмаганди! Бир милиционер билан айтишиб қолувдинг-ку! Туғилган кунинг эди ўша кун!

– Унда мен тўғри гапни айтувдим. «Қани, қаерга бориб савдо қиламан? Қани, бўлмаса жой топиб бер! «Патта» пулини тўлаган бўлсам!» девдим...

– Нима, у ҳайдовдими? – сўради Абдураззоқ. – Мен йўқмидим?..

– Сен Олмаотага кетгандинг. Мен ташқарига чиқаверишдаги панжара ёнида савдо қилаётгандим, «бу ерда нарса сотиш мумкинмас», деб оперпунктга опкириб кетяпти-да, кейин бу ёққа келиб қолдилар, – дея акаси Фақирийга ишора қилди Абдумалик. – Мени унда ичкарига, идорасига опкириб кетмовмиди?

– Опкириб кетганди, – деб ўша воқеани тағин бир карра эслаб, кулимсираб қўйди Фақирий, хаёлидан эса: «Ҳечам тинч юрмайди-да бу Абдумалик! Ўзича ҳақиқатни қидирган бўлади! Ҳақиқатни бозордан, пул бор жойдан ахтариб топиб бўларканми?!», деган ўй ўтди, сўзида давом этди: – Мен бориб нима гаплигини суриштирсам, «Укангиз одамларни исёнга чақираяпти!», деб бунинг бўйнига бўлмаган айбларни тақаяпти. Яхшиям вақтида бориб қолган эканман, бир бало қилиб олиб чиқиб кетдим-да, ўша ердан, ишқилиб...

– Кўрдингизми қандай айб тақаганини?! – кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатди Абдураззоқ, у шўро даврида заводда механиклик қилгани важи Абдумаликка нисбатан босиқроқ эди, яна, кўпроқ русларнинг орасида ишлаган бўлгани учун кўп нарсада мулоҳазаланиб ўтирмас, дилидагини рўйи-рост бетга айтиб юбораверарди. – «Одамларни исёнга чақираяпти»миш?!

– Ҳа, шундай деди, – ўз сўзларини яна бир бор тасдиқлади Фақирий. – Уларни биласан-ку, пашшадан фил ясашга устаси фаранг бўлади!

– Ана шу статьяни қўйиб қамаб юбориш осон-да!

– Молини давлат фойдасига мусодара қиламан, дейди, – ярим чин, ярим истеҳзо билан

кулди Абдумалик. – Яна бир нималар деди-да ишқилиб!..

– Уларнинг қўлига тушдингми бир айбни тақайди-да бўйнингга! – дея кулиб қўйди Фақирий. – Ўша пайтда Худо бунга мени етказганини айтмайсанми!

Юқоридаги гапни Фақирий тўғри кўнгилда айтди-ю, аммо укаси Абдумаликка ўзини кўрсатаётгандай, боз устига, яхшилигини пеш қилаётгандай, миннат қилаётгандай бўлиб туйилгани учун, у «қани, муддаога кўчайлик», дегандай тарзда акасига тикилар экан:

– Ҳа, ака, уйлар тинчми? – деб сўради.

– Ҳа, тинчлик, – жавоб қилди Фақирий, укаси бу саволи билан «нега келдингиз?» демоқчи бўлаётганини сезиб қизаринқиради, боя бу ерга келаётганида ҳам худди ана шу нарсани ўйлаган, ўйлаши ҳамоно ўзини ноқулай сезган эди-ю, аммо укаси ёнидаги қўшни тижоратчи билан айтишаётганини кўриб ана шу ҳис унинг вужудини тарк этганди, ҳозир эса Абдумаликнинг юқоридаги саволидан сўнг ана шу туйғу боз борлиғини чулғаб олди. – Ўзим, бир маслаҳатли иш юзасидан келгандим...

– Дадам яхшимилар? – деб сўради Абдуразоқ. – Уч-тўрт кун илгари кирсам қон босимлари кўтарилиб ётган эканлар!

– Ҳозир тузукмилар? – ташвишланди Абдумалик.

– Худога шукр, яхшилар, – деди Фақирий, ёнатрофдаги тижоратчиларга қараб олди. Кўпдан бери таниш бўлгани учун, уларнинг олдида укасидан маслаҳат сўраб келганига уялди. Шу боисдан ҳам: – Ҳув нарёқда гаплашақолайлик, – дея одамлар кўзидан наридаги солиқ идораси ёнини кўрсатди.

– Тинчликми ўзи? – безовталанди Абдураззоқ, у акасининг дарди хуруж қилиб қолишидан чўчигани учун ҳам шу саволни берганди.

– Тинчлик, тинчлик, – деди Фақирий, ортидан «бу ерда айтиш ноқулай», дегандай ён-атрофига қараб олди. – Сенга ҳали Абдумалик айтар.

– Майли, дадамни, кеннойимни сўраб қўйинг. Вақт бўлса эртага бир кириб ўтарман, – деди Абдураззоқ, пича ўйланиб туриб яна сўради: – Ҳа, айтгандай, болалар даладан келишдими?..

– Машина бўлмапти, кейинги ҳафтада опкелишаркан, – жавоб қилди Фақирий, шунинг баробарида у боя ўзини ёлғиз ҳис қилганини, гўё унга суянадигани йўқдай бўлиб кўринганини ўйлади, йўқ, укаси Абдураззоқнинг ҳатто болаларини суриштирганидан бир ҳисобда севинди. «Ҳол-аҳволингдан хабар олувчи мана бу жигарларинг бор-ку, нега ҳадеганда ўзингни ёлғиз сезаверасан?», деб ўзини тергагандан-тергади, кейин кичик укаси билан хайрлашиб, ундан илгари айтилган солиқ идораси жойлашган бинога томон кетаётган Абдумаликка эргашди.

18

– Ҳа, ака, тинчликми ўзи? – хавотирланди Абдумалик ҳам.

– Тинчлик, – деди Фақирий, сўнг эса соғ-саломат, аҳволи жойида эканини сездириш мақсадида кулиб қўйди. – Ҳа, дарвоқе, молларинг нима бўлди?..

Абдумалик сариқ эди, тезда қизишиб кетаверарди, акаси шаҳар прокуратураси томонидан хатлаб қўйилган молларини эслатганида ана

шу ҳолат юз бериб, янада тажанглиги тутди. Беш-олти йилдан буёқ бозорда юриб анча қийинчиликлар чекканидан бемаврид ажин босган пешанаси тиришди. Унга қаттиқроқ жавоб қайтармоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ акасининг дардини ўйлаб қолди, боз устига, ҳув бирдаги миннатли гапи учун анча сиқилганини, охир-оқибат дарди хуруж қилганини эслади, яна, у бу ерга келмай кетганини, анчагача аразлаб юрганини ўйлаб шахтидан қайтди. Акасига қаттиқ гапирмасликка қарор қилди.

– Фирмадагилар жавобини бериб ётишибди. Кеча складга борсам ёпиқ экан, биласиз-ку, муҳрлаб қўяди, йўқ, бир пайт Алишер деган каттаси кеп қолди. «Бизнинг молимиз нима бўлди?» деб сўрадим, «Сабр қилинглар, ҳаракат қип ётибмиз», деди.

– Ўзи нима жиноят қипти улар?!

– Молнинг ярмини чегарадан божсиз ўтказмоқчи бўлган-да, нима қиларди! Шаҳардан текширувчилар бориб қолганда ўтказиб бераётган одам қочиб кетган! Ўзи у божхона хизматчиларидан экан!..

Фақирий юқоридаги саволни бериб чакки иш қилганини пайқади. Укасининг жаҳли тезлигини, жиззакилиги тутиб отасини ҳам танимай қолиши мумкинлигини эслаб қўрқиб ҳам кетди; аммо фирмадан ололмай қолган молларига ҳам ичи ачишгани, улар тақдирига укалари билан баб-баравар қайғураётгани сабаб ҳам жим туролмаганига, бу нарсага бефарқ қаролмаганига яна бир карра дилдан иқрор бўлди-да:

– Сизларда нима айб? – деди.

– Қизиқ экансиз, молимиз ўша ерда-ку!

– Опкетиб қолган-а? Уларни шаҳар прокуратураси ёпганми?!

– Шундай, – истамайгина жавоб қилди укаси. – Омборга кирсам шу аҳвол... «Сиз ким бўласиз?» дейишди, нима дейман, шунча молим бор эди, дейманми, йўқ, «Бу ердан озроқ мол олиб турардим, ёзув-чизув қилмай қўя қолинглар», деб баҳона қилиб, ялиниб-ёлвориб чиқиб кетибман-а!..

– Фирма билан шартномангнар бормиди?

– Шартнома қаёқда? Арзонроққа олиб келиб беришади, деб шуларга топширақолувдим!

– Камбағални туяни устида ит қопибди-да!

– Нима дейсиз энди? Бунақа пайтда: «Молим нима бўлди?», деб боролмас ҳам экансиз! «Долларни қаёқдан олдинг?!», деб терговга судраши ҳеч гапмас! Биласиз-ку уларни!..

– Битта-яримта борганлар борми?

– Ҳа, аёллар бориб юришганмиш. Нима келарди қўлидан, савол-жавоб қилиб чиқишибди. Унга бу ёқдагилар хуноб...

– Фирмадагиларми?

– Ҳа. «Бормай туринглар, ўзимиз ҳал қиламиз, ишни бузиб қўйишинглар мумкин, сабр қилинглар!», дейишувди-да!

– Бошқа илож ҳам йўқ экан, – мантиқан хулоса чиқарди Фақирий. – Ё бирорта танишга борамизми? Нима дейсан?!

– Сабр қилайлик, ака, – деди Абдумалик, – бошқа йигитлар ҳам ана шу фикрда.

Фақирий укасининг диний эътиқодда мустаҳкам бўлмаса-да, бошига мушкул иш тушганда айнан ана шунга суянаётганидан бир ҳисобда севинди. «Худойим ўзинг ёрдамингни дариғ тутмагин, ўзинг ҳар нарсани кўргувчи-билгувчи-

сан! Не машаққатлар чекиб бирни икки қилишаётганини ҳам, уч-тўрт оиланинг рўзғорини тебратишаётганини ҳам кўриб турибсан!», деб қўйди ичида.

– Тўғри айтасан, бу ҳолатда ёлғиз Худодан сўраб туриш лозим, – деди укасига, масаланинг жиддийлигини, ҳар томонлама ўйлаб тарозининг икки палласига қўйганда ҳам у томон босиб турганини ҳисобга олди. – Майли, бирор ерга бориш керак бўлса, бирортасига учрашиш керак бўлса менга айтарсан.

– Худди министрлардай гапирасиз-а! – акасидан кулган бўлди Абдумалик. – Яхши бирорта катта лавозимингиз йўқ экан!..

Фақирий ўзининг айтиб қўйган гапидан изза бўлди, аммо бу гапни укасига далда бўлсин деб сўзлагани важи унинг кесатиғини унчалар кўнглига олмади.

– Бошқа нимаям дердим, Малик? Сизларга бирорта ёрдамим тегармикин деяпман-да! – деди ҳеч тортинмасдан, юрагидаги гапини айтиб қўя қолди. – Менинг вазифам далда бериш!..

Абдумалик укасининг бир ўзи қолганидан безовталангандай орқага – харидорлар айланиб юрган кийим-кечак расталарига бир қараб қўяркан:

– Тинчликми ўзи ака, қанақа маслаҳатли иш экан?– деб сўради.

– Хабаринг борми, йўқми, Журъат деган бир йигит билан танишиб қолувдим. Ҳув бирда прокуратурага ишга кирмоқчи бўлганида бир-иккита танишларимга оборувдим. Шу бир иш таклиф қилиб қолди...

– Қанақа иш экан?

– Дўконида. Канстовар бўлимида ишлаб туринг, деяпти. Ёнида дорихонасиям бор экан.

– Мен унинг қандай одамлигини билмасам...

– Ёмон йигит эмас. Бозорда китоб сотиб ўтирганимни кўрувди, «Раҳматли адамларга жудаям ўхшаркансиз», деб танишиб қолди.

Абдумалик акасининг соддалигидан кулди.

– Нима, адасига ўхшарканмисиз?

– Ҳа, ўлай агар, шундай деди.

– Тузук, адасига ўхшатиб сизни ишга чақирибди. Бизларни отасига ўхшатиб ишга чақирувчилар бўлмаяпти-да, жон деб кетворардим.

– Сен бозорни бировга берармидинг. Бозорни ёпишмагунича бу ердан кетмассан.

Акасининг гапи Абдумаликка айил ботди.

– Ака, кўрдингиз-ку, неча йиллаб бухгалтерияда ишладим, бирим икки бўлмади. Лоақал ўзимга битта уй олишга қурбим етмади. Ҳа, биров раҳмат демайдиган соҳа экан. Бутун пулни катталар қилар экан-да, қоғозини тозалаш билан умрингиз ўтаркан. Иккинчи томондан, тузум қулади, эскича ҳаёт ҳам тугади. Нон ўн беш тийин, совун йигирма тийин бўлган даврлар ўтиб кетди. Эртага нима бўлишини билмайсиз. Нима қилай, рўзғоримизни ким қилиб беради?!

– Йўқ, гапингга айтаман-да! Хафа бўлма, тиришқоқлигингни назарда тутиб айтяпман!

– Абдураззоқ икковимиз ўлиб-тирилиб ишлаяпмиз, рўзғордан бошқа ҳеч нима бўлмаяпти-ку! Мана бу бир метр жойда нима қилиб бўлади? Бу ёқда не азобда яширинча пул алмаштирилади. Энди бир-икки танга топаман деб ўйлаганингда мана бунақа ишкали чиқиб қолади. Ҳе, онасини... мана бунақа ҳаётини! Қайтага баъзан ўша эски ҳаётимиз тузукмиди дейман!..

– Қўй, майли, мустақил бўлдик!..

– Мустақил бўлганимизнинг роҳатини ким кўряпти? Қани, айтинг менга, ким? Қайтага ўрисда инсоф бор эди! Ўзингнинг тўраларинг ўзингни, оддий фуқаросини таласа, шундан ёмони йўқ экан!

– Қўй, деворнинг ҳам қулоғи бор, – укасини тинчлантирди Фақирий. – Мана уч хонали уй сотиб олдинг.

– Уйни гапирасиз-а! – деб қадрига йиғлаган бўлиб кўзларини ярим юмиб олди Абдумалик. – Шуям бўлмасинми? Хабарингиз бор, ўзингиз гувоҳсиз, ҳаммамиз олий маълумотли бўла туриб, етти-саккиз йилдан бери қор-ёмғир кечиб, шу бозорларда сарсон-саргардон кезиб юрибмиз! Шуниям олмайми? Шуям бўлмасинми, ака?..

– Энди айтаман-да! Ҳалиги, анави қўшнингга, «Самарқанд дарвоза»лик йигитга айтаётган ҳамма гапларинг тўғри, аммо тўғри гап туққанингга ёқмайди-ку! Ҳозир нима кўп, «қулоқ» бўлиб юрганлар кўп, битта-яримтаси бориб чақмасин дейман-да!..

– Бориб чақса чақаверсин! Мана бу оддий халқ бир метр ҳам келмайдиган жойда эзилиб юрганини кўрсин-да, ўша катталар! – деб кўкрагига ургандай сўзлади Абдумалик. – Солиғини олишни билади, «патта» пулини олишни билади. Ўзи минг чиғириқдан ўтиб опкеласан, ҳаммоллик қилиб елкангда ташийсан, пулни алмаштиришдаги азобларни биласиз энди; не ҳасратда топиб келган молингизни харидорлар ерга уришини-ку айтмай қўя қолай, бир ёқда бозордаги рақобат, беш-ўн фоизга ишланади, ундан ортиқмас, яна мана бу ёнингдагиларнинг ортиқча гапи ўтиб кетаркан-да, ака!..

Фақирий укасининг қалбида барча адолатсизликларга, яшаётган кунининг азоб-уқубатлари-

га нисбатан нафрат борлигини туйди. Яна унинг бозор муаммоларидан, харидорлар билан муомаладан обдан толиққанини, бу нарсалар кўнглига зиғирёғдек текканини, асаби ҳам шунга яраша қақшаганини дил-дилдан туйди. Шу боис ҳам Абдумаликнинг бирда жаҳл устида унга айтиб юборган қаттиқ-қуруқ гапини унутиб юборди. Яна унинг кўнглини кўтарган бўлиб:

– Энди нима қиласан? Чидайсан-да, ука, ўзинг шу йўлни танладинг! – дея укаси бирда қайтарган сўзларини такрорлади.

– Тўғри, чидайман, бошқа иложим йўқ. Бутун бир халқнинг қисмати шу-ку! Ҳамма бозор орқали амал-тақал қилиб қора қозонини қайнатиб юрибди, – деди охири тақдирга тан бериб Абдумалик. – Бизлар баъзи бировларга ўхшаб пора олишни эплолмасак, у нарсани ҳаром деб билсак, чидаймиз-да, ака!

– Ўша йигит, – деб бояги чала қолган сўзига қайтди Фақирий. – Келинг, сизга иш ўргатайлик, ўн-ўн беш минг сўм ойлик берамиз, деяпти.

– Дўкони қаерда экан? – ўзининг қизиққонлигидан, боз устига, шунча гап-сўзларни касалманд бир одамга тўкиб-солганидан ичдан ўзидан норозиланди Абдумалик.

– Вокзал томонда. Автостанциянинг ёнида.

– Сизга бир нарса дейишгаям ҳайронман, ака, – ўйланиб туриб сўз бошлади Абдумалик. – Яна анави дардингиз хуруж қилиб қолса-чи? Яна ўтган йилгига ўхшаб ўзингизни билмай кўчада қолиб кетсангиз-чи?!

– Баҳорда ҳам даволандим-ку! Иннайкейин, бари бир бозорда китобфурушлик ҳам қип юрибман-ку!

– Китобфурушлик қилсангиз, ортингиздан дадам кузатиб келардилар, шуни айтармидилар?!

– Йўқ!

– Нима, сизга айтмасмидилар? – унга синовчан боқди укаси. – Мен борганимда, хабар опкелдим акангдан, дердилар. Майли, шу билан овуняпти, деб хурсанд ҳам бўлардилар.

– Менга ҳеч айтмасдилар-ку, – деб таажжубланиб, отасига ичи ачишди Фақирийнинг. – Ота экан-да, а?!

– Сиз кўчада қолиб кетганингизда дадам иккимиз кечаси билан сизни ахтариб чиққанмиз. Бормаган жойимиз, кирмаган тешигимиз қолмаган. Ўликхоналарни ҳам текшириб чиқибмиз-а?!

Фақирий ўзининг ўшандаги аҳволидан уялиб кетди. Ўнғайсизланиб, тушкун бир ҳолатда қолди. Нима қилишини, нима дейишини билмай:

– Мендамас-ку айб! Нима қилай энди? Буям Оллоҳнинг берган дарди, Оллоҳнинг бир синовидир!.. – деди.

– Ўшанда кеннойим ҳам бораман деган эканлар! Нега бирга бормадинглар? Ўжарлик қилиб бир ўзингиз чиқиб кетибсиз!..

– Ўтиб кетди-ку энди... – қўл силтаб қўйди Фақирий.

Унинг ана шу қўл силташи укасига ёқмади.

– Сиз бефарқ қарайсиз-да, ака, бизнинг ичимиздан қиринди ўтиб кетган ўшанда, – деб унга ачиниб, айни дамда ғамга ботиб, куйиниб сўзлади Абдумалик, акаси ҳам тушкун бир ҳолатга туша бошлаганини кўргани боис уни чалғитиш мазмунида сўради: – Ҳа, айтгандай, китобфурушлик нима бўлади?..

– Яхши китоблар қолмади. Бу ёқдагилари ўтмаяпти. Йўқ жойдан мана бу ишнинг чиқиб қолгани яхши бўлди.

– Ўзингизга қаранг ака, соғлиғингиз кўтарса ишланг.

– Энди нашриётга ё журнал-пурналга боролмайман-ку!

– Ҳе, у ишларни қўйинг! Ёзувчиликни ўйламанг энди! Иннайкейин, ўшаларингизнинг орасига борманг ҳам! Ўзи бир марта кўрдингиз-а? Уй оламан, деб қанча азоб чекдингиз... Қўйинг, тинч юринг! Соғ-омон юришингизнинг ўзи бизга бир давлат!

– Сора Исҳоқовнаям бирорта енгил иш билан ўзингизни чалғитинг, девди. Ҳечқурса кузгача ишлаб кўрай.

– Кузда бир даволанишингиз керак-а?

– Ҳим... – ерга қаради Фақирий.

– Нимаям дердим, – яна дудмол жавоб қилди Абдумалик. – Ишлаб кўринг. Аммо, ўтган йилдагига ўхшаб тутаб кетадиган бўлсангиз ёки нарсаларни отиб урадиган бўлсангиз ишлашингизнинг ҳам ҳожати йўқ. Унда ўзингизни шармандa қилиб қўясиз, – акасининг у билан жанжаллашиб кетганини эслатди, эслатдию уни ранжитиб қўйишдан чўчиб: – Майли, уйдагилар билан маслаҳатлашинг, улар нима дейишаркин, – деб отаси билан кеннойисини назарда тутди. – Ака, майли, бир гап бўлар. Абдураззоқнинг ўзи қоп кетди, – деди-да, унинг жавобига ҳам қулоқ солмай, тайинли бир гап ҳам айтмай жўнаб қолди.

Фақирий пайтавасига қурт тушиб жўнаб қолган укасининг ортидан қараб тураркан, дам ундан жаҳли чиқса, дам унга ачинди. Укаси тилга олгани – ўтган йилнинг майида бўлиб ўтган воқеани эслади...

19

Ўша сафар Абдураззоқ йўлга кетганди. У молга кетганида Фақирий тўнғич укасига қарашиб турди. Ўша якшанбада бозорда одам кўп бўлди. Уларнинг ҳам қўли-қўлига тегмади. Пешинга қадар анча савдо қилиб қўйишди. Пешиндан кейин савдолари ўлиб, аксига олиб молларини бironта одам сўрамади. Ҳадеганда пул санаб чарчамайдиган Абдумалик бир томондан жуда толиққан, иккинчи томондан эса сотаётган нарсаларини ҳеч ким сўрамаётганидан хунобн ошиб, дунё кўзига тор кўриниб, ҳатто ёнида турган акаси ҳам унга ортиқчалик қилиб қолган бир пайтда рўпараларига уст-бошидан қишлоқ одамларига ўхшаб одми кийинган ота-бола келиб, ўсмир болалар учун мўлжалланган жинси шимларига харидор бўлишди.

– Ука, шу шимингизни беш юз сўм арзонига – бир ярим мингга беринг, – деди қоратўри юзини ажин босган, қалтироқ қўллари билан кўк шимни ҳадеганда у ёққа-бу ёққа ағдариб кўраётган ориққина отаси. У эллик беш билан олтмишлар орасидаги бир одам бўлиб, оғир меҳнат ўз таъсирини ўтказгани боис ёши бир жойга борган кўринар, ярим очиқ юпқа лаблари орасидан шишиб кетган милкларию сарғайган синиқ-мертик сўйлоқ тишларининг икки-учтаси тушгани кўзга ташланар ва ана шу туришининг ўзи кишида унга нисбатан раҳм уйғотарди. У мўлжалдаги нархини айтиб, ўғлига бир қараб қўйди. Ундан сўнг пештахтанинг нариги тарафида, укаси ёнида бетон растага тирсакларини тираганча олдинга сал энгашиб турган Фақирийга кўз-

ларини жавдиратиб боқди. Фақирийга қолса, шимни шу заҳотиёқ харидор айтган баҳога бериб юборар эди, аммо ота-бола олдида изми ўз қўлида эмаслигини сездириб, укасига мўлтираб қарашини қўймади.

– Йўқ, амаки, сиз айтган нархга беролмайман, бўлгани икки минг сўм, – деб туриб олди Абдумалик.

– Бу ер бозор-ку, ахир! – Фақирийга юзланди ҳалиги одам. – Айтган нархингизни ушлаб турманглар-да!

– Амаки, беролмаймиз, шундоқ ҳам икки юз сўм туширдик, – икки оёғини бир этикка тиқиб олди Абдумалик.

– Бу ер кўтара бозор. Товарлар энг арзон баҳода сотиладиган жой, – унга ўтинч билан қараётган ота-болага тушунтирди Фақирий, ичида эса укасидан норозиланиб: «Бериб юборса бўларди-да, бир бечора одамлар экан, савоб ҳам керак-ку», деб қўйди.

– Арзон баҳода сотилиши учун ана шу хитой бозорига келдик-да, амак, – отасининг ёнига қўшилиб нарх талашди пешана ва икки чаккасига ҳуснбузар тошган кулча юзли, кўзлари қисиқроқ бўлган чувакқина ўғли. – Берақолинг энди, савдогарсиз-ку!..

– Кўтармайди ука, савдогарлигимни пешлама, – жаҳли чиқди Абдумаликнинг. – Бизлар ҳам бола-чақа деб турибмиз бу ерда...

– Бериб юборақол, бола-чақанг кўпайгур, – ялинди отаси.

– Амаки, нархи тўғри келмайди. Бизаям не ҳасратда опкеламиз. Арзимаган ўттиз-қирқ сўм учун ишлаймиз, – ижирғанди Абдумалик.

– Жа унчаликмасдир, ука, ўттиз-қирқ сўм учун ҳеч ким турмайди-ку бу ерда, – унинг гапларига ишонмади харидор қария. – Ҳеч бўлмаса беш юз сўм қолар битта шимдан?..

– Ана шундайсизлар-да, ишонмайсизлар, – хуноб бўлди Абдумалик. – Итимнинг туваги олтиндан бўп кетарди-ку, ҳар бир шимдан беш юз сўм қолганда, амак, – харидор боланинг Фақирийга қилган муомаласини отасига қайтарди Абдумалик.

Унинг сўз ўйинидан Фақирий кулди. Боланинг отаси ҳам унга қўшилишди. Фақирий «укамнинг кўнгли юмшади, беради энди», деган ўй билан:

– Бу ерда арзимаган пулга ишланади, чунки рақобат кучли, кўп қўйиб бўлмайди, – дея тушунтирган бўлди, кейин укасига юзланиб: – Улар айтган нархга бериб юборишнинг ҳеч иложи йўқми? – деб сўради.

Абдумаликнинг акасидан жаҳли чиққанини жигарранг қўйкўзларининг ола-куласи чиқиб, пешанаси тиришганидан ҳам билиш қийин эмасди:

– Ҳеч иложи йўқ, – айтганида туриб олди укаси. – Бериб юборганимда берардим.

– Ҳалиям бўлса беринг, ука, – нари кетишга тараддудлангандай ёнига ўгирилди харидор қария.

– Беш юз қўшинг.

Харидор бола шимни қўлига олиб, белига тутди.

– Ҳа, тўғри келадими? – сўради отаси.

– Мана бу ёққа ўтиб кийсанг бўлади, – ўзи турган томонга, пештахтанинг орқасига ишора қилди Фақирий. – Бу ёққа ўтақол, – у ана энди улар оладиган бўлишди деб ўйлаб енгил хўрсиниб қўйди, чунки укаси билан харидорлар ўртасидаги олди-сотдидан юраги эзилиб кетганди. Боланинг алоҳал белига ўлчаб кўраётганидан, бўлди энди ортиқ савдолашмайдилар, деб ўйлаб енгил тин олганди. Йўқ, у ўйлаганидай бўлмади.

– Йўқ, ўлчамасам ҳам биламан, қирқ олти экан, тўғри келади, – жавоб қайтарди ўсмир, кейин

шимдан умид узгандайин отасига бир қараб олиб, уни қайтариб узунасига пештахтага қўйди-да:
– Келинг, амак, берақолинг, бизам деҳқон одам, қайтишимизгаям озроқ пул қолсин, мошинга, – деб Абдумаликка ёлбориб боқди.

– Ҳай, келинг, яна юз сўм қўшай, бола хурсанд бўлсин, – шимининг киссасидан пулини чиқарди отаси. – Келинг энди, бир минг олти юз сўмга беринг.

– Деҳқонларда пул кўп бўлади, а? – ўзи томон алланечук норозиланиб боқаётган акаси Фақирийга кулиб қараб олди Абдумалик. – Нариги чўнтакдан ҳам чиқаринг, ака, бели букилмаганлари бордир.

Фақирий шу дамда укасини ёмон қўриб кетди. Абдумаликнинг қаттиқлигига истеҳзоли қараб турган ота-болага ҳам, ён-атрофдагиларга ҳам нигоҳ ташлаб қўйди-да, яна унинг ёнини олган бир қиёфада ва шундай бир овозда:

– Деҳқонлар ҳам ўзимиздай одам-да, уларда бели букилмаганлари қаёқда, – деб харидорлар тарафини олган бўлди. Аслида эса бу гап орқали бошқаларнинг наздида нокаслик қилаётган бўлиб кўринган укасининг бадфеълини яширишга тутинганди. – Тўғрими гапим, ака?!

– Ҳа, балли, – бош тебратиб қўйди харидор, айни маҳал ўзи зиқналик қилаётганидан ноқулайлик ҳис этганини кўзлари сездирди.

– Деҳқонларда пул кў-ўп, – иршайди Абдумалик.

Унинг ана шу тиржайиши деҳқоннинг нафсониятига тегди. У пулини қайтиб киссасига солди-да:

– Юр, Қулмат, бошқа ерни кўрайлик, – деб Абдумаликка «арзонроқ берақолинг» дегандай илтижоли қараб турган боланинг тирсагига туртди.

Бола чор-ночор отасига эргашди.

– Бериб юборсанг бўларди, – укасидан норозиланди Фақирий, айни дамда унга нафрат аралаш қаради. – Қайтишимизгаям қолсин, деди-ку ўғли, балки сўнгги пулидир...

Абдумалик ҳам харидорлари кетиб қолганидан аламини ичига ютиб турганди, акасининг гапидан тутади:

– Бериб юбор, бериб юбор, дейсиз, зарарига сотайми-а?!

– Зарар қилмасдинг! Шунча ялинди, нокаслик бўлди-да!

– Ким нокас, нега нокаслик бўлади?! – дабдурустдан акасига дўқ уриб кетди Абдумалик. – Сизнинг кўнгилчанлигингиз, халқпарварлигингиз бозорда кетмайди, тушундингизми?!

– Секинроқ гапир, – укасига танбеҳ берди Фақирий. – Одамлар нима дейди?

– Ким нима деса деяверсин! Биз пулни ердан супуриб топаётганимиз йўқ!..

Фақирий ҳам тутаб кетди. Ўзини шунча босиб турган эди, чидолмади:

– Одамлар ўз ёнидан мачитлар қурдиряпти-ку, ука, сен бир камбағал деҳқон боласига арзонроққа шим сотсанг сотибсан-да! Нега ҳадеб нолийверасан?!

Унинг ана шу гапи ҳам укасини жиғибийрон қилишда давом этди. У янаям аланга олишга тушди:

– Сиз шоирлигингизни бошқа жойда қилинг!

– Мен шоирлик қилаётганим йўқ, бир камбағалга беш юз сўм арзонга сотсанг сотибсан-да, деяпман!..

– Ўзи биттасини шунча боқаётганим етади, – деб акасига еб қўйгудек бўлиб ўқрайди Абдумалик.

– Ким экан ўша? – тўсатдан сўраб қолди Фақирий.

– Сиз-да, ким бўларди! – тап тортмай кўзларини ола-кула қилди укаси. – Шунчадан буён елкамизга миниб олгансиз-ку!..

– Ёмон паст экансан-да, хотинингга ўхшаб кетдинг шу пайтда! – деб қўлида ушлаб турган пиёлани укасига қарата отиб юборганини сезмай қолди Фақирий.

Абдумаликнинг жазаваси тутди:

– Сенга қилган яхшилигимни кўчадаги гадойга қилсам бўларкан! – дея акасига хезланган эди, Фақирий унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Абдумалик чидаб туролмай тишини ғижирлатди, «Атрофдагилар олдида мени шарманда қилдинг», деб акасини еб қўйгудек бўлиб, унга томон талпинган эди, ёнидаги Зайниддин унинг икки қўлидан тутиб улгурди.

Фақирий ака-ука ўртасида катта жанжал бўлишини сезиб, жаҳлини ичига ютди. Укасидан ҳафсаласи пир бўлган бир авзода шартта сакраб пештахтадан нариги томонга ўтди, ўтди-да, кафтларини бир-бирига уриб қўйди, атрофдагиларга қарамади, фақат сўнгги бор укасининг ловуллаб ёниб тургандай кўринган, шапалоқ тушган сур башарасига қаради-да:

– Сенларга қолган куним қурсин, Малик! Болаларим катта бўлсин, юз баравар қилиб қайтараман яхшилигингни! – деди-ю, бўлак бир оғиз сўз айтмай, қўлни ювиб қўлтиққа ургандай бир тарзда пештахтадаги кўйлак-шимларга қараб қўйди-да, бу ерда ортиқ қололмаслигини ҳис этиб, кўнгли вайрона бўлиб бозорни тарк этди. Укаси унинг ортидан серрайганча қараб қолди.

20

Ана шундан кейин ўн кунгача у ётоқхонасига кириб олиб кўкрагини захга бериб ётди. Укалари бир марта уникига келиб хабар олишганида ҳам олдиларига чиқмади. Тайинли овқат ҳам емади. Сиқилгандан-сиқилиб, ўз ич-этини еб, бошига тушган мусибатларни ўйлаб ётишини қўймади. Фақатгина хотин бола-чақасини ёмон кўриб, дунё кўзига тор кўрина бошлаган, ўзининг айрим хатти-ҳаракатларини яхши англолмай қолганидагина отасининг қистови билан диспансерга – руҳшунос шифокорининг олдига ёлғиз ўзи боришга рози бўлди.

Фақирий шифохонага пешинга яқин кириб борди. Рўйхатхонага кириш ҳам эсига келмай, тўғри уларнинг туманига хизмат кўрсатадиган Сора Исҳоқовна ўтирадиган ўн саккизинчи хона томон юрди. Хона олдида уч-тўрт киши шифокорга навбат кутиб ўтиришарди. У навбат сўраш ҳам эсига келмай, энг чеккадаги ўриндиқда қўлида тасбеҳ ўгириб ўтирган, бошига оқ пешанабоғ ўраб олган нуроний бир қиёфадаги кампирнинг ёнига бориб ўтирди. Гўё унинг дардига руҳшунос эмас, айнан ана шу кампир малҳам бўладигандай, у билан анчагача у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашган бўлди. Кейин ўтган йилнинг кузида ана шу шифохонанинг кундузги бўлимида ёш руҳшунос Раъно Искандаровна қўлида даволангани, бир пайтлар «Ёшлар» журналида чоп этилган қиссасини унга берганини эслаб қолди. Туйқус унда ана шу хушбичим, ҳамиша хушчақчақ, хушмуомала, чиройли шаҳло кўзлари кулиб турувчи шифокорини кўриш истаги туғилди. У

ўрнидан қўзғалди-да, тўғри учинчи қаватга кўтарилди. Раъно Искандаровна ўтирадиган хонага мўралади, аммо уни учратмади. Йўлакда ёнидан ўтиб кетаётган оқ халатли аёлдан уни суриштирди, у аёл Раъно Искандаровна ҳозир диспансер босмахонасида ишлаётганини, хос касалларни назорат қилаётганини даракларди. Фақирий нима қилишини билмади. Ана шу қаватда пича айланиб юрди, баҳайбат сопол тувакларга экилган гуллар ёнидаги оромкурсига бориб ўтирди. Кўзларини юмиб олиб, ўша куз чоғи даволанаётганида шу ерда ишлайдиган фаррош кампир қўлида «Инжил»ни кўриб қолиб, уни шу ерда мутолаа қилишга сўраганини, Исо алайҳиссалом ҳақидаги қиссаларга берилиб кетиб, уни соатлаб ўқиганини, кейин эса ўзида ғаройиб ўзгариш сезиб, ўзида ҳам унинг сиймосини кўра бошлаб, ана шу жараёндан анчайин лаззатланиб юрганию, эртасига бу ҳолатини руҳшуносига маълум қилганида унга талай дорилар ёзиб бериб, муолажалар олганидан сўнггина яна ҳуши ўзига келганини эслади, кейин бўлак нарсаларни ўйлаб, шу ерда ухлаб қолди. Қанча пинакка кетганини билмайди, бир пайт худди ўша унга ўтган йили «Инжил» бериб турган рус кампири уни туртиб уйғотгандагина кўзини очиб, хийла унга бақрайиб қараб қолди. «Китобингизни берганман-ку, бувижон», деди, фаррош кампир эса, «Китобни эмас, вақт кеч бўп қолди», деганидан сўнггина анча ухлаганини ўйлаб ўрнидан қўзғалди; пастга тушди, ўзини руҳшуносга кўрсатиш ҳам эсидан чиқиб, ташқарига йўналди. Кашшофлар кўчасининг адоғидаги тўққиз қаватли уйда яшайдиган кенжа синглиси эсига тушиб, ўшанинг уйига қараб юрди.

Уларникида кўп ўтирмади. Куёви тайёрлаб келган қуймоқни тановул қилиб, пича жиянларига андармон бўлди, сўнгра эса жавонда қатор терилган китобларига, айниқса, саккиз томлик «Минг бир кеча» араб эртакларига тикилган кўйи анчайин паришонхотир ўтирди-да, улар билан хайрлашган-хайрлашмаганини ҳам идрок этолмай ташқарига чиқди...

Ярим кечагача троллейбус бекатида ўтирганини, кейин қизил-кўк йўлли оқ кўйлагининг киссасида турган паспортига қўл олиб борганини, у ёнида турганини идрок этиб ўрнидан қўзғалганини, бекат орқасидаги баланд бинонинг ён томонига ўтиб қадамлари билан уни ўлчаб чиққанини, яна бекатга қайтиб келиб бир увада кийим-бошли, қўлида ёғ босган брезент халта кўтариб олган оппоқ соқолли мўйсафидга кўзи тушганини, уни бошида «Фидел Кастрога ўхшар экан», деб мулоҳаза қилганинию ортидан «ё бўлмаса ҳазрати Хизр менга йўлиқдимикин», деб муҳокама юритганини, мўйсафид унга бир оғиз сўз демай нарироқда тўхтаган кажавали мотоциклга чиқиб ўтирганини кўргач эса, «Ҳа, тутқунликдан қайтаётган аристонлардан бири бўлса керак», деб хулосаланганини ўйлаб тўғрига – метрога томон юрди. Қанча юрганини билмайди, пиртавал билан юриб, беш қаватли ғиштли бино рўпарасидаги бўй баравар келадиган еридан арраланган қари бир чинор қаршисида тўхтаб, арра теккан силлиқ жойига қўлларини олиб бориб, нимадандир норозиланиб, ғазабланган бир қаёфада шимининг киссасидан уйининг калитини чиқарди-да, осмонга қаратиб ирғитди, кейин ўзи ҳам тим қора юлдузли осмонга

қараб қичқирди. Ёдига фақат ҳўнг-ҳўнг йиғлаб чинорни қирққанларидан норозиланган, бозордаги тижоратчилардан ортиқча солиқ олган солиқчилардан ранжиганлари тушди. «Менинг қичқирғим ана шу адолатсизликларга қарши бўлган исёним», деб хаёл қилиб трамвай йўлини кесиб ўтди. Сўнг эса, у тонг отганини, тонг отганида тандирга ўт ёқаётган нонвойлар олдидан ўтиб, уларга бир нима деганини, «молоко-молоко»лаб қўлида бидон кўтариб олиб қичқириб юрган калбош бир болакайга ичи ачишган бўлиб, бошини силаганларини, қора кўппагини гулзор орасига қўйиб юбориб, ўзи арқонини қўлларига бураб ушлаганча бетон йўл чеккасида турган, матросча майка кийиб олган семиз бир ҳарбий кишини олис болалигида отасини тутиб олиб урган амакисига ўхшатиб юборгани учун қорнига қараб мушт туширганинию ортидан ҳарбийнинг кўппаги уни қувлаганини, у ҳаллослаганча не ҳасратда қочиб қутулганини эслолди...

Қачон ва қаерда эканини билмайди-ю, аммо бир қаҳвахона рўпарасидаги сафара дарахти тагида чордона қуриб ўтириб, ҳамма ёғи тупроққа беланганига ҳам, олифталик билан кийиб олган, туркларники бўлган оқ шими тиззасидан йиртилганига ҳам аҳамият бермай ҳадеганда икки қўлини тикка кўтарилган қуёшга қараб силкитганча қулоғига чалинаётган овозларга қулоқ бериб ўтирганини, яна ўтириши баайни укаси садақа бермаганига ачинган тиламчиларга ўхшаб кетаётганини ўйлаётган бўлганида ёнида оқ «Запарожец» келиб тормоз берди. Ундан отаси ва укаси Абдумалик туша солиб унинг икки қўлидан кўтаришди. У фақат укасига қараб истеҳзоли тиржайди-да:

– Ҳа, кўчадаги гадойларга ўхшаб кетибманми? Ҳа, садақа сўрайдиганларга ўхшайманми?! – деганинию укасига таънали боққанини, сўнгра эса ўзини билмай барча нарсага бефарқ қараб жим бўлиб қолганини, машинанинг орқа ўриндиғида отаси ўнг билагидан ушлаб олганида у ўзини Оятулла Ҳумайнининг набираси ҳис этиб кетганини, кейин ота ҳовлисидаги қари гилос тагида руҳий касалликлар шифохонасида ишлайдиган қўшниси Ҳолида опанинг саволига жавоб бераётганинию, аёлнинг: «Рауфни олиб бормасаларинг бўлмайди, мен ҳозир клиникага телефон қилиб қўяман», деганини, сўнг эса кечга томон улар вокзалнинг орқасидаги шифохонага кириб борганларини, бўлимга олиб киришганида у орқасига қайтмоқчи бўлиб тоза жанжал кўтарганинию оқ халатли иккита бақувват фельдшер йигит уни йўлакдаги темир каравотга қўл-оёқларидан боғлаб ётқизишганини хотирлади...

21

Азамат Журъатникига келганида ҳали соат эрталабки саккиз ҳам бўлмаган эди-ю, аммо ёз қуёши анча кўтарилиб кунни қиздира бошлаганди. У Журъат машинасини артаётганини кўриб, ўзининг йили эски бўлса-да, ҳали уринмаган «Жигули – 011» русумли машинасини сал нарида, қўшнининг дарвозаси рўпарасида тўхтатди-да, ундан тушиб Журъатнинг ёнига қайтди.

– Сениям кўрадиган кун бор экан-ку, Азамат, – деди Журъат, эски танишининг юзида безовталаниш аломатини кўриб, кечаги ўйи тўғри эканини ўйлади. – Ҳа, тинчликми?..

– Прокурорларникига нима учун келишади, тинчликмас-да! – деди Азамат, чўзиқ юзига ярашиб тушган бежирим қора мўйловини силаб қўйди, ана шу мўйловининг уча бошлашидан ҳам у бу ерга жиддий бир иш бўйича келганини сезиш қийин эмасди.

Журъат унга бир пайтлар «прокуратурада ишлаяпман», деб ёлғон сўзлаб юборганига шу дамда ачинди, «Бошимга ташвиш орттирмасам гўрга эди», деган хаёлда, битта-яримта гапимни эшитмадими, дегандай теварак-атрофига қараб олди, сир бой бермасликка тиришди.

– Бошқа маҳал бўлса келмасдинг-а?

– Биласан-ку оғайни, одам турмуш ташвишларидан ортмас экан!

– Сенлар шунақасанлар-да! – баланддан келиб гина қилган бўлди Журъат, у ана шу дамда ҳақиқатан ҳам ўзини ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлайдиган масъул одамлардай тутди. – Бошқа пайт Журъат деган оғайнинг борлиги эсингга келмайди.

– Жа-аа унчаликмас, – ўзини анча пастга олди Азамат. – Кўп эслаб тураман сени! Қўл остингда ишлаган пайтларни эсдан чиқариб бўладими?!

Унинг сўнгги гапи ҳақиқатан ҳам Журъатни анча ийдирди. Яна у ўзида ҳамма ишларни тўғрилайдиган, одамлар ундан нажот истаб келганларида дардларига малҳам бўла оладигандай бир хусусиятни ҳис этди, айни ана шу хусусият уни жўштириб юборди.

– Қани, нима гап экан? Юр, ичкарига кириб гаплашайлик! – деб уни ҳовлисига бошлади Журъат.

Азамат итоаткорлик билан унга эргашди.

Бировнинг иши тушган пайтларда Журъат ўзида қандайдир тушуниб бўлмас илҳом сезар,

юриш-туришлари ҳам шунга яраша дадил-шахдамлашарди. Аммо ҳозир ана шу ҳис уни тарк этган, ҳақиқатда ҳам Азаматнинг иши прокуратурага тушган бўлса тахминан кимларга мурожаат этиши мумкинлигини ўйлаб борарди.

– Мана бу ерда ўтирақолайлик, – ҳовли ўртасидаги оқ пластмасс ўриндиқларга ишора қилди Азамат.

– Ичкарига кирмаймизми? – деди Журъат, ҳамроҳининг жавобини ҳам кутиб ўтирмай у кўрсатган томонга юрди. Яна кетатуриб айвон томон ўгирилди-да, хотини Гулчеҳрага сўзланди: – Аччиқроқ қилиб чой дамлаб юборинглар!..

– Ҳеч ниманинг кераги йўқ, ишим зарур эди, – безовталанди Азамат, сўнг эса Журъатнинг феъл-атворини билгани учунми, бирор дақиқа у қурган уйларга эътиборини қаратган бўлди: – Аммо-лекин усталарнинг зўрини топиб қурдирибсан-да!

Унинг мақтови Журъатга маълум маънода ёқди. Юзида болаларча севинч қалқди.

– Хоразмлик ота-бола усталарни ишлатганман-да! – маълум қилди Азаматга, кейин уйига келган ҳар бир одамга ота-бола усталарнинг ишини мақтайверишини ўйлаб ичдан хижолат чеккан бўлди-ю, аммо бу ҳолатини ташқарига чиқармади, ўз навбатида у ҳам безовталанган бир қиёфада тўгарак стол устидаги биттаяримта баргни олиб ташлаган бўлди, тағин айвондаги газ плитаси ёнида куймаланаётган хотинига мурожаат этди: – Ҳой Гулчеҳра, дастурхон ҳам опчиқинглар!..

– Менам Белтепадан ер олувдим, Зоҳидга сотиб юбордим, хабаринг бордир, – деди Азамат, соатига қараб қўйди.

– Зоҳид ҳозир менда ишлайди-ку, дўконимни юргизади, – маълум қилди Журъат, бироқ у билан Азамат сотган ерда бўлиб ўтган машмашани айтиб ўтирмади, ўрни келганда айтарман, дегандай унга чап қошини чимириб қаради-да: – Томини ёпиб олди ўтган йили, сендан олганини айтувди, – дейиш билан қаноатланди.

Азамат бўлак бу мавзуда сўз очмади, Журъатнинг хотини унга салом бериб, дастурхонни тузаб, чой-нон, мева-чева қўйиб кетгач, мақсадга кўчди:

– Хуллас, бир нарсада ёрдаминг керак бўп қолди, ошна. Чилонзордаман девдинг, банкда ишлайдиган бир танишим, тўғриси, менга тегишли бир қиз, аёл десаям бўлади, пул ўзлаштириб қўлга тушибди-да!..

– Одамлар аризаси бўйичами?

– Битта-иккита пенсионер ёзган, асосан режали текширув бориб қолибди-да!

– Ҳеч ким ўзидан-ўзи бориб ўтирмайди! Бу ерда режали текширувдан ҳам бурун ўша пенсионерларнинг ёзгани сабаб бўлган, шекилли. Шунинг учун улар борган!

– Энди, билмайман, шундай дейишди-да!

– Қайси банкда ишларкан?

– Саноат қурилиш банкининг Чилонзор филиалида эди. Бош ҳисобчи ўринбосари бўлиб ишларди.

– Қанча сумма ўзлаштирган?

– Уч юз мингга яқин-да!

– Катта миқдорда экан, – деди Журъат, хаёлига дарров Жамшид келақолди. Чунки ўшанда Азаматга «прокуратурадаман», деб ёлғон сўзлаб юборганида Жамшиднинг акаси кўз олдидан ўтиб, у ишлайдиган Чилонзор туманини айтиб юборганди. «Жамшид шунақаларни қидириб

юргувчи эди», деган ўй бир сонияда дилидан ўтиб улгурди. – Бир юз олтмиш еттинчи банд! Камида беш йил!..

Унинг «бир юз олтмиш еттинчи банд! Камида беш йил»идан сўнг Азаматнинг ранги ўзгарганини, кўзлари пирпираб, силлиқ юзининг гоҳ ўнг, гоҳ эса сўл томони учганини, янада асабийлаша бошлаганини кўриш мумкин эди. У киссасидан сигарет олди-да, чексам бўладими, ишорасида Журъатга қараб олиб, сўнг эса, дўрдоқ лаблари орасига суқиб ёндиргичда тутатди. Ўзини қўлга олди.

– Ҳозир танишим, исми Маҳлиё, ўша ерда, санкция терговчининг қўлида, шуни бугун чиқариб олмаса бўлмайди-да!..

– Терговчи ким экан? – у ердагиларни баайни танийдигандай сўради Журъат.

– Қаландаров деган сен билан мен қатори бир йигит экан. Аммо гаплашадиган, дейишяпти.

– Ҳим, – деб бирор дақиқа Азаматга қараб ўйланиб қолди Журъат, кейин ҳамсуҳбати учун қутилмаганда дабдурустдан қўшиб қўйди: – Мен тумандан бошқа ерга ўтиб кетяпман-ку!..

– Қаёққа? – сўради Азамат, унинг овозида умиди пучга чиққан одамнинг оҳангини туйиш мумкин эди. – Ахир, Чилонзордаман девдинг-ку?!

– Чилонзордаман демовдим, Юнусоболаддаман девдим, – тап тортмай ёлғон сўзлади Журъат, кейин нигоҳи орқали ҳам ўз сўзини тасдиқлаган бўлди.

Азамат омади келмаганидан пушаймон чеккандай бир қиёфада сигаретини ичига тортди, бурун катакларини кериб тутунини чиқарди.

– Ҳозир қаердасан? – деб сўради.

– Ҳозир умумий назоратга ўтяпман, – деб калласига келган гапни қилди Журъат, бу ёлғон гап-

ни гапириб қўйсам кейин нима бўлади, деган мулоҳазага бормади ҳам.

– Умумий назорат қаерники? – суриштирди Азамат, у бир томондан Журъатнинг гапидан шубҳаланса, иккинчи томондан, сендан бошқа ишонганим йўқ, деган тарзда сўраётганини юз ифодасида акс эттирди.

– Шаҳар прокуратурасига қарашли, – деди ҳеч бир истиҳола қилмасдан Журъат, айни пайтда бу уйдирмани Азаматга астойдил ёрдам бергиси келганидан айтиб юборганди.

Азаматнинг юзи ёришди.

– Кўтарилаётган экансан, тумандагиларга сўзинг ўтар, ахир? Битта-яримта танишинг бордир? Ҳозир энди кимгаям бордим!..

– Менга қара, Азамат, гапнинг ўғил боласи, бу иш соққа билан битади, биласан-ку!..

– Биламан, қуруқ бўлмайди, соққа бериш учун ҳам таниш бўлиши керакми?!

– Неча пул бермоқчисизлар? – сўради Журъат, пулни сўраётганида кўзлари чарақлаб кетди.

– Икки минг етар, кўкида? – деди Азамат, ортидан овозини баландлатиб қўшиб қўйди. – Ана шунга битта-яримтаси билан гаплашиб, тўғрилаб берсанг сендан миннатдор бўлардим.

– Сенга тўғри гапни айтай, Азамат. Мени сен айтаётган туманда танишларим йўқ. Лекин бир танишимнинг акаси ишларди. Ҳозир «сотовой»-дан қиламан унга. Яна бир гап, – у бир сония тек қолди, «қанақа гап?» дегандай унга саволомуз мўлтайиб турган Азаматга бошдан-оёқ қараб чиқди-да: – Мени биласан-а, шунақа ишларнинг орасида юраман. Сен айтаётган икки мингга ҳеч ким бу ишни тўғриламайди. Катта миқдордаги давлат пули ўзлаштирилган-а?! – деди.

– Ҳа, бўлмаса қанчага тўғрилайди? – шахти тушиб кетиб сўради Азамат. – Икки минг доллар ҳазилакам пулмас-ку?!

– Камида тўрт минг оладилар бу иш учун, – гапнинг индаллосини айтган бўлди Журъат. – Сен мени тўғри тушун, менга ярим чақанг керакмас, агар истасанг шу билан гаплашиб бераман!..

– Уч минг ҳам эмасми? – худди қизнинг тақдири Журъатнинг қўлида тургандай савдолашди Азамат.

– Камида тўрт минг деяпман, – йўғон овозини баландлатаркан, энг паст нархни айтаётганига ишора қилди Журъат. – Бир кеп қопсан, майли десанг шу билан гаплашаман.

– Гаплашиб кўр, – деди Азамат, – зора уч мингга кўнса...

– Менга ишонмайсанми, Азамат? – ўрнидан қўзғалган жойида сўради Журъат, унга «сени юрган йигитлардан деб ўйловдим, қурумсоқ экансан-ку», деган бир мазмунда боқди-да: – Нима, пулни сен беряпсанми? – деб сўради.

– Йўқ, акасиям бор-ку, аммо озроқ ёрдам қилиб юборишим керак-да! Тўрт минг доллар ҳазилакам пулмас-ку, Журъат, тушунасан-ку, ошна, – деб уни енгиб кетмоқчи бўлди Азамат.

– Майли, гаплашай-чи, лекин уч мингга кўнмаса керак, – жавоб қилди Журъат, кейин айвонига яқинлашиб, очиқ турган деразадан ичкаридаги қизига юзланиб: – Менга «сотовой»ни олиб бер, Гулюз, – деди, кўп ўтмай ўн-ўн икки ёшлардаги қизи унга уяли телефонини олиб чиқиб берди.

У телефонда керакли рақамни терди-да, бироздан сўнг Жамшидни сўради. Уни чақириб беришгач, Жамшидга бир одамнинг тақдири билан

боғлиқ ўта зарур иш чиқиб қолганини, шу бугуноқ куннинг биринчи ярмида Журъатнинг офисида учрашишлари кераклигини дараклади. Сўзларини тугатар экан, «Мен роппа-роса соат ўнда сизни кутаман», деди-да, телефонини ўчириб, қўлида ушлаганча Азамат ўтирган ерга қайтди.

– Ўзи билан гаплашдинг, шекилли? – сўради Азамат.

Журъатни унинг саволи ажаблантирди.

– Кўрдинг-ку, ўзи билан гаплашганимни, – деди мийиғида кулиб.

Азамат унинг кулгисига аҳамият бермади. Сабри чидамаганидан сўради:

– Нима деди?

– Соат ўнда офисимда учрашадиган бўлдик. Ўзи бугун бошқа ишларим кўп эди-ю, аммо майли энди, сенинг ишинг битақолсин, – деди Журъат.

– Бугун уни опчиқиб кетмаса бўлмайди, – деди Азамат, ичи пишиб кетганидан безовталаниб соатига қараб олди. – Хат чиқарган экан, қандай қилиб бўлмасин опчиқиб кетинглар деб...

– Отини нима девдинг? – кулимсираб қўйиб сўради Журъат, ана шу кулгисининг ўзида бир хил мазмунлар бор эди.

– Маҳлиё, – деди Азамат, қизнинг исмини айтаётганида юраги «гуп-гуп» ургандай бўлди.

– Маҳлиёнинг маҳлиёсимисан деб қолдим-да! – очиқчасига истеҳзоланиб кулди Журъат. – Шунақага ўхшайди...

– Хотин ўз йўлига экан. Йигитчилик-да, билаасан-ку энди... – тутилди Азамат.

Журъат билиб туриб сўраганидан ўнғайсизланди.

– Тўғри айтасан, – деди унинг фикрини маъқуллаб, кейин хаёлидан Покиза ўтди. Аёл билан

ўтказган кечаги кунидан кўнгли тўлганини ўйлаб берилиб керишди, ортидан Мадина опа ҳам унга суйкалиб, бир нарсаларга шаъма қилаётганини хотирларкан: «Аёллар ҳам бир «бўйнингга» осилиб олса ёмон бўларкан, майли, уям ўзини хурсанд қилиб юраверсин, бир нарсада керак бўлиб қолар. Ҳеч бўлмаса қарз олиб турибман-ку», деб фикр қилди, ортидан ундан олган қарзини эслаб: «Шуниям мингини ишлатиб қўйдим. Вақтида тўғрилаб бериш керак эди, ҳали уям пашшахўрда бўлади дўконга», деди ичида ўзига.

Азамат Журъатнинг ўзи ҳам тинч юрмасини билишини маълум қилгандай бир қиёфада мўйловини силаб қўяркан:

–Жасур акалар билан кўришиб турасизларми? – деб сўради, бу саволи билан гўё у: «Сенинг давранг катта эди, Жури», дегандай бўлганди.

– Қаёқда, улар энди катта китлардан бўп кетишди, – деди Журъат, Жасур акага топиб баҳо берганидан бир ҳисобда Азаматнинг олдида севиниб ҳам қўйди. Бунинг ифодаси ўлароқ, мамнун бир қиёфада жилмайди.

– Сенам ердан чиққан қўзиқоринмассан, Журъат. Бу ёқда Суҳбат бор, Шавкатлар билан «Кўча»ни гуллатган болалардан уканг, – деб уларга, уларга эмас, умуман кўча ҳаётидаги айрим соҳаларда ёшлар ва аҳолининг содда, чапанитабиат қисми ўртасида маълум бир ўзига хос обрў-эътибор – «авторитет» саналган, ана шунга эга бўлган баъзи йигитларга ҳавас қилгандай боқди Азамат.

– «Кўчанг» қани? Шавкатларинг қани? – деб уларнинг қамалиб кетганига ишора қилди Журъат. – Қолганлари сен билан менга ўхшаб фирмачи бўлиб кетишди. Мен энди яхшиям мана

бу ўқишни тугатган эканман... кунимни кўриб юрибман-да!

– Жасур акалар ҳалиям ишкалларга аралашиб туришади, дейишади-ку!

– Уни билмадим, – деди Журъат, негадир Азаматнинг ҳадеб ана ўшаларга маҳлиё бўлавериши, уларга ҳавас қилгандай тилга олиши Журъатга айил ботди.– Ўзимнинг ташвишларим мана бунча, – деб томоғини «тилиб» кўрсатди Журъат. – Ундан кейин иш ўзгартириш, бу ёқда дўконимнинг атрофига кўприк тушади деган гаплар юрибди, хуллас, бошқа нарсаларга бош қотиришга... вақт ҳам йўқ.

– Нима, дўконинг бузиладими? – Журъатнинг сўнгги гапини охиригача эшитмай, унга ачинган бир авзода гап қўшди Азамат, айни дамда хаёлидан эса: «Бойга бало урармиди», деган ўй ўтди.

– Шунақа гапларам юрибди, – мужмал жавоб қилди Журъат, сўнг эса Азаматнинг қўлига қараб: – Соатинг неча бўлди? – деб сўради.

– Чоракам тўққиз, – деди Азамат, гап билан овора бўлганини сезиб шошилди. – Бўлмаса нимага келишдик?

– Соат ўн яримларга ишхонамгами, қўл телефонимгами қўнғироқ қил. Жамшид соат ўнга офисга келадиган бўлди. Натижасини биламиз-да, шунга яраша иш қиламиз. Тўққиз яримларга ҳокимиятга кириб чиқадиган иш бор, шунинг учун соат сўраяпман, узр, – деди Журъат.

– Э, қизиқмисан, менам унинг уйидагиларни тинчлантирай. Кейин ҳалиги нарсани тўғрилайлик, – бармоқларини бир-бирига ишқаб, берилиши керак бўлган пулни назарда тутди Азамат.

– Менимча, ўшандан камига битмайди, – боя айтгани тўрт минг долларга ишора қилди Журъ-

ат, Азаматни кўчагача кузатиб чиқди. – Бўпти, бўлмаса хайрлашмаймиз.

– Мен айтган вақтингга қўнғироқ қиламан, – деди Азамат, жинси шимининг ўнг киссасидан машинаси калитини чиқариб, майда қадам билан шошганча йўлнинг нариги тарафига юрди.

Журъат дарвозаси рўпарасида турган машинасини яхшилаб артганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлиб яна бир марта унинг атрофини айланиб чиқди-да, ўз ишидан қаноат ҳосил қилиб, кийиниш учун уйига кириб кетди.

22

Унинг ҳокимиятда иши битмади. Туман архитекторини бошқармага чақириб қолишган экан, шу хабарни қўшни хонадагилардан эшитди-ю, у ҳам соат ўнга ишхонасига етиб бориши кераклигини ўйлаб, уларга ўзининг келиб кетганини архитекторга айтиб қўйишларини илтимос қилди-да, шошилиб пастга тушди.

Ишхонасига роппа-роса соат ўнга кириб борди-ю, аммо у ерда Жамшидни кўрмади. Фақатгина Фақирий эски газеталардан бирини варақлаб ўтирганига кўзи тушди.

– Э, ака, келдингизми? – деб истиқболига пешвоз чиққан Фақирий билан кўришди. – Ҳа, нима бўлди, китобларни эгаларига тарқатиб бўлдингизми?..

– Тарқатиб бўлдим, – деди Фақирий, Журъатнинг қўлидаги уяли телефон, дазмолланган янги кўйлак-шими, соқоли қиртишланган, ажнабий атри уфуриб турган юзидаги жиддийлик ва ни-

мадандир норозиланиш аломати, қўйингки, салобати уни анчайин ўзини йўқотишига сабаб бўлди. – Энди... энди, нима десаларинг қилавераман. Сизларнинг ихтиёрингдаман демоқчиман, – деди, кейин бирдан у бу гапи билан яна ўз эркини бошқа бировнинг қўлига тутқизаётганини ҳис этди. «Ўзга илож ҳам йўқ. Укаларга ортиқ орқа қилиб бўлмайди. Бола-чақа эса «опкел, ейман», деб турибди», деб мулоҳазаланди.

Журъат ўзининг салобати Фақирийдек бир одамни ҳам довдиратиб қўйганини туйди, туйдию: «Прокурор бўлганимда унча-бунча одам менга яқинлашолмасди-я!», деб муҳокама юритиб, унга деди:

– Зоҳид сизга бўлимнинг ишларини ўргатади. Ҳозирча савдо-сотиқ паст, аммо бир-икки ойнинг ичида юриб кетиши керак. Ҳали пул ўтказиш йўли билан ҳам ишлаймиз, ана унда ойлигингизни янаям кўтариб бераман, – деб унга «эплаб кета оламанми?» қабилида қараб турган Фақирийнинг руҳини кўтарди.

– Сотувчи аёл, исми Дариҳа экан, савдо паст, деди.

– Ҳа, энди юришиб кетади деяпман-ку, – деди Журъат, – сиз унга бошлиқ бўласиз.

– Аввал бир ой-ярим ой иш ўрганай, бошлиқ бўлиш қочмас, – ўзини пастга олди Фақирий.

– Сиз сотувчилик қилмайсиз, демоқчиман-да! Фақат анави «Коника»дагилар якшанба куниям ишлайдилар. Бир кунни келишиб олиб, шанбами ёки якшанбада Дариҳанинг ўрнига савдо қип турасиз.

– Бир кун экан-ку, савдо қилишни ўрганиб оларман.

– Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ, кассани уришни ўрганиб олсангиз, кейин молларни нархини, қаерда туришини билиб олсангиз бўлди. Ҳали Зоҳид текширишни, пул ўтказиш йўли билан савдо қилишларни ўргатиб қўяди. Бу ёқда мен борман. Ундан кейин, бир гапни айтиб қўяй, Зоҳид ҳозир кўпроқ ўзининг ишлари билан юрибди, бошқа йўл билан пул топишга шўнғиган. Униям ўзига айтаман-ку, келди-кетди бор, битта-яримта келиб қолиши, суриштириши бор, шуларгаям сиз ўзингиз қараб турасиз. Мен аптекадаги қизларгаям айтиб қўяман. Мана бу хонада ўзингиз бўп турасиз. Телефон одамсиз қолмасин. Дариҳагаям тайинлайман, савдо қилиш унинг иши. Сиз билан маслаҳатлашади, сиз Зоҳид билан, мен билан...

Фақирий масъулиятни ҳис этадиган одамлар тоифасига мансуб бўлгани учун:

– Журъатжон, ҳеч бўлмаса бир ойча иш ўрганай, кейин бўлимни менга берарсиз, – деди.

– Ҳечқиси йўқ, ўрганиб кетасиз, биз бормиз деяпман-ку! – унга «ташвишланманг» деган, уни тинчлантирган бўлди Журъат.

– Энди ҳисоб-китоб билан, пул билан боғлиқ жой экан-да! – деб иккиланди, бутун масъулиятни зиммасига олишдан чўчиди Фақирий.

– Ўзингизга тўғри бўлсангиз, ишонсангиз бўлгани. Дўкон меники-ку, мен борман-ку, – деди Журъат, сўнгра эса Фақирий жуда тўғри одам эканига ишонч ҳосил қилгани важи ярим ҳазил, ярим чин тарзда ақл ўргатди: – Менинг соямда юравермайсизми, Фақирий.

Фақирий унинг «менинг соямда юравермайсизми»сига у қадар аҳамият бермади-ю, аммо Журъ-

атнинг «ўзизга тўғри бўлсангиз»ига жуда аҳамият берди-да, анчагача айтолмаётгани бир андишасини билдиришга ўзида мажбурият ҳис этди.

– Мен бир нарсани айтишга мажбурман, – хўрсиниб қўйди у.

– Нимани?..

– «Ўзингизга тўғри бўлсангиз», деб тўғри айтдингиз. Мен меҳнат дафтарчамни опкелолмайман, – деди Фақирий, у дабдурустдан: «Руҳий-асабий дардни бошдан кечирганман», дея олмади. Журъатнинг ваъдасидан айниб қолишидан, яна куни укаси Абдумаликка қолишидан чўчиди. «Э Худойим, рост сўзлашимга, дардимни айтишимга мадад бер», деб яратганга илтижо қилиб қўйди.

– Нега? Ё бирор жойда юрғизиб қўйганмисиз?

– Йўқ, юргазиб қўйган эмасман-ку, аммо... аммо иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарилганман.

– Бунинг ҳеч бир айби йўқ, – деди жиддий тарзда Журъат, Фақирийнинг юзи ёришганини кўргач, сўради: – Нима дардингиз бор?..

Фақирийнинг ёришган юзи қоронғилашиб, юзида ўксиниш аломати қалқди, одамга ҳамиша меҳр-шафқат билан боқувчи зулукдайин қора кўзлари янаям ғамгин бир тусга кирди.

– Биласизми, Афғонистондан, иннайкейин, шўро давридаги тўполонлардан... асабим чатоқроқ... иннайкейин...

– Қанақа тўполонлар? – тушунмаганлигини ташқи қиёфасида маълум қилди Журъат.

– Норозилик митингларидан-да!..

– Нима, сизам «Тинчлик»чилардан эдингизми?

– Йўқ, уларга хайрихоҳлардан эдим. Умуман, нима десам экан, зуғумнинг ҳар қандай кўрини-

шини табиатим кўтаролмайди. Ҳали айтдим-ку, Афғонистондаги урушда бўлганман деб... иннайкейин, мустабид тузумнинг бизнинг халққа кўрсатган жабрларидан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор-ку! Энг охиргиларидан бири «Ўзбеклар иши»! Ундан кейин, қулупнай баҳона бўлган Фарғона, Ўш воқеаси. Паркент, Бўстонлиқ воқеалари, Талабалар шаҳарчасидаги номаълум кимсалар томонидан талабаларга қилинган тажовуз... Гапираверсам одоқ бўлмайди! Хуллас, асабим чатоқроқ-да, ишдан чиққан!..

– Ҳозир кимнинг асаби чатоқ эмас, Фақирий, содда экансиз-да! – кулди Журъат.

– Ўтган йили сизни Давронбекка учраштирдим-ку, шундан кейин анча ўтмай ўзимни билмай кўчада қоп кетибман. Руҳийми, ўзимам билмайман, қандайдир бир оғир дардни бошдан кечирдим, – деб куйиниб, ичдан азобланиб маълум қилди Фақирий.

Журъат Фақирий Давронбекни тилга олгани учун: «Каттаси иккови пулни ўзида олиб қолиш учун ишни боплади, Хўжақуловларга ҳеч замонда илтимос билан мурожаат қиладими?!», демоқчи бўлди-ю, аммо айтолмади, билъакс Фақирийнинг ичларига тушиб кетгандай ғамгин кўзларига ачиниб боқди. Яна бу отасига ўхшатгандай бўлаётган ва чин кўнгилдан унга яхшиликни раво кўришга ниятлангани ёзувчи одам ҳақиқатан ҳам тўғри, содда эканига дил-дилдан иқрор бўлиб, астойдил юракдан унга яхшилик қилишни истади.

– Ҳеч нима қилмайди, Фақирий, сиз соппасоғсиз, – деб унинг кўнглини кўтарди Журъат. – Бунақаси бўп туради. Асаблар таранглашганда бундан баттариям бўлиши мумкин.

– Тўғри, қутлуғ дард дейишади-ку! Достоевский ҳам, Гоголь, Булгаковлар бунақа дардларни бошидан кечирган, – астойдил севиниб сўзлаб кетди Фақирий.– Искандар Зулқарнайнда, Цезарда ҳам бўлган дейишади. Фақат уларда тутқаноқ шаклида ўтаркан дардлари. Достоевскийникиям шундай...

– Сизники унақамасми? – кулди Журъат.

– Йўқ, мен қаттиқ сиқилмасам бўлди, – деди Фақирий.

– Унда яхши. Маслаҳатим, ҳечам сиқилманг, хўпми? – деди Журъат, кичкина телевизор устида турган соатга қараб қўйди-да: – Бир одам келиши керак эди, – деди, ортидан дарров қўшимча қилди. – Фақат ҳозирги айтганларингизни мендан бошқаларга билдирманг, сўзлаб ўтирманг. Зоҳид ҳам билмасин, тушундингизми?!

– Тушундим. Менинг фойдам учун айтяпсиз, – тўғри қабул қилди Фақирий, дардини рўйи рост айтгани учун ўзини енгил ҳис этди.

– Ҳа, шунинг учун айтяпман. Меҳнат дафтарчангиз ўзингизда тураверсин.

– Кузда комиссиядан ўтаман-да, керак бўлади. Бирор жой қайд этилмагани маъқул.

– Керак бўлса опкеларсиз. Ичига фирмада ишлаётганингизни ёзмаймиз, мабодо-да, – деди Журъат. – Бўлмаса ҳаммаси ўзимнинг қўлимда-ку, ака! Бир сизга яхшилик қилсам қипман-да!

– Унда менинг жавобгарлигим қаёқда қолади, – ўзидан норозиланган бўлди Фақирий. – Фирмада қайд этилмасам, шунчаки ишлаб юрган бўламан-да, – кулди яна.

– Ҳақиқатан Фақирий экансиз, – ундан кулишини ҳам, ранжишини ҳам билмади Журъат.

– Ишлаб юраверинг менинг давримда. Ҳозирча аптеканинг ҳисобидан ойлик бериб тураман, канстовар юриб кетсин, кейин бир гап бўлар, – деб тушунтирди. – Ишқилиб, айтинг-айтинг сиз билан менинг, қолаверса, ҳаммамизнинг бахтимизга дўкон бузилмасин.

– Ҳали шундай гап борми? – таажжубланди Фақирий.

– Ҳа, қулоғингизга чалинмадими?

– Йўқ, – бош тебратди Фақирий, Журъат унга ишонқирамай боқаётганини кўргач, ўнг қўлини кўксига қўйган кўйи қўшиб қўйди: – Худо ҳақи, эшитмадим...

– Майли, анави қизлар билмасин. Билса ишдан кўнгли совийди. Зора, яна ўзидан-ўзи тинчиб кетса. Битта-иккита одамларга учровдим, ҳали маълум эмас, деган гапни қилишди. Ака, бу дўконни қуришга оз мунча кучим, оз мунча пулим кетмади дейсизми?! Қаранг, катталигини! Ҳали савдо залини кўрасиз, барга оптушиб кўрсатаман!

– Ҳа, жуда катта қургансиз дўконни, – деди Фақирий, бу бинони бунёдга келтиришга Журъатнинг кетган меҳнатини ўзича тасаввур қилган бўлиб пича тек турди, сўнгра сўзида давом этди: – Бу ерлар ҳечам кўприкка муносиб жойлар эмас-ку?!

– Нима дейсиз энди?! Ҳув анави шоҳбекатнинг ўрнига тушармиш! – ойнага яқин бориб дарпардани ўнг ёнга сурди-да, йўлнинг нариги томонидаги ҳайҳотдай шоҳбекатга ишора қилди. – У ҳолда менинг дўконимни ўрни пастки йўл бўлиб қолади.

– Ҳеч ақлга сиғмайди-да! – бошини қашигандан-қашиди Фақирий. – Бу ерлар сираям кўприкка муносиб кўчалар эмас-да!..

– Нима дейсиз энди?..

У шуни гапириб турган ҳам эди, хона эшиги қия очилиб, ичкарига Жамшид мўралади-да:

– Мумкинми? – деб кириш учун ижозат сўради.

– Келинг, Жамшид, ҳозир сизни эслаб турувдим, – деди Журъат, кейин ўзига ўхшаган бўйчанг, қорамағиздан келган, қора қош, қора кўз, тим қора, қуюқ сочларини ўнг тарафига силлиқ қилиб тараган истарали, аммо қарашлари хийла қаттиқ, мутакаббирона бўлган эгнига оқ кўйлак, оқ шим кийган, қўлига ушлагичли кичкина қора чарм сумкача кўтариб олган олифтароқ йигит билан ўпишиб кўришди.

Фақирийга уларнинг ўпишиб сўрашиши ғайриоддий, айни дамда бачкана, эркак одамларга хос эмасдай туйилди. У ҳам ўзини «Жамшид» деб таништирган йигитга «Фақирий» деб ўзини таништирган бўлиб қўлини чўзди-да, сўнгра ён томонга ўтиб туриб, келган меҳмонни тўрга, хонага ўзгача бир савлат бағишлаган, устига сариқ гулли бахмал қопланган диванга таклиф этди.

Жамшид диванга эмас, унинг сўл томонидаги оромкурсиларнинг юқоридагисига ўтирди. Фақирий Журъатни диванга чорлаб, ўзи пастроқдаги оромкурсига ўтирди-да, ичларида ёши улуғи бўлгани учун фотиҳа ўқиди, энди ўрнидан қўзғалиб, чой қўйиш учун ташқарига чиқмоқчи бўлганида, Журъат уни тўхтатиб ўлгурди, шахт билан ўрнидан қўзғалиб, эшикни очди-да, дорихона ходимига юзланиб:

– Майсара, чой қўйиб юборинг, – деди, ортидан эшикни ёпиб қўйди.

Жамшид Журъат билан у ёқ-бу ёқдан сўрашиб бўлгач, ўзини «Фақирий» деб таништирган

кишига ҳол-аҳволини суриштириш учун сўзланишга чоғланган ҳам эди, Журъат унинг гапини оғзидан олиб:

– Акам ўзларини «Фақирий» деб таништиришларидан ажабланманг Жамшид, бу кишиям сизнинг қайнатангизга ўхшаб китоб ёзадилар, иннайкейин, «Фақирий» деб чақиришларини яхши кўрадилар, – деб ҳамхонасининг хислатларини дарров айтиб берақолди.

– Ҳа, сизам китоб ёзасизми?

– Ҳа, ёзардим... ҳозир ёзолмаяпман.

– Ҳозир ўзи кўплар ёзолмаяпти, – билағонлик қилди Жамшид. – Менинг қайнатам, балки танирсиз, уларам ҳозир ёзмаяптилар. Ҳозир фирма очиб олганлар.

– Исмлари ким?

– Сиёвуш Сиддиқий...

– Ҳа, танийман. Сиёвуш ака яхши одам. Болаларга шеърлар ёзадилар.

– Тўғри, – деди Жамшид, уни кимгадир ўхшатиб жиддий тикилаётган Фақирийдан нигоҳини олиб қочди, Журъатга қаради.

– Акани ёнимизга олдик, дўкондорликниям ўргансинлар, – ўзини мурувватпеша кўрсатди Журъат, сўнг эса асосий мақсадга кўчди: – Сизни чақиртирганим, Жамшид, бир оғайнимизнинг таниши, аёл киши экан, исми Маҳлиё, шу пул ўзлаштириш билан қўлга тушиб қопти-да!..

– Мен сизларга халал бермаяпманми? – суҳбатга алоқаси бўлмагани учун ўзини ноқулай вазиятда қолган ҳис этди Фақирий. – Мен чиқиб чой дамлаб келаман.

– Сиз ўзимизникисиз, Фақирий, ҳадеб хижолатланаверманг, – дея огоҳлантирди Журъат,

кейин Жамшиднинг: «Қайси туманда экан иши?» деган саволига: – Шамшод акангиз ишлайдиган туманда, – деб жавоб қайтарди.

– Кимнинг қўлида экан?..

– Иши Қаландаровнинг қўлида экан! Шуни бугун қандай бўлмасин у ердан опчиқиш керак-да!..

Жамшид ўйланиб қолди. Бир нуқтага тикилганча пича ўйланиб турди-да:

– Қаерда ишларкан ўзи? – деб сўради.

– Банкда. Ҳисобчи экан.

– Катта миқдорда бўлса керак?

– Ҳа, уч юз мингга яқин...

– Бир юз олтмиш етти бўйича йўқ деганда беш йил олади, – истеҳзоли кулди Жамшид.

– Менам айтдим. Камида тўрт минг билан битадиган иш, дедим...

– Ундан камига бўлмайдиям, – мулоҳазага берилган бир авзода жавоб қилди Жамшид, катаклари кериғлиқ бўлган қирра бурнининг учини тирноғи қошиқдайин ўсган кўрсатгич бармоғи билан қашир экан, яна ўзича бир нималарнинг хаёлини қилди. Сўнг эса ёнига бир қараб, Фақирий узатган пиёладаги чойни қўлига олди.

– Шуни тўғрилайсиз-да, Жамшид, – деди Журъат, Азаматга «прокуратурадаман» деб ёлғон сўзлаганига пушаймон еди. «Сенам бошингни ачитиб юрасан-да, ўзингга ортиқча иш орттириб», деб мулоҳазаланди. – Бир пайтлар қўлимда ишлаган бола эди, укамнинг оғайниси. Шунга сизни айтиб қўювдим-да!

Фақирий бошлиғига ҳам чой қуйиб узатди. Сўнг эса унинг олдида бир нарсани айтишга қийналибми, истиҳолага бораётган Жамшиднинг ҳолатини дарров пайқаб, «мен ҳозир» йўси-

нида қўли билан ташқарига ишора қилиб, хонани тарк этди. У хонадан чиқиб кетиши ҳамоно Жамшид Журъатга юзланиб:

– Пулни олдин берсин-да, унга опкириш керак-ку! – деди.

– Албатта! Ўғилболача ўйин бўлади! Аввал соққа, кейин иш! – деди Журъат, ёзув столи устидаги сигаретининг қутисидан бир дона олиб, ёндиргич билан уни ўт олдирди. – Ҳозир телефон қилади. Ўн яримларга қўнғироқ қиламан девди...

– Пулни мен сиздан оламан, Журъат ака, – деди Жамшид.

Журъат у ўзининг эҳтиётини қилаётганини билиб:

– Ҳа-да, уям ишончли одам, – деди, Жамшидга қараб кулиб қўйди.

– Шундаям-да! – жавоб қилди Жамшид.

– Бари бир, қизни опчиқишингиз керак-ку, – деди Журъат, иккинчи томондан Жамшиднинг мана бу гапига яхши тушунмади.

Шу маҳал унинг уяли телефони жиринглаб қолди. У телефонини қулоғига тутди-да, Азамат қилаётганини Жамшидга билдириш мақсадида кўз, қош ишорасида телефонга унинг диққатини қаратди.

– Қисқаси, мен гаплашдим. Ҳаммаси бўлади. Ҳа, бугун, фақат анавини сендан ҳозироқ олишимиз керак. Қандай қилиб? Ҳа, майли. Йўқ, йўқ, деяпман-ку! Энг ками деб... мен сени алдайманми?! Узоғи билан ярим соатларда етиб бораман! Йўқ, у прокуратуранинг олдида мени кутиб турадиган бўлди... – у шундай деб Жамшидга қаради, ундан «ҳа» ишорасидаги жавобни олгач, Азамат билан гапини тугатаркан: –

Бўпти, мен ҳозир уйга етиб бораман! – деди-да, телефонини ўчирди.

– Уйингизга оборадиган бўлди, шекилли?

– Ҳа, – деб унинг гапини тасдиқлади Журъат. – Шундай қилганимиз маъқул. Зўр бериб: «Уч минг берайлик!», дейди-да! Шу, менимча, мингини ўзи қўшаётган бўлса керак-да! – Журъат шундай деди-ку, аммо ичдан у ҳам ана шу минг долларни хизмат ҳақи сифатида Жамшиддан олишни истаб кетди. Азаматга «ярим чақанг керакмас», деганини хотирлади, бироқ яна ўтган йили Мадина опадан прокуратурага ишга кириш ниятида икки минг доллар қарз олгани, унинг ҳам ярмини ишлатиб юборганини ўйлаб: «Ҳечқурса ана шунинг ўрнини қоплаб юборардим-да!», деб хулосаланиб қўйди ҳам.

– Бу ўртоғингизга ким бўларкан у аёл? – сўради Жамшид, у ҳам ўз навбатида мўмай пул қўлига келаётганидан севиниб кетди. «Тико»ни «Нексия»га айлантириб олиш имконияти туғилиб қолди», деган ўй яна бир бор кўнглидан кечди. Ана шу ўй таъсири остида ўрнидан қўзғалди.

– Бўлмаса мен соат ўн бир яримларга прокуратуранинг олдига бориб тураман-да!..

– Шундай. Менам қандай бўлмасин эртароқ етиб боришга ҳаракат қиламан.

Улар олдинма-кетин хонадан чиқдилар. Жамшид кўча эшик томон йўналди. Журъат ундан орқароқда қолди-да, Майсара билан гаплашиб турган Фақирийни ёнига чақириб:

– Хонаниям ёлғиз қўйманг, битта-яримта телефон қилиб қолиши бор. Мабодо ҳокимиятдан кеп қолишса, Зоҳидни топарсиз – блокнотда телефони бор. Негадир шу пайтгача келмади, ўзи-

нинг ишини биринчи ўринга қўядиган бўп қолди-да, – дея ўринбосаридан норозиланди, сўнгра ҳали эр кўрмаган ходими Майсарага юзланиб: – Мабодо Зоҳид акангиз эрталаб кемовмиди? – деб сўради.

Майсара – қорачадан келган, гавдасига муқояса-лаганда калласи каттароқ, қора қош, қора кўз, ёши ҳам ўтиб қолган, аммо ҳали жойи чиқмаётган қари бир қиз эди, у бошлиғининг сўроғига:

– Йўғ-а, келмадилар, телефонам қилмадилар, – деб жавоб берди.

– Майли, Фақирий, Зоҳид келса айтарсиз, менга бир телефон қилар, – деди Журъат, кейин одатдагидан муҳим иш билан кетаётгандай шахт билан дорихонадан чиқди.

Фақирий унга эргашди. Журъат «Жигули»сига, Жамшид эса мошранг «Тико»сига ўтириб, бири орқага буриб, иккинчиси эса тўғрига ҳайдаб кетганидан сўнггина ичкарига қайтиб кирди.

23

«Пул жигардан пайдо бўлади деганларича бор экан, – деб ўйлаб келарди машинасида Журъат. – Азаматнинг қўллари қалтираб кетди-я тўрт мингни бераётганида. Иложини қилсаю мингини опқолса-да!» Унинг кўз олдидан Азаматнинг унга тўрт мингни бераётгандаги ҳолати ўтди. Ўтдию ўзининг ҳам икки-уч йил илгари худди ана шу аҳволга тушганини эслади. «Падарингга лаънат, Қўзивой ҳам Сокина опанинг буйруғи билан шу ишни қилувди. Тоза қонимни ичувди. Охири мўлжалидаги беш мингни ололмаганидан сўнг садақадай юзига отиб урганим икки минг-

ни олиб, ёғ босган шапкасини бошига қўндириб, дўкондан ҳайдалгандан бешбаттар тарзда чиқиб кетувди. У ҳозир ҳам шаҳардамикин ё кўтарилиб республикага ўтиб кетдимикин? Шунақа бўлса керак! Унақалар фақат кўтарилади!» деган ўйда Азаматга аёлни Жамшид олиб чиқиши билан унга телефон қилишга ваъда берганини ёдга олди. «Шунақа дейсан-ку, тўрт минг доллар ҳазилакам пул эмас-да! Уни бизнинг пулга чақсанг тўққиз юздан бўлганида уч миллион олти юз минг сўм бўлади. Уни оддий бир одам топиши учун неча ўн йил тер тўкиши керак! Шундаям топса! Йиғолса! Прокурор ё бўлмаса терговчи бир-иккита ана шунақа иш билан тушганни сал сиқса, сал қўрқитса ўзи рози бўлиб кўтариб олиб келади. Ўзи рози бўлиб беради», деб яна прокуратурага ишга киролмаётганига ичи ачишди. «Бари бир мен пора олиб бировни қақшатмасдим. Қўлимдан келган ёрдамимни бировдан аямасдим. Менга дўкондан кеп турган ҳалолиям етарди, мақсадим билиб-билмай жиноят иш қилиб қўйганларни тўғри йўлга чақириш бўларди. Ҳар қандай қаллобликларга бўлса, тиш-тирноғим билан қарши турган, у билан курашган бўлардим. Ҳа, ҳа, ана шу нарсаларни ишдаги шиоримга айлантириб олардим. Бировни «мунча берсанг ишингни сенинг фойдангга тўғрилайман», деб азобламасдим. Хўп, Азамат қандай йўл билан топгани ёлғиз Худога аён, олиб келди-а, бошқа биров топиб келолмаса нима бўлади, қулоғини ушлаб қамалиб кетаверадими? Ҳа, шундай бўлади-да! Йўқ, мен ана шунақа топиб олиб келиб беролмаганларга, онгсиз тарзда жиноят қилиб, айбдорлар курсисига ўтириб қолганларга ёрдам

қўлини чўзардим, уларни қилиб қўйган ишларининг оқибатларини ўйлашларига, моҳиятини тушуниб етишларига кўмаклашардим, Худо хоҳласа, албатта, кириб оламан, бу йил бўлмаса кейинги йили кираман, қандай қилиб бўлмасин одам топиб, икки баробар ортиғи билан тўлаб бўлса ҳам кириб оламан, ана шу соҳада бирорта ўзгариш қиламан. Бўлмаса бу дунёда яшашнинг нима кераги бор?», деб ўзига савол бериб, турли мулоҳазаларга берилиб, қандай қилиб прокуратуранинг олдига келиб қолганини ҳам сезмади. Прокуратурадан сал наридаги тўхташ жойида машинасининг орқа қанотига суяниб олиб чекиб турган, уни кутиб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга олазарак бўлганча боқаётган Жамшидга кўзи тушди. Машинасини унинг рўпарасида тўхтатди.

– Машинага чиқа қолинг, Жамшид, – деди, кейин у ён томонига ўтиб, унинг ёнига чиқиб ўтиргач, машинасини сал нарига ҳайдади-да, тўхташ жойининг адоғидаги бўш ерга – ариққа томон яқинлаштириб тўхтатди. Ён-атрофига қараб олди, кейин киссасидан оқ қоғозга ўроғлиқ пулни чиқарди-да, Жамшидга тутди.

Жамшид қоғозни очиб, янги долларларни чап қўлидан ўнгига олди, уни чамалаган бўлиб:

– Бу ерда тўрт минг-а? – деб сўради.

– Санаб чиққанман уйда, роппа-роса тўрт минг. Ўзиниям жонини суғургандай бўлиб берди, – деб истеҳзоли кулди, кейин бирдан: «Минги меники, ўртада турганим учун», демоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ пулни Жамшиднинг қўлига тутқизиб бўлгани учун, иккинчи томондан, Азаматга «пулингнинг ярим чақасиям менга керак-

мас», дегани учун ғурури йўл қўймади. «Ўзи ақли билан мана буниси сизники демаганидан кейин нима қиласан тиқилиб? Ҳали буям ўзига опқоладими ё терговчига берадими? Ҳеч бўлмаса мингини опқолади», деб муҳокама юритди.

Пулни олгандан сўнг Жамшиднинг юзига қизиллик югуриб, Журъатнинг олдида аллақандай тетиклашгандай бўлди.

– Сиз кетаверасизми ё кутасизми? – деб сўради Жамшид. – Нима бўлганда ҳам мен бориб сизга жавобини айтиб кетаман!..

– Азаматга Маҳлиёни опчиқиши билан сенга телефон қиламан девдим...

– Мен қолиб кетишим мумкин-да!..

– Мен ҳув анави нокнинг тагидаги ўриндиқда кутаман, – деб прокуратуранинг ҳовлисига ишора қилди Журъат. – У ерда бўлмасам машинада бўламан.

– Ўзингиз биласиз, – деди иши битгандай оҳангда Жамшид, долларларни яна қоғозига ўради-да, шимининг ўнг киссасига солди. Журъатнинг «майли, сизга омад»идан сўнг машинадан тушиб, ўзининг машинасига яқинлашди, орқа ўриндиқдаги сумкачасини қўлига олиб, яна машинанинг эшигини калити билан қулфлади-да, ўз навбатида машинасидан тушиб эшигини қулфлаётган Журъатга қараб қўйиб, прокуратура томон юрди.

Кўп ўтмай Журъат ҳам ўнг қўлига уяли телефонини ушлаб олганча қора панжара билан ўралган прокуратуранинг ҳовлисига кириб, икки қаватли бинонинг рўпарасидаги, кўчага қараган қари нок тагидаги ўриндиққа бориб ўтирди-да, уяли телефонида ишхонасининг рақамини терди. Гўшакни Фақирий кўтаргани учун:

– Ҳа, ака, ҳамма ёқ тинчликми? Зоҳид келмадими? – деб сўради. Фақирий унга гўшакни бергач: – Бормисан, Зоҳид, нима гап? Азиз акага дорини обориб бердингми? Узрни айтиб қўйдингми? Мен прокуратурадаман, Азаматнинг иши бўйича. Ҳали борсам тушунтираман. Ўзинг дўконда бўп тур. Тимофейга айт, эрталарга бир менга учрашсин, майли, – деди-да, телефонини ўчириб, бошини еб ҳосил қилган қари нокнинг меваларига диққатини қаратиб турган эди, панжара тўсиқнинг ёнидан унга қараб келаётган Қўзивой Акобировга кўзи тушди-ю, юраги шиғиллаб кетди. Нигоҳини дарров бошқа томонга қаратиб олди. Қўзивой Акобиров ўнгга бурилиб қадамини тезлатди, дарвозадан ҳовлига кирди-да, Журъат томон бир қараб қўйиб, майда-майда қадам ташлаб бинога кириб ғойиб бўлди.

«Бўрини йўқласанг – қулоғи кўринади», деганларича бор экан. Нима бало, шаҳардан бу ерга тушиб келганми дейман. Машинасиям кўринмади», деб ўйлаб, Сокина хонимнинг жияни эканлиги кейинча маълум бўлган Қўзивой Акобиров бундан уч-тўрт йил бурун, энди дўкони молга тўлиб, савдо-сотиқ ҳам, ишлари ҳам юриша бошлаган бир пайтда аммасининг чақувига биноан шаҳар прокуратурасининг рухсатномасини чўнтагига солиб олиб унинг дўконини, дорихонасини ёпиб қўйганлари, комплекс текширувга келиб роса қонини ичганлари бирин-сирин хотирида жонланди...

24

Ҳокимиятдан, Рашид Нўъмоновичнинг хонасидан хурсанд чиқиб, энди машинасига ўтираётган Журъатга ишхонасидан ёрдамчиси телефон қилиб, шаҳар прокуратурасидан текширувга келиб дўконни ҳам, дорихонани ҳам ёпиб қўйишганини маълум қилди. «Ҳозир етиб бораман», деди Журъат, бу янгиликдан оёқ-қўли бўшашиб, ўзини қўярга жой тополмади. Машинасига қандай ўтирганини, уни қандай қилиб ҳайдаб кетганини ҳам билмади. Йўлда аксига орқа баллони тешилиб, уни анча овора қилди.

У дўконга пешинга яқин кириб борди. Ўринбосари Азаматнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам рангида қон қолмаган – ҳамма олазарак, ҳамма ташвиш гирдобида, безовта, фақат икки киши озиқ-овқатлар бўлимини, омборни, эллик билан эллик бешлар миёнасидаги баланд бўйли, оқ-сариқдан келган рус киши эса дорихонани бамайлихотир текшириб, ишда камчилик топгани учун офисга жойлашиб олган каттасига бир тўп дориларни йиғиб олиб кириб кўрсатаётган эди.

Журъат чекаётган сигаретини ташқарига улоқтирди-да, тезда ўзини қўлга олиб, ҳадеганда дўкон билан дорихона орасида бўзчининг мокисидай бориб келаётган Азаматга «ўзингни бос» дегандай қошларини паст-баланд қилиб чимирди-да, қўлидаги уяли телефонини чўнтагига солиб хонасига кирди.

Унинг ўрнига ўтириб олиб, рус кишининг сўзларини эшитаётган бошлиғи ўттиз билан ўттиз бешлар орасидаги бўй паст, қорамағиздан келган, юзи чўтирроқ, қарашлари ҳам шунга мута-

носиб совуқроқ бўлган бир йигит эди, у ўрнидан қўзғалиб, бемазмун бир нигоҳда совуққонлик билан Журъатга қўлини чўзиб сўрашди-да, ўзини таништирди:

– Қўзивой Акобиров. Шаҳар прокуратурасининг умумий назоратиданман, – у шундай деб Журъатга рухсатномани тутқазди.

Журъат рухсатномага қараган киши бўлди-ю, аммо хаёлини Қўзивой Акобиров олаверди. «Уни қаерда кўрган эканман?» деган ўй миясига чиппа ёпишди. Ўзини сал енгил ҳис этди. «Жуда таниш нусха, бир нима қиларман», деган ўй кўнглидан ўтди.

– Мен сиз билан учрашганман, – деди у прокуратура вакилининг қўлларини яна бир марта қисиб сўрашар экан.

Унинг гапидан сўнг Қўзивой Акобировнинг ранги ўзгарди-ю, аммо бу ҳолатини Журъатга сездирмади.

– Бўлиши мумкин, – дейиш билан чекланди.

– Сиз мабодо Тешавой Ўруновни танимайсизми? – деб бир пайтлар институтда ўзи билан ўқиган, «шаҳар прокуратурасидаман», деган курсдошини назарда тутиб сўради.

Акобиров қовоғини уйиб олган кўйи совуқ овозда гапни чўрт кесиб:

– Йўқ, танимайман, – деди.

– Биз билан ўқиган-да, шаҳар прокуратурасидаман девди, – деди Журъат, унинг совуқ овозию баайни бошқалар еб у қуруқ қолгандай қовоғидан қор ёғиши унинг ҳам нафсониятига тегиб, қонини қайнатди-ю, аммо жаҳлини ичига ютиб, ночор илжайишга мажбур бўлди.

– Мен ҳеч кимни танимайман, – деди Акобиров, гўё бу гапи билан «орага ҳеч кимсани ара-

лаштиролмайсан, бефойда уринма», деган бир мазмунни ифодаламоқчи ҳам бўлганди.

– Қўйинг, ундай деманг, ҳаммамиз бир-биримизга керакмиз-ку, – деб орани юмшатишга тутинди Журъат, шунинг баробарида «бу нусхани» қаерда кўрганини эслашда давом этди-ю, аммо уриниши зое кетаверди. – Бугун бўлмаса эртага менам сизга керак бўлиб қоламан...

Журъат унинг кўнглига қўл солаётганини сезган Акобиров, рус киши чиқиб кетганидан сўнг:

– Йўқ, ака, сиз менга керакмассиз, – деди, сўнг эса Журъат яна кўнглини топиш истагида битта-яримта гап қилишини хоҳламагандай бир қиёфада: – Дўкондаям, аптекадаям қонунга хилоф ишлар кўп-ку! – деди дабдурустдан.

– Иш бор жойда камчиликлар бўлар экан, – деди Журъат, хаёлидан: «Ким ўзи буни юборди экан? Асл нияти нима?! Порами?!», деган ўй ўтди, ўтдию «Битта-яримтаси душманлик қилиб юбормадимикин? Наколка бермадимикин?!» деган гумонга ҳам борди.

– Шунчаки хаспўшлаб ўтилмайдиган камчиликлар. Ака, буларга жиноий иш қўзғатиладиган камчиликлар-а! – деб Журъатни саросимага солди Акобиров.– Боянинг ўзида кассага чек урилмаганининг гувоҳи бўлдик. Бу дегани биласиз-а? Инкассация қилмай пулни қаёққа ишлатишинглар маълум! Омборингизда анчагина ёғ билан ун ҳам бор экан-а?..

У ёғ билан унни тилга олиши билан Журъатнинг ранги қув ўчди. Ана шу молларнинг ҳам ҳужжати чатоқ эди. Акобировнинг гапини дарров бўлди.

– Қилдан қийиқ ахтарилса топилаверади-ку оғайни, келинг, қўйинг шу гапларни, – унинг диққатини бўлмоқчи бўлди Журъат.

– Майли уларни қўйиб турайлик, – деб бир нарсаларни фаҳмлаган бўлди Акобиров, кейин ходимлари ишни обдан ўрганишаётганидан ҳали сўнгги хулосани чиқариб, Журъатга айтишга шошилмади. «Ҳали анордайин сиқиб сувини ичаман-ку!», деб мулоҳазаланиб қўйди. – Мана бу дориларнинг муддати ўтган, эскирган экан. Нима, сизлар одамларни заҳарламоқчимисизлар?!

Журъат ҳам шу лаҳзада унинг муддаосини тушунди. «Бу гаплари орқали мени каттароққа туширмоқчи, шекилли», деган ўй миясига қаердандир кела қолди. Ортиқ унга ялтоқиланғиси келмади, сиёсат қилаётганини тушунгани учун бўш келмади.

– Қўйинг-э, Қўзивой ака, ана шу сиз тилга олган одамлар дардини еб юрибмиз-ку, – деди у ўзини дадил тутиб. – Мен қизларга айтувдим, эскирган дориларни савдодан опташланглар деб... топшириғимни бажаришмабди-да, аммо-лекин жавобини берадилар, – деди.

– Жавобини ким беришини аниқлаймиз, албатта! Ҳали ёзув-чизувлар бор-ку! – уни қўрқитди Қўзивой Акобиров, сўнгра соатига қаради. – Мен соат иккида идорага боришим керак эди. Бугун-эрта, бир-икки кун ходимлар текширувни ўтказишсин-чи, – деб ўрнидан қўзғалди у. – Мен кечга яқин хабар оламан...

– Энди шу ишларни чуқурлаштирмайлик, Қўзивой ака, ҳаммамизнинг бола-чақамиз бор, – чидаб туролмай гапнинг индаллосига кўчди Журъат. – Шуни бугун бир бало қилиб кетинглар, дўкон ёпиқ турсаям хунук кўринаркан. Атаганимни бериб юборай...

– Нима, мени сотиб олмоқчимисиз? – унга синовчан боқди Қўзивой Акобиров.

Журъат унга «унда муддаойинг нима?» деган бир тарзда нигоҳ қадади-да, чор-ночор унинг кўнглига тегмайдигандай оҳангда:

– Мениям қаматиб юбормоқчимасдирсиз, ака, – деди, кейин ўзи қатори ёки ўзидан кичик бўлган йигитни «ака» дейишга мажбур бўлаётганига ичдан ижирғанди. «Ишинг битгунча эшакниям тоға деркансан-да, бошқа пайт бўлганида ўзим биларди-мку-я бу билан қандай муомала қилишни, аммо ҳозир бўлмайди», мазмунида муҳокама юритди.

Қўзивой Акобиров индамади. Фақат Журъатдан бундай жавобни кутмагани учун, унинг «ҳеч кимга бўйсунмагандим, сенга куним қолди», дегандай бир авзода катта қўйкўзлари кичрайиб кетиб унга синовчан боқиб туришларини туйди, туйдию бир нарса ёдига тушгандай, дўкон эгаси бир нарсаларни фаҳмлагандай бўлганини пайқаб қолиб дарров дорихонани текшираётган қирқ билан элликлар орасидаги баланд бўйли, ўнг кураги сал букрироқ бўлган қорувли ходимини чақирди-да, рус тилини бузиб-бузиб:

– Мен кечқурун келаман, Аваз билан ҳисоб-китобларни ҳам кўринглар, ун-ёғларнинг, барча молларнинг ҳужжатларини ўрганинглар, – деб буйруқ берди.

Унинг нима учун яна ун ва ёғга алоҳида урғу бераётганининг боисини Журъат балодай тушунди. Бу нарсаларни тилга олиш билан Акобиров шунчаки ўзига «аталганини» олиб кетиш учун эмас, балки Журъатни каттага туширмоқ истагида эканини, ана шунинг учун ҳам бу ерга ташриф буюрганини маълум қилиб қўяётганини сезиб улгурди. У билан машинасида очиқчасига гаплашмоқчи бўлди-да:

– Қўзивой ака, машинангиз кўринмади, ўзим обориб қўяман сизни, – деди.

– Машинам бор, – маълум қилди Акобиров, чап қўлидаги папкасини ўнг қўлига олиб, қўлтиғига суқди.

– Дўконнинг олдида кўринмайди-ку?

– Устага ташлаб келганман. Бир ерини урволдим, – жавоб қилди Акобиров.

Журъат унинг чўтир юзига, кўзларига қаради. «Шунинг учун овга чиққанмидинг?» деган ишорада боқди, ичида эса: «Майли эди, машинани тузатишингга етадиганини бериб юборар эдим», дея сўзланди.

– Аввал бир жойга кириб тушлик қилволайлик, қорнингиз очгандир, кейин ўзим ташлаб қўяман, – у шундай деб шошилиб чўнтак титкилаб калитини қўлига олди.

Қўзивой Акобиров ёлғондан бўлса ҳам «йўқ, қорним тўқ, ўзим бораман», демади, у гўё «ҳа, бирор ёғлиқроқ жойда овқатлантирасан, кейин идорагаям обориб қўясан-да, нима, мен лўкиллаб кетармидим?!» деган мазмунда унга тикиларкан, олдинга ўтиб олди.

Журъат гаплашишга қулай бўлсин учун тезда юриб машинасининг олди эшигини очиб турган эди, Акобиров у ерга ўтирмади.

– Орқасини очинг, – деб буйруқ берди.

Журъат у келишишни истамаётганини, таранг қилаётганини тушунди, итоаткорлик билан орқа эшикни очди-да:

– Марҳамат, чиқинг, – деди, Акобиров чиқиб ўтиргач, машинасини ўт олдирар экан, хаёлидан яна: «Бу турқи совуқни қаерда кўрган эдим-а, жин урсин, ҳечам эсга келмаяпти», деган ўй

ўтди, аммо аксига олиб уни қаерда учратгани сира ёдига келавермади. У билан Қозирабоддаги бир хонадонга кириб қуюқ овқат қилганларида ҳам, яна уни машинасига ўтқазиб ярим йўлгача олиб борганида ҳам Акобировни қаерда кўрганини эслашга тутиниб кетаверди. Аммо уриниши зое кетди. Машинасининг ойнаси орқали Акобировга бир қараб олди. Нигоҳини ён томонига қаратиб олган Қўзивой Акобиров ҳам пинҳона унинг хаёлидан нималар ўтаётганини чамалаб бораётгандай бўлиб кўринаверди. Яна анчагача бир-бирларининг асабларини синагандай бўлиб жим келавердилар. Фақат шаҳар прокуратураси жойлашган кўчага машинасини бураётганида Журъатнинг юрагига ғулу туша бошлади. Иши охир-оқибат мураккаблашиб мана шу прокуратура биносида ёмон томонига якунланадигандай бўлиб кўринаверди. Шошиб қолди.

– Қўзивой ака, менам ҳуқуқшунослиқни битирганман. Ҳаёт тақозоси билан ҳозирча фирма очиб, дўконни юрғизиб юрибман. Очиқчасига гаплашайлик, мендан нима истайсиз? – деди у. Журъатнинг гапириш тарзида ўз ҳаётидан, аҳволидан болаларча нолигандай бир оҳанг бор эдики, ана шу оҳангни Акобиров сезди ҳам, ана шундай ҳолатга тушганидан, ана шундай ҳолатга уни туширолганидан маълум маънода кўнгли тўлиб:

– Ўзингиз ҳуқуқшунос экансиз-ку, савдо соҳасида ғирром ишлар нима оқибатга олиб келишини биларсиз? – деди.

Журъатнинг яна жиззакилиги тутди. «Мени қўрқитмоқчимисиз?» демоқчи ҳам бўлди-ю, аммо шу гапни айтмади. Акобировнинг ҳам жаҳли чиқиб кетишидан чўчиб:

– Ҳаммамиз хом сут эмган банда эканмиз, уч-тўрт сўм топамиз деб баъзан хатоликларга ҳам йўл қўярканмиз. Иш бор жойда камчиликлар топилавераркан, – айбига иқрор бўлгандай оҳангда сўзлади Журъат. – Қолаверса, қонунни ишга солиб, арзимаган айб учун бир бечорани жувонмарг қип юбормассиз-а, ака?..

Акобиров истеҳзоли жилмайди.

– Сиз бечора эмассиз. Ҳайҳотдай дўкон, дорихона эгасисиз. Шунча моллар... Қолаверса, икки қаватли...

Бирдан Журъат ҳушёр тортди.

– Икки қаватли дедингизми? Ким айтди сизга? – деб сўради.

Шунда Акобиров янглишганини сезди, сездию тилини тишлади. Журъатнинг саволига жавоб беришдан ўзини тийди. Индамай турди.

– Ҳа, қўяверинг энди, – деди бироз ўтгач.

– Менга қизиқ-да билиш! Сизлар шундай ўзинглар келмагансизлар!

– Биз қонуний текширувга келдик. Бошқа нарса билан ишимиз йўқ, – дея сўзларига жиддий тус берди Акобиров, шу гапи билан яна жиловни ўз қўлига олмоқчи бўлди.

Журъатнинг хаёлига ялт этиб Сокина хоним келди. «Бўлди, бу нусха Сокина опанинг сиж-жаклик жияни-ку! Бирда аммасини уникига тўйга оборувдим, эсга тушди!», деди ўзига-ўзи, кейин собиқ бошлиғининг бир ойча илгари дўконга келгани, ана ўшанда машинада омборига ун тушаётганини кўргани ёдига тушди. «Содда бўлмай кет, унга Қозоғистондан ун опкелтирдим девдинг-а?», дея ўзини саволга тутди, шунинг баробарида дилидан: «Ишларим юриша

бошлаганини кўриб ичи куйиб кетгандай бўлувди, обба қурғур-е, ўша наколка берибди-да!», деган ўй бир сония ичида ўтиб улгурди.

– Энди эсга тушдингиз, сиз Сокина опанинг жиянисиз! – деб юборди дабдурустдан заҳарханда оҳангда, айни пайтда нима учундир севиниб кетди.

Акобировнинг ранги қув ўчди. «Мен ундай аёлни танимайман», дея олмади.

– Жияни бўлсам нима қипти? – деди овози ҳам дағаллашиб.

– Йўқ, танимайман, деманг деяпман-да! Бирда сизларникига оборувдим у кишини, кимнингдир тўйига! – деди Журъат, «ҳаммасини тушундим», дегандайин мазмунда бош тебратди.

Акобиров ҳам у бош тебратиш орқали Сокина хонимни айблаётганини, «ҳаммасига ўша аммангиз сабабчи, сизни ўша юборган», деётгандай бўлаётганини ўзича тахминлади. Шу важдан ҳам Журъатнинг гапи ҳам, бош чайқатиши ҳам унга заррача таъсир этмаганини маълум қилиб унга бақрайиб қараркан:

– Мен эслолмайман, – деб қуруққина жавоб қилди, кейин тағин шаҳар прокуратураси бинoси рўпарасида машинадан тушар экан, эшикни ёпа туриб, Журъатнинг тақдири унинг қўлида эканидан мамнун бўлган бир авзода қўшиб қўйди: – Ундан кейин, бунинг нима аҳамияти бор?!

Журъат «аҳамияти катта» демоқликка тутинди-ю, бироқ айнан ана шу гапи билан ишни бузиб қўйиши мумкинлигидан чўчиди. Шунинг учун ҳам имкони борича пастдан келиб:

– Ҳа, майли, Қўзивой ака, ҳали гаплашармиз, – деди, у чурқ этмагач, ҳушёр тортиб: – Айтмоқчи, ҳали кеп опкетаймн сизни? – деб сўради.

Қўзивой Акобиров ўзини ғурури йўл қўймаган бир қиёфага солиб:

– Йўқ, ўзим бораман, – дея бинога томон юрди.

25

Кечки пайт ҳам Журъат дарров Акобиров билан тил топишавермади. Охир-пировардида Акобиров ўзи иштирок этган омбор текширувларидан хулоса чиқарган бўлиб:

– Мана бу унларга бож тўлаганлигингиз ҳақидаги ҳужжат қани? – деб суриштириб қолди.

– Ун ўзимизники-ку, – деб сир бой бермасликка интилди Журъат, айни дамда «Қозоғистонники эканини Сокина хонимдан эшитибсан-да», деган ўй кўнглидан ўтди, ўтдию «исбот қилолмайсан» дегандай унга боқди. – Бозордан олинган...

– Ҳали шундайми?! – истеҳзоли кулди Акобиров, сўнг эса тағин Журъатни саволга тутди: – Хўп майли, унга қайтармиз, анави бочкалардаги ёғ қайси рақамли машинада дўконга кириб келди?.. Накладнойи қалбаки-ку! Ҳатто ким томонидан, қайси ҳужжатга асосан мол ўтказилгани ҳам кўрсатилмаган, йўлига обқўйгансиз-да, ҳар эҳтимолга қарши-а? Ё экспертизага жўнатайми? Ё ёғ комбинати билан боғланайми?.. Ундан кейин, ун-ёғ маҳсулотларини бозорда очиқ ҳолда сотилишига ҳали рухсат йўқ-ку!

– Машинада опкелганлардан олдик-да! Нима, арзимаган ўттиз-қирқ қоп ун-да!

– Ёғниям бозорга машинада опкелганлардан олдингларми?! – деб бир гапни ушлаб олди Акобиров.

Журъат унинг «ёғ комбинати билан боғланайми»сидан кейин чўчиб кетганди. Ҳақиқатан та-

ваккал қилиб йўл учун жавоб бериш шарти билан ёғни йўловчи юк машинасида ташиган, комбинат қоровулига ҳақини бериб, уни ким томонидан берилгани ҳам қайд этилмаган, машинанинг давлат рақами ҳам кўрсатилмаган қалбаки ҳужжат билан олиб чиқиб кетган эди. Аксига дуч келган одамнинг исми-шарифини, дуч келган машинанинг рақамини қўйишмаганини-чи?!

У ўзининг қопқонга тушганини, аниқроғи Сокина хоним уни қопқонга тушириб берганини жуда яхши тушунди. Аммо ундан гап очмай турди. Турли баҳоналарни рўкач қилиб:

– Арзимаган икки-уч тонна ёғни ушлаб олманг-да, Қўзивой ака, ҳаммасини билиб турибсиз-ку, – деди Журъат.

Ана шу «билиб турибсиз»и Акобировга ёқмади. Мақсадини фош этиб қўйди. Шунда у очиқчасига ҳужумга ўтди:

– Унда ун қайси машинада, қаердан, қачон дўконингизга кириб келганини айтайми?..

– Сокина опа сизга айтибдилар-ку, етар ўша етказганлари, – деб уни енгмоққа тутинди Журъат, айни пайтда «ҳали буни исботлашинг керак», дегандайин мазмунни юзида ифодалаб унга илжайиб қўйди.

– Сокина опани қўйиб турайлик, – жаҳли чиқиб кетди Акобировнинг, пича тек турди, сал ўзини қўлга олгач, қўшиб қўйди: – Бизда далил бор!

– Қандай далил?! – ўтакаси ёрилгудай бўлди Журъатнинг. – А?..

– Ашёвий далил, – бамайлихотир дараклашга интилди Акобиров. – Видеотасмага олинган қайси машинада ун опкелганингиз. Неча марта ташиганингизниям биламиз, – деб қўшиб ҳам қўйди.

– Нега ўшанда босмадинглар?

– Буни энди ўзимиз биламиз, – деди Акобиров, кейин сирли илжайди.

Акобировнинг «ўзимиз биламиз»и ҳам, сирли илжайиши ҳам Журъатга руҳий таъсир ўтказиш йўли эди. Худди ана шу усулига Журъат ортиқ чидолмади. Акобиров гапни «молни қинғир йўл билан шаҳарга олиб киргансан», деганга олиб бориб тақамоқчи бўлганини сезиб юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Уни анчадан буён кузатиб юришгандай бўлиб кўринди. Асаби дош бермади. Йиғламоқдан бери бўлгандай бир овозда:

– Ака, ўзи мендан нима истайсиз? Сиқиб сувимни ичиб юбордингиз-ку?! – деди.

Акобиров ундан худди ана шуни кутиб турганди, ниятига эришгани учун:

– Жавобини беринг дейман-да! – деди тап тортмай.

– Жавоби неча пул бўлади? – сўради Журъат. – Қани айтинг-чи?!

– Майли, сиз таниш чиқиб қолдингиз, олти минг берсангиз етади.

– Олти минг кўкидами? – сўради Журъат, бирдан яна ўжарлиги тутди.

– Ҳарҳолда сўмда эмас, – кесатди Акобиров.

– Нега ўн минг сўрамадингиз? – ҳайрон бўлганини ташқи белгиларда ошкор этди Журъат, ўз навбатида у ҳам кесатган бўлди.

Акобиров у майнабозчилик қилмоқчи бўлаётганини туйиб дарров жиддийлашди-да:

– Мен инсоф билан сўрадим. Бу иш нима билан тугаши мумкинлигини фаҳмлагандирсиз, деб ўйловдим,– деди.

– Сокина опа инсоф билан сўра деган бўлсалар керак-да!

– Мен боя сизга у кишини ўртага қўшманг демовмидим, – қизишди Акобиров.

– Нега ўртага қўшмас эканман! Опа айтган-да, бу бойиб кетяпти, бориб бир дўконини бос, танобини торт, беш-олти мингини оласан, деб!.. Йўқса, арзимаган икки-уч хонали уй қураётганимни қаёқдан билардингиз? Ана, уй ҳам чала ётибди! Бориб кўринг ишонмасангиз!..

– Нима, беролмайсизми? – деб мақсадга кўчган бўлди Акобиров.

– Тушунинг, менда унақа пулнинг ўзи йўқ! Дўкон қуришнинг ўзи бўлмади! Энди оёққа турямпман, ахир!..– деб иддао қилди Журъат.

– Дўконни қандай қилиб қурганингиздан биз ҳам оз-моз хабардормиз, – истеҳзоланган бўлди Акобиров.

Журъат Сокина хоним айнан шунинг учун ҳам жиянини ишга солаётганини, ундан олган оз-моз пули учун ҳам Журъатни ҳеч тинч қўймаётганини, иккинчи томондан Журъат соддалик қилиб бериб қўйгани ҳокимиятнинг дўкон учун чиқарган қарорини ўзида олиб қолиб, уни қайтариб беришни истамаётганини, ана шунинг учун ҳам аёл уни ипсиз ўзига боғлаб қўймоқчи, мустақил ишлашига йўл бермоқчи эмаслигини сезди. Шу важдан ҳам очиқчасига ўтиб:

– Сизга амма бўладилар, шекилли, Сокина опа, а? Агар опанинг менга ўтиб кетган арзимас пулини назарда тутаётган бўлсангиз, меникиям ўтиб кетган у кишига. Қанчалаб молларим қоп кетган у кишининг уйларида. Бир-иккита мебел, диван-креслолар қип берганман ўз вақтида опага.

Журъатдан бу гапларни эшитгач, Акобиров ўзининг уйи ҳам шип-шийдамлигини, прокура-

турада ишлаб туриб ҳали ёлчитиб дурустроқ мебел ёхуд диван у ёқда турсин, ақалли оромкурси ҳам сотиб ололмаганини ўйлади, ўйладию яна дилида Журъат ва Журъатга ўхшаган дўкондор бойваччаларга нисбатан нафрат туйғуси қўзғалди. «Пулим йўқ», дейди-я! Буларда пул бўлмаса ариқда сув бўлмас! Ё алҳазар, худди ана шуларни ва шунга ўхшаганларни пулини олиш керак!..», деб ҳукм чиқариб, иштаҳаси хуружини бошлади.

– Майли, бўладиган гапни қилайлик, – дея тағин муддаосига кўчиб, Журъатдан ундирмоқчи бўлгани порага ишора қилди.

– Бўладигани, озроқ атаганим бор, шуни бероламан. Ортиғига қурбим етмайди, – деди Журъат.

– Қанча экан атаганингиз?..

– Икки минг...

– Нима деяпсиз?! – тутаб кетди Акобиров. – Мен инсоф билан сўрадим сиздан! «Коррупция»-дагилар бўлганда ўн минг берсангиз ҳам кўнмасди бу иш учун!..

– Менда бори шу... – деди Журъат.

– Ўзингиз биласиз, – деди Акобиров ҳали ҳам қизишиб, қўллари ғайришуурий титради. – Ёзув-чизувдан кейин иш жиддийлашиб кетиши мумкинлигини менданам кўра яхши биласиз. Ўзингиз, ахир, юристсиз-ку?!

– Билганингизни қилинг, – деди Журъат, аммо юқорида Акобиров «коррупциядагилар» деганидан яна юрагига ваҳм тушаверди. «Ўша бўлимдан одам чақиртирмасмикин? Ҳақиқатан ҳам видеога олган бўлса иш унданам чигаллашиб кетади-да! Йў-ўқ, тасмага олганида кассетасини столимга қўярди! Муғамбирлик қилди ўша гапи билан!», дея хулоса чиқарди. «Ҳа, ҳа, унинг мақ-

сади олти мингни мендан қурутдай санаб олиш! Ҳа, ҳа, аммаси унга худди ана шу вазифани юклаган! «Яхшилаб қонини ич-да, охири йиғлатиб бўлса ҳам пулини ол!», деган! Аммо у талаб қилаётган пулнинг ўзи менда йўқ бўлса, қандай бероламан ахир?!»

– Эрталаб жавобини айтарсиз, кейин кеч бўлади,– қўрқитди Қўзивой Акобиров, сўнгра ходимларидан олгани дўконга ва дорихонага тегишли бўлган баъзи ҳужжатларни, қалбаки ҳисоблагани накладнойни чарм папкасига солди-да, тугмачасини босиб ёпиб, ўрнидан қўзғалди. Офисдан чиқиб кетаётганида: – Дўкон ва аптекани қулфини бизникилар муҳрлаб кетишади, сотувчиларингиз аралашмасин, – деб огоҳлантиришни ҳам унутмади.

Журъат шу дамда нима дейишини, бундан буён нима қилишини билмади. Пича гарангсираб, калаванинг учини йўқотгандай бўлиб ўй суриб қолди. Охири бир тўхтамга келиб, Сокина хонимникига боришга қарор қилди.

26

Ёзнинг куни узун эди, кеч соат тўққизларда қоронғи тушарди. Журъат Сокина хонимникига кириб борганида энди кун ботиб, қош қорая бошлаган маҳал эди. Хоним – эллик билан олтмишлар орасидаги тўладан келган, баланд бўйли, қуюқ сочли, ингичка ва қалин оралиғидаги қалам қошли, аммо ана шу одамда илиқ таассурот уйғотувчи соч-қошларига номутаносиб укки кўз, қирғий бурун, бет суяклари туртиброқ чиққан хунуккина юзли танноз, айни дамда та-

каббур бир аёл эди. У ҳовлисига кираверишда чапдаги биллур қандиллар ёруғ нур таратиб турган, шифтининг фанерига ва деворларига нақшинкор гуллар чизилган ҳайҳотдай айвонида эгнига ҳиндларнинг ялтироқ, енги калта шифонини, майда қора тароқ атласдан лозим кийиб олиб, қулоқларига тилла исирға, дўмбоқ оқ билак қўлларига тилла билакузук, қатор тилла узукларни тақиб олиб, ял-ял ёнганча баайни йигирма ёшли келинчакларга ўхшаб оёқларининг тирноқларига лак бўёғи суртиб ўтирарди. Кенжа қизи Марям айвон рўпарасидаги кейинги пайтда қуришгани, томини оқ тунука билан ёпишгани икки хонали баланд уйнинг залига кириб кетиб телевизор кўриш билан овора, ўғли Файзулла эса ҳали ишдан қайтмаганди...

У ўзи томонидан аллақандай бир хавфни сезгандайин ташвишли ва болаларча аламли нигоҳда кириб келган Журъатга кўзи тушдию бир тебраниб қўйди. Аммо Журъат то унинг рўпарасига келмагунча ўрнидан қўзғалмади. Фақат собиқ хизматчиси ноқулай бир аҳволда ёнида тўхтаб, унга салом берганидагина унинг нима учун келганини фаҳмлаб, «Ҳа, келаркансан-ку, етим қўзидайин бўйнингни эгиб», деб ичида сўзланиб қўйиб, оғзидаги тилла тишларини кўрсатиб такаббурона илжайди-да:

– Нечук, нечук бизни йўқлаб қолиш эсингга келди, Журъатбек, – дея ёшига номутаносиб, эркакшода аёлларга хос бир чаққонлик билан ўрнидан қўзғалди.

– Сизни унутиб бўладими, опа?! – деб унинг қилган ишидан нафратланиб, ана шу нафратини сўзларида ҳам, важоҳатида ҳам акс эттирди Журъат.

– Мени унутиб юбординг деб ўйловдим, – деди Сокина хоним, айёрона кулди.

– Сизнинг мана бу қилган ишингизни ҳеч бир душманам қилмайди, опа!

– Ҳали мен сенга душман бўп қолдимми? Менинг қўлимга қандай аҳволда келганинг ёдингдами?!

– Ёдимда, – деди Журъат, жуда қизишиб келаётган эди, сал ҳовури пасайди.

– Ёдингда бўлса, онанг олдимга сенинг устингдан шикоят қилиб келганлариям ёдингдадир?!

– Онамни пешламанг! – жаҳли чиқди Журъатнинг, у Сокина хоним худди ана ўша воқеани эслатишидан чўчиб турган эди, аксига олиб у атайлаб ўшандаги воқеага шама қилди.

– Ўшанда онанггаям шунга ўхшаш гап қилувдинг... – эсига солган бўлди хоним.

– Онамни тинч қўйинг деяпман!

– Онанг сендан воз кечганида қанотимга олувдим-а?! – у «қўлингга тўрт-беш танга тушиб, онангниям танимай қолганингда кунингга мен яровдим, оналик қилувдим», демоқчи бўлганди-ю, аммо Журъат билан ўтказгани баъзи бир «ширин» дамларини эслаб қолиб бундай дея олмади. Ичидаги бир шарм-ҳаёси ана шундай дейишига йўл бермади.

Журъат ҳам ўз навбатида унинг «қанотимга олувдим»ида ўзга бир мазмун туйгани учун ҳам унинг «онанг сендан воз кечганида» дейишига бу сафар аҳамият бермаган қилиб кўрсатди ўзини. Шунинг учун ҳам болаларча бир ўжарлик билан:

– Қанотингизга олган бўлсангиз менам тоза сизнинг хизматингизни қилдим, – деди бўш келмай.

– Хизматимни қилиб ёмон бўлдингми?! Қўлинг пул кўрди, уй-жой, дўконли бўлдинг!

– Шунинг учун экан-да, а?! Қўлим уч-тўрт сўм кўриб, озиб-ёзиб икки хонали уй қурганимни кўролмаганингиз учун жиянингизга чаққан экансиз-да, а?!

– Фақат шунинг учун эмас! – тап тортмади Сокина хоним.

– Нима учун бу ишни қилдингиз?! Нима, қаматмоқчи бўлдингизми?!

– Истасам қаматиб ҳам юбораман! – дея шаддодлик қилди Сокина хоним. – Нима, қўлимдан келмайдими?!

– Сизнинг қўлингиздан ҳар бало келади, опа, – нолигандай оҳангда иддао қилди Журъат.

– Шуни билсанг мен билан ўйнашма, бола!

– Дўконни қураётганимда берган озроқ пулни назарда тутаётган бўлсангиз, уни қайтариб бераман! Аммо қарор қўлингизда турибди-ку! Қочиб кетаётганим йўқ-ку!..

– Рашид Нўъмоновичнинг олдидан чиқиб келаётганимизда нима девдинг менга?!

– Нима девдим?!

– Дўконни қуриб олай, биргалашиб ишлайверамиз, демовмидинг?!

– Сизга, опа, Қорасувдаги ҳайҳотдай дўкон камми?! Мен ҳам у ердаги ўз улушимдан воз кечиб кетдим-ку, хусусийлаштириб олганингизда!..

– Уни қўй! Мен ҳокимиятдан чиқиб келаётганимиздаги ўша гапингдан кейин пул қўшувдим-ку!..

– Шерикли ошни ит искамас экан девдингиз бирда, эсингиздами? Қодир акалар шерикликни даъво қилишганида? – деб Қорасувдаги дўконга бошқалар ҳам даъвогарлик қилишаётганида Сокина хоним унга айтганини эслатди.

– Сен мени тушунарсан деб айтувдим, – деб юборди Сокина хоним, Журъатдан бундай гап кутмаганидан.

– Сизам мени тушунинг-да!..

– Қарор менинг қўлимда турибди, – қўрқитмоқчи бўлди Сокина хоним.

– Дўкон менинг номимда. Мен қурганман. Эсингиздами, шу гапни Қодир акагаям айтувдингиз. Ўзингизнинг номингизга чиқариб олган қарорни унга тутқазиб: «Қўлингдан келганини қил, дўкон менинг номимда!», девдингиз. Ҳолбуки у дўкон ўзингизники эмас, давлатники бўлган. Уни менга ўхшаб не азоб-уқубат билан қурганмассиз, фақат пулингиз ёрдамида номингизга хусусийлаштириб олгансиз. Сизга қарши ҳеч нима қилишолмаганди Қодир акалар. Чор-ночор қўлингиздан ўз улуши бўлган бир минг-ярим мингни олган бўлишганди, холос...

Сокина хоним собиқ хизматчисидан мот бўлгандай бир нигоҳда унга безрайиб қараркан:

– Бу билан нима демоқчисан?! – деди.

– Мундоқ олиб қараса, ўша дўконда менам ишлардим-ку, мениям ҳақим йўқмиди?!

– Бу билан сизда қарзим йўқ демоқчимисан?

– Тушунган одам экансиз-ку, опа, – шу дамда илҳомланиб кетганидан руҳи кўтарилди Журъатнинг, шу сабабдан ҳам бу жумлаларни паст овозда, бир пайтлар устози деб санагани, «онамсиз» деб алқагани Сокина хонимга ичи астойдил ачишгандай бўлиб юмшоқ, майин оҳангда сўзлади.

– Ўзингдан чиқар балога, қайга борасан давога деб бежиз айтмас эканлар. Бутун сиримни сенга айтиб, ичимда илон сақлаган эканман-да... – афсуслангандай гоҳ чапга, гоҳ эса ўнгга бошини тебратди Сокина хоним.

– Сиз нима деб ўйловдингиз? Худди шу гапни менам сиз ҳақингизда айтсам бўлади! Сиз фақат илондан ҳам ўтгани экансиз! Сиз чаён экансиз, опа, билмовдим!..

– Ҳадеб опалайверма, ҳе... опалигим қолдими-е?! Мен билан нима ишлар қилмадинг-ку, опалайверасан!.. – эркакшода, чапани аёлларга хос тарзда шармандаларча унга айб тақамоқчи бўлди Сокина хоним.

Журъат унинг ниятини тушунгани учун ҳам:

– Булар энди менинг истагим билан бўлган эмас, – деб гапнинг индаллосини айтган бўлди.

– Кимнинг истаги билан бўлган?! – кўзларининг ола-куласини чиқариб дўқ урди Сокина хоним.

– Сизнинг-да, албатта!

– Йўқ-йўқ, унинг учун эмас!

– Нима учун бўлмаса?!

– Сен мен туфайли бойлик тўпламоқчи бўлгандинг! Ҳа, ҳа, сен ёмон айёр экансан! Сен, ҳатто, менинг ичимга кириб бординг! Бу йўлда, бойликка эга бўлиш, жамиятда бир нуфузга эга бўлиш учун мен ва менга яқин бўлган аёллар билан апоқ-чапоқ бўлишгача бориб етдинг! Сенга фақат бизнинг бойлигимизу нуфузимиз керак эди! Яна, яна, бизларнинг пинжимизга суқулиб, катта-катта лавозимларда ишлайдиган амалдор эрларимиз билан тил топишмоқчи бўлардинг! Улар орқали бошқа ишларингни битиришга ҳаракат қилардинг! Йўқ дегин-чи?!..

– Қайси ишимни битирибман?!

– Ўқиш-чи?..

– Ўқишга мен ўзимнинг қизиқишим билан кирганман!

– Ишга кирмоқчи бўлиб Мадинанинг эрига осилганларинг-чи?!

– У фақат фирмасига юристликка таклиф қилди, холос! Мен ўзим фирма очиб, дўкон қуришга киришиб кетдим!..

– Рашид Нўъмоновичнинг кетидан судралиб юриб қилдинг бу ишларни! Йўқса, сенга йўл бўлсин эди бундай ҳайҳотдай дўкон қуришга!..

Журъатга унинг сурбетликлари, «фалончига орқа қилиб» дейишлари ич-ичдан алам қилса-да, бўш келмади:

– Хоним, бу дунёда битта-яримтага орқа қилмасак, у билан ака-ука тутинмасак, нима учун юрибмиз?!

– Шундан экан-да, жазмани икковини бир жойларга обориб туришларинг! – деб охири жизғакиликка ўтиб кетди Сокина хоним. – А, шундан экан-да, а?!

– Қаёққа оборибман?

– Лабзакдаги хуфия уйга-да! Менинг бир танишимни уйини оберган ўйнашига! Униям, эриям таниган жойим бор!..

– Нима, акани рашк қиляпсизми у аёлга?! Айтиб қўяймми шундай деб?!

Бирдан Сокина хоним жаҳл устида оғзига келган гапни валдираб юборганини, аёллигига бориб танишларига, нозик одамларга тил теккизиб қўйганини сезди. Сезиши ҳамоно тилини тишлади.

– ...

– Нега индамайсиз?!

– Унчаликка бормассан?!

– Мана, жиянингизга айтиб мени қаматтирмоқчисиз-ку?! Йўқ, боя жаа ролга кириб тилингизга келган гапни гапиравердингиз, менга не айбларни тақамадингиз-а?! Менам бир сизга бир-иккита айб тақай! Мен билмайманмики, сиз

мени қаматтиришдан ҳам бурун тағин қайтадан жиловимни қўлга олмоқчилигингизни, ўзингизга муте қилиб қўймоқчилигингизни?! Яна бу ҳам етмагандай, ўша прокурор жиянингизга айтгансиз: «Буни жа пули кўпайиб кетди! Босар-тусарини билмаяпти, бир танобини тўғрилаб қўй! Беш-олти мингини оласан ҳам!», дегансиз, ё ёлғонми?! Соддароқ табиатимни биласиз-да, бари бир олдимга келади-ку, дегансиз?!

– Мана келдинг-ку!..

– Келган бўлсам, шу гапни айтгани келдим, опа. Энди бу қилиғингиз ўтмайди. Мен ҳали дўкон қуриб роҳат қилган эмасман. Уйим, ана бориб кўринг, чала ётибди. Ҳатто хотинимнинг бўйнига тақинчоқ оберишга қурбим етгани йўқ...

– Ҳали шу кўйга тушдингми? – уни мазах қилган бўлди Сокина хоним.

– Ҳамма ёғингизни қаранг, ҳамма ёғингиз ялтиллаб кетган. Тиллага беланиб ётибсиз.

– Худога шукр, топибман тиллага беланяпман! Нима, сенга алам қиляптими?

– Мениям қанча молларим қолиб кетган сизда! Яна бир қанча нарсалар обериб ўтқазиб қўйганман!

– Бу гапинг билан нима демоқчисан?!

– Яна нима етмайди сизга, демоқчиман?!

– Менинг ҳамма нарсам етади! Сендан тил қисиқлик жойим йўқ! Лекин сен мендан бир умрга қарздорсан, тушундингми?! Ота-онанг қилмаган яхшиликни мана мен сенга қилганман! Аёл бошимминан мендан кў-ўп яхшиликлар кўргансан! Аммо кўрнамак экансан, яхшиликларимни билмадинг, энди ўзингдан кўр!..

– Ҳалиям бўлса жиянингизга айтинг, менинг бўйнимга олти мингни қўймасин, берганимга

қаноат қилиб индамай кетаверсин! Менга чоҳ қазишга уринмасин, чоҳига ўзи ағанаб кетмасин тағин!..

– Нима, қўрқитмоқчи бўлаяпсанми?! Биламан, бир безори уканг бор, аммо унақаларнинг ошиғи олчи пайти ўтиб кетган аллақачон, ана нечтаси қамалиб кетди! Мени бу йўл билан қўрқитолмайсан!..

– Менам биламан қанақа йўл ишлатишни, ахир сизнинг шогирдингизман-а, опа, – деб бир нарсаларга, Рашид Нўъмоновични назарда тутаётганига шама қилди Журъат, сўнг эса яна сўзларига жиддий, самимий тус бериб: – Худодан қўрқинг опа, мен отасиз бир етимман-а, етимники суриб кетмасин тағин, – деб иддао, дийдиё қилган бўлди.

Унинг сўнгги сўзлари Сокина хонимни сескантириб юбораёзди. Дафъатан Журъат унинг қўлостига ишга келган пайтларидаги юпун уст-бошлари, қисилиб-қимтиниб туришлари, яна кўп ўтмай онаси Соҳиба опанинг ундан шикоятланиб боргандаги бечораҳол аҳволи кўзи олдига келиб кетди. Ўзида аллақандай айбдорлик ҳиссини туйди, аммо бу ҳолатини сиртига чиқармади, ҳақиқатан ҳам Журъатга аллақандай ипсиз боғланиб қолганига, усиз бир нарсасини йўқотиб қўйгандай бўлаётганига дилдан яна бир иқрор бўлди. Шунда ҳам паст келмай:

– Сенам Худони эслайдиган бўп қопсан-да, а? – деди таъна қилгандай тарзда.

Журъат унинг нимага ишора қилаётганини яхши сезди. Шунинг учун ҳам гўдакларга хос маҳзун бир қиёфада:

– Вақт-соати келганда Худониям, дўстинг киму душманинг кимлигиниям билиб оларкансан, киши, – деди, кейин Сокина хонимникидан

ерга қараб чиқиб кетар экан, юқорида айтган сўзлари бирда у тоғасидан Сокина хоним ҳақида эшитган гапларига ўхшаб кетганини сезиб қолди. Сездию баданини ток ургандайин сесканиб тушди, вужуди алланечук титради. Нега сесканганини, нега титраганини англаб етолмади. Фақатгина шу дамда қачонлардир ўзи учун қадрдондай саналган бу хонадонни кўнгил кўчаси вайрон бўлиб, бўм-бўш ҳолда тарк этаётганини ҳис этди, холос.

У машинасига ўтириб, тўғри Рашид Нўъмоновичникига йўл олди...

27

Журъат дўконига кечикиброқ борди. У кириб келганида Қўзивой Акобиров йўқ эди-ю, аммо у билан бирга келганлардан икки киши дўконда текширувни давом эттиришарди...

Акобировни пешинга яқин бир таниши машинасида дўконга ташлаб кетди. У текширув ўтказаётган ходимларининг тепасига бориб бир нималар деди-да, кейин офисга кириб келди. Унинг кайфияти жойида эмасди, аммо бу ҳолатини Журъатга сездирмасликка уриниб, унинг ўрнига бориб ўтирди. Кейин сир бой бермасликка тиришиб, кираверишдаги оромкурсида чекиб ўтирган Журъатни яна қистовга ола бошлади:

– Хўш, нима қарорга келдингиз?!

Журъатда Рашид Нўъмоновичнинг кечаги сўзларидан сўнг дадиллик пайдо бўлганди. У сигаретини кулдонга эзғилади-да, Акобировга синовчан боқаркан:

– Сизга ҳеч ким ҳеч нарса демадими? – деб сўради.

Ўз навбатида Акобиров ҳам Журъатга хийла тикилиб қолди. Охири мийиғида кулган бўлиб деди:

– Айтишди! Ҳеч ўйламасдан Сокина опаникига боравербсиз-да, а?!

– Нега ўйламасдан бўлади? Бир жойга одам бир нарсани мўлжаллаб боради. Менам бир нарсани мўлжаллагандирманки, бордим, – дадил овозда жавоб қилди Журъат, сўнгра эса, «бошқа одамлар сенга ҳеч нима дейишмадими?» дегандай савол назари билан унга боқди.

Қўзивой Акобиров нафақат аммаси Сокина хонимдан, балки ўз бошлиғидан ҳам борган жойидагиларни ўз ҳолига қўйиб, тезда ишни босди-босди қилиб қайтиб келишга буйруқ олганди. Аммо ана шуни сездирмасликка, Журъатдан ўз тегишини ундириб олишга тутинди.

– Сокина опа энди нима қилиб берарди, деб ҳеч ўйламадингизми? – уни синашда давом этди Акобиров.

– Сиз фақат шунинг учун борди деб ўйлаяпсизми?

– Нима учун бордингиз йўқса?..

– Мен аммангиз нима учун бу ишни қилганини билиш учун бордим!

– Нима учунлигини билгандирсиз ахир?!

– Ҳа, албатта!

– Нима учун экан?

– Нима учунлигини сизам фаҳмлагандирсиз, деб ўйловдим, – уни синамоқчи бўлди Журъат.

– Йўқ!

– Биринчидан, Сокина хоним ҳалиям мени ўзларига муте қилиб олишни мўлжаллаганлар, иккинчидан, ўзлари сизга ёрдам беролмаган бўлсалар керак-да, мени каттага тушириб, сиздек суюкли жиянларини бир нималик қилмоқчи бўлганлар-да!..

Қўзивой Акобировнинг чўтир юзидан қон қочди. Пешанаси тиришди, қош, кўзлари пир-пир учди. Нима қилишини билмади, кейин шошиб, ичи пишиб кетиб:

– Нима, бермоқчимасмисиз мен айтганимни? – деб қолди.

– Кеча мен сизга нима девдим? – уни саволга тутди Журъат.

– Майли, мингини қўйинг, беш минг беринг, ҳозироқ чиқиб кетамиз дўконингиздан! – деб савдолашишга ўтди Акобиров.

– Сизга Сокина опадан бошқа одам ҳеч нима демадими? – деб сўраб қолди Журъат.

– Нимайди?

– Йўқ, айтаман-да!

– Бирор нима деганидаям мен сизни далиллар билан қўлга тушириб турибман!

– Ҳозир мен республика прокуратурасига ё бўлмаса бош прокурорингизга бориб: «Аммасининг чақувига биноан дўконимни босиб, мендан шунча пора талаб қиляпти», деб ёзма шикоят қилишимдан чўчимайсизми? – деб Рашид Нўъмоновичнинг маслаҳатини рукач қилди Журъат.

Қўзивой Акобиров унинг «аммасининг чақувига биноан», деган сўзларидан, айниқса, фиғони фалакка ўрлади. Шунинг учун ҳам зарда билан:

– Кеча атаганимни бераман деган сиз эмасмидингиз? Нега энди бугун ўз сўзингиздан тониб турибсиз? – дея уни қистовга, ғадабга ола бошлади.

– Нима, сиз ё бўлмаса аммангиз Сокина хоним мени ҳеч кими йўқ деб ўйловмидингиз? – очиқчасига ҳужумга ўтди Журъат. – Агар шундай ўйлаган бўлсанглар янглишасизлар!..

Акобировга аммаси Сокина хоним унга Рашид Нўъмонович қўнғироқ қилганини, у Журъатни тинч қўйинглар, йўқ, иш бошқачасига айланиб кетиши мумкин, деган мазмунда пўписа қилиб огоҳлантирганини, чўчитмоқчи бўлганини; ана шундай дейишига у одам ҳақида кеча Журъатга айтиб юборган бир-иккита гапи ҳам сабаб бўлганини; Журъат ҳам бу гапни оқизмай-томизмай унга, ўз ҳомийсига етказганини тушунтирди, шу боис ҳам уни ўз ҳолига қўйиш кераклигини, ҳали бошлиқлари ҳам шунга яқин гап қилиб қолиши мумкинлигини, у одамнинг шаҳарда таниш-билиши ҳам кўплигини, нуфузи ҳам баландлигини рўкач қилди.

– Кимларга орқа қилаётганингизни биламан, – деб юборди Акобиров.

– Шуни билсангиз бўпти-да! Йўқ, олти минг бермаса беш мингини оламан, деб ўйлаяпсизми?!

– Нима, бермайман дейсизми?

Журъат қизишиб кетди-да:

– Мен сизга қанча бераман деб лафз қилувдим? – деди.

– Икки минг...

– Икки минг девдим-а?

– Ҳа.

Журъат шимининг киссасидан икки букланган юз долларликларни чиқарди-да, Акобировнинг башарасига пул билан урган бўлиб, стол устига улоқтираркан:

– Мана, ака, мен эркак одамман, манавини олинг! Машинам устада девдингиз, ишлатарсиз, қолганини бирор кор-ҳолингизга яратарсиз! – деди.

Акобиров стол устига сочилаёзган долларларни олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмади.

Журъат унинг иккиланаётганини кўриб:

– Ҳа, ака, ё ҳалиям беш минг оламан деб ўйлаяпсизми? У ҳолда бошқа ерда, бошқача гаплашамиз! – деб кесатиқ аралаш пўписа қилиб турган эди, Акобиров шоша-пиша столдаги кўк доллар қоғозларини тахига суқиб, киссасига солди-да, шартта ўрнидан қўзғалди. Папкасидаги дўконга тегишли бўлган барча ҳужжатларни стол устига қўйиб, уни қўлтиқлаганча хонани тарк этаркан:

– Бўпти, ҳали учрашармиз, – деб хайр-хўшлашни ҳам насия қилиб чиқиб кетди.

28

«Сен билан учрашгулик қилмасин», деган эди Журъат ўшанда Қўзивой Акобировнинг орқасидан, аммо орадан уч-тўрт йил ўтганидан сўнг яна ҳаёт уларни учраштирганига ажабланмади, фақат унинг ортидан анчагача ўйга чўмиб ўтириб қолганидан сўнг, «Қайтар дунё» деганлари рост экан-ку, менга қилган зуғумларинг учун Сокина аммангаям Худо кўрсатди-ку ахир, айғир отдай ўғли сувга чўкиб ўлди», деб хулоса чиқарди пировардида, кейин эса дўкони бузилади деган гап чиққанини ўйлаб: «Ҳали унинг олдига бориб ҳокимиятнинг қарорини опкелиш керак бўлади. Қарорсиз на тайёр жой, на ер ва

на қуриб олиш учун пул олиб бўлмайди давлатдан... Сокина хоним индамай қўлимга қайтарса майлику-я, аммо битта-яримта «ҳунар» кўрсатса нима қиламан?!», дея мулоҳазаланиб қўлидаги соатига қаради. «Ўҳ-хў, пешиндан ўтиб, соат учгаям яқинлашиб қопти-ку!» деб энди ўрнидан қўзғалиб, ҳовлида айланиб юрган эди, бино ичидан Жамшид билан бирга йигирма беш-йигирма олтилар атрофидаги оппоқдан келган, қуюқ қора соч, қора қош, истараси иссиқ бўлган ёшгина аёл – Маҳлиё чиқиб келди. Шу дамда Журъатнинг хаёлидан ўтган биринчи ўй: «Чиройли нарса экан бу Маҳлиё дегани, Азаматнинг югуриб юриши бежиз эмас экан», дегани бўлди, уларга яқинлашиб аёл билан сўрашди, кейин Жамшиддан сўради:

– Ҳаммаси тўғри бўлдими?

– Тўғри бўлди ҳисоби, – жавоб қилди Жамшид, кейин Журъат: «Пулни терговчининг қўлига тутқаздингми?» деб сўраб қолишидан чўчиб, дарров гапни бўлак томонга буриб: – Мен ўзим уйларига ташлаб қўяман Маҳлиёни, – деди-да, аёлнинг қўлига машинасининг калитини бериб: – Сиз бориб чиқиб ўтириб туринг, – деб уни ёнларидан нарига жўнатиб юборди.

– Мен бўлмаса Азаматга телефон қип қўяман, – унга қаршилик билдиролмади Журъат, хаёлидан эса: «Ҳали Жамшид бунга бир қармоқ ташлаб кўради-ку», деган ўй ўтди, ана шу ўй таъсири остида: – Уям хавотир олиб тургандир, – деб қўшиб қўйди.

– Мен кафилман-ку, – кулиб қўйди Жамшид.

Журъат унинг юқоридаги «тўғри бўлди ҳисоби», деб гапни тезда бошқа томонга бурганини

сезган ва: «Акасига ишониб пулни Қаландаровга бермадимикин?», деб ундан шубҳаланаётган эди, мана бу унга ясамадек кўрингани кулгиси эса негадир ёқмади. Жамшид акасига ишониб пулни ўзида олиб қолгандай бўлиб кўринаверди унга. «Ҳозир-ку ҳеч қаёққа кетиб қолмаслик шарти билан уни кафилликка олиб опчиқаётгандир-ку-я, ишқилиб ишни ёпди-ёпди қилиб, пулни терговчига берган бўлсин-да!», деб мулоҳазаланиб, ташқи авзойида «пуллик иш нозик бўлади» деган бир мазмунни акс эттириб, ана шуни сўзлаш оҳангида ҳам сездириб:

– Менам ўртага тушганман-а! – деди.

Жамшид унинг гапини икки хил мазмунда тушунди. Шунинг учун машинасига бир қараб олди-да, Маҳлиёнинг бу томонга қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, Журъатнинг киссасига пул солиб қўяркан:

– Бу сизнинг тегишингиз, беш юз доллар. Менам шунча олдим, уч мингини Қаландаровга бердим, – деди.

Журъат ундан минг доллар олишни орзу қилганди, аммо беш юз доллар тегганига ранжимади. «Жугутдан жизза, тағин шунданам қуруқ қолмай. Берганнинг бетига қарама деганлар», деб муҳокама юритди, лекин шунинг баробарида ичдан чўчиди ҳам: «Ҳали ишни битирмай туриб менинг қўлимга беш юзни бериб ўзи уч яримни илиб кетган бўлса нима бўлади?!», деган ваҳимали ўй унинг фикру хаёлига ўрнашиб олиб, тинчини бузди. Ана шунинг учун ҳам шошганча пулни қайтариб беришга интилиб чўнтагига қўлини олиб бораркан:

– Тағин уялиб қолмайманми, Жамшид. Яхшиси берганингизни қайтиб олақолинг-да, ишни пишиқ қилинг, – деди.

– Қизиқмисиз, мен сизни уялтирадиган иш қиламанми? – деди Жамшид, кейин ҳамтовоғи ҳадеганда қўлини киссасига суқишидан ижирғанаётганини маълум қилди. – Пулни киссангиздан олманг, Маҳлиё кўрса нима деган одам бўламиз!..

– Менам Азаматнинг олдида шарманда бўлмайлик, деяпман-да!

– Менам Азаматнинг олдида шарманда бўлмайлик деяпман-да! – такрорлади Журъат.

Жамшиднинг юзида безовталик қалқди. Аммо бу ҳолатини ошкор этиб қўймади. Ҳамсуҳбатини мумкин қадар тинчлантиришга тутиниб:

– Шарманда бўлмаймиз, ҳаммаси жойида бўлади, – деди.

Шунда ҳам Журъатнинг кўнгли тинчимади. Иш охирига етмасдан туриб ундан пул олиб қўйгандай бўлиб кўринаверди. Ичдан афсус чекди.

– Бир нима бўлса сизни қаердан топаман? – деб сўради Жамшиддан.

– Кечқурунлари ўша ердаман, – деб Дархондаги бильярдхонани назарда тутди Жамшид. – Кундузи уйдагилардан сўрайсиз...

– Бўпти.

Жамшид у билан хайрлашиб, «Тико»си томон юрди.

Журъат улар рўпарасидан машинада ўтиб кетишганидан сўнг сал нари юриб уяли телефонидан Азаматга қўнғироқ қилди. Иш тўғри бўлиб, Жамшид аёлни ҳозир уйига ташлагани кетганини даракларди. «Кейин яна гаплашармиз»,

деди-да, телефонини ўчириб, машинаси томон кетди. Чўнтагидан калитни олиб эшикни очди-да, рулга ўтирди. Негадир унга яна Жамшид пулни терговчига қизғаниб бермай, ишни хом қилиб чиққандай бўлиб туюлаверди. Кўнглининг хижиллиги ёзилмади. Ўзига-ўзи: «Ишқилиб охири бахайр бўлсин-да», деб қўйди-да, машинасини ўт олдириб, ишхонасига қараб ҳайдади.

29

Сафар ака эллик билан эллик бешлар миёнасидаги ориқдан келган, ўрта бўй, сочлари оқариб тепа қисми тўкилиб бўлган, қора қош, чағир кўзли, чўзиқ юз, ана шу чўзиқ юзида қони кам, аммо истарали бир одам эди. У якшанба куни эрталаб айвонда хотини билан нонушта қилиб ўтириб, туйқус унинг бўйнидаги қизарган ерига кўзи тушди. Бундан икки-уч ой бурун ҳам бир марта худди ана шундай ҳолнинг гувоҳи бўлганди. Ўшанда ҳам якшанба эди. Аниқ эсида, маъракa учун Кўктеракдан қўй олиб келиб, кейин юз-қўлларини ювиб чойга ўтирганида кўзи тушувди. Покиза шанба куни одатдагидан кечроқ ишдан қайтганди. Умуман, у шанба кунлари баъзи-баъзида одатдагидан кечроқ қайтаётганини Сафар ака сезиб юрарди. Ўшанда кўнглига шубҳа оралаганди. Негаки ўшандан беш-олти кун илгари, у сартарошхонадан қайтаётиб, хотинини бирда ҳам кўчаларига олиб кирадиган катта йўлда ташлаб кетган кўк рангдаги «Жигули» худди ўша ерга қўйиб кетаётганини кўрган, яна рулда ўтирган йўғон, ўзидан анча ёш кичик

бўлган йигитга диққатини қаратишга ҳам улгурганди. Иккинчи галдан сўнг Покизадан уни қўйиб кетган йигит ким эканини суриштирганда, хотини ўзини бу нарсага аҳамият бермагандай қилиб кўратиб: «Бир танишим. Ўзига тегишли бўлган бир-иккита одамни ўқишга киритиб юради», дейиш билан кифояланиб, гапининг исботи сифатида сумкасидан бир даста пул чиқариб эрига кўрсатган эди-ю, аммо юзида ғалати ўзгариш юз берганини Сафар ака илғашга улгурганди. Ҳозир ҳам хотини бўйнининг ўша ерини қўли билан пайпаслаб қўяётганини кўрдию юраги бир нарсаларни сезди, аммо кўз билан кўриб, қўл билан ушлолмагани учун ўйлаган ўйлари унга бемаъниликдек, айни пайтда эрнинг хотинига нисбатан одатий рашкидек туйилиб, Покиза шунчалар тубанлашиб, у ўйлаган даражагача етиб бормайдигандек кўринди. Яна, «Ўғлимиз Санжар уйланай деб турибди. Бу ёқда қизимизни бўйи етиб қолган бўлса, бундай ишларга қўл урмас», деб ўзини тинчлантирган ҳам бўлди. Аммо кейин яна нечанчи бор хотинининг ҳусни ҳар қандай эркакни ўзига жалб этиши мумкинлигини ўйлаб: «Хотин кишининг ўзига инсоф бермаса қийин», деб қўйди-да, у бошқа раҳбар аёлларга хос тарзда такаббурона қошларини чимириб, энсаси қотганча: «Нима, менга ишонмайсизми?» деб турли баҳонани кўрсатиши мумкинлигини тасаввур этса ҳам сўрашга жазм қилди:

– Хоним, бўйнингизда нима қилди?..

Покиза бошида, эрининг феълидан келиб чиқиб, бу саволни беришга журъат қилмайди деб ўйлаганди, аммо унинг анчагача жим қолга-

нини кўргач, у тахминан нималарни ўйлаётганини фаҳмлади ва унинг ана шу сўроғига олдиндан тайёр тургандай ўзини ҳамиша салобатли, кўплар ўйлашиб сўзлашадиган, гап қотадиган димоғдор, кибрли ва айни дамда кўп нарсани ўзига олавермайдиган бепарво бир қиёфага солди-да:

– Ҳа, ўлсин илойим, кечаси билан чивин чақиб чиқди, – деб баҳона қилди.

Сафар ака хотинининг сўзлари ажаблантираётганини ташқи авзойида ошкор этиб:

– Қани, мени чаққани йўқ-ку?! – деди.

– Сизнинг нимангизни чақади? Эт дегандан йўқ бўлса сизда! Чивинам билади кимни чақишни! – дея оппоқ, юмшоқ билагини қашишга тушди Покиза.

Сафар акага хотинининг камситишлари қаттиқ ботса-да, бу ҳолатини унга сездирмади, аксинча мазкур аччиқ-тиззиқ сўзлар уни янада ботирлаштириб, тилини қичитди. У хотини билагини қашишини қўймаётганини кўриб истеҳзоли кулди-да:

– Ҳечам чивин чаққанга ўхшамайди-ку, хоним? – деди.

Эрининг заҳарханда кулгиси бир томондан Покизанинг ғазабини қўзғаса, иккинчи томондан унинг сирини ошкор қилгандай бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам қизиққонлиги тутиб, унга зуғум қилгандай тарзи сўради:

– Нимага ўхшайди бўлмаса?!

– Йўқ, айтаман-да! – деди Сафар ака, буни бепарво, айни чоғда Покизани синаш учун айтаётганини юз-кўзлари билан, овозидаги оҳанг билан ошкор этди.

– Нимани айтасиз? Нима, менга ишонмайсизми? Ё мени бировга рашк қилаяпсизми? А?!

Сафар ака хотини «пов» этиб ёниб кетганини кўриб: «У нарсага бормаган! У нарсага борганида бунақа жириллаб кетмасди! Ҳа, ҳа, ўзини йўқотиб қўярди!..», деб хулосаланди, ҳоври пасайди.

– Сизни рашк қилмай бўладими, хоним? – деб дарров юмшай қолди. – Сиздай хотинини рашк қилмаган эркак эркакми?!

– Ўлинг суюлмай! Сиз эркаклар фақат рашк қилишни биласизлар. Бола-чақа ташвиши билан ҳеч ишларинг йўқ, – кибр билан қош чимириб, чиройли қирра бурнини жийириб, гапни оилавий ташвишларга бурди Покиза, айни пайтда эрининг «хоним» дейиши унга ёқмади. Бу гўё қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган, ҳеч бир ишга ярамайдиган қари-қартангларнинг сўзидек, яна бу Покиза эллик ё бўлмаса олтмишлардан ошганидан сўнг, қарилик нафақасига чиққанида айтилса ўринлидек бўлиб кўринди унга...

– Соғлом одам рашк қилади-да! – деб ўзиникини маъқуллади Сафар ака, хотинининг «бола-чақа ташвиши билан ҳеч ишларинг йўқ», дейиши маълум маънода уни тинчлантириб, хотиржам тортди.

– Соғлом бўлмай кетинг, – эридан норозиланди Покиза, хаёлидан эса: «Икки-уч ойда бир марта эсингга келсам келаман, бўлмаса йўқ-ку», деган ўй ўтиб, киноямуз кулди, ортидан айнан шу гапи билан эрининг ўзини айбдор қилиб қўйди: – Ўтган ҳафтада бир ўзингиз ёпишувдингиз, ўшанда қизартиргандирсиз ҳойнаҳой?..

– Эсимда йўқ, – деб ўйланиб қолди Сафар ака, кейин бир нарсага қаттиқ ёпишиб олгандай бўлаётгани ва ҳадеб турли хаёлларга бориб хо-

тинидан ўринсиз шубҳаланаётгандек кўрингани учун ҳам, қўшиб қўйди: – Бўлса бордир...

– Ҳа, сиз шунақасиз-да! Ўзингиз қип қўйган ишни ўзингиз билмайсиз! – деб аёлларча маккорликка ўтди Покиза. – Бир ҳафтадан бери упа суртиб аҳамият ҳам бермабман! Чивин чақди деб юрибман тағин!..

– Қаерданам гапирақолдим. Охири айбни ўзимга тақаб қўйдингиз.

– Шунақа. Бир гапни ўйлаб гапириши керак одам. Яхшиям болалар йўқ, – деди Покиза, эрини ўз сўзларига ишонтиролганига унинг мана бу шикоятлангандайин оҳангдаги иқроридан сўнггина амин бўлди, амин бўлдию унинг қонсиз юзига, унга тақамоқчи бўлган асоссиз даъволарига аёлларча нафратланиб боққан қилиб кўрсатди ўзини. Шу дамда кечаги Журъат билан ўтказган ширин лаҳзалари кўз олдига келиб, қўлларини икки ёнга чўзиб мириқиб керишиб олгиси келди-ю, аммо эридан чўчиб, шахтидан қайтди. Фақат оғзини қўллари билан тўсиб, эснаб қўйиш билан қаноатланди, холос.

– Дарвоқе, болалар деганингизга, у ёққа бугун борасизлар-а? – деб ўғли Санжар учун совчиликни назарда тутди Сафар ака.

– Энди эсингизга тушдими? – эрига таъна қилган бўлди Покиза, сўнг эса ўз навбатида у ҳам қарши хужумга ўтди. – Ҳадеб мени кутавергандан кўра болаларни ўйланг. Бундан буён уларнинг келажакдаги ҳаёти ҳақида қайғуришимиз, бош қотиришимиз керак. Ана шу ёшдамиз сиз билан мен...

Хотинининг мана бу сўзларидан сўнг Сафар ака ўзининг бутун гумону шубҳаланишлари асоссиз эканини ҳис этган бўлиб, кўнгли рав-

шан тортди. Яна унинг ўгитлари ўз таъсирини ўтказмай қолмади. «Нима қилса ҳам педагог-да, топиб гапиради», деган ўй хаёлидан ўтди.

– Бу гапни тўғри гапирдингиз, – деди уни қувватлаб. – Санжар ва Шаҳлоларнинг тақдирига бепарво қарамаслигимиз керак!..

– Сиз бўлсангиз мени нималарга тақамоқчисиз, – эрининг бутун борлиғига жойлашиб улгурган шубҳага ўрин қолдирмади Покиза, ўз айёрликларидан бир қадар дили озор чекиб сиқилса-да, аммо бунга унчалик аҳамият бермади. Аёл киши бундай шароитга тушганда ўзини худди ана шундай тутиши керакдай бўлиб кўринди унга. «Бунга турмушга чиқиб нима орзу-ҳавас кўрибманки менга ўз ҳукмини ўтказади?! Ҳаммасига бу ҳаётда ўзим эришаяпман! Бундан орттирганим шу икки фарзанд, холос! Кези келганда улар ҳам кунингга ярамас экан! Бири уйланди, иккинчиси узатилиб кетаркан! Мана ўзимиз ота-онамизга нима яхшилик қилиб қўйдик?! Бизни дунёга келтиришди, ўстиришди, ўқитишди, узатишди, қиз бўлиб қайси мушкулларини осон қилдик? Шунинг учун, бу беш кунлик дунёда ўзинг учун ҳам яшашинг керак экан! Эр ҳеч қачон миннатдор бўлмас экан!..»

– Эрнинг вазифаси тергаб ҳам туриш-да, – деб ҳазиллашди Сафар ака, айни пайтда бу гапи билан хотинини чўчитмоқчи, «бундан буён ҳам қадамингни билиб бос», демоқчи бўлди.

– Мен йигирма ёшмидимки, тергайсиз, – деб уни мазах қилиб кулди Покиза, эрининг юқоридаги сўзлари унга майда гапдек кўринди. Умуман, Покизага баъзи пайтларда, эрининг касби ҳам унинг феълига ўтиб улгургандай бўлиб туйи-

ларди. «Майда-чуйда дори сотиб ўрганган-да, гап-сўзлариям шунга яраша», деб мулоҳазаланарди ўша кезлари.

Сафар ака хотинининг жаҳлини чиқарганини яхши сезди. Шунинг учун ҳам унинг кўнглига йўл топмоқ илинжида айни ҳақиқатни айтган бўлди:

– Йигирма ёшлилардан қаерингиз кам?!

Покизага бу сўзлар Журъатнинг кечаги: «Сизни йигирма ёшлиларга ҳам алишмайман», деганини эслатди. Йигитнинг гапи унга қанчалар эриш туйилган бўлса, эрининг мана бу сўзлари ҳам ҳозир шунчалик бачкана кўринди. Шунинг учун ҳам:

– Бачкана бўлмай кетинг, – деб ундан норозиланди, кейин бу шилқимона гап-сўзлар эрининг ёшига ҳам, юриш-туришига ҳам мос эмасдай, оми, ўқимаган одамларнинг ялтоқиланишига ўхшаб кетган ва унинг меъдасига зиғир ёғидай теккани учун: – Шунақалигизни билганимда умуман сизга тегмасдим, – деб юрагига тугиб юрганини айтди-қўйди.

– Қанақасига тегардингиз? – қизиқди Сафар ака.

– Ўзим билардим, – деди Покиза, хаёлидан бир он марҳум Рашид Нўъмонович ўтди. Унга ана ўшанга ўхшаган жиддий, қўли ҳар нарсаларга етадиган, мард, танти эркаклар ёқарди. Журъат эса унга ёшлиги, бақувватлиги учун керакдай, айни дамда ундаги қўли очиқлик, болаларча ўжарлик унинг учун бир эрмакдай бўлиб кўринарди. Ана шу эрмагидан ажралишни истамаган кезларида: «Ҳар қалай манави эримда учратмаганим фазилатлар унда бор-да», деб хулосаланарди Покиза. Ҳозир ҳам нечанчи бор ана шу ўйлари нечоғлик тўғри эканига дилдан иқрор бўлди.

– Майли, бу гапларни қўяйлик, Шарифа соат неччида келмоқчи эди? – деб Покизанинг синглисини назарда тутди Сафар ака. – Мен шунга қараб ишдан келаман.

– Бугун бормасангиз ҳам бўлади-ку?

– Сизнинг олдингизда ўтириб нима ҳам қилдим?

– Буни тўғри айтдингиз. Ишқилиб қизнинг отаси жиддий одаммикин? Ё сизга ўхшаб майнавозчилик қилиб ўтирармикин? Уям аптекачи-ку?!

– Бунисини энди борганингизда хотинидан сўрайсиз.

– Ўлинг илойим. Эрингиз менинг эримга ўхшаган ҳазилкашмасми, деб сўрайманми? А?!

– Сизга қизи эмас, эри керак-ку, сўрайверасиз-да!

– Бўлди қилинг-э, ордона!..

– Билиб қўйинг, мен эмас, Санжар шу қизни оламан деб ётибди. Кейин тағин хотини ундай экан, эри бундай экан, участкадамас, домда яшаркан, домнинг қизи экан, ТошМИдамас, Фарми-да ўқиркан, деган турли гап чиқиб юрмасин.

– Қани, яна бир бориб кўрайлик, ўзи бу йил узатмаймиз, ҳеч бўлмаса учинчи курсни битирсин, деб ноз қиляпти онаси, – деди Покиза, кейин у: «Қизнинг холаси менда ишлайди. Жуда бўлмаса ўша орқали буларга таъсир ўтказарман!» деб юбормоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ўйланиб қолди, тўйдан илгари ноғора чалишни истамагани учун, боз устига, уларнинг бир тарафи Журъатга бориб тақалгани важи булар ҳақида эрига оғиз очмасликни маъқул топди. «Тил югуриги бошга», бўлиб ўтирмасин тағин», деган ўй кўнглидан ўтди.

– Ҳа, бориб кўринглар. Улар бир марта ё икки марта боришингиз билан дарров икки қўллаб

қизини тутқизиб юбормайди-да, сизларга. Ундай деб кўради, бундай деб кўради...

– Қизи борнинг нози бор, дейишади-ку!..

– Ҳа, балли!

– Ҳеч бўлмаса кеч кузга бориб узатинглар деб кўрамиз.

– Ҳа, шундай деб кўринглар. Қани, нима қилишаркин. Менам жим ўтирмасман. Қолаверса, Санжарам сўрашиб юраркан-ку қизи билан...

– Мен бўлмаса Шарифа келиши билан ишхонангизга қўнғироқ қиламан.

– Бўпти, шундай қила қолинг. Мен тезда етиб келарман, – деди Сафар ака, кейин юзига фотиҳа тортиб ўрнидан қўзғалди. Кийиниш учун ичкари уйга кириб кетди.

30

Опа-сингил Сабоҳатникига кириб борганларида беш-олти кундан бери қизиникида неварасининг кўрпасини қавиб ўтирган Собира опоқини кўргани синглиси Соҳиба опа келиб ўтирган экан, улар совчилар келишганини эшитиб, бирин-сирин ўрниларидан қўзғалишди.

Уй эгаси Сабоҳат совчиларни улар ўтирган залга олиб кирди. Кейин онаси ва холасини меҳмонларга таништирди. Покиза ва синглиси Шарифа аввал Собира опоқи билан, ундан сўнг эса Соҳиба опа билан сўрашишди-да, Сабоҳатнинг манзирати билан дастурхон ёзиғлиқ бўлган стол атрофидан жой олишди.

Ҳаммаларидан ёши улуғи бўлган Собира опоқи бошидаги оқ пешанабоғини яна бир тўғрилаб

олди-да, келган совчилар ва дастурхон учун фотиҳа ўқиди, атрофидагилар юзига фотиҳа тортгач, кампир совчиларга қараб:

– Хуш кўрдик, айланайлар, яхши келдингизми? – деб дам Покизага, дам Шарифага қараб уларнинг ҳол-аҳволини, уй-ичиларини суриштирди.

Ўз навбатида Покиза ҳам у билан сўрашаркан:

– Ўзингиз яхшимисиз, холапошша, чарчамай юрибсизми? – деди, кейин унинг ёнида ўтирган, қулоғида на исирғаси, қўлларида на бирорта узуги бўлган, эгнига ҳам одми батистдан ўзбекча қилиб тиктирилган кўйлак кийиб олган, ёши олтмишларни қоралаб қолган аёлни Журъатга ўхшатгани учун унинг онаси эканини тахмин қилиб: «У онасига умуман қарамас экан-да!» деган хулосага бориб аёл билан сўрашди. – Сиз яхшимисиз, опа, бола-чақалар яхшими?

– Ҳа, раҳмат, – деди Соҳиба опа, рўпарасидаги бир хил кийиниб олган, қулоқ, бўйнилари-га, қўлларига тилла зирак, занжир, катта-кичик узуклар тақиб олган бу истарали аёлларнинг ўзига тўқ оиладан эканини хаёлидан ўтказаркан, улар олдида ўзининг бечораҳоллигидан ийманиб, кўнгли ўксиди. Аммо бу ҳолатини уларга сездирмади. – Ўзингиз яхшимисиз, уй-ичилар, болалар яхшими? – деб сўради, сўнгра Шарифага юзланди: – Сиз яхшимисиз? Уйдагилар, болалар? Ҳойнаҳой сиз бу кишининг синглилари бўлсангиз керак?

Шарифа унга қараб ёқимли жилмайди-да, қисқагина қилиб:

– Ҳа, – деди.

– Менам ўхшатдим-а, – деди Собира опоқи, кейин Шарифанинг уй-ичисини сўради.

Шарифа ҳам дам у билан, дам Соҳиба опа билан сўрашиб, уларнинг ҳол-аҳволини сўраган киши бўлди.

Шу маҳал Сабоҳат пахта гулли чойнакда янги чой дамлаб келди. Кейин бошқа патнис тузаб келмоқчи бўлган эди, Покиза уни тўхтатди:

– Бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Ҳамма нарса етарли, – деди у дастурхонга ишора қилиб.

– Ҳа, сизлардан сал илгари холам келиб қолдилар-да, – деб дастурхондаги ноз-неъматлар янгилигига шама қилган бўлди Сабоҳат. Сўнг эса пиёлаларга чой қуйиб, совчиларга узатди, уларга манзират қилди: – Қани, дастурхонга қаранглар.

– Раҳмат-раҳмат, – деди Покиза, ўз тахмини тўғри чиққани учун Журъатнинг онасига яна бир разм солиб қўйди.

Соҳиба опа Покизанинг унга разм солаётганидан уялгани, яна ўзининг бемаврид келганини ҳис этгани учун хижолатли бир оҳангда ташрифи сабабини тушунтира кетди:

– Опамни кўргани ҳовлига борсам, кеннойинг: «Беш-олти кун бурун Сабоҳатникига кетдилар», деди. Бирпас-яримпас у ерда ўтирган бўлдим-да, кейин бу ёққа қараб келавердим. Шу билан яна қачон кўчага чиқаман-у қачон яна бу ёқларга келаман, баҳонада сениям кўриб кетаман, дедим.

Сабоҳат холасининг уникига келганидан мамнун бўлганди, ана шу мамнунлиги унинг ёқимли, ёруғ чеҳрасида ўз аксини топди:

– Жуда яхши қипсиз-да меникига келиб, жуда хурсанд бўлдим, – деди у севинганини сўзларида ҳам маълум қилиб.

– Одам-одамга ғанимат экан, ўзи бор-йўғи икки опа-сингилмиз, келганинг яхши бўпти, – деди Собира опоқи.

– Ҳа, тўғри айтасиз, – деди Покиза, хаёлидан бир онда: «Ҳа, айтдим-ку Журъатга ўхшайди, онаси бўлса керак деб... Ишқилиб, Саодат опасига Журъат ҳақида гапирмадимикин?», деган ўй ўтди, ўтдию: «Қўлимда ишласа, нима ҳам дерди?!» деб муҳокама юритди, шунинг баробарида уни гўё Журъатнинг онаси зимдан кузатаётгандай бўлиб туюлаверди, нигоҳини ҳам, диққатини ҳам синглисига қаратди: – Опа-сингиллар бир-бирига суянчиқ бўларкан...

– Булар синглингизми? – ажабланиб сўради Сабоҳат.

– Ҳа, – деди Покиза, кейин «биз ҳам бор-йўғи икки опа-сингилмиз», демоқчи бўлди-ю, бироқ Сабоҳат ҳам Саодат ҳақида оғиз очиб, гапириб қолишидан чўчиди. Ҳали ҳам уни Соҳиба опа кузатаётгандай, «Ўғлим сенинг бўйнингга тилла занжир олиб берибди-ю, аммо менингдек онасига игнаниям раво кўрмайди. Юриш аҳволимга қара», деётгандай бўлиб кўринаверди унга. Ичдан сиқилишини қўймади. Бемаврид ташриф буюришганини ҳис этди.

– Ҳа, ҳа, ўхшайсизлар, айниқса, қош-кўзларингиз ўхшар экан, – деб кулиб қўйди Сабоҳат.

Шарифа опасидай чиройли бўлмаса-да, уй эгаси унинг қош-кўзларини эътибордан четда қолдирмаганидан ичида севиниб қўйди.

Покиза эса ўзининг ҳусни кўпларни ўзига маҳлиё қилганини яна бир бор ўйлади, ана шу ўй уни сал тинчлантирса-да, Журъатдан сўз очилиб қолишидан қўрқди. Шунинг учун ҳам мақсадга кўчишни мувофиқ билиб, Сабоҳатга юзланди:

– Биз яна қизингиз Лолахон масаласида келувдик...

Сабоҳат қисқа кулди-да, шу масалада гап бўлганини сездириб онасига қаради. Собира опоқи қизи ундан аввал гап бошламоқчи эмасини сезгани учун ҳам рўпарасидаги ўзидан анча ёш бўлган жувонларнинг тилла тақинчоқларидан ўзига тўқ оиладан эканликларини ҳис этиб:

– Яхши, яхши, айланай, қизли уй сарой дейдилар,– деб қўйди.

Соҳиба опа жияни ва унинг оиласи хоҳиш-истагини билмаса-да, опасининг сўзларини тасдиқлаб бош тебратиб қўйди.

Покиза Сабоҳатнинг қисқа кулгисида ўзга мазмун туйиб, Собира опоқига юзланди:

– Ўғлим сизнинг неварангиздан бошқасини олишга унамаяпти-да, холапошша!..

Собира опоқи невараси Лолахон харидоргир чиққанидан суюнди: аввал синглисига, сўнг эса Шарифага жилмайиб, ажин босган тўгарак юзидаги самимиятини сездириб қараб олди. Покизанинг қалам қошларига, шаҳло кўзларига яна бир диққатини қаратиб, ўзининг ёшлигини эслаб хўрсиниб қўйди-да:

– Тунов куниям сизларга ўхшаган бежирим-бежирим аёллар совчи бўп келишди денг, Лолахон ўқишда эди, ундан кейинги синглиси Донохонни кўришиб, берсангиз бу қизингизниям оламиз, уйлантирадиган иккита ўғлимиз бор, деб туриб олишса-да, – деб кулиб-кулиб, ёшларга ҳаваси келиб маълум қилди.

– Ҳали бу мактабда ўқийди десамам ишонишмайди-да, – самимият балқиб турган, икки ёноғининг пастида кулгичи бўлган чеҳрасида кулги ўйнади Сабоҳатнинг.

– Тепасидаги қўшнисиям оғиз солиб ётганмиш, – дея неварасининг баҳосини оширди Собира опоқи. – Кеча Сабоҳатни йўқлаб яна бир чиқиб кетди.

– Овсинларининг ўғли бор экан, ТошМИда ишлайдиган, – онасининг сўзларини тасдиқлаб дам холасига, дам совчиларга кўз югуртирди Сабоҳат. – Уларгаям бу йил узатмаймиз, ҳали ёш, қайнанам ҳеч бўлмаса учинчи курсни тугатсин деяптилар, деган бир жавобни қилдик.

– Боя тағин тушибди, Соҳиба келмасидан сал бурун. «Сиз қўндиринг куёвингиз билан қудангизни, опоқижон», деб менга ялиниб ёпишиб олди-да! «Менинг қўлимдан келмайди, қудамгаям, куёвимгаям сўзим ўтмайди», деб аранг қутулибман-а!

– Неварангизни институтда кўриб юриб ёқтириб қопти-да, ўғлим, – маълум қилди Покиза. – Бунинг устига, куёвингиз билан бизнинг хўжайин бир соҳада, таниш эканлар.

– Бир-бирови билан гаплашиб юрмайдими? – хавотирланиб қизидан сўради Собира опоқи, кейин совчиларга, синглисига қаради. – Ҳозирги ёшларнинг кўпи ўзи топиб уйланади, эрга тегади дейман-да!

– Ҳа йў-ўқ, – онасининг саволидан норозиланган бўлди Сабоҳат. – Лолангиз йигитлар билан гаплашадиган қизлардан эмас...

– Ўғлимам айтди. Жуда одобли қиз. Сўрашадию ерга қараб ўтиб кетади, деган бир гапни қилди, – деди Покиза, уларнинг суҳбатига жим туриб қулоқ солаётган Соҳиба опа яна уни зимдан кузатаётгандай бўлиб кўринаверди. Унга гўё: «Сенга одобдан гапиришни ким қўйибди?», деяётгандай бўлгани учун ичдан хижолатланди,

юзлари қизаринди, Журъатнинг онасига қарашга ботинолмади.

Собира опоқининг кўнгли ўрнига тушди. Синглисига «ана шундай фазилатга эга барака топкур неварам», дегандай тарзда кўз қирини ташлаб олди. Сўнгра эса совчиларга юзланиб:

– Шунинг учун ҳам кўзостига обқўйган-да ўғлингиз, йигитлар уста бўлади, – деди, меҳмонларга тегиб кетмайдиган – барча кампирларга хос тарзда беозор кулди.

Покизага унинг гаплари ҳам, кулгиси ҳам гўё синглисининг қарашларини тўлдиргандай, «сен устомонсан» дегандай бўлиб туйилди. Аммо нима қилса ҳам раҳбар аёл эмасми, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўлга олишга ўрганган бўлгани учун бу ички ҳолатини ёнидагилар сезмаётганини ҳис этиб, тез фурсатда ўзини қўлга олиб, Собира опоқининг сўзига яраша жавоб қилди:

– Менинг ўғлим тўғри бола. Унақа усталикни билмайди. Ичмайди, чекмайди, бўш қолди дегунча ё китоб ўқийди, ё уй ишларига кўмаклашади...

– Опам тўғри айтяптилар, – деб орага қўшилди Шарифа. – Жияним Санжар жуда ориятли, кейин принципли бола.

– «Принципли» деганингиз нимаси, айланай? – сўради Собира опоқи.

Покизага синглисининг сўзлари ўз таъсирини кўрсатди. Шарифа унинг ўғли Санжарни «ориятли» дейиши уни бир қадар ўйлантириб ҳам қўйди. «Ўғлим мен ва Журъат орасидаги хуфёна алоқаларимизни билиб қолса нима бўлади? Менимча, ана шу нарса унинг қулоғига етгудай бўлса сира кечирмаса керак!» деган хулосага келди. Шу дамда у ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди.

Шарифа кулиб қўйди. Сабоҳатга, ундан эса Соҳиба опага қараб олди. Кейин Собира опоқига тушунтирган бўлди:

– Бир сўзли, ўз айтганида турадиганлардан дегани-да!

– Йигит киши учун керакли фазилат. Шунинг учун экан-да, фақат шу қизни оламан, деб тургани, – деб Покизанинг ҳали юқорида айтган гапини эслаб кулди Собира опоқи, сўнгра атрофидагиларга бирма-бир нигоҳ ташлади, унинг гапига улар ҳам кулишаётганини кўргач, қўшиб қўйди: – А, шунинг учун экан-да!..

– Шунинг учун, шунинг учун, – унинг сўзларини тасдиқлаган бўлди Покиза, кампирнинг кулиши унга ҳам нашъа қилган, у ҳам Журъат иккиси орасидаги муносабатни унутиб, бошқаларга қўшилиб қатор тилла тишларини ярқиратиб хахолаб кула олганди.

Бироздан сўнг, ҳаммалари жим қолгач, Сабоҳат жиддий тусга кириб маълум қилди:

– Турмушлари бузилган қайнэгачим бор. У ёқдаги ҳовлимизда қайнанам билан турадилар. Шуларниям қизлари бор, Лоладан бир-икки ёш катта. «Бу йил уни узатайлик, кейинги йили Лолага навбат етар», деган бир гапни қилдилар ойим. Адаси ҳам рози бўлдилар.

– У кишимга совчи келмаса-чи? Бу йили узатишолмаса-чи?! – деб қудасининг қароридан энсаси қотиб, астойдил норози бўлди Собира опоқи, синглисига қараб қўйди: – Эшитдингми, аввал қизларининг қизимиш, иннайкейин ўғилнинг боласига навбат келармиш...

Покиза ва синглиси Собира опоқининг норозиликларини таъсирланиб, кулиб қўйиб маъқуллашди.

Соҳиба опа бегоналарнинг олдида опасига бир нарса дейишга ботинолмади.

Қизи Сабоҳат онасининг ҳолатини сезса-да, қайнанасидан норозиланганини сездирмади.

– Йўқ, бир жойдан кеп турибди, Феруза бўйи паст деяётганмиш болани, – дейиш билан қаноатланди.

– Қисқаси, бу йил опангнинг қизини узат, дегандир-да қайнананг эрингга, – жаҳли чиқиб гапнинг индаллосини айтди Собира опоқи.

Соҳиба опа опаси совчиларнинг олдида андиша қилмаётгани учун унга бир қараб олди.

Собира опоқи синглисининг қарашига эътибор бермади.

Сабоҳат холасининг қараши сабабини туйди. Шунинг учун ҳам:

– Ҳа, – дейиш билан кифояланди.

– Ҳеч бўлмаса кеч кузда узатинглар, – эрининг маслаҳатини ўртага ташлади Покиза.

– Куёвим онасининг маслаҳати билан иш кўради, айланай, – дея қизининг ҳуқуқи ўз қўлида эмаслигига ишора қилди Собира опоқи.

– Қайнатам раҳматлидан кейин ойиларига суяниб қолганлар-да, – деб эрининг ёни бўлди Сабоҳат.

– Куёвингиз билан бизнинг хўжайин гаплашсинми? – деб кампирга мурожаат қилди Покиза, айни дамда худди боягидек эрини «бизнинг хўжайин» дейишидан ичдан ғижинди. Унга гўё аёл кишининг ҳам кўп нарсаларда эрки ўз қўлида бўлиб, ўзига-ўзи хўжайин бўлиши керакдай кўринаверарди. Ҳар қалай у ана шундай бўлишини истар, оилавий ишларда эр ҳам хотин билан албатта ҳисоблашиши керак, унинг раъйига

юриши керак, қарс икки қўлдан чиқади, деб ўйлар, ўз эрининг баъзи хусусиятларидан нафратлангани учун ҳам унинг гапларига кўпда қулоқ солавермас, қалбининг амрига бўйсунар, аммо фарзандларининг олдида ана шу ҳолатини яшира олар, эри билан муроса қилишга ўрганган, бу ишни қиёмига етказарди ва ана шу фазилатини, кўпчиликни бошқара олиш қобилиятининг ўзида бор эканидан ҳам деб ўйларди баъзида.

– Собиржон учун онасининг айтганлари қонун, деяпман-ку, – деди қизидан илгари Собира опоқи.

– Менимча бефойда. Бошқаларгаям шу жавобни қиляпмиз, – деди Сабоҳат, бу масалада ўзининг ожиз эканини намойиш қилиб кўзларини пирпиратди.

– У бизнинг ўғиллар экан-да! – деб ўз болаларидан норозиланган бўлиб опасига қаради Соҳиба опа.

– Гапирма Соҳиба. Сен билан менинг ўғилларим Собиржон бўлолмайди.

Покиза Соҳиба опа «бизнинг ўғиллар» деганида Журъатни назарда тутаётганини, ундан норози бўлаётганини фаҳмлади. Фаҳмладию унга ачингандай бўлиб, ўрни келиши билан Журъатга: «Нега онангга қарамайсизлар? Жуда бир ҳолатда юрарканлар онанг», дейман», деб фикр қилиб турган эди, кутилмаганда Сабоҳат уни саволга тутиб қолди.

– Ҳа, айтгандай, Журъатни таниркансиз-а? – деди у.

Соҳиба опа «ялт» этиб Покизага қаради. Ўзи юқорида гапириб қўйган гапидан ўзи хижолат чекканини кўзлари ифшо этди. Буни Покиза «ялт» этиб унга қарашидаёқ англаган эди. Ўз

навбатида у ҳам боядан бери Саодат ана шу танишликни опасига айтиб қўйган бўлиши мумкинлигидан чўчиётгани учун ҳам хижолат чекиб ўтирган, бу ҳолатини ҳам, Журъат билан ўрталаридаги хуфёна алоқаларни ҳам бу ердагилар сезиб қоладигандай кўриниб, ўзини игна устида ўтиргандай санаётганди, Сабоҳатнинг сўроғида ҳеч қандай ғайирлик ёхуд синаш учун сўраганликни сезмагани учун:

– Сизга Саодат айтгандирлар? – деди.

– Ҳа, Журъат ҳам кеп туради. Бошлиғимизда иши бўлса керак, девди.

Покиза Саодатнинг раҳбари эканлигини ўйлаб Собира опоқининг ҳам, Соҳиба опанинг ҳам олдида ўзини маълум қадар хотиржам тутди. Саодатнинг бўлак хаёлларга бормаганидан, борган бўлганида опаси ундан Журъатни сўрамаган бўлишини тахминлагани учун ҳам унинг саволига яраша жавоб қилди:

– Ҳа, ҳа, Журъатжон билан мени бир одам таништирувди. Дўконларидан ул-бул обтурардим. Яқиндаям бир келувдилар. Оғайниларининг қизини ўқишга киритиш керак экан, шуни гаплашиб кетдилар, – деди Покиза, Саодат бу гапни кеча айтган бўлиши мумкинлигини ўйлаб бу ёғини ҳам устомонлик билан тўғрилаб юборди.

– Саодатнинг бошлиғиям совчи бўп келяпти, девди менга Сабоҳат, сиз экансиз-да айланай? Жуда яхши-да!

– Бу холамлар Журъатнинг ойиси бўладилар, – дея таништирган бўлди Сабоҳат, кейин кулиб қўшиб қўйди: – Биз, тошкентликлар «опа» дейишга ўрганганмиз-ку!..

– Ҳа, шундайми?! – деб ўзини ажаблангандай қилиб кўрсатди Покиза. – Ҳа, сизга ўхшайдилар.

Юз бичимлари, қош-кўзлари, кейин ўзларини оғир-вазмин тутишлари худди сизга ўхшайди.

Сабоҳат холаваччасини кўрмаганига анча йиллар бўлиб кетганди. Ҳозирги Покизанинг уни тасвирлаши таъсири остида холаси Соҳиба опага юзланиб:

– Ҳалиям ўзини гордий тутадими? Жа-аа характери бошқача эди-ку?! – деб сўради.

– Ҳа, менам ана шу гордийликларини айтмоқчи эдим, – ёлғон сўзланди Покиза, у билан болаларча ийманиб ҳам, ҳар турли вазиятда турлича бўлиб туйилувчи жазмани қариндошларига ва бошқаларга ана шундай мағрур, гердайган кўринишини у яхши билар, шунинг учун Саодат ҳам, ишхонасидаги бошқа муаллимлар ҳам уларнинг учрашувларига у қадар аҳамият қаратмаган, улар орасида ана шундай сирли, хуфёна яқинликнинг бўлиши мумкинлигини тасаввурларига сиғдиролмаган, қисқаси, Журъат улар учун жумбоқ бўлиб қолган бўлса керак деб хаёл қилиб юрарди ҳар доим.

– Сизларга шундай туйилса керак-да! Менга ҳеч ундай кўринмайди! – деди Соҳиба опа, кулиб қўйди.

– Ўғлингда бор ана шу хусусият! Одамларга оёқ учида қараётгандай бўлиб кўринади менга! Бирор марта «хола» деган сўзини эшитмабман-а оғзидан!.. Шу тўй-ҳашамда бир кўришмасак, шу Хончорбоғда яккаю ёлғиз холам яшайди-ку, деб бир марта келиб кўриб кетганини билмайман-а! Она авлоди билан борди-келди қилганини билмайман! Иннайкейин, хотиниям менинг қизларимга аралаштирмайди! Қайнанангнинг пирли бор унда!..

Покиза Журъатнинг гапи тўғри чиққанини, у «она авлоди билан борди-келдимиз йўқ ҳисоби», деган бўлганини эслади.

– Нима қилай, опа, пайти келса ўз онасини кўришга вақт топишолмайди-ку! – деб унинг гина қилиши ноўрин эканига ишора қилди Соҳиба опа. – Қаерда бўлса ҳам тинч юрса бўлгани!

– Тўғри, – деди Сабоҳат, – ҳозир ҳаммаям ўзи билан ўзи овора. Мана бу ҳозирги бозор шароити ҳаммани ўзи билан ўзини овора қип қўйди.

– Энди айтаман-да! Биттаю битта хола бўлганим учун баъзан гина қип қўяман!

– Уям кенжа укасининг иши ана ундай бўлиб қолиб прокуратурага ишга киролмаганидан хуноб бўлиб юрибди, – ўғлининг ёнини олган бўлди Соҳиба опа.

– Прокурор бўлмаса бўлмас. Дўкондорлигини қилаверсин.

– Э, уям хуржунмиш. Суҳбатнинг гапига қараганда, у ёқларга катта кўприк тушармиш. Акамнинг дўконият бузилади деган гап юрибди, дейди укаси.

– Ҳали Анвар жиянинг ҳам ёзувчи-ку, биласан, кўп нарсалардан норози бўлади-да! «Энди нима дейсан, Каттамиз катта кўприклар кўпайсин, деб қурдираяпти, хайрли иш экан-ку!», дейман!..

Покиза ўзининг Фидокорлар партиясининг аъзоси эканини эслаб қолиб:

– Ҳозирги сиёсат шунақа, – деб қўшиб қўйди.

– Майли. Қул ўлмас, ризқ камаймас, дейдилар машойихлар. Ўғлингниям куни ўтиб қолар.

– Ҳали дўконлари бузилиши аниқ эмас. Мен ҳокимиятдан суриштирдим. Менгаям, опа, шу жой бузилади деган бир гап юрибди, шунинг

қанчалар рост-ёлғонлигини билиб беринг, сизнинг ҳам танишларингиз кўп, девдилар, – дея Соҳиба опани тинчлантирган бўлди Покиза.

Соҳиба опа бу чиройли аёлнинг Журъатга қандай яқинлиги борлигини янада аниқлаштиргиси келгани учун, устига-устак, ўғли ўзидан ёши каттароқ амалдор аёллар билан танишиб олиб, кейин улардан жабр кўриб юришини туйгани учун сўради:

– Сиз мабодо Сокина хонимни танимайсизми?

Покиза Соҳиба опа назарда тутаётган аёл қайнисинглиси Жаннатойнинг эрига амма эканлигини эшитган, аммо маълум муддат қайнисинглиси эри билан ажрашиб кетиб, беш-олти йил алоҳида яшаган бўлганини, фақатгина шу йилнинг бошидагина эрининг кейинги оиласи билан ҳам муросаю мадораси тўғри келмай уни ҳам қўйиб юборганини эшитгач, бўлак турмушга чиқмагани учун ҳам Жаннатойнинг ишхонасига бораверіб ҳеч қўймагани, яна ўртадаги қизи туфайлигина опасининг эри бўлган Равшан Ботировичнинг қистови билан прокуратурада ишлаётган бўлган Қўзивой Акобиров билан қайта ярашганини эслади, эсладию унга эри Сафар ака томондан сал чатишган ери бўлган Сокина хонимни танимайдигандай қилиб кўрсатишни мувофиқ билиб:

– Йўқ, танимайман, аммо у аёл ҳақида эшитганман, – дейиш билан кифояланди, Рашид Нўъмоновичдан ҳам, кейинчалик эса Журъатдан ҳам унинг қилган ёвузлигини эшитган бўлганини бу ердагиларга айтиб ўтиришни номувофиқ билди.

– У Журъатнинг илгариги директори эди-да! Бошига анча қийинчиликлар солди! – деб қўйди

Соҳиба опа, кўзларини юмиб, бошларини у ёнбу ён тебратди.

– Майли бўлмаса, холапошша, бизлар турайлик,– деб қўлидаги соатига кўз югуртирди Покиза, сўнг эса Сабоҳатга юзланди: – Бўлмаса хўжайинингиз билан маслаҳатлашинг: кеч кузга бўлсаям майли. Ноумид қилманглар, ўғлимиз фақат шу қизни оламан деяпти, дейишяпти, деб кўринг-чи, зора, ойиларини кўндирсалар. Кейин балки қизингизни ўғлим учрашганида кўндирармиди...

– Майли, айтиб кўрарман. Аммо ойимга бир нима деёлмасалар керак, – деди Сабоҳат.

– Шундаям айтиб кўринг. Биз ҳозирча шошмаймиз. Жавобини Саодат орқали етказарсизлар, – деди Покиза.

Собира опоқи ҳушёр аёл эди. Покиза бекорга орага Саодатни аралаштирмаётганини, бундан мақсади нима эканини жуда яхши сезди. Қизи шу аёлнинг қўл остида ишлаётгани учун унинг кўнглини чўктиришни истамади, боз устига, ўзларидан айбни соқит қилди:

– Айланай, у ёқдагилар шундай деб туришибди-да, бўлмаса сизнинг ўғлингизга бермай кимга берардик,– деди узр сўрагандай оҳангда.

– Яхши ният қилиб турайлик-чи, ажаб эмас ишимиз ўхшаб, юришиб қолса, – деди Покиза, – бизга энди жавоб берасиз, холапошша.

– Ноумид шайтон, – Собира опоқи шундай деб қўлларини жуфтлади. – Майли, ишқилиб ҳамманглар тўй кўринглар, ғам кўрманглар. Олинглар, олдирманглар. Илоҳим, ҳаммангизнинг ўйлаган ниятингиз ижобат топсин, ҳеч қайсинингларни муҳтожлик тутмасин. Тупроқ

олсангиз олтин бўлсин, олтин бошинглар омон бўлсин. Яна бир марта хуш кўрдик, хуш келибсизлар, – деди-да, узун, ингича, сертомир қўлларини очиб, оҳангига олиб юзига фотиҳа тортди.

Покиза ва синглиси ўрнидан қўзғалишди. Залдан йўлакка чиқиб боришаркан, Соҳиба опа билан хайрлашишди. Собира опоқи остонада қизига юзланиб:

– Меҳмонларни пастгача кузатиб қўя қол, Сабоҳат, – деб тайинлади.

Покизанинг эътирозига қулоқ солмай, Сабоҳат уларни пастгача кузатиб тушди. Энди йўлакдан чиқишганида рўпараларига оқ «Дамас» келиб тўхтади-да, ундан улар қатори бўлган калта сочли аёл киши тушди. Сабоҳат уни таниди: эрининг амакиваччаси Мадина опа эди. У эгнига қора шоҳи кўйлак, оёғига сўнгги урфдаги учи тўмтоқ бўлган лакланган қора туфли кийган, тўғаракка мойил оппоқ юзига мутаносиб қора сочларини ҳам калта қилиб қирқтирган эди. У яқинда қайнанаси вафот этгани учун ҳам қора кийиб олганди. Қарашлари ўткир, қалин қора қошларини чимиришидан юзидан заҳар томиб турувчи ёхуд одамларга киноя аралаш, синовчан боқувчи, яна ишлари муҳим, шошилиб турган бир аёлнинг авзойини эслатарди.

Мадина опа аввал Сабоҳат билан кўришди. Кейин эса Покиза ва синглисига ясама табассум билан сўрашган бўлди, уларнинг нима мақсадда Сабоҳатникига келишганини тахминлади. Унинг диққатини Покиза тортди. Унинг ҳусниға, кийимларига, тақинчоқларига зимдан қараб қўйди. «Бу ойимчани қаерда кўрган эканман? Жуда таниш нусха-ку?!», деган ўй бир сонияда

хаёлидан ўтиб улгурди. Кейин дарров диққатини Сабоҳатга қаратиб:

– Собир акамга бир-иккита нарсани айтиб қўйгандим, ана шуларни опкетгани келдим, – деди.

– Хабарим бор, хўжайним айтувдилар. Ичкарига кираверинг Мадина опа, ойим борлар, – деди Сабоҳат, қош, кўзлари орқали ундан узр сўрагандай бўлиб, ёнидаги аёлларга қаради.

– Ие, қудахолам шу ердамилар? – деди Мадина опа, шу пайт Покизанинг Сабоҳатга қарата: «Сиз ҳам бораверинг, йўлимизни ўзимиз топиб оламиз», деган хижолатланган оҳангдаги сўзларини эшитдию: – Сиз кузатаверинг меҳмонларни, – деди-да, шошганча ичкарига йўнала туриб, бирдан бу аёлни қаерда кўрганини эслади. «Бунинг суратини Журъат мени оборган хонадонда кўрувдим-ку! Чап юзида чандиғи бўлган бир эркак билан тоққа борганларида отнинг устида ўтиришганди! Иккинчи суратда эса, кўм-кўк майсазорда ёнма-ён кабоб еб ўтиришганди! Улар кимлигини Журъат айтишни истамовди. Фақат: «Бизнинг ишонган акалардан», дейиш билан кифояланганди, холос. Ҳа, ҳа, бу худди ўша аёл!..»

Покиза Мадина опани кўргандаги хаёлидан ўтган биринчи ўй: «Қош-кўзи чиройли, ўзига яраша ҳусни бор жувон экан-у, аммо одамга қаттиқ қараркан, бунақалардан яхшилик чиқмайди», деб хулосаланиши бўлди. Уларни Сабоҳат кўп қаватли уйлар орасидан катта йўлга олиб чиққанида ҳам, у билан хайр-хўшлашиб, опа-сингил «Такси» тўхтатишганида ҳам Покизанинг калласида Мадина опа ҳақида юқорида-

ги фикри айланиб юраверди. Фақатгина машинага чиқиб ўтиришгач, олтмишларни қоралаб қолган оқ сочли, семиз, кўзойнакли ҳайдовчига аввал синглисини Тинчликка ташлаб ўтиши кераклигини дараклаганида уни унутиб, опа-сингил бошқа нарсалар ҳақида гаплашиб кетишди.

31

Фақирий Идора анжомлари бўлимига кириб, Дариҳа билан савдо ҳақида суҳбатлашиб турган эди, дўконга қирқларни қоралаб қолган оқ-сариқдан келган, чўзиқ юз, кўккўз, қалин жингалак сочли, аллақандай ташвишли нигоҳли киши кириб келди-да, ўзини Фазлиддин деб таништирди. Фақирий ҳам ўзини танитиб, унинг қўлини қисиб сўрашди. Дариҳа уни дарров эслагани учун:

– Кеча булар кеп кетувдилар. Болалар оромгоҳи учун пул ўтказиш йўли билан канстовар олмоқчийдилар, – деди.

Фақирий унинг маромига етказилиб дазмолланган эса-да, эски, шўро давридаги модадаги оқ кўйлак ва қаҳваранг шимига қараб ўзи қатори зиёли эканини пайқади. Унга ўз самимиятини билдирган бўлиб, кулиб қўйди-да:

– Манави ён томондаги аптека орқали офисга киринг, мен ҳозир бошлиғимизга телефон қиламан, – деди.

Фазлиддин кўча орқали офисга киргунига қадар Фақирий кичкина яшил телефон китобчасидан Мирзоҳиднинг телефон рақами қайд этилган саҳифани топди-да, унга қўнғироқ қилиб

дўконга келган одамни маълум қилди. Бу пайтда хонага кириб келган Фазлиддинни оромкурсига ўтиришга таклиф этиб:

– Ҳозир, бир пиёладан чой ичгунимизча етиб келадилар. «Сотовой»ларига қўнғироқ қилдим, йўлда эканлар, – деди, сўнгра эса ўзи қайнар бўлган «Тефал» хитойи оқ човгумга сув тўлдирди-да, уни дорихонага олиб чиқиб розеткага қўйди. Кейин провизорга мурожаат этди:

– Майсарахон, қайнаса чақирарсиз.

– Менга айтмабсиз-да, ўзим қўярдим, – жавоб қилди Майсара.

Фақирий хонага қайтиб кирди. Фазлиддинни зериктирмаслик учун ҳол-аҳволини сўради. У ёқдан-бу ёқдан гаплашган бўлиб:

– Оромгоҳ қаерники? – деб сўради.

– ТошДСКага қарашли. Биринчи қурилиш комбинатиники, – деди Фазлиддин, диванда ётган «Труд» газетасини қўлига олди-да, у ёқ-бу ёғига қараган бўлиб яна жойига ташлади.

– Сиз ўша ерда ишлайсизми? – тағин сўради Фақирий.

– Йўқ, мен институтда ишлайман. Пединститутда. Ҳозир биласиз-ку, таътил пайти. Ундан кейин, хотин бола-чақани олиб оромгоҳга кетмоқчимиз. Мен ўша ерда оромгоҳ директори бўлиб ишлайман, бола-чақаям баҳонада дам олиб келади.

– Тушунарли, – деди Фақирий. – Ҳам беш-ўн танга ишлайсиз, ҳам дам оласиз.

– Ҳозир биласиз-ку, озроқ қимирламаса бўлмайди, – деди Фазлиддин, ҳаётидан норози эканини юз, кўз ишорасида сездирди.

– Ҳа, ҳозир қийин бўп кетди, айниқса, зиёлиларга, – деди Фақирий, сув қайнаганини маълум

қилиб чойнакни сўраган Майсарага оромкурси рўпарасидаги кичкина столда турган пахта гулли чойнакни узатди.

– Кўринишингиздан сиз ҳам бу соҳанинг одами эмассиз, шекилли? – деб сўраб қолди Фазлиддин.

Фақирий Майсара қўйиб кетган чойнакдаги чойни пиёлада қайтарди, кейин ярим қилиб Фазлиддинга узатди-да:

– Топдингиз. Касбим қаламкашлик, ҳаёт тақозоси билан шу ерга кеп қолдим, – деди, ўзига ҳам чой қуйиб, уни аста ҳўплаб қўйди.

– Боя Фақирий дейишингиздан билувдим, шоир ё ёзувчи бўлсалар керак деб... Нима қиласиз энди, эски тузум қулади. Янги тузум ҳаммани ўз қолипига солиб оларкан. Аммо-лекин, айтганингиздай, зиёли аҳлига қийин бўп кетди. Ўзи мана шунақа инқилоблар, остин-устин бўлган тузумлар жабрини ҳамиша халқ билан бирга зиёлилар тортган...

– Ўзи ғоясини ишлаб чиққанлар ҳам, уни ҳаётга татбиқ қилишга чақирганлар ҳам, бошлаб берганлар ҳам зиёлилар-да! – қўшиб қўйди Фақирий.

– Мундоқ қарасангиз, ҳаммаси эзгулик учун қилинган ишлар...

– Ҳа, албатта, Озодликка нима етсин, – деб фикрини айтди Фақирий, ўйга толди. – Инсоният янги минг йилликка қадам қўяпти-да! Тузумлар қуларкан, империялар ичдан емиларкан, мустақил жамиятлар оёққа туришга интилавераркан!...

– Дунёнинг чархпалаклиги-да! – фикрига қўшилди Фазлиддин.

– Одамлар ҳам шунга қараб ўзгараверараркан. Ўзгармаганлари мослашиб олаверараркан.

– Ўшани айтаман-да! Россиядагиларини ва баъзи биздагиларини-да! Илгариги партократлар ҳозир коммерсантларга айланишган, яна бошқалари демократ амалдорларга айланишиб, сиёсат корчалонлиги билан шуғулланиб юришибди. Порахўрлик ана шунақалардан чиқяпти.

– Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, қабилида иш юритишяпти, демоқчисиз-да, а? – деди Фақирий.

– Шўро тузуми қулаб, ҳамма ёқ арининг инидек тўзиб кетгани учун айтаяпман-да, – деди Фазлиддин.

– Бизнинг авлод чекига тушгани шу экан. Муҳими, боя айтганимдай, озодлик. Қолгани, ҳаётдаги қийинчиликлар секин-секин яхши бўп кетар, – деди Фақирий, кейин «сиёсатни қўяйлик», дегандай қўл силтади.

– Ҳаётдаги қийинчиликлар деганингизга айтаман-да! Ўтган кузда келинингиз билан озроқ кўклардан олиб Россияга обордик, Самарага. Қайтишда поездда келаётсак, ўзиям бир ҳолатда – сизлар қаторими ё сиздан каттароқ бир шоир вагонма-вагон юриб шеър ўқиб пул топаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзиям ориқлаб кетган, кийим-боши ҳам бир ҳолатда. Исмини Саодат Саттор девдими-ей? Шундай бўлса керак...

– Нима қилсин? Бошқа ҳунарни эплолмаган бўлса керак-да! Ҳозир бунақалар сон мингта!

– Шуни айтаман-да! Қўлига китобчасини очиб олган, сал гапга солсам, шу йўл билан чой-чақа ишлаб юрибман, дейди. Ўзи сал дудуқроқ экан ҳам...

– Ҳамма ўз билганича ҳаёт кечиришга ўтиб кетди, – деди Фақирий, ўзининг аҳволи ҳам бош-

қаларникидан яхши эмаслигига ишора қилиб. – Менам, нима қилай энди, эски китоблар савдоси билан шуғулланиб юриб эдим, шу дўконнинг эгаси билан танишиб қолдим. Одамларга яхшилик қилиб юришни истагувчи бир йигит экан, исми Журъат, шу сабаб бўлиб бу ерга келиб қолдим.

– Ҳозир одамлар китоб ўқишниям йиғиштириб қўйишган, яхши қипсиз, – деди Фазлиддин, қўлидаги чети чатнаган пиёладан чой ҳўплади. – Дўкон илмиям ўлмайдиган соҳа.

– Ҳозирча ўрганиб турайлик, кейин бир гап бўлар,– деди Фақирий, хаёлидан бир онда: «Э Худо ишқилиб дардимни аритгин, яна касалим хуруж қилиб қолгудай бўлса кўтаролмасам керак», деган ўй ўтиб, юқоридаги гапни қилиб турган эди, хонага Мирзоҳид кириб келиб қолди.

Фақирий у билан сўрашди. Кейин Фазлиддинни таништираркан:

– Бу киши қурилиш ташкилотининг оромгоҳи учун пул ўтказиш йўли билан канстовар олмоқчилар, – деди.

– Жуда яхши-да, – севиниб кетди Мирзоҳид, – Дариҳа айтган одам сиз бўлсангиз керак?

– Ҳа, мен...

Мирзоҳид қўлидаги уяли телефонини ёзув столи устига қўйди. Тўрдаги ўриндиққа ўтиб ўтирмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ҳали унга нотаниш бўлган харидор билан пастроқда туриб гаплашишни мувофиқ билди:

– Яхши. Нималарни олишингизни белгилаб чиқдингизми? – деб сўради-да, жавон рўпарасидаги курсига оёқларини чалиштириб ўтириб олди, кейин дарров ана шу ўтириши ҳам нотаниш одамга салбий таъсир этиши мумкинлигини ўйлаб оёқларини туширди.

Фазлиддин ҳақиқатан ҳам Мирзоҳиднинг талтайиб ўтиришига аҳамиятини қаратганди, тўғрироғи, унинг ана шу тарзда ўтириши унга ўзини эркинроқ ҳис этишига халал бераётганди, аммо дўкон раҳбарининг тезда ўтириш тарзини ўзгартириши, ўзини соддароқ тутишга интилиши яна унинг ички ҳолатига таъсирини ўтказиб, у энди ўзини хийла хотиржам сезиб:

– Ҳа, тахминан белгиладим. Яна уч-тўртта плакатлар ҳам керак бўлади, – деб маълум қилди.

– Қанақа плакатлар?

– Мустақиллик ҳақидаги-да! Иннайкейин, Давлат рамзлари туширилгани!..

Мирзоҳид янги бўлимининг илк харидорига бошдан-оёқ разм солди. Унинг рангпар, сержажин, синиқ юзидан, кишига алланечук норозилангандай боқувчи, хомуш кўзларидан, яна уст-бошидаги алмисоқи кўйлак-шимидан, оёғидаги чарминнинг оҳори тўкилиб, қайси рангдалиги ҳам билинмай кетган, бир неча жойидан ямалган чех басаножкасидан аҳволи яхши эмаслигини сезди. Сезди-ю, аммо шу харидорни ҳам Худо уларга етказганидан ичдан севиниб қўйиб:

– Майли, уларни топиб обкеб қўямиз, – деб ваъда қилди.

Фазлиддин унинг ўзига синовчан тикилишидан ҳам, қўлларининг, нигоҳининг хатти-ҳаракатидан ҳам савдо ишида устаси фаранглигини сезди. Ана шу сезги уни Мирзоҳидга яқинлаштиргандай бўлди. У энди ўзини бу ерда бегона эмасдай тутишга ҳаракат қилди.

– Иложи бўлса ўртага ташлаган шиорлари борку, ёшлар тарбиясига оид? Ана шунақа шиорлар ёнида тушган суратлари бўлса яхши бўларди-да!..

– Топамиз, – деди Мирзоҳид, – ўзи қанчалик канстовар олмоқчисизлар?!

– Ўттиз беш-қирқ минглар атрофида-да!

– Ака, эллик минглик олинглар, бизгаям ёрдам қилган бўлардинглар-да! Истасангиз ўн минггига, бир-иккита сотилган нарсалар бор, шуларни ёзиб юборардим-да, пулини олиб берардим.

Фазлиддин Фақирийга қараб қўйди. Мирзоҳид унинг қараши сабабини сезгани учун:

– Акамиздан хижолат чекманг, акамиз ўзимизники. Шоир акамизгаям ҳали савдонинг нозик томонларини ўргатамиз, – деб кулиб қўйди Мирзоҳид.

Фақирий Фазилиддиннинг тортинаётганини кўриб, нима дейишини билмай:

– Хижолат бўлмай гаплашаверинг, ҳозир шароит ҳаммага маълум, деб юборди, кейин эса ана шундай деб юборгани учун ичдан ноқулайлик ҳис этди, гўё ўзига ўхшаган бир зиёли одамни нотўғри йўлга бошлаётгандай, боши берк кўчага олиб кираётгандек бўлиб кўринди унга. Ана шу туйғу унинг кўнглига ўрнашиб олиб, дилини хижил қила бошлади. «Хижолат бўлмай гаплашаверинг», деган сўзларидан ўзи ҳам ичдан ноқулайлик ҳис этиб кетди.

– Тўғри-ку, болаларнинг пули-да, қандоқ бўларкин? Каттамиз билан маслаҳатлашай-чи? – чайналди Фазлиддин, кейин гўё Фақирийнинг дилидан нималар ўтаётганини сезгандай, ўзи ҳам ноқулай бир вазиятда қолиб унга кўз югуртириб олди.

– Каттангиз ким?...

– Касаба уюшмасининг раиси-да!

– Сизга йўқ дермиди? Ўн минг қоп турибди-ку! Бизга эллик минг ўтгани яхши-да! Сал бўлимнинг иши олдига силжирди!..

– Ҳали юз минг сўмлик спорт анжомлариям олишимиз керак.

– Сиз бизнинг ҳисоб рақамимизга эллик минг тушириб беринг, мен сизларга арзон спорт анжомлариниям топиб бераман, – деб ваъда қилди Мирзоҳид, сўнг эса ўзининг ҳар нарсага қодир эканини маълум қилгандай бир нигоҳ билан Фақирийга ғурурланиб қараб олди.

Фақирий унинг қарашини: «Сен ҳам бўлимнинг манфаатларидан келиб чиқиб харидорни ана шу пулни ҳисоб рақамимизга ўтказишига унда, сенинг ҳам ишхонамизга фойданг тегсин», деган мазмунда тушунгани учун, у ҳам бошлиғининг ёнига қўшилишиб Фазлиддинни қизиқтиришга тушди:

– Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда катта бир ташкилот учун эллик минг сўм ўтказиб бериш ҳеч гапмас-ку! Мирзоҳид айтган нарсаларингизни топиб беради! Унинг қўлидан ҳар иш келади!..

Фазлиддинга унинг «арзон спорт моллари топиб бераман»и маъқул тушгани учун ҳам:

– Дўконларингда спорт моллари йўқ-ку?! – деб ажабланиб сўради.

– Йўли бор, ака. Мен айтган дўконга ўша пулни ўтказиб берасизлар. У ердагилар ҳисоб рақамига тушган ўша юз мингни менга саксон минг қилиб нақдига айлантириб беришади. У пулга ўзингиз билан бозорга тушиб спорт анжомлари сотиб оламиз, Отчопардан. Яна йигирма-ўттиз мингни икковингизга иқтисод ҳам қилиб бераман. Тушунарлими?..

– Ҳужжати нима бўлади? – на кулолмади, на жиддий туролмади, фақатгина ҳайратини яширолди Фазлиддин.

– Жуда содда экансиз-да!.. Ўшалар бланкасини беришади, мен тўлдириб бераман. Ё ўзингиз... Эллик-олтмиш мингга бозордан дунёнинг молини олиш мумкин, мен спорт анжомларини айтяпман-да!..

Бу таклиф бир томондан Фазлиддинга маъқул тушса, иккинчи томондан уни ўйлантириб қўйди. Шунда ҳам зўрма-зўраки тарзда ажабланганини кулиб қўйиш орқали сездирди-да:

– Шунақа йўлларим борми? – деб сўради.

Фақирий ҳам юз ифодаси орқали: «Бу йигитнинг қўлидан ҳар бало келади», деган мазмунни акс эттириб кулиб қўйди.

– Савдода қаловини топсанг қорниям ёғдириш мумкин, – деди Мирзоҳид.

– Мен бўлмаса раис билан гаплашай. Маъқул қилса ўзлари билан келармиз, – деди Фазлиддин, кейин соатига қараб олди. – Ҳозир ҳисоб-рақаминглар кўрсатилган шартномани олиб кетай. У киши билан гаплашаман-да, эртага ё бўлмаса индинга пул ўтказиб юборармиз.

– Шундай қилинг. Эллик минг туширтириб беринг, – деди Мирзоҳид, кейин стол тортмасидан бланка олиб, қурилиш ташкилотининг номини, идора анжомлари моллари учун ўтказилиши керак бўлган суммани кўрсатди-да, сейфдан фирманинг муҳрини олиб шартномага босди, уни Фазлиддиннинг қўлига тутқазди.

Фазлиддин шартномани қўлидаги чарм папкасига солди. Кейин ҳар эҳтимолга қарши Мирзоҳиднинг уяли телефони рақамини бир қоғозга

ёзиб олди-да, ўз узрини айтиб, улар билан хайрлашиб, шошганча хонадан чиқди. Фақирий уни ташқаригача кузатиб қўйди.

У хонага қайтиб кирганида Мирзоҳид телефонда ким биландир қуюқ суҳбат қуриб ўтирарди. Фақирий унинг хатти-ҳаракатларидан, суҳбатдоши билан суюлиб мулойим гаплашишидан, яна баъзи нарсаларни ваъда қилишидан у аёл киши билан суҳбатлашаётганини сезди. Суҳбат сўнгида у аёл сўраган дориларни топиб олиб бориб беришга сўз берди-да, гўшакни жойига қўйди.

Фақирий унга халал бермаслик учун энди хонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турганди, у гўшакни қўйганидан сўнг иккиланиб қолди. Унинг ноқулай аҳволда қолганини сезган Мирзоҳиднинг ўзи суҳбатдоши ким эканини дараклаб:

– Еттинчи қаватдаги қўшнимиз, – деди, Фақирий билан анчадан буён танишдай, у билан сирдошдай: – Ўзи ёшгина жувон. Эри йўқ. Менга ҳадди сиққаниданми, кўпинча у-бу дориларни сўраб туради. Нима қиламиз энди, қўшниларнинг ҳожатини чиқарамиз-да, – деди, сўнгра у аёлга нисбатан бўлак майл-истаги ҳам йўқ эмаслигини сездириб ёқимсиз иршайди.

Фақирий унинг ана ўша аёлга нисбатан кўнглида кечаётган номаъқул хоҳиш-истагини туйгани учун:

– Бунақа нарсаларга эҳтиёт бўлган яхши, Мирзоҳид. Домда яшаганим учун айтяпман. Домда ҳамманинг эътибори бир-бирига қаратилган бўлади, – деди, яна бир-иккита насиҳат ҳам қилмоқчи бўлган эди, аммо бу жамоага янги келган бўлгани учун, мазкур насиҳати ҳали феъл-атворини яхши ўрганиб улгурмагани ҳамсуҳбатига

ёқмай қолиши мумкинлигини ўйлаб юқоридаги гап билан чегараланди.

– Буни тўғри айтдингиз. Кўйлак-шим дазмолламаган, тахи қиличдайин кесаман деб турибди, оёқда оқ пайпоқ, қора туфли ялтиллатиб мойланган, қўлда «сотовой», пастга тушаман-да, барча аёл йўлак рўпарасида ўтирган бўлади. «Жигули»га ўтириб кетаман. Шуни айтишаркан-да! Хотиним эмаску, ҳали телефон қилган аёл айтди. Исми Мактуба. Хотинлар мени пули кўп, бой, одамга оёқ учида қарайди, дейишаркан. Бир куни қўшнилардан бирини, уям ёшроқ рус қизи, кўчанинг бошида машинага ўтқазиб поликлиникага опкетувдим, шуниям бекорчи хотинлар гап қипти-да! Мактубаям рашк қилса денг!..

– Сизга ишқи тушиб қопти-да? – ярим киноя, ярим чин билан сўради Фақирий.

Мирзоҳид унинг сўроғидаги истеҳзони сезмагани учун:

– Шунақа бўлса керак. Мени ҳар кимга қизғанишидан менам шунақа деб ўйлайман, – деди мағрурона кулиб.

– Хотинингиз билан алоқалари қандай?..

– Жудаям апоқ-чапоқ. Ҳеч нимани сездирмайди. Укам ҳам қўшним. Ойим билан дадам ҳам ўша ерда туришади. Улар билан ҳам қуюқ сўрашади.

– Аёллар уста бўлади, – деди Фақирий, кейин Мирзоҳиднинг қўшниси бўлган ўша аёлни тушунгани учун қўшиб қўйди. – Бир томондан унгаям қийин, аммо бола-чақангиз бор, оилангиз бузилиб кетишидан эҳтиёт бўлинг.

– Оилага эҳтиётмиз-ку! Буям энди... бир эрмак-да!

– Ана шундай деб ўйламаслик керак!.. – эътироз билдирди Фақирий. – Сизга эрмакдай бўлиб кўринган нарса бир кун келиб жиддий муаммога айланиши, катта бир фожиаларга сабаб ҳам бўлиши мумкин...

Мирзоҳидга Фақирий уни қўрқитаётгандай, нима учундир у аёлни ундан қизғанаётгандай ё шоирлиги учунми, унга ачинаётгандай бўлиб кўринди. Шу боисдан ҳам:

– Жуда унчаликмасдир, – деди, бироз тек тургач қўшиб қўйди: – Аммо-лекин менсиз туролмайдигандек, ҳар қадамимни кузатаётгандек кўринади-да, менга!

– Сиз аёлларни билмас экансиз. Аёллар севиб қолса бу йўлдан уларни қайтариш қийин бўлади! Бекорга фожеий тугамайди, демаяпман, улар ўзларини ҳар балога гирифтор қилишдан ҳам тоймайдилар! Анави, Толстойнинг «Анна Каренина»сини ўқимагансиз-а?..

– Йўқ, – деди Мирзоҳид.

– Ўшанда Анна ўзини поезд тагига ташлайди-ку?! Уям севги туфайли ана шундай бир ҳолатга тушиб қолади! Шундай бўп юрмасин тағин!..

– У энди китобда, ҳаётда ундай бўлишига ишонмайман! – деган бир фикрни ўртага ташлади Мирзоҳид, менинг ҳам ақлим кўп нарсага етади, дегандай бир кўйи бошини қашиди.

– Ҳаётда унданам беш баттари бўлиши мумкин, – деб уни ишонтирмоққа тиришди Фақирий.

Унинг мана бу сўзлари Мирзоҳидни чўчитиб юборди. Ана шу қўрқув бир сонияда унинг вужудини чулғаб олгани учун ҳам:

– Қўйинг, яхшилик билан тугасин, ҳаммамизнинг бола-чақамиз бор-а! – деб кўкрагига тупуриб қўйди.

– Дарвоқе, болалари борми?..

– Ҳа, битта қизи бор.

– Ҳали ёшдир?

– Шу ўттизларга чиққан-да, ундан катта эмас.

– Эридан нега ажрашганини сўрамадингизми?

– Шуни айтишни истамади. Лекин гаплари-дан билиб олдим. Эри ичкиликка ружу қўйган бўлса керак. Мени ураверарди, деган бир гапни қилди-да!

– Жуда бахтсиз аёл экан, – дея хулоса чиқарди Фақирий, хаёлидан эса бир онда: «Ана шу иллат бизнинг миллатга ўриснинг таъсирида балодай ёпишиб олди-да! Ёш-ёш йигитлар ана шу нар-саларга ружу қўйиши оқибатида оилалари бар-бод бўлиб, бошқа бир ёшнинг ҳам умрига зомин бўлишмоқда», деган ўй ўтди, ана шу ўй таъсири остида уни сўроққа тутди: – Касби нима у аёлни?

– Ҳозир биласиз-ку, ҳамма бозорда. Уям бо-зорга торт пишириб тирикчилигини ўтказа-ди-да! Уйдагилар ёрдам беришади, дейди.

– Ҳа, энди, уйидагиларининг берган ёрдами нима бўларди, – деди Фақирий, анча ўйланиб қолди, ўзбек аёллари тирикчиликни деб, бо-ла-чақасини деб ўзини ўтдан-чўққа ураверишини, яна ёшлигини ҳам хазондайин ўтказиб юбо-ришини ўйлади, шундан сўнг маслаҳат берган оҳангда деди: – Сиз у аёлни хафа қилманг!

– Хафа қилишга хафа қилмайман-ку, аммо...

– Унда иш тағин ҳам мураккаблашаркан-да! – деди Фақирий унинг нима демоқчилигини ту-шуниб.

– Ана шундан қўрқиб турибман-да! – деди Мирзоҳид, у шундай деб турган ҳам эди, хонага кўзига ёзги кўзойнак тақиб олган Журъат кириб келди-ю, суҳбатлари бўлинди.

32

Журъат кўзидаги тилла суви суртилган кўзойнакни қўлига олди-да, истиқболига пешвоз чиққан Мирзоҳид билан ўпишиб сўрашаркан:

– Нимани гаплашаётувдинглар? – деб Мирзоҳиддан сўради, сўнг эса Фақирий билан қўл олишиб сўрашди-да, бир нарсадан шубҳалангандай овозда яна суриштирди: – Ҳойнаҳой мен тўғримда гаплашаётган бўлсанглар керак-а?..

Мирзоҳид бошлиғи кўп нарсага шубҳа билан қарашини яхши биларди. Буни у келмасидан бурун Фақирийга ҳам етказмоқчи, Журъат ҳақида бир-иккита гапларни айтиб уни огоҳлантирмоқчи ва шу огоҳлантириши баробарида баъзи йўл-йўриқларни ҳам кўрсатмоқчи бўлганди-ю, аммо жамоага янги келган одам ҳар хил хаёлга бориши ҳам мумкинлигини ўйлаб шахтидан қайтганди. Журъатнинг ана шундай феълини билмай туриб Фақирий қўшни аёл ҳақида гапириб қўйиши мумкинлигинидан қўрққан Мирзоҳид олдини олди:

– Мен бир нарсани айтиб бераётгандим, болалигимда бўлиб ўтган бир воқеани!..

– Ҳа, шундайми? – деди Журъат, унинг гапига ишониб-ишонмай Фақирийга қаради.

Фақирий ҳам Журъатнинг ўз ёрдамчисига ва унга ишонқирамай назар ташлаётганидан унда шубҳаланиш одати борлигини сезди. Гарчанд унга Мирзоҳиднинг ёлғон сўзлаши ёқмаса-да, янги бошлиғининг шу дамдаги савлатими ёхуд уларга шубҳа остида боқиши сабаб бўлиб, ўзи сезмаган тарзда Мирзоҳиднинг сўзларини тасдиқлаб юборди.

– Қани, қандай воқеа экан сўзлаб бераётганинг? – деб сўраб қолди Журъат.

– Ҳа, анави-да, сенгаям бир айтиб берувдим-ку, мозорнинг кўчасида ит қувлаганини. Ўшани акага гапириб бераяпман-да, – дея ёлғон сўзлади Мирзоҳид, унинг айни дамдаги ҳолатидан Журъатнинг олдида кўп нарсаларни айтавермаслигини, кўп нарсаларни айтишда дўкон эгасининг олдида ботинавермаслигини кўриш мумкин эди. Ҳарҳолда Фақирий унинг ана шу ҳолатда эканини Журъатнинг саволларига аллақандай чўчиб жавоб қайтаришидан ҳам сезди.

– Фақирийга қизиқ-да сени ит қувлагани, а? – деди Журъат ҳали ҳам ўринбосарига синовчан боқиб. – Ёзувчи одам, бирор нима ёзса ўт-бўтига қистириб кетиши мумкин-да!..

– Ҳа, – деди Мирзоҳид, Журъатнинг кулганини кўриб у ҳам кулди, аммо бошлиғи қисқа кулгидан кейин бирдан жиддий қиёфага кирганини кўриб, у ҳам жиддийлашди: – Фақирийни энди бўлак нарсалар ташвишлантиряпти!..

Фақирий Мирзоҳиднинг дўкон эгасидан астойдил чўчишини сезди. Яна унда ўзининг маълум даражадаги беандиша, беғараз бир устомон феъли билан ҳар қандай шароитда сувдан қуруқ чиқиб кета олиш қобилияти ҳам борлигини ҳис этиб, унга тан берди. Ва яна Журъат ёрдамчисини сўроққа тутиш баробарида Фақирийга атайлаб: «Билиб қўй бунинг феъл-атворини, ҳақиқий башараси мана шундай», деб қўяётгандай бўлаётганини ҳам пайқади.

– Сизни нима ташвишлантиряпти, Фақирий? – деб сўради Журъат.

– Дафтар-қалам бўлимининг ишлари-да, – деб энди сўзлашга оғиз жуфтлаган Фақирийдан ил-

гари жавоб қилди Мирзоҳид. – Мана, Фақирийнинг қадамлари ёқиб, бугун эллик мингга шартнома обкетишди. Эрта ё бўлмаса индинга пулни ўтказиб юборамиз, дейишди.

Журъатнинг юзидаги жиддийлик аломати қайгадир ғойиб бўлиб, кутилмаганда кўзларида болаларча табассум қалқди:

– Ие, хўроз сўйиб юбориш керак экан-ку! – деди у, сўзларидаги такаббурлик оҳанги ҳам қайгадир ғойиб бўлганди.

– Ишларимиз сал юришсин, керак бўлса қўй ҳам сўйиб юбориш мумкин, – деди Мирзоҳид, «қўй сўйиб юборамиз», дея олмади, Журъатдан чўчиди ана шундай дейишга, шунинг учун ҳам юқоридаги жумла билан қаноатланди.

– Ўзи шундай қилмаса бўлмайдиган кўринади. Мадина опа янги ТошМИнинг орқасидаги бир отинга оборди. Жуда нафаси ўткир экан, сизга қаттиқ кўз теккан, дейди. Яхшилаб ўқиб қўювди, мана ҳозир ўзимни жуда яхши, енгил ҳис қиляпман. Уям сен айтган гапни айтди. Битта жонлиқ сўйиб юборинглар, кейин ишларинг юришиб кетади, деди. Ўзи сениям бир оборишим керак экан.

Бошлиғи унга ҳам ён боса бошлаганидан Мирзоҳид суюнди. Ўзини эркин ҳис этиб, хатти-ҳаракатларига ҳам эрк берди. Паст бўйига ярашган тўгарак юзида, қисиқ кўзларида ичдан қувонганлигини ошкор этгувчи аломат қалқиди.

– Манави канстоварни юргизиб юборайлик, кейин албатта битта қўй сўйиб юборамиз, – мамнун қиёфада маълум қилди Мирзоҳид. – Ўзи қишдан бери ишимиз боғланиб ётибди, юришмайди. Зора, бу ёғи ўхшаб қолса, – деди у, орти-

дан Журъат учун муҳим янгиликни дараклагандай, юзи ёришиб деди: – Ҳа, айтгандай, Камол ака ҳокимларни меҳмонга чақирибди-ку, Рустам айтди, улар: «Бу тараф ҳозирча бузилмайди, аввал Ўзгариш томон кетади», дейишганмиш...

Журъат яхши хабарни эшитса болаларга ўхшаб суюниб кетар ва ана шу суюнгани учун ҳам юзида ёқимли, бошқаларда кам учрайдиган табассум ўйнарди, ҳозир ҳам ана шу болаларча табассум билан Фақирийга қараб олди, яна унинг табассумида «сизнинг қадамингиз ёқиб, яхши хабарлар ҳам келди», деган иккинчи бир мазмун ҳам борлигини унга сездирган бўлди.

– Майли, қўйинглар қурилишни, – деди, кейин ўринбосаридан сўради. – Саша неча кунга кетувди? Ҳеч шунинг мана бунақа пайтда дам олишга кетишининг ўрни эмасди-да! Ўзи келса икки-уч соат кеп ишлаб кетади. Тағин таътил бермайсанми деб тиқилинч қилишини-чи? Келса бир қўрқитаман, сенинг ўрнингга бошқа бухгалтер топдим, деб! Сенам шу гапни қил! Хўпми?!

– Ўзи кўрдинг-ку, йиғлаб юборай деди. Охири хотинига телефон қилдирди. Дам олса опкелақолсин. Инкассацияни ўзимам ё бўлмаса Зубайдагаям ўргатиб қўйсам қилаверади, – деди Мирзоҳид.

– Мен буларга айтдим, – деб Фақирийга юзланди Журъат. – Канстоварни ишини ўрганаверинг, Мирзоҳид ўргатади. Бўш вақтингизда телефонга, хонага қараб ўтиринг. Мен ва Зоҳид йўғида ўзингиз бу ерларга раҳбарсиз, дедим...

– Тўғри, – деди Мирзоҳид, бошлиғи дарров кеча келган одамни «раҳбар қилиб қўйгани» унга маълум қадар эриш туйилиб ғашини келтирса-да, аммо бу ҳолатни сездирмади, Фақи-

рийга тушунтирган бўлди: – Бўлимга чиқиб кузатинг: ким нимани сўрашини, қайси мол қаерда туришини, нархи қанчалигини билиб бораверинг. Иннайкейин, одамларга муомала қилишни ўрганинг. Уларга яхши гапириб, сўраган нарсаларини топиб беришимизни, нақдгаям, пул ўтказишгаям ишлайверишимизни айтиб туринг. Дариҳа ўз йўлига. Сиз унинг ҳам иши устидан назорат қилинг. Ҳали, бўлимни ревизия қилишларниям ўргатиб қўяман, – деди Мирзоҳид. – Пул ўтказишга мол оламиз деганларни бизнинг олдимизга олиб киринг... Сал иш юришсин, бозорга бориб мол олиб келиб ҳам қўяверамиз. Кейин, эҳтимол, сизга патент қип қўйиб, бозордан ҳам мол опкеб сотаверамиз, тўғрими Журъат?..

– Қўяверинг, ҳали ўрганиб кетасиз. Қимирлаб турсангиз ёмон бўлмайди. Мана бизлар бор, – деб Мирзоҳиднинг гапларидан сўнг анчайин ташвишга ботган Фақирийнинг кўнглини кўтарди Журъат.

– Хўп, – деди Фақирий, кейин Мирзоҳиднинг гапи бўйича бўлимга чиқишга тараддудланганди, Журъат уни тўхтатди:

– Биз йўғимизда бу ер ёлғиз қолмасин. Фақат Дариҳа дам олган куни эрталабдан кечгача у ерда бўласиз. Бошқа пайт савдо қилиш унинг вазифаси, – дея тунов кунги Фақирий билан келишганларини ёрдамчиси Мирзоҳиднинг олдида яна бир қайтарди.

Фақирий чиқиб кетганидан сўнг Мирзоҳид Журъатдан ижозат сўради:

– Мен бўлмаса ўша махсус кийимларни гаплашиб келай. Икковимизга юз мингдан ташлаб берсаям ҳарна-да! Дўкон билан аптеканинг

аҳволи ўзингга маълум-ку! Ҳеч бўлмаса бу ёқдан беш-ўн танга чиқариб турайлик!..

– Анави андижонликларинг қачон келишади? – сўради Журъат.

– Эрта-индин келиб қолади. Таваккал қилиб ҳаммасини олавераман.

Журъат шимининг киссасидан буклоғлик долларни чиқарди-да:

– Менга тағин шундайлигича қайтарасан-да! – деб огоҳлантирди, кейин қўшиб қўйди. – Кимдан қарзлигимни биласан-ку! Суръат мени ёмон туширди-да! Шуниям тўғрилаб бермасам, ҳали ҳиқиллайвериб ҳоли-жонимга қўймайди!

– Узоғи билан якшанбада қайтараман. Фойдаси сўмда бўлади-да, – деди Мирзоҳид, Журъат узатган кўк қоғозларни киссасига солиб, кетиш учун тараддудланди.

– Самиғларникига бормайсанми? Акаси қизини чиқараётувди-ку? Болалар ўша ёқда бўлишар?..

– Фақирийни олиб бориб келақол. Мен улгурмасам керак. Ҳали ҳовлига қулф ташлаб ҳам келишим керак эди.

– Қулф?! Нега?

– Биров бузиб опкетиб қопти-ку! Қўшнининг эски қулфини олиб турувдим...

– Сенам ҳовли олиб тинчимадинг-а?

– Гапирма, – юзини буриштирди Мирзоҳид. – Анавидан гумон қиляпман!..

– Сен билан солишганданми?

– Ҳа. Ўтган йилиям белкураклар, хаскаш, уч-тўртта челак йўқолувди-да! Атайлаб қиляптими, жиғимга тегиш учун, деяпман-да!

Журъат унга қараб ўйланиб турди-да:

– Аниқламагунча бир нарса дейиш қийин, – деди, бир оз ўтгач қўшиб қўйди. – Ҳали, Глав-

АПУгаям телефон қилиш керак эди. Рустам акагаям бораман девдим...

Мирзоҳид қараса Журъатнинг ҳам ишлари кўп экан. Унинг «сен бугунча қолақол», деб қолишидан чўчиб, жон ҳолатда уяли телефонини қўлига олди-да:

– Мен кетдим, – дея шошганча хонадан чиқди.

У чиқиб кетганидан сўнг Журъат телефон қилиш учун ўз ўрнига ўтирди.

33

У бўлимга ўтганида Дариҳа фотостудиянинг буюрт-ма қабул қилувчиси, йигирма беш ёшлардаги сариқ сочли, оқ юзли, нозиккинадан келган рус қизи Света билан гаплашиб турган, Фақирий эса қўлига бўлимдаги моллар рўйхати қайд этилган қизил йўл-йўл ҳисоб дафтарини очиб олиб, пештахталардаги молларнинг тури, нархи, жойлашишини ўрганиб чиқаётган эди, Журъатни кўрдию диққатини унга қаратди.

– Ҳа, Фақирий, ишлар билан танишяпсизми? – сўради Журъат.

– Ҳаракат қиляпман, – деди Фақирий.

Дариҳа бошлиғини кўриб типирчилаб қолиб, суҳбатини ҳам қисқа қилди-да, орқасига қайтиб Журъат билан сўрашди. Света ҳам дўкон эгаси билан кўзи тўқнашгани учун унинг ҳурматини ўрнига қўйиб, узоқдан туриб салом берди. Журъат унинг саломига алик оларкан, сотувчисига юзланиб:

– Ҳа, Дариҳа, бугун савдо бўлдими? – деб сўради, сўнгра кўрсаткич бармоғини пештахтанинг

ойнасига тегизиб кўрди, ён-атрофга, шифтга, ойнаванд қандилларга кўз югуртириб қўйди.

Дариҳа ҳамиша ўзига оро бериб, ҳатто соқолини ҳам ҳар куни қиртишлаб юрадиган бошлиғининг инжиқ одатини, тозаликни яхши кўришини сезгани учун ҳам:

– Мария Васильевнага айтдим, шифтниям, қандилларниям тозаланг. Ўзингиз чиқолмасангиз, қоровулни чиқарар экансиз, хўжайин айтди, дедим, – деб Журъат томонидан ўзига берилган топшириқни ўринлатганини маълум қилиб илжайди.

– Тўғри айтибсиз, пулни олганидан кейин ишниям тоза қилсин-да! Мана шу тепадаги ислар ҳам савдонинг баракасини қочиради, – деб таъбир қилди у, кейин Фақирийга қараб қўйиб: – Бу киши билан яхшилаб танишиб олдингизми, Дариҳа, сиз билан бирга ишлайдилар-а, кичик хўжайинингиз бўладилар, – деб ҳазиллашиб, унинг юқоридаги гапини қайтарди Журъат.

– Хўжайинлар жудаям кўпайиб кетди-ку, – аёлларга хос тарзда норозиланиб, қора қалам суртилган ингичка ва қалин оралиғидаги ярим ойга ўхшаш қошларини паст-баланд чимирган бўлди Дариҳа. – Сиз хўжайин, Мирзоҳид хўжайин, мана энди Фақирий акамиз...

Журъат унинг сўзларидан сўнг маънодор кулиб қўйди-да, юз-кўзларида ҳазиллашгандай бир ифодани акс эттириб:

– Уйда яна биттаси ўтирибди денг, – деб боз кулиб қўйди.

Дариҳа бошлиғининг ҳазилини тушунгани учун ҳам:

– Уни энди қўяверинг, – деб ўз навбатида у ҳам сўзларига ўзгача маъно берган бўлди.

Фақирий Дариҳа билан эрининг ўртасида келишмовчилик борлигини ва бу нарсадан Журъат хабардор эканини сезди. Жим туриб уларга қулоқ солди.

– Эркакларнинг паноҳида бўлган яхши-да, ҳар ҳолда, – ўзининг савлатига ярашган донишмандча гап қилган бўлиб чап қошини юқорига кўтарди Журъат, мазкур ақлли гапи билан Фақирийнинг олдида баланддан келди.

– Сизга ўхшаган эркакнинг паноҳида эканимга шукр қиламан, – деди Дариҳа, бошлиғига нисбатан ўзгача ҳурмати борлигини ошкора тарзда намойиш этиб илжайди.

Журъат Фақирийга қаради. Фақирий Дариҳанинг сўзлари тагидаги мазмунни уққани учун қисқагина кулди. Журъат аёлнинг сохта хушомадгўйлигидан Фақирий олдида уялди, шунинг учун ҳам янги хизматчисининг самимият, беғуборлик балқиб турган юзига нигоҳ қадаб оларкан:

– Сизга анавинда айтганимдай, Фақирий ҳам яхши одам, – дея яна бир таъкидлади. – Келишиб ишлашга ҳаракат қилсанглар ёмон бўлмайди.

Дариҳа бошлиғининг сўзларини эътироф этгандай бош тебратиб қўяркан:

– Юзларидан кўриниб турибди. Бу кишининг оёқлари ёқиб, бугунги савдо етти мингга яқин бўлди. Ҳали бунақаси бўлмаганди, – деб Фақирийнинг қадами қутлуғ келганини таъкидлади, шунинг баробарида янги хизматчига нисбатан дилида хайрихоҳлик туйғуси борлигини ҳам сездириб қўйди.

– Анави киши ҳам кепти-ку! Узоғи билан индинга ўтказаман деб ҳисоб-шартномасиниям опкетибди-ку? Агар эллик минглик мол олса

ёмон бўлмайди. Қани энди шунақа мижозлардан яна уч-тўрттаси келса!

– Уям бўпқолар.

– Худо хоҳласа, – деб Дариҳанинг сўзларини қувватлади Фақирий, ўзи бу даргоҳга умид билан келгани учун дўконнинг савдоси юришиб кетишини чин дилдан истади.

– Мен бу кишига тушунтирдим. Ҳали Зоҳид баъзи ишларни ўргатиши керак буларга. Сиз ҳам ёрдам беринг. Савдони асосан сиз қиласиз, Дариҳа. Бу одамга орқа қилманг...

– Сотувчи менман-ку, албатта-да!

– Шуни айтмоқчийдим. Бирор жойга чиқсангиз ё келишиб олганинглардай, сизнинг дам олиш кунингизда туриб турадилар. Шундаям ўша куни кассани ёқмасинлар, битта-яримтанинг келиб қолиши бор, ҳар эҳтимолга қарши-да! Иннайкейин, кунлик тушумни ё Зоҳидга топширарлар ё дафтарингларгами, бир жойга ёзиб қўйиб, эртасига ўзингиз топширарсиз.

– Ўзи шанба-якшанба кунлари одамам кирмаяпти. Фақат фотостудияга келишаяпти, холос.

– Уларники яхши бўляптими?

– Шанба-якшанбадами?

– Ҳа.

– Унчаликмас. Бошқа куни яхши бўлади. Одам аримайди.

«Майли, ҳеч бўлмаса Тимофейники юриб турсин. Ҳар ҳолда икки юз долларини обтуриб-ман-ку», деб ўй-фикр қилди Журъат.

– Канстовар озиқ-овқат эмас-да! Керакли одамлар олади! – гап қўшди Фақирий. – Иннайкейин, ўқув мавсумига яқин юришиб кетиши керак!..

– Ҳа. Мен шу иш билан шуғулланадиганлардан суриштирдим. Сизнинг гапингизни айтиш-

ди. Ундан кейин, мижоз ўргатиб олиш керак, деган бир гапни қилишди. Нима қиламиз энди, шу ишни умид билан бошладикми, ноумид бўлмай турайлик-чи, бир натижа чиқиб қолар, – дам Дариҳага, дам Фақирийга илтижо билан, айни дамда бу ишнинг охири юришмасидан хавфсираб боқди Журъат, сўнгра Фақирийга юзланди: – Фотостудиянинг орқасидаги савдо залимни кўрганмисиз? Тагини, ертўлани бар қилганман...

– У ёққа ҳали ўтганим йўқ, – деди Фақирий. – Аммо катталиги шундоқ ҳам билиниб турибди.

– Юринг ўзим кўрсатаман, – деди Журъат, кейин пештахталар орасида қолган тор йўл билан оёқ тагига ташлаб қўйилган панжара тахталардан оҳиста юриб йўл бошлади. Фақирий унга эргашди.

Фотостудияга етганда мижозларидан буюртма олаётган Светага юзланиб, бошлиғини сўради:

– Элдор келмадими, Света?

– Йўқ, ҳали келмади, хўжайиннинг олдига кетувди.

– Кеча айтганимни етказдингми?

– Ҳа, Журъат Эркинович, қандиллардаги чироқларни алмаштираркансиз, дедим. Студиянинг озодалигига риоя қилишимизни Тимофей ҳам тайинлаб кетувди. Фаррошимиз кечаям, бугунам яхшилаб тозалади.

Журъат ён-атрофига разм солиб чиқди-да:

– Ҳа, сизларнинг фаррошларинг яхшилаб тозалабди, бизники дангасароқ, – деди.

– Ўзингиз пулни яхши тўламайсиз-да, Журъат Эркинович, пулни яхши тўласангиз Мария Васильевнаям яхшилаб тозаларди, – деб эркалангандай бир оҳангда оҳу кўзларини сузиб кулиб қўйди Света.

Қизнинг ёқимли кулгисию эркаланиб гапиришлари Журъатга ўз таъсирини кўрсатди:

– Сени онанг гапга туққан-да, Света, – деди у, кейин қизга яқинлашиб унинг оппоқ билагидан ушламоқчи бўлди.

Қиз қўлларини ундан олиб қочиб, ўзини орқага олди-да; тўқ қизил бўёқ суртилган қалин ва юпқа оралиғидаги лабларини тишлаб қўяркан:

– Ҳа, нима, тўғри-да! – деди, дўкон эгаси унга тегажаклик қилаётганидан уялмади, қайтанга севинганини кўм-кўк оҳу кўзларида, юзида акс эттирди.

– Бизларнинг тушумимиз сизларникичалик эмас-да! – деди Журъат, пича тек тургач қўшиб қўйди: – Қачон энди сени узатамиз-а? Тезроқ узатайлик, бўлмаса ёшинг ўтган сари гапга чечан, такаббур бўлиб кетяпсан! – деб юқоридаги сўзларини назарда тутди Журъат.

– Аввал Майсарани узатинглар, кейин менга навбат етар!

– Бўлмаса ҳали анча бор экан узатилишингга!

– Нега ундай дейсиз, Журъат Эркинович? – норозилангандай бир нигоҳ билан ўзи томон қараб турган Фақирийга кўз югуртирди Света.

– Чунки Майсара шаҳзодани кутяпти-да! – чиройли гап қилган бўлди Журъат, у ҳам Фақирийга қараб олди.

– Менам балки шаҳзодани кутаётгандирман! – гавдасини ғоз тутиб ёқимли гердайди қиз.

– Унда бу йил тўй қилишларингга умид йўқ экан-да, – деди Журъат, жиддий бир қиёфага кирди: – Дарвоқе, Элдорга айтдингми? Тимофей менга учрашиб кетиши кераклигини етказишни айтдингми?

– Ҳа, айтдим. Гапингизни албатта унга етказаман деди.

– «Сотовой»сига телефон қилсам ҳеч олмади.

– Бошқа «сотовой» опти хўжайинимиз, – даракларди қиз, кейин шу пайтда кириб келган мижозлари билан овора бўлиб кетди.

– Ҳа, шундайми? Элдор менга айтмади-ку! – деди Журъат, кейин Фақирийга «юринг» ишорасини қилди-да, икки томонига расм чиқариб уни кўпайтириб берувчи музлаткичга ўхшаш оқ-яшил рангли япон аппарати ва қоғоз қутиларда ҳар турли фотоқоғозлар ёйилиб ётган торгина йўлак билан фотостудиянинг орқасига ўтдилар, катта тахта қопқоқ билан ёпиб қўйилган ертўла тепасига етганда Журъат тушунтирди:

– Ташқари томондан барнинг калити Зоҳидда эди. Иккинчиси уйда. Шу ердан пастга тушамиз. Аввал савдо залини кўрсатай сизга, – у шундай деди-да, тахта қопқоқни босиб ўтиб беш-олти қадам юрди, кейин бир табақали эшикни очди-да, залга аввал Фақирийни бошлаб, ортидан ўзи кирди.

– Ҳа, савдо залингиз катта экан, – деди хонанинг ўртасига етганда Фақирий. – Йигирмага саккизлар борми?

Журъат икки чеккаси чанг босган пештахталар билан тўлган, ўғри ургандайин бўм-бўш, ҳайҳотдай залга аллақандай алвидо айтгандай ҳазин бир қиёфада боқаркан:

– Йигирма бешга ўн, – деди, пича тек турди, кейин рўпарасидаги ярми ойнаси синган кўзгуга яқин бориб ўзини ойнага солди. – Бир пайтлар қанақа молларни тиқиб ташловдим-а, қанақа савдо бўларди, – деб Акобировлар босмасидан илгариги даврларни эслаб хўрсиниб қўйди.

– Ҳа, дўконни жуда катта қурган экансиз, Журъатжон, – унга тан бергандай оҳангда сўзлади Фақирий, ортидан мармар полларга, бетон плита ётқизилган шифтга, шифтдаги кир, чанг босган қандилларга, кўчага қараган темир панжарали, ярим доира шаклида ишланган замонавий деразаларга, ўнг томондан сал нарида турган, чанг босиб кирланиб кетган, маҳаллий усталар томонидан ясалган катта шкаф ёнидаги матраси қайгадир ғойиб бўлган икки кишилик ёғоч каравотга кўз югуртириб чиқди. – Шунча жой ишламай бўш ётсаям хунук кўринаркан...

– Бундан беш-олти йил илгари қандай яхши савдо бўларди-я! Манови пештахталарга мол сиғдириб бўлмасди. Деворларгача остириб ташловдим, – деб ўша даврларни эслаб ҳорғин кулиб қўйди Журъат. – Бозорлар кўпайдию дўконнинг савдоси ўлди. Бориб-бориб одамлар кийим-кечак олгани кирмай қўйдилар. Охири зарарга ишлай бошладик, кейин ёптириб қўйдим. Илгарилари бу томонларда – вокзалда одам гавжум бўларди. Поездлар жануб йўналиши бўйлаб юрмай қўйганидан сўнг бу ерларда пашша учса билинадиган бўлиб қолди-да!..

– Ўзи бир давр келаркан-а?! – бошлиғининг ғамга ботган кўзларига қараб кўнглини кўтармоққа тутинди Фақирий.

– Шу бир йил-ярим йил яхши савдо бўлди. Энди оёққа турганда, битта-иккита ишкал чиқиб қолди, – деб Акобиров ва Сокина хонимни эслади Журъат. – Кейин, хабарингиз бор, Ипподром очилдию ҳамма бозорларга кирадиган бўп кетди. Дўконларга одам кирмайдиган бўп қолди.

– Ҳа, оз мунча кучингиз кетмагандир буни қуришга?

– Секинроқ гапирасизми? Буни қуришга кетган кучимни, сарфлаган пулимни ҳисоблаб саноғига етолмайман... Шуларни йигирма саккиз ёшимда қурибман-а!..

– Биринчилардан бўлиб қурган экансиз-да!

– Энди хусусий дўконлар қурила бошланаётганди. Тўғри айтдингиз, Тошкентда биринчилардан бўлиб қурганман... Вой бў... қандай қурганимни айтиб берсам гап тугамайди. Жой олишнинг ўзи бир азоб бўлганди. Яхши бир акахон бор эди, Рашид Нўъмонович. Аммо-лекин тилла одам эди раҳматли, жуда билимдон, кўп китоб ўқирдилар. Ҳали ўғиллари келиб туради-ку олдимга, Сардор, шу боланинг адаси. Шу киши ҳоким эди мана шу туманга, ўлиб кетди, ана шу одам билан ака-ука тутиниб қолганимиздан ҳам ер олиш осонлашувди. Қуриш жараёнини айтсам гап тугамайди. Ҳар қадамда бир муаммо чиқиб турарди. Ҳали бетонга, ҳали ғиштга, ҳали цементга, ҳали ЖБИга, ҳали тахта омборига, ҳали ҳокимиятга, ҳали кўтарма кран топиб келиш... эҳ-ҳе, айтаверсам гап тугамайди...

– Битта ошхона, кичиккина ҳужра қуриш учун қанча куч кетади-ку, бу бутун бошли дўкон-а!

– Шунинг учун ҳали бузиб қолса билмайман мен билан нима юз беришини-да!

Фақирий янги бошлиғининг шу дамда қай аҳволда эканини ўзича ҳис қилгани учун ҳам унинг фикрига қўшилмаган бўлиб:

– Қўйинг, яхши ният қип турайлик-чи! – дея далда берди.

– У пайтларда анча ёш эканман, яна топиш-тутиш яхши экан, топганимни қурилишга

сарфлайвердим. Ҳозир эса у пуллар йўқ, Фақирий, шунинг учун баъзан нима қилишгаям ҳайрон бўлиб қоламан.

– Ҳаммаси яхши бўлади, Худо ҳам кўриб турибди-ку сизнинг қилган меҳнатингизни, – тасалли берди Фақирий.

– Йигирма саккиз ёшда қурибман-а, Фақирий! Сизнинг биринчи китобингиз қачон чиққанди? – дабдурустдан сўраб қолди Журъат, у бу гапи билан Фақирийнинг ҳам юрак ярасини тирнаб қўйганини ўзи ҳис этди.

– Йигирма етти-йигирма саккиз ёшимда эди, – афсус чеккандай хўрсинди Фақирий. – Икки-учта тўплам чиқардим-у, аммо кейин... кейин анави воқеалар юз бериб, мана бу дардга чалиниб қолганим учун ҳам ёзишни йиғиштириб қўйдим-да! Манави дард мени қийнаб қўйди – ёзолмай қолдим!..

Журъат ўзи сезмаган ҳолда унинг неча йиллик юрак дардига туз сепиб қўйганини туйгани учун:

– Ҳали катта китоблар ёзасиз. Мен ҳақимда рўмон ёзасиз, – деб унинг кўнглини кўтарди.

Унинг «мен ҳақимда рўмон ёзасиз»идан Фақирий кулиб қўйиб:

– Ўша кунларга етказсин, – деди, кейин яхши бир фикр миясига келгани учун шошилди. – Ҳа, айтмоқчи, бу жой бўш ётиши керакмас-да, Журъатжон, ҳеч бўлмаса ижарага қўйиш керакмиди?!

– Бир-иккиталар келиб кўришди. Мўлжалимдаги нархдан паст айтишди.

Фақирий унинг ўжар табиатини, феълидаги норасоликларни фаҳмлагани учун ҳам эҳтиёткорлик билан, унга тегиб кетмайдигандай тарзда маслаҳат қилган бўлди:

– Бўш ётгандан кўра сизга даромад келтиргани яхшими дейман-да!..

– Бу гапингиз тўғрику-я, аммо менга арзимаган пулни тутқизиб, ижара пулини тўламагандан кейин бир пул-да! Биласизми, бу ерга қанча тўлаш кераклигини? Келганларнинг кўпини шу томони чақиб қўйяпти!

–Ҳа-аа, ундаймиди?!

– Ҳа-да, мен ёнимдан тўламайман-ку, тўғрими? Ана, Тимофейга ўхшагани чиқса яхши эди. Чурқ этмай ижара пулини тўлайди, иннайкейин... – деб у ёғини айтмади Журъат, аммо Фақирий унинг гапидан ичида қолиб кетгани, унга айтишни истамагани сўзларини дарров илғаб олди, англади. Журъат унинг юзидаги ифодадан «менинг тегишимниям ўз вақтида беради», демоқчи бўлганини англаганини туйди. Шунинг учун қўл силтади-да, қўшиб қўйди: – Ҳа, «ижарага қўясизларми?» дейдиганиям топилиб қолар. Ўзи бир киши қизиқаётганди бу жой билан. Ўзи гиёҳлардан дори тайёрлаб Қозоғистонга сотаркан. Ана шу одам: «Цех қиламан, пулиниям келишамиз, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам», девди, негадир йўқ бўп кетди-да, ҳали ўша кеп қоладими?!

– Унда яхши бўларди, – деди Фақирий.

– Юринг, барга оптушаман, – деди Журъат, орқага қайтди. Унга Фақирий эргашди.

34

Эшикдан қайтиб чиқиб, йўлакка ўтганларидан сўнг Журъат тахта қопқоқни кўтариб, нари сурди-да, қоронғида сигарет тутатгичини ёқиб торгина тахта зиналар билан пастга тушди.

Чапга озроқ юриб деворни пайпаслаб, чироқни ёқди, орқасига қайтиб, юқорига бўйнини чўзиб Фақирийга юзланди:

– Тушаверинг, ака!

Фақирий зина билан пастга тушиб борди. Торгина йўлдан Журъатга эргашиб газ баллони билан ёқиладиган плита, қозон-товоқ, турли идишлар турган мўъжазгина ошхонадан ўтиб буфетнинг ёнига чиқдилар.

– У ёқ ошхона эди. Буниси буфет, – тушунтирган бўлди Журъат, кейин эшигини ланг очди.

Фақирий ихчамгина бўлган, деворларига оппоқ кафел ёпиштирилган, турли ичимликлар, егуликлар териб қўйишга мўлжалланган пештахталарига қизил бахмалдан мато сирилган буфетга разм соларкан, анчадан буён бу ерларга одам кирмаганига ана шу пештахталар ҳам, унинг устида ётган, бир-иккитасининг таги синган бўлган турли қадаҳлар, санчқи, кумуш қошиқлар, икки-уч турдаги ичкиликлари бўлган беш-ўн чоғли шиша идишлар ҳам чанг босиб, теварак-атрофини узун-узун гард қоплаганини, залга қараган олд томондаги ўчириб қўйилган музлаткичли пештахтада уч-тўртта пахта гулли лаган, беш-ўнта чуқур ликопчаларда газак, турли емишлар қўйилиб, улар сотиб бўлинганиданми, олиб бўлинганидан сўнг моғор босиб, устки томони пих бойлаб кетганини, яна хона бурчига ўргимчак тўр ясаб, ана шу тўрига ўзига гўр ясагандай илашиб ётганининг гувоҳи бўлди. Буфетдан қуруқ рутубат, моғор иси анқиб ётарди.

Журъат олдинга ўтди-да, торгина йўлка билан уч-тўрт қадам олдинга юриб залга чиқиб борди, чап томондаги включателни босиб чироқни

ёқди. Қизил мато сирилиб, теварак-атрофига ганч билан нақшин безаклар ишланган девордаги лолага ўхшаб икки томонга тарвақайлаган қандиллар ёниши билан зал ҳам, умуман майхонанинг кўриниши аллақандай сирли, оромбахш, фусункор бир тусни олди. Яна майхонанинг ҳар жой ҳар жойига қўйилган оқ пластмасс стол-стуллар ҳам рутубат иси анқиб турган залга ярашиб тушган, ўз вақтида бу ер хўрандалар учун шинам, оромбахш, сирли бир дам олиш жойи бўлганидан дарак бериб турарди.

– Ҳа, жуда бир шинам қаҳвахона экан-да! Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам, кузнинг ёмғирли кунларию тунларида ҳам маза қилиб дам олса бўладиган жой бўлган экан!.. – деди Фақирий. – Менга, айниқса, ернинг тагилигини ҳисобга олиб жиҳозлаганингиз ёқди-да! Ажойиб бир файз, ажойиб бир сирлилик ҳукм суради-да бунақа жойларда!

– Буни тўғри айтдингиз, – деди Журъат, кейин ана шундай бир кошонанинг эгасидай у ёқ-бу ёққа юрди. Сигарет олиб чекмоқчи ҳам бўлди, сўнгра эса бу ерда чекишни ўзига эп билмай шахтидан қайтди, сигаретини уқалаётган жойида қайта чўнтагига солиб қўйди. Девордаги қизил матоларга, атрофидаги нақшинкор ганчларга, шиша қандиллару баайни кўршапалакка ўхшатиб ишланган қора тунука фасонларга, майхона залидаги бошқа жиҳозларга бирма-бир кўз югуртириб чиқди-да: – Бунинг безакларини... Жасур акани эшитгандирсиз-а, – деб Фақирийга кўз қирини ташлади. – Ҳа, ана ўша бутун Тошкентни титратган Жасур аканинг уйини лойиҳасини чизган бир дизайнер-архитектор

ошнамиз чизиб берган. Ўзи армани. Ҳозир Тошкентда эмас, Францияда яшайди. Парижда Жасур ака очган дўконларда ишлаяпти.

Фақирий ҳақиқатан ҳам ўзга бир оламга тушиб қолгандай бўлиб ҳайратланиб бош тебратаётганини кўриб:

– Ҳа, ҳа, рост. Бодомзорда менинг қўшним бўлгани учун айтяпман. Унинг исмиям Артур. Анави боксчимизга ўхшаб. Ҳозир уйида фақат дадаси қолган. Ўзи бола-чақаси билан Парижда яшаётганмиш. Жасур акалар, одамлар, атрофидагилар уни «Граф» ҳам деб аташади, энди биласиз-ку, ҳозир жуда катта бой бўлиб кетишган. Артур келганда айтиб берди, «Граф эллик ёшини ўша ерда нишонлади», деди. Битта катта оқ яхтани сотиб олиб, денгизнинг қоқ ўртасида нишонлабди. Ана уларники энди ҳаёт-да! – деб «Жасур акаси»га яқин бўлганини дараклаб, ана шу яқинлигидан ҳам қониққандайин, қониқишдан ҳам бурун фахрлангандай бир тусга кирди Журъат, сўнгра эса Фақирийнинг ташқи қиёфасида, анчайин ажин босган, ташвиш чеккан юзларида ҳам уларга, уларнинг ҳаёт тарзига ҳавас қилиш аломати пайдо бўлди деб ўйлагани учун ҳам қўшиб қўйди: – У сиз билан биз Тошкентда чанг босиб юрибмиз. Ақлли одамлар сизга ўхшаб китобфурушлик қилмайди ё менга ўхшаб дўконини бузиб юборишларидан чўчимайди. Ақлли одамлар билади нима иш қилишни.

Фақирий Журъатнинг гапи таъсири остида ёнидаги стол-стулларни четлаб сал нарига – қўшиқчилар учун саҳна мазмунида супача қилиб ишланган, икки четига иккита кичиккина карнай қўйилган бурчакка томон юрган эди, шах-

мат тахтасига ўхшаган катак чизиқлари бўлган сариқ линолиум тўшаб қўйилган пол устида ётган китобчани босиб олишига озгина қолди. У муқовасида машинада кетаётган қиз ва йигитнинг расми бўлган китобни дарров таниди. Олим Отахоннинг «Одоқсиз кўчалар» қиссаси эди. Уни қўлига олди. Чанг босиб кетган, устида эркак киши туфлисинингми, ботинкасининг пошнаси изи тушиб қолган муқовани қоқиб, кафти билан тупроқ изини артган бўлди. Қисса ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, асар қаҳрамони ёшгина йигит ўлган севгилисининг арвоҳи билан суҳбат қуриши билан бошланганини, яна ана шу йигит «Такси»да бир қоғоз папка топиб олганини, у папкада мактуб шаклида ёзилган бир неча ҳикоялар билан бирга машҳур аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасарнинг «Изларни-излаб» номли китобчаси ҳам бўлиб, бу китобда бир шоирнинг кўпларга, унинг мухлисларига, адабий жамоатчиликка номаълум севги изтиробларига тўла ҳаёти қаламга олинганини, яна Фақирий «Одоқсиз кўчалар»ни руҳий касалликлар шифохонасида мутолаа қилганини, ўшанда бу китобни унга ҳамшира қиз Руҳия олиб келиб ўқишга тавсия этганини хотирлади. Ҳамиша маъюс юрувчи Руҳияни бир куни кечқурун навбатчиликда қолганида кўпинча унга тегажаклик қилиб юрадиган, асосан гиёҳвандлигини даволатиш учун келган, отаси ҳуқуқ-тартибот идорасида катта лавозимда ишлайдиган, ўзи ўттиз, ўттиз бешларни қоралаб қолган эскишаҳарлик Ботир исмли йигит зўрлаб, шаҳвоний нафсини қондирмоқчи бўлганида Фақирий уни инсофга чақирган, аммо у қулоқ солмай қизга ташлани-

шини давом эттирганида жон ҳолатда врачлар хонасидан топиб чиққани қайчини унинг орқасига тиқиб олган, Фақирийнинг бахтига Ботир қаттиқ шикастланган эди-ю, аммо ўлмай қолган, қиз эса юзини икки кафти билан беркитиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб муолажа хонасини тарк этганди. Кейинчалик, Ботирни тезда касалхонадан чиқариб юборишган, Фақирийни эса бошқа бўлимга ўтказиб, сульфазиндан укол қилиб қўйишган эди. Ўшанда ундан хабар олгани чиққан Руҳиянинг аҳволини кўриб, ўзининг «Кортасарни излаб» сарлавҳали эссесини ёзганинию нима учундир уни ҳеч қаерга беришни истамаганини ҳозир яна бир карра ёдга олди. Сўнгра хаёли яна Олим Отахонга кўчди. Бозорда китобфурушлик қилиб юрганида бир куни афтодаҳол кийинган Олим Отахон тепасига келганди. Унинг қиров оралаган сочлари янаям оқариб, катта-катта кўккўзларига ғам чўкканини кўриб аҳволини сўраганида, аввал укаси, уч-тўрт ой ўтиб эса отасидан айрилганини, яна у ҳам Фақирийга ўхшаб ёзмаётганини, тўғрироғи, ёзолмаётганини, кўплаб ижодкорлар, оддий одамлар қатори тирикчилик ботқоғига ботиб кетганини унинг оғзидан эшитганида, ўзи истеъдодини эътироф этгани ва айни пайтда феъл-атворидаги талай қусурлари туфайли фожиали бир кас санагани, миллий адабиётга Лотин Америкаси ҳикоячилигининг руҳини олиб кирган ва кўпчилик ёшларни, ёш қаламкашларни ўз таъсирига оғдиролган бу ёзувчига ич-ичдан ачингани, унга чин юракдан сабр-тоқат тилаб, тасалли берганини шу дамда яна бир карра эслади.

Журъат китобга анча тикилиб ўйланиб қолган Фақирийга юзланаркан:

– Ҳа, танишингизнинг китобимиди, қараб қолдингиз? Ё бу китобданам сотувмидингиз? – деб сўради.

Фақирий шу дамдаги ҳолатини ҳам, хаёлидан кечган ўй-фикрларини ҳам айтиб ўтиришни истамагани учун:

– Тўғри топдингиз, бир танишимнинг китоби эди,– деди, яна бир марта кафти билан китобнинг муқовасини қоқиб қўйди.

– Нега «эди» деяпсиз? Ўзига бир нарса бўлганми?!

– Ўзи соғ-саломат, аммо укаси, отаси вафот этибди. Яқинда олдимга келувди, бир-иккита китобини соттиргани.

– Ука-ку майли, аммо отадан жудо бўлиш жуда ёмон! Устуни қулабди-да! – деди Журъат, мазкур гапига ўзгача мазмун берди. – Кеча менинг тушимгаям адам раҳматли кирибдилар. Негадир мендан ранжигандай кўриндилар-да! Мозорларига бормаганимгаям анча бўлди.

– Марҳумларни зиёрат қилганга не етсин!..

Журъат унинг қўлидан китобни олди. Муқовадаги қизнинг расмига тикилиб туриб:

– Эсимда, узоқ йилнинг кузида бир йигит билан қиз майхонага овқатланиш учун киришганларида қолдириб кетгандилар. Эслашимнинг боиси, ўшанда номозшом эди, ёмғир ёғиб турганди. Улар ҳув анави ерда, қўшиқчига яқин жойда ўтиришувди. Рашид ака икковимиз қиттак-қиттак олдик-да, кейин зарур иш билан бир ёққа кетдик. Ўшанда қизнинг қўлидаги китобга Рашид ака диққат-эътиборини қаратганини кўрувдим. У киши китоб ўқишга жуда ўч оқил одам эди-да, сизга айтувдим-ку! Шундай қилиб, бизлар кетгандан сўнг, шу вокзал атрофида

санғиб юрадиган уч-тўртта олифталар бор эди, шулардан бири кириб қопти-да, озроқ ичиб олиб ҳалиги йигитнинг қизини ўйинга тортибди, унга шилқимлик қилибди. Ёнидаги йигити чидаб туролмабди, шу ерда жанжал бўп кетибди. Ҳалиги безорини хизматчиларим ушлаб қолишибди. Қиз билан йигитни қочириб юборишибди. Ўша олифта санчқи тиқмоқчи бўлиб хезланибди-да, яхши қўлидан тутиб қолишибди.

– Куз, ёмғир... севишган йигит ва қиз, тўполон... – аллақандай ҳазинлик билан сўзлади Фақирий. – Қиссанинг ўзидаям ёмғирли кеча тасвирланади. Йигит севган қизининг арвоҳи билан суҳбатлашади. Уни эслайди. У билан кечган дамларини... Безори... Уям Ботирга ўхшаб уларга зуғум қилмоқчи бўпти-да, – бехосдан гапириб юборди Фақирий.

– Қанақа Ботир? Кимга зуғум қилганди у?!

– Ҳа, бир танишим, – деди Фақирий, касалхонани эслашга ўзида куч йўқлигини сезгани важи қўшимча қилди: – Бошқа пайт сизга бир айтиб берарман.

Журъат унга тиқилинч қилмади. Китобни унинг қўлига қайтариб бераркан:

– Сизда туриб турсин, кейин ўқиб чиқарман, – деди.

– Ўқисангиз яхши бўлади. Одамдаги энг муқаддас туйғулар қаламга олинган.

– Ҳа, шундай денг, – деди Журъат, «муқаддас туйғулар қайсилар?» деб сўрамоқчиям бўлди-ю, бироқ Фақирий «шуниям билмайсизми?» деб мазах қилиб қолишини ўйлаб сўрамади, у шу дамда ўзининг эски ярасини эслаб қолгани учун ҳам: – Мана шу жойларни қураман деб ўз вақти-

да прокуратурага ишга киролмай қолдим-да, Фақирий, – деди у ўкингандай оҳангда. – Агар шулар бўлмаганда менам ҳув ўшанда шогирдингиз Давронбек билан бошлиғи олдига оборгани Хўжақуловларга ўхшаб бир ернинг бош прокурори бўлиб юрармидим.

Фақирий унинг йиғламоқдан бери бўлаётганини кўриб, тасалли берди:

– Ҳали ҳам кеч эмас! Сизгаям аталган жой бордир!..

– Йўқ, энди кеч бўлганга ўхшайди, ака, – қўлни ювиб қўлтиққа ургандай бўлди Журъат. – Энди кеч бўлди, шекилли...

– Ноумид шайтон...

Журъат «Ҳе, бундай гапларни кўп эшитганмиз», деган йўсинда қўл силтади. Пичадан кейин яна ўзида қандайдир куч топиб, эски ҳолига қайтди. Юзидаги умидсизлик, тушкунлик аломати қайгадир ғойиб бўлди. Одати бўйича, катта-катта одим билан юриб чироқни ўчирадиган ерга борди-да:

– Қани, юринг, тепага чиқамиз. Борадиган жойлар бор, – деди, Фақирий ёнидан ўтиб йўлакка етгач, орқасидан чироқни ўчирди-да, унга эргашди.

35

Улар машинада Ўрдага, тўққиз қаватли бинода жойлашган Меъморчилик ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси ёнига келиб тўхташди. Журъат дўконига тегишли бўлган қўлидаги барча ҳужжатларни, Фақирий эса дўконнинг макет лойиҳасини кўтариб олиб бинодан ичкарига киришди. Вести-

бюлда ўтирган қоровулдан Меъморий тарх топшириқларини тайёрлаш бўлими қайси қаватда жойлашганини билиб олишди-да, лифтда бешинчи қаватга кўтарилишди. Торгина йўлак адоғидаги туман архитектори ўтирадиган хонага қараб юришди. Улар кириб борганларида Рустам ака телефонда ким биландир иш юзасидан гаплашарди. Ўнг қўлидаги гўшакни чапига олди-да, ўрнидан ярим қўзғалиб улар билан қўл бериб сўрашди, рўпарасидаги эски, омонат стулларга ишора қилиб, уларни ўтиришга ундади.

Журъат билан Фақирий у кўрсатган жойга ўтиришди. Ҳамма ёқни турли иншоотлар, дўконлар, сартарошхонаю пойабзал устахоналари, бозорлар чизма-макетлари, турли қоғоз плакатлар эгаллаб олган, ён томондаги катта ёзув столида эса турли қоғозлар, ҳужжатлар билан тўлган қоғоз папкалар уюлиб ётар, хона ниҳоятда бетартиб, эгасининг касб-кори, иш юритиши, ўтириш аҳволига мутаносибдек, ички интизомга ўрганган одам бу ерда ўзини ноқулай ҳис этиши, ноқулай ҳис этишдан ҳам бурун ўзини йўқотиб қўйиши аниқ эди. Яна бу макондан тезроқ чиқиб кетишни ҳам истаб қолар, ўзини бир сония ҳам бу ерда ушлаб туролмасди. Хона эгаси бўлган Рустам ака ҳам миқти, қорамағиздан келган, думалоқ юзли, қора сийрак сочли, Фақирийлар қатори қирқ бешларни қоралаган ўрта ёшли ориқ бир киши эди. Шошилиб гапиришидан, хатти-ҳаракатларидан безовта, иши бошидан ошиб-тошиб ётган одам экани кўриниб турарди.

У телефондаги гапини қисқароқ қилди-да, хонасига одамлар кириб қолишганини рўкач қи-

либ кўрсатиб, гўшакни жойига қўйиб узр сўраган бўлди:

– Кечирасизлар энди, хона сал мана бунақа тартибсизроқ, ҳали у лойиҳасини кўтариб келади, ҳали бу дўконининг макетини... Нафас олишга қўйишмайди-да ишқилиб...

– Қачон қараса ишга кўмилиб ётган бўласиз, ё телефонда бировга муомала қилаётган бўласиз, – унинг вазифаси муҳимлигига ишора қилди Журъат.

– Нима қиламиз энди, ишимиз шунақа, – айбдор одамдай елка қисди Рустам ака. – Ҳокимиятгаям бир-икки марта борган экансиз-ку, қўшнилар айтишди, ўшанда бу ерга чақириб қолишувди, мажлисга.

– Ишқилиб, тиниб-тинчимайсиз-да, ака, бахтимизга бор бўлинг, – деди Журъат, кейин унинг мақтовидан ноқулайлик ҳис этиб эътиборини Фақирийга қаратган Рустам акага уни таништирди: – Бу киши Фақирий бўладилар. Катта бир ёзувчи-шоирларимиздан!..

Фақирий Журъатнинг ошириб юборганидан хижолатланиб қизаринди.

– Катта эмас-ку, ҳар ҳолда унча-бунча ёзиб юрардик, – деб қўйди.

Рустам ака унинг номини «эшитмаганман» дейишдан ийманган учун:

– Танишганимдан хурсандман, исмим Рустам, – деди.

Фақирий унинг оддийлигидан, юзида ҳеч бир такаббурлик аломатини кўрмаганидан севинса, иккинчи томондан Журъат уни Рустам акага тантанавор таништирганидан хижолат чекди.

Журъат Фақирийнинг «ёзиб юрардик»идан очиқчасига аччиқланди. «Негаям соддалик қи-

лади, индамай туравермайдими», деб қўйди ичида. Рустам акага «бизнинг шу соҳалардаям одамларимиз бор», дегандай оҳангда:

– Кўплаб газета-журналларда ишлаганлар-а? – деб Фақирийга қараб олди.

– Кўпроқ нашриётда ишлаганман, китобларга муҳаррирлик қилганман, – ростини айтиб қўя қолди Фақирий.

– Энди мен ҳақимда китоб ёзмоқчилар, – мақтаниб қўйди Журъат. – Нима, менинг ҳаётимни китоб қилишга арзимайдими, Рустам ака?..

Рустам ака Журъат билан илгаритдан таниш бўлгани учун унинг ўзига ортиқча бино қўйган йигитлардан эканини, қўлидан келмаган баъзи ишларни эса пул билан ҳал қилиб кетаверишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам унинг олдида анчайин содда, аммо тоза кийинган Фақирийга қараб кулиб қўйди-да:

– Арзийди, арзийди, – деди, ортидан соатига қараб олди.

Журъат унинг соатига қараб қўйишидан иши кўп эканини сезди. Муддаога кўчди.

– Рустам ака, аввал Ўзгариш томонлар бузиларкан, ҳозирча бизнинг томонлар ҳақида гап йўқмиш-ку, шу гап ростми? – деб сўради.

– Ҳоким ўтказган бир йиғилишда шундай деди, аммо билиб бўладими?

– Менинг дўконим автостанциянинг бу бетида-ку? Автостанциянинг ўрни бузилади дейишяпти. Йўл ва йўлнинг бу бети қолади дейишяпти-ку?!

– Йўлнинг бу бетида мактаб қолиши аниқ. Аммо унинг ҳам спорт майдони кетса керак. Сизнинг дўконингиз унинг орқасида-ку, шундайми?

– Шундай. Аммо бир танишимга Равшан Ботирович дўкон қолади, деган бир гапни қипти.

– Ўзингиз бир кирмадингизми олдиларига?

– Бир-икки ўтдим, олдиларида одам кўп экан, қайтиб чиқиб кетдим.

– Яқинда бўлиб ўтган мажлисда ҳоким шу гапни айтди. Дўконни эмас-ку, катта йўлга тегилмайди, деган гапни айтди. Аммо ўйлаб қараса, мен кўприкнинг хомаки лойиҳасини айтиб беришганини назарда тутаяпман-да, устки икки томонлама йўл бўлса, пасти ҳам шундай дейишяпти, қандай қилиб автостанциянинг бу томонидаги йўл қолишига ҳеч ақлим етмаяпти-да! Қолиши мумкин, аммо икки баравар кенгайсагина қолади-да! Бу дегани ҳалиги гап...

Журъатнинг юрагига ваҳм тушди.

– Дўкон кетади, демоқчисиз-да!

– Фақат дўкон эмас, ўша атрофдаги анчагина бинолар кетади. Мактабниям ярми кетиб қолиши ҳеч гапмас, – тез-тез сўзлади Рустам ака.

– Ўзингиз биласиз-ку, Рустам ака, ўзингиз Рашид аканинг даврида лойиҳасини чиздиртиргансиз. Бу дўконга қанча кучим кетганини бошқалар билмасаям сиз яхши биласиз-ку, – йиғламоқдан бери бўлиб зорланди Журъат.

– Биламан, биламан, – деди Рустам ака, Журъатнинг ҳолатини тушунгандай Фақирийга қараб қўйди. – Ҳозирча тўхтаб турибди-ку энди.

– Кейин ҳам бузилмай қолиши мумкин-ку ахир, тўғрими Рустамжон? – Журъатнинг кўнгли учун ундан сўради Фақирий.

– Бир нарса дейиш қийин. Ҳозир ҳар нарса бўлиши мумкин, – деди Рустам ака. – Аммо нима қилганда ҳам жойсиз қолмайдилар-ку, ҳужжатлари ҳаммаси бор-ку!..

Журъат асосий ҳужжат Сокина хонимда эканини эслар экан:

– Қуришни ҳам ўзи бўлмайди-да, Рустам ака, кўрдингиз-ку қандай қилиб қурганимни, – деди.

– У ёқдаям ишлаб турибсизми? – Журъатнинг бирда айтган гапини эслатди Рустам ака.

Журъат «яна қаерда ишлайсиз?» дегандай савол назари билан унга нигоҳ қадаган Фақирийга «сиз жим туринг» қабилида кўзларини юмиб қараб қўйди-да:

– Прокуратурани айтяпсизми? – деб сўради.

– Ҳа.

– Ишламасак бўлмайди-ку, – деди Журъат, гавдасини сал кўтарди. Ўнг қўлидаги «сотовой»-ни чапига олди, Рустам ака у томон қарамаётганини кўриб Фақирийга кўзини қисиб қўйди.

– У ёқда ишлаётган экансиз, қуриб оласиз албатта, – деди Рустам ака, кейин «тўғрими?» деган савол назари билан Фақирийга кўз қирини югуртирди.

Журъат унинг нимага ишора қилаётганини ҳам, Фақирийга қараши маъносини ҳам пайқагани учун:

– Сиз мени биласиз-ку, пора олиб ишлайдиганлардан эмасман, – деб мағрур бош чайқатди.

Фақирийга Журъатнинг архитекторга ёлғон сўзлаши ҳам, ана шу ёлғонини яшириш мазмунидаги айёрлик қилиб кўз қисиши ҳам ёқмади. Яна устига-устак, мағрур бош чайқатиб қўйишидан хижолат чекиб кетди. Шунинг учун ҳам: «Нега у прокуратурадаман дейди? Ё унга бошқаларга шу ерда ишлаяпман дейиши ҳавасмикин? Ҳа-да, «фалон прокуратурадаман», дейиш бир томондан унга обрў келтирса, иккинчи томондан

ўша одамни у билан ўйлашиб муомала қилишига сабаб бўлади-да», деб мулоҳазаланди, мулоҳазаландию: «Нима қилганда ҳам шу гапни айтиш керак эмасди, ёлғоннинг миси чиқади-ку бир кун», деб хулоса чиқариб, Журъатнинг ана шу гапидан ёш болаларча лаззатланишига ажабсинди.

– Бир ҳолатда эмассиз демоқчиман-да, – сўзларига изоҳ берди Рустам ака.

– Мана сизлар борсиз-ку, Рустам ака, ўша пайтда тузукроқ жойдан оберсанглар, нима қилардик энди, бошқатдан қурамиз-да, – кўзини ошкора қисиб қўйди Журъат.

– Ҳужжатларингизни бир кўриб бераман девдим-а, опкелдингизми? – сўради Рустам ака.

– Манави дўконимнинг лойиҳаси, шаҳар ҳокимининг қўлиям бор унда, – деди Журъат, қўлида ушлаб турган қизил папкадаги икки-уч ҳужжатни архитекторга тутди.

Архитектор дўконнинг макетини ҳам, лойиҳасини ҳам илгари кўрган бўлгани учун уларга шундоқ бир кўз югуртириб чиқди-да, папкадаги ҳужжатларни бирма-бир қўлдан ўтказаркан:

– Дўконга чиқарилган қарор қани? Шаҳар ҳокимининг қарори? – деб сўраб Журъатга қараб қўйди.

– Қарор бор, уни топса бўлади, – деди Журъат, аммо уни Сокина хонимга берганини айтмади. Ўз вақтида пулни қизғаниб ундан олиб қўймаганига ичдан ачинди. «Яна уникига боришга тўғри келадиган бўлди», деган ўй кўнглидан ўтди.

– Илгари туманнинг ҳам чиқарган қарорлари ўтаверарди. Ўтган йилдан бери фақат шаҳар чиқарган қарорлар ўтадиган бўлган. Туман бу ҳуқуқдан маҳрум қилинган.

– Туманнинг қарори билан жой қурганлар бор-ку, уларники нима бўлади?

– Уларга жой берилмайди. Фақат шаҳар чиқарган қарор ўтади.

– Э, одамлар мана бунинг кучи билан ҳар балони қилишяпти-ку, – пулга ишора қилди Журъат. – Қарорларни ўзгартириб юборишаяпти-ку!..

– Ўзингиз юрист бўлганингиз учун айтяпман-да! Ҳукумат янги қарорида алоҳида банд киритиб, шундай буйруқ чиқарган-да!..

– Майли у бор, уни топаман, – деди Журъат. – Яна нима етишмайди?

Рустам ака папкадаги бир-икки қоғозга қайта кўз югуртириб чиқди-да:

– Иннайкейин, ер ажратиш комиссияси йиғилиши протоколиям йўқ экан, – деди, сўнг эса хонанинг бир нуқтасига тикилиб пича ўйланиб қолди.

– Уни топса бўлади-ку, Рустам ака, худди мана шу ерда қилиб беришувди. Ўзингизам бор эдингиз-ку, – ялингандай оҳангда маълум қилди Журъат, яна бир муаммо чиқиб қолганидан юзлари бужмайиб, шахти сусайди.

– Анча бўп кетди-ку, уни қаёқдан топиб бўларди? – шошгандай соатига қараб қўйди Рустам ака, савол назари билан Журъатга боқди.

Журъатга у ана шу ҳужжатни топишга эрингандай, яна бу ишларга бефарқ қараётгандай бўлиб кўрингани учун:

– Шу нарсалар мен учун зарур эканини биласиз-ку, Рустам ака, мен сизни бирор марта хафа қилганманми? Ўзингизни шошилаётгандай қилиб кўрсатманг-да, ака, – деб ундан очиқ-ойдин хафа бўлди Журъат, ўз вақтида унга ўтказиб

қўйганларини хотирлаб, сўзларида ҳам ана шунга ишора қилди.

Рустам ака сап-сариқ мертик тишларини кўрсатиб тиржайиб қўйиб:

– Шошаётганимнинг сабаби, соат учда мажлисимиз бор эди, шунинг учун, – деб жавоб қилди.

– Менинг ишим тушганда нуқул сизнинг мажлисингиз чиқади, – ундан норозиланган бўлди Журъат. – Шуни топиб берақолинг?

Рустам ака унинг ёшига номутаносиб болаларча сўзларию иддаосидан кулиб қўйди.

Фақирий архитекторнинг кулиши боисини туйгани учун ҳам орага қўшилиб:

– Сизларда архив бўлади-ку, бунақа нарсалар архивингизда туради, – деди.

Унинг фикри Журъатга ёқиб тушди. У Фақирийга «сизни бу ерга бекорга олиб келмовдим» дегандайин қараш қилиб:

– Газетада ишлагансиз-да, ҳар балони биласиз, – деди, «ёнимда ёзувчи ҳам турибди» деган тарзда Рустам акага боқди. – Архивни бир суриштириб кўриб, Рустам ака.

Фақирийнинг фикри Рустам акани ҳам ўйлатиб қўйганди. Журъатнинг «газетада ишлагансиз-да»сига эътиборини қаратмаса-да:

– Мен ҳозир, – деди-да, пакана бўй-бастига мутаносиб тарзда бедана юриш қилиб хонадан чиқиб кетди.

У чиқиб кетганидан сўнг Журъат хизматчисига юзланиб:

– Ҳозирги гапни тўғри айтдингиз. Мен шунинг учун сизни бу ерга олиб келдим-да, булар газетчилардан, сизга ўхшаган ёзувчилардан чўчийди, – деди, кейин қўшиб қўйди. – Мен сизни таърифлаганда ўзингизни пастга урманг, хўпми? Бунақа

жипириқларга ўз вақтида ўтказиб қўйганман, кўряпсиз-ку, битта қоғозни топиб келишга эриняпти. Шунинг учун буларнинг олдида паст кетманг. Фақирий деган номингиз бор-а!..

Фақирий унинг юқоридаги ёлғон сўзларидан андишага бориб турган, ана шу сабабдан ҳам унга дакки-дашном беришга тутинган эди-ю, аммо Журъатнинг мана бу гапидан сўнг ўйланиб қолди, «Ҳозир унга бундай ишни қилманг, дейдиган бўлсам жириллаб кетишдан ҳам тоймайди, ўзи мана бундай аҳволда бўлса! Кейин бир мавриди билан тушунтирарман!», деб ўйлагани учун ҳам:

– Мени нимамдан чўчирди? – деди.

– Сиз шунақа дейсиз-да, Фақирий, сизнинг соҳангиз кўпларни чўчитади! Ундан кейин, сизнинг ҳам бошқаларни чўчитадиган савлатингиз бор! Нима, ўзингизга билинмайдими? – деб сўради.

– Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, – деб бошини қаширкан очиғини айтди Фақирий, Журъатнинг юқорида «прокуратурадаман» дейишига мана бу ҳозирги гаплари тўғри келмаганидан мийиғида кулиб турган эди, Рустам ака ўзидан анча ёш кичик бўлган, ўрта бўйли, қоратўридан келган бир йигит билан қайтиб келди-да:

– Мана Абдувалидан сўрадим, ҳужжатлар беш йилгача уларда сақланар экан, – деб ўзи ҳақ эканига ишора қилди.

– Ундан кейин нима қилинади, Абдували? – уни худди илгаритдан танийдигандай сўради Журъат, қошларини баланд-паст чимириб унга юқоридан назар ташлади, уяли телефонини ўйнаган бўлди.

Абдували унинг сўроғидан қаршисида юқори бир лавозимда ёхуд ҳуқуқ-тартибот органларида хизмат қилувчи одам турганини сезгандай бир тарзда:

– Кейин айримлари йўқотиб юборилади, айримлари Марказий Архивга топширилади, – деб жавоб қайтарди.

– Менимча бундай ҳужжатлар йўқотиб юборилмаса керак. Марказий Архивга топширилади, деганингиз ҳақиқатга яқин, – деди Фақирий, сўнгра Рустам ака ва Журъатга қараб олди.

– Бу гапни осмондан олганим йўқ, бизда қонун бор. Шу қонунга асосан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар йўқотиб юборилсин, дейилган. Шунча ҳужжатни Марказий Архив олавермас экан.

Журъат унинг тирсагидан ушлади-да:

– Сиз менинг ҳужжатларимни архивга бориб топиб беринг, кейин хурсанд бўласиз, – деди, Рустам акага маънодор кўз ташлади: – Тўғрими, Рустам ака. Мен бир-икки марта сўзимда турмаганманми?!

Рустам ака ўзига ғалати қараш қилиб турган Фақирийнинг кўзларида ундан ҳам, Журъатдан ҳам норозиланиш, умуман бу жамиятдаги ҳар қандай ишни пул билан ҳал этилишидан норозиланиш аломати борлигини сезгани учун унинг олдида ноқулай аҳволга тушиб қолди. Нима дейишини билмай каловланди. Пировардида тўғрисини айтиб:

– Сўзингизда тургансиз, – деди.

Журъатнинг қатъий сўзлари ҳам, тирсагидан олиши ҳам Абдувалини гангитиб қўйганди. Чор-ночор у нима дейишини билмай:

– Майли, бориб кўрарман. Сиз маълумотларни ёзиб беринг-чи, – деди.

Журъат хона эгасининг ижозати билан столида турган оқ қоғозлардан бир варағини олди-да, ўзининг исми-шарифини, фирмасининг номини, сўраётгани ер ажратиш комиссиясининг

протоколи керак эканини қайд этиб, Абдувалининг қўлига тутқазар экан:

– Рустам акамнинг қўлларига берасиз. Мен улардан келиб опкетаман. Ҳалиги гапимиз гап, – деди.

– Аввал архивга борай-чи, – деди Абдували, кейин иши қолиб кетганини баҳона қилиб хонадан чиқди. У хонани тарк этиши билан йигирма ёшлар атрофидаги нозиккина қиз «мумкинми?» дея хонага кириб келди-да, Рустам акани бошлиқнинг хонасига мажлисга чақиришаётганини дараклаб кетди.

– Мажлисингиз бўлмаганда бир жойга ошга оборардим-да, Рустам ака, – деб афсусланган бўлди Журъат.

Рустам ака ўз узрини айтаркан:

– Иш бошдан ошиб ётибди. Устига-устак, у ёқдаям бу ердаям Худонинг берган куни мажлис-да, – деди, кейин Фақирийга қараб кулиб қўйди.

– Ака, Абдували топиб келса ўзингиз олиб қўясиз-да, – деди Журъат, ҳаммалари олдинма-кетин хонадан чиқишди.

Рустам ака хонаси эшигини шошганча қулфларкан:

– Майли, майли, бунданам илгари боя айтганим шаҳарнинг қарори муҳимроқ. Иннайкейин, вақтингиз бўлганда, бир кириб қўйинг Равшан Ботировичнинг олдига, – деди.

– Сизам хабардор бўп туринг. Бирор янгилик бўлса бехабар қолмайлик. Сизга орқа қилиб юрибмиз-да, Рустам ака, – деб унга ишонганини маълум қилди Журъат.

Туман архитектори оёғи куйган товуқдай пилдираб зинага қараб югурди. Журъат Фақирийни

бошлаб унинг орқасидан лифтга томон шахт билан одимларкан:

– Сизни менга Худонинг ўзи етказдими дейман-да, Фақирий. Дўкон бузиладиган бўлса икковимиз бунақа идоралардан кўпига киришимизга тўғри келадими ҳали, – деди.

Фақирий унинг муддаосини тушунгани учун:

– Яхши ният қилаверайлик-чи, – деди, сўнг эса Журъат унга ўзгача бир мазмунда қараётганини кўриб, унинг хаёлидан нималар кечаётганини тахминлади-да: – Ҳар ҳолда бошингизга бир иш тушса менам ташвишингизга шерикман, ташлаб кетиш одатим йўқ, – деб қўшиб қўйди.

Журъат ундан шу мазмунда жавоб кутгани учунми:

– Ҳа, йўқ, унақа нарсаларни ўйлаётганим йўқ, – деди, аммо худди шунга яқин ўй хаёлидан кечганини такаббурона кулги билан сездириб, лифтнинг қизил тугмачасини босди.

36

Улар тўйхонага кириб кетишаётганида Фақирийнинг кўзи ҳассакашлар орасида турган Ботирга тушиб юраги шиғиллаб кетди. У Ботирни бошқа ерда учратиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилган эди-ю, аммо бунақа жойда кўраман деб сира ўйламаганди. Ботир ҳам уни таниб, аллақандай такаббурлик билан кулимсираб «яна учрашар эканмиз-ку», дегандай тарзда қошларини паст-баланд чимириб у билан сўрашди. Фақирийнинг кўнгли ғашланди. Журъат у йигит Фақирий билан сўрашганини кўргани учун: «Танишингизми?» деб сўради, ундан «ҳа» жаво-

бини олгани учун: «Менинг кўзимга ҳам иссиқ кўриняпти», деди-ю, аммо унга жиддий аҳамият бермай бостирмада турган Самиғ билан кўришди. Тўй эгасининг Фақирий билан ҳам қўл бериб кўришишига имкон яратиб, ўзини сал орқароққа олди. Самиғ Фақирий билан ҳам сўрашиб бўлгач, уларни ичкарига бошлади. Иккови ичкарига кириб борганларида кўплар келиб кетган, кафтдеккина ҳовли миёнасидаги тузатиғлиқ дастурхонда ўн беш-йигирма чоғли одам ош еб ўтиришарди. Самиғ уларни ҳовли адоғига – боғнинг этагидан оқиб ўтувчи анҳор устидаги дастурхонга бошлади. У ерда Журъат билан бирга ўқиган уч-тўртта синфдошларигина ош еб ўтиришарди.

Улар одатдагидай қўлига уяли телефон ушлаб олиб, ўзига бино қўйиб, ғурур билан улар олдига тушиб борган Журъатни ва Фақирийни кўргач, ўрниларидан қўзғалдилар.

Журъат улар билан ўпишиб сўрашди. Фақирийга бу одат ёқмади, ғашини келтириб ғайриоддий туйилса-да, ўзини эътибор бермагандай қилиб кўрсатиб, у ҳам Журъатнинг оғайнилари билан кўришди. Аммо хаёлидан Ботирни чиқариб юборолмади. У Фақирийни таъқиб этаётгандай бўлиб кўринаверди.

Журъат билан Фақирий юқорига ўтгач, бошқалар ҳам ўринларига ўтиришиб, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Сўнгра Журъат мактабдошлари билан сўрашишни энг чеккадаги қоратўридан келган ориқ йигитдан бошлади:

– Қобил, яхшимисан, ишларинг жойидами? Бола-чақанг? Ҳалиям семирай демабсанку-а?! Мен сени семириб, ҳечқурса Одилга етиб олган-

дирсан деб ўйловдим, – деб, ёнидаги гавдасига муқоясалаганда қорни анча семиз бўлган Одилга қараб кулиб қўйди.

– Қобил икки дунёда семирмайди, – орага аралашди Одил. – Ўзингнинг ишларинг яхшими, опоқим, укаларинг, бола-чақанг яхши юришибдими? Анавинда Суҳбатни бир кўрганимда сени сўровдим, айтмадими?!

– Айтди, айтди. Ўзинг яхшимисан, Одил? – деди Журъат, кейин Одилнинг рўпарасидаги у билан сўрашишга муштоқ турган паст бўйли, гирдиғум гавдали ўртоғига юзланди: – Сен яхши юрибсанми, Саттор? Уйдагилар? Амакимни эслаб тураман, дарс тайёрлагани борганимизда ёнғоқ қоқиб берардилар-ку, а? Яхшимилар, соғ-саломат юрибдиларми?!

Сатторнинг юзидаги табассумга мойил аломат қайгадир ғойиб бўлиб, ўрнига ўкинч, афсус-надоматга ўшаш мазмунни ифодаловчи бир белги қалқди:

– Дадамни бериб қўйганимизгаям тўрт йил бўлди. Оламдан ўтиб кетдилар дадам раҳматли, – деди у ҳазин бир оҳангда, кўзлари ёшланиб ерга қаради.

Журъат бемаврид гап қилганини ҳис этиб, у ёқбу ёққа нигоҳ қадади. Фақирийга ҳам қараб олди.

– Э-э-э, ёмон бўлган экан-ку, шунақа бўлувмиди. Худо раҳмат қилган бўлсин, – афсус чеккандай бир овозда ҳамдардлик билдирди Журъат. – Менинг хабарим йўқ. Нега бирортанг менга айтмадинглар? – деб атрофдагилардан гина қилган бўлди.

– Сени ўзи топиб бўлмайди-ку, – деди ёнидаги бошқаларга нисбатан башанг кийинган, баланд

бўйли, ўзи оппоқ, қош-кўзлари зулукдай қора бўлган, қалин қора сочлари чап томонга тарал-ган, истарали йигит Нодир. – Озиб-ёзиб Самиғ-нинг акасини тўйига ҳам бир кеп қопсан-да...

Журъат Нодир амалдорларнинг боласи бўл-гани учун ҳам мактабдалик чоғларида ҳам уни «чақиб» олишларини, унга ўзини рақиб олиб юришларини билар эди. Шунинг учун ҳам эски рақибига бўш келмай:

– Тўй-ку, майли, Нодир, лекин ўлимга Ҳиротдан бўлса ҳам етиб келган бўлардим, – деди, кейин яна бир марта Сатторга ҳамдардлик билдирган бўлди-да, у узатган чойни Фақирийга бериб, Нодирга юзланди:

– Ўзинг яхши юрибсанми? Уйдагиларинг? Ҳалиям тоғангнинг «Олой»даги гастрономидамисан?!

– Йўқ, ҳозир Дархондаман. Қаҳвахона очган-миз, ёнида бильярдхона.

– Ҳа, бўлди, ўша ердамисан? – деди Журъат, хаёлидан Жамшид ўтди. У кўпинча ўша ерда бильярд ўйнарди. «Ишқилиб анави ишни пишиқ қилган бўлсин-да, ҳар қалай орага пул аралашган иш, охирида ишкали чиқмаса гўрга эди», деб мулоҳазаланиб қўйди.

– Қимирлаб турибмиз, ишқилиб, – деди Нодир, чой ҳўплаш баробарида ён томонидаги анҳор сувига қараб қўяётган Фақирийга бир кўз югур-тириб олди. – Ўзингнинг ишларинг жойидами? Дўконинг ишлаб турибдими? Зоҳид сен билан бирга шекилли, а?!

– Ҳа, – деди Журъат, Фақирийга маънодор қа-раб қўйди. – Зоҳидни қўйиб қўйибман.

– Прокуратурадаман, девдинг, бир борсам сени у ерда ишламайди дейишди-ку?!

– Ҳа, аллақачон шаҳарга ўтиб кетганман-ку, – деб ҳеч нарса сезмагандай жавоб қилди Журъат.

Фақирийга Журъатнинг ёлғон сўзлаши таъсир этса-да, аммо Нодирнинг савол беришида ҳам такаббурликни, Журъатга нисбатан ичида аллақандай кекками, адоват, ҳасад қилишга ўхшаш туйғуни сезгани учун ҳам: «Берган саволига яраша жавоб олди», деди, бошқа томондан унинг вужудини Ботир чулғаб олган бўлгани учун ҳам: «Қайтиб чиққанимизда кетган бўлсин-да, шу билан гаплашишга тоқатим йўқ», деган мазмунда мулоҳазаланди.

– Э-э, шаҳарга ўтиб кетдингми? – ҳайратланган бўлди Одил. – Бизларнинг ҳам оғайнилар шаҳар прокуратурасида ишлайди деб керилиб юрадиган бўпмиз-да! Майли, ишимиз тушмаса ҳам керилиб юрганимизнинг ўзи етади!..

Унинг Журъатни кўкларга кўтариши ҳам, унинг олдида ялтоқиланиши ҳам Нодирга ёқмаганини, алам қилганини унинг оппоқ юзлари қизарганидан ҳам сезиш мумкин эди. У ана шу ҳолатини ошкор этишдан чўчиб, рўпарасидаги катта пластмасс идишдаги маъданли сувдан ёнидаги пиёлага қуйиб ҳовлиқиб ичиб тугатди-да, ҳали ҳам Журъатнинг шаҳар прокуратурасида ишлаётганига ишонмагандай тарзда:

– Шу яқин ўртада ишга ўтган бўлсанг керак-да, а? – деб сўради.

Журъат унинг ичдан куяётганини сезгани учун ҳам, яна «Фақирий ишни бузиб қўймасин» дегандай йўсинда унга бир қараб олгач:

– Йўқ, бир йилча бўп қолди, – деди, кейин уларнинг ҳурмати учун уч-тўртта шишаларда арақ, бошқа ичимликлар кўтариб келган Самиғ-

га юзланди: – Буларнинг ҳеч кераги йўқ-да, Самиғ, столнинг устида бор эди!..

– Ҳурматларинг бор ҳар ҳолда, столдаги ўз йўлига, – деди Самиғ, Журъатнинг «биз билан ўтир», дейишига меҳмонларни кутиш ва кузатиш кераклигини баҳона қилиб, орқасига қайтиб кетди. Бироздан сўнг Фақирий икковига атлас гулли лаганда ош келди.

Нодир ҳали ҳам Журъатнинг иш жойига шубҳа билан қараётган бўлгани учун уларга «ошга қаранглар», дейишдан илгари яна Журъатга томон ўгирилиб:

– Шаҳардаям бир акахонимиз ишлайдилар, балки танирсан? – деб сўради.

Журъат юқоридаги сўзларига Нодир ишонмаётганини туйди, яна уни синаш учун сўраётганидан ижирғанди.

Фақирий рўпарасидаги Журъатга чўчиб қараб қўйди. Журъат унинг қараши мазмунини туйгани учун ҳам «хотиржам бўлинг» йўсинида икки кўзини юмиб қўйди. Кейин чап ёнида ўтирган Нодирдан сўради:

– Ким экан? Исмлари борми?..

– Қўзивой ака. Фамилиялари Акобиров. Бизларга узоқроқ қариндош бўладилар. Уларам ўша ерда ишлайдилар.

– Э-э, у одам сизларга қариндош бўладими, – деди Журъат, сўнг эса Акобиров ўзига ўтказган зуғумларини, «қонларини ичган»ларини хотирлади. – Қаёқ томондан қариндош бўлади? У тошкентлик эмас-ку?..

– Тўғри, у одамнинг таги Сижжакдан бўлади. Адамнинг аммаларига куёв бўладилар.

– Ҳа-аа, шундайми? Ҳозир у киши туманга тушганлар, – маълум қилди Журъат, бир дақиқа-

га атрофидагиларга қараб олди, Нодирнинг юзидаги ўзгаришларни кузатди.

Нодир унинг «у киши туманга тушганлар»идан сўнг яна ҳам қизарди, ёқимли юзи бужмайиб, чап кўзи учди, кенг, адл гавдаси ҳам чўккандай бўлди. Ўзининг ўша қариндошини сўраганидан пушаймон еди. Жим қолди. Фақат дам Фақирийга, дам Журъатга қараб манзират қилиб, «Қани, ошга қаранглар», дея олди, холос. Уларга қошиқ тутди.

Журъат ва Фақирий ош ейишга киришганларида Саттор уларга пиёлаларда арақ узатди.

– Мен рулдаман, ичмайман, – унинг қўлини қайтарди Журъат.

– Меникиям узрли, саломатликка тўғри келмайди, – эътироз билдирди Фақирий, Журъат томонидан қилинган «олиб юбораверинг-да энди», деган ишорага ҳам эътибор бермади, ичкиликни узатган одамга қайтариб, ош тановул қилишга тушди. Ана шу чоғда бир томондан ташқарида хассакашлар қаторида турган Ботирни эслаб юраги орқага тортса, иккинчи томондан Журъат уни тантанавор тарзда «Фақирий – шоир-ёзувчи», деб таништирмаганидан севинди. «У мени ҳам даврадагилар прокуратурада ишлайди, деб ўйласин дегани учун ҳам ўртоқларига таништирмади. Тўғри гапни гапириб қовун тушириб қўйишимдан, айниқса, мана бу Нодирнинг олдида чўчиди, шунинг учун ҳам индамай қўя қолди. Ҳа, ҳа, икки-уч бор менга қараб олишида шу мазмун бор эди», деган ўй кўнглидан кечди, кечдию Журъатга ҳам, Нодирга ҳам бир томондан ачинса, иккинчи томондан кулгиси келди. Айниқса, бунақа пайтда Журъатнинг анчайин жиддийлашиб, ўзини худди ана ўша прокурор-

лардек тутиши уни ҳайратлантирар, яна унинг ана ўша касбга киролмаганига ўзини ҳам айбдор санарди. Шу билан баробар, ичидаги бошқа Абдурауф эса: «Шунчаликка бориб, ҳар бир ишни алдам-қалдам билан қилишнинг, ўзини бошқа касбдаги одам кўрсатишнинг нима кераги бор экан? Барибир ўзини алдаш билан баробар-ку бу иши!», деган хаёлларга борарди.

Журъатга синфдоши Нодир Қўзивой Акобировни эслатгани учун ҳам иштаҳаси бўғилиб, ош ўтмай қолганди. Беш-олти қошиқдан сўнг у ёнидаги сочиққа қўлини артди-да:

– Сиз олаверинг, мен тўйдим, – деб, Фақирийни унга эътибор бермасликка, ошни олаверишига даъват этди.

Фақирий «хўп-хўп» деди-ю, аммо уч-тўрт қошиқ олгач, у ҳам бир ўзи ошни ейишга уялиб қошиқни лаган четига қўйди-да, Журъатнинг ёнида турган сочиқни сўради. Журъат унга сочиқни тутгач, у лабларини унга артган бўлди.

– Ҳа, нега қолдирдинглар? – манзират қилди Нодир.

– Шу икки кишидан ярим лаган ош қолса уятку, – деди Саттор, Журъатнинг пиёласини олиб унга чой қуйиб узатди, ундан кейин эса Фақирийга ҳам чой қуйиб берди.

– Бизлар яхши олдик, – Фақирийнинг ўрнига ҳам жавоб қилди Журъат, лаганни Саттор орқали четдагиларга узатиб юборди, бу ерда ўтириш ҳам унга ёқмай қолгани учун соатига қараб олди-да: – Бизнинг яна бир жойга борадиган ишимиз бор эди, – деб тепага – ҳовлига томон кўз югуртириб қўйди.

Фақирий ҳам Ботир туфайли бу ерда омонатдай ўтирган эди, Журъатнинг кетиш тараддуди-

га тушиб қолганидан ажабланмади, бу нарсани айни муддао тарзида қабул этиб:

– Ҳа, турайлик энди, – деб қўйди.

– Қаёққа шошаяпсан, бирпас ўтирмайсанми, сен шу шошавераркансан-да, – ундан норозиланган бўлди Нодир.

– Одам боласи шунақа экан, шошиб дунёга келаркан, шошиб кетаркан, – ақлли гап қилган бўлди Журъат, кейин чеккада ўтирган ошнасига қараб: – Самиғни чақириб юбор Одил, бизларга жавоб берсин, – деди.

– Бирпас ўтирмаймизми, бир учрашиб қопмиз, – гиналанган бўлди Одил.

– Ҳали яна учрашамиз. Худо хоҳласа бир йиғилишиб ўтирармиз бошқа, – уни тинчлантирди Журъат.

– Шуни сен билан Нодир уюштиринглар, мактабда икковинг фаол эдинг-ку!.. – деб икковининг рақиблигига ва болаларни бир-бировидан қизғаниб, ўз томонига оғдиришига ишора қилди Қобил.

– Ҳалиги гапингизга айтаман-да, Журъат, – унинг юқоридаги «ақлли гап»ини қувватлади Фақирий. – Қуръони Каримда ўзи Оллоҳ таоло айтган экан, одам болалари шошқалоқлар, бирор мушкулот бошларига тушса, шошиб қоладилар, деб... Бундан келиб чиқадики, аслимизнинг ўзи шундай яратилган экан...

Журъат Фақирийнинг бир томондан уни қўллаганидан севинса, иккинчи томондан ичдан норозиланиб қўйди. «Бунақа гапни нима қилади-а айтиб. Мен бу кишини ўртоқларим «прокуратурада ишларкан-да», деб ўйлаши учун улар билан таништирмасам, у ёқ шоирлик қилиб диндан гапириб ўтирибди-я», деган ўй кўнглидан кечди.

Шу маҳал тепаларига Самиғ келиб:

– Бирпас ўтирмайсизларми, Журъат, ўзи ҳаммадан кечикиб келдинглар-ку, – деди, ортидан эса «ана шу келганингга ҳам катта раҳмат» дегандай қўлини кўксига қўйди.

– Яна бир жойга боришимиз керак эди. Бошқа бир учрашамиз. Мана бу анҳорнинг устида бошқа болаларни ҳам йиғиб бир ўтирамиз. Нима дединг Нодир? – деб ёнидаги ҳамсоясига юзланиб, унинг дилидан ўтаётган ўйларни тахминлади Журъат.

– Албатта, албатта, шундай қилишимиз керак, – унинг сўзларини маъқуллаган бўлди Нодир, кейин Фақирийга мурожаат этиб: – Ака, ичимизда ёши улуғи сиз экансиз, бизам анча ўтирдик, фотиҳа ўқинг, бизам сизлар билан турайлик, – деди.

– Сизлар бирпас ўтиринглар, буларга ўхшаб зарур ишларинг йўқдир, – деди Самиғ.

– Бундан ортиқ ўтирадими, – деди Нодир, кейин Фақирийга қараб, фотиҳа ўқишини кутди.

Фақирий икки кафтини жуфтлаб, юзи рўпарасига олиб борди-да, хонадон шаънига илиқ сўзлар билдирган бўлиб:

– Ҳамиша мана шунақа тўйларга, ҳамиша мана шунақа яхши маросимларга, мана шунақа тўкин дастурхонларга келиб ўтириш насиб этаверсин, тўй кўраверинглар, ғам кўрманглар, – деди-да, юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди, ортидан Журъат, Нодир, қолганлар бирин-сирин ўрниларидан қўзғалишиб, эринчаклик билан ҳовлига кўтарилишди.

Ташқарига чиққанларида Фақирий Ботир ҳали ҳам кетмаганини, ҳассакашлар учун кўчага тузатилган тўгарак столдаги дастурхон

атрофида ўтирган қулоғи оғирроқ бўлган бир мўйсафидга баланд, совуқ, палағда овозда алланималарни тушунтирмоқда эди. У ташқарига чиққан меҳмонлар орасидан у ёқ-бу ёққа аланглаб Фақирийни излаб топди-да, мўйсафид билан суҳбатини ҳам чала қолдириб, чапаничасига ҳовлиққанча у томон ошиқиб:

– Э-э, Фақирий, сиз билан ҳали кўришамиз, деган эдим-ку! Мана бунақа тўйларда кўришганимизни қаранг! – деб шанғиллаб, атрофдагиларга ҳам аҳамият бермай, қўлларини паншаха қилган кўйи у томон чўзиб келди.

Фақирий унинг шанғи овозидан ҳам, шу дамда касалхонани эслатиб қолишидан ҳам чўчиб, айни паллада улар томонга қараб-қараб қўяётган Журъат ва унинг оғайниларидан хижолатланиб, Ботир билан истамайгина қўл бериб сўрашди. Уни кўпчиликдан ҳолироқ ерга бошлади.

Ботир унга эргашиб сал нарироққа юрар экан:

– Ҳа, Фақирий ака, тузалиб кетдингизми ишқилиб? – дея ярим кесатиқ аралаш унинг соғлиғини сўради.

– Раҳмат, раҳмат, – деди Фақирий, атрофдагилар унинг сирини билиб қолишларидан чўчиб ўша ёққа қараб олди. – Ўзингиз яхши бўп кетдингизми? Ўша ишдан ҳалиям хижолатдаман-да! Ўртада шайтони лаин бор экан-да! Сизни йўлдан оздиргани етмагандай, мениям йўлдан уриб, жаҳолатда ўша ишни қилишга мажбур этди-да! Шайтон йўлдан оздирди-да ҳар икковимизни!..

– Ана шуни билсангиз бўлгани, – деди Ботир. – Ўшанда жаҳл устида шу ишни қип қўйибсиз-да, а, ака? Мен шундай тушундим...

– Ана шундай деб қабул қилинг, – бошқалар диққат-эътиборини улар томонга қаратиб қолишидан чўчиб, унинг сўзларига муносиб жавоб қайтараверди Фақирий, кейин ўзига бундай гаплашишни, яна ким билан, Ботирдайин бир қаллоб билан ор билса-да, унга сал яқинлашиб, паст овоз билан: – Ўзи ўшанда Руҳияга ташланиб чатоқ қилдингиз-да, йигит кишига яраш-майдиган иш қилдингиз, – деди.

– Э, ака, ўшанда кўзга қон тўлиб турган экан-да, аммо-лекин қайчининг изини бир-бир эслаб тураман, – деди у, сап-сариқ, мертик тишларини кўрсатиб истеҳзоли, айни дамда аламли, аламини ўз вақтида олмаганидан афсуслангандай бир мазмунда хусумат аралаш совуққина иржайди. – Бошқаси бўлса еб ташлар эдим-ку, энди сиздай бир шоир акани гуноҳидан ўтдим-да! Аммо-лекин ўшанда касалхонадагиларнинг орасида соппа-соғи шу экан деб ўйловдим, буям қип-қизили экан-ку, деган хаёлга ҳам бордим ўша воқеадан кейин сиз ҳақингизда!..

– Ана ўша гуноҳимдан ўтганингиздан хурсанд-ман, – деди Фақирий, аммо дили хурсанд эмасди, бу нусхани кўрганидан, яна учрашиб қолганидан дили вайрон эди, шунинг учун ҳам бу гапни гапираётганида бурни керилиб, юз терилари тортишди. «Сўзларим носамимий чиққанини, буларнинг барини шунчаки айтаётганимни Ботир ҳам сезди чоғи», деб хаёл қилди.

– Кейин у сизга ҳеч нима демадими? – деб сўради Ботир.

– Йўқ, мени бошқа бўлимга ўтказиб юборишди.

– Буйнийларнинг ёнига ўтказиб юборишган-дир-да, – ўзича тахмин қилди Ботир. – Ўзи буй-

нийлашиб кетиб ўша ишни қилдингиз-да! Бўлмаса ўшанақа жинни-санғиларнинг орасида битта соғи сизсиз деб юрувдим! – тағин юқоридаги гапини қайтарди Ботир.

Фақирий унга жавоб қилмади. Оғайнилари билан хайрлашиб, улар томон келаётган Журъатга кўз қирини югуртириб қўяр экан, Ботир Руҳияни суриштираётганига эътиборини қаратиб:

– Фақат, Руҳия мени кўргани бир марта келди, холос, – дейишга улгурди.

– Мени ярадор қилиб, ўзлари жононнинг жамолини томоша қиптилар-да, а? – деб ярим ҳасад, ярим киноя аралаш сўради Ботир. – Майли, ҳали шошмай туринг... – яна учрашишадигандай пўписа қилди ортидан.

– Қўйинг-э, мен бола-чақали бир одам бўлсам, одамгарчилик юзасидан бир кўргани келди-да, – ундан ранжиди Фақирий, кейин Ботир билан сўрашиб, уни қаерда кўрганини эслолмаётганидан ўзи истамаган, истамагандан ҳам кўра ўзи сезмаган ҳолда уларнинг суҳбатларига аралашиб: «Ким кўргани келди?»,– деб сўраб қолган Журъатга юзланиб: – Ҳа, қўяверинг, бир воқеани эслашдик-да Ботиржон билан! Қани, кетдикми? – деди.

– Сизнинг исмингиз Ботирми? Сизни қаердадир кўргандайман-да! – деди Журъат, аммо қаерда кўрганини ҳали ҳам хотирасида тиклай олмади.

Ботир унинг укаси Суръатни танишини, у бир-икки марта ундан ўзи учун керакли бўлган гиёҳлардан сотиб олганини ва бир марта ана шу гиёҳлардан – героин истеъмол қилиб қўлга ҳам тушганини, аммо мана бу рўпарасида турган Журъат ва Суҳбат акасининг саъй-ҳаракатлари, уринишлари билан қамалишдан қутулиб қолга-

нини орқаворатдан эшитган эди. Ҳозир ана ўша воқеани айтишни истамади.

– Ҳозир суриштириб келсак қариндош ҳам чиқиб қолишимиз мумкин, – деди у ёқимсиз илжайиб, Фақирийга кўз югуртириб қўйди.

– Буни тўғри айтдингиз, – деди Журъат, – Самиғларга қариндош бўлсангиз керак?..

– Йўқ, шунчаки акаларининг яқин танишиман. Ҳай, майли, шоир ака, омон бўлинг, – деди Ботир, улар билан хайрлашиб орқасига қайтди.

Улар машинага бориб ўтиришгач, Журъат калитни бураб ўт олдирар экан:

– Бунинг жуда турқи совуқ-ку, нималарни гаплашдингиз? Биров сизни кўргани келганини гапириб бераётувдингизми? – деб сўраб қолди.

Унинг «бунинг жуда турқи совуқ-ку», дейишини эшитиб Фақирийнинг хаёлига шу дамда қаёқдандир, нима учундир асов тўлқинларни жиловлаб, тўғон қуриб, сўнг эса атрофини боғ-роғ қилиш орзусида ёнган Фауст келди. Унинг Мефистофелга айтган сўзларини эслади: «Зулм – озод руҳ учун даҳшат!»[1] «Унинг Руҳияга ўтказган зўравонлигини эслашганимиз сабаб ҳам шу хаёл калламга келди, шекилли», деб мулоҳазаланди ичида.

– Ҳа, қўяверинг, – деб кўл силтади Фақирий, Руҳия воқеасини айтиб беришни негадир истамади.

– Нега айтишни истамаяпсиз? – деди Журъат. – Ё мен учун қизиғи йўқми?!

– Бу бир аблаҳлик қилувди касалхонада ётганимизда, шуни ҳозир менга эслатиб қўяётганди...

– Қандай аблаҳлик экан? – қизиқиб сўради Журъат.

---

[1] Қуйида ва асар давомида Эркин Воҳидов таржимасида.

– Руҳия исмли бир бокира ҳамширани зўрламоқчи бўлувди.

– Руҳий касалхонадами?

– Ҳа, у навбатчиликда эканида. Бир маҳал қиз додлаб қолди. Борсам бу ҳалиги ишни қилмоқчи бўлиб унга тажовуз қилаётган экан-да!

– Сиз нима қилдингиз?

– Ҳеч қулоқ солавермовди, дўхтирни чақирмоқчи бўлган бўлсам керак-да, қўлимга қаёқдандир қайчи тушиб қолувди, шуни елкасига тиқиб олибман-да! Шайтон йўлдан оздирганини қаранг!.. – унга энди шу дамда ўзи ҳам худди Мефистофель бўлиб кўринаверди.

– Йўғ-э!

– Ҳа-а, яхши ўлмай қопти. Менингам, ўзининг ҳам, қолаверса, анави ҳамширанинг ҳам бахти, – деди Фақирий. Кўз олдига ҳалиги Ботирнинг ўша пайтдаги ваҳший қиёфасини келтирди. Хаёлан шу он: «Зулмга қарши зулм билан жавоб бериб бўлмас экан бари бир, у яна бошқа бир зулмни келтириб чиқариши ҳеч гапмас экан», деган хулосага келганидан сўнггина кўнгли ўрнига тушди, қалби хиёл таскин топди.

– У қизга теголмагандир?

– Йўқ, бахтига мен бориб қолибман, йўқса...

– Манавини нима қилишди?

– Бунга уйга жавоб бериб юборишди. Дадаси органда ишларкан, бир бало қилиб тинчитди-да! Мени бўлса бошқа бўлимга ўтказиб юборишди.

– У нимага тушган экан?

– Гиёҳвандлигини даволатмоқчи бўлган экан, шекилли. Лекин бошқа жиноятини яшириш учун ўша ерга ётқизишганми деб ҳам ўйлайман-да! Қайдам, ўзидан сўролмадим-у, аммо менга ана шундай кўринаверди-да!..

У Ботирни «гиёҳванд» дейиши билан Журъат уни қачон, қаерда кўрганини эслади. Кенжа укаси Суръат уларга қўшилиб ана шу нарсани истеъмол қилиб, ҳидлаб қўлга тушганида уни Суҳбат иккови пул бериб ишини судлаштирмай тўғрилаб олиб чиқишганида, уларникига Суръатни йўқлаб келган уч-тўртта оғайниларининг орасида кўрган, ана ўшанда ҳам Ботирнинг совуқ башараси диққатидан четда қолмай, «бунча турқи совуқ экан», деган ўй кўнглидан кечгани мана ҳозир ёдига тушди. Ана шу укаси Суръатнинг иши туфайли уларнинг исми-шарифлари компьютерга қайд этилиб, Ички ишлар органларининг картотекасига қўшиб қўйилган, шу сабабли ҳам Журъат илгари бир-иккита одамлар ўртага тушганларида ҳам, кейинчалик ҳам прокуратурага ишга киролмаганди. Ва ана шу киролмаганидан ҳали-ҳамон азият чекиб юрарди. Буни ҳозир эслашга эслади-ю, аммо Фақирийга айтишни истамагани учун ҳам:

– Мен ҳам эсладим, эскишаҳарлик бўлса керак-а? – деб сўради.

– Ҳа, шундай девди бирда, – деди Фақирий. – Отаси милиция идорасида каттароқ бир лавозимда ишласа керак.

– Ана, биттасини кўрдингиз-ку, – деб мактабдоши Нодирга ишора қилди Журъат. – Униям отаси амалдорлардан эди. Отасига ишониб мактабдалигимизда кўнглига келган ишни қиларарди. Ҳув бирда, катта кетиб, «Мен чўчқа гўштини умуман қўлимга олмайман, ҳаромдан ҳазар қиламан», девди. Нимадир бўлиб, бир куни айланиб Олой бозорининг ёнидаги гастрономларига кирсам ўз қўли билан бир аёлга колба-

са тортиб бераяпти-да! «Ҳаромдан ҳазар қилиш шуми?» демоқчи бўлдим-у, аммо юзим чидамади ана шу гапни айтишга. Боя гапларини эшитдингиз-а? Бир ўша гапини ўзига эслатмоқчи бўлиб: «Колбаса сотиб турибсанми?!» демоқчи бўлдим-у, лекин бу сафар ҳам тилимни тийдим-да!..

– Тўғри қилгансиз. Бировнинг камчилигини юзига айтмаганингиз яхши. Сиз шуни айтмасангиз ҳам ўзи айбини сезган бўлиши керак, – деди Фақирий.

– Қаерда сезади, – овозига эрк берди Журъат. – Кўрдингиз-ку уни, ҳар гапида мендан айб топмоқчи бўлади. Мени кўролмайди у. Буни жуда яхши биламан, – у шундай деб, «ҳе уни» қабилида қўл силтади, сўнгра машинасини Камолон дарвозага томон бурди-да: – Нима дейсиз, шу ёққа келганимизда мозорни бир зиёрат қилиб чиқайлик. Адамнинг қабрлари тепасида Қуръон тиловат қилмаганимгаям анча бўлди. Кўпда тушимга кириб чиқяптилар, – деди.

– Тўғри айтасиз, мозорга кириб чиқса одам тозаланади – дили мусаффолашади, ғубори арийди, – унинг ниятини маъқуллади Фақирий.

Журъат пастликдаги йўлга тушиб борганларида машинасини ўнгга, Хўжа Аъламбардор қабристонига олиб чиқадиган кўчага бурди.

37

У «Жигули»сини қабристонга туташтириб қурилаётган янги маҳобатли, баланд масжид ёнида тўхтатди-да, Фақирий билан олдинма-кетин тушиб эшигини қулфлади. Муқаддас жойларга қадам ранжида қилгани учун юзига фо-

тиҳа тортиб қўйди. Қўлидаги уяли телефонини кенг қилиб тиктирилганидан уни яна ҳам савлатли қилиб кўрсатаётган араби қора шойи шимининг орқа киссасига солди-да, беш-ўн қадам юриб, ичида ва атрофида қурувчилар куймаланаётган масжид биноси яқинига борди, унга пича разм солди, сўнг эса орқасидан эргашиб келган Фақирийга томон ўгирилиб:

– Бир келганимда иш тўхтаб қолган эди, йўқ, яна бошлаб юборишибди азаматлар, – деди, бундай баланд бинолар олдида ўзини бошқача ҳис этгани учун бу гапни ўзгача оҳангда – ўзини баланддан олиб дараклади, ҳамроҳига мана бу гапни ҳам ички бир фахрланиш туйғуси билан маълум қилди: – Буни ким қураётганини биласизми?!..

Фақирий шу атрофларда янги ўзбеклардан чиққан бир бой-бадавлат киши масжид қурдираётганини эшитган, кейинчалик у амакисининг йигирмасида ана шу янги давлатмандлардан бўлган, ёши қирқ билан эллик оралиғидаги ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган, малла сочли, кўккўз, кенгманглай, халқ орасида Аҳмад Катта номини олган бу хушсурат, хушбичим йигитни кўрган, у Фақирийнинг кеннойисига жиян бўлиб чиққан, ана ўша маросим охирлаганда кеннойисининг акаси Восил ака, Фақирий, яна уч-тўрт ҳассакашлар одамларни кузатиб бўлиб, энди ош ейишга ўтиришганида ана шу бойвачча икки шериги билан ҳаммадан кейин ширакайф кириб келган, олдига қўйилган ошга ҳам, атрофдагиларга ҳам у қадар аҳамият бермай тоғаси Восил ака билан суҳбатга берилган, ўзининг ҳозирда Қибрайда шифоланаётганини айтиб, ичиб олган арағи таъсири остида чапани-

часига тоғасини ҳам ўша ерга олиб кетишини маълум қилиб қистаган, «Бир-иккита ҳурлиқо ҳамшираларнинг хизматингизни қилиб, белингизни уқалаб қўйишади, кейин тагингизга эрони гиламларини тўшаттириб бераман», деб катта оғиз гапларни қилган, унинг қўли узун, бой-бадавлат эканлиги учун ҳам ёши бир жойга бориб қолган тоғаси у кўрсатмоқчи бўлган «мурувватига» қарши бир оғиз сўз дея олмаган, фақат атрофдагилардан, айниқса, Фақирийдан хижолат чекиб, гапни бўлак мавзуга буриб, жияни масжид қураётгани учун, боз устига, айни паллада поччасининг маъракасида ўтирган бўлгани важидан ҳам ҳар икковларига таниш бўлган бир домлани тилга олганида у қорини бўралатиб сўкиб қолган, масжид қураётган одамнинг дин пешвосини оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишидан ҳангу манг қолган Фақирий унинг ҳолатини жиддий кузатаётганини сезиб қолиб, унга нигоҳини қаратиб, «мени уларни сўкканимга аҳамият берманг» дегандай бир қўл силтаб: «Ошга қаранг, ака», деган, ундан уч-тўрт ёш ё катта ё кичик бўлган Фақирий у «ака» деб чўзиброқ мурожаат қилгани учун ҳам унинг ҳар бир ҳолатини эслаб қолган, ўша пайтдаги Аҳмад Каттанинг ўзини тутишидан келиб чиқиб, Фаустнинг: «Мен тангри монанди саналган бир зот Ўзни илоҳий деб билибман чиндан Гурур кўр қилибди кўзимни ҳайҳот Ҳаддимдан ошибман. Айб ўтди мендан...», деб ўзига танқидий қараганларини эслади, ана шуларни эслаш баробарида: «Инсон зотининг аслида ўзини юқори тутиш, осмону фалакда олиш қусури бор экан-да, Яратганнинг ўзи бу нарсани унинг уруғига со-

чиб қўйган экан-да!», деб мулоҳаза, муҳокама юритганлари ҳам шу дамда ёдига тушган, ҳозир Журъат: «Бу масжидни ким қураётганини биласизми?», деб сўраши билан оқ-сариқдан келган, қирра бурун, чапанисифат ўша йигитнинг маросимдаги ўтириш тарзию ўзини тутишлари, унга қилган муомаласи яна бир бор кўзи олдидан ўтдию «ўша Аҳмад Катта қураётган масжид шу бўлса керак», деган фикрга бориб:

– Ҳа, ҳа, бирда эшитгандай бўлувдим, – дейиш билан кифояланди.

– Шу ерлик сариқ Аҳмад ака қуряпти. Бир ўзи қуряпти, – таъкидлади Журъат, кейин юзига яна бир марта фотиҳа тортган бўлди-да: – Бизларга ҳам насиб этсин шунақа масжидлар қуриш, – дея ўзига-ўзи ният билдириб қўйди.

– Бир ўзи қийналиб қолмасмикин, – масжиддан кўз узмади Фақирий.

– Беш-олтита оғайниларим айтишибди. Бир ўзинг қийналасан, бизлар ҳам ёрдамлашайлик, бирга қуришайлик, дейишибди. Аммо унамабди.

– Ўшаларнинг гапида жон бор. Тўғри қилмабди, – ўйланиб қолди Фақирий.

– Ака, нима дейсиз энди, пули бор, дўконлари ишлаб турибди, цехлари ичимликлар чиқариб ётибди, бу дунёга келиб бир савоб иш қилай деган-да, қандини урсин!.. Мана ҳозир кимсан «Аҳмад Катта Комолон дарвозада масжид қуряпти», деган гап ҳамманинг оғзида достон бўп юрибди. Кексаю ёш ҳақига дуо қилиб, соясига кўрпача соладиганлар ҳам кўпайиб кетган. Сариқлиги нуқсони эмас, фазилатига айланиб, эл-юрт ичида «Аҳмад Катта» номини олиб, одамлар ўртасида шов-шув бўп юрибди.

Фақирий «бизнинг одамлар сал бойиса босар-тусарини билмай қолади-да», деган хаёлга бориб: «Бунақа муқаддас жойларни ғурурга кетиш ёхуд обрў олиш учун қилиб бўлмайди», демоқчи бўлди-ю, аммо Журъат берилиб, масжид қураётганга ҳавас қилиб сўзлаётган бўлгани учун, иккинчи томондан, «Бировнинг оламшумул ишига Фақирийнинг ҳасади келяпти», деган фикрга бормаслиги учун ҳам:

– Аввало, Худо қувват берсин. Мен унинг ҳақини еяётганим йўқ. Меники таҳассуб, аммо бунақа эзгу ишларни кўпчилик баҳамжиҳат бажарганда яхши бўларди, янаям мазмунли бўларди демоқчиман, холос, – деди.

– Э, ака, шерикли ошни ит искамас дейдилар, – такаббурона кулди Журъат, қошларини паст-баланд чимириб: «Сен ўқиган китобларни менам варақлаганман», дегандайин бир мазмунда Фақирийга боқди-да: – Бу Аҳмад Катта деганлариям анойилардан эмас, анча ақлли одамлардан. Ақлли одам бўлмаса бунақа катта пул топмасди, иннайкейин, мана бунақа масжид сололмасди. Худо ҳам юқтирган-да! Анави, кимнинг китобида эди, бир бўзчи айтади-ку: «Сиз Бухоройи шарифда ўқиб келиб маҳаллага имом бўлолдингиз, бу кишим эса Солиҳ маҳдумнинг мактабини тугатиб Худоёрнинг сармуншийси этиб тайинланди», деб... Кимнинг асари эди ўша? – Фақирийни синамоқчи бўлиб, бошқа томондан «бизам китоб ўқиб турамиз, китобфурушлик қилмасак ҳам, ё шоир-ёзувчи бўлмасак ҳам», дегандай бир тарзда Фақирийга саволомуз ҳам мутакаббирона кулиб сўради Журъат.

Фақирий янги бошлиғи унинг устидан кулмоқчи бўлганини туйса-да, ундан ранжимади, билъакс у шу йўл орқали ўзининг ҳам тафаккурини чархламоқчи, устига-устак, «мениям синамоқчи, бунга у ҳақли», деб ўйлагани учун ҳам:

– Бу келтирганингиз парча Қодирийнинг «Меҳробдан чаён»идан. Асардаги Сафар бўзчи Анварнинг мирзабоши бўлиб тайинлангани хушхабарини эшитиб, унинг уйига ташриф буюриб қайтишаётганида шу маҳалла имоми мулла Абдураҳмонга айтади. У Анварни кўролмайдиган бир одам бўлгани учун унинг қитиқ патига тегади-да Сафар бўзчи.

– Аҳмад ака анойилардан эмас деётганим ҳам, шерикли ошни ит искамас дейишимнинг боисиям шундан-да! Буни кўролмай, унга шерик бўлволмоқчи бўлганлар тарихда номим қолсин деб ўйламайдими? Ундан кейин, жаннатга киришгаям шериклик қилмайди деб ким кафолат беради? Ана шунинг учун ҳам улар шерик бўлмоқчи-да! Мақсад – «менам масжид қурганман», дейиш, мақсад – жаннатга бирга кириш!..

Фақирийга Журъатнинг мана бу гаплари бир томондан касбига хос туйилса, иккинчи томондан эриш туйилди, яна бу фақат Журъатга хос эмас, бугунги кўпгина янги ўзбекларнинг, хаёлида мулкдорлик ҳисси уйғонганларнинг гапига, ўй-фикрлаш тарзларига хос туйилди. Шунинг учун ҳам Фақирий унга ибратомуз гап қилмоқ истагида деди:

– Бунақа эзгу ишлар ғурурга кетиб, оқибатини ўйлаб қилинса ёки ажру мукофотини истаб – жаннатга кириш орзусида қилинадиган бўлса, фойдаси қолмайди. Булар Оллоҳ учун, муҳими,

қалб эҳтиёжи учун қилинсагина мазмун касб этади, деб ўйлайман...

Журъат шимининг киссасидан сигаретини чиқариб тутатиб олди-да, чуқур хўрсиниб қўйди. Кейин уни мириқиб ичига тортди.

– Буни чиройли айтдингиз, – деди Фақирийга қараб.

– Буни мен эмас, Лев Толстой ёзган бир рўмонида. Ўзини уч марта осмоқчи бўлган Левин деган бир қаҳрамони оддий бир одамдан яхшилик қилиш борасида шунга яқин гапни эшитиб, даҳшатга тушиб кетади. Бўлмаса у не-не файласуфларни ўқиган бўлади. Арастую Афлотун дейсизми, Шеллинг, Гегел, Спиноза, Бекон, Перикл... Охири, бир кишидан шу гапни эшитади-ю, бу нарса унинг ҳаётини бошқа кўчага буриб юборади. Дунёга, одамларга, ҳаётга қарашлари, муносабатлари ўзгариб кетади...

Журъат ана шу ерга келганидан, Фақирийнинг оғзидан ўзига нотаниш бўлган ҳар хил донишмандларнинг номини эшитганидан, у билан ақлли гапларни гаплашаётганидан руҳи енгил тортгандай бир хўрсиниб қўйди-да, кейин чала чекилган сигаретини ёнидаги ариққа ташларкан:

– Мен ўзингизнинг гапингизми деб ўйлабман, – деди Фақирийни камситгандай оҳангда, сўнгра билағонлик қилгандайин бир қиёфага кириб: – Бари бир жаннат орзусида яшаш яхши-да, – дея шеригини масжидга туташган қабристоннинг ён томонидаги кичиккина эшигидан киришга ундади.

– Бунинг учун кўп нарсадан воз кечиш керак-да, – деди унга эргашган Фақирий.

– Бу энди ўзингизнинг гапингиздир, – деб унга ўгирилиб кулиб қўйди Журъат, кейин ён-атрофи-

даги паст-баланд, панжарали-панжарасиз, мақбарали-мақбарасиз, мармардан тоши бор, тоши йўқ қабрларга кўз ташлаб қўяр экан, йўллар кесишган жойдан қабристоннинг адоғига олиб борадиган қисқароқ ёлғизоёқ йўлга бошлади.

– Йўқ, беихтиёр айтиб юбордим. Аслида Оллоҳнинг сўзлари. Бой-бадавлат, мансабдор, мулкдорларга қарата айтилган-да!..

– Қуръонданми?

– Ҳа. Уларнинг жаннатга киришлари учун кўп нарсадан воз кечишлари кераклиги айтилади. Умуман давлатманд одамларга мушкул экан-да, афсус... – деб ёнидаги нигоҳини ўзига қаратган қора мармар тош ётқизилган қабрга қараб қўйди Фақирий, кейин ички бир қўрқув билан дарров сал нарироқдаги фақирона қабрларга ҳам кўз қирини югуртириб олди.

– Нега афсусланасиз, Фақирий? Улар ҳам йўлини қилиб қўйгандирлар. Оллоҳга хуш келадиган ишлари кўпдир... Ҳар ҳолда, боя айтганимдай, мансабга чиқиб олган ё бўлмаса пул топган одам ақл ҳам топади...

– Яна айланиб бояги суҳбатга келяпмиз. Яратган туяни игнанинг орасидан ўтказишга қодир экан. Бу – «Қуръони карим»да ҳам, Исо алайҳиссаломга тушган «Инжил»да ҳам ёзилганини айтяпман-да! Ҳар бир нарсани кўриб, сезиб тураркан-да! – деди Фақирий, хаёлидан ўзини Исо Марям ўғли салафига мансуб зотлардан санаб, руҳий дард-изтироб чекиб юрган кезлари хотирасида жонландию, яна ўша дард хуруж қилиб қолишидан чўчиб, бир сесканиб қўйди. Кейин у ҳолатга тушишига ҳеч асос йўқдай, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига танқидий баҳо бера-

ётганини яна бир синаган бўлди, кўнгли хийла ўрнига тушди. «Одамзодга ақл – ўйлаш, фикр қилиш, мулоҳаза юритиш, хулоса чиқариш каби вазифаларни бажариши учун берилган-да», деб қўйди ичида.

– Шак келтириб қўймайлик демоқчисиз-да! – унинг кўнглидан кечганларини сезгандай жавоб қайтарди Журъат.

– Худди шундай, – деди Фақирий. – Ундан кейин, сезяпсизми, қабристонга келиб одамзод умуман бошқа ҳолатга тушиб қолади. Кайфиятини, руҳий ҳолатини назарда тутяпман-да!..

– Ҳа, – деди Журъат, баҳорда келганида кўмкўк бўлиб ўсиб ётган майсалар қовжираб, хас-хашакка айланганига эътиборини қаратди. – Бойлик ҳам, елиб-югуришлар ҳам, касбу коринг ҳам уч пулдек. Ҳаммаси мана бу босиб кетаётганимиз хас-хашакдек туйилиб, ҳар қачон ҳам уни тепиб ўтиб кетавериш мумкиндай кўриниб қолади.

– Тўғри айтдингиз, – деди Фақирий. – Аммо баҳорда келганингизда кўм-кўк бўлиб ўсиб ётган майсаларни босишга ҳам кўзингиз қиймасди, шундаймасми?..

– Нима, сиз авлиёмисиз? – таажжубланди Журъат.

– Нега ундай деяпсиз?!

– Мен ана шуларни ўйлаб кетаётувдим. Фикримни уқяпсизми дейман-да?!

– Йўқ. Бу ерларга келганда одамнинг ҳис-туйғуларим покланади. Ана шуни назарда тутиб айтяпман. Турмуш ташвишлари унутилиб, одам руҳий дунёсини ўйлаб қолади. Ҳаёт ҳам унга мангуга берилмаганини, жуда тез ўтиб кетиб, қазойи муаллақ яқинлигини эслатади. Яна кўп бошқа нарсаларни... Менимча, қалб деганлари, баҳорда

кўм-кўк майсаларга шудринг қўнганини эслайсизми, тонгда, энди қуёш кўтарилганда, шамол уларни тебратганини... обдан чарчаган, ҳорғин одам манглай терини сидириб ташлагандаги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг – юраги гуп-гуп уриб, руҳи енгил, осмонга кўтарилгандай бўладию?.. Майсалар ҳам шудрингни ана шундай сидириб ташлайдигандай... Менимча, қабристонга келганда, қалб ҳам мана бу хас-хашакдан қутулгандай, ёмон ҳис-туйғулардан халос бўлиб, қалб ҳам худди ўша баҳордаги шудринг қўнган майсалар янглиғ ям-яшил бўлиб тебраниб турса керак... Тозаланиб турса керак демоқчиман-да!..

– Ҳақиқатда шоир экансиз-э! Жуда чиройли гапирдингиз!..

– Йўқ, йўқ, дилнинг ҳар сонияда ўзгарувчанлиги ҳақида Ҳадиси шарифлариям бор Пайғамбаримизнинг! Мен ана шу лаҳзада ҳаётда шунинг гувоҳи бўлганим учун бу ҳолатни баҳорий бир кайфиятда чизиб бермоқчи бўлдим, холос!.. Аммо, биласизми, ана шуларни сизга айтиб беришим билан руҳим сўниб қолгандай ҳис қиляпман ўзимни... нафасим ичимга тушиб кетгандай бўлди...

– Нега? – ажабсинди Журъат.

– Менимча, бу қабристондаги одам ҳолати билан боғлиқ. Бунақа жойларда тўлқинланиб сўзлаб бўлмас экан. Бу эсини таниб қолган одам учун хунук кўринаркан. Ўзимни ёмон кўриб кетдим шу дамда...

– Нега, ахир? Илгарилари ўликларнинг тепасида нутқ ҳам сўзлашарди-ку?! Шеърлар, марсиялар ўқишарди!

– Шунинг учун ҳам шеър ўзининг кўтаринкилиги билан ёлғон саналаркан-да! Ҳақиқат юки-

ни кўтаролмас экан-да! Ана шундай мулоҳазалар айтилган Илоҳий китобда, – деди Фақирий, кейин Журъат унга ҳайратлангандай қараб турганини кўргач: – «Ҳақиқат юкини кўтаролмас экан-да!» деганим ўзимнинг гапим. Ҳозирги иккаламизнинг ҳолатимиздан келиб чиқиб шу хулосага келдим. Қайдам, эҳтимол, бу ҳам бор гапдир!

– Сиз билан зерикмас эканман, – деди Журъат, Фақирий унга жавоб қайтармагач, у ҳам то отасининг қабрига етгунича уни гапга тутмади.

Фақатгина ёлғизоёқ йўлдан каттароқ асфальтланган йўлга чиқиб олиб, анчайин эскириб, устунларидаги кўк бўёқлари ҳам ўчиш ҳолига келган, устига ёпилган тўллари пастга ағанаб тушиш ҳолатига келган шийпонга яқинлашганларидагина Журъат рангидан қон қочиб, алланечук маҳзун қиёфада Фақирийга ўгирилиб:

– Ана шу шийпоннинг нариги томонида адамланинг қабрлари, – деб унинг орқа тарафига ишора қилди.

Фақирий «ҳа, шундайми», дегандай тарзи бош тебратди.

Улар икки туп бодом дарахти тагидаги ғишт билан ишланган, тепа қисмига оқ тунука ёпилган, киши эътиборини ўзига тортувчи мақбарали қабрнинг ёни билан ўтишаётганда Журъат унинг ҳошиясига битилган араб алифбосидаги ёзувларга диққат-эътиборини қаратаркан, Фақирийга сўзланиб:

– Менам ғиштни чегалатиб, ана шунақа мақбарали қилиб ишлатмоқчи бўлгандим, уйимда хоразмлик усталар ишловди, ҳовлимда, аммо бир кишига маслаҳат солувдим, «Бунинг юки бор, ука, отангиз неча ёшда вафот этганлар?»

деб сўради. Мен элликдан сал ўтиб вафот этганларини айтдим. Бу нарсанинг ҳосияти бўлмайди деган бир гапни айтгани учун ўзимни бу ишдан тўхтатдим, – дея маълум қилган бўлди.

– Тўғри маслаҳат берибди ўша одам. Ортиқча юкнинг нима кераги бор, – деди Фақирий. – Кейин, ҳамма нарсанинг оддийси яхши...

– Унинг тагида бошқа ҳам гап бор экан, – Фақирий фаҳмламади деб ўйлади Журъат. – «Занги бува»га жума номозига борайлик, сизга кўрсатаман у одамни. Жуда ғалати одам. Борганимда елкаларимга қоқиб-қоқиб қўяди. Руҳим енгил тортади. Бир куни тушимгаям кирибди у одам. Икковимиз адамланинг қабрлари тепасида Қуръон тиловат қилиб ўтирибмиз-да!..

Фақирийга Журъатнинг бу гапи таъсир этиб, вужудини сескантириб юборди. Ўша одам ўзи сезмаган ҳолда қоп-қора соч-соқоли ўсиб, ўткир нигоҳда одамларга меҳр-мурувватда боқувчи, афтода, бечораҳол – бошига кулоҳ, эгнига жанда кийиб олган, қўлига узун ирғай ёғочдан ҳасса ушлаган Исо алайҳиссалом сиймосида унинг кўзи ўнгида гавдаланди. Туйқус кўнглидан: «Э, Худо, яна эсдан оғиб қолмаяпманми?» деган ўй ўтди, ўтдию худди бу дилидан ўтган ўйини Журъат сезиб қолишидан чўчигандай қиёфада:

– Қаландарнамо бир одам бўлса керак-а? Жудаям юпун уст-бошдамиди?! – деб сўради, бундай авлиёсифат одамлар унга ана шундай кўринишда юрадигандай туйилди гўё.

Журъат Фақирийнинг сўзларидан болаларча ҳайратланган бўлиб:

– Сиздаям бир бало бор-да! Ўшандай уст-бошда! Ўзиям ота-боболарим фақирлик билан умр-

гузаронлик қилган қаландар, дарвешсифат бир одамлар ўтишган эди девди! Пул берсам қўли билан ушламайди. Ерга қўйинг дейди, – деди.

Журъатнинг гапларидан таъсирланган Фақирийнинг ёдига узоқ болалиги тушиб кетди. У эрта тонгда нон дўконига кетаётганида ҳам Кайковус бўйидаги кичик бир хонадон рўпарасида, сув жўмраги ёнида қизил юзли, узун соқол қўйган дарвешнамо, қаландарнамо бир одам қишин-ёзин совуқ сувга ювинаётган бўлар, унинг уст-боши бир ҳолатда, оёғида эски калиш, сал нарида, асфальт йўл четига эски қийиқча ёзиб қўйган, ўтган-кетган ана шу қарғашойи қийиқчасига атаган пулини ё бўлмаса нон, қанд-қурс, мева-чева ташлаб ўтиб кетар, у эса ана ўшаларнинг ортидан муздек сувда ювавергандан қип-қизил бўлиб кетган рапидадек кенг кафтларини жуфтлаб юқорига ёзиб олганча анчагача дуо қилишини қўймасди. Фақирий ана шуларни эсларкан, яна қаёқдандир ёдига Ўлмас асар тушиб, қоп-қора тунда ишлаётган Фауст олдига кириб келган хизматкор Вагнернинг берган саволига жавоби бир сонияда хаёлидан ўтди: «Баъзилар ўтмишни қилганда хаёл, Бир ҳужра кўринур тўла чувринди, Баъзиларга эса ўтмиш бамисоли, – Қўғирчоқ ўйини бўлиб кўринди».

Ҳар икковлари бир неча дақиқага қабристон сукунатини бузиб чириллаб сайраётган чигирткаларга аҳамият берган бўлдилар-да, кейин яна йўлда давом этдилар. Хас-хашакдайин сарғайган ўт-ўланларни босар эканлар, оёқлари тагида ҳам қора, оқ чигирткалар чир-чир қилиб сайраб, сакраб ўтганларини кўриб, бир-бирларига ярим табассум билан қараб олдилар-да, яна одимлаш-

га тушдилар. Анча юргач улар катта панжара билан ўралган, ёнма-ён қўйилган қабрлар ортига ўтишди. Яна уч-тўртта мармар тошли қабр келди, унинг ўнг ёнидаги ёшгина ёнғоқ соясида ҳам янги сомонли лой билан сувалган қатор панжарали, атрофига икки-уч хил гуллар экилган қабрларга дуч келишди. Бу қабрларни бошқа қабрлардан ажратиб турувчи бир одам сиғарли торгина йўл билан ўтишди-да, унинг орқасидаги олди тарафига икки-уч киши сиғарли ўриндиқ ўрнатилган, бир хил кумушдайин ялтироқ оқ ҳалли бўёқ суртилган, аммо ўнг томондагиси кенгроқ ва баландроқ, чапда, ҳошиясидаги бир бўлак мармар ёзувга аёл киши экани битилгани эса пастроқ, қалинроқ темирдан, жимжимадорроқ қилиб ишланган панжаралар билан ўралган қабр рўпарасига келганда Журъат тўхтади, ён атрофига кўз югуртирди, сўнг эса ҳар икки гўр орасидаги сувсизликдан қовжирай бошлаган наъматакка, чап томонга сал илгарироқ экилгани маълум бўлиб, шохлари ҳам қабр устига тарвақайлаган қирқоғайнига, орқа ва ён томонлардаги иссиқдан гулларини тўкиб, атрофини чирмовиқлар ўраб олган бир текисда экилган атиргулларга бутун диққатини қаратган бўлди-да:

– Гўрковнинг ўғлига ҳар келганимда гулларга қараб тур деб пул ташлаб кетардим. Яна сув бериш эсига келмаган кўринади, қовжираб кетибди гуллар, – деди-да, кўп гапида пулни орага қўшаверишидан норозиланган Фақирийга ўтиринг дегандай мазмунда ўриндиққа ишора қилди. Фақирий ўриндиққа ўтиргач, у яна ўнг томондаги қабрнинг у ёнини-бу ёнини айланган бўлди-да, сўнгра ўриндиқнинг бўш ерига

дастрўмолини солиб, устига ўтирди. – Мана шу ўнгдагиси адамники, ёнларидаги гўр синглиларининки бўлади. Исмлариям ёзиб қўйилган-ку! Хадича аммамники. Раҳматли мени яхши кўрарди бу аммам. Бултур оламдан ўтдилар, – деб Фақирийга қараб сўзланди-да, сўнгра марҳум отаси ва марҳума аммаси руҳига Қуръон тиловат қилишга тушди. Фақирий унга соме бўлиб бош эгиб ўтирди.

Журъат Қуръон тиловат қилиб бўлиб, ҳар иккови юзига фотиҳа тортгач, Фақирий ҳам унинг ҳурмати учун, иккинчи томондан Журъатнинг «сиз отамга ўхшаркансиз»ини эслагани важидан:

– Менам ўқиб юборақолай, – деди-да, у ҳам тиловат қилишга киришди.

Журъат унинг тиловатидан сўнг юзига фотиҳа тортаркан, бир хўрсиниб қўйиб:

– Мана шу ерда ётибдилар адам раҳматли, – деди, анчагача отасининг дўппайган, сомонли сувоғи устини қовжираб, қуриб қолган ўт-ўлан қоплаган гўридан кўз узмай ўтирди.

– Ҳа, анча ёш вақтларида оламдан ўтган эканлар, – деди бир пайт Фақирий. – Эллик ёш энг қирчиллама ёшлардан-да эркак киши учун.

– Нимасини айтасиз. Мен энди армиядан келувдим.

– Уйланганингизда бормидилар?

Журъат «йўқ» дегандайин бош чайқатди-да, сўнгра киссасидан бир дона сигаретидан суғуриб чиқарди. Уни тутатиб, баайни ҳамма нарсага бефарқ қарагандай бир қиёфада қабрнинг бир нуқтасига тикилганча:

– Ана шуниси алам қилади-да, ана шунга сиқиламан! Ҳеч бўлмаса менинг тўйимга етолмадилар раҳматли адам! – деди.

Фақирий унинг дардига ҳамдарддай маъюс боқиб:

– Юракмиди? – деб сўради.

– Юрак эди, – деди Журъат, сўнг эса кўзларини кичрайтириб, отасининг касал бўлиш омилларини ўйлагандай, ана шу ўйлаш баробарида кимлар биландир келишолмай, кимлар биландир даҳанаки жангга киришиб, юзларида гоҳ самимий, гоҳ эса носамимий белгилар ифодаланди.

– Юракнинг иши қийин, – деди Фақирий, унинг фикрини уққандайин бош силкиб қўйди.

– Инфаркт бўлишларининг анча сабаби бор эди-да, ака, ҳаёт жуда эзиб ташлаганди адамни. Бобом ўлиб кетганлар, жўжабирдай оналари, учта сингил, иккита уканинг бутун ташвиши у кишининг гарданида бўлган-да! Уларни узатдилар, уйлантирдилар... Аммо бирортаси қадрларига етгани йўқ. Устига-устак, ҳаммаси жойни жанжалини қилди. Кичкина, эски ҳовлида яшаймиз ҳаммамиз. Бизлар ҳам тўртта бола. Биз – уч ўғил, бир қизнинг ташвишимиз етмагандай, хотинларим эзиб юборди-да у шўрликни...

Фақирий унинг сўнгги сўзларини эшитиб, ялт этиб унга қараб қўйди. Бир нарса демоқликка тараддудланди-ю, аммо ийманди.

Журъат унинг қараши сабабини сезгани учун ҳам:

– Ҳа, сиз онамизнинг феълларини билмайсиз. Ишхонамга бориб мени, ўз ўғилларини чунон ёмонлабдиларки, асти қўяверасиз, – деб юборди, ортидан бу гапни гапирмаслиги кераклигини ҳис этгани учунми, сигарет чекишга киришди, «ҳа, уни» дегандай қўлини силтаб қўйди.

Фақирий бошлиғига нима дейишини билмагани боис:

– Ёмон бўлгин демайди-ку оналар, – деб юборди.

Журъатга у ҳам тоғасининг насиҳатомуз гапларини айтаётгандай бўлгани учун дийдиё қилишда бошлади:

– Ўша пайтда мен пул топишим керак эди, тушуняпсизми? Уйда аҳвол ана унақа! Отам ўлиб кетди! Укалар қолган, уларни оёққа турғизишим керак эди. Иккинчи томондан, бир жойга кириб ўқиш ниятим бор эди. Уйланишим керак, жой олиш... Амакилардан фойда йўқ деяпман-ку!.. Дўконга кириб ишлай бошлагандим, бошлиғим бир аёл эди, уям охир-оқибат менга душман бўлиб чиқди. Шунга бориб дийдиё қилсалар-да! Топган пулларимнинг ҳаммасига мол олиб уйга келтириб қўювдим. «Шунча молни қаёқдан олган бу!» деб бориб тўполон қилсалар-да! Ўша пайтлар ўзимни ўтдан-чўққа уриб юрган кезларим эди! Ҳаммасини мана шу қўлларим, мана шу каллам, кечаю кундуз тинмай қилган ҳаракатларим туфайли топгандим... Савдони биласиз, бой касб...

– Оналар фарзандимга зиён етиб қолмасин деб қилади-да бу ишни. Мана мениям ойим ҳалигача еру кўкка ишонмайдилар, ҳалигача бола фаҳмлайдилар, мундоқ ўйлаб қараса, қирқ бешни ўриб қўйганмиз, – деб унга тасалли берган бўлди Фақирий.

– Ҳе, сиз уларни билмайсиз. Болалигимдаям кўп калтак ердим. Мени бувим катта қилганлар. Уйланишимга эса, мана, кимлар ўтмаган жойда ўтирибмиз, мана бу ер остида ётган раҳматли аммам сабабчи бўлганлар. Адамни бошқа яқинларидан яхшилик кўрмадим, аммо мана шу аммам бир яхшилик қилиб кетдилар. Уйла-

нишимга, оилали бўлишимга сабаб бўлдилар. Бир куни, ўша кезлари, мендан ёши кичикроқ Мансур деган ўғиллари бор-да, ҳозир мелисада ишлайди, шуни уйлантирганларидан сўнг тушларига адам раҳматли кирибдилар, аммамдан ранжиганмишлар. «Менинг ўғлим қолиб, дарров ўзингнинг ўғлингни уйлантирдинг, аввал Журъатни бир ёқли қилишинг керак эди», дебдилар-да! Ана шу кўрган тушларини Мастон бувимга келиб айтганларидан сўнг икковлашиб ҳаракатга тушиб кетишди. Охир-оқибат, бувим бош бўлиб, бу ёқда аммам, келинининг тоғаси бор экан, шу одамнинг қизини менга олиб беришди... Менинг ҳаётим ҳам бир китоб дейман-ку ҳали сизга, – деб ҳазин бир авзода синиқ жилмайди Журъат, сўнг эса ўрнидан қўзғалиб қўлидаги сигаретини сал нарига, қабрлар сийракроқ бўлган бетон девор томондаги сайҳон ерга чертиб юборди-да, яна қайтиб келиб ўриндиққа кетини қўйди. – Мана шунақа гаплар. Хуллас калом, ҳаммасига адамнинг эрта ўлиб кетганлари сабабмикин деб хафа бўламан-да баъзан, – деб чуқур хўрсиниб қўйди Журъат.

Фақирий у онасини бошқа ерда эмас, нақ қабристонда ёмонлашини ҳазм қилолмай ич-ичдан ундан норозиланиб сиқилса-да, бу ҳолатини ташқи белгиларда ошкор этмади, яна унга шу дамда дакки-дашном ҳам бермади. «Мавриди келиб ўзи қилган хатосини тушуниб етади», деган хаёлга боргани учун ҳам:

– Ҳаммаям ўлади. Ҳеч ким бу нарсадан қочиб қутулолмайди. Аммо бемаҳали ёмон, – деди.

– Ҳай, майли, нимаям қилардик, – деди Журъат, кейин бир нарсадан чўчигандай қиёфада: –

Бояги гапни ҳеч зоғга айтманг, – деб огоҳлантирган бўлди.

– Қайси гапни? – уни тушунмади Фақирий.

– Опам ҳақида айтиб юборганларимни-да!

– Йўғ-э, бунақа нарсани айтиб бўладими?! – ажабланди Фақирий.

– Тағин Зоҳидгами, дўкондаги битта-яримтагами айтиб қўйманг дейман-да! – хавотирланди Журъат, сўнг эса: – Тағин бир Қуръон ўқиб юборай, – деди-да, қироатини келтириб тиловат қилишга тутинди.

Фақирий унинг тиловатига соме бўлиб ўтирар экан, «Буям қизиқ экан, мозорга отасини зиёрати учун келди-ю, аммо онаси устидан шикоят қилиб кетяпти. Мозорга нима учун келдию нималарни менга сўзлаб берди? Яна «биров билмасин», деб қўрқувга ҳам тушяпти», деб ўй сураркан, тағин «Фауст»ни эслади: «...Кимсан айт! Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб – яхшилик қилувчи кучнинг бир қисми». Ана шуни хотирлаб: «Одам боласининг ожиз томонлари кўп экан-да», деб мулоҳазаланиши ҳамоно мазкур мулоҳазаси ҳам Иблиснинг «Ожизлар-чи ўзларидан ҳам ожизларни талаб туради», деган кинояли пичингига ҳамоҳанг туйилгандек кўрингани учун ҳам ўз хулосаларидан ич-ичдан хижолатланиб: «Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган банда эканмиз-да», деб қўйди. Кейин Журъат юзига фотиҳа тортганини кўриб у ҳам юзига фотиҳа тортди-да, бошлиғи билан олдинма-кетин ўрниларидан қўзғалиб, қабр ёнини тарк этдилар.

Иккови қабристон дарвозасига етгунга қадар чурқ этмай олдинма-кетин юриб келавердилар. Қабристон дарвозасига етганларида сал орқароқда келаётган Фақирийнинг хаёлини Журъат

ҳақида олган дастлабки таассуроти банд этишини қўймади. «Қизиқ-да, бари бир, – деди у ўзига-ўзи. – Ёш бола десанг ёш бола эмас, катта десанг ёш болага ўхшайди».

Шу пайт ёнларидан эски велосипедда бир бола ўтаётганди, Журъат уни қўлидан ушлаб тўхтатиб улгурди:

– Сен Рихсивойнинг укасисан-а? Ҳув бирда аканг иккалангга пул берувдим-а, адамнинг гўрлари атрофидаги гулларга сув қуйиб турларинг деб? Гўрков амакининг кенжа ўғлисан-а?!

Гўрковнинг ўғли дабдурустдан нотаниш одам унинг қўлидан ушлаб олганига бошида чўчиди, аммо кейин Журъатнинг ташқи кўринишида ўзига нисбатан ҳеч қандай ёмонлик аломатини кўрмагач, кейин эса унинг башанг кийинганидан таниб қолгани учун ҳам:

– Ҳув анув шийпонни орқасидаги қирқоғайни, наъматакли гўрларни айтаяпсизми? – деди.

– Ҳа, ўшани. Ёнма-ён турибди-ку, бир эркак, бир аёлнинг гўри-а? Оқ панжарали.

– Бўлди-бўлди. Акам икковимизга бирда минг сўм бериб кетувдингиз.

– Аканг қани ўзи?

– Рихсивой акам гулларга сув қуйиб тургандилар, армияга кетиб қолдилар. Менга айтиб қўювдилар.

– Сени эсингдан чиқиб қопти, тўғрими? – боланинг устидан кулиб Фақирийга қаради Журъат. – Сенинг отинг нимайди ўзи?..

– Суннатилла, – деди бола, оралари очилиб ётган сўйлоқ тишлари кўриниб турган дўрдоқ лабли оғзини очиб кулиб қўйди.

Фақирий боланинг устидаги эски майка-иштонига, оёғидаги йиртилиб, тупроққа беланган эро-

ни резина шиппагига, ориқ, қоп-қора баданию бутун юриш туришига ичи ачишиб, ҳазин жилмайиб нигоҳ қадаб туриб:

– Чулчулҳасса бўлиб туғилган экансан-да, а? – деб у билан ҳазиллашган бўлди.

Журъат эса киссасидан буклоғлиқ юз сўмликларни чиқараркан:

– Яна пул ташлаб кетсам қуйиб турасанми? Эсингдан чиқиб қолмайдими, а? – деб сўради.

– Пул бермасангизам қуйиб тураверараман, – яна сўйлоқ тишларини кўрсатиб тиржайди бола. – Энди эсимдан чиқмайди.

– Йўқ, мана буни ол-да, ҳар куни бир мартадан сув қуйиб тур, – деб беш юз сўм ажратиб болага тутди Журъат. – Етадими ўзи?..

Бола уни олмай:

– Кўп беряпсиз-ку?! – деди.

– Берганда олавер, – зўр-базўр унинг қўлига тутқазди Журъат. – Фақат айтганимни қилгин. Хўпми? Кейинги сафар келганимда яна бераман...

– Албатта қуйиб тураман, ўғилбола сўзим, – деди Суннатилла.

– Қара, сўзингда турмасанг ўзингдан кўр, – қошларини паст-баланд чимириб уни огоҳлантирди Журъат, Фақирий унга болани пулга ўргатганидан норозиланган қиёфада боқаётганини сезгач: – Биласанми манави амакинг қаёқда ишлашларини? Прокурорлар-а! Қаматиб қўядилар сўзингда турмасанг!.. – деб қўрқитган бўлди. – Унда, ҳатто, менам сени қутқариб қололмайман!

Суннатилла майда сепкил тошган ёқимли юзига офтоб тушганидан сўл кўзини қисиб Фақирийга қараб жилмайди-да:

– Ҳеч ўхшамайдилар-ку! – деди.

Боланинг топқирлигидан ажабланган Журъат ҳамроҳига кўз қирини югуртириб қўяркан:

– Кимга ўхшайдилар бўлмаса? – деб сўради.

– Улар эмас, сиз ўхшайсиз прокурорга, – болаларча айёрлик билан кулди Суннатилла.

Журъатга боланинг сўзлари мойдек ёқиб тушди. Унинг «топқир»лигидан ҳам, айёрона кулгисидан ҳам завқланиб кетиб:

– Қаёқдан билдинг? – деди.

– Кийинишингиздан, иннайкейин, пулингизниям кўплигидан, – билағонлик қилди Суннатилла.

– Калланг ишларкан. Менинг айтганимни қилиб, гулларга сув қуйиб юрсанг катта бўлганингда сениям прокурорлик ўқишига опкириб қўямиз, а амакиси? – деб Фақирийга юзини бурди Журъат, ундан истеҳзо билан «ҳа» ишорасида жавобни олгач, яна болага ўгирилиб буюрди: – Ҳозир боргин-да, беш-ўн челак сув қуйиб қўйгин. Шунча пайтдан бери сув ичмагани учун ер қуриб, гуллар қовжираб кетибди. Айтганимни қил, хўпми?!

– Хўп, ҳозир челак опкелай, кейин бориб сув қуйиб келаман, – деб жавоб қайтарди Суннатилла, велосипедига ўтириб уни ҳайдаб кетди.

Журъат бола велосипедини уйи томон бурганини кўргач, хотири жам бўлди, Фақирийга юзланиб:

– Қани, кетдикми? – деди-да, икковлари қабристондан чиқдилар.

38

Зубайда Сайрамнинг кечикаверишидан тутақди: яна қандай гап топиб келаркин? Йўқ, бир маҳал чап қўлида гулли елим халтаси, ўнг қўлида эса олчаранг кичиккина жомадонсифат

сумкасини кўтарганча Сайрам дорихонага ҳовлиқиб кириб келиб қолди.

– Яхшимисан, Зубай, хўжайинлар йўққа ўхшайди-а, машиналари кўринмайди? – деди-да, шунда ҳам хавотир билан офис эшигига кўз югуртириб қўйди, сўнг эса қўлидаги елим халтани ва сумкасини орқадаги пештахтанинг пастки токчасига жойлади. Музлаткичнинг ёнидаги одам бўйи баравар келадиган кийим илгагидан оқ халатини олиб, шошганча устига кийди.

– Нега қолиб кетдинг, соат учларга етиб келаман девдинг-ку? – ундан норозиланди Зубайда. – Яхшики Зоҳид акаям, Журъат акаям келишмагани...

– Энди биласан-ку, дугонажон, уйдагилар сеникиларга ўхшаб менга ойига пул жўнатиб туришмайди, шу бирор кор-ҳолимга яратарман деб оптомга кирувдим, аксига олиб одам кўп экан, – деди-да, шоша-пиша елим халтасидан беш-олти хил дорини, йигирма-ўттизта бир марта ишлатиладиган дори юборгич, яна ўн-йигирмата бинт ва шунча боғлам пахтани чиқариб, яқиндагина идора анжомлари бўлимидан харид қилиб, ҳали пулини ҳам бермагани жажжи ёндафтарчани чўнтагидан чиқарди-да, ҳозир олиб келгани нарсаларнинг рўйхатини қайд этди, кейин дориларни дориларга, дори юборгич, бинт ва пахталарни алоҳида катта қоғоз қутига солиб қўйди.

– Шу ишинг яхшимас-да, Сайрам, қачондир таги чиқиб қолади. Журъат акани бўлмасаям, ҳар ҳолда Зоҳид акани бир оғиз огоҳлантириб қўйиш керак эди, – ундан ошкора ранжиди Зубайда. – Улар бизни одоб-ахлоқли қизлар экан

деб ишониб ишга олишса-да, сен эса манави номаъқулчиликни қип юрсанг, қайси қоидага тўғри келади бу қилган ишинг?!

– Бир сафар Зоҳид акага айтганман: уч-тўрт хил дорилар бор, шуларни пештахтага қўйиб, бошқа дорилар қаторида сотиб юборсам майлими, деганман. У киши қаршилик билдирмаган.

– Зоҳид ака сени бир марта сўради деб ўйлаган,– ҳадеганда ўнг қўлининг шаҳодат бармоғидаги узукка қараб қўяётган Сайрамдан ижирғанди Зубайда, унинг ёқимтой кўринадиган қорача юзи ҳам, миллати қозоқ эканини ошқор этиб турувчи қисиқ кўзлари ҳам шу дамда унга хунук кўриниб кетди. – Сен бу ишни одат тусига айлантириб олганингни у киши қаёқдан билади?!

Шу маҳал дорихона рўпарасига қаҳваранг «Волга» келиб тўхтади-да, ундан эски мижозлари, элликларни қоралаган эса-да, чўзиқ, қонталаш юзидаги тарам-тарам ажинлари унинг ёшини кексароқ кўрсатувчи, узун, мош-гуруч сочи товуқникидай ингичка, қип-қизил елкасига тушиб турувчи рус киши тушиб, шошганча дорихонага кириб келди. Ўзининг нима учун кирганини сезган қизлардан хижолатланиб, қисқа, дардли кулимсиради-да, ориқлаб кетгани сабабли билаклари солқиган узун-узун бармоқли ингичка қўлида икки юз сўмликни Зубайдага узатди. Зубайда унинг гиёҳванд эканини сезгани учун ҳам ҳар бири ўнтадан бўлган иккита қоғоздаги «Димидрол»ни унга тутқазди. Мижоз яна бир марта ўнғайсизлангандай бўлиб қисқа, ҳазин тарзда илжайди-да, миннатдорчилик билдириб яна шошганча дорихонани тарк этди. «Ҳойнаҳой зиёли одам бўлса керак, – деб ўзича

ўйлаб қўйди Зубайда. – Ҳойнаҳой кейинчалик шу нарсага суяниб қолган кўринади. Муомаласи шундан далолат беряпти. «Волга»си борлигидан, сочи узунлигидан композиторларга ё бўлмаса рассомларга ўхшайди. Кейинги келганида бир шуни сўраб кўраман...»

Сайрам шериги яна юқоридаги мавзуга қайтишини истамагани учун ҳам мижозининг ортидан хаёл суриб қараб қолган Зубайдани чалғитиш илинжида қўлидаги ёқут кўзли жажжи узукка ишора қилиб:

– Зубай, қалай, узугим чиройлими? – деб сўради, сўнг эса ўнг кафтини бир текис тўғрилаб дугонасининг яқинига олиб бориб, узугини кўз-кўз қилган бўлди.

Зубайда яқиндагина «пулим йўқ» деб ҳадеганда нолийверишини қўймаётган Сайрам кутилмаганда узук сотиб олганига ажабланди. Ана шунинг учун ҳам ундан сўрашга жазм қилди:

– Неча пулга олдинг?!

Сайрам ўғил болаларникига ўхшаш дағал, қоп-қора қўлларига завқланиб қараб қўяркан:

– Чиройли-а? Ўн икки минг сўмга олдим! Арзийдими? – деди.

– Яқинда пулим йўқ деб нолиб юрувдинг-ку? Қаердан олдинг шунча пулни?!

– Кўряпсан-ку, уч-тўрт минг сўм орттираман деб елиб-югуриб юрибман. Иннайкейин, ярмини Нурлан қўшиб юборди, – деб унинг олдига келиб юрадиган, улардан бир курс юқорида ўқийдиган ҳамқишлоғини назарда тутди Сайрам, айни дамда кўзлари у ниманидир яшираётганини, нимадандир безовталанаётганини ифшо этарди.

Ётоқхонага ҳам, баъзан эса дорихонага Нурландан бошқа ҳам ҳамқишлоғиман деб турли

йигитлар келиб-кетиб юришини Зубайда яхши билар, улар орасидаги бир-икки турқи хунуги Сайрам баҳона – дийдор ғанимат, деганларидай ётоқхонага ташриф буюриб унга гап ташлашларидан ич-ичидан қўрқиб юрарди. Ҳозир ҳам Сайрам: «Ярмини Нурлан қўшиб юборди», дейишидан, ундан сўнг яна ниманидир Зубайдадан яшираётган бўлганини сезгани учун ҳам яқинда Журъат айтгани гапни дараклади:

– Шу ойнинг охирларидами ё кейинги ойнинг бошларида текширув бўлишини Журъат ака айтди.

Сайрамнинг хурсандчилиги ҳам дарров қайгадир ғойиб бўлди. Юзидан қон қочди. Қисиқ кўзлари янаям қисилаёзди.

– Вой, шу ойда текширув бўларканми? – деб ўзини қўярга жой тополмай типирчилаб қолди. Кутилмаганда дилидаги гапи тилига кўчди: – Ишқилиб, нима қилсаям тўғри чиқсин-да, Худо ўша кунларда шарманда қилмасин.

Зубайда у нега бу гапни айтаётганидан, туйқус қўрқиб кетганидан таажжубланган учун ҳам:

– Нега бундай деяпсан? – деб сўради.

– Йўқ, ўзим, – деди Сайрам, аммо ниманидир яшираётганини, ниманидир Зуйбадага айтгиси келмаётганини кўзлари ифшо этарди.

Ана шу ҳолатини сезгани учун ҳам Зубайда уни яна саволга тутди:

– Бир нарсани мендан яшираяпсан-да, Сайрам. Ахир, илгарилари ўзинг орамизда яширадиган сир бўлмаслиги керак дердинг-ку, – дея унинг нозик жойидан ушлади.

– Бир нарсани айтсам бошқаларга етказмайсанми?

– Қанақа нарса экан?

– Мен икки-уч куннинг ичида тўғрилаб қўяман. Мана шу дорилар сотилиши билан жойига қўйиб қўяман, – ранги ўзгариб тушунтирди Сайрам.

– Нима, кассадан пул олдингми? – сўради Зубайда.

– Ҳа, икки-уч кун илгари, сен қуруқ чой опкелгани кетганингда беш минггина олувдим, холос. Мана шу дорилар учун олувдим. Фақат бошлиқларга айтма, узоғи билан душанбагача жойига қўйиб қўяман, – дея Зубайдага ёлборди Сайрам. – Жо-он, ўртоқжон, бу ишни бошқа қилмайман, шуни ҳеч ким билмасин. Кўзингни олдида жойига қўйиб қўяман.

– Шу ишни қилгани уялмадингми? Ахир, улар бизга дорихонани ишонишиб топширишган-а?! Майсара опа билса нима дейди?!

Сайрам нима дейишини билмади. Охири айёрлик йўлига ўтиб, бечораҳол бир қиёфага кириб ёлғон сўзланди:

– Мен сени огоҳлантириб қўймоқчи эдим. Нима сабабдандир эсимдан чиқиб қопти-да!

– Билиб қўй, текширувда кам чиқса ҳаммамизнинг бўйнимизга тушади-я! – ундан нафратланиб кетди Зубайда. – Майсара опанинг оилавий аҳволи ўзингга маълум. Қари ота-онаси унинг қарамоғида. Ана шу ойлигига кўз тикиб ўтиришларини неча марта ўзингга айтган. Менам не ҳасратда бу ерларда ўқиб юрибман! Менам ота-онамга жабр бўлмасин, ҳечқурса ўзимни ўзим эплай қолай деб мана шу ерда ишлаб турибман!

– Биламан, – бошини эгиб ер чизди Сайрам. – Узоғи билан душанбада жойига қўяман.

– Журъат ака билса қаттиқ ранжийди биздан. Биласан-а, баъзида машинасида икковимизни

опкетаётганида бозор-ўчаримизниям қилиб бериб турибди. Шундан кейин кўзига қандай қараймиз?

Сайрам индамади. Ерга қараган кўйи ҳадеганда бир сўзни қайтараверди:

– Узоғи билан душанба куни қўйиб қўяман, деяпман-ку!

– Тўғрисини айт, фақат шу беш мингни олганмисан? Бошқа олмаганмисан? – ҳали ҳам шеригига ишонмади Зубайда, унга гўё Сайрам қўлидаги узукни ҳам дорихона ҳисобидан олгандай бўлиб кўринаверди.

– Нима энди Худони ўртага қўйиб қасам ичаймми? – рангини гезартирди Сайрам. – А, қасам ичаймми?!

– Худони ўз ҳолига қўй! Мана бу узукни аптека ҳисобидан олган бўлма тағин?..

Сайрам кўзларининг ола-куласини чиқариб, ёқасини ушлагандай бўлиб қўлларини кўкрагига олиб борди-да, ўзини оқламоққа тутиниб:

– Қўй-э, нималар деяпсан?! Узукни ўзим йиғиб юрган пулларимга, иннайкейин, Нурлан берган қарзга олдим деяпман-ку! – деди, ана шу гапларни айтаркан ғайришуурий тарзда қўллари титраб кетди.

Бари бир, нима учундир, Зубайда унинг сўзларига ишонмади. Унга гўё ҳадеганда Сайрам қўлидаги ёқут кўзли узукни ҳам кассадан бесўроқ пул олиб сотиб олгандай туйилаверди. Шунинг учун ҳам Сайрамдан яна бир нарсани сўраб, шу баҳонада уни синамоқчи бўлиб турганди, дорихонага ўнг елкасига ярим доира шаклидаги елпиғичсифат қора чарм сумка осиб олган, чап қўлида эса сакура гули сурати туширилган япон-

ларнинг катта елим халтасини кўтарган Мадина опа кириб келди-ю, айтмоқчи бўлган гапи оғзида қолди.

– Ҳа, қизлар, тинчликми ўзи, намунча иккovларинг ҳам хомуш турибсизлар? – деб истиқболига пешвоз чиққан Зубайда билан қучоқлашиб сўрашди Мадина опа, сўнг эса ортидан унга эргашган Сайрам билан шунчаки сўрашиб қўйди. Сайрам унга Зубайда ҳозирги ораларида бўлиб ўтган гап-сўзни айтиб қўядигандай, шоша-пиша, дугонасидан илгари жавоб беришга тушиб:

– Ўзимиз шундай, институтдаги гаплардан гаплашиб турувдик. Комендантимиз сентябргача юқори курсдагиларни ётоқхонадан чиқариб юборяпти-да, энди қаерга борамиз деб ўйланиб турибмиз, – дея дарров ишонарли баҳонани рўкач қила қолди, сўнг эса ярим жилмайганча Зубайдага: «А, шундай-а?» дегандай нигоҳда боқди.

Зубайда шериги Сайрам ана шу устомонликни қилмаса ҳам, элдан бурун гап мавзуини бўлак тарафларга бурмаса ҳам, бари бир, Мадина опага у билан ораларида бўлиб ўтган гап-сўзни айтмасди. Чунки у Журъат билан яқинлигини билар, яна Мадина опани ўта айёр, такаббур аёллардан деб билгани учун ҳам унга дардини ёришдан, ҳар хил гапларни гапираверишдан ўзини тиярди. Шу боисдан ҳам Сайрамнинг айтаётганини маъқуллагандай бош чайқатиб:

– Бир ой-ярим ой институтни абитуриентлар босади-да, шунинг учун юқори курсдагилардан қутулиб турайлик дейишган, – деди.

– Шунгаям хафа бўласизларми? Мен уйимга опкетаймми сизларни?! – деб иккисини мушкул

аҳволдан қутқармоқчи бўлди Мадина опа. – Биласизлар-ку, менинг бола-бақрам йўқ. Бир уйимни эмас, хоҳласаларинг сизлар учун икки уйимниям бўшатиб беришга тайёрман. Майда-чуйда ишларгаям ўзинглар қараб турасизлар.

Сайрам Зубайдага, Зубайда эса ўз навбатида Мадина опага кўзларини пирпиратиб қаради.

Мадина опа Зубайданинг ўта тўғри қизлигини билар, ўзи ижарага олиб ишлата бошлагани янги ТошМИнинг йўлидаги дорихонага уни олиб кетмоқни ўзича кўзлаб юрарди. Ҳозир ҳам Зубайда оҳу кўзларини пирпиратишидан нима демоқчи бўлганини сезиб:

– Қўрқманглар, менинг уйимда оғир ишнинг ўзи йўқ. Бола-чақа бўлмаганидан кейин ортиқча ивирсимас ҳам экан. Фақат чанг-чунг, пол-молни артишни айтаяпман-да! Буларни иш дейишгаям уялади киши. Ҳовлимиз ҳам унчалик катта эмас, тўрт-беш сотих келади, холос, – деди.

– Йўқ, бизлар ишдан қочаётганимиз йўқ, – хижолат чекиб тушунтира бошлади Зубайда, – фақат бизга узоқлик қилади-да сизники, Мадина опа, бу ёққа етиб келиш учун икки-учта транспортда қатнашга тўғри келади.

– Бизга мана шу ишхонамизга яқин ердан бўлса яхши эди-да. Ётоғимизгаям, умуман ўқишимизгаям бу ер қулай бўлгани учун ҳам ишлаяпмиз-да, – унинг сўзларини қувватлади Сайрам, хаёлидан эса: «Зубайда бояги гапларни унутган кўринади», деган ўй ўтди.

– Ўзларингни гапларингизга айтаман-да, – деди Мадина опа, кейин офисга ишора қилди: – Хўжайинлар йўқми дейман? Кўчада икковининг машинаси кўринмайди?

– Зоҳид ака кетяпман девдилар. Ҳозир кеп-қолсалар керак, – маълум қилди Зубайда. – Пича кутиб туринг.

– Йўқ, менга Журъат керак эдилар, – дўкон эгасини назарда тутди Мадина опа. – Бир ишим бор эди.

– Журъат ака Фақирий билан кетишган экан, Майсара опа айтувдилар. Зарур бўлсалар «сотовой»ларига телефон қила қолинг, – ақл ўргатди Зубайда, кетин шоша-пиша пештахталардаги дориларнинг нархини кузатаётган Мадина опага қўшимча қилди. – Уч-тўрт хил дорилардан опқўйинглар деган экансиз, Зоҳид ака айтувдилар, шулар турибди. Феруза опа ва Роза опалар ташлаб кетишувди, сизгаям опқўйдик, – дея дараклади охирида.

Мадина опа танноз, олифта аёлларга хос тарзда эркаланиб хона томон йўналаркан:

– Яхши қипсизлар, ҳали кетаётганимда эслатарсизлар, опкетаман, – деди-да, ичкарига кириб кетди.

39

Мадина опа хонанинг тўридаги чарм оромкурсига ўтириб, бир-икки жойга телефон қилди. Шундан сўнг Журъатнинг уяли телефонига қўнғироқ қилиб, ўзи унинг ишхонасида эканини дараклаб, қачон қайтишини суриштириб, энди гўшакни жойига қўяётган эди, хонага Мирзоҳид кириб келди.

Аёл тўрга ўтириб олганидан Мирзоҳиднинг олдида маълум қадар хижолатланди. У билан сўрашиб бўлиб, ўрнидан базўр қўзғаларкан:

– Келинг, ўрнингизга ўтиринг, жойингиз ўзингизга буюрсин, – деди-да, стол устига ташлаб қўйгани елим халтаси ва сумкасини қўлига олиб диванга ўтди, қўлидаги нарсаларни бир чеккага қўйиб, ўзи ўртароққа жойлашди.

– Ўтиравермайсизми? – деди Мирзоҳид, ҳақиқатда ҳам бир пайтлар Журъатнинг дорихонасини ижарага олиб юритиб, кейинчалик у билан шерикликка ишлаш ниятида бўлган Мадина опа Мирзоҳид келганидан сўнг аразлаб кетиб қолганини ҳали ҳам унутмаганини, шу сабабдан ҳам унга кўпинча ола қараб юришини ич-ичдан ҳис этса ҳам буни ҳеч қачон аёлга сездиришни истамас, ана шу тепса-тебранмас феълини аёл – Мадина опа яхши билгани учун ҳам унга баъзида тўғри, баъзида эса қочирим гап қилганида тишини-тишига қўйиб чидарди. Мана ҳозир ҳам «жойингиз ўзингизга буюрсин», дейишининг тагида ҳам ўша аламидан бир ҳиссаси ётганини яхши туйгани сабабдан қисқагина кулиб қўйди-да: – Ҳа, ишлар яхшими, Мадина опа, ижарага жой олиб, аптека очганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим, – деди сир бой бермай.

Мадина опа Мирзоҳид пихини ёрган йигит эканинини билар, шунинг учун ҳам унинг олдида ўзини ўнғайсиз, ғалати, кулгили бир аҳволга тушиб қолишидан чўчиб турарди. Дорихонани ижарага олиб ишлата бошлаганидан бери баъзи нарсаларда, хусусан, дори-дармонларни олиб келувчиларнинг исмлари, телефонларию, турар-жойлари, айрим дориларни унинг ёрдами билан соттириб юбориш керак бўлгани, яна уларнинг дорихонасига қўйган маҳсулотлари пулини вақтида олишни кўзлагани учун ҳам ҳаде-

ганда Журъатга ялинавермай, ишни Мирзоҳид билан ҳам битириб кетавериш кераклигини ўйлаб у билан муроса қилишга тутинди-да, ўзини қўлга олди, у билан одоб доирасида гаплашишни мувофиқ билди:

– Раҳмат, раҳмат, Шоҳиста опангиз билан шерикчиликка очдик-да, қани бир кўрайлик-чи!..

– Яхши қипсизлар. Илгари бу ерни ижарага олганингларда ҳам ўша опа билан ишлатгансизлар-а? – деб сўради.

– Кўз очиб кўрган дугонам ана шу Шоҳиста опангиз бўлади. Бошқа билан ишлолмасдим, шу бўлгани учун ҳам ижарага бўлсаям очиб турайлик, дедик-да!..

– Яхши қипсизлар. Худо ишингларни бароридан қилсин, – деб ният билдирди Мирзоҳид, ичида эса: «Сенам ўзингдан тинибсан, энди бу дўконгаям ҳадеб пашшахўрда бўлавермас экансан. Тузук, Журъатнинг елкасигаям шамол тегадиган бўпти», деди.

Мадина опа ҳам Мирзоҳид унга оғиздагина хайрихоҳлик билдираётганини, аслида эса Журъатнинг олдига келаверишини, у билан «қиз ўртоқдай» юришини хушламасини балодай сезди, сездию: «Журъатни менинг қўлимдан сен тугул сендан катталариям айнатиб тортиб ололмайди. У қачондир меники бўлади, фақат менинг измимда юради. Уни қуруқ қўл билан ўзимга эгиб ололмасам ҳам пул билан ўз измимга бўйсундираман, берган қарзларимдан воз кечиб бўлсаям ўз томонимга оғдириб оларман. Мен ундан фарзанд кўриш орзусида ёниб юрганимни сенлар қаердан билардиларинг. Тирриқ эрим мени ташлаб, бир маржага илакишиб кетиши

айни муддао бўлди. Дўхтирлар эса, айб сенда эмас, эрингда, дейишган. Мен, албатта, Журъатни йўлдан уриб бўлсаям ундан бола орттириб оламан. Менга бошқаси эмас, айни ана шу Журъат керак. Чунки у менга ёқади. Мен унинг қўйнида эриб кетган кунимни ҳечам эсдан чиқармайман. Эрим билан неча йил яшаган бўлсам бундай лаззатни унинг қўйнидан тополмовдим. Ана унда жувонимарг эримнинг ичи янаям ёниб кетишини кўраман. «Сен ўша бизникида яшаб юрганидаёқ бу йигит билан илакишиб қолган экансан-да!», деб бир ичи куйиб кетсинки!.. Мен ундан аламимни олмай қўймайман! Ана унда билади мен қисир эканманми ё унинг ўзи қисир эканми... У ёғи бир гап бўлар! Одамлар нима деса дер! Жуда бўлмаса жойимни сотамани битта дом олиб чиқиб кетарман», деб турфа ўй-мулоҳазаларга борди.

– Айтганингиз келсин, – деди Мадина опа анча жим тургач. – Ҳа, дарвоқе, Зоҳиджон, озроқ дориларим сотилган экан, шуни пулини берарсизлар-а? Ё Журъатга айтишим керакмиди?

– Ҳамма нарсани Журъатга айтаверманг-да, опа,– деб унга ҳазиллашган, ана шу ҳазиллашиш баробарида ранжиган бўлди Мирзоҳид. – Жаҳонда бизам ҳал этоладиган ишлар бор.

Мадина опа кулди. Мирзоҳид гўё унинг хаёлидан ўтган ўйларни сезгандай бўлганидан ичида аллақандай бир қўрқув ҳам ўтиб улгурди. Шу сабабдан ҳам:

– Шундай денг, Зоҳиджон, – деб қўйган бўлди.

– Мана ҳозир дафтарни қарайлик, – деди Мирзоҳид, дори топширган мижозларининг рўйхати қайд этилган қизил йўл-йўл катта дафтарни

чиқарди-да, Мадина опанинг исми-шарифини ахтарди. – Ҳа, мана, сиздан йигирма минг сўм қарзимиз бор экан.

– Сиз қайси сананикини айтяпсиз? Ўн бешинчи билан топширилганиними? Мана бу июннинг бешинчисидаям уч-тўрт хил дори топширувдим-ку?!

– Ҳа, тўғри, топширган экансиз. Аммо сотилганмикин?!

– Пештахтада кўрмадим-ку!

– Қани, ҳозир қизлардан сўрай-чи! – деди Мирзоҳид, сўнгра ўрнидан қўзғалди-да, майда-майда қадам ташлаб хонадан чиқди. Бир оздан сўнг қайтиб кириб маълум қилди: – «Диклоберл»изгина сотилмабди. Қолганлари сотилиб кетибди.

– Унгаям ўн-ўн беш кун бўлиб кетди-ку! Сизлар ҳаммага ўн кун ичида пулини берардинглар! – деди Мадина опа.

– Ҳозир ҳеч кимга ўн кун ичида бераётганимиз йўқ, савдо яхши эмас. Бўлмаса бундай қилайлик. Аввалгиларингизни қилиб берай, мана бу кейингиларингизни ўрнига Журъатдан уч-тўрт хил дори сўратган экансиз, шу дориларни бериб ҳисоб-китоб қилақолайлик?

– Ёмон айёрсиз-да, Зоҳид, – ғайришуурий тарзда кулиб юборди Мадина опа. – Журъат сизни бекорга ёнида олиб юрмайди-да, ёмон ичдан пишгансиз. Шу менга ўтказаётганингиз дориларнинг пулини сотилганидан кейин берсам-чи?!

– Энди... энди Журъат айтгани учун нақдига сотиб олдик-да! Журъат Мадина опа албатта оладилар дегани учун харид қилдик, йўқса бизга ортиқча сарфу харажатнинг вақти эмасди! – деб ундан ранжий бошлагандай қилиб кўрсатди ўзини Мирзоҳид.

– Майли, шундай қила қолинг. Сизнинг олдингизда бошлиғингизни юзини шувут қилмай қўя қолай.

– Ҳа, мана бу гапингиз ўринли бўлди, – юзи хиёл ёришди Мирзоҳиднинг. – Ҳамма олдимга келади-да, Журъатнинг номини айтиб мендан вақт-бевақт пул талаб қилаверади. Уларга пулни бериб юборганимдан кейин кечга томон Журъат ёнига чақиради-да: «Нега ҳаммага пул бериб юбординг? Сейфда сариқ чақаям қолмабди-ку?!», дея томоғимдан хиппа бўғади!

– Хўжайин бўлгандан кейин бўғади-да! – унинг йиғламоқдан бери бўлиб жиғибийрон сўзлашига кулди Мадина опа, хаёлидан эса: «Қани эди сен ҳалидан буён номини тилга олаётганинг Журъат юмшоқ ўрин-кўрпанинг устида мениям ана шундай бўғса, ўлиб қолсам ҳам чидаб берардим зўравонликларига!», деган ўй ўтди, ўтдию: «Ўл, Мадина, ёмон ичикибсан-да! Ана шу гапни овоз чиқариб айтиб юборсанг борми, ёмон шарманданг чиқади-да Зоҳиднинг олдида!», деб ичида ўзига-ўзи сўзлади. Аллақандай тушуниб етмагани ички бир андишами, кўнглини чунон ғашлантирди. Ўзи сезмаган тарзда кўкрагига қўл олиб бориб, чуқур хўрсиниб қўйди.

– Охири шу вазифани Журъатнинг ўзи бўйнига олиб, қила бошлади. Қаёқда, ўн кунгина чидади, холос. Охири менга тан берди-да, сейфнинг калитини рўпарамга отиб уриб, пул тарқатишни яна ўзимга ташлаб қўйди.

– Шунинг учун ҳали сизни Журъат бекорга ёнида олиб юрмайди дейман-да! – унинг ҳам иш билишига, ҳам айёрлигига ишора қилди Мадина опа.

Мирзоҳид унинг мақтови таъсири остида ўтирган столининг чап бурчагига энгашиб, остидаги

почта қутисидай келадиган сейфдан иккита юзталик пачкани олди-да, Мадина опага яқин ерга – бу томондаги энсиз столнинг устига ташларкан:

– Санаб кўринг-чи, йигирма минг бўлиши керак,– деди, кейин сейфни қулфлади, ўзига ўрганиш бўлиб қолган усулда сапчиб ўрнидан турди-да, шимининг тахини тўғрилаган, қўйлагининг ғижим ерини, енгларини тортган бўлди. Сўнгра ўзига бино қўйган дўкондорчасига хонада у ёқдан-бу ёққа юрди, чап қўлининг бармоқларида ўйнаётгани сейфнинг калитини яна шимининг киссасига солиб, жавон ойнасига қараб сийрак сочларини тўғрилаган бўлиб, яна қайтиб келиб жойига ўтирди. У бу хатти-ҳаракатларни жуда тезда бажарди. Ҳали ўрнидан қўзғалиб пулини олиб улгурмаган Мадина опага қайта мурожаат этди: – Ҳа, ҳа, ердан топсанг ҳам санаб кўр деганлар машойихлар!..

Унинг эшилиб кетиб ақлли гаплар айта бошлаганига кулимсираб қараб турган Мадина опа юзини яширгандай тарзи ўрнидан қўзғалиб, бир-икки одим ташлаб пачкаларни қўлига оларкан:

– Ўзларинг санагансизлар-ку, бўпти-да, – деди, шунда ҳам Мирзоҳидга қулоқ солган бўлиб битта юзталик пачкани санаб чиқди, «ҳа, тўғри», дегандай бош чайқатиб қўйди-да, кейин ўз навбатида у ҳам бунақа арзимас пулларни назарга олмайдиган аёл эканини намойиш этиб, ҳар икки пачкани бепарволик билан сумкасининг ичига ташлади.

– Энди анави дориларингизнинг пули билан мана бу сизга бериб юборадиган дориларни нархидаги фарқ унчалик кўп эмас экан. Бор-йўғи минг сўм экан, холос.

– Мен беришим керак эканми?

– Майли, бермасангиз ҳам майли. Кейин суришиб кетармиз, – деди Мирзоҳид, сўнг чаққонлик билан ўрнидан туриб, бўлимга чиқиб уч-тўрт хил дориларни кўтариб келиб, Мадина опа ўтирган диван рўпарасидаги курсига қўйди.

Ўз навбатида Мадина опа ҳам «ҳисобли дўст айрилмас», дегандай тарзи Мирзоҳидга қараб, ёнидаги сумкасига қўл суқиб бир пачка юзталикни қайтариб чиқариб, орасидан ўнтасини суғуриб олди. Қолганини жойига солиб қўйиб, «мен мардларча иш қиламан» қабилида ҳалиги ажратганларини боягина ўзи пулларини олгани стол бурчига ташлади. Кейин эса айёр аёлларга хос бўлган бир нигоҳда кўзларини қисиб кичрайтириб, сузиб Мирзоҳидга тикилиб:

– Бировники менга ўтиб кетса ухлолмай чиқадиган одатим бор, Зоҳиджон. Шунинг учун айбга буюрмайсиз, – дея қайтаргани минг сўмга ишора қилди, ана шундан сўнггина у берган дориларни елим халтасидаги бошқа дорилар орасига қўшиб қўйди.

Мирзоҳид ҳам бўш келадиганлардан, пул масаласида бировга бир сўмини ўтказиб қўядиган анойилардан эмасди. Шу боис ҳам Мадина опанинг сурбетларча боқишини тушуниб, маъноли тиржайди-да:

– Сизнинг ана шундай тантилигингизни қадрига бошқалар етмаса ҳам мана биз етамиз-да, опахон, – дея кўкрагига уриб қўйиб бошлиғи Журъатни назарда тутди.

Мадина опа у бу илмоқли қочирими орқали нималарга ишора қилаётганини тезда фаҳмлади, фаҳмладию: «Бу ергина юткур «пакана» ёмо-

он фитна-да! Ҳамма нарсанинг ҳидини олиб юради-я!», деган хаёлда: «Ҳаҳ, сенинг шу қилганинггами?!», деб дилига бир нарсаларни тугиб қўйди-да, мазкур ҳолатини ташқи белгиларда ошкор этмай, ўзини Мирзоҳиднинг сўзларига парво қилмагандай тутиб, ҳеч бир сир бой бермай, у ҳам киноялы жилмайиш билан:

– Бизнинг кўчадаям байрам бўладиган кунлар кеп қолар, Зоҳиджон. Мадина опангиз сабрли аёллардан. Мана сизам сабр қилиб Журъатнинг қўлига, қош-қовоғига қараб юрибсиз-ку, тўғрими? Бир нимали бўлиб қоларман, косам бир кунмас-бир кун оқариб қолар деб... Шундаймасми? Бизам сабрнинг тагидаги ўз улушимизни кутиб ётибмиз-да! – деб Мирзоҳид унга қандай илмоқли гап қилган бўлса, у ҳам худди шундай илмоқли жавоб қайтарди.

Шу маҳал хонага Журъат, унга эргашиб Фақирий кириб келдилар.

– Ҳа, Мадина опа, яхши келдингизми? – деб сўради Журъат, хаёлидан бир сонияда: «Пулини сўраб келган бўлса керак? Қаёқданам битмайдиган ишга пул олган эканман? Мана энди мингини Суръатнинг номини Ички ишлар органларининг компьютеридан ўчириш учун ишлатиб қўйдим. Қаёқданам бошимни оғритиб юрибман, прокуратурага ишга кираман деб? Бари бир Давронбек аралашганиям иш бермади», деб ўйлади ва кетидан: «Ё мен билан маишат қилишни истаб қолгани учун келган ё анча дори олишим керак эди, деяётувди, ўша пулнинг илинжида ҳам келган бўлиши мумкин», деб хулосаланди.

– Ҳа, раҳмат, – деди Мадина опа. – Ҳа, айтгандай, мен сизни оборган отиннинг ўқигани эми-

га тушган кўринади, кўринишингиз яхши, – дея Журъатга бошдан оёқ суқланиб қараб қўйди.

Унинг қарашида ўзгача мазмун бор эканини Журъат дарров пайқади. «Йўқ, йўқ, бу пулни сўраб келган эмас. Пулни сўрагиси келганда тунов куниёқ очиғини айтиб, фалон куни тўғрилаб беринг, дерди, бунинг дарди бўлак нарсада! Ҳа, ҳа, унинг оғзидан ҳув ўшандаги, март оқшомидаги учрашувнинг мазаси кетган эмас – ўшанга ўхшаган кечаларнинг илинжида менга суйкалиб юрибди! Лекин мана бу еримда унга жой топилмасини нега тушунишни истамайди? Мана бу юрагим ўзга аёлнинг ишқида ўртанаётганини сизга қандай қилиб тушунтирдим энди?! Наҳотки, сиздан қочиб юрганимдан ҳам шуни фарқлаб ололмасангиз?!», деб турфа ўй-мулоҳазалар ўтди хаёлидан. Ана шунга ўхшаш хаёлларга берилганидан ўнғайсизланди. Бу ўнғайсизлана ётганини у ва Мирзоҳид сезиб қолишидан чўчигандай бир овозда:

– Ҳа, ҳа, нафаси ўткир экан! Зоҳидгаям айтаётувдим: «Мадина опа оборган отинга сениям оборайми? Жудаям нафаси ўткир экан!», деяётувдим, – деди.

– Дарвоқе, укангизни ана шунақа отинларга обориб ўқитиб юрасиз-а, бизни эсингизгаям келтирмайсиз? – гиналанган бўлди Мирзоҳид.

– Бошлиғингизга ҳар хил балолар ёпишмасин, дейман-да! – деб Журъатга қараб кўзини қисиб қўйди Мадина опа, кейин айёрлик қилгандай Фақирийга нигоҳини қаратиб олди-да, яна Мирзоҳидга сўзланди: – Сизга балоям урмайди Зоҳиджон, сиздан ўзи балолар ҳам қочиб кетади!..

– Буни тўғри айтдингиз, – унинг топқирлигидан хахолаб кулди Журъат. – Зоҳиддан ҳақиқат-

да балоларам қочиб кетади! Ҳамма бало сиз билан бизга ёпишади, аммо Зоҳидга келганда ўйланиб қолади: ўзимни бир балога йўлиқтириб қўймасин бу одам, дейди-да, унга яқинлашишдан чўчийди! – деб Фақирийга қараб яна пиқиллаб кулди Журъат.

Мирзоҳид ҳам тап тортмади. Уларнинг ҳазил аралаш қочиримига у қадар аҳамият бермай жиддий тикилиб турган Фақирийга кўзини қисиб қўяркан:

– Илоҳим, балонинг мендан қочгани рост бўлсин-да! Илоҳим айтганингиз рост бўлсин, Мадина опа! – деб у ҳам атрофидагиларнинг устидан кулган бўлди.

– Ўзи шунақа бўлади Зоҳиджон, сиз хафа бўлманг, чапақай бўлсангиз керак-да, а? – ундан сўради Мадина опа. – Чапақайларга қарғиш тегмайди, дейишади-ку ҳали!..

– Ҳа, чапақайман, – тап тортмай жавоб қилди Мирзоҳид. – Нима қипти ана шундай яратилган бўлсам?!

– Чапақайларга қарғиш ҳам ўтмайди, бало-қазо ҳам ёпишмайди, дейишади-ку ҳали!..

– Ишқилиб, айтганингиз рост бўлсин-да: қарғиш ҳам ўтмасин, иннайкейин, бало-қазоям мендан нари юрсин-да!

– Мадина опанинг айтаётганларида жон бор, – деди Журъат, сўнг эса уларнинг суҳбатига аралашолмай турган Фақирийга эътиборини қаратиб: – Танишинг Мадина опа, бу кишини яқинда ишга олдик, Фақирий бўладилар, – деди.

– Фақирий, дейишингиздан шеърлар ёзадиларми дейман? – деб сўради Мадина опа. – Анави бир спектакл бор эди-ку, ўшандаги Ўткурийга ўхшаб?!

– Йў-ўқ, бу одам унга ўхшамайди! У одамнинг бутунлай тескариси! Бу одам шоирларнинг китларига ўхшайди! – оғзини тўлдириб Фақирийни мақтади Мирзоҳид.

Фақирий ўзини жуда ноқулай сезди. Хаёлига шу дамда қадим хитой донишманди Конфуцийнинг севимли шогирди Цзи Гунга бир таниши айтган сўзлари келди. Ўшанда у таниши: «Сен Конфуцийдан кўра илмлироқсан ва ақллироқсан», деганида Цзи-Гун унга шундай жавоб қилганди: «Донолик мисли бир девор бўлса, менинг деворим одам бўйидан ошмайди. Шунинг учун ҳар бир одам осонгина бу девор ортига мўралаб, нималар борлигини билиб олиши мумкин. Устоз эса мисли бир неча саржин баландликдаги девордир! Бу деворнинг дарвозасини тополмаган киши унинг ортига яширинган гўзал эҳром ва муҳташам қасрларни ҳеч қачон кўролмайди!» Ҳозир Фақирий ана шуни мисол тариқасида хонадагиларга эслатиб, ҳадеганда унинг шоир-ёзувчилигини пешлашлари ҳам фазилат эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди-ю, аммо бу бефойда эканини; на Мирзоҳид, на Журъат ва на Мадина опа бунга қулоқ солишни истамасликларини тасаввур қилгани важи ҳам:

– Мен шоир эмасман, шеърият оғир жанр. Мен насрда ижод қилишга уринардим, – дея қизариб, ер чизди.

– Қисса, рўмонлар ёзадилар, – унинг қизариб, ерга қарашига аҳамият бермади Журъат. – А, шундайми?!

– Тирик ёзувчини биринчи марта кўришим, – чапак чалиб юборди Мадина опа. – Ҳақиқатанам китоблар ёзасизми?!

– Ҳаракат қилиб юрибман, аммо ҳали бир нарсани қотирганимча йўқ. Меники бир ҳавас-да, – аёл кишининг олдида яна ноқулай аҳволга тушди Фақирий.

– Ўзингизни соддаликка олманг Фақирий, бир нечта китобингиз чиққан экан-ку! – унга дакки берди Мирзоҳид. – Ана, Журъат айтди!..

– Акамнинг билимлариям ўткир экан. Зоҳид бекорга бу кишини шоирларнинг китларига қиёсламаяпти! – ўринбосарига қараркан, Фақирийни мақтади Журъат. – Боя қабристонга борганимизда билдим. Кўплаб шоир-ёзувчиларнинг эсига келмайдиган гапларни гапирадилар-да, Зоҳид!..

– Қабристонга кирдингларми? – сўради Мирзоҳид, сўнгра эса Фақирийга маслаҳат берди: – Аҳмад Катта қураётган масжидни кўрдингизми? Ана ўша ҳақида китоб ёзинг!..

– Аҳмад Каттангни қўйиб тур. Биз Фақирий билан келишдик, мен ҳақимда китоб ёзадиган бўлдилар. Тўғрими, а ака?!

– Худо хоҳласа. Қўлимдан келса бир кун ёзаман, албатта, – деди Фақирий, кейин эса «ҳозирча мени тинч қўйинглар, мазах қилманглар», деган бир мазмунни ташқи авзойида акс эттириб, чойнакни қўлига олди-да, чой дамлаш учун ташқарига чиқиб кетди.

– Анча уятчанг одам экан, – унинг орқасидан хулоса чиқарди Мадина опа. – Сизларнинг гапларингдан қизариб кетиб, нима қилишини билмай қолди. Бошини айлантириб қўйдинглар.

– Аммо бу одам ҳақиқатанам кўп нарсани билар экан. Бозорда эски китоблар билан савдо қилиб ўтирганида, адам раҳматлига ўхшатганим учун ўзимизга ишга чақира қолдим. «Шундай одам ил-

мини хор қилиб, бозорда китобфурушлик қилиб қийналиб юрадими энди? Буниям елкасига шамол тегсин-да!», дедим-да, савоб ҳам керак-ку, тўғрими, Мадина опа? – деб, унинг раҳмдиллигидан ўзича норозиланиб бош чайқатиб қўйган Мирзоҳидга тегизиб айтган бўлди Журъат.

– Ана шу афандинамо феълингизни ёқтираман-да, Журъат, ана шунга беш кетаман-да! – унинг тутган йўлини маъқуллаб кулди Мадина опа, шунинг баробарида Мирзоҳидга «сен ҳеч қачон Журъат бўлолмайсан!» дегандай бир мазмунда қош қоқиб қўйди. – Ана шунинг учун ҳам, иннайкейин, аптекани очиб олганимиз, иннайкейин... мана бу сизларга топширган дориларнинг пули қўлга тегди, шунинг учун сизларни... сизни бирорта кафеми, ресторанга меҳмонга оборай девдим-да!..

Журъат Мадина опанинг «кафеми ё ресторанга» дейишидан муддаоси нима эканини жуда яхши пайқади. Шунда ҳам унга тегиб кетмайдиган бир оҳангда:

– Кафе бўлса, менинг ўзимам сизни истаган ерингизга обораверардим. Аммо... аммо одам қабристондан бошқача ҳолатда қайтаркан. Устига-устак, йўлда Суҳбат телефон қилди. Мастон бувим бетоб ётиб қоптилар. «Бир-икки хил дори ташлаб ўтаркансиз, Эҳсон акам айтдилар», деб амакимни тилга олди. Бувимни кўриб келмасам, амаким айтган дориларни обормасам бўлмайди. Нозик томонлари бор. Ҳа, дарвоқе, ундан сўрамабман, бу ерга кирмадими мабодо? – суриштирди Мирзоҳиддан.

Мирзоҳид ҳам бу ерга анча кечикиб келгани учун чўчиб-чўчиб жавоб қайтарди:

– Менам сал кечроқ келувдим. Агар илгарироқ кирган бўлмаса, мен келганимдан сўнг кирмади.

Шу маҳал Фақирий пахта гулли чойнакда чой дамлаб келди. У чойни бир-икки қайтарди-да, аввал Мадина опага, сўнгра Журъат ва Мирзоҳидга узатди. Бир пиёладан чой ичиб бўлишгач, Мадина опа Журъат унинг таклифини инобатга олмаганидан аразлагандай бир қиёфада:

– Майли, нимаям дердик, зоримиз бор, аммо зўримиз йўқ, – деди-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб чиқиб кетаётганди, Журъат уни тўхтатиб:

– Менинг ўзим сизни эртага пешинга бирор жойда овқатланишга таклиф этаман, – деди, ана шу сўзларидан сўнг Мадина опанинг юзига қизиллик югурганини, у суюна бошлаганини кўргач эса қўшимча қилди: – Ана, Фақирий ҳам биз билан бирга борадилар.

Фақирийнинг исмини тилга олиш билан Журъат асосий ишдан ўзини бошқа ёққа олаётганини балодай сезган Мадина опанинг юзи тундлашди, қовоқларини осилтириб олди. Унинг юзидаги ўзгаришни туйган ва ана шу туйганини сезган Мадина опага қараб истеҳзоли кулиб қўйган Мирзоҳидга бурнини жийириб қараб қўйди-да, сумка ва елим халтасини жаҳл билан қўлига олиб, шошилгандайин бир қадамлар ташлаб ташқарига йўналди.

Журъат уни кузатиш учун орқасидан эргашди.

У қайтиб кирганида Мирзоҳид касса қилаётган, Фақирий эса чой ҳўплаб ўтирган эди.

– Мен мана бу «Кордорон» билан «Церебролизин»ни қизлардан олдим. Менга ёзиб қўярсан, – деди Журъат. – Мен бўлмаса Эҳсон амакимни-

кига ўтиб, бувимни кўриб келай. Ҳа, айтгандай, сизникиям «Қизил Шарқ»да-ку, тўғрими Фақирий? Юринг, сизам йўлда тушиб қоларсиз. Мен «Гулистон» массивида ўнгга буриламан-да, чорраҳанинг бу ёғида тушиб қоларсиз. Сенга ўша ердан қўнғироқ қиларман, Зоҳид.

– Менам сал эртароқ аптекани ёпайми девдим, – деб минғирлади Мирзоҳид.

– Канстоварни қачон ёпишди? – сўради Журъат.

– «Коника»дагилар олтида кетишади-ку, ўша вақтда ёпдик-да! – деб Мирзоҳиддан тасдиқлатиб олган бўлди Фақирий, кейин Журъатга қаради.

– Ҳа, олтида ёпишди.

– Унда бир сафар саккизларда ёпақол.

– Менам шуни айтмоқчи эдим. Акамнинг туғилган куни эди, яна бунинг устига, яқинда олган машинасини ювaётган эди, уйдагиларни обормоқчи эдим. Ҳа, айтгандай, сениям тайинлагандилар.

– Мен энди бувимни кўргани бормасам бўлмайди. Ҳар ҳолда шу бувим болалигимда мени боққанлар, – деб жавоб қилди Журъат. – Майли, ҳамма ёқни қараб кетарсизлар. Қизлар қоровул келгунича кетмай туришсин. Биласан-ку, уям соат тўққизга тақаб келади. Аптекани қабул қилиб олганидан кейин устидан қулфлаб кетишсин. Эрталаб ўзинг келиб қабул қилиб оларсан.

– Майли, икковига тайинлайман. Бир телефон ҳам қилиб қўярман.

– Шундай қил. Энди қатиқниям пуфлаб ичмаса бўлмайди. Бир гал каттага тушганимизни биласан-ку, а? – деди Журъат, кейин Фақирийни назарда тутиб: – Бу киши сенга керак бўлмайдилар-ку! Мен билан кетақолсинлар, бари бир ўша ёққа бораман! – деди.

– Мен билан акамнинг туғилган кунига бормайсизми? – Фақирийнинг ҳурмати учун сўраган киши бўлди Мирзоҳид.

– Йўқ, йўқ, бошқа сафар, – ўнғайсизланди Фақирий, Мирзоҳид билан хайрлашиб, Журъатдан аввал хонадан чиқди. Хонада Журъат ва Мирзоҳид ёлғиз қолиб, бирор ўн дақиқа ишларига тааллуқли бўлган муаммоли масалаларни гаплашиб олган бўлишди.

40

У Фақирийни чорраҳадан ўтиб бекатда қолдириб, ўзи ўнгга бурилди. Универсамдан ўтгач, неон чироқлари нурида тераклар соясидаги қатор тўрт қаватли, беш қаватли уйлар кўринди. У тўрт қаватли уйларнинг орқасидаги биринчи беш қаватли уйга етганда машинасини яна ўнгга бурди-да, йўл юзида чуғурлашиб ўйнаб юрган болаларнинг ёнидан секин ҳайдаб ўтиб, учинчи йўлакнинг рўпарасида тўхтатди. Ёнидаги хитой қоғозга ўроғлиқ дориларни йўлдан харид қилиб олгани елим халтадаги майда-чуйданинг устига авайлаб солди-да, «Жигули»сининг барча эшикларини қулфлаб тепага, иккинчи қават айвонига қаради. «Ҳойнаҳой бувим айвонда ётган бўлсалар керак», деган ўй хаёлидан бир сонияда ўтиб улгурди. Улгурдию: «Бирда келганимдаям ана шу ерда ўтирувдилар. Қурумсоқ Эҳсон амаким у кишига уйининг тўридан жой қилиб бермай ана шу айвонга чиқариб қўйибди. Нима эмиш, уларнинг юраклари сиқилиб кетаётганмиш. «Ичкарида ўтиролмай ҳадеб мана шу айвончага қочиб чиқаяптилар», деб баҳо-

на қилишини қўймади», деб муҳокама юритиб, Эҳсон амакиси дадасининг ўлимидан бир йил ўтар-ўтмас ҳовлини иккига бўлиб, девор олганини эсларкан, унга бўлган хусумати янаям ортди. «Ҳа, у атайлаб бувимни ўз уйига олиб келган. Бувим бўлмаса кенжа ўғли – Эркабой акамникига бораман девди. У ўзиникига опкелиб олди. «Ойим баҳонасида жигарларим меникига келиб-кетиб юрсин», дейди-да! Мансур айтди-ку унинг ниятини! Унинг нияти ўзи қариндош-уруғларга бош бўлиб олиш! Шу ниятда ҳам улар ўтасида гап-гаштак, борди-келди уюштирган! Ўзича уларнинг кузири бўлиб олмоқчи-да! Яна у кўп қариндошларимни менга қўшишни истамайди! Ҳатто ўз укаларимни айнитади-ку, мен билмайманми? Буни ҳовлимиз бузилиб, ҳаммаси уй олаётганида ҳам кўрдим-ку! Лекин Оллоҳнинг ўз ҳисоб-китоби бор эканки, Васила аммамдан бошқа бирортаси унга яқинлашмади. У айнитган укаларим ҳам ундан қочиб, Эркабой амакимнинг ёнидан, бошқа маҳалладошлар олган жойдан олишди», деб мулоҳазаланиб, амакиси ҳақида турли ўй-фикрларга бориб, юқорига кўтарилиб эшик қўнғироғини босди.

Ичкаридан «ҳозир» деган овоз эшитилди-да, эшикни ўн икки-ўн уч ёшлар атрофидаги амакисининг кенжа қизи Ҳилола очди. У Журъатга салом бериб, у билан ўпишиб кўришди-да, қўлидаги елим халтани олиб, уни ичкарига бошлади.

– Уйда кимлар бор? – сўради ундан Журъат.

– Бувим, адам, ойим. Васила аммам ҳам бор эдилар, яқинда чиқиб кетдилар, – деди Ҳилола.

«Васила аммаси»нинг номини эшитиши билан Журъатнинг юраги шиғиллаб кетди. Узоқ йили

бу аммасининг ўғли Турғунбой ҳам уч-тўрта ўртоғига қўшилиб, ичиб олишиб, ёнларидан ўтиб кетаётган бир одамдан пул сўрашиб дўппослашган, кейин милицияга тушиб, ишлари судга ошганда аммаси унинг ёнига ёрдам сўраб келганди. Журъат бир-икки оғайнисини ишга солганда, улар бу иш учун кўп эмас-ку, икки минг кўкида сўрашган, у буни аммасига айтганда, бошида аммаси «машинамизни сотдик, қолганига бировлардан қарз олдим», деб топиб берган, аммо иш чўзилавергач эса сабр қилиб туриш ўрнига жияни Журъатни терговчи оғайниларининг олдида уялтириб: «Пулимни қайтариб берасанлар!» деб туриб олганди. Терговчи у пулни бир нарсага ишлатиб қўйгани учун қайтариши қийин бўлган, аммо аммаси Журъатнинг миясини қоқиб қўлига берганди. «Ўзи сизни Сокина хонимнинг қўлига ишга обориб бир марта совуғини егандим Васила опа, мана энди иккинчи марта ўша нарсани еяпман!», деганида, аммаси уни нима гапларга тақаб шаллақилик қилиб кетганди. «Яхшиям уйига чиқиб кетганида кепман, йўқса башарасини кўриб тоқатим тоқ бўлиб ўтирардим», деб фикр юритиши ҳамоно истиқболига пешвоз чиққан амакисининг хотини – Нафиса кеннойиси билан сўрашди-да, у онаси Соҳиба опани, укалари, хотини Гулчеҳра, болаларни йўқлашига, «ҳа, яхши юришибди», деб жавоб қайтариб, унинг орқасидан юриб залдаги эшик орқали айвончага чиқишди. Айвондаги ясама чорпояда икки қават кўрпача устида Мастон кампир узала тушиб ётар, унинг ёнидаги кичиккина хонтахтанинг бу томонида ўртанча ўғли Эҳсон ака унга нигоҳини қадаб ачингандай бир

қиёфада ўтирарди. У жияни Журъатни кўриши ҳамоно юзида ясама табассумга мойил бир аломат қалқиб, тўла гавдасига номутаносиб тарзда бир тебраниб қўйди-да, ўзини аябгина ўрнидан қўзғалди. У билан кўришиб, хотин, бола-чақасини, онаси ва укаларини сўраган киши бўлди.

Журъат амакисига кўпам эътиборини қаратмади. Нечанчи бор хаёлидан: «Касал бувимни залингга ётқизиш ўрнига айвонга чўзилтириб қўйган экансан-да», деган ўй ўтгани учун унга мутакаббирона боқиб қўйиб, бувисининг оёқ томонига ўтди-да, унинг аҳволини сўрашга тушди.

Амакиси унинг нима демоқчи бўлганини сезгани учун ҳам ишларини суриштириш баробарида:

– Залга жой солиб берай, залда ётинг дейишимга ҳеч унамайдилар-да! Мана шу айвон баҳаво, мана шу ерда ётаман, дейдилар! – дея онаси Мастон кампирнинг баҳонасини рўкач қилди.

Журъат амакисининг гапига жавоб қайтармади. Бутун гавдаси билан сатин кўрпачада чалқанчасига ётган, икки оёғи дўмбирадек шишиб кетган бувисининг мўлтираб турган нурсиз кўзларига ачиниш ва айни пайтда ўзининг ҳар маҳал ҳам ундан хабар ололмаганидан аллақандай уялиш ҳисси билан унга боқаркан:

– Суҳбат айтиб қолди мазангиз йўқлигини, бўлмаса, аллақачоноқ учиб келардим-ку! Икки-уч хил дорилар керак деганидан кейин тинчим йўқолди! – деб ўзининг муҳим, керакли одам эканига бу ердагиларнинг эътиборини қаратди, кейин амакисига ўгирилиб, унга дакки берган-дай оҳангда: – Уйники ҳам, ишхонаники ҳам, қолаверса, қўл телефоним ҳам сизда бор бўлса керак, Эҳсон ака. Менга бўлмаса, Гулчеҳра-

га бир оғиз бувингларнинг мазалари йўқ, фалон дорилар керак, деб қўйсангиз бўлмайдими? – дея ундан гина қилган бўлди, бу ҳам етмагандай, дастурхон тузаётган кеннойиси Нафисага юзланиб: – Кеннойи, ҳеч нарсага овора бўлманг, – деди, ортидан қўшиб қўйди: – Сизда бир қолдирувдим-ку, а, кеннойи? Телефонимни қолдирувдим-ку? Бир оғиз қўнғироқ қип қўймайсизларми?!

Нафиса кеннойисининг ранги қизарди. Нима дейишни билмай дам эрига, дам иссиқ кунда нафас олиши қийинлашиб, ҳансирашини қўймаётган қайнонасига қараб-қараб қўяркан:

– Мен... мен... Ўткирга берувдим. Билмайман у йўқотиб қўйдими? – деб баҳона қилиб қутулмоқчи бўлди.

– Эҳсон акамга беришингиз керак эди, ё бўлмаса телефон дафтарчасига ёзиб қўйиш керак эди, кеннойи, – дакки беришда давом этди Журъат, сўнг эса ошхона томондан айвончага мўралаб турган амакисининг кенжа қизи Ҳилолага сўзланди: – Ҳилола, ҳалиги елим халтани опкелгин!..

Қиз у олиб келган елим халтани қўлига тутқазгач, Журъат ичидан улар сўратган дориларни чиқариб кеннойисига берди-да, яна бир варақ катак қоғозга ўроғлиқ қурутни қўлига олиб, иккитасини кампирга узатди. Яна жиянига қараб:

– Мана бунинг ичидаги узум, олмаларни ювиб, олиб келгин, – деди-да, халтадаги иккита патирни ажратиб, хонтахта устига қўйди.

– Ана шу дориларни дўхтир албатта топинглар девди. Барака топинг, илоҳим, – деди кеннойиси, эри Эҳсон акага унинг Журъатни алқаб «барака топинг, илоҳим», дейиши ёқмаганини ичдан сезгани учун «Кордорон»дан бир донасини қўлига

олди-да, Мастон кампирнинг рўпарасида турган пиёладаги сувни ҳам шу қўлига олиб, иккинчи қўли билан унинг бошини кўтаришга чоғланган эди, Журъат ҳам унга ёрдамлашган бўлиб чаққонлик билан бувисининг елкасидан қўлини ўтказиб, кампирга тирговуч вазифасини ўтади-да:

– Бундан кейин қандай дори керак бўлса менга айтинглар! Мастон бувим учун бутун аптекамниям ташиб олиб келишга тайёрман!.. – дея катта кетди. Ана шу сўзларидан сўнг амакиси хотинига бир қараб қўйганини кўргач, бемор ётган бувисига меҳрибонлиги янаям тутиб кетиб: – Мабодо касалхонага ётқизиб даволатиш керак бўп қолсаям менга айтверинглар, истаган касалхонага ётқизиш қўлимдан келади, танишлар ҳам йўқ эмас, – деб дарров хаёлидан Мадина опани ўтказди. «Ҳа, у билан сираям муносабатни узиш керак эмас, мана шунақа бошга иш тушган пайтларда мен учун жониниям беришга тайёр туради», дея мулоҳаза юритди.

– Ҳозирча уйда даволаб туринглар, ҳозирча ўринларидан қўзғатманглар, деб кетди дўхтир, – деди Эҳсон ака.

– Юраклари асли ҳолига келиб олсин, ҳозир уларни бир жойдан иккинчи бир жойга қўзғатавериш мумкин эмас экан, – эрининг ёнига қўшилди Нафиса кеннойиси.

– Тўғри, юрак билан ҳазиллашиб бўлмайди. Мабодо керак бўлса менга айтинглар, деяпман-да! Тошкентдаги истаган касалхонага ётқизиш қўлимдан келади! – яна баланддан келди Журъат, хаёлидан эса: «Яна Мадина опага орқа қилиб катта кетишингни-чи?!» деган ўй ўтиб, ана шу ўй таъсирида ичдан мақтанчоқлигига хижолат

ҳам чекди-ку, аммо бу ҳолатини Эҳсон амакисига ҳам, кеннойисига ҳам сездирмади. Ўзига, пулига ишонган йигитлар каби гавдасини ғоз тутиб, уларга кибр аралаш қошларини чимириб қараб қўйди. Сира пастдан келишни истамади.

– Барака топ, болам, – заиф, паст, хаста бир овозда уни алқади Мастон кампир. – Болалигингда боққанларимни оқлаяпсан ишқилиб...

Журъат қўлидаги иккита қурутни Мастон кампирнинг бемажол, сертомир қўлига тутқизаркан:

– Буви, шиминг, оғзингизга маза беради, – деди, кампир унинг қўлидан ёнғоқдек келадиган ёғлиқ қурутлардан бирини олиб, қуруқшаб ётган оғзига солишга тутингач, Журъат амакиси ва кеннойисига қараб: – Сизларам шиминглар, Паркатники экан, – дея хонтахтанинг бир бурчига қўйгани воронка қилиб ясалган катак қоғозга ишора қилди.

Амакиси ана шу ўзига бино қўйган, ҳадеганда катта гапирувчи Журъатда болалик асоратлари ҳам йўқолмагани учун хотинига қараб кулиб қўйди-да, кейин жиянига мурожаат этиб:

– Гулчеҳра яхшими? Гулюз, Гулруҳ, Ханжарлар яхши юришибдими? У ёқда кеннойим, укаларинг, синглинг Дилбар? – деб сўраган бўлди.

– Нега эвараларни опкелмадинг? – хаста, шикаста овозда гина қилди Мастон кампир. – Ҳечқурса келиним Гулчеҳрани опкелгандирсан деб ўйловдим!

– Сиз опоқ бўлиб олинг, иннайкейин опкелиш қочмас. Ҳозир сизга тинчлик керак, – тушунтирди Журъат, сўнгра яна қурутга қайтиб, овозини хиёл баландлатиб: – Паркатники экан. Эсингиздами буви, мени Паркатга, Мастура холамники-

га оборувдингиз. Ўшанда мени катта олачипор куркалари қувловди-ку?– деб сўради.

Мастон кампир анчагача тек қолди. Нурсиз кўзлари, қурут тамшанганидан оқ бўлган қурушқоқ, дўрдоқ лаблари пир-пир учди. Мозийда қолиб кетган ўша ёзнинг охирлари хотирасида ғира-шира жонланди чоғи:

– Ҳалиям эслайсанми ўша Паркатга оборганимни, айланай? – деб сўради, набирасидан: «Ҳа, албатта, мана шу Ҳилолалардай бола эдим-да!», деган жумлани эшитгач, анча тетиклашиб, дам ўғлига, дам эса келинига қараб қўйиб: – Онаси Соҳиба буни ҳадеб ураверарди. «Ҳа, болани урмай қўлинг ҳар нарса бўлсин!», дедим-да, бир куни буни шартта кийинтириб Паркатга, синглим Мастураникига опкетдим-вордим...

– У ерга борсак, Саиднабихон почча холамни дўппослаётганининг устига бориб қопмиз-да! – бувисига қараб кулди Журъат. – Отхонага боғлаб қўйиб, қамчи билан савалаётган эканлар!

– Шуларниям эслайсанми, айланай?! – ажабсиниб набирасига термулди Мастон кампир, ўз дардини унутиб, бундан йигирма-йигирма беш йиллар илгариги воқеани эсларкан, ажинлардан буришиб кетган солқи юзига қизиллик оралагандай бўлди гўё.

– Ҳа, Тошкентдан ўғиллари тушиб, катта сариқ ола сигирни сотинг, ўғлимни тўйини қиламан деган экан-ку! – деди Журъат.

– Ҳе, ўғил бўлмай ер ютсин уни, – жилмайиш баробарида қарғанди Мастон кампир. – У Саиднабихон аканинг аввалги хотинидан ўғли эди. Кўргансан-ку, поччангнинг қандай баджаҳл одамлигини, ўша аввалги хотиниям худди Мастура

холангни ургандайин ураверіб ўлдириб қўйган экан-да! Дадам раҳматли бу томонини суриштирмай холанг шўрликни у дажжолнинг қўлига топшириб қўйган экан... Охир-оқибат нима бўлди? Охир-оқибат гўргинанг нурга тўлгур Мастураям чидолмади поччанинг зуғумларига, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетди сингилгинам шўрлик!..

– Мен ўшанда тушунмадим буви. Ўша сигирни сотманг деганлари учун урган эканларми холамни? – сўради Журъат. – Ё бошқа сабаби бормиди?!

– Оти ўчсин поччангни, – тетиклашгани боис у ён-бу ён тебраниб қўйди Мастон кампир. – Шу сигир сенинг ўлимлигинг, ҳеч ким бунга қўлини тегизмайди, тегизолмайди, деб сўз берган экан у дажжол. Шундан ҳам Мастура бояқиш ҳар борганимда сигирга ўзгача меҳр кўрсатарди, саратонни сариқ кунларида ювиб-тарайверарди. У жониворам хў-ўп аломат эди-да! Мастуранинг орқасидан қолмасди. Ошхонага кирсаям эргашиб келаверарди, товуқхонага дон сочгани борсаям кетидан қолмасди; охири жойига боғлаб қутуларди-да Мастура бояқиш.

– Нима, боғлаб қўймасаканларми? – онасининг сўзларига қизиқиб сўради ўғли Эҳсон. – Сигир зотини ҳеч ким ечиб қўймайди-ку?! Боғлоғлиқ сақлайди-ку бу жониворни?!

– Энди кўзи қиймаса керак-да! Иккинчи томондан, эр ўлгур: «Сенинг ўлимлигинг мана шу ола сигир!», деган-ку, шунинг учун унга ўзгача меҳрда бўлиб, еру кўкка ишонмагандир-да холанг шўрлик!

– Ўша сигирни сотиб юборган эканми ўғиллари? – эри каби уларнинг суҳбатига қизиқиб қолиб сўради келини Нафиса, айни пайтда қай-

нанасининг бир бурда бўлиб қолган серажин юзига қизиллик югурганини, юрагининг хуружи ҳам, бутун дарди орқага чекинганини кўриб қувониб кетди.

– Ўша биз борган куни сотгани опкетган экан, жувонмарг йигит ўлгур. Ўшандан холангиз шўрлик эридан норозиланиб йиғласа, у балога йўлиққур тоза урибди-да бу шўринг қурғурни!

– Биза ўша жанжалнинг устига борган эканмизда, а буви?

– Бир жанжалдан қочиб, иккинчи бир жанжалга, қиёматга бориб қолган эканмиз, – деди Мастон кампир, анча ўйланиб қолди. Ортидан қўшиб қўйди: – Ҳеч жаҳонда бировни беайб қақшатиш керак эмас экан, болаларим, бари бир қайтар экан. Кейин нима бўпти ўша ўгай ўғли билан денглар? Ўша ўғил тўйида хотинининг акаси той қилган экан-да, ҳалиги тойга ем бераётганда, той уни тепиб кўзини кўр қилган экан. Ҳа, ҳалигача бир кўзи кўр бўлиб юрибди ўша Саидолимнинг...

Ўғли Эҳсон ўша воқеага якун ясамоқчи бўлгандай оҳангда:

– Ҳа, Мастура холам ёмон норози бўлган эканлар-да ундан, – деди.

Шу маҳал Журъатнинг хаёлига қаёқдандир яна ана шу амакиси дадасининг йили ўтар-ўтмас уларнинг розилигини олиб ўтирмай ҳам кафтдеккина ҳовлини иккига бўлиб, ўртадан девор олгани ёдига тушди-ю, ўзи истамаган тарзда уни саволга тутди:

– Ҳа, дарвоқе, ер олмоқчи бўлгандингиз Эҳсон ака, нима бўлди?

Эҳсон амакиси нима учун дабдурустдан Журъат унинг ери билан қизиқиб қолганини тушунмади. Шу сабабдан ҳам:

– Қарорга ҳокимнинг муовини қўл қўймаётганмиш. Бир-иккита ҳужжатлар тўлиқ эмас, деб баҳона қилаётганмиш, – деди.

Журъат ўйланиб турди-да:

– Уларнинг дарди пул бўлади, Эҳсон ака, эллик-олтмиш мингнинг баҳридан ўтасиз энди, – деди.

– Эллик-олтмиш минг бўлса майли эди. «Уларнинг оғзини кўки билан ёпасиз», дейди битта-иккиталар.

– Қайси тумандан олишингиз керак эди?

– Ўзимизнинг тумандан-да!

– Бир танишим бор эди, шунга айтиб кўрайми? – кўнглидан Покизани ўтказди Журъат. – Агар айт десангиз айтавераман!

– Йўқ, ҳозир мана бу ёнимдаги қўшним бир гап айтиб қолди, – деб қўшни йўлакка ишора қилди Эҳсон амакиси. – Шу томонини қип кўрайлик-чи!

– Қанақа гап экан? – қизиқди Журъат.

– Ойимнинг касалликлари, домда яшаш мумкинмаслиги ҳақида битта маълумотнома обориш керак экан. Булар иккинчи гуруҳ ногирони-ку! Иннайкейин, бобонг раҳматлиям уруш қатнашчиси эдилар...

Журъатнинг хаёлидан дарров: «Эҳсон акам илоннинг ёғини ялаган-да, шунгаям бувимни, бобомни қўшиб ишни пулсиз, ортиқча сарф-харажатсиз битирмоқчи. Ёмо-он ўз фойдасига пишиқ одам-да», деган ўй ўтди, ўтдию:

– Майли, мабодо у йўл билан ишингиз битмаса менга айтарсиз, битта акахонимиз бор, – деди.

Амакиси унинг «акахонимиз»ига кулиб қўяркан:

– Майли, бу ёқдан ҳаракат қилайлик-чи, битмаса сенга айтарман, – деди.

– Барака топ, болам, жигар экансан амакингнинг мушкулини осон қилмоқчисан, – уни дуо қилган бўлди Мастон кампир, шу пайт уни йўтал тутиб қолди. Нафас олиши қийинлашиб, анчагача хириллаб йўталди, охири ўқчиди. Қийналиб йўталгани учун юраги санчди чоғи, кўкрагини чангаллади.

Журъат бувисини гапга солиб анча уринтириб қўйганини сезди. Шунинг учун ҳам у йўталиб, кўкрагини чангаллаганидан бир томондан хавотирга тушса, иккинчи томондан у билан бир нарса бўлиб қолишидан қўрқди. Яна унинг азобланишидан изтиробга тушди-да, Нафиса кеннойиси қизил атлас гулли косада олиб келган маставага ҳам эътибор бермай:

– Майли, буви, мен турай. Гап сотиб сизни анча уринтириб қўйдик, шекилли. Нима дори керак бўлса менга айтаверишсин. Бирор касалхонага ётқизиш керак бўлсаям менга телефон қиларсизлар, – деди-да, аввал кеннойисига, сўнг эса амакисига кўз югуртирди, ортидан юзига юзаки фотиҳа тортиб, ўрнидан қўзғалди.

– Иссиққина овқат сузиб келувдим-а, насибангизни ташлаб кетманг, Журъатжон, – ялинган бўлди Нафиса кеннойиси.

– Ҳа, тўғри, ичиб ол, кейин турарсан. Ҳойнаҳой ишдан келаётган бўлсанг керак, – ёнига қўшилди Эҳсон амакиси.

– Бизларни биласиз-ку, ўн бир-ўн иккисиз уйга кирмаймиз, – деди Журъат, тағин бувисига ўгирилиб: – Ё буви, сизни эртага келиб уйга опкетайми? – деб сўради.

Йўтали қайтиб, нафасини ростлаб олган Мастон кампир нигоҳини айвонча шифтидан узмай:

– Шуни айтганинг учун раҳмат болам, шу фақат унда-бунда йўқлаб турсанг бўлгани. Энди, бундан буён, олма билан ўрик бўлармидим, туршакдан бўлак ҳеч нарса бўлолмайман, айланай, – деди.

Журъатга бувисининг сўзлари таъсир этиб, унинг бош томонига яқинлашиб энгашди-да, Мастон кампирнинг кичрайиб кетган ёшланган кўзларига тикилганча унинг ўнг ва чап юзидан чўлпиллатиб ўпди, сўнгра шимининг ўнг киссасидан иккита беш юзталикни чиқариб, унинг титраётган кафтига қистирди.

– Бу нима қилганинг? – ундан норозиланди Мастон кампир. – Шунча дори опкелганингга ҳам раҳмат!..

– Опкелсам сизга опкебман-да! Пул ҳам керак бўлиб қолади, у-бу ишингизга, – деди Журъат.

Мастон кампир уни дуо қилди:

– Барака топ, болам. Болаларингнинг роҳатини кўр. Тупроқ олсанг олтин бўлсин, олтин бошинг омон бўлсин...

Журъат ортиқ уни безовта қилишни истамагани учун кампирнинг оёқ томонига ўтди-да:

– Бўпти, буви, яхши ётинг, – дея ошхонани босиб ўтиб, йўлакка чиқиб борди, ўша ерда кенойиси билан хайрлашди. Елкасига костюмини ташлаётган амакисига юзланиб: – Сиз пастга тушиб овора бўлманг, ўзим кетавераман. Сизлар бувимга қарай қолинглар, – деди.

– Қизиқмисан, – деди Эҳсон амакиси, унинг гапига унамай, у билан олдинма-кетин йўлаккача тушиб борди.

Ташқарига чиққанларида Журъат у билан қучоқлашиб хайрлашди-да:

– Бўпти, Эҳсон ака, – деди, амакиси билан қучоқлашиб хайрлашганидан ичдан ижирғанди.

«Сен билан менинг қучоқлашишимизда бари бир меҳр-оқибат йўқ. Бизники шунчаки йўлига», деган ўй кўнглидан бир сонияда ўтиб улгурди. – Ҳалиги гап-да! Нима керак бўлса айтарсизлар, – деди яна, шимининг чўнтагидан машинасининг калитини олиб, олд эшигини очди-да, ўриндиққа жойлашиб ўтириб, машинани ўт олдирди. Бардачокдан бир дона сигарет чиқариб, оғзига солиб ёндиргичда тутатди-да, у билан баробар машинасини бирор дақиқа шу алпозда қиздирган бўлиб, амакисига «бўпти, хайр», дегандай қўл силкитиб, бош тебратиб қўйди. Машинасини орқа билан юргизиб, уйнинг тагидан катта йўлга чиқиб борди-да, газ бериб уни ғизиллатиб ҳайдаб кетди.

41

Мирзоҳид алламаҳалда акасиникидан қайтди. Дадаси ва ойиси у билан хайрлашиб, қўшни йўлакка ўтиб кетишганидан сўнг укаси машинани гаражга ҳайдаб кетганини кўрди-ю, пайтдан фойдаланиш илинжида лифтга чиқди-да, еттинчи қаватнинг тугмасини босди. Еттинчи қаватда лифтдан тушгач, сал юриб ўнг томондаги устига қора чарм қопланган эшикнинг қўнғироғини босди. Юраги темирчининг босқонидек гуп-гуп урди. Шундагина қўлида «Вега» магнитофонини ушлаб олганини, у укасиники эканини идрок этиб қолди. Қайтиб кетишга илож йўқ, қўнғироқни босиб қўйган. Ичкарида чироқ ёнганини, бироз ўтгач Мактуба ёқимли, юракни ўртовчи овозда «ким у?» деб сўраганини эшитди.

Мирзоҳид ҳар эҳтимолга қарши, мабодо қўшнилар эшитиб қолса деган ўй билан:

– Бу менман, Мактуба, айтган дориларингизни опкелдим, – деди.

Эшик шарақлаб очилди-да, остонада кўкраклари атрофига бинафша гуллари туширилган мовий ич кийимда, сочлари ёйиқ бўлган Мактуба пайдо бўлди. Мирзоҳид унинг енглари тагидан кўриниб турган оппоқ билакларини, ана шу билакларидаги майда тукчаларни, яланг оёқларини кўриши ҳамоно кўнгли суст кетиб, оёқ-қўллари титраётганини ҳис этди.

– Зоҳид ака, сизми?! – деди Мактуба, жажжи қўллари билан сўл юзининг яримига довурини ёпган қўнғирранг пахмоқ сочларини қулоғининг ортига ўтказган бўлди. Шунинг баробарида бошини ҳам орқага икки-уч чайқатди. Аёлдан хушбўй атир иси анқиди.

– Мен, Мактуба, акамникидан, туғилган кунидан қайтаётувдик, сўраган дориларингизни опкелдим, – деди-да, ўнг қўлидаги магнитофонни чапига олиб, чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ дориларни чиқарди. – Мана, Мактуба, анави топилмаяпти деганингизниям топиб опкелдим.

– Раҳмат, Зоҳид ака, раҳмат, – деди Мактуба, у Мирзоҳиднинг қўлидан ўзи сўратгани дориларни олаётганда йигит унинг қўллари қизиб ётганини ҳис этди. Мирзоҳиднинг бутун вужудини аллақандай шаҳвоний истак чулғаб олди. Яна аёл ўзи истаб қўлини Мирзоҳид ушлаб турган эшикнинг бу ёғига ўтказиб олганини кўрди. Бу унинг Мирзоҳидни кетказишни истамаётганининг белгиси эди. «Ҳа, ҳа, мени кетказгиси келмаяпти, мени уйига киришимни хоҳлаяпти!» деган ўй унинг кўнглидан бир сонияда ўтиб улгурди.

Мактуба ҳам унинг кўзлари ёниб кетганидан дилида шу дамда нималар кечаётганини фаҳмлагани учун ҳам:

– Зоҳид ака, юринг ичкарига, меҳмоним бўп кетинг, – деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Мирзоҳид қандай қилиб уни қучоқлаб олганини ҳам сезмади. Мактуба қаршилик билдирмади-ю, фақат: «Ёмон экансиз, Зоҳид ака, сиздан ароқ ҳиди келяпти», дея олди, холос. У энди Мирзоҳиднинг магнитофон ушлаб турган ўнг билагидан маҳкам сиқиб уни ичкарига тортқилаганди, шу пайтда пастда бир нарса тарақлагани эшитилди-ю, чўчиб тушди.

Мирзоҳид ҳам «ўлиб турган экан», деган ўй билан энди Мактубага эргашиб ичкарига кириб кетмоққа ошиқаётган эди, пастда укаси Мирвоҳид уни чақирганини, кейин эса бир нарсалар тарақа-туруқ қилганини эшитдию: «Мени қидиряпти шекилли, ишқилиб кеннойисидан сўрамаган бўлсин-да!», деган хаёлга бориб, бутун вужудини чулғаб олган ёқимли туйғу ҳам қайга ғойиб бўлганини сезмади. Ўзини еттинчи осмонда ҳис этаётганди, кайфи тарқаб кетиб, қандай қилиб ерга «тап» этиб тушганини ҳам сезмади.

– Мактубахон, мана бу магнитофон Мирвоҳидники эди, машинани гаражга қўйгани кетувди. Тағин мени Замира опангиздан суриштириб ўтирмасин, – деди-да, энди пастга тушишга ошиқаётган эди, Мактуба қўлларини тортмаётганини, уни кетказишни истамаётганини сезди.

– Мен қайтаман, Мактуба, қани тушиб кўрай-чи, нима гап экан? – деди Мирзоҳид, ҳали ҳам Мактубанинг қизиб ётган билакларини унутолмади.

– Биламан, тушганингиздан кейин қайтмайсиз, Замира опам билиб қолишларидан қўрқа-

сиз, – деди Мактуба, айни паллада Мирзоҳидни ёмон кўриб кетиб, унга хўмрайиб боқди.

– Сиз... эшигингизни қулфламанг... Мактуба! – деди Мирзоҳид, аёлнинг ундан ранжиб хўмрайиб туришини кўриб қўлидаги магнитофон тушиб кетаёзди.– Ҳа, жин ургур. Негаям шуни олақолдим. Мирвоҳидни кузатиб юбориб, кейин сизнинг олдингизга кўтарилмайманми-я!..

– Балки шундай бўлганиям яхшидир, бир ҳисобда, – деди Мактуба, энди унинг юзидаги эҳтиросларсўниб улгурган, энди ёқимли юзида совуққонлик, фақатгина ўта эсли, ҳушёр аёлларда учрайдиган эҳтиёткорлик аломати қалқиб турарди.

– Мен, албатта, қайтаман, – деди Мирзоҳид овозини пасайтириб, лифтни кутиб турмай пастга ошиқаётган эди, Мактуба уни тўхтатди-да, деворнинг ҳам қулоғи бор дегандай кўрсаткич бармоғини тарози милидай лабларининг миёнасига олиб бориб паст овозда:

– Энди эшикни очмайман, Зоҳид ака, дориларнинг пулини эртага бераман, – дея маълум қилди.

– Мен қайтаман, жоним, – пичирлади Мирзоҳид, – эшикни қулфламанг.

– Суюлманг, Зоҳид ака.

Мирзоҳид пастга тушганда йўлак рўпарасида укаси Мирвоҳид турганини кўрди.

– Ҳа, дарров қаёққа йўқолдингиз? Уйга кириб кеннойимдан сўрасам ҳали келмадилар, дедилар, – дея акасидан норозиланган бўлди.

– Уйга нега кирасан. Мен зарурат юзасидан нарёққа ўтиб келаётувдим, – деб уйлари рўпарасидаги чала ярим ҳолда ётган ошхона биносининг ортига ишора қилди, кейин укасининг магнитофонини қўлига тутқазди. «Мана шу магнитофон ту-

файли ҳам Мактубанинг висолига эришолмадим», деган мулоҳаза таъсирида унга ола қараш қилди, кетидан «Ҳе, магнитофонни қўлимга тутқазган сендан...», дея укасини ичида сўккан бўлди.

Мирвоҳид ҳам ўз навбатида гаражнинг калитини унинг қўлига бера туриб:

– Нарёққа ўтиб келяпман дейсиз, тепадан тушдингиз шекилли, – деди.

– Сени қидириб чиқдим. Овозингни ўша ерда эшитгандай бўлганим учун, – ёлғон сўзлади Мирзоҳид.

– Мен фақат иккинчи қаватга кўтарилиб Замира кеннойимдан сизни сўрадим, – жавоб қилди Мирвоҳид, акасини тушунмагандай елка қисди, ортидан қўшиб қўйди: – Бўпти, мен кетдим.

Укаси кетиши ҳамоно иккинчи қаватдаги ётоқхонаси деразаси очилиб, хотини Замира кўринди:

– Ҳа, адаси, Воҳид акам сизни қидираётувдилар, топдиларми ишқилиб?!

Хотинининг сўровидан Мирзоҳиднинг энсаси қотиб кетди. Кайфи тарқаб, дилида Мактубага алвидо айтаркан:

– Топмай қайга борарди, нима, гўрга кетармидим?! – дея ғазабини унга сочди.

– Ё энди айтаман-да! Тезроқ чиқмасангиз Дилшодингиз ҳалиям ухлагани йўқ! «Адам қачон келадилар», деб миямни қоқиб қўлимга берди-да!

Мирзоҳид аллақандай умидсиз, хомуш нигоҳда еттинчи қаватга, Мактубанинг чироғи хира ёниб турган уйи деразасига қаради. «Ҳойнаҳой у мени интизор бўлиб кутиб турган бўлса керак?», деган ўй кўнглидан кечди, аммо энди уникига шу бугун чиқишдан бутун умиди узилган эди. У кўзларини ёш болалардай пирпира-

тиб яна аёлнинг деразасига қараган эди, у ерда чироқ ўчганининг гувоҳи бўлди. «Ана, айтмадимми, унинг ҳам умиди узилган!» У шундай хаёлга ҳам бориб турган эди, иккинчи қаватдаги ҳозиргина хотини гапирган дераза ёнига кенжа ўғли Дилшод осилиб олган кўйи:

– Адам келдила! Адажо-он келдизми? Манга нима опкелдиз? – деб ундан эркалик билан сўради.

Энди Мирзоҳиднинг бутун вужудини оталик меҳри қамраб олиб, бояги Мактубага нисбатан борлиғида ҳукмронлик қилган ҳис қаёққадир ғойиб бўлганини, орқага чекинганини туйди-ю, у чап чўнтагига ана шу кенжа ўғли Дилшод учун иккита шоколад солиб қўйганини эслаб, қўлини шимининг киссасига суқиб, ўша ширинликларни чиқариб ўғлига кўрсатди-да:

– Мана, Дили, санга зўр шакалат опкелдим! Ҳозир чиқаман, ўғлим! – деди-да, Мактубага яна бир марта алвидо айтгандай, ўша қаватга қараб қўлини силкитиб қўйди, кейин қайтиб еттинчи қаватга қарамасдан, бетон зиналарни санаб ўзининг уйига кўтарилди.

42

Рашид Нўъмоновичнинг даврида ҳам Журъат Равшан Ботирович билан иш бўйича кўп тўқнашган эди-ю, аммо у билан бафуржа гаплашмаган, у билан иш битирмай, тўғри ҳоким билан ишини битириб кетаверганди. У пайтларда Равшан Ботирович ҳали Равшан ака бўлиб, ҳоким муовини бўлмай, қурилиш ва маҳаллий саноат бўлимида бошлиқ лавозимида ишларди.

Мана у ориққина Равшан акадан бақбақаси осилиб, тўла юзларига ажин оралаган, мош-гуруч сочларининг ҳам тепа қисми тўкилиб, савлатли, айни пайтда кўп масалаларда муросасиз бир одам номини олган эдики, унинг салобати, кишига синовчан боқишлари даставвал Журъатни ҳам чўчитиб, бошида у билан суҳбатда ўзини йўқотаёзди. Фақатгина ҳоким ўринбосарининг:

– Нима масалада келганингиз менга равшан. Битта-яримта гапингиз бўлса шошилмасдан гапираверинг, – деганидан сўнггина у ўзини сал қўлга олди-да, унга дардини тўкиб сочди:

– Ўзингизга маълум-ку Равшан ака, мен бу дўконни не ҳасратда қурганман. Неча йиллик умрим кетган. Ҳали ғиштга, ҳали бетонга, ҳали цемент, ҳали қумга, ҳали Оҳангаронга, ҳали арматура учун Бекободга, ҳали бетон плита учун ЖБИга, ҳали Қибрайга қатнайвериб, ҳали самосвал, ҳали кўтарма кранни кетидан югуравериб онамни кўрганман, Равшан ака. Ўзингиз бор эдингиз, ҳали лойиҳаси, ҳали қарорини деб бир оёғим шаҳар ҳокимиятида бўлса, бири бу ерда эди... Мана энди мана бундай гап чиқиб турибди.

– Мен сизни тушунаман, ука, – дея гап бошлади ҳоким ўринбосари, бир қоши паст-иккинчиси баланд чимирилди. – Лекин у ер бузиладиган бўлса, кўпга келган тўй, буни сиз билан мен тўхтатолмаймиз, аммо сиз жойсиз қолмайсиз, ҳамма ҳужжатлар бор-ку, а?

Журъат «фақат дўконнинг қароригина илгариги бошлиғимиз Сокина хонимнинг қўлида», деб юбораёзди, ортидан эса: «Бу гапнинг бу одам учун нима аҳамияти бор?», деб ўзини саволга тутди,

мазкур саволи таъсири остида: «Бари бир бу ердан чиқиб, тўғри Сокина хонимникига боришим керак экан-да!», деган хулосага келиб қўйди.

– Ҳа, деярли ҳаммаси борку-я, аммо бир танишимга... бир опахонга, – у Покизани шундай деди, – ҳали у томонларнинг бузилиши номаълум. Кўприкнинг биринчи навбати қурилса, Қушбеги томонлар бузилади дебсиз. Менинг дўконим автостанциянинг бу ёғида-ку! «Фарҳод»га олиб борадиган томонида!..

– Тўғри, сизнинг дўконингиз хусусида бизнинг оилага яқин бўлган Покиза Самадовна суриштирдилар. Мен у кишига ҳозирча сизнинг дўконингиз жойлашган кўча ҳақида гап йўқлигини, ҳали у томонлар бузилиши номаълум эканини айтдим. Аммо бу деганим у ёқларга тегилмайди дегани эмас, мабодо кўприк икки қаватли, айланма шаклида бўладиган бўлса... ҳали номаълумку-я, аммо ҳар бало бўлиши мумкин-да!

– Равшан ака... Равшан Ботирович, мен, ахир, уни беш йил қурганман. Ҳали Бекободга, ҳали цемент учун Оҳангаронга, ҳали ғишт учун Келесга... Ўзи бўлмаган буни қуриш, бутун бор-будимни шу бинога сарфлаганман, ахир! Ўзингиз биласиз-ку, ўшанда худди ана шу қурилиш бўлимида ишлардингиз-ку!

Равшан Ботирович Журъат яна гапни бошидан бошлаётганига ижирғанса-да, уни эшитиб турди. У ҳадеб бир гапни чайналаверганидан кейин сўзида тўхтатди-да:

– Ука, ўтган ойда ҳоким ўтказган мажлисда бормидингиз? – деб сўради, Журъат ўйланиб туриб «ҳа», деб жавоб қайтаргач, сўзида давом этди: – Ўшанда у киши айтдилар-а? Аввал Қуш-

беги, Ўзгариш, ундан кейин Усмон Носир кўчалари, дедилар-а?!

– Ҳа, – деди Журъат, яна пича ўйланиб туриб, қўшиб қўйди: – Аммо бизнинг томонниям тилга олдилар-да! «Автостанцияям, йўлдаги дўконларам кетиши турган гап», дедилар...

– Турган гап эмас, «... кетиш эҳтимоли бор», дедилар.

– Менга «турган гап», деб эшитилди.

– Мусулмон, мен сизга айтяпман-ку! Ҳали сизларнинг ҳудудларниям бир айланамиз... балки ҳоким билан, балки шаҳар ҳокимиятидагилар билан... Ҳали бу мавзуга кўп маротаба қайтамиз. Сиз ҳозир ўз чегарангизни тоза тутиб туринг!..

– Фаррошларга айтиб қўйганман. Мен тозаликка жуда аҳамият бераман, – деди Журъат, сўнгра тағин гапни айлантириб дўконини не ҳасратда қурганига олиб келди-да: – Ўзи бўлмаган-да, Равшан Ботирович, одамлар битта кичик нонвойхона қуриш учун йиллаб овора бўлишади-ку, меники бутун бошли йигирма беш метрга ўн икки метр қилиб қурилган дўкон-а! Ҳали ҳечам кирмагансиз-а менинг дўконимга? Бир кириб кетинг, бир меҳмоним бўп кетасиз!.. – ёш болалардай ялиниб-ёлворишга тушди Журъат.

Равшан Ботирович унинг сўзларига кулишини ҳам, жаҳл қилишини ҳам билмай:

– Мавриди билан бир кирарман, ука, мавриди кеп қолади, – деди, кейин Журъат яна дийдиёсини бошлаб, дўконини қандай азобларда қурганини пеш қилиб қолишидан чўчигандай оҳангда: – Фақат бояги гапларни қайтарманг, ука, жуда бошимни ачитиб юбордингиз, – деди, Журъат унинг «бошимни ачитиб юбордингиз»и-

дан яна ғалати аҳволга тушганини, болаларга ўхшаб ранжиганини кўргач, унга ичдан ачиниб, қўшиб қўйди: – Боя айтганимдай, ука, мабодо бузиладиган бўлса, мабодо деб айтяпман, қўлингизда қарор бор-ку, шаҳар ҳокиминики, тўғрими? Ҳар ҳолда бегона эмас экансиз-ку, Покиза Самадовна менга илтимос қилганлар, яхши жойдан сизга ер ажратиб берамиз, яна мабодо деб айтяпман-а, келишдикми?!

Журъат у Покизани тилга олганидан бир томондан севинса, иккинчи томондан ҳоким ўринбосари икковининг ораларидаги алоқани билиб қолишидан чўчиди ҳам; энди гапни чалғитаман деб турганди, Равшан Ботировичнинг ўзи суҳбатни бўлак мавзуга буриб:

– Ҳа, айтгандай, сизнинг Сардор билан алоқаларинг яхши а? Рашид Нўъмоновичнинг бизда ишлайдиган ўғли Сардорни назарда тутяпман? – деб қолди.

– Ҳа, Сардор менга укадай бўп қолган, – жавоб қилди Журъат.

– Шуни билганим учун айтяпман. Ҳар ҳолда, сиз унинг дадаси биланам яхши эдингиз, бу биланам ака-укадай экансизлар, бир-икки нарсада насиҳат қилиб қўйсангиз.

Журъат бошқа одам эмас, шу кунларда унинг иши тушиб турган ҳоким ўринбосари ундан илтимос қилиб турибдими, ана шу илтимосини бажо келтирмаса бўлмаслигини сезди.

– Сардор сизни хафа қилдими? Унинг қулоғини бураб қўйиш қўлимдан келади! Ҳар ҳолда юристман-ку, юридик томондан насиҳат қилиш қўлимдан келади, – деб Равшан Ботировичнинг нафсониятига тегадиган катта гап гапириб қўйди Журъат.

– Энди... Журъатжон-а, юридик томонини олсак, юридик томондан иш тутсак, фалон банд билан ишдан бўшатиб юбориш ҳам қўлдан келадику-я, аммо марҳум Рашид Нўъмоновичнинг арвоҳини чирқиллатгимиз келмайди. Иннайкейин, одамгарчилик деган томонлариям бор..

Ҳоким ўринбосарининг сўзларини охиригача эшитишга Журъатнинг сабри чидамади, ўзи сезмаган тарзда шартта бўлиб, ундан сўради:

– Унинг ахлоқи масаласидами, Равшан Ботирович?

– Ҳа, ишга муносабати ҳақида. Ахлоқи масаласидаям. Ишга ўз вақтида келмайди, берилган топшириқларга эътиборсиз қарайди, иннайкейин, нима деймиз, аёлларни тинч қўймайди. Бўлар-бўлмас қизларни хонасига опкирволиб, улар билан гап сотиб ўтиришдан чарчамайди. Гапирса гап кўп. Айниқса, кейинги айблари... Мен ходимлардаги ҳамма нуқсонга чидайман, ҳамма камчиликларини кечираман-у, аммо ўзининг оиласи бўла туриб ҳар турли калта юбкалиларнинг этагига илакишаверадиганларни, ўрислар уларни «бабник» дейди-а, ана шунақаларни умуман жиним суймайди-да!..

Унинг сўнгги жумласи Журъатга ҳам тегиб кетди. Гўё у Сардордаги айбларни айтаяптию, аслида бутун нафратини Журъатга қарата сочаётгандай бўлиб кўринаверди. У яна бир бор Покиза билан алоқаларини Равшан Ботирович сезиб қоладигандай, сезиб қолиб уни жазолайдигандай, ўзидан-ўзи қўрқиб кетди.

– Мен ҳозироқ унга насиҳат қилиб қўяман, Равшан ака, – деб ҳоким ўринбосарига сўз берди Журъат. – Бошқаларга бўлмаса ҳам унга насиҳат қилиш қўлимдан келади.

– Йўқ, ҳозир у йўқ. Бир топшириқ бўйича объектга кетган. Эртагами, индинга олдингизга юбораман, бир насиҳат қилиб қўйинг. Акс ҳолда, сўнгги чорани ишга соламан. Аризасини ёздиртириб, ишдан бўшаттириб юбораман. Бу иш жуда яхши қўлимдан келади-да!..

– Йўқ, у ҳали сиздан узр сўрайди, Равшан Ботирович!..

– Менга унинг узри керак эмас. Менга фақат ишга муносабатини ўзгартирса ва ахлоқини тузатса бўлди. Бу ер онамнинг маҳрига тушган эмас, бу ер давлат идораси. Қачондир ҳамма кетади бу даргоҳдан, ҳеч кимса ўзи билан опкетолмайди бу ерни. Лекин ишхонада буйруқни бажариш, вазифасини суиистеъмол қилмаслик, ахлоқан поклик ҳар бир ходимнинг бош вазифаси бўлиши керак.

– Мен сизни тушундим. Сизни хафа қилмайди. Мен унга ҳамма гапларингизни ётиғи билан тушунтираман. Кечирим сўраттириш керак бўлса, ҳали олдингизга келиб узр ҳам сўраттираман. Бу ёғини менга қўйиб беринг.

– Ҳалиги ишга қайтсак, мабодо бузиладиган бўп қолса, биз ҳали яна айтамиз, сиз асосан шаҳарнинг қарорини тайёрлаб қўйинг, яхши жойдан ер ажратиб берамиз, – деб уни тағин бир карра тинчлантирган бўлди ҳоким ўринбосари.

– Хўп, – деди Журъат, хаёлидан эса: «Сокина хонимникига бориш керак экан-да!», деган ўй ўтди, юраги орқага тортиб, бир ўзи қандай қилиб собиқ бошлиғиникига боришини ўйлаб турган эди, ёдига Фақирий келиб қолдию кўнгли равшан тортиб кетди, ичдан пича тинчланди. «Ҳар қалай Фақирий матбуотда ишлаган. Уям менга қўшилиб Сокина хонимга таъсир ўтказар,

қуруқ қўл билан қайтмасмиз», деган мулоҳазага бориб, ўшанда унинг қўлига дўконининг қарорини ўз қўли билан топширганига ичида минг афсус-надоматлар чекди. Аммо яна тезда бу нарсаларни унутиб, Равшан Ботирович билан қуюқ хайрлашди-да, хонасидан чиқди. Ҳоким ўринбосарининг «Сардор ҳозир йўқ», деганини ҳам унутиб, иккинчи қаватга тушди-да, йўлакнинг адоғидаги хонага яқинлашиб эшикдан мўралади. Ичкарида ўзи ахтарган Сардорини тополмагач, ҳамхоналарига: «Кечқурун Сардор менинг ишхонамга кириб ўтсин», деди-да, яна бошқа кўп ўй-ташвишлар гирдобида ҳокимиятдан ташқарига чиқиб борди.

43

«Сокина хонимникига қандай кириб бордим энди,– дея нечанчи бор ўйланиб борарди Журъат машинасида. – Анави Акобировнинг қилган ишини айтгани борганимдан кейин умуман у хонадонга бошқа қадамимни босмадим-ку! Ҳатто ўғли Файзулла ўлганида ҳам бормадим. Ундан қаттиқ аразлаганимни сезган шекилли, ўртанча қизини узатаётганида тўйига ўзи эмас, кенжа қизидан телефон билан айттирибди. Сокина хонимни ўзи айтганида борардим-а, аммо қизидан айттиргани учун бир менам қизларим Гулюз ва Гулруҳга Ханжарни қўшиб юбормоқчи бўлдим-у, аммо шу ишни қилишга юзим чидамади. Андишага бордим. Гўё у қилган ишни қайтараётгандай бўламанми, дедим...»

– Ҳа, Журъатжон, ўйланиб қолдингиз? – ундан сўради Фақирий.

– Ҳозир уйига кетаётганимиз аёлдан қарорни қандай қилиб олдим, деб хаёл суриб келяпман-да, – деди Журъат, киссасидан сигарет олиб машинанинг ўт олдириш қисмида тутатиб ёндирди-да, уни чап қўлининг кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасига суқиб оғзига олиб борди. Узоқ ичига тортди – бир маҳал кериғлиқ бурун катакларидан тутун буруқсаб чиқди, у эшик ойнасидаги учбурчак тирқишини тўлиқ очиб юборди.

– Қандай қилиб олардик, оддий қилиб сўраб оламиз-да, – тап тортмади Фақирий. – Худди аждаҳонинг домига кетаётганимиздай хўмрайиб олганингизга айтаман-да!..

– Сиз бу аёлни билмайсиз-да, Фақирий, бу аёл менинг бошимга не мусибатларни солмади! Бўлмаса бошида шогирдимсан, ҳатто ўғлимсан деган одам-а?!

– Нега ундай қилди?

– Кўролмасликдан-да! Менинг дўкон қуриб мустақил бўлиб чиқиб кетганимни кўролмади!..

– Илгари қўли остида ишлармидингиз?

– Ҳа, Қорасувдаги дўконида бирга ишлардик. Уни хусусийлаштириб олганди, билмайман ҳозир нима қилган.

– Нега шунчага борди?

Журъат Сокина хоним билан ораларида бўлиб ўтган келишувни ҳам, ораларига аралашиб, уларни ит-мушукка айлантирган озроқ пулни ҳам айтиб ўтиришни истамагани учун ҳам:

– Қўйинг-чи, мени ўз қўлостида олиб юрмоқчи эди-да! Мендан айрилишни истамовди!

– Бундан чиқди, сиз у аёлга содиқ хизмат қилган бўлсангиз керак-да!

– Ҳа, беркитиб нима қиламан, мен уни устоздек кўрардим, ҳурматини жойига қўйиб юрар-

дим, – деди Журъат, кейин яна ёдига Акобиров воқеаси тушиб, қисқагина кулди.

– Ўшандан ҳам қарорни унга бериб қўйган-сиз-да, а?!

– Йўқ, бу ерда бошқа нарса ҳам бор. Тўғрисини айтсам, бирга ишлашамиз деб озроқ пул қўшувди.

Фақирий бир нарсаларни мулоҳаза қилиб ўйланиб қолди-да:

– Ҳа-а, – деди.

– Аммо мен ўн баравар ортиғини унга ўтказиб қўйган жойларим бўлган. Қанчадан-қанча молим уникида қолиб кетган эди. Охири нима қилди денг? Охири шаҳар прокуратурасида ишлайдиган жиянини ишга солиб, мени қаматтирмоқчи бўлди-да! Тунов куни тўйга борганимизда, сизга айтганим Нодир тилга олди-ку бир одамни, Акобиров деди-ку, ана ўшанда мен индамадим-ку, ана ўша Акобиров бу хонимнинг жияни бўлади!..

– Ҳа, шундайми?!

– Тоза қонимни ичди-я, аммо-лекин у нусха!

– Дўконингизни босдими?

– «Босдими»ям гапми? Босгандан баттар қилди! Ҳаммасини мана шу ҳозир уйига кетаётганимиз Сокина хоним уюштирди. Ўша турқи совуқ Акобировга бу ойимча амма бўладилар, Қўзивойга! Ўзи ҳақиқатанам қўзи экан – у қилди, бу қилди, охири ҳеч нарсани уддалаёлмагач, юзига отиб урганим икки минг доллар садақамни чўнтагига ҳовлиқиб солар-солмас дўконимни ташлаб қочиб чиқиб кетди. Ўзиям башараси чандиқ босган, қоп-қора, афтида фариштаси йўқ бир кимса эди-да, бу Қўзивой деганлари!..

Журъат «икки минг доллар садақамни», деганида Фақирийнинг хаёлига укаси Абдумалик

келди. У ҳам Фақирийга: «Сенга садақа қилгандан кўра анави кўчада ўтирган гадойга садақа қилсам бўларкан», деганди, ана шуни эслаб хўрсиниб қўйди, яна улар фирмага топширган юкини олишолмаётганини ўйлади. Укасининг ўшандаги ўйламай айтган аччиқ-тизиқ сўзларига Журъатнинг мана бу ёзғириши мутаносиб тушгани важидан, ўзи сезмаган тарзда:

– Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога, деб шуни айтишаркан-да! – деди, ўз жигари унга қаттиқ гап гапиргани айни дамда ҳам нашъа қилиб, киноямуз илжайди. Аммо яна бу истеҳзоли кулгисини Журъат нотўғри тушуниб қолиши мумкинлигини ўйлаб, тезда ўзини қўлга олиб, жиддий тусга кирди.

– Э-э, ўзига айтдим Фақирий, ўзига айтмаган гапим қолмади. «Чаён экансиз, чаёнинг ишини қилдингиз», дедим ҳам. Аммо Худо бор экан, Фақирий, Худо кўрсатди – узоқ йили арслондай ўғли Тошкент денгизига чўкиб ўлди-я!..

– Ё тавба, бандасининг ҳечам бировга зуғум қилиши яхши эмас-да! Оллоҳнинг зуғуми ундан ам даҳшатли-да! Даҳшат!..

– Э-э, Фақирий, буниям билган билади, билмаган ҳеч нарсанинг фарқига бормайди!

– Бу гапингиздаям жон бор-ку, аммо сезги қизиқ нарса-да, бари бир кўнглининг бир чеккасида шу ишим туфайли мана бу ҳалокатга йўлиқдим деб ўйлайди бу хом сут эмган банда, – дея чуқур хўрсиниб қўйди Фақирий.

– Сиз ўйласангиз керак, бошқалар ўйламайди, – деди Журъат, қўлидаги сигарет қолдиғини машинаси ойнасидан ташқарига улоқтирди.

«Ҳозиргина Худо унга кўрсатди деб турувди. Энди бўлса, «бошқалар ўйламайди Худо кўрсат-

ганини», деган гапга олиб келяпти. Ўзини-ўзи инкор этяпти. Бундан чиқди, ўзиям ишонмас экан-да! Ишонмас экансан, нега унда бу гапни айтяпсан?!», ичида муҳокама юритиб бошлиғини тергаган бўлди Фақирий. Ана шу ички ҳолатидан келиб чиқиб:

– Эҳтимол ҳақдирсиз, – деди ўйчан бир тарзда.

– «Эҳтимол»ни олиб ташланг, бу борада ҳақман, – ўз сўзларини маъқуллашини қўймади Журъат. – Бошқалар бундай ўйлашига ҳали бор!..

Шундан сўнг анча йўлгача жим бордилар. «Семурғ» кинотеатрига етганда, Журъат машинасини чапга бурди, бироз юриб яна чапга буриб, тўғрига ҳайдади. Кўча адоғидаги болохонали, олд тарафи кўкат девор билан ўралган ҳашаматли иморат рўпарасида тўхтатди. Юраги темирчининг босқони каби гурс-гурс тепди, ўзини қўйгани жой тополмади.

Бошлиғининг ички ҳолатини сезган Фақирий уни тинчлантирган бўлиб:

– Чўчиманг, нима аждарҳонинг домига келдикми? Уям бир бечорадир-да, сиз билан менга ўхшаган! – деб ҳазил қилишга уринди.

– Худди ана шу аждаҳонинг уйига келдик, буни тўғри айтдингиз, – деди Журъат, кейин Фақирийнинг унинг жиғига тегиш учун ва маълум маънода ана шу йўл орқали унга тасалли бериш мақсадида айтгани: «Сизни ким ҳуқуқшунос дейди?», дейишига ўзини аҳамият бермаган қилиб кўрсатди-да: – Бўлганча-бўлди-да, қани кирайлик-чи, – дея аччиқ кулиб қўйди.

Улар машинадан бирин-сирин тушдилар. Журъат бугун эрталаб хотинига дазмоллатгани кўйлаги ва қора шимининг у ер-бу ерини тўғри-

лаган бўлди-да, янги суртилган ҳаворанг бўёғи ялтиллаб турган жимжимадор кунгирали дарвозага яқинлашиб, бурчакдаги қўнғироқ тугмасини босди. Хаёлидан шу онда: «Бир пайтлар бу хонадонга қадамимни босмайман, деб кетган эдим, ҳаёт тақозоси билан яна келишимга тўғри келди», деган ўй ўтди, ўтдию кўнгли алланечук ғашланиб, юраги нечанчи бор орқасига тортиб: «Ҳаёт яна ўз айтганини қилиб, келишимга мажбур этди», деб хулосаланди-да, қандайдир ички бир бесабрлик билан қайта қўнғироқни босди.

Фақирий унга нисбатан ташвиши кам бўлгани учун орқароқда теварак-атрофни кузатиб турарди.

Бахтга қарши эшикни Сокина хонимнинг ўзи очди. У остонада турган Журъатни, сал нарида эса у билан бирга келган нотаниш ҳамроҳини кўргач, нима қилишини, нима дейишини билмади, фақат:

– Кел, Журъат, сениям кўрадиган кунлар бор экан-ку, – дея олди, холос.

Журъат ҳам кўп чайналиб ўтирмай:

– Бир иш юзасидан олдингизга келувдим, Сокина хоним, – деди.

– Янглишмасам илгарилари мени «опа» дегувчи эдинг, қачондан бери сенга «Сокина хоним» бўп қолдим, – дея гина-гудурат қилган бўлди аёл, уларни ичкарига таклиф этди.

Улар Сокина хонимга эргашиб остона ҳатлаб ўтиб, ичкарига кириб бордилар. Уй эгаси икковини айвонга бошлаётган эди, Журъат ҳовли миёнасидаги марвартак тут соясида турган қип-қизил тўгарак пластмасс столга ишора қилиб:

– Мана шу тут тагида ўтирақолайлик, – деди-да, Сокина хонимнинг қаршилик билдиришига эътибор бермай Фақирийни ўша ёққа бошлади.

Сокина хоним бўлак қистовга олмади.

– Майли, шу ер сизларга маъқул тушган бўлса ўтирақолинглар, – дейиш билан чегараланди, Журъатнинг эътирозига қарамай, дастурхон олиб келиш учун лапанглаб ичкарига йўналди.

У ичкарида ғойиб бўлганида Фақирий у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг боқди-да:

– Унчалик аждаҳога ўхшамайди-ку, ўзимиз қатори одам сиёҳида, – деб сўз қотган бўлди.

– Энди ҳозир тушиб қолган пайти, мана бундай фожиадан сўнг, – хулоса чиқарди Журъат.

Бир маҳал Сокина хоним катта ялтироқ патнисга пахта гулли пиёлада асал, бир хилдаги гулли чинни ликопчаларга олма, хурмо, узум, қандак туршак, бодом, хандон писта, анжир туршаги, банан, таҳан ҳалвога ўхшаган ҳўл мева, қуритилган мева, ширинликларни солиб кўтариб олиб келди-да, ёши ўтиб, гавдаси бесўнақайлашиб кетган эса-да, баайни ёш келинчаклардай чаққон ҳаракатлар билан аввал крахмалланган оппоқ дастурхонни тўшади, кейин бўш стуллардан бирига қўйиб тургани патнисни қўлига олиб, ундаги ноз-неъматларни дастурхонга териб чиқди.

– Қўйинг, овора бўлманг, опа. Биз бир нарсани сўрагани келдик, бунақа нарсаларнинг кераги йўқ, – Журъатнинг ўрнига сўзланди Фақирий.

– Менинг уйимга ҳар куни келибсизми, озиб-ёзиб Журъат баҳонасида бир кеп қопсиз-да оповси,– дея солланиб, икки қулоғидаги жуҳуд зиракларини у ён-бу ён тебратиб, оппоқ билакларидаги қўша-қўша билагузук, дўмбоқ бармоқларига тақиб олгани брилиант, ёқут кўзли узукларини кўз-кўз қилган бўлди Сокина хоним, кейин «мен ҳозир», дея орқасига қайтиб кетди-да, кўп

ҳам ўтмай иккита патир нон, пахта гулли косада қаймоқ кўтариб қайтиб келди. «Яна озроқ кутасизлар», дегандай кўрсаткич бармоғини ҳавода муаллақ ўйнатиб, қари говмишдай лапанглаб айвонга кўтарилди-да, девор томондаги катта газ плитасига қўйилган мошранг човгумдаги қайнаган сувни пахта гулли чойнакка солиб, плита ёнидаги узунчоқ оқ буфетдан учта ана шундай пахта гулли пиёлаларни олиб, яна шошганча ортига қайтиб келди-да:

– Ана энди сизлар билан бафуржа гаплашсам бўлади, оповси, – деди, чойни қайтаришга киришди.

Унинг «бафуржа гаплашсам бўлади»сидан Журъат чўчиди. «Ҳали ўғли ўлганида хабар олишга ярамаганимни, ҳечқурса қизининг тўйига келмаганимни пеш қилмаса гўрга эди», деб дилидан ўтказиб турган эди, Сокина хоним худди ана шу мавзудан сўз очиб:

– Мана бу бошимга не ишлар тушмади, шу уч-тўрт йил ичида не мусибатларни кўрмадим Журъат, бир марта хабар олишга ярамадинг-а, ўғлимдай бўп қолгандинг ҳар ҳолда, – дея гина-гудурат қилди.

Журъат нима дейишини билмади. Охири чайнала-чайнала:

– Одам ўзидан ортмай қоларкан, опа. Файзулланинг ана ундай бўлганини кейин эшитдим. Жуда хафа бўлдим, аммо... – деб ёлғон сўзланди.

– Ҳа, энди шундай бўлди, – чуқур хўрсиниб қўйди Сокина хоним, кейин ушбу дардини унутишни истагандай қўл силтади. – Уйдагиларинг яхшими ишқилиб? Опанг, укаларинг? Анави, ерга урсанг осмонга сапчийдиган шўх уканг

юрибдими? – дея Суҳбатни ёдига олиб қўйишни ҳам унутмади.

– Ҳа, раҳмат, юрибди.

– Мендан салом айтиб қўйгин. Ҳар қалай, эсингда бўлса, сенинг гапинг билан бир-икки-марта унга насиҳат қилиб қўйган жойларим ҳам бор-а?!

– Эсимда, – деди Журъат, Сокина хоним билан апоқ-чапоқ бўлиб юрган даврини эслади. Ўшанда укаси Суҳбатнинг қамалиб кетишидан чўчиб, бир неча марта Сокина хонимдан унга танбеҳ бериб қўйишини илтимос қилганди. Тезда у нарсаларни унутди-да: – Ўзингиз яхшимисиз, ака тузукмилар? – деб унинг эри кўринмаётганига ишора қилиб у ёқ-бу ёққа аланглаган бўлди.

– Ҳа, ишлаб турибдилар. Ҳалиям шаҳарга ойда бир-икки марта тушиб кетиб турадилар, – эрини эслаганда совуққонлик билан жавоб қилди Сокина хоним. – Менам дўконни ижарага бериб қўйибман. Ўзим мана бундай майда-чуйда уй-рўзғор ишларини қилиб юрибман. Шуларга ўралашиб қолганман...

Журъат Сокина хонимнинг уйда ўтиролмасини ҳам, эркакшода феълини ҳам билгани учун:

– Соғ бўлсангиз бўлди, – дея уни тинчлантирди, аёл Фақирийга чой қуяётиб унга синовчан қараб-қараб қўяётганини кўргач, унинг қўлидан пиёладаги чойни олиб, ўзи ҳамроҳига тутди-да, қўшиб қўйди: – Бу киши Фақирий бўладилар, катта ёзувчи.

Сокина хоним собиқ хизматчисига: «Энди ёзувчилардан ҳамтовоқ топиб олибсан-да, чой узатишинг чакки эмас-ку!», дегандай синовчан, айни пайтда истеҳзоли қош чимириб разм соларкан:

– Илгари бу соҳанинг одамлари билан юрмасдинг, тинчликми ўзи? – деб сўради.

Журъат Сокина хоним коса таги нимкоса қабилида учирма гап қилаётганини Фақирийга қисқа кулгу ва гавдасини хийла кўтариш орқали сездираркан:

– Ҳаёт мажбур қиларкан опа, мана ёзув-чизувга яқин одамлар биланам ошна-оғайни бўлишга тўғри кеп қолди, – деди.

– Ўзи сен ҳақингда китоб ёзиш керак эди-да! Ёзувчи бўлганимда бир боплаб ёзардимку-я!.. – оғзи тўла тилла тишларини кўрсатиб ҳиқиллаб кулди Сокина хоним, ортидан эркакларга хос бўлган қилиқ билан Журъатнинг елкасига муштлаб қўйди. Уриши сабабини Фақирийга тушунтирди: – Ҳа, оповси, бунинг шу туришини ўзи бир китоб бўладиган-да!..

Журъат ҳам собиқ бошлиғининг айни палладаги кайфияти ёмон эмаслигини туйгани учун ҳам пайтдан фойдаланиб қолиш мақсадида унга ўзини яқин олишга уриниб:

– Ўзи мен ҳақимда рўмон ёзмоқчилар. Шунинг учун бирга олиб юрибман, – деди, кейин дарров тўйдан олдин ноғора чалаётгани Фақирийга ёқмаганини, у ҳар икковини «бир-бирингга ўхшаб кетаркансанлар», дегандай норозиланиб кузатаётганини пайқагач: – Ҳозир биласиз-ку, опа, қаламкашларнинг ҳам аҳволи яхши эмас, биздаям ишлаяптилар, канстовар бўлимида, иннайкейин, «Ишонч» газетасидаям ишлайдилар, – деб у ёғини ҳам тўғрилаб, Фақирийнинг ролини оширган бўлди.

Сокина хоним газетачи уйига қадам ранжида қилганидан ичдан чўчиса-да, бу ҳолатини

ташқи белгиларда ошкор этмади, билъакс ўзини бу янгилик ажаблантиргандай кўрсатиб:

– Газетадаям ишлайсизми, оповси? – деб сўради.

Журъат «қовун туширманг» дегандай тарзда оёғи билан Фақирийни туртиб қўйди.

Фақирий ёлғон сўзлашни эплолмасди, бошлиғи имлаганидан, оёғини туртганидан сўнг:

– Ҳа, – деди-ю, аммо «ҳа» дегани учун ўзини-ўзи жуда ёмон кўриб кетди. Биров гурзи билан унинг елкасига туширгандай бўлди гўё. Пешанасидан тер чиқиб кетаёзди. «Мен бир ишсиз, касалманд қаламкаш бўлсам, нима қилади-я мени «фалон газетадаям ишлайди», деб... Наҳотки, ана шу ёлғон сўзларидан бир наф чиқса унга», деб хулосаланди.

– Ҳа, энди мана бу бозор иқтисоди ҳозир газетчиниям тижоратчи қип қўйди, – унинг гапига ишонди Сокина хоним.

– Журъатжоннинг дўконларида насиба бор экан, – камсуқумлик қилгандайин оҳангда сўзлади Фақирий. – Шу Журъатжон туфайли юрибмиз.

Унинг худди ана шу «Журъатжоннинг дўконлари», дейиши Сокина хонимга айил ботди. «Бу дўконни сен оғзингни тўлдириб «Журъатжон» деётганинг ким туфайли қуриб олди – мен, Сокина хонимнинг саъю ҳаракатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, қолаверса, қўшган жарақ-жарақ пуллари эвазига қуриб олди. Аммо яхшилигимни билмади йигит ўлгур!», деб хулосаланаркан:

– Журъатжон ёмон бола чиқди, оповси. Журъатжон ана шу дўконини қуришда ёрдам қўлини чўзган, унга йўл-йўриқларни кўрсатган опасини унутиб юборди. «Ишим битди – эшагим лойдан ўтди» қабилида иш тутди. Қани, айтинг-чи, ука,

бу одамгарчиликнинг қайси қоидаларига тўғри келади? – деб Фақирийдан сўради.

Фақирий «нима дейин?» дегандай нигоҳда бошлиғига қаради.

Журъат: «Бу опамлар «шогирдимсан, ўғлимсан», деб юрганлари Журъатжонни жиянлари Қўзивой Акобировга чақиб, бошига не кунларни солмадилар, ҳатто қаматиб юборишниям кўзлаб қўйган эканлар. Инсоф билан айтганда, ана шундай кунни бошига солишни мўлжаллаган одамни қандай қилиб энди кўргани келсин? Қандай қилиб энди у киши Журъатжоннинг юзига қараяптилар? Нима, бу қабиҳликлари учун хонимга ташаккур айтишим керакмиди?!», демоқчи ҳам бўлди-ю, аммо Сокина хонимникидан эсон-омон дўконининг қарорини ундириб кетиши кераклигини ўйлаб, унга қарши борса барака топмаслигини сезгани учун ҳам бир оғиз сўз демай, тек туришни маъқул кўрди.

Сокина хоним ҳам собиқ содиқ хизматчисининг юзида унга ён босиш аломатини пайқаб, ортиқ уни танқид қилмади. Журъатнинг феълини билгани важи, бошқа томондан у бекорга ташриф буюрмаганини, ё бошига бир иш тушгани учун, ё унинг қўлида қолиб кетгани дўконининг қарорини истаб келганини гумон қилгани сабаб ҳам:

– Майли, ўтган ишларга салавот-а, Журъат? – деб унга паст келган бўлди, паст келишга келди-ю, аммо ичидаги бошқа бир куч унга ғулу қилавергани, шунча пайтдан бери қорасини кўрсатмай юрган, кўрсатишни истамаган Журъатнинг тўсатдан унинг уйига бир нарсани мўлжаллаб келганини билишга қизиқиши ортавергани учун ҳам ортиқча такаллуфсиз, пичинг

қилгандайин тарзи сўраб қўя қолди: – Нечук мен керак бўлиб қолдим сенга? Нечук мени йўқлагинг келиб қолди?!

Журъат собиқ бошлиғининг «ўтган ишларга салавот» дейишидан сал ҳовридан тушди деб ўйлаганди, йўқ, хонимнинг сўнгги аччиқ, киноялы сўроғидан унинг ўша эски аламини унутмагани, унутолмасини фаҳмлагани учун ҳам мумкин қадар ўзини қўлга олишга тиришиб, ярим ҳазил тарзида:

– Бир сизни йўқлагим келди-да, опа, иннайкейин, мана бу ёнимдаги Фақирий акамиз билан таништирай дедим, – дея чайналди, кейин бирдан ана шу фикр, ана шу Фақирийни бу ерга олиб келгани яхши бўлганини, қўл келганини идрок этиб қолиб, бу вазиятдан яна ана шу хизматчисини баҳона қилиб чиқиб кетмоққа уринаверди: – Мана шу акамиз сабаб бўлдилар. «Сокина опангиз билан танишиб қўяй», дедилар...

Сокина хоним унинг ҳазилига жавобан «қизим сенга гапираман – келиним сен эшит» қабилида илмоқли гап қилмоқ истаб:

– Лекин ана шу «фақир» номини ўзингизга билиб қўйибсиз, – дея яна Журъатни нишонга олиб, унинг қитиқ патига тегишини қўймади. Бу гапи билан у гўё собиқ хизматчисига: «Сен остонамга ана шундай фақир бир аҳволда бош суқувдинг, аммо бойиб кетиб эски чориғингни унутдинг – зотингга тортдинг. Сенга ўхшаганлар бировнинг яхшилигини билармиди?!», демоқчи ҳам бўлганди.

Унинг хаёлидан тахминан ана шунга яқин ўй-мулоҳазалар ўтаётганини Фақирий фаҳмлади, аммо Журъат бу томонига эътиборини қаратмай:

– Бутун асарларида оддий одамларни, фақир-ҳақирларнинг тақдирини, қисматини қаламга оладилар. Иннайкейин, кимга бўлмасин ёрдам қўлини чўзсам дейдилар...

– Мана шунда янглишар эканлар. Ҳар кимгаям яхшилик қилавериш керакмас экан. Кўплар қилган яхшилигингни билмас экан. Ҳали айтадилар-ку, савобнинг таги тешик, деб... шунинг учун ҳам яхшиликниям биладиган, қадрингга етадиган одамга қилиш керак экан!..

Журъат Сокина хоним унга шама қилаётганини билди. Фақирийга нигоҳ қадади. Бу қарашида «мен сизга айтмовмидим бу чаённи, бу аждарҳони», деган мазмун ҳам бор эди. Ана шу мазмунни қош-кўз, яна шеригининг оёғига туртиб қўйиш орқали сездириб: «Қани, Фақирий, сизам унга бир кўрсатинг, нега сизни бу ерга олиб келдим? Опанинг мени чаёндай чақиб олишларини томоша қилганими?!», деган бир мазмунни ифодалаб, қошларини паст-баланд чимириб, унга бир нарсаларни имлаган бўлди.

Фақирий унинг қарашида уй эгасига нисбатан гижгижлатиш мазмунини уққани учун ҳам бошлиғидан норозиланди. «Сокина хоним билан сенинг орангда деярли фарқ йўқ экан! Нима, мен сенинг дакан хўрозингманми, хоҳлаганингда унинг устига улоқтирасан-у, мен уни чўқиб оламан! Ана шундай деб ўйлаётган бўлсанг жуда янглишасан-да!», деб ўйлади, шунда ҳам Сокина хонимнинг юқоридаги фикри уни қаноатлантирмагани важидан:

– Яхшилик қилганда кетини ўйлаб қилиш керак эмас экан опа, яхшиликни ўзингнинг ички эҳтиёжинг учун ва Оллоҳ учун қилганда саво-

би ўтаркан, мазмуни йўқолмас экан. Акс ҳолда, манфаатнинг бир турига айланаркан. Шунинг учун бу нарсада сизнинг юқоридаги фикрингизга қўшилмайман, – деди у.

– Менинг фикримга қўшилмаслик сизнинг ихтиёрингизда. Лекин сиз Оллоҳни тилга олганингиз учун айтаман, менинг ишларимга Оллоҳнинг аралашишини истамайман, уни аралаштиришлариниям. Мен унинг ишларига бурнимни суқаётганим йўқ-ку!..

– Биз ҳаммамиз унинг қўлостида бўлганимиз учун айтяпман-да! Аслида биз унга муҳтожлигимиз учун шундай дедим!

– Мен ундай ўйламайман! Мен ўзимнинг ишимни ўзим эплаштириб юрган одамман, шунинг учун бунақа баландпарвоз гаплар билан мени ажаблантиролмайсиз!

Фақирий бу шаккок аёл билан баҳслашиш ҳам, унга бир нарсани тушунтириш ҳам амри маҳол эканини, амри маҳолдан ҳам бурун бефойда эканини туйгани учун ҳам деди:

– Менам сизни ажаблантириш учун айтганим йўқ, менам бир фикримни айтдим-қўйдим-да! Уни қабул қилиш-қилмаслик сизнинг ихтиёрингизда!

– Ана, кўрдингизми, ёзувчилар бошқача тушунтираркан бу нарсаларни, – деб хахолаб кулди Журъат.

– Биз энди аёлмиз-да, аёллар қисқароқ ўйлайди, – атайлаб Журъатга тегизди Сокина хоним. – Илгарилари ҳамма компартияни ниқоб қилиб олиб ишини битиришга ҳаракат қиларди. Энди эса Оллоҳга ёпишиб олишган! Мен фақат сизни назарда тутаётганим йўқ Фақирий, умуман бошқаларниям айтяпман-да! Бугунги кун одамлари-

ни! Ҳали, ғар қариса отин бўлади, деган гаплар ҳам бор-а?! – деб дам Фақирийга, дам Журъатга қараб кулиб қўйди, у бу кулгиси орқали: «Сенинг ёзувчингниям бопладимми Журъат, лом-мим демай қолдими?!», деб ўзининг гап билан ҳар қандай авлиёсини ҳам мот қилишга қурби етишини гавдасини ғоз кериб қўйиш орқали сездирди.

– Сизнинг фикрингизам тўғри, – деб унинг ёнини олган бўлди Журъат, у бу гапни пайти келиб Фақирий ҳам унинг қилган яхшиликларини унутиб юбориши мумкинлигини ўйлаб ҳам айтди. «Ана шундай бўлиши ҳам мумкин-да ахир!», деган ўй-фикр бир сонияда миясидан ўтиб улгурди. Шундан сўнггина тағин Сокина хоним ундан ранжиб қолиши ҳеч гап эмаслигини ўйлаб қолиб, тезда мақсадга кўчишни мувофиқ билиб:

– Опа, менга ўшанда сизда қолдириб кетганим шаҳар ҳокимининг қарори керак бўлиб қолди. Шуни опкетгани келдим, – деди.

– Ҳа, тинчликми ўзи? – унга синовчан тикилди Сокина хоним, яна бир нима деб Журъатнинг жиғига тегмоқчи бўлди-ю, аммо бу ерда у учун бегона бўлган Фақирий ҳам ўтиргани важи тилини тийди.

– Тинчлик. Қушбеги томонга йўл тушаркан. Бизнинг дўконнинг қароримиям бир кўрайлик, дейишяпти.

– Сеники бузилмасмишми? – дабдурустдан сўраб юборди Сокина хоним, юз суяклари туртиб чиққан, упа суртилган чўзиқ юзи ёришиб, тилла тишлари ярақлаганини, бу янгиликни у қувониб қарши олганини Журъат унинг кўзларидан ҳам пайқади. Пайқадию ёлғон сўзланди:

– Йўқ, бизнинг томонлар қолган! Ҳокимият қарорларимизни бир кўриб қўймоқчи, холос!..

Сокина хоним шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди қабилида Журъатга боқди-да:

– Биласан, Журъат, сенинг қароринг дўконда турарди. Дўконга мендан кейин Файзулла қарарди. У билан ана у воқеа юз бергандан кейин дўконни ижарага бериб юбордим. Ҳамма ҳужжатларни шунгача Файзулла домида сақларди. Бир боргани-мда ҳамма нарсаларини кўздан кечирувдим-у, аммо дўконингни қарорига кўзим тушмовди.

Журъат ичдан қизишиб кетди-ю, аммо зўрбазўр ўзини қўлга олиб:

– Опа, яна бир марта ўзингизнинг ҳам, Файзулланинг ҳам уйини қараб кўринг. Ўзингизнинг дўконингизни ҳужжатлари орасида ётгандир. Барака топинг, бир яхшилаб қараб кўринг. У ербу ердан чиқиб қолар, – деб ялинди.

Унинг бундай юмшоқ супургидай ялиниб сўзлашидан дўпписи тор келиб қолганини Сокина хоним жуда яхши пайқади. Пайқадию: «Бир пайтлар менинг қўлимда турган ҳужжатни назар-писанд қилмай «дўкон менинг номимда, унақа ҳужжатлардан сон мингтасини тўғрилаб олавераман», деган гапни қилиб кўкрагига ургудай бўлганди, мана энди унга қарор ҳам керак бўлиб қолибди-да!», деб ўйлади, ана шу ўйлари таъсири остида ўзини яна ҳам бардам ҳис этиб:

– Майли, мен Марям келса Файзулланикига юбораман. Мабодо бу ердан чиқиб қолгудай бўлса сенга қўнғироқ қиламан. Телефонинг ўзгармаганми ишқилиб? – деб сўради.

– Йўқ, ўзгармаган, – жавоб қилди Журъат, уяли телефонининг рақамини Сокина хонимга беришни истамади. – Шу нарсага бефарқ қараманг, опа.

– Мен қачон сенга бефарқ қараганман, – Фақирийга кўз қирини югуртириб олиб кулиб қўйди Сокина хоним, кейин ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб типирчилаб қолган Журъатни чақиб олди: – Бизлардақа опаларинг ҳам борлигини унутма Журъатжон, ҳали бизлар бу дунёни тарк этганимиз йўғ-а!..

Журъат пиёласидаги чойни ҳўплаётган эди, Сокина хонимнинг мана бу чаёндайин чақиб олгувчи қочиримидан сўнг қалқиб кетаёзди. Ўзининг ички ҳолатини аёлга сездириб қўйганидан ижирғанди. «Пича тек тур, ҳовлиқма», деб ўзига танбеҳ берган бўлди, Фақирий ҳам қўлидаги чойни ичиб тугатишини кутиб турди-да, шериги ичиб тугатгач:

– Ҳаммани унутсам ҳам сизни унутмайман, опа. Сиз менга қанча яхшиликлар қилгансиз-а?! – деди, бу гапни кесатиқ тарзи айтганини Сокина хоним ҳам, Фақирий ҳам балодай сезишди. Аммо ҳар икковлари ўзларини сезмаган қилиб кўрсатишди. Шу дамда Сокина хоним кўнглига бир шумликни тугиб қўяркан: «Ҳа, биламан, сен ўшанда жияним Қўзивойни дўконингга текширув билан юборганимни кечиролмайсан! Аммо менам сенинг субутсизлигингни кечиролмайман! Тағин сенинг арслондай ўғлим ўлганида бир оғиз ҳол сўрамаганингни, сўрашга ярамаганингни, шундоқ қизим узатилганида бир марта «аҳволинг қандай, опа?» деб йўқламаганингни кечиролмайман! Ҳа, сен, «Сокина хонимга Худо кўрсатди», деб хурсанд бўлиб юрибсан! Худо сенгаям кўрсатиб қолар, менам ўша кунларда томошангни кўрарман!», деб юзига фотиҳа тортди. Стол атрофидагилар бу фотиҳани уй эгаси

дастурхон учун ўқиди, деб билиб ўрниларидан қўзғалдилар. Сокина хоним уларни ташқарига-ча кузатиб чиқаркан, Журъат билан Фақирий машинага ўтирганларида:

– Мен албатта қарайман, – деди-ю, аммо Журъатнинг адл қоматига, юриш-туришларига бир пайтлар уни бошқалардан қизғангандайин ҳозир ҳам тушуниб бўлмас бир суқланиш билан боқди-да, ичида «хап, санами?!», деб, кўнглига бад ниятларни тугган бўлди.

Журъат Сокина хонимнинг мазкур ўй-хаёлларидан бехабар, у билан яна бир бош тебратиб хайрлашди-да, машинасини ҳайдаб кетди.

44

Улар дўконга қайтганларида кеч кириб қолган эди. Журъат дорихона рўпарасида Сардорнинг «Нексия»си турганига кўзи тушди. Аммо Мирзоҳиднинг «Жигули»си кўринмагани учун: «Яна ўз билганича иш қипти-да! Қачон қараса менинг кетишимни кутади, мен кетдимми у ҳам думини тутқизмайди!» деб хаёл қилиб, ўринбосарини ўзича койиган бўлиб, машинасини «Нексия»нинг орқасига тақаброқ қўйди. Фақирий, ундан сўнг эса Журъатнинг ўзи машинадан тушиб уни қулфлашди-да, бирин-сирин дорихонага киришди. Дариҳа ҳали бўлимни ёпмагани учун Фақирий дорихонадаги эшик орқали идора анжомлари сотиладиган ўз бўлимига ўтди. Журъат эса нима сабабдандир ўзаро келишолмай турган Сайрам ва Зубайданинг орасига тушган бўлиб:

– Ҳа, нима гап, тинчликми? – деб сўради.

Сайрам Зубайда бир нарсани бошлиққа етказиб қўйишидан қўрқиб:

– Ҳа, тинчлик, институтдаги бир ишимизни гаплашяпмиз, – деди, сўнгра Зубайдага олазарак боқди.

Журъат «шундайми?» дегандайин Зубайдага қараганди, у ҳам истаб-истамай, Сайрамдан норозиланган қиёфада:

– Ҳа, шундай, – дейиш билан қаноатланди.

– Фақат уришманглар-да, ишга таъсири бўлиши мумкин. Ҳар бир нарсани аҳиллик билан ҳал қилинглар, – деб ярим ҳазиллашиб уларга насиҳат қилган бўлди Журъат, кейин хонасига кириб кетди.

Офисда йигирма билан йигирма бешлар орасидаги оппоқдан келган, қора соч, қора қош, қийиқроқ кўзлари қўнғир рангда бўлган, ўрта бўйли, Журъатга дадаси Рашид Нўъмоновични эслатиб турувчи чиройликкина йигит – Сардор «Труд» газетасининг сўнгги саҳифасидаги «бошқотирма»ни ечиб ўтирган эди, Журъатни кўриб сапчиб ўрнидан турди-да, унга салом бериб қучоқлашиб сўрашди.

– Сени нега чақиртирганимни биласанми? – деб сўради дабдурустдан Журъат ундан.

– Йўқ, бирорта ишингиз бўлса керак-да! – ҳеч нимани сезмай яна диванга ўтириб «бошқотирма»нинг давомини ечишга киришди Сардор.

– Йўқ, ишим йўқ. Бирпас кроссвордингни йиғиштириб тур, – газетани унинг қўлидан тортиб олди Журъат.

Сардор қандайдир жиддий гап борлигини тушунди. Журъат унга акадай бўлиб қолгани важи, унинг дадаси Рашид Нўъмоновичга ҳам ўз вақтида Журъат ана шундай яқин кишисига ай-

лангани учун, яна бошқа томондан Журъат маълум жиҳатдан уни моддий таъминлаб тургани, бир ойда икки-уч марта бу ерга ташриф буюриб унинг қўлидан майда-чуйда ишлари, қолаверса «кичик рўзғори» учун беш-ўн мингни сўраб олиб кетавериши мумкинлигини ўйлаб, Журъат дадаси Рашид Нўъмонович оламдан ўтганидан кейин ҳам Сардорни рози қилмасдан жўнатмаганини, ҳамиша унинг кўнглини олиб юришини билгани учун ҳам Журъатга ҳамма вақт қулоқ соларди.

– Опам келиб кетдиларми олдингизга? – деб сўради Сардор.

– Йўқ, опанг келганлари йўғ-у, аммо ҳоким ўринбосари сендан шикоят қилди, – деди Журъат. – Рашид Нўъмонович сизга акадек эди, Сардорам сизга укадеклигидан хабарим бор, сал унга танбеҳ бериб қўйинг, деган бир гапни қилди.

Сардор Журъатнинг оғзидан ҳоким ўринбосарининг номини эшитиши ҳамоно ёқимли юзи хунуклашиб, афти-башараси бужмайиб кетди. Хийла асабийлашди. Худди бир нарсасини йўқотгандайин у ёқ-бу ёғига аланглади-да, кейин стол ўртасида ётган Журъатнинг сигаретига кўзи тушиб, ўрнидан қўзғалиб қутидан бир дона сигарет суғуриб олиб чекишга киришаркан:

– Нима гуноҳ қипман? – деб ҳомийсига юзланди. – Ўзи у ақл ўргатаверишни яхши кўради-да!

– Энди у идорангларда сенинг раҳбаринг, қолаверса, хабаринг бор, шу кунларда менингам ишларимни ана ундай хуржуни чиқиб юрибди, менгаям керак одам, ҳеч бўлмаса шунинг учун уни айтганини қип юргин, – деди Журъат.

– Хўп, майли, нима айб иш қипман?

– Биринчидан, ишга масъулиятсизлик билан қарайди. Қачон қараса, сўратганимда жойида

йўқ бўлади. Иккинчидан, ахлоқи бузуқ, ҳар хил қизларни идорага бошлаб келиб юради, деган бир гапни айтди. Ҳамма айтганларини сенга санаб беришим шартми?!

– Бор-йўғи шу холосми?.. – унга ер остидан кулимсираб боқди Сардор. – Ўзиям ёш йигит бўлган-ку, йигитчиликда бўлади-да ахир бунақа ишлар!

– Ўзи менам сенга бир-иккита насиҳат қип қўймоқчи эдим. Биласанми гуноҳингни?!

Сардор гуноҳи нимада эканини билмагани учун:

– Йўқ, – деди.

– Нима учун Мадина опага севги изҳор қилиб юрибсан?

– Қачон севги изҳор қилибман?

– Эсингга солиб қўяймми қачонлигини? – ўзини жиддий ушлаб туролмай кулиб юбораёзди Журъат.

Сардор бирда уни мана шу дўкондан уйига олиб бориб қўйганида аёлга қармоқ ташлаганини эслади, эсладию Журъатнинг кулиб қўйгани унга ўз таъсирини ўтгазгани сабаб:

– Ҳазиллашгандим, шуниям сизга айтдими? – аёлдан норозиланганини ошкор этди.

– Шунақаям ҳазиллашадими? Сендан у қанча ёш катталигини биласанми?!

Сардор бошида нима дейишини билмади, аммо кейин Журъат зуғум қилишни ҳам эплолмаётганини, юзи кулиб юбораётганини туйгач ўзи ҳам ярим табассум билан жавоб қайтаришга уриниб:

– Билдим, кўнгли бошқа одамда экан. «Битта акангиз эшитса қаттиқ хафа бўлади-я сиздан», дедилар, – дея ўша «битта акангиз», дегани Журъатнинг ўзи эканини сезганини ошкор этиб у ҳам кулиб юборди.

Журъат ҳам у бу гапи билан унга ишора қилаётганини, Мадина опа айнан уни назарда тутганини сезиб болаларча жилмайди. У аёл ҳақида бўлак сўз айтмади. Ҳоким ўринбосарини назарда тутиб:

– Ўша идорадан сени қонунан бўшатиб юборишига шу айбларингни ўзиям етади, – деди Журъат, кейин юмшоқ оҳангда ўгит беришга тушди: – Менинг укам бўлсанг бу ишни бошқа қилмагин. Сен ҳам ҳоким, ҳеч бўлмаганда ҳоким ўринбосаригача кўтарилишинг керак. Адангнинг истаклариям шу эди. Шунинг учун биринчи галда бу томонига қарайди. – У шундай деркан, ўзича бу гапларни айтишга ҳақи борми-йўқми, шу борада ҳам ўйлади. Зеро, у билан Покиза ўртасидаги хуфия алоқалари ҳам одоб-ахлоқ бобининг ҳеч бир саҳифасига тўғри келмайдигандай бўлиб кўринди, яна ана шундай аёлларга ўчлик хислати Рашид Нўъмоновичдан Сардорга ҳам ўтгандай, ўша отанинг фарзанди бўлгани учун ҳам у шу йўлдан кетгандай бўлиб кўринди. Уни тузатишга уриниш ҳам амри маҳолдай туйилди.

Шу маҳал хонага Фақирий кириб келдию суҳбатлари бўлинди.

– Бу кишини танийсанми? – деб Фақирийни назарда тутди Журъат.

– Ҳа, тунов куни танишиб олдик. Сизларда, идора анжомлари бўлимида ишлаб турибман, дедилар.

– Ўзларини, асли касбларини суриштирдингми? – қатъий бир оҳангда сўради Журъат.

– Отларини Фақирий деяптилар-ку, шоир-поир бўлсалар керак-да!

– Ҳа, баракалла, – деди Журъат, кейин Фақирийга Сардорни таништирган бўлди: – Бу менинг укамдай бўлиб қолган, Сардор исми. Ўзи

ҳокимиятда ишлайди. Ҳув бирда айтиб берган акамиз бор эдилар-ку, китобни жуда яхши кўрадилар, девдим-ку, Рашид Нўъмонович, шу кишининг ўғиллари бўлади.

– Тунов куни ҳокимиятда ишлайман деган эдилар-ку, аммо Рашид Нўъмоновичнинг ўғиллари эканликларини билмовдим, – деди Фақирий, кейин «Труд»ни назарда тутди: – Аммо кроссворд ечишларидан ҳақиқатда ҳар нарсага қизиқувчанликларини сезяпман.

– Энди бир нарсани айтиб беринг-чи, Фақирий, мана сиз давлат идораларида ишлагансиз, Сардорнинг ёшидаги кадрлар ўсиши керакми? – ўзининг касбига хос бўлмаган, аммо ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлайдиган одамларга мос тарзда сўради Журъат, шу пайтда у Фақирийни олдида ўзини ҳақиқатан ҳам прокурорлардай тутди.

– Ҳа, албатта!

– Буларнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи фактор бўладими? Нима тўсқинлик қилиши мумкин деб ўйлайсиз?!

– Менимча хулқу одоби! Ахлоқан поклик катта аҳамият ўйнайди!

– Ана, эшитдингми Сардор, булар ҳам ҳеч иккиланмасдан ахлоқ деяптилар!

– Буларнинг соҳасидаги одам ахлоқан тоза бўлса амал пиллапоясидан бемалол кўтарилиб кетади. Бошқалар, юқоридагилар бу сифатга алоҳида эътибор беришади.

– Мен айтган гапни сизам айтяпсиз. Боя ҳоким ўринбосариям шунга яқин гап қилди. Бу кишим – мана бу кетворган қоматларига ишониб, идорагаям ҳар хил қизларни бошлаб келишдан чарчамас эканлар, – Сардорни танқид

қилди Журъат, аммо шу дамда яна хаёлидан Покиза ўтдию ўзининг ҳам фаришта эмаслигига дилдан иқрор бўлди. Шунинг баробарида унга икки-уч қўнғироқ қилганини-ю, бироқ у билан гаплашолмаганини ўйлади.

– Шунақа иш қилманг-да, Сардор, ҳокимиятда ишларкансиз, бу ишингиз сизнинг шаънингизга путур етказади. Керак пайтда бирор лавозимга кўтариш учун ҳужжатларингизни юқорига олиб чиқишганида ана шу жиҳати панд бериб қўйиши мумкин. Буни мен аниқ билганим учун айтяпман, – деди Фақирий, ортидан бир воқеани мисол тариқасида келтирди. – Мен нашриётда ишлаганимда бир ходимимизни бош муҳаррирликка кўтаришмоқчи бўлишган. Аммо унинг номзодига қарши бўлган бир-иккита одамлар юқори ташкилотларга: «Бу одам хотинбозроқ, ана шунинг учун ҳам бизга бош муҳаррир бўлишга нолойиқдир», деган мазмундаги хат ёзиб юборишган. Ҳатто баъзи бирлари ўзлари бориб ана шу гапни етказган эканлар. Шундан кейин ҳалиги ходимимизнинг номзоди ўтмаган, рўйхатдан тушиб қолган. Кези келганда ўша бошлиқларниям ҳурматини ўрнига қўйиш керак-да, ҳар ҳолда дадангиз бошлиқ бўлганларида ўшалар ҳам у кишини ранжитишмаган бўлишса керак. Катта одамларга ёмон таъсир қилади сизнинг бу ишингиз. Уларнинг кўнгли нозик бўлади. Ҳа, менга ишонаверинг.

Сардор ҳам, Журъат ҳам унинг сўзларини тек туриб эшитишди. Журъат «ҳа, менинг гапларим тўғри эканми?», дегандай Сардорга ўгирилиб қараб қўйди. Унинг нигоҳ қадаши таъсиридами ё ёшлигига боргани учунми, Сардор Фақирийнинг

юқорида жон койитиб айтган сўзларига эътироз билдириб:

– Уларнинг ўзлариям шундай-ку! – деди.

– Ким, Равшан Ботировичми?! – сўради Журъат, кейин эса «бунга гапириш бефойда», деган йўсинда Фақирийга қараб қўл силтади.

– Йўқ, у кишини айтаётганим йўқ, ўзимизнинг бошлиқ Раззоқ Ҳамидовични назарда тутяпман. Олтмишдан ошиб қолган бўлсаям қизи тенги аёлларни билагидан маҳкам ушлаб типирчилатишини қўймайди.

– Мен сенга ўша кўккўз бошлиғингни айтаётганим йўқ, бу ерда гап ҳоким ўринбосари ҳақида кетяпти.

Фақирий бошлиғига гапларимнинг моҳиятига тушунмадингиз, дегандай боқди-да:

– Бу ерда яна бир жиҳати бор. Тўғри, у бошлиғингиз бу ишни қилиши керак эмасди. Аммо...

– Аммо улар ёшини яшаб бўлган, тўғрими, Фақирий? – унинг фикрини тугатишига йўл бермади Журъат. – Улар ютқизадиган жойи йўқ!..

– Шундайликка шундайку-я, аммо масаланинг иккинчи томони бор. Модомики ўша кўккўз бошлиғингизнинг шу иши сизга ёқмаган экан, ана шу шилқимликни сиз қайтарманг-да! «Шилқимлик» деганимга хафа бўлманг тағин! Ундан кейин, ҳозир Журъатжон айтаётганларидай, унинг ёши бир жойга бориб тақалган қария экан, у авлод бошқача тарбия кўрган-да, ўриснинг таъсири кучли бўлган у авлодга! Сизники бўлакча, сиз ҳаётга энди келяпсиз, сиз уларнинг яхши жиҳатини олинг, ёмонини ташлаб юборинг. Иннайкейин, ўша ҳоким ўринбосарининг нафсониятига тегади-да, уларниям

ҳурматини ўз ўрнига қўйишни билишингиз керак-да, ҳар ҳолда мана бу газеталардаги мураккаб жумбоқларни ечиб юрган йигитлардансиз, бу томонлариниям ҳисобга олишингиз керак-да! – унинг кўнглини кўтариш баробарида бошқотирмани назарда тутди Фақирий, шундан сўнг Журъатнинг ҳам дилидагини айтгандай тарзи: – Шундаймасми, Журъатжон? – деб қўйди.

– Ана, Фақирий аканглар сенга шоирчасигаям тушунтириб бердилар. Шундан кейинам ўзгармасанг энди билмайман сени нима қилиш керак бўлади, ҳайронман, – деди Журъат.

– Ўзгараман. Тўғри айтдилар, ўшаларниям «ака-ака» дейиш керак...

– Фақат «ака-ака» дейиш билан иш битмайди. Керак бўлса, оёғиниям ўпиш лозим бўлади, – деди Журъат, Фақирий унинг гапига сўз тополмай ерга қараганини, Сардор эса бир нима дейишга чўчиб мум тишлагандай қуюқ қора сочли бошини қашиётганини кўргач, сўзида давом этди: – Ўз вақтида улар ҳам керак бўлса адангнинг оёқларини ялагудай бўлган-да! Сен кулма, Сардор, Рашид ака ўша пайтда мана шу Равшан Ботировичларингга ана шуни буюрса улар тайёр турган-да, оёқларини ўпиши ҳам мумкин эди-да!

– Дадам унчаликка бормасдилар, Журъат ака, сиз уларни билардингиз-ку!

– Тўғри, у одам жуда аллома эдилар-ку, аммо жаҳллари чиққан пайтлариниям кўрганман-ку, шунинг учун айтяпман! – деб Акобиров воқеасида Сокина хоним у билан Покиза орасидаги муносабатни тилга олганини Журъат Рашид Нўъмоновичга етказганида ҳоким чунон ҳам тутаб кетиб хонимни телефон орқали болохо-

надор қилиб сўкканларини кўз олдига келтирди, келтирдию ўша пайтдаги у кишининг ҳолатини, чапани табиатини эслаб кулиб қўйди. Унинг кулгисидан сўнг Сардор кайфияти асли ҳолига қайтганини туйди. Пайтдан фойдаланиб шу ойда ўзининг туғилган куни эканини маълум қилди-да:

– Журъат ака, шу ойнинг йигирма тўққизига шу атрофдаги «Шодлик»ка шу... ўн кишиларга мўлжаллаб жой айтса бўладими? – деб сўради.

Журъат ўша куни Сардорнинг туғилган куни эканини, ўтган йили ҳам бу санани ана шу ерда нишонлашганини, зиёфатнинг ярим харажатини у кўтарганини эслади, эсладию: «Бу сафар ҳам менинг гарданимга юкламаса гўрга эди», деб муҳокама юритиб:

– Ҳа, дарвоқе, ўша куни сенинг туғилган кунинг-а, – деди, пича ўйланиб қолди. Шу санадан фойдаланиб ҳоким ўринбосари Равшан Ботировични ҳам меҳмонга чақириш мумкинлигини ўйлаб, бир ҳисобдан хурсанд бўлиб кетди-да: – Ҳа, албатта гаплашамиз, – деди, сўнгра Фақирийнинг олдида яна жиддий қиёфага кириб: – Ҳа, айтгандай, Равшан аканиям айтасанми? – деб сўради.

– Сиз айт десангиз айтавераман, – деди Сардор.– Аммо-лекин келармикин?

Журъат Сардор: «Сиз айт десангиз айтавераман», деб зиёфатнинг молиявий томонларини унинг бўйнига қўйиб қўяётганини балодай сезди, аммо Фақирийнинг олдида сир бой бермади, ҳоким ўринбосарининг олдида унинг обрўси чакки эмасини янги хизматчисига кўрсатиб қўйиш илинжида:

– Мен таклиф қилганимни айтсанг албатта келади у киши, – деб ўзининг обрў-эътибори чакки

эмаслигига, ҳокимият одамлари ҳам уни ҳурмат қилишларига ишора қилди.

– Иккаламиз бирга кириб айтсак яхши бўлармиди, – деди Сардор.

Журъат яна тезда «қандай бўларкин?» дегандай бир болаларча нигоҳда Фақирийга кўз югуртириб олди-да:

– Майли, ўша кун келаверсин-чи, олдига кириб таклиф қилиб чиқсак чиқармиз, – деди, кейин дорихонаси ёнида номаълум машина «ғиқ» этиб тормоз берганини эшитиб, ҳойнаҳой Зоҳид келди шекилли, деган ўйда деразага томон қараб олди. Аммо тормоз берган бошқа машина эканини кўргач, ташвишли бир нигоҳда Фақирийга қаради: – Мана шунинг учун сиз, албатта, бу ерда бўп туринг деяпман-да Фақирий! Соат саккизга қараб кетяпти ҳамки, Зоҳид деганлари қорасини кўрсатгани йўқ-да!

Унинг «соат саккизга қараб кетяпти», дейишидан Сардор типирчилаб қолди. Кўчадаги машинасига қараб олди-да:

– Мен соат саккизга Кўкчага етиб боришим керак эди, – деди.

– Нима, қайнатангникига борасанми? – деб сўради Журъат.

– Ҳа, эртага уйдагиларни дала-ҳовлига олиб бормоқчи эдим. Калитни опкелмоқчиман. Хоҳласангиз сизниям опкетаман. Бассейнда чўмилиб келасиз, – деди Сардор.

– Ойингам борадиларми?

– Йўқ, фақат келинингиз билан Сарварни олволамиз.

– Қачон қайтасизлар?

– Якшанба куни кечқурун.

– Ҳали Зоҳид келсин, гаплашармиз. Нақ қилса якшанба куни чўмилишга борармиз. Ана, Фақирийниям олволамиз.

– Меники узрли. Мен ўша куни Дариҳанинг ўрнига тураман.

– Ҳа, айтгандай, сиз бу ерда бўласиз-а, – деди Журъат. – Майли, сувини тозалаб қўйсанг Зоҳид билан бирга чўмилиб келармиз.

– Бўпти, саунаниям ёқтириб қўяман.

– Пивони биз оборамиз, – тўлқинланиб кетди Журъат.

– Келишдик, –деди Сардор, кейин кўзларини Журъатга мўлтиратиб тикилиб бош қашиди. Журъат унинг бош қашиб туриши сабабини бошида тушунмади, аммо у «ҳалиги-ҳалиги»лаб чайналавергач, ундан пул сўролмаётганини пайқаб секин ўрнидан қўзғалиб, имлаб енгидан тортиб қўйди-да, хонадан чиқди. Сардор Фақирий билан хайрлашиб унга эргашди.

Журъат улар дорихонага чиққанларида секин уни ёнига тортди-да:

– Тўрт минг етадими? Ўтган ҳафтада уч минг сўм олувдинг-а? – деб сўради.

Сардор нима дейишини билмай:

– Ҳа, ҳа, етади, – деди, аммо кўзлари бу пул билан қаноатланмаганини ифшо этарди.

Унинг ана шу ҳолатини сезган Журъат:

– Нима, етмайдими? – деб сўради.

– Бензиннинг ўзига кетиб қолади-ку! Ҳеч бўлмаса беш минг сўм беринг!

– Бошқа нарсага ишлатмайсанми? – уни синаган бўлди Журъат, шунинг баробарида хаёлидан: «Яна тағин ойнинг охирида туғилган кунимни ўтказиб беринг дейди. Хў-ўп анойисини топиб

олди-да!» деди, аммо кейин Сардорнинг дадаси унга ўтказиб қўйган яхшиликларни эслаб: «Майли, бир кун буям менга қайтариб қолар. Қайтармаса, отасига берган сўзимнинг устидан чиқяпман. Ойисига ҳар ҳолда айтаётгандир қилаётган яхшилигимни», деб ўйлади.

– Бояги гапингизнинг ўзи етади, – деди Сардор.

Журъат Зубайдадан беш минг сўм сўраб олди-да:

– Дафтарга бугуннинг санаси билан менинг номимга ёзиб қўйинг, – деди, сўнгра эса Сардорга тутди.

Сардор провизор қизларнинг олдида Журъатдан пул олаётгани учун ноқулайлик ҳис этса-да, Журъат узатган пулни олиб чўнтагига солди.

Журъат уни кузатиб ташқарига чиқди. Сардор ҳали Журъат билан хайрлашиб улгурмаган ҳам эди, Мирзоҳид машинасида келиб қолиб «ғиқ» этиб тормоз берди.

Сардор Журъат билан хайрлашмади, ўринбосари машинасидан тушишини кутди.

Мирзоҳид машинасидан тушиб уни қулфлади-да, қўлида елим халта кўтарган кўйи уларнинг олдига яқинлашди. Аввал Журъат билан сўрашди, кейин Сардор билан қучоқлашиб кўришаркан, гўё ҳазиллашгандай, аммо Журъатнинг қитиқ патига тегадиган гап қилди:

– Ҳа, ўртоқ бўлажак ҳоким, насибага келдингизми?!

Сардор унинг қочиримини ҳазил ўрнида тушунса-да, Журъатга қараб олиб:

– Акам чақиртирган эканлар, учиб келдим, – деди, ортидан қўшиб қўйди. – Якшанба куни бирга боринглар, дачада бўламиз. Бир чўмилиб келасизлар.

Журъат Мирзоҳидга «пулга келиши билан сенинг нима ишинг бор», дегандай йўсинда қовоғини уйиб хўмрайиб қаради. Шунинг баробарида пешанаси тиришиб, бир-бирига туташаёзган қошлари чимирилди.

– Қаерларда юрибсан? – деди қўрслик билан.

Мирзоҳид унинг авзойидан бемаврид гап қилиб қўйганини тушунгандай чўчиб тушди-да, дарров унинг кўнглини олишга киришиб:

– Анави махсус кийимлар сотилибди, ўша ёққа ўтиб келяпман, – деб қўлидаги елим халтага ишора қилди.

Журъат халтадаги пул эканини билиб кўнгли ёришса-да, бу ҳолатини Мирзоҳидга сездирмади:

– Майли, ичкарида гаплашармиз, – деди, кейин Сардорни кузатди.

Сардор улар билан хайрлашиб машинасига ўтирди-да, уни ўт олдириб, тўғрига ҳайдаб кетди.

У кетгач, аввал Журъат, сўнг унинг ортидан Мирзоҳид дорихона орқали офисга киришди.

45

Покиза ўзи аъзо бўлган Фидойилар партияси туман қўмитаси котиби билан телефонда гаплашиб, энди гўшакни қўйган ҳам эдики, котибаси Шоира хонага кириб:

– Покиза Самадовна, Саодат опа маошга келган эканлар, бухгалтериядагиларга «менга учрашиб кетсинлар», деган экансиз-ку, кираверсинларми? – деб унга маълум қилди.

– Ҳа, ҳа, кирсинлар, – деди Покиза, котибасининг оғзидан Саодатнинг исмини эшитиши билан нима учундир у ўзи ва Журъат ўртасидаги

хуфёна алоқаларини билиб қолишидан қўрқиб кетди. Аммо яна тезда ўзини қўлга олди. Бунга ўша кунги Сабоҳатнинг: «Журъат бирорта иш билан олдиларига келган бўлса керак», деб синглиси айтган гапни мисол тариқасида келтириши сабаб бўлди. Шунда ҳам ичдан безовталаниши тўхтамади. Юрагининг бир чеккасида: «Бизнинг норасмий алоқаларимизни билсаям ўзини билмагандай қилиб кўрсатаётган бўлса-чи?!», деган ваҳимали ўйлар ҳали ҳам тарқаб улгурмади.

Кўп ўтмай хонага ўттиз беш-ўттиз еттилар орасидаги оппоқдан келган, нозиккина, хипча бел, қалин қора сочлари тўгаракка монанд истарали юзига ярашган бир тарзда худди Покизаникига ўхшаб калта қилиб қирқилган, қора қош, қўнғир қўйкўзли, узун-узун киприкли, ёқимли аёл бўлган Саодат кириб келди. Эгнидаги сўнгги урфдаги майда чинни гулли кўйлаги ҳам нозиккина, хипчабел қоматига мутаносиб равишда қадди-бастига ярашиб тушган эди. У баланд пошнали қора пойабзалини паркет пол устида дўқиллатиб юриб бошлиғи билан сўрашгани келаркан, Покизанинг хаёлидан: «Саодат ҳамма нарсани ўзига яраштириб, дид билан тиктиради, арзон нарсалар ҳам унинг устида худди қимматбаҳодек кўриниш беради-я!» деган ўй ўтдию шу билан бирга юрагини чулғаган ҳозирги ваҳм ҳам қайгадир ғойиб бўлганини туйди. Ўрнида ходимининг юриш-туришига, ўзини тутишига аёлларча қизиқиш, ҳавас қилиш ҳисси пайдо бўлганини пайқади. Кўнгли ҳам тинчиди.

– Ҳа, Саодатхон, яхшимисиз, таътиллар яхши ўтяптими? – деб у билан қўл беришиб худди раҳбар эркаклардай сўрашди, кейин устига кийга-

ни янги кўйлаги эътиборини тортганини назарда тутиб: – Кўйлагингиз ўзингизга жуда ярашибди-да, матоси ажойиб экан? Бунақасиям чиқибдими энди? – деб сўради.

Саодат кўйлаги бошлиғининг эътиборини қаратганидан севинди. Покиза Самадовна ҳам ўзиникидан қолишмайдиган матодан кўйлак тиктирганини, у ҳам ҳамиша ўз ҳуснига, жисмига, дидига яраштириб кийинишини, дид-нафосатда, фасоҳатда ундан ўтса ўтишини-ю, аммо сира қолишмаслигини Саодат билгани учун шу дамда у ҳасад эмас, ҳавас қилаётганини фаҳмлади, шу сабабдан ҳам чеҳраси янаям ёришиб:

– Бу матони хўжайнимнинг акалари Японияга борганларида уч кийимлик опкелувдилар: қайнанамга, овсинимга, қатордан қолмасин деб менга. Улар ҳали тиктиришмади-ю, аммо мен тиктириб кийволақолдим, – деди у.

Покиза, яна бир оз у ёқ-бу ёқдан, Саодатнинг бола-чақасидан суриштирган бўлди, ёдига яна қаёқдандир унинг холаси Соҳиба опа, унинг сийраклашиб кетган мош-гуруч сочларию пешанасидаги ажинлари, одмигина кийим-боши келди-ю, Журъатга бир танбеҳ бериб қўймоқчи бўлиб шу кунга чақиртирганини, ҳали-замон у ҳам келиб қолиши мумкинлигини ўйлади: «Ишқилиб, Саодат борида келиб қолмасин-да! Аксига олиб у шу бугун келганини-чи!», деди, ичдан хаприқиб кетди. Шу боисдан ҳам тезроқ мақсадга кўчақолди: – Мен сизни Лола жиянингиз масаласида чақиртирувдим. Ўша куни ойингизни, Сабоҳатхонни олдида натижасини Саодатдан айттириб юборарсизлар, шунга қараб иш қилармиз, девдим... Сизга Сабоҳатхон ҳеч нима демадиларми?

– Мен ўзи олдингизга кирмоқчи бўлиб турувдим. Бухгалтериядагиларга келса кирсин олдимга, деган экансиз, – деб гап бошлади Саодат, кейин бошлиғи назарда тутган мавзудан сўз очди. – Икки-уч кун илгари Сабопам телефон қилувдилар. Уларам, сенинг бошлиғингга бергимиз бор-ку, аммо ойим Лоланинг бу йил узатилишига тиш-тирноқлари билан қарши турибдилар-да, дедилар. Собир поччам ойиларига айтибдилар сизлар совчи бўлиб келаётганингизни, аммо қулоқ солишни истамаётганмишлар-да! Аввал опангнинг қизини узатасизлар деб икки оёқларини бир этикка тиқиб турганмишлар-да! «Бу йил Ферузани узатасанлар, тамом-вассалом!» дермишлар-да қудахола.

Покиза уни диққат билан эшитиб турди. Ишлари олдинга силжимаганини Саодатнинг кириб келишиданоқ сезганди-ю, аммо, зора, яхши гап айтиб қолса деб умид қилганди. Афсус, унинг гапида янгилик йўқлигидан, ўша куни ҳам унинг яқинлари шу гапни айтишганидан ҳафсаласи пир бўлса-да, аммо бу ҳолатини Саодатга сездирмади:

– Бу йил кўнглиларидай жойдан келмаса-чи? Бу йил узатишолмаса-чи?!

– Шуни айтаман-да! Менам Сабопамга шу гапни айтдим. Лоланинг йўлини тўсиб нима қилишади. Ҳеч бўлмаса қайнэгачиларидан лозим эди, Лолани жойи чиққан экан узатиб юбораверишсин дейиш, деб айтдим.

– Қайнэгачилари қанақа аёл ўзи? Бирор ерда ишлайдими?!

– Ҳа, қайсидир бир газетада ишлайди, шекилли. Нима, ўзингиз гаплашмоқчимисиз?

– Шундай қилсаммикин? Ҳар қалай зиёли аёл экан, тушунармиди дейман-да!

Саодатни бир нарса ўйлантириб қўйди. Маълум маънода чўчитди ҳам. Мабодо бошлиғи опасининг қайнэгачиси билан Лола хусусида гаплашгудай бўлса у ҳамма аламини опаси Сабоҳатдан олиши мумкинлигини мулоҳаза қилгани учун ҳам маълум маънода чўчиди ҳам. Шунинг учун ҳам хаёлидан ўтган ўйни унга очиқ айтишга ботинди:

– Унинг характерини жуда оғир дейишади. Бўлмаса иккита боласини ўйламай биргина қари қайнана билан чиқишолмай қайтиб келганлар-да! Ягона қиз бўлганлари учун эркароқ ўсганлар-да! Оталари топармон бир одам бўлган. Тўнғич қизлари бўлгани учун кўнглига қараган...

– Ҳа, бу ёғи ҳам бор денг, – тирноғига лакбўёғи суртилган кўрсаткич бармоғи билан пешанасини силаб қўйди Покиза. – Опангиз Сабоҳатхонга бир нима деб қолишидан чўчияпсиз, шундайми?!

Саодат бошлиғини кўпни кўрган, тушунган аёл деб билгани боис ана шу андиша уни қийнаётганини рўйи-рост дараклади.

– Сабопамни обориб-опкелишлари аниқ. Жудаям тиллари ботир, дейишади Саида опани.

– Исмлари Саидами қайнэгачиларини?

– Ҳа. Бўлмаса уларнинг адалари билан менинг адамлар аммавачча бўлишади. Яна бошқа аммаларнинг қизига узатилганлар. Қанча яраштирмоқчи бўлишди, ҳеч бўлмаса болаларингни ўйла, отасиз етимлик ёмон, дейишди, қани энди кўнсалар.

Саодатнинг юқоридаги гаплари Покизани ҳам ўз оиласи ҳақида фикр юритишига мажбур этди. Унинг ўзи ҳам ана шу икки боласи-

ни ўйлагани учун ҳам севиб турмуш қурмагани, ундан ҳам бурун ҳеч вақода йўқ, нокас, ношуд санагани эри Сафар ака билан шунча йил яшаб келаётганини ўйлаб хафа бўлди. «Балки уни севганимда мана бу қусурлари билинмасмиди. Балки ундан кўнглим совимасмиди, Рашид Нўъмонович ё бўлмаса Журъатга ўхшаган эркакларга илакишмасмидим», деб хаёл қилди. Хаёл қилдию ўзини ҳам бола-чақасини ўйламай тобора таг-туги кўринмас жарлик ёқасига яқинлашиб бораётган аёлдай ҳис этди. Мазкур ўйлари таъсирида яна ўз тўрига ўзи ўралашиб бораётган ўргимчак ҳолига тушиб қолаётгандай бўлиб кўрингани учун бир сесканиб тушди. «Хаёл ўлсин, қаерларга обормайди», деб ичдан қарғаниб қўйди-да, яна иродасини қўлга олди. Саодатнинг гапларидан хулоса чиқариб:

– Мен тушундим сизни Саодатхон. У аёл билан Лола хусусида гаплашиб бўлмас экан, – деди, бир нарсаларни ўйлагандай пича тек турди, кейин сўради: – Ўзингиз нима маслаҳат берасиз? Айтаётганимнинг боиси, Санжаримиз ўламан саттор шу қиздан бошқасини олмайман деб туриб олган. Шунинг учун бу йил бўлмаса, кейинги йил кутишгаям тайёрмиз. Шунда ҳам кеч кузга бўлсаям розиликларини олишга уриниб кўрайлик, деяпман-да!

– Менимча, хўжайинингиз аввал Собир поччамга учрашгани маъқул. Улар ойим билан гаплашинглар десалар, бирга қудахоламнинг олдига борганинглар яхши. Йўқса, кейинги йилгача кутасизлар-да, яна нима дердим. Лекин мен сизни мақтадим уларга. «Жуда янгича, кўп нарсага ҳаётда ўзлари эришганлар, ташкилотчи аёллар», деган бир гапни айтдим.

– Раҳмат, мен сизга ишонувдим, – деди Покиза, хаёлидан эса: «Гапим тўғри чиқди. Ўшанда ҳам шундай деса керак деб ўйловдим. Журъат билан алоқаларимиз ҳақидаги ҳар турли мишмиш гапларни у тарқатиши ҳам мумкин эмас. Ўзига ҳам, оғзига ҳам пишиқ аёл. Мени тўғри тушунибди», деган мулоҳазалар ўтиб, севиниб кетиб, ичида бир жасурлик пайдо бўлганидан: – Ҳа, дарвоқе, Журъатжон сизнинг холангизни ўғли экан-а? Мен бир иш юзасидан чақиртирувдим, келишлари керак эди, – деб олдини олиб қўйди. Аммо: «Онасига қарамас экан, онаси бир ҳолатда юраркан, устидаги кийимларим бир ҳолатда экан. «Нега онангни бу ҳолатга солиб қўйдинглар. Ахир, уят эмасми сенга? Менга тилла занжир олиб беришга пулни аямас экансан-ку, аммо онангдан аяр экансан-да!», деб бир уни боплайман! Қани, онасига қарамасин-чи, менам у билан алоқаларни узиб қўяман», деб ўтирмади, «Саодат ҳам тамизли аёл экан, бу томонларидан ҳам хабари бўлса керак, ҳар ҳолда онаси билан холасининг, ҳатто Сабоҳатнинг гапи бир жойдан чиқиб, ҳар иккови ҳам ундан шикоят қилишди-ку», деган хаёлга борди.

– Ҳа, Сабопам айтдилар. Ўзини ҳам бу ерда бир-икки кўрувдим, жуда мағрур, сал қулоғини бураб қўйишингиз керак-да, – деди, кейин буни ўйламасдан, ғайришуурий тарзда айтиб юборганини тушуниб қолди. – Қўйинг, тағин «Жиянларинг ҳар хил гапларни гапирибди, мен билан иши нима?», деб холамни қийнамасин.

Унинг ана шу «қийнамасин»и Покизага таъсир этди. У Журъатнинг бола табиати билан бирга, яна тез ўзгарувчанлигини, ҳар нарсага

шубҳа, гумонсираш билан қарайверишини жуда яхши билар, яна у фақат Покизага ишонишини, фақат ундан маслаҳатлар олишинигина билгани учун ҳам бошқалар билан чиқишиши амри маҳоллигини, бошқаларнинг гапини ярим чақага ҳам олмаслигини билар, яна ҳеч қачон онаси ҳақида гапирмаганини, бирор марта уни мақтаб ёхуд унга ачиниб бир нарса демаганлиги учун «унинг онаси қанақа аёл экан?» деб юрар, Соҳиба опани кўргач эса унга ҳаваси келган, айни пайтда унинг ўтириш аҳволига, кийим-бошига, маҳзун, камгап қиёфасига қараб ҳамма дарди ўзи билан бўлган, ҳаётда ҳеч бир рўшнолик кўрмаган аёл эканини тушуниб етган, шунинг учун Саодат Журъатни назарда тутиб «холамни қийнаб ўтирмасин», дейишига ажабланмади, зеро, бу нарса Журъатнинг қўлидан келишини, унинг феъл-атвори ниҳоятда оғирлигини, ҳамма ҳам уни тушунавермаслигини, унинг ўзи ҳам унча-бунчани тан олавермасини жуда яхши билар, шунча камчилиги бўлган, ҳар нарсадан шубҳаланаверадиган инжиқ, баъзида худбин, ўзига бино қўйган бу йигит нимаси билан уни ўзига ром этганини, қайси жиҳати билан эътиборини тортганини, нима оҳанрабоси борлигини Покиза илгарилари ҳам ўйлаган, ўшанда тушуниб етмагандай, у ҳали ҳам яхши англаб етолмаган, баъзида уни ўзига яқинлаштиришдан қўрқар, аммо узоқлаштиришни ҳам истамас, уларни қайсидир ришталар бир-бирига боғласа, қайсидир бир иплар бир-биридан узоқлаштиришни истар, аммо нима қилганда ҳам йигит худди сув гирдобида айланаётган ҳар турли майда-чуйда чиқиндилар янглиғ унинг атрофида айланаверишидан

кўпда лаззатланар ва ундан кўнгил узолмас, ана шу кўнгил узолмаслиги охир-оқибат бир балони олиб келишидан чўчир, хуллас улар орасидаги хуфёна алоқаларнинг охири нима билан тугашига сира ақли етмас эди-да!..

Покиза ҳамсуҳбати мана бу сўнгги гапидан кейин анча ўйланиб қолганини кўриб ноқулай бир ҳолатга тушаётганини, «Журъат ҳақидаги ана шу гапларни айтмаслигим керак эди», деган мулоҳазалар ҳам хаёлидан ўтаётган бўлганини тахминлади. Шу сабаб ҳам у тағин бўлак хаёлларга бормасин дегани учун:

– Мен сизни тушундим, Саодат, буни тўғри айтдингиз, – деди, ушбу сўзлари орқали унинг фикрига хайрихоҳ эканини, яна ўша куни Соҳиба опани кўриб унинг сурат ва сийратида у назарда тутган нарсага исбот туйганини билдирди: – Ўша куни кўрдим холангизни. Кўп жафокаш аёл эканликлари кўриниб турибди.

Саодат холаси фарзандларини не ҳасратда ўстирганини, эри ўлиб кетганидан сўнг уларга оталик ҳам қилганини, афсус, Журъат онасининг қадрига етмаганини, ҳали укалари ҳам уйланмай хотинини олиб уйдан кетиб қолганини, яна онаси ва раҳматли тоғасининг сўзига қараганда аллақандай бир «Сокина хоним» деган дўкондор аёлни «сиз онамсиз, менга оналик қилдингиз», деб юрган бўлганларини, ўз ҳақиқий онасининг ҳолидан эса йилда бир хабар олса олган, бўлмаса олмаганини, аммо бечора холаси бирор марта уни ёмонламаганини, бирор марта «ўғлим шундай ишлар қилиб юрибди, мени ҳурматимни жойига қўймаяпти», демаганини, ҳалигача битта-яримта Журъатдан сўз очгудай

бўлса, уни ёмонлагудай бўлса, ўғлининг ёнини олиб, ёмонлаганнинг оғзига уриб ташлашини, ўғлига, унинг шаънига гард юқтиришни истамасини билар, ана шу томонлари билан ҳам холасининг ҳурматини ўрнига қўяр, севар, ана шу тўрт боласини деб ҳаётда фақат оғир кунларни бошидан кечирган, ҳеч бир рўшнолик кўрмаган холасининг бирор марта бировга дийдиё қилмагани, бирор марта ҳаётидан бировга нолимагани учун унга тан берар, «ана шундай одамлар борлиги учун ҳам заминимиз турибди, ана шулар борлиги учун ҳам дунёни ер ютмаяпти», деган хаёлларда юрарди ўзича. Яна, ҳозир ўзининг ана шу ўйларига бошлиғининг юқоридаги «жуда жафокаш аёл эканликлари кўриниб турибди», дегани учун ҳам унинг фаҳму фаросатига яна бир бор иқрор бўлгандики, буни ушбу сўзларида ҳам билдириб:

– Секинроқ гапирасизми. Поччамиз ёш вафот этганлар. Эллик ёшларда, дейдилар опамлар. Холам шўрлик ҳам оталик, ҳам оналик қилиб катта қилдилар-да буларни, шунинг учун айтяпман, – деди Саодат, бўлак гап айтиб ўтирмади. Ўрнидан қўзғаларкан: – Менда бошқа гапингиз йўқмиди, Покиза Самадовна? – деб сўради.

– Йўқ, йўқ, катта раҳмат сизга, – деди Покиза, Саодат ҳам дунёқараши чуқур аёл эканини, илгарилари буни пайқамаганидан афсусланди. «Аслида Саодатни ўзимга ўринбосар қилсам бўларкан, ҳозиргиси ҳеч балода йўқ. Ишхонанинг бутун ташвиши ёлғиз ўзимга тушяпти, бир ёқдан партия кенгашидан кўпгина топшириқларни беришяпти», деган ўй-хаёлларга борди. Ана шулар таъсирида: – Майли, дам олиб ке-

лаверинг-чи, бир-икки маслаҳатли ишлар бор, ўшанда бафуржа гаплашармиз. Мана бу масалада эса ўша сиз айтган фикрни менам ўйловдим, ана шу тўғри, ана шундай қиламиз. Аввал адасини юборай-чи, лозим бўлса кейин икковимиз қайнаналарига учрашамиз-да, нима бизларни еб қўярмидилар? – деб хулосаланди.

Саодат «майли» қабилида бош тебратиб қўйди-да, уни эшикка қадар кузатиб чиққан бошлиғи билан хайрлашиб, хонадан чиқди.

Покиза қайтиб келиб жойига ўтирар экан, энди унга Журъатнинг қачон келиши бари бирдай, бояги қўрқувлари, Саодатдан шубҳаланишлари жуда арзимасдай, ҳатто ўзи ва Журъат орасидаги хуфёна алоқаларининг оқибати ҳаётини бошқа кўчага буриб юборишга қодир эмасдай, бу алоқалар фақат эрмакдай, ҳамма ҳам қилиб юриши мумкин бўлган, ҳаётнинг мазмунига айланган давлат иши ёхуд партия топшириқларидай, ё бўлмаса бола-чақа ташвишларидан чарчаган, толиққан пайтда бошқалар ҳам қилиши мумкин бўлган, аммо яширинча, бировга ошкор этмасдан, хуфёна, сирли тарзда, кечалари қилиниши керак бўлган, нафсни ўзига хос қондиришнинг усули сифатида қабул қилиниши керакдай бўлиб кўринди. У ана шуларни ўйлаб, ўзига-ўзи далда бериб, ўз кайфиятини кўтариб, қизи Шаҳло берган топшириқни эслаб, у сўраган китобни эртага етказиб беришларини унга айтиб қўйиш учун телефон гўшагини қўлига олди...

46

Оилаларида бўлиб ўтган кўп воқеалардан бехабар Покиза Журъатни тоза пўстагини қоқиб танқид қилиб: «Мен совчи бўлиб борган Сабоҳатларникида ойингизни кўрдим. Қизлариникида кўрпа қавиётган опаларини кўргани борган эканлар, аммо ранг-рўйларию кийим-бошлари бир ҳолатда экан. Нега онангизга яхши қарамайсиз? Нега уларни тузукроқ кийинтирмайсиз? Мен, ҳатто, сиз бир пайтлар совға қилган занжирни тақиб борганимга минг пушаймонлар бўлиб, уялганимдан ўша ерда ер ёрилмадию ичига кириб кетмадим-да!», деган бўлса-да, яна кўплаб бошқа таънаю дашномларни бошига ёғдириб, гоҳ қаҳр билан, гоҳ эса фақат унга ярашган меҳр билан насиҳат қилиб уни инсофга чақиришидан ва охир-пировардида: «Мени севаман деб оғиз кўпиртиришларингиз рост бўлса шу бугун-эртадан қолдирмай онангизга бозордан янги кийим-бош олиб беринг», деб унинг бўйнига топшириқ юклаганидан, яна фақат унга ярашадиган тарзда: «Ана шундан сўнг сизни кечираман, ана шундан сўнг сиз билан гаплашаман», деб уни кузатиб қўйганидан, буларнинг барини онаси ёки холаси, ё холасининг қизи Сабоҳат эмас, Покизанинг ўзи фаҳму фаросати билан билиб олгани, сезгани учун ҳам унинг норозиланишларидан, куйиниб гапириб гарданига топшириқлар юклаганидан ранжимади, балки ўзининг шу томонларга эътиборсизлик қилганини бўйнига олиб, яна онасининг ясан-тусан қилиб юришларни хуш кўрмаслигини баҳона қилиб кўрсатмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ Покиза

сумкачасидан юз доллар чиқариб: «Мана шу пулга ойингизга мен айтган нарсаларни харид қилиб олиб беринг», деганидан сўнггина у назарда тутган вазифани албатта бажаришга, онасидан хабар олиб туришга сўз берди, яна аёлнинг меҳри унга нисбатан бўлакча эканини туйгандай бўлиб, унинг олдида анча дакки-дашном эшитган эсада, аммо ичдан қувониб, «Мен унга боғланиб қолганимга, уни астойдил севишимга бефарқ қарамас экан-да», қабилидаги юрагига таскин берувчи ўй-мулоҳазалар оғушида у ердан чиқди. Келажакда бўладиган учрашувларга, аёл билан орзиқиб ўтказадиган лаззатли дамларини яна ва яна давом эттиришига кўнглида ишонч уйғонди. Ана шундай кўтаринки кайфиятда рулга ўтириб, машинасини ишхонасига қараб ҳайдади.

У дўконга кириб борганида соат учдан ошган, Покизанинг олдидан хурсанд чиққани учун ҳам тушлик қилиш эсига келмаганди. Офисни очдию унда Мадина опа жиғибийрон бўлиб ўтирганини кўриб, унга кеча берган ваъдаси эсига тушди. Ундан хижолатланган бўлиб сўрашди.

– Сиз мана шунақасиз-да, Журъат, – деб ундан норозиланиб бошини у ён-бу ён чайқатди Мадина опа, у эгнига янги қора араб шойисидан русча фасонда тиктириб кийиб олган, қулоғига бриллиант исирға, икки қўлининг бармоқларига илгарилари тақмагани қўша-қўша тилла узукларни тақиб, оёғига учи тўмтоқ қора лакланган янги туфли кийиб олган, Журъат уни меҳмондорчиликка илгаритдан таклиф қилиб қўйгани учун ҳам калта қирқилган, орасига оқ оралагани сабаб хинада бўялганидан қўнғир тусга кирган сочларига лак суртиб ялтиллатиб юборган,

нозиккина, бежирим бармоқларининг узун-узун тирноқларига оч-пушти рангдаги лак-бўёғи суртган, ундан фаранги атрининг хушбўй иси уфуриб турар, лекин юзида Журъатдан ниҳоятда аччиқлангани учун ҳам, заҳар чак-чак томиб турадигандай бир ифода ҳам бор эдики, у фақат Журъат бўлгани учун ҳам ана шу чак-чак томай деётган заҳрини сочолмаётган, унинг олдида портлаёлмаётган эди.

– Бир иш билан қолиб кетибман, узр, Мадина опа, – деб унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди Журъат, айни пайтда бу аёлда қарзи борлиги учун, яна устига-устак, заҳарликларини бошқаларга қилса ҳам Журъатга қилолмайдиган аёл унинг учун мана бундай кийиниб, ўзига оро бериб келганини кўргани, охир-оқибат қаҳвахонадан чиқиб бошқа жойларга ҳам бориши мумкинлигини ўйлаганини ҳам Журъат фаҳм қилгани учун ҳам ундан хижолатланган бўлди.

– Узрингиз қабул қилинмайди. Биламан, атайлаб қўл телефонингизни ўчириб қўйгансиз, – уни ғадабга олди Мадина опа, айни пайтда Журъат унга бошдан-оёқ разм солаётганини туйди, туйдию аммо бундан ҳоври пасаймади.

– Йўқ, йўқ, унинг учун эмас, бир одамнинг қабулида эдим. Катта бир одамнинг, – дея ёлғон гапирди Журъат, болаларча кулиб қўйди.

– Сиз ўзи шунақасиз, ҳамиша ваъдани берасиз-да, ўзингиз катта одамларнинг қабулида юрасиз, – унга ишонмади Мадина опа.

Шу пайт Журъатнинг хаёлига бир пайтлар қабулига Давронбеклар билан киргани Хўжақулов келиб қолиб:

– Рост, вилоят прокурорининг олдида эдим, – деди, бу ёлғон калласига келиб қолганидан бола-

ларча севиниб кетди. – Нима, сизни алдаш менга ҳавасми?!

– Қўйинг-э, Мадина опам менга ишонади, мени кечириб кетаверади, деб ўйлайсиз, шекилли? Агар шунақа деб ўйласангиз янглишасиз! – деди Мадина опа асабийлашиб, шартта дивандан турди-да, столнинг устига ҳозир Журъат ташлаб қўйгани «Кент»нинг қутисидан титроқ қўллари билан бир дона сигарет олди-да, «ёндиргичингизда тутатиб юборинг» дегандайин Журъатга яқин тутди.

Журъат Мадина опанинг астойдил жаҳли чиққанини сезди. Яна у: «Ана шундай жаҳли чиққани учун ҳам ҳозир мендан бирда берган, ҳалигача қайтаролмаётганим икки минг долларини сўраб қолади», деб хаёл қилгани учун ҳам шошиб қолиб, киссасидан ёндиргичини чиқарди-да, уни бармоғи билан ишқаб ўт олдириб, Мадина опа чап қўлининг бармоқлари орасига қистириб олиб оғзига солишга чоғланаётгани сигаретга яқинлаштириб, тутатиб берди. Сўнгра эса:

– Зоҳид тағин келмабди-да, – дея ундан норозиланиб бош чайқатиб қўйди.

– Зоҳид келиб кетди, – зардали оҳангда дараклади Мадина опа. – Дадасининг қаеридир оғриган чоғи, дўхтирга кўрсатиб келай, деб кетди. Яқинда чиқиб кетди... уям сизни анча кутди...

– Фақирий-чи? – ўзи сезмаган тарзда ишхонасига алоқаси бўлмаган аёлни сўроққа тутди Журъат, унинг ишхонасида ишламайдиган, фақат уни деб бу ерда соатлаб ўтирган, яна хуноби ошиб турган аёлдан сўраганидан ичдан хижолат бўлди-ю, аммо бу ҳолатини ташқарига чиқармади, «бу ерда ўтиргандан кейин билиши керак-да, устига-устак, униям обормоқчи бўлганимдан хабари бор эди», деган хаёлга борди.

– Фақирий анави аёлингизнинг ўрнида ўтирибди, шекилли, – деди Мадина опа, ичдан: «Бормаганиям яхши, унинг олдида Журъатга бор дардимни айтолмасдим», деб севиниб қўйди, яна диванга келиб ўтириб, бошини шифтга қаратиб сигарет чекишга тушди. У сигарет тутунини бурқситишидан шунчаки онда-сонда, шунда ҳам фақат ҳавасгагина чекишини сезиш қийин эмасди.

– Мен ҳозир, – Журъат аёлни хонада ёлғиз қолдириб ташқарига чиқди. Чамаси чорак дақиқалар йўқ бўлиб кетди. Кейин хонага қайтиб келди.

– Ҳа, тинчлик эканми? – деб Фақирий сотувчининг ўрнида ўтириши сабабини сўради Мадина опа.

– Эри чақиртирибди. «Ўляпман, тезроқ кел!», дептимиш... – истеҳзоли кулиб маълум қилди Журъат.

– Вой, ростданми? – ажабланган бўлди Мадина опа.

– Қаерда ўлади! Араққа пули қолмаганда ана шунақа нағмалар кўрсатади! – деди Журъат, Фақирийнинг улар билан боролмаслигидан, ҳали мана бу ёнида ўтирган аёл ҳам ҳар турли «оҳанглар кўрсатмаса эди», деб чўчиганидан энсаси қотди Журъатнинг. – Бирдаям ана шунга ўхшаш гап билан хотинини чақиртириб олувди. Фақат унда «ошқозоним заҳарланди, шекилли, тезроқ келмасанг ўлиб қоламан», деб ваҳима қилувди. Бу сафар «ўляпман!» деб қўрқитибди-да! – кулди Журъат, унинг гапларига Мадина опа ҳам жилмайганини, бояги жиззакилиги ҳам қайгадир ғойиб бўлиб, ҳовури пасайганини кўргач, стол устидаги сигарети қутисини олиб киссасига солди, уяли телефонини қўлига олди-да, жавоннинг ойнасига юзини солиб, қошларини, иякларини

силаган бўлди-да: – Қани, Мадина опа, кетдикми? – деди.

Аёл ҳам бир ҳисобдан кечикиб кетишаётганидан севинди ҳам. Зеро, қаҳвахонадаги маишатдан сўнг Журъатни бошқа томонларга ҳам судраш учун имкониятлар очилиши мумкинлигини ўйлаб бир ҳисобдан севиниб кетганди. У ҳам чекаётган сигаретини курсидаги биллур кулдонга эзғилади-да, шоша-пиша ёнидаги худди сандиқчага ўхшаган олмони сумкасидан тўгарак ойнасини, упасини, лабларига суртадиган тўқ пушти бўёғини чиқарди-да, аввал упа билан рўмолчасини икки юзига суртиб чиқди, сўнг эса лабларини тилининг учи билан ялаб-ялаб қўйиб, кўзгучага қараганча лаб бўёғи сурди, териси қуруқроқ бўлган икки юзига яна бир бор упа суртди, қошларини, киприкларини ҳам эътибордан қочирмади, аёлларга хос бўлган синчковлик билан ҳамма ёғига назар солиб чиқаркан, Журъат унинг ингичка, тукдор болдирига, оёқларига диққатини қаратаётганига кўзи тушиб қолди. Қолдию: «Оёқларимнинг ингичкалигига ғаши келяпти ёки туклилигигами?!», деган ўй хаёлидан ўтди. Журъатнинг ана шу мазмундаги ўтаётган хаёлини чалғитиш илинжида шоша-пиша қўлидаги ясан-тусан анжомларини яна сумкасига солди-да, ўрнидан қўзғалиб:

– Менам сизга ўхшаб сал ўзимга қараб олдим, кетдик, – деди-да, унинг олдига ўтиб, хонадан бирин-сирин чиқишди.

47

Қаҳвахонада одам деярли йўқ эди. Шундай бўлса-да, улар кўздан нарироқ бўлган тўрдаги хилватроқ жойга бориб рўпарама-рўпара ўтиришди. Кўп ҳам кутишмади, улар билан олдинма-кетин тепаларига ўн етти-ўн саккизлар атрофидаги нозиккина ёқимли корейс қиз келиб менюни қўлларига тутди. Мадина опа уни кўздан кечирган бўлди, кейин Журъатнинг қўлига тутқазди.

– Сиз таклиф этгансиз-ку, буюртираверинг. Сизнинг дидингиз менга ёқади, – деди аёл.

Журъат «дидингиз ёқадиси»дан сўнг унга ярим табассум билан боқаркан:

– Агар менинг дидим сизга ёқса, – деди-да, бирор дақиқа менюга синчковлик билан назар солиб чиққач, уларга самарали хизмат кўрсатиш учун тепаларида илтифот кўрсатиб жилмайиб қараб турган корейс қизга қараркан: – «Кўзачадаги Фарангистон шўрваси», дейилган. Бу қанақаси? – деб сўради, сўнг эса қаршисидаги Мадина опага бир кўз югуртириб қўйди.

Хизматчи қиз кулгичларини кўрсатиб ёқимли жилмайди-да, яна дарров масъулиятли қиёфага кириб юмшоқ овозда тушунтира кетди:

– Бу таомни бош ошпазимиз французлардан ўрганиб келдилар.

– Атайлаб шу таомни ўрганиш учун Францияга бордиларми? – Мадина опага қараб кулди Журъат.

Хизматчи қиз унинг ҳазиллашаётганини тўғри қабул қилгани учун:

– Ҳа, – деб қисқагина жавоб қайтарди-да, сўнгра сўзида давом этиб: – Бу жуда антиқа таом.

Маълум жиҳатлари билан бизнинг карам шўрвагаям ўхшайди-ку, аммо карамнинг ўрнига қўзиқорин солиб, картошка, қўй гўшти, яна анча зираворлар қўшилади. Яна бир жиҳати у қозонда ё газ плитасида эмас, сопол кўзачаларда қайнатилади ва дастурхонга ана шу кўзачаларда тортилади. Жуда хушхўр шўрва. Бунақасини ҳали тотиб кўрмагансизлар. Мазаси оғизингларда қолишига кафолат бераман, – деди обдан шўрванинг таърифини келтириб.

– Ҳақиқатда синглимиз айтганларидай антиқа, хушхўр бўлса ичамиз-да, а? – деб Мадина опага юзланди Журъат.

Мадина опа мана бундай шинам залда, ўзига ёққан йигит билан ўтиришидан дилдан мамнунлик ҳис этаётганди, мана бу бежирим, ёқимтой хизматчи қизнинг Фарангистон шўрвасининг таърифини зерикмасдан келтирганидан иштаҳаси қитиқланиб, Журъат билан Тошкентда эмас, бошқа юртларда ўтиргандай ҳис қилиб кетди ўзини. Ич-ичдан севиниб кетиб:

– Бундай шўрвани ҳам ичмагансизлар, мазаси оғзингизда қолади, деб кафолат беряптилар-ку, ичмаслик гуноҳ бўлади, – деб кулиб қўйди, ўз гапи таъсирида одатича у ён-бу ён тебранди.

Журъат Мадина опанинг бу ҳолатини кўриб: «Мен бу ерга олиб келганимдан миннатдор шекилли, солланиб-солланиб қўйяпти», деган хаёлга борди-да, ўша март оқшомидаги учрашувда ҳам ёшига ярашмаган, ўн етти-ўн саккиз яшар қизларга хос бўлган бачкана қилиқлар қилиб ўзининг эҳтиросларини кўрсатмоқчи бўлганини бир сонияда кўз олдига келтирди-ю, сесканиб кетди, яна тезда ўша ҳолатни унутиб, унинг

гапига кулиб қўйган бўлиб, ана шу шўрванинг ёнига сузма ҳам буюртирди. Иккинчисига «панжа» буюртираётганди, Мадина опа унга савол назари билан боқиб:

– Буниси энди қанақа овқат? – деб таомнинг номини эшитиб кулиб қўйди.

– Қўяверинг, еганда биласиз, бунисиям антиқа кабоб. Мазаси бир йилгача оғзизда қолади, – деди Журъат.

– Бунга энди сиз кафолат берасизми? – кулди Мадина опа.

– Мен кафолат бераман. Кабобни ликопчада мана бу беш панжадай қилиб опкелишади, – деб қўлларининг панжаларига ишора қилди.

– Сиз нима десангиз шу деяпман-ку, – ўзини Журъат ихтиёрига топшириб қўйган бўлди Мадина опа. Унга йигитнинг юқоридаги «қўяверинг, еганда биласиз», деган жумласи ҳам таъсир этиб, ўша март кечасининг унутилмас лаззатини кўз ўнгида тажассумлантиргандики, ана шуларни хотирлаш унга ҳузур бахш этар, шу боисдан ҳам Журъатнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир қараши, билакларининг кучи унинг шаҳвоний бир истагини қўзғай бошлаган ва ана шундай бир ҳирс, истак вужудини ўртай бошлаганидан ўзини қўярга жой тополмай қолган эди.

Журъат унинг юқоридаги гапидан хулоса чиқарган бўлиб иккинчисига ана шу таомни, ёпган нон, аччиқ-чучук буюртирди. Сўнг эса Мадина опага юзланиб:

– «Оқи»дан буюрайми ё шампан ичасизми? – деб сўради.

– Сиз-чи?

– Мен рулдаман-ку!..

– Илгарилари ичибам ҳайдайверардингиз-ку?

– Майли, унда шампан буюртирақолайлик. Ҳиди тезроқ тарқайди, – деди Журъат.

– Милиса тўхтатса мен сизни қутқариб оламан, – ўзида пайдо бўлган юқоридаги ҳис оқибатида бўлиқ-бўлиқ кўкракларини кафти кўмагида силаб қўйди Мадина опа, бу билан шампан ичгиси келмаётганини, ароқ ичиш истаги унда хуружини бошлаганини намойиш этди.

Журъат ҳам у худди аввалги сафардагидай кучлироғини ичгиси келаётганини, бундан нияти қаёқ тарафларга чорлаётганини сезгани учун ҳам қисқагина кулиб қўйди-да:

– Майли, бир шиша арақ келтирақолинг, фақат тозасидан, – деди.

– Бизда фақат тозаси бўлади, – деб «хўп» мазмунида бош тебратди хизматчи қиз, кейин тағин сўради: – Ичимликка-чи?!

– Кола, фанта, биттадан, шундайми? – Мадина опа бош тебратиб маъқуллагач: – Ҳа, дарвоқе, охирида бир чойнак қора чой ҳам берарсиз, – деб қўшиб қўйди Журъат.

Мадина опа Журъатнинг ҳиммат камари ечилиб кетганидан, шу сабаб бўлиб ўзининг дилидаги дардини айтиш имконияти туғилганидан мамнун бир қиёфада у ёқ-бу ёққа аланглаган бўлди-да:

– Жуда шинам қаҳвахона экан-а? Номиям ўзига монанд экан – «Севишганлар» – деди.

Журъат у нишабни қаёққа оғдираётганини пайқагани учун ҳам ўзини эътибор бермагандай қилиб кўрсатиб:

– Ҳа-а, – деб қўйди.

Хизматчи қиз елиб-югуриб ликопчада нон, сузма, аччиқ-чучук келтирди, кейин ичимлик-

ларни, графинда арақни олиб келиб қўйди. Журъат шарбатли ичимликларни катта фужерларга, арақни эса юз граммли кичик биллур қадаҳларга қуйиб улгурмасидан қаҳваранг жажжи кўзачаларда ўзи тоза таърифини келтиргани Фарангистон шўрвасини келтириб, аввал пахта гулли ликопчаларни, уларнинг устига эса кўзчаларни жойлаб ҳар икковининг олдига тавозе билан қўйиб чиқди-да, Журъатдан сўради:

– «Панжа»ни қачон келтирайин?

– Ҳозир опкелаверсинми? Қорнингиз очиб кетгандир? – ҳамроҳига қараб олди Журъат.

– Бирпас туриб. Манавиларни тановул қилиб олайлик.

– Ўн дақиқалардан сўнг олиб келарсиз, – деди Журъат, биллур қадаҳчадаги арақни Мадина опанинг қўлига тутқазаркан сўради: – Газагига фанта қуяйми ёки кола ичасизми?

– Менга бари бир. Ҳа, майли, фанта қуяқолинг. Шу тузукроқ манавидан кейин, – деб арақка ишора қилди.

Журъат рўпарасидаги катта қадаҳга фантадан қуйди, уни Мадина опа томон сурди. Кейин ўзининг арақ қуйилган қадаҳчасини қўлига олди-да:

– Мадина опа, майли, мана сизни неча йилдан бери биламан, уйингизда турганман, кўп яхшиликларингизни кўрганман. Сиз ва акамиз учун олайлик, – деди.

– Акангизни қўйиб туринг, Журъатжон, кейин айтиб бераман. Ҳозир фақат мен учун олишингизга қарши эмасман, – дея қўлига қадаҳини олди Мадина опа, сўнгра Журъат билан чўқиштирди-да, у ичиб улгурмасидан ўзининг қадаҳидаги арақни аёлларга хос бўлмаган бир

тарзда даст кўтарди-да, ичиб тугатди, кетидан шошганча фантадан ҳўплади.

Журъат унинг ичишига аҳамият бермаган бўлиб, ҳақиқатда эса «эркакчасига ютиб юборади-я!», дея кўнглидан ўтказиб, «Эри билан жуда тез-тез жанжаллашиб юрарди, яна ораларидан бир гап ўтган бўлса керак-да», деб мулоҳазаланиб, қадаҳидаги арақнинг ярмини ичиб жойига қўйди. Кейин аёлнинг «акангизни қўйиб туринг»ига қарамай:

– Тинчликми ўзи, Мадина опа? – деб сўради.

Мадина опага арақ дарров таъсирини кўрсатиб, оппоқ юзи анор янглиғ қизарди. Яна ичини у тезда қиздириб, айни дамда бўм-бўш ошқозонини ачиштира бошлагани учун қўлига қошиқни олиб шоша-пиша кўзачадаги шўрвадан бир-икки ҳўплади, кейин Журъатга қараб: – Ҳақиқатда ҳам мазаси бўлакча экан, – деди, бироз ўтгач у берган саволга жавоб қайтарди: – Ҳозир уйдан кетиб қолганлар, ҳа-а!..

Журъатнинг хаёлидан бир томондан «шу сабабдан менга сақичдай ёпишиб олган экан-да», деган ўй ўтса, иккинчи томондан «ҳали берган қарзини сўраб қолмаса эди, агар эри кетиб қолган бўлса», деган фикр ҳам ўтиб улгурди.

– Нима сабабдан?

Мадина опа тезда жавоб қайтармади. Журъат ушатган нондан бир бўлагини олди. Кейин «қўйинг-э, уни!» дегандай қўл силтади, шўрвадан яна ичишга киришди. Арақ унга анча таъсирини кўрсатиб, вужудида ёқимли, айни пайтда эрига нисбатан хусумат, ундан нафратланишга, устидан кулишга хос ҳисни қўзғата бошлагани учун ҳам ўзи шу пайтда истамаса-да, истеҳзоли бир кулиб қўйиб, ундан сўз очиб:

– Бир нўғой маржага илакишиб кетди, – деди, ортидан эрининг ташлаб кетиши уни ташвишлантирмаётганини, қайтага ана шундай бўлганидан хурсанд эканини англатиш мазмунида Журъатга қараб ошкора тиржайди-да: – Қайтага даф бўлгани бир ҳисобда яхши бўлди. Мен эркинликни хуш кўришимни биласиз-ку, Журъатжон, – деди, кўзларини сузиб унга боқди, бу билан у гўё: «Мен сенинг ишқингда ёниб юрганимни биласан-ку!», дегандай бўлганди.

Ана шундай мазмундаги бир гап қилмоқчи бўлганини Журъат ҳам англади. Англагани учун ҳам ичдан бир хижолатланди. Бундай кўйга тушишининг боиси дарров Покиза кўз олдига келгани ва: «Менинг кўнглим кимда эканини сен қаердан билардинг?! Ҳатто хотиним кўзимга кўринмаяпти-ку!», деган мазмундаги мулоҳазага боргани туфайли юз берди. Ана шу кўнглидан кечган мулоҳазасини гўё Мадина опа сезиб қоладигандай шошиб қолиб:

– Яна озроқ қуяй, Мадина опа, – деди-да, унинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай қадаҳни тўлдирди, кейин унга узатди.

Мадина опа унинг қўлидан қадаҳни олатуриб:

– Ҳақиқатан карес қизнинг айтганича бор экан, бунақа шўрвани умрим бино бўлиб ичмовдим, – деди, Журъат ўзининг қадаҳига «оқи»дан қуймаганига эътиборини қаратиб: – Ўзингизникиниям тўлдиринг, яхши йигит, – деб киноялиоҳангда манзират қилди.

Журъат унинг пичингнамо илтифотидан сўнг ўзининг ҳам қадаҳига озроқ арақ қуйди. У қадаҳни қўлига олиб улгурмасидан Мадина опа кўзларини унга қаратиб сузиб, худди ҳали Журъат у

ҳақда ўйлагандай – ёшига ярашмаган бир тарзда ўзидан ёши улуғроқ бўлган сўтак эридан қутулганига хурсанд бўлиб ҳиринглаб, ўзини қўярга жой тополмаётган олов қизлардайин Журъат ишқида бетоқатланаётганини ошкора сездириб:

– Энди бунисини сиз учун олами-из, Журъат, ўйлаган ниятларингиз амалга ошиши учун, – деди, йигит унга эътироз билдиришга чоғланган эди, унинг сўз айтишига йўл бермади: – Камтарлик қилманг, бари бир бу сизга ярашмайди! Бошқа сўз айтишгаям уринмай қўя қолинг!..

Журъат унга қаршилик билдирмади. Арақ ўз таъсирини кўрсатиб, Мадина опа яна ҳам сўзамоллашиб, дадиллашиб бораётганининг шоҳиди бўлгани учун, бошқа томондан, унинг олдида тили қисиқлик жойи борлиги учун ҳам:

– Сиз нима десангиз шу-да! Мен учун бўлса, мен учун-да! – дея кулди, ортидан Мадина опанинг ичкилик ичишини кузатди, ўзи эса яна қадаҳидаги тегишининг ярмини ичиб, жойига сурди.

Шу маҳал хизматчи қиз такаллуф билан иккита катта ликопчада «панжа»ни келтириб қўйиб кетди. Журъат ҳам, Мадина опа ҳам ликопчадаги таомга бир-бир қараб қўйишди. Журъат ичкиликдан сўнг кўзачадаги шўрвадан тотинди. Мадина опа ҳам унга эргашиб қошиқда шўрвадан ҳўплади. Арақ аёлнинг ичини қиздира бошлаган, шунинг баробарида вужудида гоҳ ёқимли, гоҳида эса эрига нисбатан аламли, унинг феъл-атворига монанд ҳисларни қўзғай бошлаган, шу боисдан ҳам сўзамоллашиб, Журъат ичкилигини ичмай ярмини жойига қўйганига ишора қилиб:

– Йигит киши, уят эмасми, ичмай жойига қўйишингиз, – деди, кейин «мендан ибрат ол-

майсизми?» дегандай ўзининг қадаҳини қўлига олиб кўрсатди.

– Ҳали сизни уйингизга обориб қўйишим кераг-а? – деб баҳона қилди Журъат, Мадина опага арақ ўз таъсирини кўрсата бошлаганини, ана шу таъсир кўрсата бошлагани учун ҳам ҳар турли инжиқликларни қилиб қолишидан чўчигани сабаб ҳам уни мумкин қадар маст қилмасликка уриниб: – «Панжа»дан олинг, буям антиқа кабоб, – деди.

Мадина опа чалғигани учун унинг сўнгги гапига диққатини жалб этолмади-ю, аммо бошидаги сўзларини назарда тутиб:

– Албатта обориб қўясиз-да, нима, ташлаб кетмоқчимисиз? Энди ташлаб бўпсиз! – деди, у мазкур сўзлари орқали: «Энди мени кутадиган эрим йўқ! Бундан бу ёғига бошим очиқ, энди мендан қутулолмайсан! Сен бари бир меники бўласан!», демоқчи бўлганди. Унинг ана шунга ишора қилаётганини, ана шундай демоқчи бўлаётганини сезган Журъат ҳали-замон аёл очиқчасига «ана шу гапга ўтиб қолмаса эди», деган қўрқувга бориб, унинг хаёлини чалғитишга уриниб, боз эрини эслатди:

– Убайдулла ака шунақа қилишларига сира ишонмайман-да!

– Менинг ўзимам ҳайрон қолдим. Мен у одамни қачондир ташлаб кетишим мумкиндай кўринарди-ю, аммо у кишининг мени ташлаб кетишини ҳечам ақлимга сиғдиролмаяпман-да! – чайқалиб қўйиб истеҳзоли кулди Мадина опа. – Тушунаяпсизми, ҳаммаданам мени жиғибийронимни чиқаргани у акангиз ўз айбини менга тўнкаб кетгани бўлди. Ёқамни ушлаб қопман, ишонасизми, Журъат?!

– Қанақа айбни тўнкадилар? – бошида тушунмади Журъат. – Бундоқ тушунтириброқ айтинг?!

Мадина опа Журъатнинг соддалигидан ҳам, эрининг нодонлигидан ҳам шарақлаб кулди-да:

– Мен қисир эмишман, Журъатжон! Эшитяпсизми, мен туғмас эмишман! – дея ўзини орқага ташлаб йиқилиб кетгудай бўлди, кейин яна гавдасини ғоз кўтариб мана бу чиройли ҳуснига, кўпларни ўзига қаратмай қўймайдиган карашмали боқишларига, бефарқ қолдирмайдиган келишимли қоматига ярашмаган бир ҳаракатда тағин қўли билан томоғиии эзғилаб қўйди-да: – Сен эплолмасанг мендами айб?! Тўғрими, Журъатжон? – деб унга беҳаёларча савол берди.

Журъат ана шундагина янглишганини, аёлга эрини эслатиб ярасига туз сепганини, туз сепишдан ҳам бурун уни узоқлаштирмоқчи бўлгани мавзунинг ўпқонига ўзи сезмаган тарзда яна улоқтирганини ҳис этди. Ҳис этдию тилини тишлашдан ўзга чора йўқ эканини туйди. Яна у: «Буни эри туғолмагани учун эмас, бошқа сабабдан ташлаб кетган бўлиши керак! Бу аёлга бир бало бўлган-да ишқилиб! Аммо пулга келганда, тижоратга келганда, бирни ўнга уришга келганда устаси фаранг, олдига тушадигани йўқ», деб қўйди ичида.

Унинг индамай анграйиб қараб турганини кўрган Мадина опа Журъат андиша қиляпти деб билиб:

– Тўғриси-да, Журъатжон, сиздан яшириб нима қилдим? Сиз билан қанчалар яқинлигимни ўзингиз ҳам биласиз-ку! – деб Журъат ундан қарз олганидан кейинги ораларида бўлиб ўтган воқеага ишора қилди, сўзида давом этди: – Мен ўзимни обдан текширтирганман, сенда албатта

бола бўлиши керак, деган бир гапни айтишарди ҳар сафар. У эса ана шу нарсадан қочарди. Гўё бу текширув билан у эркаклик шаънини оёқости қилишни истамаганмиш. Билама-ан, мен унинг яширинча қаёқларга мурожаат этиб юрганларидан ҳам хабардорман! Ўзида айб бўлгани учун тили қисиқ эди... Бирдан энди мен туғмас, қисир чиқиб қолганмишман... Билсангиз, мен унинг бойлигига тупурдим! Бойликни мен ўзим, мана шу ақлим, ҳа, ҳа, мана шу қўлларим билан топишга қодирман! Буни сиз кўриб турибсиз, гувоҳи бўляпсиз, шундай эмасми Журъат? Мен унга ичим ачигани учун яшаб келардим! Ҳа, ҳа, у менга бечорадек кўрингани учун, мен ўзим билганимча еб-ичиб, кийиниб юрибман-ку, қаерга боргим келса бораман, ўзим билганимча ҳаёт кечиряпман, эрким ўз қўлимда, менга бошқа яна нима керак, пулим бўлса бор, майли, мен билан алданиб юрса юраверсин, деб яшаб келардим, – деб кутилмаганда бояги дадилликлари қаергадир ғойиб бўлиб кўзларига ёш қуйилиб келди Мадина опанинг. У кўз ёшларини сумкасидан олгани ялтироқ дастрўмолчасига артди. Қовоқларидаги ёшдан суркалиб кетган қора бўёқлар уни бечораҳол, айни дамда хунук бир қиёфага солди.

Унинг мазкур ҳолатини кўрган Журъат аёл дилининг қат-қатларида йиғилиб ётган дардларини тўкиб сочаётганини, шу дамда унинг ўзи ачинарли бир аҳволда эканини, жуда бахтсиз аҳволда эканини ич-ичдан сезгани учун ҳам унинг кўнглини кўтарган бўлди.

– Мадина опа, сизга йиғлаш ярашмас экан. Бояги жасурлигингиз қаёққа кетди. Қани, мана

бу «панжа»дан олинг-чи, – деб қўлидаги пичоқ билан унинг ликопчасидаги қовурилган гўштни суяклари ўртасидан бўлиб-бўлиб берди.

Мадина опа қўлидаги ялтироқ қизил гулли дастрўмолчасига яна бир марта кўз ёшларини артди. Кейин қовоқларига суртгани қора туш суркалиб кетган-кетмаганини билиш учун юзини тўгарак кўзгучага солди. Ўз ҳолатидан уялиб, юзини Журъатдан яширгандай бўлиб қовоқларидаги қора бўёқни рўмолчасининг учи билан яхшилаб артди, ортидан яна қора қалам билан қайтадан оҳиста суртди, кейин упасини олиб икки юзига ишқаган бўлди, гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафга қараб юзининг умумий аҳволидан хабар топган бўлди, қўлидаги безаниш анжомлари – дастрўмол, қалам, кўзгу, упани қайтиб сумкасига солиб қўйди-да, Журъатга қараб қисқа, сохта табассум билан:

– Аслида кўнглимга бошқа одамни солиб улгурганимни, ўша бошқа одам мени ром этиб бўлганини у бефаҳм қаердан биларди, – деди.

Унинг гапи Журъатга «қўйнимга бошқа одамни солиб улгурганимни қаёқдан биларди», дегандай бўлиб эшитилди. Аёл кимни назарда тутаётганини сезгани учун ҳам чурқ этолмади. Фақат унга яна бошқача, суқланиб қарай бошлаган Мадина опанинг қаттиқ, ўткир кўзларидан нигоҳини олиб қочишга тиришиб:

– Яна озроқ ичасизми, қуяймми, Мадина опа? – деб сўради.

Мадина опанинг юзида ҳалиги беҳаёлик йўқолиб, киши дафъатан англаши мушкул бўлган ифода қалқди. Сўнг эса қандайдир аламни, ҳа-

садни ифодаловчи бир аломат акси пайдо бўлди. Қошлари чимирилди, ичдан биров билан келишолмаётганини ифшо этувчи бир белги юзида ҳам зоҳир бўлди. У бир нуқтага тикилган кўйи розилик бергандай бош силкиб:

– Қўяқолинг озроқ, – деди-да, рўпарасида турган фужердаги фантадан бир-икки бор ҳўплади, кетидан арақни ичиб юборди. Юзлари буришиб, ўткир кўзларини бир юмиб очди, тағин одати бўйича чап кўкрагини ўнг қўли билан силаб қўйди-да, заҳарханда бир авзода: – Ҳали шундай бир кун келадики, мен унинг юзига тупуриб, мана бу кўкракларим билан унинг сур башарасига оппоқ сутларимни соғиб юбораман! Ҳа, мана кўради қисир мен эканманми, ё унинг ўзи эканми! Ана ўшанда худди шу ишни қиламан!..

Журъат унинг айни дамдаги ҳолатини туйгани учун ҳам бир нима дея олмади. Фақат ичдан бир қўрқув унинг вужудини чулғаб олдию ўзини чалғитишга уринди.

– Олинг, олинг, «панжа» совиб қолди, – дея аёлга манзират қилди.

Улар қовурилган гўштни аччиқ-чучук билан бирга қўшиб тановул қилишга киришдилар. Хушхўр таомни иштаҳа билан еб бўлиб, пича чой ичиб ўтирдилар. У ёқ-бу ёқдан, тижоратдан, дорихона муаммоларидан ҳам сўз очиб қўйдилар. Охири юзларига фотиҳа тортиб ўрниларидан қўзғалганларида, Журъат Мадина опани ташқарига чиқариб юборди-да, ўзи ҳали улар билан ҳисоб-китоб қилиб улгурмаган ёқимтой корейс қизни ахтариб ошхона ичкарисига кириб кетди.

48

Жамшид азалий орзусига эришиб «Тико»сини «Нексия»га алмаштириб олганига хурсанд эди-ю, аммо уни прокуратурага ҳайдаб борганида эски «Жигули»сининг эшикларини қулфлаб, энди ҳовлига киришга ошиқаётган Қаландаров рўпарасидан чиқиб қолишини кутмаганди. Қаландаров бир нарсани сезгандай унга ғалати қараш қилди. Ранги оқариб кетди.

– «Тико»ни алмаштириб обсиз-да, Жамшид, – деди, ортидан: «Нима, ғойибдан Худо етказдими?» дегандай унга тушуниб етиш амри маҳол бўлган бир тарзда истеҳзоли жилмайди, катта-катта укки кўзлари юмилиб кетаёзди.

Унинг ана шу сирли тарздаги кулгиси Жамшидни чўчитиб, вужудини аллақандай қўрқув чулғаб олди.

– Ҳа, ҳа, катта акам озроқ пул юборувдилар, – деди у чайналиб, унга эргашиб орқасидан юраркан: «Аввал ишни бир ёқлик қилиш керак эди, кейин машина алмаштириш қочмасди», деган ўй хаёлидан ўтди, ўтдию: «Мана бир ойдан бери Қаландаровнинг қабулига қатнайсан-у, бироқ уринишларинг ҳеч бир самара бераётгани йўқ! Агар бу ишни эплолмай, ишкали чиқиб қолса анавиларнинг олдида, қолаверса Журъат аканинг олдида нима деган одам бўлдинг энди? Нима қилсаям шу бугун узил-кесил ҳал қилиб кетиш керак! Аканг келишини кутсанг иш хуржунлашиб қолади! Унда кеч бўлиб қолиши мумкин!», деган хаёлда у билан олдинма-кетин йўлак бўйлаб юриб бораверди. Иккинчи қаватга кўтариладиган зинага етганда Қаландаров унга қаради-да:

– Биринчи сафар келган йигитни менга бир учраштиринг, ўртоғим деганингиз йигитни бир опкелинг девдим-ку, – деб Азаматни назарда тутди. Жамшид нима дейишини билмай чайналаётганини кўргач: – Сиз хонамга чиқиб туринг, мен Қўзивой ака, Акобировни қараб кўрай-чи, бормиканлар. Катта бир топшириқ берганди, – деди-да, чап томондаги торроқ йўлакка бурилди.

Жамшид ундан Қўзивой аканинг номини эшитдию хурсанд бўлиб, юзи ёришиб кетди. Акобиров унинг акаси билан институтда бирга ўқиган, у билан борди-келдиси бор бўлиб, ҳатто дачалари ҳам ёнма-ён бўлиб, Тошкент Денгизининг орқасидаги «Узумзор» жамоа хўжалигига туташган эди. Унинг шаҳар прокуратурасида ишлашини эшитган, аммо туманга ўтганидан бехабар эди. «Жуда бўлмаса шуни ишга соламан-да! Қаландаров акам йўғига таранг қиляпти! Ўзингиз бир ёқлик қилиб, шу даъвони юмшатириб беринг, кичик миқдордаги ўзлаштиришга тўғрилаб беринг! У ёғини судда ўзим гаплашиб опчиқиб кетаман!» дейман деб ўйлаб тепага, иккинчи қаватга кўтарилди. Йўлак адоғидаги хона рўпарасида тўхтаб, яна пича ўйланиб турди, кейин орқасидаги руҳий касалликлар шифохонасига қараган деразага яқин бориб, токчага суянганча қўлларини қовуштириб, Қаландаровни хонасига кўтарилишини кутиб турди.

Ярим соатлардан сўнг Қаландаров хонасига кўтарилди. У орқадаги диспансер ҳовлисига қараган дераза токчасига суянганча унинг келишини кузатиб турган Жамшидга юзланиб:

– Ҳа, кутиб турибсизми, юринг-чи, – деди, қўлидан тушиб кетаёзган калитни яна қўлида илиб

олиб Жамшидга бир қараб қўйди-да, уни дубдан ишланган сариқ эшиги бурнига солиб очиб, ичкарига кирди. Жамшид унга эргашиб хонага кирганида, бояги бергани саволини назарда тутиб: – Бояги гапимга жавоб бермадингиз-ку оғайни?! – деди, киноялиликмайди.

Жамшид у «оғайни» деб ўзини ундан узоқлаштира бошлаётганини сезгани учун ҳам: «Машинани кўрдию илгариги муомаласи ўзгариб қолди. Ҳа, ҳа, уни қайси пулга олганимни фаҳмлагани учун ҳам Журъат аканинг оғайнисини суриштириб қолди. Мен унга Маҳлиёни яқин бир оғайнимнинг синглиси, девдим. У менга пул берилганми-йўқлигини билиш учун шундай қиляпти», деб фикр юритди ва «Менам сендан муғамбир бўлсам муғамбирманки, аммо содда эмасман», дегандай бир тарзда унга нигоҳ қадади-да:

– У иш билан хизмат сафарига кетибди, йўқса бошлаб келиш қийин эмасдику-я! – деб жавоб қайтарди. У бу шамаси орқали: «Нима, акамни аралаштирганим учун бу ишни орқага судраяпсанми?», деган бир мазмунда сўзлаган бўлди.

Қаландаров ҳам анойилардан эмасди, Жамшид коса тагида нимкоса мазмунида гап қилганини балодай туйгани учун ҳам:

– У ҳар ҳолда Шамшод акага ўхшаб узоқ муддатли хизмат сафарига кетмагандир, – деди.

Жамшид унинг киноясига дарров тушунгани учун ҳам:

– Кеча кетибди. Аммо акам қайтадиган кун уям қайтиб қолса керак, – деди.

Унинг тагдор гапи бу сафар Қаландаровни тутатиб юборди.

– Келинг, оғайни, майнавозчилик қилмайлик, – деди у қўлидаги қаламни столга улоқтириб, ўзини сал қўлга олди. – Анави айтаётганингиз даъвони ўзгартириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Уни мен қилолмайман.

Пул – дарди кабоб, деганларидай, илгариги сафар «қани ўйлаб кўрармиз», деган Қаландаров бирдан тўнини тескари кийиб олиши сабабини тезда тушуниб етган Жамшид ўзини ана шу жиҳатга эътибор бермагандай қилиб кўрсатди-да:

– Ўтган гал ўйлашиб кўрармиз, дегандингиз-ку, Самандар ака, нега бирдан қилолмайдиганга ўтиб олдингиз? – деди, сал ўйланиб тургач, унинг муддаосини тушунган бўлди: – Ҳар ҳолда қуруқ бўлмайди, атаганимизни берамиз, дедим-ку!

Қаландаровга унинг «берамиз» дейиши айил ботди. Жамшид «оғайним» деётгани одамдан каттасини ундириб, машинасини янгилаб олганига дилдан иқрор бўлгани ва «акамдан қарз олдим» деб уни лақиллатмоқчи бўлганини ҳам, даъвони ўзгартиргач таниш-билиш орқали ишни суддан арзон-гаровга битириб кетмоқчи бўлаётганини ҳам жуда яхши пайқади. Шу боис Қаландаров Жамшидга нигоҳ қадаб, лабларини тишлаб, пича ўй сурган бўлди. Ана шу ўй суриши давомида хаёлидан: «Ўзинг мўмайини уриб кетиб, менга итга суяк ташлагандай ё бўлмаса камбағалга садақа улоқтиргандай минг, ярим минг доллар бериб қутулмоқчимисан? Кошки нималар ҳақида ўйлаётганингни билмасам?! Сенга ўхшаган акасига орқа қилувчи, шу йўл орқали лаққасини уриб кетувчи қирриқларнинг кўпини кўрганман!», деган ўй

ўтди, ўтдию ўзини унинг гапига эътибор бермаётгандай қилиб кўрсатиб:

– Гап унда эмас, – дея ҳафсаласизлик билан қўл силтаган бўлди.

– Гап нимада бўлмаса? – сўради Жамшид, Қаландаров айёрлик қилиб бермоқчи бўлган пулини тахминан фаҳмлагани боис ўзини бу пулни назарига илмагандай қилиб кўрсатаётганини балодай пайқади.

– Анави ёзув-чизув қилиб қўлга туширтирган пенсионерлардан бир-иккитаси аёлнинг озодликда юрганини кўриб юқорига ёзганидан хабарингиз бормиди ўзи?

– Энди сиздан эшитиб турибман! – унинг сўзларига ишонмаганидан ажабланди Жамшид. – Бунақа гапни мана энди айтиб турибсиз!

– Ҳа-а, тепага ёзишган!

– Тепа деганингиз қаер?

– Шаҳар прокуратурасига-да!

– Республикагамасакан-ку?!

– Бу вайсақи кампирлар ҳали у ёққаям ёзишдан тоймайди.

– Ҳар бир жавобгар кас кафолат тўловини тўлаб маълум муддат озодликда юришга ҳақи бор деган мазмундаги жавобни бериб юборсаларинг олам – гулистон-ку?!

Қаландаровга Жамшиднинг ақл ўргатиши ёқмади. Сапчиб ўрнидан туриб кетаёзди:

– Бундай ёзма ақлли жавоб қайтаришни ўзимам биламан. Аммо уларам қонунлашиб ўрганган ўрис қариялар экан. «Ногирон ва нафақахўрларнинг, оддий халқнинг пулини ўзлаштирганлар очиқда юрса бизлар тўполон қиламиз, энг юқориларинггача борамиз», деб ёзиб юборишибди. Хатни шаҳар бизга юборган.

Жамшид «қани, ўша хатни кўрсатинг-чи», дегудай бўлса Қаландаров «пов» этиб ёниб кетишини кўз олдига келтиргани учун ҳам:

– Унчаликмасдир, – деди.

– Нима, мен сизни алдармидим. Катта Қўзивой акага берган. Бу иш шахсан бош прокурорнинг назоратида, – деб масалага якун ясаган бўлди.

Жамшид унинг «бу иш шахсан бош прокурорнинг назоратида», дейишига у қадар ишонмади, шунинг учун ҳам аҳамият бермади. Қаландаровнинг: «Катта Қўзивой акага берган», дейишидан эса севиниб кетди, кўнглида бу иш унинг фойдасига якунланишига умид учқунлари порлади. «Сенинг қўлингдан бу иш келмаса, бари бир Қўзивой ака билан битириб кетаман! Мана кўрасан, бир чақа сарфламасдан битириб кетаман! Ўша сенга аталгани минг доллардан ҳам қуруқ қоласан! Бир чангаллаб қолгин!..», дея ичида унга қасдланиб сўзланди-да, шунда ҳам Қаландаров ҳақида ҳеч қандай ёмон фикрга бормаган йўсинда жилмайиб боқиб:

– Нима, энди қилиб беролмайсизми? – деб сўради.

– Мен ҳозир айтиб турибман-ку, бу иш менинг қўлимда эмас деб!..

– Агар сизнинг қўлингизда бўлганида қилиб берармидингиз? Фақат ўғилболачасига айтинг, Самандар ака?! – уни синамоқчи бўлиб сўради Жамшид.

Ўз навбатида Қаландаров ҳам унинг ярим жиддий, ярим ҳазил тарзи сўраётганидан дарак бераётган аломат қалқиб турган чиройли қорамағиз юзига синовчан тикилиб:

– Нима, яна майнавозчилик қиляпсизми, Жамшид? – деб сўради.

– Йўқ, жиддий сўраяпман, – жавоб қилди Жамшид.

– Жиддий сўраётган бўлсангиз, менам ўғилболачасини айтақолай, ҳар қалай Шамшод аканинг ҳурматлари бор. Бари бир аввал ўша биринчи гал келган йигитни чақиртирган бўлардим, – деди қатъий бир тарзда.

Жамшид унинг сўнгги гапидан хулоса чиқараркан, «Ҳар ҳолда аввал сен улардан қанча ундирганингни билиб, ундан кейин шунга яраша иш қилардим», демоқчи бу гапи билан», деб хулоса қилди, шунинг баробарида Қаландаров «пенсионерларнинг хати» деётгани уйдирма эканини, уни бу қирриқ терговчи мўмай пулдан қуруқ қолгани туфайли ҳам ичидан тўқиб чиқарганини, яна Жамшиднинг Акобиров билан танишлиги борлигини билмагани боис ҳам бу уйдирмасига ишонтиришга тутинаётганини жуда яхши фаҳмлади. Энди унга сўнгги ҳужумни шундай бермоқчи бўлдики, мазкур ҳужумдан сўнг Қаландаров унга лом-мим дея олмайдиган, фақат унга тан бериб: «Қойил қилдинг, бу сафар сен енгиб кетдинг!», дейдиган бўлсин деб мулоҳаза юритгани учун ҳам:

– Модомики бу иш сизнинг қўлингиздан келмас экан, қўлидан келадиганларга мурожаат этсам сиз уларнинг йўлига тўғаноқ бўлмайсиз, келишдикми?! – у «қўлингизни беринг» дегандай шахт билан ўнг қўлини чўзди.

Қаландаров: «Бу ипирисқи акасига иноиб мен билан савдолашяптими?!» деб ўйлагани учун аччиқланди, қўлини бермади, аммо дилидаги гапини айтиб:

– Қўлидан келадиганлар бунинг уддасидан чиқишса, мен қандай қилиб уларга тўға-

ноқ бўлайин? – деди Қаландаров, хаёлидан шу дамда: «Бу сенга бировдан олганинг мўмай пулга ҳеч белинг оғримасдан бозорга шартта тушиб «Нексия» сотиб олиш эканми?», деган ўй ўтди, мазкур ўйи таъсирида емоқнинг ҳам қусмоғи бор қабилида мутакаббирона қараш, мутакаббирона кулги билан қаноатланди.

– Мен сизни тушундим, – деди Жамшид, у Акобировга орқа қилгани учун, яна, «акам бунгача кеп қолади-ку, ҳеч бўлмаса шулар иккови ишни бир ёқлик қилиб беришар», деб ичдан ўйлагани учун ҳам шартта ўрнидан турди-да, Қаландаров ҳеч кутилмаганда чўзган қўлини маҳкам қисди. У билан хайрлашиб, хонани тарк этди.

У пастга тушиб, Акобировнинг хонасини ахтариб топди. Хонада ёши йигирма билан йигирма бешлар миёнасидаги, буғдой рангдан келган тўғарак юзли, жингалак соч, қалин қора қошли, кўзлари чақноқ – ўзбеклардан ҳам кўра гуржи ёхуд озарбайжонларга ўхшаб кетувчи истараси иссиқ бир йигит қизил, жажжи партотип машинкада бир нарсаларни кўчириб ўтирарди. Жамшид унинг ёрдамчи прокурор эканини эгнидаги шу соҳа вакилларига мослаб тикилган кийим-бошидан ҳам, ўзича чамалагани ёшидан ҳам пайқади. Унга мурожаат этиб:

– Оғайни, Қўзивой аканинг олдиларига кирсам бўладими? – деб сўради.

Йигит машинкадан истар-истамас бош кўтарди-да:

– Қўзивой ака яқинда чиқиб кетдилар-а! – деб жавоб қайтарди.

Жамшиднинг шахти сал сусайди. Афсуслангандай бош чайқаб қўйди. Пича ўйланиб туриб:

– Мабодо уйларининг телефонини билмайсизми?– деб сўради.

– У кишини оғайнилари дачаларига опкетди. «Бугун, эртага, дам олиш куни ўша ерда бўламан, индинга эрталаб ўша ердан ишга келаман», деб кетдилар, – жавоб қайтарди ёрдамчи йигит. – Бирор ишингиз бормиди? Бирор нима деб қўяймми?!

– Йўқ, майли, мен дачаларини биламан. Эртага ўзим борарман, – деди Жамшид бир ҳисобдан севиниб, хаёлидан эса: «Ўша ерда экани айни муддао бўлди-да! Акамнинг дачасини калитини олволиб, Маҳлиёниям кўндириб, иложи бўлса шу бугуноқ у ерга жўнаймиз. «Сен билан менга керак иш юзасидан бормасак бўлмайди. Баҳонада эртага Тошкент Денгизида чўмилиб қайтамиз», дейман, деган хаёлда, кўнглига яна бошқа ниятларни тугиб, ана шу ўйлаган нарсалари уни янаям қувонтириб юборганидан ишга халал бергани учун йигитдан узр сўради-да, Журъат сабаб аралашгани ишнинг охир-оқибатда у ўйлагандай ижобий ҳал бўлишига ишончи ортиб, яхши бир кайфиятда прокуратура биносини тарк этди.

49

Улар Сардор таклиф қилгани қайнатасининг дала ҳовлисига Мирзоҳиднинг «Жигули»сида боришди. Сауна қабул қилишди, чўмилишди, Сардорнинг хотини тайёрлаган қовурдоқни бассейн ёнига қўйилган оппоқ пластмасс тўгарак стол атрофида ўтириб тановул қилишди. Сувга солиб қўйилган пиволи шишалар бирин-сирин бўшайверди. Мирзоҳиднинг ҳадеганда соатига қараб типирчилайверишини, отасини касалхонага

ётқизганини маълум қилиб, унинг ҳолидан хабар олмаса бўлмаслигини, олиб қўйгани икки-уч хил дорини ҳам етказиб бериши кераклигини бир неча бор такрорлайверганидан сўнг Журъат ортиқ уни қистовга олмади, «қайданам сен билан келган эканман», дегандай унга хўмрайиб нигоҳ қадаб қўйди-да, кетсак-кетдик қабилида қўл силтаб, чўмилиш учун олиб келган майда-чуйда анжомларини елим халтага жойлаб, яна столга яқинлашиб, косадаги яримлаб қолган пивосини бир кўтаришда симириб тугатиб, шоша-пиша юзига фотиҳа тортди-да, Сардорнинг: «Журъат ака, сиз қолинг, ҳали биз билан кетасиз», деб манзират қилишига: «Йўқ, кетмасам бўлмайди, машинани дўконнинг олдида қолдирганман, иннайкейин, битта-иккита қиладиган ишларим бор», деган баҳона билан шахдам одимлаб, бошқалардан олдин ташқарига ошиқди.

Қайтишаётганида кун қиёмдан оғани учун ҳам офтоб тафти кучайиб, асфальт олов пуркагандек бўлар, шунга сайин Мирзоҳид манзилга тезроқ етиб олиш илинжида тезликни юздан ошириб келар, ёнида чурқ этмай ўтириб, ўнг тирсагини машина ойнасидан чиқариб олган Журъат шошқалоқлик қилиб туппа-тузук маишатни ўрнига туширмаган, белига тепган Мирзоҳиддан ранжиган қиёфада қошларини паст-баланд чимириб олиб босиб-босиб сигарет чекар, аҳён-аҳён пиво таъсириданми ёхуд иссиқдан уйқу элитгани учун эсноқ босиб оғзини очиб хомуза тортиб қўяр, яна сигаретининг кулини ташқарига чертган бўлиб, сўнг эса уни қайта бармоқлари орасига қистириб олганча лабларига олиб бориб, хумори тутган бангидайин симириб-симириб ичига тортарди.

Тошкент Денгизига яқинлашганларида машина беш-ўн бор силтанди-да, сал юриб таққа тўхтади. Мирзоҳид шундагина йўлга чиққанларида бензин ҳисоблагичга қарамаганини эслади. Ёнида ўтириб унга «нима бўлди?» дегандай тааҗжубланаётган Журъатга айбдор одамдай жилмайиш билан боқаркан:

– Боя ташқарига чиққанда қарамабман, бензин тугабди-ку, – деди.

– Ўзинг-да, бир нимадан қуруқ қолгандай шошилдинг, – унинг гапига муносиб жавоб қайтарган бўлиб дакки берди Журъат.

Мирзоҳид унга қарши бирор оғиз сўз деёлмади, фақат юмшоқ, унга тобе одам қиёфасида:

– Нимага шошилишимнинг сабабини айтдим-ку, дадамга дориларни етказиб оборишим керак дедим-ку, – деб асосли баҳонасини рўкач қилган бўлди.

– Сал кечроқ оборсангам ҳеч нима қилмасди. Шунча арақ кор қилмаган Юсуф амакимга сенинг оборган доринг кор қилармиди, – унинг отасини яхши билгандайин истеҳзоли кулди Журъат.

Мирзоҳид унга қарши бир оғиз сўз айтмади, фақат ундан норозилангандай бир авзода:

– Сен шундай дейсан-да, агар билсанг дадам ичишни ташлаб юборганларига анча бўлган, – дейиш билан чекланиб, машинадан тушди, орқасига қараб юрди.

Журъат ҳам унга эргашди. Сигаретини чертиб улоқтириб, машинаси юкхонасини очаётган ўринбосарига юзланди:

– Қўшимча бензининг бормиди ишқилиб?!

– Ўн литрли канистрга бензин солволиш хаёлдан кўтарилибди-да! – деди Мирзоҳид, юкхонага

энгашиб эски пачоқроқ челак, ингичка, қисқагина шланг, тунука воронкани олиб йўл бўйига ўтди. – Бориб-келишга етиб берар деб ўйловдим...

– Сен шунақа бўйингга ўхшаб қисқа ўйлайсан, – унга дашном берди Журъат, кейин ўнг томонига – ярим доира шаклидаги кўм-кўк денгизга, унинг қирғоғидаги оқ «Нексия»га, сал нарироқдаги «соябонқўзиқорин» тагида чўмилиш кийимида ўтирган йигит ва қизга қараб қўйди.

Мирзоҳид бошлиғи ҳали ҳам маишатини бузиб уни эртароқ олиб кетаётганини кечиролмаётганини, шунинг учун ҳам ўрни келиб қолганидан фойдаланиб унинг паст бўйини камситиб «чақиб» олаётганини жуда яхши сезди. Шунинг учун ҳам ортиқ у билан пачакилашиб ўтиргиси келмай, бари бир у билан тенг келолмаслигини ҳам идрок этиб, унга жавоб қайтармади, бензини қолмаганининг ишораси сифатида қўлидаги челакни сал нарига – йўл четига қўйди-да, устига воронкани, унинг устига эса шлангни кўндалангига ташлади. Ўзи эса бугун дам олиш куни бўлгани учун онда-сонда ёнидан «ғиз» этиб ўтиб кетаётган турли машина ҳайдовчиларига қўли ишорасида челакни кўрсатиб бензини тугаганини дараклаб, озроқ ёқилғидан ташлаб кетишларини илтимос қилган бўлди. Бахтга қарши, унинг ишорасига бирор ҳайдовчи қулоқ қоқмади, ҳаммаси бензиним йўқ деган мазмунда дам елкасини қисиб, дам бензин ҳисоблагичига қараган бўлиб, айримлари эса умуман эътибор бермай ўтиб кетавердилар. Шунда у ўзи томон истеҳзоланиб қараб турган Журъатга ноқулай бир аҳволда қолган гўдак боладай кўзларини жавдиратиб боқди-да:

– Ўзингда йўқ – оламда йўқ, деб шуни айтсалар керак-да, а Журий? – деди, Журъатнинг номини тилга олиш баробарида ўзининг айбдорлигини яна бир карра унга эслатган бўлди.

– Шошган қиз эрга ёлчимас, деб шуни айтадилар, – уни камситди Журъат, сўнг эса яна бир тиржайди-да: – Фақирий бўлганда ҳам менинг сўзларимни тасдиқларди, – дея яна бир карра ўринбосарига танбеҳ берди.

Мирзоҳид ўзи бошлиғи анчадан бери ундан аламини ололмай юрганини, унинг ҳали у ишни, ҳали бу ишни баҳона қилиб жойида ўтирмай кетиб қолаверишлари унга алам қилиб юрганини, кутилмаганда шу бугун ана шу ўзбошимчаликларининг ўчини олиш мавриди етгани учун ҳам, бошқа томондан эса бояги маишатини расамадидек қилолмаганидан ҳам ҳузур қилиб унга таъна-дашном бераётган бўлгани важи ҳам унга қарши бирор оғиз сўз деёлмади, фақат айбдор одамдай йиғлоқи овозда:

– Шошилганда лаббай топилмас дегин, унчалик одамни уялтирмагин, Журий, – деб ўтинган бўлди, ўзи ҳам ташқи авзосидан йиғламоқдан бери бўлаётганини, дўпписи жуда тор келиб қолганини маълум қилди.

– Сени ўзи аллақачон пўстагингни қоқиш керак эди. Аммо мен чидаб келдим: кел, инсофга келар, дедим, лекин бўйи паст одамни инсофга келтириш қийин, жуда қийин экан! Пакана – фитна дегани шу бўлса керак-да! Сенинг фитналигингни ҳеч таги кўринмаяпти-да, Зоҳид!

– Анави ишлар билан юрибман-ку, Журий, шу икковимизга озроқ чойчақа ундириш мақсадида елиб-югуряпман-ку! – унга баланд келмоқчи

бўлди Мирзоҳид. – Аптеканинг сезони ўлган, канстоварни энди очдик...

– Билиб қўй, канстоварни сенинг зўринг билан очдим-а, мабодо юрмайдиган бўлса калланг билан жавоб берасан, ошна-оғайнигарчилик ўз йўлига!..

– Худо хоҳласа юради, дўкон бузилмаса юради, – унга қарши ҳужумга ўтди Мирзоҳид, ичдан эса: «Қаёқданам шу палакатнинг дўконига ишга ўтибман, охир-оқибат мени сил қилиб ўлдиради-да, ишқилиб, бузилса бузила қолсин-да дўкони», деб мулоҳазаланиб, сал нари юриб, яна ёнидан ўтиб кетаётган машиналарга қўл кўтара бошлаганди, «дўконнинг бузилиши»ни эслатгани учун сал паст тушган Журъат унга юзланиб:

– Бу уриниш бефойда, бирортаси тўхтамайди, ҳозир бензин анқонинг уруғи-ку! – деди.

– Нима қил дейсан бўлмаса? – унга қараб ночор овозда сўради Мирзоҳид.

– Ҳув анави чўмилаётганлар бор-ку, ўшалардан бориб сўраш керак. Ўшаларда ортиқчаси бўлса бериши мумкин.

Мирзоҳид қирғоқдаги «Нексия»га томон назар ташларкан:

– Сен уларда бор деб ўйлайсанми? – деди, кейин негадир ўша ёққа боргиси келмай баҳона қилди: – Қизи билан ўтирган экан, уларга халал бериб бўларканми?!

– Қизи билан ўтирса нима қипти? Мен сезяпман, ўшаларда бор! – деди Журъат, ўринбосарининг жавоби ёқмаганини пешанасини тиришгириб ошкор этди.

Мирзоҳид унга «ўшаларда бор бўлса, ўзинг бориб кел», деган йўсинда нигоҳ қадади-да:

– Йўқ, энди айтаман-да, – деди, кўзларини жавдиратди.

Журъатга унинг мужмалланиши ёқмади.

– Сен ўзи ғалати экансан, – деди-да, шартта юриб бориб, челакни қўлига олиб, воронка билан шлангни унинг ичига жаҳл билан солиб, Мирзоҳидга қасдма-қасдликка шахт билан пастга – соҳилга қараб тушиб кетди.

Бориб қай кўз билан кўрсинки, «Нексия»-дан наридаги «қўзиқорин» соясида қарта ўйнаб ўтирган йигит ва қиз – Жамшид ва Маҳлиё бўлиб чиқди. Ўзи ҳам ҳайратдан ёқа ушлагудай бўлиб, уларга бирор дақиқа бақрайиб қараб қолди-да, ўшанда, Маҳлиёни илк кўргандаги: «Ҳали буни Жамшид ўзига илинтириб олмаса эди, яхши нарса экан», деб ўйлаганлари эсига тушиб кетди. Нима дейишини билмай:

– Ия, сизмидинглар Жамшид? – деди, кейин сапчиб ўрнидан туриб кетиб, у билан сўрашиш учун истиқболига ошиққан Жамшидга қўлини чўзаркан, Маҳлиёга кўз қирини ташлади-да, хаёлига Азамат келиб қолгани учун: – Азамат яхши юрибдими, телефонам қилмайди? – деб қолди.

Журъат Азаматни эслатганидан Маҳлиё ғалати бўлиб кетди. Гўё уни жиноят устида қўлга туширишгандай ҳис этди ўзини – юзлари лола янглиғ қизариб, ерга кириб кетгудай бўлди. Сўнг эса Жамшидга: «Ўзингиз бу кишига жавобини беринг», дегандай кўзларини жавдиратди, ўзи жавоб қилолмади.

Жамшид дарров унинг ёнига тушиб:

– Маҳлиёга тааллуқли иш юзасидан бир одамга учрашиб келаётувдик, – деди, Журъатнинг қўлидаги челакка аҳамиятини қаратаркан, нечан-

чи бор хаёлидан «Нексия» олгани ўтди, нечанчи бор ўзини ичида лаънатлаб: «Ҳа, тўйдан илгари ноғора қоқиб қўйдинг! Машинангни алмаштирмай ҳар нарса бўлганинг яхши, Жамшид! Ҳозир буям машина олганингни юзингга солмайди деб ўйлайсанми, бунинг ҳам ичи ёнмайди деб ўйлайсанми?!», деган хаёлга борди, хаёли тобора уни чўчитиб, вужудини аллақандай қўрқув эгаллаб олди. Довдирай бошлагани учун қўлида ушлаб тургани қарталар қумга тушиб ҳар ёққа сочилиб кетди. Аммо бу ҳолатини Журъатга сездирмаслик учун чаққонлик билан уларни териб олди, қўлларида ўйнаган бўлди.

– Яна қанақа иш, яна қанақа одам?! – жаҳли чиқиб кетди Журъатнинг. – Ўша куни ҳаммаси деярли тўғри бўлди девдингиз-ку, Жамшид!

– Ҳа, ҳа, тўғри бўлади, фақат даъвони ўзгартираман-да, тушуняпсизми... кичик миқдордаги пулни ўзлаштириш бандига тўғрилаб суддан опчиқиб кетмоқчиман... Маҳлиёни ҳеч ким безовта қилмайди, сочларининг бирор толасига зиён етмайди. У ёғи энди ўзингизга маълум ишлар-ку!..

– Ўзи ўшанда билувдим, – деди Журъат, Жамшиднинг қўлидан ўшанда беш юз доллар олганига минг бор пушаймонлар еди. У қолган уч ярим минг долларни ёнига уриб қолганига ишора тарзида «Нексия»га қараб қўяр экан: «Ўша пулга машиналарини алмаштириб олибдилар-да, қуллуқ бўлсин!», дегандай истеҳзоли кулди-да:

– Ўзи ўша куни билувдим бу ишни хом қилганингизни, Жамшид! Юрагим сезувди! Ҳали бу ишнинг бир «но»си чиқиб қолмаса эди деб чўчувдим! – деди, ўзи истамаган тарзда яна эътиборини янги «Нексия» тортди. Хаёлидан эса:

«Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга!» деганлари шу бўлса керак! Ҳали сомонам ҳолва бўп қолмаса гўрга эди, ҳали у ер-бу еримизга хода тиқиб қўйишмаса гўрга эди!», деб фикр юритди. Мазкур фикри ўзига таъсир этиб, яна бир бор янги машинага нигоҳини қаратиб, овоз чиқариб: – Ҳим, – деб қўйди.

– Машина меники эмас, Фарҳод акамники. Менга ташлаб кетдилар, холос, – дея чўчиб кетганидан ёлғон сўзлади Жамшид, сўнг эса ёлғон сўзлари ўзига нашъа қилди чоғи, Маҳлиёга қараб қисқагина тиржайди.

Унинг тиржайиши Журъатга ёқмади, унинг тиржайиши ожиз, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, «онасининг болалари»нинг ҳолатини кўз ўнгида гавдалантиргани учун, аввалари қўли ҳар нарсага етади деб ўйлагани Жамшид ана ўшалардан бўлиб чиққанидан унга ачиниб, айни дамда нафрат билан боқди-да:

– Мени машина сизникими, акангизникими, Жамшид, қизиқтирмайди! Аммо мана бу қизнинг ўз олдида айтаман! Мана шу аёлнинг ишини тўғрилаймиз деб пул олганмиз-а! – деди, Маҳлиё «иккаласи бўлашиб олган экан-да», деб ўйламаслиги учун қўшиб қўйди: – Ана шу пулни Азаматдан олиб сизга берганман-а! Ана шу ташвишлантиряпти! Бунинг жавобгарлиги борлигини тушуняпсизми?! Иккаламиз жавоб беришимиз мумкин-а?! – бирдан унинг хаёлига Азаматнинг: «Жасур акалар ҳалиям ишкалларга аралашиб юришадими?», деб сўрагани қаёқдандир келиб қолди, келдию: – У пайтда акаларингиз ҳам иш бермай қолиши мумкин, шуни тушунасизми, Жамшид?! – деди жаҳл билан, шунинг

баробарида у: «Сенам беш юз доллар егансан», деб қолишидан чўчиди, яна бир бор ичида ўша арзимас пулни олганидан афсусланди. «Қаёқданам ўшанда шу ландавур берган беш юз долларни обман-а! Ҳали бу ишнинг бутун жавобгарлиги менинг бўйнимга тушмаса эди!..», деб ўйлади. Шу аснода вужуди бир қалтираб кетди.

Жамшид бир нимага ишонгандай ўзини қўлга олди-да:

– Ҳаммаси яхши бўлади, Журъат ака! Фақат шу пайтда аксига олиб акамнинг хизмат сафарига кетганлари чакки бўлди-да, ишнинг белига тепди! – деди, кейин улар ўртасидаги келишмовчиликка таажжубланибми, ўзининг қисматини мана шуларнинг қўлига топширган Азаматдан норозиланибми, ишқилиб жуда ҳам мушкул аҳволда қолган одам ҳолатига тушиб, йиғламоқдан бери бўлиб турган Маҳлиёнинг кўнглини кўтарган бўлди: – Ҳалиям кеч эмас! Мен уларнинг яқин оғайниларига учрашиб келяпман! Душанба куни у Қаландаровни тузлайди! Мана кўрасиз, узоғи билан кейинги ҳафта охиригача Маҳлиёнинг иши бир ёқли бўлади!..

Журъат Маҳлиёнинг олдида ўзини оқламоққа тутиниб, ҳақиқатда эса Жамшид порани Қаландаровга бермай ўзи ҳазм қилиб юборганига ишора қилиб:

– Тағин емаган сомсага пул тўлаб ўтирмайлик-а! Бунинг оқибатини ҳеч тасаввур қиляпсизми?! – деди, Жамшид дарров унинг илмоқли гапининг тагига етиб, бошини қуйи эгиб ер чизишга тушганини кўргач, тағин ҳам авжига олиб қўшимча қилди: – Бу ишни ўша пайтдаёқ Қаландаровнинг ўзи билан бир ёқли қилиб,

ишни ёптириб юбориш керак эди! Яна бошқа бировлар аралашдими, бу иш хуржунлашиб, газак олди дегани!...

Унинг ушбу хулосасидан сўнг Жамшид Қаландаровнинг: «Бир-икки пенсионерлар аёлни озодликда кўрган эканлар, юқорига ёзибдилар», деган сўзларини хотирлади, хотирладию вужудини хавотиргами, қўрқувгами ўхшаш ҳис чулғаб олди. Ортидан яна тезда: «Ҳечқиси йўқ, ўзи тўқиган! Ҳеч қанақа пенсионер юқорига хат ёзган эмас!», деб ҳукм чиқарган бўлди, мазкур хулосаси яна уни дадиллантирди. Ана шу дадиллантиргани учун ҳам, кейинги ҳафталарда акасининг қайтиши кутилаётганидан қувонгани учун ҳам Журъатга яна тик қараб:

– Ҳеч қанақа газак олмайди! Газак олишига йўл қўймайман! Кейинги ҳафтада ҳал бўлади дедимми – вассалом! – деди. – Юз фоиз ҳал бўлади!

Шу маҳал уларнинг олдига Мирзоҳид етиб келди.

– Ие, сизмидингиз Жамшид? Мен Журъат нега ҳаяллади экан, тинчликмикин ишқилиб, деган хавотирда келяпман! – деди, у билан кулиб сўрашди, сал наридаги чўмилиш кийимидаги қизга кўз қирини югуртириб қўйди. Хаёлидан дарров «чиройли нарса экан?» деган ўй ўтиб улгурди.

– Қалай, яхши юрибсизми, Зоҳид ака? Ишлар яхшими? Нима, бензининглар туговмиди? – деб гапни тезда бўлак мавзуга бурди Жамшид, ичида эса: «Нега бензинга ёрдамчисини юбормай ўзи келди экан? Ё бизларни узоқдан туриб танидимикин? Бунақа қора ишларга ўзи келиши одати йўқ эди-ку!», деб ўйлаб, ҳали ҳам қўлида челак ушлаб турган Журъатга сўзланди: – Канистрда бензиним бор, беринг, солиб бераман!..

Журъат унга эътироз билдирди:

– Йўқ, бензинингиз керакмас! Сиз анави ишни бир ёқлик қилинг! Тағин икковимиз бир жойларда жавоб бериб ўтирмайлик! Бунинг охири вой-а! – деди.

Унинг «бир жойларда жавоб бериб ўтирмайлик»идан сўнг ҳалидан буён суҳбатни эшитиб, уларни кузатиб турган Маҳлиё сал нарироққа бориб кўйлагини кийиб олди-да, яна уларга яқинлашиб, орага қўшилиб:

– Жамшид аканинг бояги гапларини Эрмат акамга айтувдим, улар ҳам ҳайрон бўлдилар. Шунча пулни бериб, тағин даъвони ўзгартириш нимаси экан, нимани истайди яна улар, дедилар. Боя шуни Жамшид акага айтдим-а? – деб унга қараб ўзининг гуноҳсизлигига ишора қилди. – Бу ёққа келганимизни Азамат акамга айтмадим-у, аммо ўз акамни хабардор қилиб қўйдим, – уларнинг олдида ўзини оқламоққа, шу йўл билан улар орасида аёллик шаънини поймол этувчи ҳеч қандай номуносиб хатти-ҳаракат бўлмаганини сездирди Маҳлиё.

– Мабодо Белтепада ҳовли қураётган Эрмат аканинг сингилларимасмисиз? Ўша Эрмат акани назарда тутмаяпсизми?!

– Ҳа, ҳа, акамлар Белтепада уй қуряптилар! Сиз уларни танийсизми? – деди Маҳлиё, кейин эса сал орқага ўтиб, хижолатлангандай, ўнғайсизлангандай нигоҳда ёнидагиларга қараб, шошилганидан кўйлагининг тақилмай қолган бир-иккита тугмасини тақди.

– Ҳим, яхши танийман, – деди Мирзоҳид, сўнг эса ана шу аёлнинг акаси туфайли қурилишида бўлган жанжални эслади, эсладию Журъатга ачингандай бир авзода қараб қўйди.

Журъат шу дамда унинг қараши мазмунини тушунмади. Унинг фикри-хаёлини яна у ишонгани Жамшиднинг ҳалигача ишни охиригача етказалмаётгани, устига-устак, аллақачоноқ Қаландаров билан битиб кетиши мумкин бўлган ишга бошқаларни ҳам аралаштириб ҳамма ёқни чалкаштириб юборгани, ўзининг фойдасига чалкаштириб юборгани шу дамда эгаллади:

– Қайтариб айтаман, Жамшид, оғайни, икковимиз уялиб қоладиган иш бўлмасин тағин! Орага пул аралашган-а! Қолаверса, ундан ҳам муҳими, ёнингиздаги мана бундай чиройли қиз... аёлнинг тақдири билан боғлиқ иш-а, оғайни!..

– Мен сизни тушундим! Уялтирадиган иш бўлмайди! Ҳал қилганимдан кейин сизга бориб айтаман! – деди Жамшид, бу жавоби орқали «ортиқча гапнинг кераги йўқ», деган бўлди, сўнг эса Журъат ёрдамчисига узатгани челакка ишора қилиб: – Келинглар, бензиндан опкетмайсизларми?! – деди.

– Йўқ, бензинни бошқалардан оламиз! – унамади Журъат, Мирзоҳидга ҳам «унинг бензинини олма!» дегандайин нигоҳ қадаб, қўли билан «қани, кетдик!» ишорасини қилди. Мирзоҳид унга итоат этиб, Жамшидга «хўп» дея бош силкитди-да, бошлиғининг ортидан эргашди.

Икковлари қайтиб «Жигули»лари турган катта йўлга чиқиб бордилар. Шу яқиндаги бензоколонкагача етиб олиш мақсадида бир юк машинасидан етмиш икки маркали бўлса ҳам тўрт литрча ёғилғи сотиб олдилар. Юк машинаси улардан аввалроқ жўнаб кетгач, «Жигули»га аввал Мирзоҳид, унинг ортидан Журъат чиқиб ўтирди.

Мирзоҳид машинасини ўт олдирар экан:

– Боя гапирганимда аҳамият бермадинг! Боягги қизнинг акаси менга ҳовлида сув бочкасини

қизғанган кампирдаҳан Эрмат экан-да! Банкда ишлайдиган! Ўшани деб анави Ҳикмат билан солишиб кетувдим-да!– деди, у бу гапи билан Журъатга «ёмон шароитга тушиб қопсан-да ўзинг ҳам, менинг устимдан боя кулувдинг», деган бўлди.

Журъат унинг сўзлари тагидаги яширинча мазмунни англамагани учун:

– Ҳа-а, ўша одамнинг синглиси эканми? – деб қўйди, бошқа бирор оғиз сўз демади, ишхоналарига етгунга қадар ўз хаёллари билан банд бўлиб, чурқ этмай келаверди.

50

Фазлиддин оромгоҳ эгаси бўлган биринчи Йўл-қурилиш комбинати касаба қўмитаси раиси Жунайид Акбаровични дўконга бошлаб келганида офисда фақат Фақирий ўтирган эди. Мирзоҳид ҳали келмаган, Журъат эса эрталаб соат тўққизларда телефон қилган, ўринбосарининг келган-келмаганини суриштириб, ўзининг икки-уч соатларда бориб қолишини маълум қилган эди.

Фақирий уларни диванга таклиф қилар экан:

– Сизлар ўтириб турингланр, мен ҳозир Мирзоҳидга телефон қиламан, – деди.

– Йўқ, йўқ, овора бўлманг, биз у кишининг қўл телефонларига қўнғироқ қилдик. «Сизлар бораверинглар, мен орқаларингдан етиб бораман», дедилар. Дадаларими, касалхонада экан-ку, бирров хабар олиб ўтаман, дегандилар. Бизам келавердик, – деди Фазлиддин.

– Яхши қипсизлар, – деди Фақирий, кейин тефалга сув тўлдириб, дорихонага олиб чиқиб қўйди. У қайтиб кирганда Фазлиддин ўзидан юқо-

рида ўтирган қоратўридан келган, баланд бўйли, мош-гуруч сочларининг тепа қисми тўкилган, қалин қошларига оқ оралаган, зулукдайин қора кўзлари одамга синовчан боқувчи, эгнига оқ кўйлак кийган, қаҳваранг шимининг белига тимсоҳ терили қайиш тақиб олган басавлат одамни унга таништирган бўлиб:

– Бу киши раисимиз Жунайид Акбарович бўладилар, – деди, сўнгра эса, ўз навбатида, унга Фақирийни таништирди: – Бу киши Фақирий, асли касблари шоир-ёзувчилик экан. Ҳозир ҳаёт тақозоси билан шу ерда ишлаяптилар, канстовар бўлимида бошлиқлар.

– Ҳали бошлиқ дейишингизга арзимайди, у-бу ишларга ёрдам бериб юрибман-да, бошлиқ бўлишга ҳали бор, – деди, ўзи томон синчковлик билан тикилиб турган раисга қараб: – Ҳали бу ишларни эплаб кетишимгаям кўзим етмаяпти, ташлаб кетмасам гўрга эди, – деб мана бу тўрт девор ичига сира ҳам мослашолмаётганига, ҳеч ҳам сиғмай ўзини қафасдаги қуш ҳолига тушиб қолган ҳис қилаётганига, турмуш уни шу ерда ишлашга мажбур этгани учунгина соҳасини ўзгартирганига, аммо ҳали ўз севимли машғулотига қайтишига, ҳали дилидаги ёзишга бўлган умиди сўниб улгурмаганига, ҳали у борлигига ишора қилган бўлди.

Жунайид Акбарович уни тушунгандай бош тебратди-да:

– Ҳозир ҳамма касбини ўзгартириб юборди, бундан хижолат чекмасангизам бўлади, – деди.

– Мен бу кишига Самарадан қайтаётганимизда бир шоир вагонма-вагон шеър ўқиб пул ишлаб юрганини айтиб бердим. Нима қилсин

энди шўрлик, бошқа касби бўлмаса, – деб бу соҳа одамларига ачингандай бўлди Фазлиддин, жингала, пахмоқ сочли бошини қашиб қўйди.

Фақирий унинг оғзидан иккинчи бор шу воқеани эшитаётган бўлгани учун ҳам шоир учун уялган бўлди – бирор оғиз сўз деёлмади. Қўлига пахта гулли чойнакни олиб ташқарига чиқиб кетди, кўп ўтмай унга чой дамлаб қайтиб келди, уни обдан қайтарди. Кейин аввал Жунайид Акбаровичга, сўнг эса Фазлиддинга узатди.

– Бу ёғини сўрасангиз, – деб шимининг киссасидан бир ҳужжат чиқариб Фақирийга кўрсатди раис, – бу ёғини сўрасангиз, Ўзбекистондаги қурилиш соҳасида фидойилардан бўлган саноқли кишилардан бири камина эдилар. Ўзимизнинг аҳвол ҳам сизникидан қолишмайди.

Фақирий гувоҳноманинг ичини очиб кўрди. Ҳақиқатда ҳам Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганларга бериладиган ҳужжат бўлиб, унда Жунайид Акбаровичнинг исми-шарифи қайд этилиб, бурчагида учга-тўрт ҳажмдаги сурати ҳам турарди. Фақирий нима дейишни билмади, қўлида бундай гувоҳномани илк маротаба ушлаб турган бўлгани учун ва бундай Қаҳрамонни ҳам биринчи бор учратгани сабаб қалтираёзиб:

– Табриклайман, – деб юборди.

Жунайид Акбарович унинг соддалигидан кулди. Чойини ҳўплаётган Фазлиддинга қараб олди-да:

– Табриклашнинг вақти ўтди, ука, – деди, яна Фазлиддинга кўз қирини югуртириб олиб: – Табриклаганда Шароф Рашидович табрикловди. Энди кеч, жудаа ке-еч табриклаяпсиз.

Фақирий ўзини ўнғайсиз, ожиз сезди. Ноқулайликдан, хижолатдан қутулиш мақсадида:

– Ипподром... Отчопардаям... бозорда бир чўпон билан гаплашиб қолиб эдим, арава тортиб юрган экан. Асли тожикистонликман, деди. Уям сизга ўхшаб иккита орденли бир чўпон экан. Илгари бизнинг ўрнимизга қўй-сурувни бошқалар боқарди, мана энди ўша бошқалар «Мерседес» ҳайдаб юрибди, мен эса мана бундай арава тортиб кунимни ўтказяпман, деганди, – деди, ҳеч кутилмаганда Жунайид Акбаровичга тегиб кетиши мумкин бўлган гап қилганини тушуниб қолди. «Менинг ўрнимга бошқалар қурилиш билан шуғулланмасди, мен бировга юк бўлмасдим – барча юмушни ўзим бажарардим», деб қолса нима қилдим энди – қош қўяман деб кўз чиқариб қўйдим-ку?!», деб ичида ўзининг калтафаҳмлигидан норозиланиб, ана шу ўзидан норозиланган боис янаям хижолатланиб, ўзини ёмон кўриб кетди, жуда ёмон кўрди – пешанасидан муздек тер чиқиб кетаёзди.

Бахтига Жунайид Акбарович унинг сўзларидаги ана шу томонга аҳамиятини қаратмади, шунчаки тўғри тушуниб, хулоса чиқариб:

– Мен аҳволимдан нолимайман-ку, ҳар қалай бояги гапингизга айтаман-да! – деди.

Фақирий енгил тин олди. Раис унинг гапларини тўғри тушунганидан, унинг тагини кавлаштириб ўтирмаганидан ич-ичидан севиниб кетди. Ана шу севинч аломати унинг кўзларида акс этиб, унинг кўпда одамларга самимий боқувчи катта ва кичик оралиғидаги қўнғир кўзлари чақнаб кетаёзди.

Фазлиддин унинг ҳолатини тушуниб етди чоғи, орага аралашиб:

– Кимларгадир яхши бўлди, бойиб кетишига йўл очилди, кимлардир мен айтган шоирга ўх-

шаб вагонма-вагон шиғир ўқиб юриш билан кун ўтказишига ё бўлмаса мана бизнинг ҳолимизга тушиб ўзини ўтдан-чўққа уриб юришига тўғри келяпти, – кулди Фазлиддин.

– Бошга тушганни кўз кўраверараркан, – деди Жунайид Акбарович, сўнгра унинг гапини бош тебратиш орқали тасдиқлаётган Фақирийга чўнтагидан тўлов топшириқномасини ва ишонч қоғозини чиқариб тутқазди: – Биз бўлмаса бўлимга ўтиб, оладиган нарсаларимизни олаверайлик, қолган гапларни улар келишганида гаплашаверармиз.

– Мен ўтган сафар келганимдаёқ нима кераклигини рўйхат қилиб олувдим, – деб папкасидан бир варақ қоғозин чиқарди Фазлиддин. – Шу бўйича керакли нарсаларни олаверамиз-да!

– Юринглар бўлмаса, бўлимга ўтайлик, – деди Фақирий, раис берган тўлов топшириқномаси билан ишонч қоғозини бошлиқлар ёзув столига қўйди-да, харидорларни бўлимга бошлади.

Ҳаммалари бўлимга ўтишди. Жунайид Акбарович кенг, тўгарак гардишли қорамтир кўзойнагини ғилофидан чиқариб тақиб, Фазлиддиннинг қўлидан оромгоҳ учун керакли ҳисоблагани анжомларнинг рўйхатини олиб, кўздан кечириб чиқди-да:

– Плакатларни ёзмабсиз-ку, кейин болаларни тақдирлаш учун фахрий ёрлиқлар ҳам керак бўлади-я, – деди.

Фазлиддин унинг қўлидан рўйхатни олиб, қайта кўз югуртириб чиқаркан:

– Йўқ, мана, Президентнинг сўзлари ёзилган, расмлари туширилган плакатлар деб қўйибман. Фақат фахрий ёрлиқлар эсдан чиққан экан, – деди.

Жунайид Акбарович бўлим пештахталаридаги турли папкалар, расм дафтарлари, қоғоз солиш папкалари, альбомлар, таклифнома қоғозлари, қистирғичу чизғичлар, ўчирғичу қора, кўк рангдаги кўчиргичлар, уч-тўрт хил ёзув қоғозларига ва яна анча нарсаларга кўз югуртириб чиқди. Эътиборини эллик, олтмиш, етмиш ёшларини нишонлаш учун мўлжалланган юбилей папкалари тортди. Улардан кўзини узмай туриб Фазлиддиндан сўради:

– Плакатлардан ҳам кераг-а? Бу ерда кўринмайди-ку, кўзим тушмади-я?!

– Бизда плакатлар йўқ! Ўрнига бошқа нарса берсак бўлмайдими? – сўради Дариҳа. – Мана, масалан, рангли фламастерлардан, рангли қоғоз, рангли бўёқлардан! Оромгоҳ учун жуда керакли нарсалар-да, булар! Болалар чизишларига, иннайкейин, тасаввур оламларини бойитишларига жуда асқатади! Сизлар бу нарсалардан фақат рангли қаламларни сўрабсизлар, холос!

– Йўқ, бизга бу нарсалар жуда керак, – деди Жунайид Акбарович, кейин ярим жилмайди: – Сиёсат билан ўйнашиб бўлмайди-я! Битта-яримта бориб текшириб қолса, бошқа томонга қарамайди, аммо бу томон унинг диққатида бўлади!..

– Ҳа, керак, – унинг сўзларини маъқуллади Фазлиддин.

– Плакатларни мен Зоҳидга айтганман, у базадан топиб келаман, деган. Фахрий ёрлиқ ҳам бўлади. Сизлар нима кераклигини ёзиб қўйинглар, топиб келиш бизлардан, – бошлиқларининг ўрнига сўз бериб юборди Фақирий, у бир томондан илк мижозларининг айниб кетишидан чўчиса, иккинчи томондан Дариҳанинг юқоридаги га-

пларини ўзича таҳлил қилган бўлиб: «Булар учун болалар тасаввур оламларини кенгайтиришларидан ҳам аввал ўзларига гап тегдирмаслик афзал! Бирорта каттароқ бир амалдор ташриф буюриб: «Нега мана бундай – мана бундай эмас?», деб сўраб қолишидан чўчийдилар! Биз ичимизда ана шундай бир танқидчини боқиб, шакллантириб улгурганмиз! Ана шу танқидчимиз бизни йўл-йўриққа солади, айбимизни ўзимизга айтиб туради, керак бўлса қаттиқ қўрқувга ҳам солади! Бу энди тузатиб бўлмас касалимиз бўлса керак! Айниқса, Жунайид Акбарович ёшидагилар бу дардга ёмон чалинганлар-да! Букрини – гўр тузатади деганларидай, қон билан табиатимизга шимилган бу дард фақат жон билан чиқиб кетса керак! Ё бўлак бир давоси бормикин?!», деб турфа ўй-мулоҳазаларга берилган бўлди у.

Фазлиддин қўлидаги рўйхатни яна қайтиб Дариҳага бериб:

– Мана шуларни қоғозда нечта кўрсатилган бўлса шунчадан қилиб ажратиб, кейин ёнига нархиниям кўрсатиб берсангиз. Ҳисоблаб чиқардик-да, ортиб қолса яна бирорта нарса олардик, – деб турган ҳам эди, орқасидаги эшикдан Мирзоҳид кириб келди-да:

– Фақирий, сиз рўйхат бўйича булар буюртирган молларнинг номини, сонини айтинг, Дариҳага жойи маълум бўлгани учун бир чеккага қўйсинлар-да, нархини сизга айтиб турсинлар. Сиз бир варақ қоғозга ёзиб боринг, охирида ҳисоблашларингга осон бўлади, – деди, кейин Фазлиддин билан, пештахтанинг нариги томонида турган Жунайид Акбарович билан сўрашган бўлиб: – Сизлар юринглар, буларнинг ўзлари хо-

нага обкиришади, – деди-да, икковини офисга бошлаб, ўзи уларнинг ортидан у ёқ-бу ёқни кузатган бўлиб юрди.

Хонага киришганда меҳмонлар яна аввалги жойларига – дивanга ўтиришди. Мирзоҳид улардан пастроққа – хонага кираверишдаги чапдан биринчи оромкурсига жойлашиб ўтирди. Жунайид Акбарович ичларида ёши улуғи бўлгани учун фотиҳа ўқиган бўлди. Мирзоҳид уларнинг ҳар икковини ҳол-аҳволини сўраган киши бўлди, илк мижозларига манзират кўрсатиб чой қуйиб узатди, курсича миёнасидаги биллур идишдаги оқ қандга таклиф қилди. Жунайид Акбарович паншахадай қўлини чўзиб оқ қанддан олиб, чойига ботирган бўлди-да, ботирган ерини оғзига олиб бориб шимди, Фазлиддин ширага тоби йўқлигини рўкач қилиб Мирзоҳидга миннатдорчилик билдирди, унга раисни таништирган бўлиб:

– Жунайид Акбарович. Сизга айтувдим-ку, раисимиз билан келаман деб, – деди, ортидан раисга юзланиб: – Бу киши Зоҳиджон, шу фирманинг тижорат ишлари бўйича раҳбари, шундайми? – деди.

– Ҳим, – деб қўйди Мирзоҳид. – Бошлиқ ҳам бор-ку, аммо Фазлиддин ака айтган ишлар билан мен шуғулланаман!..

Жунайид Акбарович уни эшитиб турди-да:

– Яхши йигитга ўхшайсизлар, биз билан ишласанглар ёмон бўлмасди, – деди.

– Тижорат соҳасида қанақа иш бўлишидан қатъи назар қилиб кетаверамиз, биз тайёр, – деди Мирзоҳид, ингичка, гавдасига муқоясалаганда узун-узун бармоқларини бир-бирининг орасига кирғизиб, букиб шиқиллатди. Хаёлидан шу дамда:

«Раис бало кўринади, бунда гап кўпга ўхшайди! Қурилишнинг бутун пулини мана шунақалар еб юборади-да, бекорга «биз билан ишласанглар ёмон бўлмасди», демаяпти! Ўз оёғи билан наҳанги тўрга илинган кўринади, бунақа имкониятлар ҳамишаям оёғингнинг тагидан чиқавермайди, Зоҳид, шерикчиликни ўзи таклиф қилиб турибди-ку!..», деган ўй-хаёл ўтиб улгурди.

– Тўлов топшириқномасини опкелдик, ишонч қоғозиниям. Менинг номимга ёзилган. Айтганингиз бўйича эллик минг ўтказдик.

– Ҳа, мен Фазлиддин акага айтувдим. Бизлар яқинда очдик-да бу бўлимни, бизларгаям ёрдамингиз бўлади, кўпроқ мол олинглар, девдим.

– Насиб қилса, кейинги ой яна олармиз, – деди Жунайид Акбарович. – Сизлар менга ёқдинглар, сизларга ёрдам қўлини чўзмасак уят-ку, ахир!

Мирзоҳид севиниб кетди. Журъатнинг олдида бу бўлимни очишга ундаб уялиб қолишидан қаттиқ чўчирди, йўқ, илк мижозлари мана бунақа танти одам чиқиб қолганидан ич-ичидан қувонди, яна бошлиғининг олдида юзи ёруғ бўлишини ўйлаб бу бўлимнинг келажагига ўзида ишонч пайдо бўла бошлади. Шу важдан ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолди.

– Бизга катта ёрдам қилган бўлардингиз-да, Жунайид ака, бизам қўлимиздан келган ёрдамимизни аямасдик, – деди, уни ҳамкорликка чақирган бўлди.

– Кейинги ойда яна эллик минг ўтказиб бераман. Майли, сизларга ёрдамим бўлсин, – деди Жунайид Акбарович. – Ҳа, дарвоқе, плакат билан фахрий ёрлиқлар сизларда йўқ экан, аммо бу нарсалар оромгоҳ учун сув билан ҳаводек зарур-да!

– Бу айтган нарсаларингизниям базадан опкеб бераман, – деди Мирзоҳид, ҳақиқатда эса ҳеч қандай база йўқлигини, бу анжомларни бошқа фирмадан олишаётганини Фақирийга ҳам айтишни истамовди, буларга ҳам ана шу найрангни ишлатди. «Савдода айёр бўлмасанг оғзингдаги ошниям олдириб қўясан!», деб мулоҳазаланиб қўйди. – Ҳеч ташвиш чекманг! Қани, ҳозир ҳисоблаб чиқишсин-чи, қанчалик мол чиқаркин?!

– Ҳа, дарвоқе, мен анави гапниям айтувдим, спорт анжомлари бўйича, – уни огоҳлантирди Фазлиддин.

Унинг сўзларидан сўнг Мирзоҳиднинг хаёлига: «Шунинг учунам раис бизга ёрдам кўрсатишни истаб қолган-да! «Бу йигитлар билан ишласам бирим икки бўларкан, қўлим ошга етаркан», деган, йўқса кейинги ойдаям яна эллик минг ўтказиб беришга дарров кўнармиди? Ҳақиқатда мана шунақа ишларда ўзига арзирли шерикларни топганига мамнун кўринади бу гаплари билан», деган хаёлга борар экан, ўзи сезмаган тарзда шошқалоқлик билан:

– Мен ҳар эҳтимолга қарши деб уларнинг ҳисоб-шартномасидан ёздириб олувдим, – деди Мирзоҳид, чаққонлик билан ўрнидан қўзғалди-да, жавон пештахтасида турган икки нусхадаги фирма номи қайд этилган қоғозни кўтариб келиб Жунайид Акбаровичга тутқазди.

Жунайид Акбарович уларга гўё спорт анжомлари бериши лозим бўлган фирманинг ҳисоб-рақами кўрсатилган шартномага кўз югуртирди-да:

– Юз минг ўтказиб берсак бўладими? – деб сўради.

– Юз минг ўтказсанглар саксон мингини қўлингларга беради. Бизга бир сўминглар ҳам керак эмас. Бизлардан мана бу канстоварни олганингларнинг ўзи етади. Яна бир марта кейинги ой олсанглар, яна бир яхшилик қилган бўлардинглар.

– Мен сизга сўз бердим-ку, Зоҳиджон, – деди Жунайид Акбарович, айни дамда Мирзоҳидга «ё менга ишонмайсизми?» дегандай синовчан тикилди.

– Бўлди, шу гапингизни ўзи етарли, – деди Мирзоҳид, спорт анжомлари ҳақидаги суҳбатга қайтди. – Саксон мингнинг ўттиз мингини ўзингларга олиб, эллик мингига бозордан спорт анжомлари сотиб олсангларам биласизларми, камида иккита катта қоп тўлади... шундаям ҳазилакам нарса олмайсизлар!..

– Ўзингиз билан тушамиз-да! Ўзингиз бош бўласиз, – деди унга Фазлиддин.

– Мен бош бўлсам бўларман. Отчопарга тушамиз-да, иккита-учта қопни тўлдириб опчиқамиз. Анави фирмагаям, сизларгаям битта ҳужжат қилволамиз, вассалом, – тушунтирди Мирзоҳид, ўз ишининг устаси эканини уларга намойиш этган бўлди.

– Бундай йўлларим бор экан-да, а Фазлиддин? – ёнидаги шеригига юзланди Жунайид Акбарович, сўнгра хижолатлангандай бир тарзи серажин пешанасини тириштирди, ўзини айб ишга қўл урган ва ана шу уришидан маълум маънода ўнғайсизланаётган қилиб кўрсатди: – Энди нима қиламиз Зоҳиджон, мана бу оғир шароитда беш-ўн минг топиш учун шу йўлларним қилишга тўғри келаркан-да!...

Мирзоҳид раис бу гапларни шунчаки, ўзини тоза одам қилиб кўрсатиш учун айтаётганини,

ҳақиқатда эса юз-кўзидан, ўзини тутишидан илгарилари ҳам бундай ишларни қилиб юрган бўлганини, фақат ими-жимида қилишга одатланганлардан эканлигини фаҳми-ожизи билан тушуниб етди. «Шунинг учунам бошида дўконга ўзи келмай, бунақа ишларда умуман тажрибаси йўқ бўлган Фазлиддин акани юборган! Бунақа одамлар ёмон туллак, бурганинг кетини кўрган бўлади! Аммо, ўрни келди, мавриди етди дегунча, бизга ўхшаган таргашлар билан очиқчасига – ўғилболачасига гаплашиб кетаверади – негаки бизлар сотмаймиз, сотолмаймиз – бизлар худди унга ўхшаган одамларни қидириб юришимизни балодай биладилар, шунинг учунам ўрни келди дегунча қўлимиздан оч бўридайин ўз улушларини юлиб олиб кетишга чўчимайдилар, бундайлар ўша эски тузум давридаям бунақа ишларни қилиб юрганлар, яшашнинг йўлини билганлар. Фақат эҳтиёт бўлиб яшаганлар», деб Жунайид Акбарович ва Жунайид Акбаровичга ўхшаганлар тоифасига ўз баҳосини берган бўлиб хулосаланди, хулосаланар экан:

– Яшашни истасанг, айланиб ўтишниям ўрган, – деди Мирзоҳид ҳеч бир андиша қилиб ўтирмай, мийиғида кулди. – Бунақа ишларни бир сизлар эмас, ҳозирги кунда ҳамма қиляпти. Нима, анави катта курсида, жуда катта курсиларда ўтирганлар қилмайди, тоза, покиза одамлар деб ўйлайсизми? У акулалар, у китлар лўғондадай-лўғондадайини уриб кетиш билан овора! Сиз билан бизнинг қилиб юрган ишларимиз арзимас-ку! Ана улар уялса, ана улар андиша қилса арзийди! Аммо улар парвосига келтирмайди – пора олишдан, халқнинг, давлатнинг пулини

йўқ қилиб, ўзлаштириб юборишдан чўчимайди! Янаям бойисам, янаям каттароқ ўмарсам, аварам, чаварамникиниям ғамлаб олсам дейди! Нега? Чунки эртага аҳволи нима бўлишини билмайди! Қўл келганда фойдаланиб қолиш керак, деган фикр унга тинчлик бермайди-да! Шу ишни қилмаса касал бўлиб қолади! Шунинг учун бунақа арзимас нарсалардан хижолатланманг! Нима, одамлар ҳам, давлат ҳам сиздан миннатдор бўлади, деб ўйлайсизми? Шунинг учун ҳалиги айтганим амалдорларга ўхшаб ўзингизга пишиқ бўлинглар! Бунинг ҳеч хижолатланадиган ери йўқ, Жунайид ака!..

Жунайид Акбарович унинг сўзларини, илҳомланиб сўзлашини кулиб туриб эшитар экан:

– Мен сизни шунчаки дўкондор деб ўйласам, бутун атрофимизда нима бўлаётганини, ким қандай нафас олаётганини – ҳаммаси-ҳаммасини билар экансиз-а, қойилман, Зоҳиджон, – дея уни алқаган, унга қойил қолган бўлди.

– Йўқ, сиз ўзизни пастга ураётганингизга айтаман-да, – юқоридаги гапига ўхшаш гап қилди Мирзоҳид. – Бунақа имконият туғилиб қолганидан фойдаланиб ҳам қолиш керак!..

– Бошқа илож ҳам йўқ, – унинг сўзлари таъсирида «шилқ» этиб тушиб, иккинчи томондан маҳлиё бўлиб, унинг сўзларини бош тебратиш орқали тасдиқлади Фазлиддин.

– Давлатга неча йил ишлаган бўлсак бирор марта миннатдор бўлмади, мана охири кассада қолган ўн-ўн беш минг пулимизни, қариганда одамларга ўхшаброқ яшармиз деб йиғиб қўйган жамғармамизниям куйдирди-қўйди. Бўлмаса элга танилган одам эдим, қаҳрамон эдим...

– Боя Фақирийга кўрсатдилар ҳужжатларини, қаҳрамон эканлар, – деб унинг гапларини тасдиқлаган бўлди Фазлиддин.

Мирзоҳид унинг «Қаҳрамонлигига» ҳам эътибор қилмади, Мирзоҳидни унинг ана шундай машҳур кас экани ҳам қизиқтирмади, фақат у буларга ўхшаганларга ичдан ачинаётганини ташқи авзойида ҳам акс эттирди-да:

– Э-ээ, акалар, сизларга ўхшаб куйганларнинг кўпларини кўрдим-ку, – деди, мижозларининг эътироз билдиришларига эътибор бермай чойнакни қўлига олди-да, ҳар икковининг пиёласига аччиқ қилиб дамланган чойдан қуйди: – Ана, узоққа бормайлик, куйганлардан биттаси сиз айтаётганингиз Фақирий. Ҳаётда ўз йўлини тополмасдан бозорда китобфурушлик қилиб юрган экан, бошлиғимизам қизиқ одам, раҳми келиб уни бизга ишга судраб олиб келди. Ҳали дўконда ишлаб кетадими-йўқми, Худо билади.

Жунайид Акбарович ўзининг аҳволи у айтаётгандай аянчли эмаслигини кўрсатиш мақсадида:

– Мен-ку, у-бу ишларимни битириб олдим-ку-я, Худога шукр, уйим бор, болаларгаям қилиб бердим, дачам бор, эски бўлсаям миниб туришга «Жигули»м бор, аммо мана буларга қийин бўлди – Фазлиддиннинг авлодига, сиз ҳозир тилга олганингиз Фақирийларга ўхшаган илм, ижод аҳлига қийин бўлди.

– Ҳим, биз зиёлиларга қийин бўлди, секинроқ айтасизми, – унинг сўзларини тасдиқлади Фазлиддин.

– Бўлмаса шу икки-уч куннинг ичида мана шу фирманинг ҳисоб-рақамига юз минг сўм ўтказиб бераман, – деди Жунайид Акбарович, юқоридаги мавзуга якун ясаган бўлди.

– Истасангиз юз эллик минг ўтказинг. Унда сизларга янаям яхши бўлади, – деди Мирзоҳид.

Жунайид Акбарович кулимсираб Фазлиддинга қараб олди-да:

– Йўқ, бу жудаям катта сумма бўпкетади. Ҳозирча юз минг сўм ўтказиб турайлик, кейин бир гап бўлар, – деб пастга қараб қошларини қашиб қўйди.

– Ўзинглар биласизлар, – деди Мирзоҳид, ҳисоб-шартномасининг бир нусхасини олиб, унга қурилиш комбинати, ўтказилаётган сумма, спорт анжомлари номларини қайд этди-да, уни ўзида олиб қолди. Иккинчисига ҳам худди ана шуларни ёзиб чиқиб, раиснинг қўлига қайта тутди.

Шу пайт хонага Журъат кириб келиб қолди.

– Ана, Журъат ҳам кепқолди, – деди Мирзоҳид, хонадаги янги мижозлар билан сўрашаётган Журъатга уларни таништирди. – Бу киши қурилиш комбинати касаба қўмитаси раиси Жунайид ака бўладилар. Ёнларидаги акамиз ўзлари Пединститутда ишларканлар, ҳозирда комбинатга қарашли оромгоҳга директор қилиб тайинланибдилар.

– Менинг исмимни Зоҳид сизларга айтди, – деди Журъат, кейин тўрга – Жунайид аканинг чап томонидан сал нарига бориб ўтирди. Юзига фотиҳа тортган бўлди. – Яхши келдингларми? Анави куни келган экансизлар, канстоварлар олишга келишади, дейишувди болалар...

– Ҳа, мен келиб гаплашиб кетувдим Зоҳиджон билан. Бугун ўша нарсаларни опкетгани келдик, Жунайид аканинг ўзи билан, – деди.

– Жуда яхши қипсизлар-да! Бўлимдагиларга айтдингми? – севиниб кетди Журъат.

– Ҳа, Фақирий билан Дариҳа тайёрлашяпти. Ҳозир опкириб қолишади, – деди Мирзоҳид.

– Бу киши сизларни мақтаб жуда яхши йигитлар эканг девдилар, пулни дарров ўтказиб келавердик, – деди Жунайид Акбарович, Журъат ўзини жиддий тутишидан у ҳам ўзининг ташқи қиёфасига расмийлик тусини берди.

– Раҳмат сизга, Жунайид ака, – деди Журъат, раиснинг ўнғайсизланаётганини сезгани учун унга ҳазиллашиб орани юмшатишга киришди: – Ишқилиб, оромгоҳ Ангрен томонларда эмасми? У ёқларда отишмалар бўляпти экстремистлар билан дейишади?..

Жунайид Акбарович унинг гапига кулди-да:

– Оромгоҳ Бурчмуллада. У ер жуда тинч жой, – деди.

– Ҳа, ҳақиқатда яхши жойларда экан. Бизлар ҳам дам олгани борсак қабул қиласизларми? Борганда ош-пош қилгани борамиз-да, а Зоҳид? – ўз навбатида кулди Журъат. – Бизлар отсак – бошқа нарсани отамиз – бизларга «пақ, пақ!» тўғри келмайди, бизларга фақат қирқ градусидан бўлса, ана ўшани жиғилдонимизга отамиз-а, нима дединг Зоҳид?!

Ўринбосари Мирзоҳидга унинг сўнгги ҳазили у қадар ёқмаса-да, ана шу нарсадан ичида ижирғанса-да, бу ҳолатини ўтирганларга сездирмади, фақат зўрма-зўраки кулгу билан бошлиғининг гапини маъқуллаб бош чайқатиб қўйди.

– Бош устига, – деди Жунайид Акбарович. – Мана Фазлиддин кутиб олади борганингларда.

– Ўзингиз ҳам бўлинг-да, Жунайид ака! Ўзингиз бўлсангиз бошқача бўлади, а Фазлиддин ака?

– Ҳа, албатта, ўзлари ҳам бўладилар. Фақат олдиндан билишим керак-да қачон боришингларни, уларгаям айтиб қўяман-да!..

– Харажатларни ўйламанг, – деди Мирзоҳид, ўйланиб қолган оромгоҳ раҳбарига қарарди. – У ёғини ўзимиз тўғрилаб олиб борамиз.

– Бир айтдик-қўйдик-да, Жунайид ака, бизларда дам олишга вақт қаёқда дейсиз, – янги мижозларининг бўшашиб ўтириш ҳолатидан келиб чиқиб маълум қилди Журъат. – Бизларнинг хаёлимизда, калламизда фақат мана бу товарларимизни сотиш-у, дўконимизни яна тўлдириш... бошқа нарса билан ишимиз йўқ.

– Йўқ, нега? Дам олиб ҳам туриш керак, – деди Жунайид Акбарович, дарров мавзуни бўлак тарафга буриб сўради: – Дарвоқе, аптекаларингдаги дориларни пул ўтказиб сотиб олиш ҳам мумкинми?

– Йўқ, дорихонадаги моллар комитетчиларники. Одамлар топширишган. Уларнинг пулини биз ҳар ўн кунда тўғрилаб беришимиз керак, уларни пул ўтказишга сотолмаймиз, – деди Журъат.

– Ҳа, майли, биз бошқа ер билан ҳам гаплашувдик, ўша ердан олақоламиз. Сал арзонроқ экан дорилари. Бир юз минглар атрофида дори-дармон ҳам сотиб олишимиз керак-да!

– Бизлар устама нархда сотамиз-да, шунинг учун озроқ қимматлиги бор, – маълум қилди Мирзоҳид.

– Бошқа нима керак бўлса айтаверинг, мана Зоҳид икковимиз қилиб бераверамиз. Сизлар билан бирга ишлайверамиз, – деди Журъат.

– Шундай қилинг. Ана, Зоҳиджонга айтдик, кейинги ойдаям эллик-олтмиш минг сўмлик идора анжомлари сотиб оламиз, – деди Жунайид Акбарович, спорт анжомларини айтайми-айтмайми деб Мирзоҳидга кўзларини жавдиратиб қараб турган эди, унинг ўзи бошлиғига дараклади:

– Буларга спорт анжомлариям керак экан, униям ҳал қилиб берадиган бўлдим. Қобилнинг дўконига пул ўтказиб беришса, саксон фоизини қўлларига олиб бераман, бирга бориб Отчопардан истаган спорт инвентарларини сотиб олиб келаверамиз. Яна беш-ўн танга чиқариб бериш имкониям бўлади. Шу яхшимасми?

– Биз билан ишлашса имкониятлар очилаверади, бошқа ишлар ҳам чиқиб қолиши мумкин, – мижозларини қизиқтирган бўлди Журъат, аммо ичдан ёрдамчиси Мирзоҳиднинг яна ана шундай пулни нақдига айлантириш ишлари билан шуғулланаётганидан ижирғанди. «Ўзи бир марта-ку материалчилар билан ана шундай иш қилганида тутилиб қолди-я! Яхши бир-икки ошналарни ишга солиб, яна ўзининг ёнидан анчага тушиб қутулувди-я! Оз мунча югурувмидим? Бари бир, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидай, яна шунақа ишларга аралашиб юришини ташламаяпти-да! Ҳали бир кун совуғини ейсан-ку, ўшанда Журъат бекорга жонини койитмаган экан, дейишингни кўраман-ку! Ҳали, шошмай тургин!..», деб ундан норозиланиш баробарида мазкур ишнинг охир-оқибатини ҳам билган, уни башорат қилган бўлди.

Жунайид Акбаровичнинг юзи янада ёришиб, катта ва кичик оралиғидаги қора кўзлари чақнаб кетди. Иштаҳаси очилиб «ҳа, барака топинглар», демоқчи бўлди-ю, аммо Фазлиддиндан, иккинчи томондан дўкон эгаларидан хижолатлангани важи «ҳабба» деб, рози эканини, розилик ҳам майлига, бундай таклифдан мамнун эканини сездириб ёшига номуносиб бир жилмайиш билан бошини тебратиб, сал олдироғига сурилиб

оёқ-қўлини ҳаракатга келтириб қўйди. Ана шундай севиниб кетган дамларида комбинат касаба қўмитасининг раиси ана шундай ҳаракатга тушиб қоларди.

Фазлиддиннинг хаёлидан эса: «Савдода иш катта экан-да, юрган эканмиз-да бизлар ҳам қуруқ папкани кўтари-иб», деган ўй ўтди, ўтдию уккиникига ўхшаш кўккўзлари пирпиради, ёнидаги дўкондорларга ҳасади келди. «Бундан буён Жунайид Акбарович мени аралаштирмай ҳам булар билан турли пуллик ишларни бажариб кетаверади энди», деб ўйлаб, иккинчи бор ҳасади келди, рангпар юзи янада оқариб, баданини муздек тер босди.

Шу маҳал хонага Фақирий, унинг орқасидан Дариҳа иккита қоғоз қутида оромгоҳ учун рўйхатда кўрсатилган анжомларни кўтариб олиб кириб, столнинг устига қўйишди. Дариҳа тезда хонадан чиқиб кетди.

Фақирий Журъат билан кўришгач, ҳам унга, ҳам Мирзоҳидга юзланган бўлиб:

– Бари ўттиз саккиз минг икки юз сўмлик бўлди, – деди.

– Рўйхатдаги ҳаммасини олдингларми, ҳеч нарса эсдан чиққани йўқми? – сўради Фазлиддин, бирин-сирин қоғоз қутиларни кўздан кечира бошлади.

– Фақат плакат билан фахрий ёрлиқлар қолди, – деди Фақирий.

– Мен уни шу икки-уч кунларда опкеб қўяман. Тўғри, ўн икки минг атрофида пуллари қопти, шу плакат ва ёрлиқ билан ўзи тўғри келаркан. Фахрий ёрлиқ нари борса юз эллик сўмлар туради. Ўттиз-ўттиз бешталар берар экан-да!..

– Ана шунчаси етади. Ортиб қолса кейинги сменадагиларга ишлатилади-да, – деб Фазлиддинга қараб олди Жунайид Акбарович, сўнгра Мирзоҳидга сўзланди: – Менми, Фазлиддинми чоршанба-пайшанбаларга келармиз, ўша кунгача мана бу юз минг сўмниям ўтказиб юборамиз.

– Келишдик, – деди Мирзоҳид, – мен пул уларга ўтиши билан ҳалигидай қоп олиб бераман-да, майли сиз биланми, Фазлиддин ака биланми, бозорга тушиб спорт анжомларини харид қилиб чиқамиз, – у шундай дея идора анжомлари учун ҳужжатга муҳр босиб, раиснинг қўлига тутқазди.

– Яхши, – Жунайид Акбарович ҳужжатни кўйлагининг чўнтагига солди, кейин ўрнидан қўзғалди, ўз навбатида жойида туриб унга томон юрган Журъат билан хайрлашаркан: – Ҳали яна кўришамиз-а, анави дам олишга ҳам вақт топинглар, иш ўз йўлига, – дея насиҳат қилган бўлди.

– Сиз учун эшигимиз ҳар доим очиқ, раис бова,– Рашид Нўъмоновиччасига мижозининг кўнглини кўтарган бўлди Журъат, ортидан қўшиб қўйди: – У гапни шунчаки бир айтдик-да!..

Жунайид Акбаровичга унинг «раис бова» дейиши мойдек ёқди, аммо бу сўз дўкондорлардан ҳам бурун илм аҳлига хос бўлганини фикр қилиб, «Ўшаларнинг битта-яримтасидан ўргангандир-да, кўринишидан бало йигитга ўхшайди», деб ичида ўзига сўзланиб қўйди-да, унга муштоқлик билан қараб турган Фазлиддинга: «Кўтаринг», деб буйруқ бериб, ўзи биринчи бўлиб хонадан чиқди.

Фазлиддин бир қоғоз қутини, Фақирий иккинчисини кўтариб унга эргашдилар. Мирзоҳид ҳам уларни кузатиб ташқарига йўналди. Журъат эшикка яқинлашди-да:

– Майсара, мени ҳеч ким сўрамадими? – деб сўради, провизордан «йўқ» деган жавобни олгач: – Битта чой қўйиб юборинг, – деди-да, қайтиб хонага кириб, тўрдаги ёзув столининг ўнг ёнига ўтиб, кичик кўзгули телевизорини қўйишга киришди.

Ташқарида Жунайид Акбарович қаҳваранг «Жигули»сининг юкхонасини очди. Аввал Фақирий, ундан сўнг Фазлиддин қоғоз қутиларни юкхонага жойладилар. Фазлиддин улардан биридан олти хил рангда ёзадиган японларнинг шарикли ручкасини олиб кафтига ёзиб кўрган бўлди-да:

– Мана бу жуда антиқа ручка экан, Жунайид ака, ишлатиб юрарсиз, – деб раснинг кўйлагини кўкрак киссасига солиб, қистириб қўйди.

Унинг ушбу хатти-ҳаракатидан Фақирий ўнғайсизланди. Дафъатан яна қаёқдандир хотирасига Мефистофелнинг Тангрига айтган сўзлари ёдига тушди: «Кўрарсан, сен шунча ишонган одам, Тупроққа қоришиб бўлади барбод!..» Унга гўё Фазлиддин худди Иблис ўшанда айтганидай мазкур хатти-ҳаракати билан тупроққа қоришиб кетгандай бўлди гўё! «Бечора домла, унга яхши кўриниш учун шу ишни қилди-да! Ҳа, зиёлининг шўри қурсин: ҳали унга мулозамат қилиши керак, ҳали бунга!», деди ичида, ортидан эса бу нарсалар болалар учун эканини, оромгоҳ учун харид қилинганини эслаб: «Шу ишни қилмасаям бўларди-да, болаларнинг насибасига шерик қиляпти. Бу одамларнинг шунча юлганиям етарди», деб мулоҳазаланаркан, яна Иблиснинг юқоридаги мисралардан кейинги: «Бамисли менинг суюкли холам – Илондек судралиб кечиргай ҳаёт...», деганларини хотирлади, хотирлаши ҳамоно Фазлиддин учун ўзи уялиб кетганидан, ўзини ноқулай ҳис этиб, бадани сесканиб кетаёзди.

Мирзоҳид улар билан хайрлашди. Улар машинага ўтириб кетганларидан сўнг Фазлиддиннинг бояги қилиғини у ҳам кўриб турган экан, Фақирийга юзланиб:

– Фазлиддин акани кўрдингизми, каттасининг чўнтагига ручканинг хўрозини солиб қўйди, сизам бизнинг чўнтакка ул-бул солиб қўйишни ўрганинг, – деб насиҳат қилди-да, атайлаб Фақирийга тегизиб: – Ҳа, шўринг қурсин, зиёли халқи синди, – деди, шу гапни гапириб яна бир Фақирийга таъсир этишини кузатган бўлди-да, сўнгра ичкарига кириб кетди.

Фақирийга унинг сўзлари қаттиқ тегди. Аммо тезда унутиб юборишга тиришди. «Зоҳиддан ранжишнинг ўрни эмас, Зоҳиддан бошқа нарсани кутиб ҳам бўлмайди. Ўзингни қўлга ол, Абдурауф», деди, ортидан кўнглидан: «Сен, бари бир, бундай дейиш уят эканини, одамнинг дилига озор етказадиган, унинг нафсониятини оёқости қиладиган гап гапириш инсофдан эмаслигини тушунтиришинг, инсоннинг кўнгли бамисоли шишадайин ёинки бўлмаса ёниб турган шамдай эканини билдиришинг, бу каби номақбул сўзлари уни синдириб ё бўлмаса ўчириб қўйиши мумкин эканини у кабиларга айтишинг, керак бўлса қозоқнинг тўққиз пулидек тушунтиришинг керак! Ҳа, деб қўл силтаб ё бўлмаса «бундан бошқа нарсани кутиб бўлмайди», дейиш билан иш битмайди», деган турфа ўйлар ўтиб, мазкур ўйлар унинг қадди бир бахя кўтарилишига ёрдам берди. Ана шу нурли ўйлар таъсирида у ҳам дорихонага кириб, ёрдамчи эшик орқали бўлимига ўтди.

51

Катта тезликда келаётган машина дўкон ёнида «ғиқ» этиб тормоз берди, кейин нимадир тарақлаб кетди. Телевизор рўпарасида ўтирган Журъат «менинг машинамга келиб урилмадими ишқилиб?», деган қўрқувда сапчиб ўрнидан туриб кетди. Дераза пардасини суриб ташқарига қаради. Шунда унинг «Жигули»сидан уч-тўрт метр берида ДАНга тегишли бўлган «Даган» тўхтаганини, ундан узун тасмали чарм сумкаси ва қизил-оқ таёқчасини кўтариб милиция формасидаги Мансур тушиб келаётганини кўрди. Мансурнинг ортидан унга ўхшаган формадаги ҳайдовчи ҳам тушиб, Журъатнинг машинаси тўхтаган ерга довур думалаб борган ғилдирак қалпоғини чопиб бориб кўтарди-да, қайтиб келиб энгашиб, мушти билан уриб жойига қўндирди. Мансурнинг қистовга олиб ичкарига кирайлик дейишига қарамай машинасига ўтирди-да, уни ўт олдириб, ғизиллатиб ҳайдаб, кўздан ғойиб бўлди. «Бекорга қарамаган эканман! Ўзиям машинамга бориб тегишига озгина қолган экан! Бу ўпкаси йўқларга кўчада хў-ўп ҳуқуқни бериб қўйибди-да! Истаган жойида тормоз беради, истаган жойида тезликни оширади! Кўнглига сиққан номаъқулчиликларни қиладилар-да, ишқилиб!», деб ўйлаб турган эди, хона эшиги тарақлаб очилиб, ичкарига аммаваччаси Мансур кириб келди. У таёқчаси ва сумкасини чап қўлига ушлаб олганди.

– Сенларга шаҳар бедарвоза-да, а Мансур? – ҳазиллашган бўлиб у билан қучоқлашиб сўрашди Журъат, кейин «нега ундай деяпсиз?» қабилида

ўсиб кетган соқолини қашиб қўйиб, унга ҳайрон бўлиб тикилаётган Мансурга бу гапини айтиши боисини тушунтирди: – Шеригингни тормоз беришини айтаман-да! Бекатга яқин ердаям шунақа катта тезликда келиб тормоз берадими? Анави қалпоғи учиб кетганига менинг машинамга келиб урилдими деб ўтакам ёрилаёзди-да!..

Мансур марҳум тоғасининг ўғли нега юқоридаги гапни айтаётганининг боисини тушунгандай тарзда:

– Ҳа-а, шунинг учун айтяпсизми? – деб кулиб қўйди, бу кулгисининг тагида «машинангга тегиб у ер-бу ери пачоқ бўлишидан чўчибсан-да! Яхши биламан сен худбинни!» деган бир яширин мазмун ҳам акс этгандики, буни Журъат англаб етмади, буни Мансурнинг ёлғиз ўзигина билди, холос, ичидаги сирини сиртига чиқармади.

Журъат уни ўтиришга таклиф этиб, ўзи эшикни очиб дорихонага мўралади-да, пештахталар ойнасини дока билан артаётган Зубайдага мурожаат этиб;

– Сайрам қани? Битта чой қўйворсин! – деб буюрди, қайтиб кириб эшик ёнидаги оромкурсига – Мансурга тўғрима-тўғри ўтирди.

Мансур Журъатдан икки-уч ёшлар кичик бўлиб, бўйга ундан пастроқ, аммо гавдаси ҳам, суяги ҳам йўғонроқ, қоратўридан келган, тиканакдайин қора сочларини орқасига тараб олган, ингичка ва қалин оралиғидаги қора қошлари бир-бирига туташ, қирғизқовоқ, қисиқроқ қўнғир кўзларининг чапи ўнги томон хиёл сурилган – ғилайроқ эканини кўплар илғамаса ҳам, синчков одам ёхуд унга диққат билан қараганлар дарров сезиб олиши мумкин бўлган, учбур-

чакка яқин юзи серсоқол иягига қадар торайиб борган, феълн тезда ўзгарувчан бир йигит эди. Баъзида самимийдек туйилган ана шу андеккина нуқсонли юзи ҳам жуда тез ўзгариб, унда носамимийлик, такаббурлик аломати қалқиб чиқиб келардики, буни ўзи ҳам сезмас, табиийки, ана шу ҳолатига бошқалар аҳамиятини қаратиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас, хулласи калом, Мансур даврига, ёшига, касбига муносиб бир феълли кас эдики, ана шу феълн туфайлими ёхуд бўлак сабабдан ДАН хизматида етти-саккиз йилдан буён ишласа-да, устига-устак, олий маълумоти бўлса-да, лейтенатдан юқорига кўтарилолмаган, шаҳарнинг гавжум кўчаларида эмас, хилватроқ, четроқ йўлларида автонозирлик қилар, ана шу кўтарилолмагани учун ҳам, бошлиқлари назаридан четроқда юргани учун ҳам баъзида ичдан қаттиқ сиқилиб ҳам қўяр, ана шу пайтларда шериклари ё кўпда Журъатнинг олдига келиб дардини унга очар, шу баҳонада у билан «яримта»ни майдалаб аламидан тарқаб оларди.

– Ҳа, Мансур, исмендан қайтяпсанми дейман? – унинг ўсиб кетган соқолига, ичига кириб, киртайиб кетган кўзларига диққатини қаратди Журъат. Ундан «биласиз-ку», деган жавобни олгач эса: – Уйдагилар яхшими, укаларинг, ҳув бирда Рашид поччам кеп кетувдилар. Ўтирдилар, ўтирдилар, бир нарса демоқчи бўлдилар, нима учундир айтмай кетдилар. Аммо нима демоқчи бўлганларини тушундим, – деб кулди Журъат. – Айтмай кетган дардлари ҳойнаҳой хотин олиш бўлса кераг-а, тўғрими?..

Шу пайт хонага Зубайда кирди-да, столчадаги пахта гулли чойнакни олиб чиқиб кетди. Кўп

ҳам ўтмай унга чой дамлаб қайтариб олиб келди, кейин пиёлаларни Журъатнинг курсиси ёнидаги қўл ювиш жойида чайиб келиб курсича устига қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди. Шунгача Мансур чурқ этмай ўтирди. Қиз чиқиб кетганидан сўнггина у қолдириб кетган чойни қуйиб узатган Журъатнинг қўлидан пиёлани оларкан, дилидаги гапини унга айтди:

– Энди, Журъат ака, дадамниям тушуниш керак. Ойим шунча касал бўлиб ётдилар, бирорта одам у кишига гаршўк тутгани йўқ, шу дадам бечора кечаю кундуз тепаларида ўтириб қараб чиқдилар. Келинлар у ёқда турсин, ҳатто биз – болалариям қараёлмадик. У ёқда Эҳсон тоғаларимми ё бўлмаса Васила холаларим нима дейишса деяверишсин-ку, аммо мен дадамнинг истагини юз фоиз қўллайман.

Мансур Васила холаси ва Эҳсон тоғасининг номини тилга олиши ҳамоно Журъат ижирғаниб кетди. Ўрнидан қўзғалди-да, ёзув столи устига ташлаб қўйгани сигаретидан бир дона олиб келиб, уни ўт олдириб, чекишга киришар экан:

– Нима, улар бир нима дедими? – деб сўради, бошини хийла юқори кўтариб, сўл тарафга оғдирган кўйи унинг жавобини кутгандай синовчан қаради.

– Дадамни биласиз-ку, содда одам, Мастон бувимни кўргани борганларида шу нарсанинг учини чиқарибдилар-да!

– Нима дебдилар?

– Бир-иккита одамлар бундай юрманг, бошингизни иккита қилиб олинг, эркак одамга осон эмас бўйдоқ юриш, деган экан-да! Келиб-келиб дадам шўрлик бу гапни ойимнинг яқинларини олдида айтадими-я?!

– Тўғри айтибдилар. Менам у кишига шу мазмунда гап қилувдим. «Почча, битта-иккита дори топшириб юрадиган аёллар бор, гаплашиб берайми?!», девдим, индамайдилар-ку, аммо нуқул ерга қараб куладилар-да! Бу дегани уйлангилари келаётганидир-да, ахир!..

– Эркак одамнинг ёлғиз яшаши ёмон экан, Журъат ака, бир кун уйга борсам ойимнинг суратларига қараб йиғлаб ўтирибдилар-да! – деди Мансур, шу дамда у чин дилдан отасига ачинди, шу сабабдан юзида ҳам ана шу ифода қалқди. Унинг ҳозирги гаплари юракдан айтилаётганини, унда Мансурда учраб турувчи айёрликдан, писмиқликдан асар йўқлигини сезган Журъат ҳам:

– Ҳа, поччам бутун меҳнатда, устачиликда ишламайдиларми, ҳали бақувватлар, сан билан мандан қолишмайдилар! У одамни уйлантириб қўйиш керак! – деб унга ачингандай ва поччасининг «хотин оламан» дейишига ҳаваси келиб кетди Журъатнинг.

– Менам айтдим. «Кўз остига олганингиз борми?» деб сўрадим. «Бор бўлса айтинг», дедим...

– Тўғри қипсан. Менданам сўрадилар. «Айтаётганларингиз ўзбекми?», деб сўрадилар. Афсус улар ноғой аёллар эди-да!..

– Э-э, нималар деяпсиз, нўғойлар бўлса дадамнинг силласини қуритиб қўяди. Нўғойни биласиз-а, анави нарсага ўч бўлади, – ярим жиддий, ярим ҳазил тарзда сўзлади Мансур.

Журъат унинг сўзлаш тарзидан, сўзларидан шарақлаб кулди-да:

– Ҳа, сенам биларкансан-а, ёмонса-ан, – деди.

– Менга мўмин-мусулмонроғи, ёшиям эллик-лар атрофидагиси бўлса тузук эди, деган бир гапни қилдилар-да!

– Ёшроғи бўлмасаканми? – кулди Журъат.

Мансур у майнабозчилик қилаётганини сезгани учун ҳам:

– Биласиз-ку энди, Журъат ака, ҳаёт фақат ўша нарсадан иборат эмас-ку! Бу кишининг ётиш-туришлари бор, кир-чирлари, касал бўп қолишлари... Укаларимнинг хотинларига бари бир ич кийимларини, майка-иштонларини бермайдилар, биламан-ку уларнинг одатларини, номус қиладилар!..

– Ўзлари топганлари бораканми ўзи? Ўша куни шу нарсани айтишни ҳеч истамадилар, шунга сўраяпман-да?!

– Қўшнимиз бор, Сайфиддин ҳожи деган, шу одам бир қариндошини топган экан, шу маъқул тушган-ов!

– Шунинг учун маслаҳат сўрагани борган бўлсалар керак-да бувимнинг олдиларига? – сўради Журъат, Мансур нима деб жавоб беришини кузатди.

Мансур тоғалари билан ҳам, Васила холаси билан ҳам Журъатнинг алоқалари яхши эмаслигини билар, унинг қўлида пули, дўкони, фирмаси борлиги учун ҳам, қолаверса, Журъатнинг дорихонаси қошида анчадан бери хотини Маржон учун ана шу дорихонанинг шохобчасини очиб бериш ниятида жой ахтариб юрган бўлгани учун ҳам мумкин қадар унинг таъбига, раъйига мувофиқ жавоб қилишга интилиб:

– Аввалambор бувимни кўриш учун борганлар. Кейин гапдан-гап чиқиб ана шу мақсадлариниям айтиб қўйибдилар-да..

Мансурнинг бу гапи Журъатни пича ўйлантириб қўйди. Сўнгра у бир нарсани илғагандай қизиқиш билан сўради:

– Олдиларида ким бор экан?!

– Ҳаммалари ўша ерда эканлар.

– Демак, Васила аммам ҳам бор экан-да!..

– Энг ёмон гапни ўша қилибди-да!

– Нима деб?

Мансур у ҳадеб сўроқлайверишидан, гапини охиригача эшитмай бўлаверишидан ижирғанса-да, бу ҳолатини ташқи белгиларда ошкор этмади, «Бировларга прокуратурада ишлаяпман деб ёлғон гапириб ўзини хурсанд қилиб юрсаям ўшанинг ўқишини тугатган-да ишқилиб! Ўзини терговчи ҳис этиб ҳадеганда савол беришини қўймаяпти!», деган ўйда, ўз навбатида ичдан унинг устидан кулган бўлди-да:

– «Шундоқ опам ўлиб турсин-да, кап-катта бошингиз билан унинг йили ўтмасдан, уялмасдан «уйланаман» деб келасизми касал ётган ойимнинг олдига, почча?!» – деб чаёндай чақиб олганмиш, яна бошқа кўп гапларни вайсаганмиш-да!..

– Ўзи аммамларнинг ўлганларига қанча бўлди?

– Ўнинчи ой кетди.

– Нима бўпти, бир йилга яқинлашиб қопти-ку, баъзи бировлар хотини ўлиши билан уйланиб олишади-ку! Тағинам поччам шунча чидабдилар-да!..

– Дадам ҳам шуни айтибдилар. «Хатчанинг йилини ўтказамиз, иннайкейин бу воқеа бўлади», дебдилар...

– Аммам ҳам қўймагандир! Биласан-а? Ўғлининг орасига тушиб балога қолиб кетганман-а?! – аммасининг ўғли билан бўлган ўша воқеани эслаб янада ғижиниб кетди Журъат, сўнг эса ҳовурини пасайтириш учун сигарет чекишга киришди – босиб-босиб ичига тортиб қўйди!

– Ҳа, айтиб берувдингиз, – унга ён босгандай овозда сўзини бўлиб маълум қилди Мансур. –

Анави, пулини терговчига бериб, кейин қайтиб сўраганинимми?!

– Кечирасан-ку, онамни кўрсатди-да бу холанг! Роса шарманда қилди оғайниларнинг олдида! «Пулингизни қайтариб бераман, сабр қилиб туринг!», десаям қутулмайди-да! Бунақа экан, нега менинг олдимга кўзининг ёшини оқизиб келади?!

– Буни тўғри айтдингиз, бу ишни қилиши керак эмасди! Сизни ёмон уялтирибдилар-да!

– Мана шу холангни деб ўша оғайнимнинг юзига қаролмай қолдим-да! Буни энди қўявер, хўп майли, бўлар иш бўлди, ўтган йили маъракасига айтибди. Гулчеҳра, албатта, бораркансиз, деди. Суҳбатларни олиб бордим энди. Нима қилди дегин?.. Улар билан сўрашди-да, менга димоқ қилиб сўрашмади-я! Ўз укаларимнинг олдида ерга кириб кетгудай бўлдим! Нима қилишимни билмайман! Кетиб қолай десам, биласан, ноқулай, иккинчи томондан, Суҳбат билан Суръатларни ўзим бошлаб оборганман. Биласан, Суҳбат мен билан сал бошқачароқ муносабатдалигини, анави Эркабой тоғангнинг таъсирида юради-а?.. Ана шуларнинг олдида атайлаб мени уялтирса-да! Ўз уйига чақириб олиб ҳамманинг ўртасида шу ишни қилса-да!

– Эҳсон тоғам ҳам хурсанд бўлгандир? – гапни Васила холасидан узоқлаштирмоқчи, шу баҳонада катта тоғаси билан Журъатнинг алоқаларини билиб олмоқчи бўлди Мансур.

– Энди уни қўявер. У дадам раҳматли ўлгандан кейин ҳовлини иккига бўлди-ку, ўшанда шу ишни қилганига сўкканимдан бери мени кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Буни билмайди деб ўйлайди. Мен ернинг тагида илон қимирла-

са биларман. Мени нафақат сенлардан ё бошқа қариндошлардан, ўз укаларимдан узоқлаштирмоқчи бўлди-ку бу тоғанг! Йўқ, нотўғри гапингиз дегин-чи?! «Гап-гаштак»лар ташкил қилиб, ўзи ҳаммангнинг жўрабошинг бўлиб олиб, «Орамизга Журъатни яқинлаштирмаймиз», деганларигача биламан! Ҳеч нарсани эшитмайди, деб ўйлайди, шекилли? Яхши, пулим бор, ошна-оғайнилар бор! Юрт ўртасида, кўча-кўйда обрўйим бор, бўлмаса булар мени янчиб ташларди!.. Мен уларга янчилиб қўйиладиганлардан эмасман, Мансурр! – деб «р»га алоҳида урғу бериб тишларини ғижирлатди Журъат, у бу билан гўё: «Сен менинг томонимда бўл, тоғаларингнинг чиройли гапларига учма, уларни қўй!», деган бўлди. – Мени Журъат дейдилар-а!..

Мансур у асабийлашаётгани боис қайсарлашиб кетаётганини, қайсарлашгани сайин ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан ичидаги сирларини ошкор этаётганини сезса-да, унга бир оғиз сўз демади, зеро, у узоқ йили ана шундай бир ҳолатда, ичиб олиб, унча-бунча одамларга бўйин эгмайдиган, жисмонан ундан ҳам бақувват бўлган укаси Суҳбат ва ҳамиша уни Журъатдан афзал билиб, ака-укалар орасига адоват, нифоқ уруғини сочиб юрувчи Эркабой тоғаси иккови билан муштлашиб кетган ва ҳар икковини енгиб, ўз уйидан уларни шармандаларча қувиб чиқарган эдики, бу воқеа қариндош-уруғлар орасида ҳалигача муҳокама қилинар, шу сабабдан ҳам Мансурдан бошқалар унга ўйлашиб яқинлашишар, буни Журъатнинг ўзи ҳам жуда яхши билар эди.

– Васила холамни дўконгаям ўзи сиз опкириб қўйгансиз, шекилли? – гапни чалғитмоққа тутин-

ди Мансур, айни пайтда алоқалари бузилган деб эшитгани илгариги «опахони» Сокина хоним билан ҳозирдаги муносабатларини билмоқчи бўлди.

– Э-э, ўша ердаям «ҳунар» кўрсатган бу суюкли холанг, Мансур! – афсус-надомат чеккан оҳангда маълум қилди Журъат, сўнг эса «ҳе, қўй уни!» дегандай мазмунда қўл силтади. – Ўзим аҳмоқ одамман! Ҳеч кимга яхшилик қилиш керакмас экан! Ўзимники-ку, эрининг аҳволи мана бундай, би-ир пиёниста бўлса, кел, шуям хурсанд бўлсин, ҳеч бўлмаса дуо қилиб юрар, деб Сокина хоним ишга олмайман деган жойида олишга мажбур қилдиргандим-а! Охири номимни бутун дўконга ёмонотлиқ қилди... Билмайман, менинг опа билан алоқаларим узилиб кетганидан сўнг у билан оғиз-бурун ўпишиб юради, деб эшитаман!..

Мансур бу гапни унга бир пайтлар Журъатнинг илтимосига биноан уйида яшагани Мадина опа айтган бўлса керак деган мулоҳазага боргани учун ҳам, иккинчи томондан, юқоридаги мавзудан узоқлаштириш мақсадида:

– Мадина опани кўриб турасизми? – деб сўради.

Журъат у Мадина опани эслатганидан дарров бошқача ҳолатга тушди-да:

– Ҳа, бу дейман уникида турган дамларингни соғиндингми дейман-да, а?! Худонинг берган куни келиб, жуда жонимга тегиб кетди-да опанг! – деди.

– Нега?

– Нега бўларди? Бир у ёқ-бу ёқларни айлантиринг дейди-да! Аёлларнинг дардини биласан-ку!

– Убайдулла ака бор-ку?!

– Аканг уни ташлаб кетганмиш-да!

– Нега ахир?!

– Қисирсан, туғиб бермайсан, деганмиш!..

– Жуда аҳил эди-ку, эр-хотин иккови...

– Буни ҳаёт деб қўйибди, – истеҳзоланди Журъат, кейин Мадина опанинг муддаосини тушунтирган бўлди. – Ҳеч мени тинч қўймаяпти-да!

– Нима деб? – тушунмади Мансур.

Журъат унинг ғалчалигига тағин истеҳзоли жилмайди-да:

– Мадина опага ўхшаган аёллар сен билан мендан нима истарди? Ҳечам менга тинчлик бермаяпти, деяпман-ку!..

– Қўйинг, ҳазиллашманг, – кулди Мансур, сўнг эса мавзуни бўлак тарафга бурмоққа тутинганди, Журъат йўл қўймади, бир нарса эсига тушгандай хахолаб куларкан:

– Ё Рашид поччамга гаплашиб берамизми? Эри уни қисир деб қўйиб юборгани нотўғри чиқиб, зора, сенга «ука» туғиб берса, – яна беҳаёлик билан ҳиринглади Журъат, кейин унга қўшилишиб зўрма-зўраки кулаётган Мансурга қараб: – Ҳа, сен опани билмайсан, «Бир кун келадики, ундан аламимни оламан. Бетига сутимни соғиб юбораман, ўшанда билади ким қисир эканини!», дейди...

Мансур Мадина опа ҳеч ким кутмаган ишларни қилиши мумкинлигини билгани учун ҳам ҳайратини яширолмади, туйқус шарақлаб кулиб юборди-да:

– Бундай ишлар бошқалардан келмаслиги мумкин, аммо Мадина опанинг қўлидан жуда келади-да! Ҳа, ҳа, ундан кутиш мумкин бунақа антиқа ишларни! Ўзи кейинги пайтларда сал ғалатироқ бўп қолганми дейман-да! Аёллар бу ёшда би-ир касалларга чалинади дейишади-ку?! – дея билағонлик қилди.

– Шунинг учун айтяпман-да, кел, Рашид поччамга тўғрилаб юбора қолайлик, деб... – яна ҳиқиллаб кулди Журъат. – Мен ўзимдан чўчияпман-да: ана шу вазифани... опа назарда тутаётган тирноқчанинг отаси бўп қолиш менинг чекимга тушиб қолмаса гўрга эди деб... Шундан жуда-жуда чўчияпман-да!

Мансур улар чегарадан чиқиб кетишганини, айниқса, бу соҳада Журъат анча ўзига эрк бериб юборганини сезгани учун ҳам ушбу суҳбатни бўлак томонга буриб, бошидаги мавзуни давом эттириш мақсадида яна гапни бувиси Мастон кампирга олиб бориб тақаб:

– Энг қизиғи, Мастон бувим дадамнинг ёнлари бўптилар-да! «Мен сизни тушунаман, Рашидхон, – дебдилар, – қизимга шунча қарадингиз, бирортамиз сизчалик унга меҳрибонлик қилганимиз йўқ, бирортамиз лоақал бир кеча тепасида ўтириб ақалли оғзига сув томизганимиз йўқ, шунинг учун сизни айблашимизнинг ҳам ҳеч ўрни йўқ-да! Қайтага бирорта инсоф-диёнатли аёлга уйлансангиз Хатчанинг руҳини шод этган бўласиз», дебдилар. Дадам ўша ерда ҳўнг-ҳўнг йиғлаб юборибдилар-да!

– Буни тўғри айтдинг, буларнинг биттасиям бувимга ўхшамайди! – деди жиддий қиёфага кириб Журъат. – Фақат раҳматли дадам билан раҳматли сенинг ойинггина бувимга ўхшашарди! Булар билмадим кимга тортишган?!

Шу маҳал хонага Фақирий кириб қолди. У милиция кийимида ўтирган Мансурни танимагани учун у билан сўрашиб, энди қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, Журъат уни тўхтатди-да:

– Ҳа, қаёққа чиқиб кетяпсиз, Фақирий? – деб сўради.

– Сизларнинг суҳбатингизга халал бердимми деб ўйладим-да, – довдираб, ноқулай аҳволга тушиб хижолатланди Фақирий. – Узр, бемаврид кирдим, шекилли?

– Узр сўраманг, бемврид эмас, жуда мавридида кирдингиз-да, – деди Журъат. – Ҳа, анави нўғой келдими? Унинг иш вақтида бошқа ерга бориб келиши кўпайиб қолди-я?!

– Онасининг уйига ижарачи қўйиши керак экан-да! Шунга уй бозорига бориб келди, – деди Фақирий. – Майли, ҳечқиси йўқ, мен борман-ку!

– Уй бозорига якшанба куни боради-да! Бугун у ерда одам бўларканми?

– Қайдам, бир аёл билан келишиб қўювдик, деди-да!

– Айтинг, иккинчи бу ишни қилмасин, – деди Журъат. – Битта-яримта келиб қолиши бор, касса ёқилган, сиз сотувчи эмассиз, нега булар шу томонини ўйламайди-я!.. – жиғибийрон бўлди Журъат, ортидан Мансурни назарда тутиб: – Танишиб қўйинг, бу ҳув қабристонга борган эдикку, дадамларнинг ёнларига кўмилган Хатча аммам девдим, шуларнинг ўғлилари Мансур бўлади, – деди.

– Ҳа-а, шундайми? – юзи сал ёришди Фақирийнинг, тағин узр сўраган бўлиб, Мансур билан қайтадан сўрашди.

– Булар Фақирий бўладилар, фақирпарвар-а, халқпарвар шоирлардан. Иннайкейин, мустақиллик учун курашганлардан. Озодликни бизга олиб бериш учун сенга ўхшаган милисаларни қўлида калтакланганлардан-да, кў-ўп жабрланганлар, – илҳомланиб кетиб уни кўкларга кўтарди Журъат.

– Қўйинг-э, Журъатжон, – дея хижолот бўлди Фақирий, – гапни узоқ чўзилишини истамай.

– Ана шунақа одам билан танишдинг, ана шунақа одамни ишга олдим, – мағрурланди Журъат. – Қайси мавзудан сўз очсанг, ҳаммасига жавоб олаверасан бу кишидан.

– Фидойи, шоир одам охир-оқибат дўконга келадими? – ажабланди, ажабланиш баробарида Фақирийни камситмоқчи бўлди Мансур.

– Нима, дўконнинг бирор идорадан кам жойи борми? Бу ерга шоҳ ҳам келади, гадоям!.. – қизишди Журъат.

Мансур бемаврид гап қилиб қўйганини, дўконни камситиб Журъатни ерга ургандай бўлганини ҳис этди, ҳис этдию тилини тишлади, чурқ этолмади. Унга сайин Журъатнинг жони чиқди.

– Бу ерни пирхона деб қўйибди, укам, – деб ўз навбатида Мансурни мазах қилган бўлди, у нафсониятига тегиб қўйгани учун Фақирий ундан анча баланд туришини кўрсатиш мақсади-да: – Бу одам эҳтимол бу ердан бир олам хазина олиб кетар, сен қаердан биласан, бутун ҳаёти давомида тополмаган бойликни шу ердан топиб кетар. Шунинг учун бу нарсани ўйлаб гапириш керак. Шу, баъзан, ўқиб-уқмаганлигингга борасан-да, укам, – деб уни чақиб олди, кейин кенг елкасига урди, кутилмаганда қўли унинг погонида эканини, неча йилдан бери аммаваччаси унвонини оширолмаётганини, ана шу сабабдан сиқилиб юрганини ҳам идрок этди, унга мурувват кўрсатиш, шу баҳонада янаям унинг тилини қисиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мансурнинг кўзи янада ғилайланди. Нима дейишини билмай:

– Эй, эй, – деб қолди.

– Эйлама укам, – авжига олди Журъат. – Тўғри гапни гапирдингиз дегин, – деди, сўнг эса Фақирий уни бир пайт Давронбекнинг олдига олиб борганини эслаб, у ҳам бу ердан қўним топсада, анойи одамлардан эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгани учун ҳам унга мурожаат этиб, сўради: – Ҳа, дарвоқе, ака, сизам юрт орасида юрганлардансиз. Мабодо ДАНда ишлайдиган оғайнилардан йўқмиди?..

Фақирий уни тушунмаганини сездириш мазмунида бошини чайқатиб қўйган эди, Журъат англаётган бўлиб:

– ДАННинг катталаридан оғайнилар йўқми, дейман-да?! – деб сўради.

– Нима эди? – жавоб қилди Фақирий.

– Мана шу жиянни, энди жиян бўласан-да, а, Мансур? – кулди Журъат, кейин нима десангиз шу қабилида унга термулиб ўтирган Мансурнинг погонини назарда тутиб деди: – Мана шу жиянниng погонини кўряпсиз-а? Шу олий маълумотли бўлишига қарамай, саккиз йилдан бери ДАНда ҳалол ишлашига қарамай, ҳалиям лейтенант бўлиб юрибди. Шунга икковимиз бир бўлиб ҳеч бўлмаса катта лейтенантликни олиб беришимиз керак-да, Фақирий ака!..

Фақирий Журъатдай калондимоғ, ҳозиргина баланддан келиб турган одам бирдан унга ўтингандай бўлаётганига таажжубланди. Айни дамда бир пайт ўзи билан институтда бирга ўқиган, кейинчалик соҳасини ўзгартириб, амалдор акаларининг кўмагида ана шу соҳага ўтиб кетиб, кейинчалик майор унвонини олган, ойнаи жаҳонда унда-бунда кўриниб қолиб, автомобил

назоратига оид кўрсатувларни олиб борадиган Фурқат Шайхов эсига тушиб қувониб кетди:

– Ҳа, ҳа, эсимга тушди. Бир дўстим, тўғрироғи курсдошим бор эди. Янглишмасам, Ички Ишлар Бошқармасининг ДАН хизматида ишлайди, аммо шаҳардами, вилоятдами шуни билмайман-да, – деди.

Журъат ундан шуни кутиб тургандай бир қиёфада:

– Барака топинг, шу оғайнингизга айтинг, шу Мансурнинг ишини бир ёқлик қилиб берсин, бу «болада», – у бу сўзга алоҳида урғу берди, буни Мансур сезди-ю, аммо Фақирий аҳамиятини қаратмади, – бу болада қолиб кетмайди, тўғрими Мансур? – деб ундан сўради.

Бошқа одам бўлса Журъатнинг шунча таънасидан сўнг ерга кириб кетарди, аммо Мансур кирмади, ундан бўлак сўз кутгандай бўлиб, иккинчи томондан, Фурқат Шайховни эшитган бўлгани учун севиниб кетиб:

– Гап бўлиши мумкин эмас, битта ош мендан бўларди. Иннайкейин, Фурқат аканинг ўзлариям олиб келардик шу ўтиришга, – деди.

Фақирий кулди.

– Ошнинг кераги йўқ-ку, аммо шу одамнинг қўлидан келадими сизга катта лейтенантликни олиб бериш? – деб сўради Мансурдан.

– Мен у кишини эшитганман. Ҳозир полковник бўлган бўлсалар керак. Бошқармада ишлайдилар, шекилли?!

– Сиз аввал билинг. Қаерда ишлашини суриштириб, аниғини билинг. Идораси қаердалигиниям аниқланг, кейин олдига бирга борамиз.

– Сиз ўзи у киши билан яхшимисиз? – ишонқирамади Мансур.

– Бирга ўқиганмиз деяпман-ку! Олти йил ёнма-ён ўтирганмиз. Қўштутлик йигит. Илгари телевидениедаям ишлаган – режиссёр ёрдамчиси бўлибми-ей! Акаларининг қистови билан сизларнинг соҳангларга ўтиб кетиб эди-да!..

– Фурқат аканинг обрўси яхши бошқармада, дейишарди болалар, – хурсанд бўлиб кетиб дараклади Мансур. – Аммо, Бош бошқармага ўтиб кетмаганмикинлар ишқилиб? Ана шундан бехабарман-да!

– Шу томонлариниям билинг-да аввал!..

Журъат ҳам аммаваччасига ёрдами тегиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, севиниб:

– Бош бошқармага ўтиб кетган бўлса унданам яхши-да! Демак, қўли ҳар қаёққа етаркан! – дея дарров хулоса чиқара қолди.

– Шу йигитни ўз укангдек кўр, менгаям укадай бўладилар, дейман-да!

– Жияним десангизам бўлаверади. Ким билиб ўтирибди, – деди Журъат. – Кейин бир кунни тайин қилсанг, менинг машинамда ўтиб келамиз, тўғрими Фақирий?

– Иш куниниям, иложи бўлса телефониниям билиб келинг, – деди Фақирий, кейин неча йилдан бери ўз соҳасида кўтарилолмай юрган Мансурга ёрдами тегиб қолиши мумкинлигини ўйлаб ичдан хурсанд бўлиб қўйди.

– Бунақа ишлар телефонда битирилмайди, Фақирий. Бунақа ишларни битириш учун идорасига борилади-да, ўша оғайнингизнинг бўғзидан хиппа бўғасиз, тамом-вассалом!..

– Йўқ, бўғзидан хиппа бўғиш қўлимдан келмайди-ку, аммо шу укамга ёрдам берсанг менга яхшилик қилган бўласан, дейишни бўйнимга оламан, – дея чин дилдан сўзлади Фақирий.

Журъат унинг соддалигидан кулган бўлди-да:

– Тағин анави ишга ўхшаб ўтирмасин-а, ака, – деб Фақирийнинг шогирди Давронбек уни Хўжақуловнинг қабулига олиб боришганини назарда тутди.

– Ўзингиз ўша Хўжақулов таклиф қилган ишга кўнмабсиз-ку, Журъатжон, – ўз навбатида ундан норозиланди Фақирий. – Уларнинг илтимосини ерда қолдирмаган экан-ку ўша Хўжақулов! Кейинроқ ўтказаман ўша айтган ишларига, деб ваъда берибди-ку ахир!..

– Ҳаммасини анавиларингиз бузди, – деб Давронбек ва унинг раҳбарини назарда тутди Журъат. – Пул ўртага тикилгандан кейин, менинг қайним эди, илтимос, шуни ишга олинг, деб ўтирилмайди. Шартта мана шундай қил, дейилади. Очиқ гаплашилади.

– Мен йўқ эдим-ку у ерда, – ўзини айбдордай, Журъатнинг ишини битиришолмаганига сабабчидай ҳис этиб, камситилгандай бўлди Фақирий. – Ўзинглар бординглар, гаплашдинглар, менга унақа шарти бўлмайди деб келдингиз...

Унинг сўнгги гапи Журъатга нашъа қилди. У Давронбекларнинг, уларнинг баҳонасида Фақирийнинг устидан кулгандай тарзда:

– Биласизми, нима учун улар бориб илтимос қилишди? Улар пулни ўзлари бўлиб олмоқчи бўлиб илтимос қилишди. Хўжақуловлар аноийлардан эмас, Хўжақуловлар жуда туллак, тулки одамлар-ку! Давронбекларингиз шохида юрса, Хўжақуловлар баргида юриб ўрганганлардан-ку! Анавилар ҳам сизга ўхшаб содда экан Фақирий, Хўжақулов боплаб уларни алдади-да! Йўқ демади, жамоатчилик асосида келиб ишлаб

турсинлар, деди, аммо мен бундай шартга кўнмаслигимни, шу сабабдан ҳам келмаслигимни, уларни лақиллатаётганини сезганимни балодай билди. Уларгаям ёмон гапирмади, менинг ишимниям ҳал қилиб бермади. Бу ерда пул асосий роль ўйнайди-ку, ака, пул!.. Пулни эса улар ўзлари бўлиб олмоқчи эдилар! Бунақа ўйинларни Хўжақуловлар билмайдими?! Ҳа, Фақирий, акагинам-а! Мана сизлар мустақилликка эришдик, шўрони ағдардик деб дўппингларни осмонга отиб юрибсизлар, ўзингларда йўқ хурсандсизлар-а, аммо бу кимга қўл келди, мана шу Хўжақуловларгаю мана бу ёқдаги Равшан Ботировичга ўхшаган ҳоким синфларга қўл келди! Ўз эрки ўз қўлига ўтди, ўзи истаган ишни қилади, ўзи истаган тарзда сиз билан бизни лақиллатишади. Оқибат чўнтакларини ана унақа мен Давронбекка берганим долларларга тўлдиришади. Киссаларидаги ақча билан қаноатланишмайди, шу билан қаноатланишса гўрга эди, невара-чевараларигача етиб-ошадиган меросни йиғишади – бойлик тўплашади! Янги Хўжақуловлар, янги Равшан Ботировичлар сиз билан менинг болаларимизни, невараларимизни эзғилаб, туртиб-суртиб ўтиб кетаверишади. Шунинг учун бу ҳаётни ўзгартирдик деб кўпам суюнаверманглар, Фақирий, ундан ҳам очофатларига, кўзи сира тўймайдиганларига йўл очиб берилди, десангиз тўғрироқ бўларди...

Унинг сўзлари аччиқ эди, аммо тўғри эди, қай томонлари биландир укаси Абдумаликнинг гапларини эслатар, аммо Абдумалик бу сўзларни, бунга ўхшаган фикрларни куйиниб, соддалик билан сўзлар, аммо Журъат эса такаббурланиб, ўзи айтаётгани одамларга – ҳоким синфларга ҳа-

сади келиб ёзғирарди ва худди ана шу томонлари билан укасининг сўзларидан фарқланиб турарди унинг нолишлари, иддаоси. Яна Журъат ана ўша ўзи неча қайталаб тилга олгани Хўжақуловларга, ана ўшаларнинг қаторига қўшилолмаётганидан, улар уни ўз қаторларига қабул қилмаётганларидан, қабул қилишни истамаётганларидан ўкиниб сўзлардики, бу ўкинч маълум қадар Фақирийнинг вужудида Журъатга нисбатан ўзи ҳам тушуниб етмагани ачиниш, айни дамда ундан нафратланиш ҳиссини уйғотганди. Шунинг учун ҳам мавзуга якун ясаш мақсадида:

– Нима десангиз денг-ку, аммо Давронбеклар тўғри болалар. Улар ҳам менга ўхшаган бир ижодкорлар-да, бир бечоралар, – деди.

– Бир бечорала-ар, деганингиз тўғри, – деб бу сўзни чўзиб талаффуз этиш билан бирга унга ўзгача мазмун берган бўлди Журъат, солиқ идорасидаги Азиз ака уни сўратгани, кечга томон бир кириб кетинг, дегани ёдига тушиб: «Бу ойда берилиши керак бўлган тегишига ишора қилган-да, шуни обориб беришим керак эди», деб хаёл қилди-ю, «Ҳали кутиб қолмаса гўрга эди», деб хулосаланиб, мазкур хулосаси таъсирида ичдан шошишга тушгани учун ҳам суҳбатга сўнгги якун ясаган бўлиб: – Мен бир одамга учрашиб келмоқчи эдим, Мансур, сен нима қилмоқчисан? Менда бошқа зарур ишинг йўқмиди? – деди.

– Мен сиз билан бир ўтирамизми, чарчоқ босди қиламизми, деб ўйловдим, – деб чайналди Мансур, шунинг баробарида Журъатнинг типирчилиб қолганидан у ҳам ўнғайсизланди. Фақирийга кўзларини мўлтиратиб қараб: – Мана бу аканиям олиб борардик, – деб қўшиб қўйди.

– Бошқа куни Мансур, – деди Журъат. – Сен анави Фақирий айтган одамни билгин, кейин келиб бизга айтасан, бирга борамиз. Ҳозир мен билан кетсанг юр...

– Мен уйга кетаман бўлмаса, – бу ерга келганига пушаймон егандай оҳангда маълум қилди Мансур, Журъат уни уриб ҳайдагандай бўлди гўё. У ўзини бу ерда ана шундай хўрланганлардай ҳис этди.

– Мени тўғри тушун, бу одамлар айтган вақтига бормасам бўлмайди. Жуда нозиктаъб одамлардан-да!..

– У ерда анча бўласизми? – «қиттак» отиш илинжида сўради Мансур.

– Бир нарса деёлмайман, менга боғлиқ бўлмаган томонлари бор. Уйга кетадиган бўлсанг юр, йўлгача чиқиб оласан, бошқа маҳал бўлганда билардинг-ку, шунинг учун бир нарса дейишим қийин, – деди Журъат, стол устидан сигаретини, жавон пештахтасига қўйган уяли телефонини қўлига олди, «ҳеч нима эсдан чиқмадими», дегандай у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Тушундим. Йўлгача чиқволақолай, кейин бирорта машина тўхтатиб кетарман, – деди Мансур, гилватаранг дивандаги таёқчаси ва эскирган жигарранг сумкасини қўлига олди-да, Фақирий билан хайрлашаркан: – Мен Фурқат ака қаердалигини аниқлаб сизга хабар қиламан, – деди.

– Фақирий, сиз шу ерда бўлиб туринг. Зоҳид келса менга қўнғироқ қилсин, – деди Журъат, бир нарса эсига тушгандай: – Эртага келасиз-а? – деб сўради.

Фақирий унинг бу сўроғидан таажжубланиб:

– Ҳа, одатдагидай, нимайди? – деди.

– Эртага бир жойга бирга бориб келамиз, – дараклади Журъат, хизматчисидан «хўп» жавобини олгач, шошилиб хонадан чиқди.

Мансур яна бир бор Фақирий билан хайрлашди-да, марҳум тоғасининг ўғлига эргашди.

52

Фақирий билан Журъат «Отчопар» бозорига пешиндан ўтганда кириб боришди. Ҳали бозор тарқалмаган, харидорлар ҳам эрталабкидай ёхуд дам олиш кунларидагидай тирбанд бўлмаса ҳам, ҳар қалай, нисбатан гавжум эди.

Улар аввал Ўзбек бозорига йўл олишди. У ердан Журъатнинг онаси учун икки кийимлик крепдежажет, бир кийимлик Ҳиндистон товарини харид қилишди-да, кейин Соҳиба опанинг оёғига туфли ахтариб, у қатордан-бу қаторга ўтиб, савдогарлар ёйиб қўйган молларига андармон бўлиб айланиб юраверишди. Ниҳоят, Ўзбек бозорининг охирги қаторидаги бир метрли жойга ёйиб қўйган оёқ кийимлардан бир жуфтини қўлига олиб, пойма-пой эмасми деб текшириб, энди қутисига солишга шайланаётган, ёши эллик билан олтмишлар оралиғидаги қоратўридан келган, ориққина, қисиқ кўз, дукки пешана, мош-гуруч соч, мош-гуруч соқолли, ўнг юзининг қулоққа яқин ерида қандак туршакка ўхшаш ҳолвайтарранг холи бор бўлган уйғур кишидан атайлаб кекса ёшдаги ўзбек аёллари кийиши учун Туркиядан олиб келинган, яна айланиб урфга кирган, худди амиркон кавуши шаклида ишланган паст пошнали, уч томонида сипогина

сидирға гули бор бўлган, сотувчисининг айтишига кўра бир ўлчам юқори юрувчи локли қора туфлини харид қиларкан, ўртадаги беш юз сўм учун талашиб қолишди.

– Келинг энди, ака, етти мингга берақолинг, – орага тушди Фақирий, шу йўл билан бошлиғига ён босмоқчи бўлди.

Уйғур савдогар унамади:

– Оналарига олаётган эканлар-ку, шу беш юз сўм учун тортишмасинлар. Бизларам қандин-қаёқдан опкелганмиз-а! Йўл азобини биласизлар – гўр азоби дейдилар!..

Унинг юқоридаги гапидан сўнг Фақирий чурқ этмай қолди. Укаси Абдумалик шим сотаётганда бир деҳқон одамнинг худди мана шу уйғурга ўхшаган қисиқ кўзли ўғлига арзонроққа бермагани ёдига тушди. «Фарқи шуки, улар Журъатга ўхшаб бойвачча эмасдилар, камбағал бир одамлар эди, бериб юборса бўларди. Менам хурсанд бўлардим, деҳқон одамам, ўғлиям», деб хулосаланди, ортидан эса ўшандан сўнг касалхонага тушганини, укаларининг иши юришмай орқага кетганини, охир-пировардида мана бундайин молини олиб келган фирманинг иши ишкаллашганини фикр қилиб: «Ҳа, савдогарларга ҳам қийин! Неча тўсиқдан ўтиб мана шу ерга олиб келадилар! Бекорга «йўл азоби – гўр азоби», демаяпти», деб, уни ҳам тушунгандай бўлиб, ейиш-ичишида ҳаловат бўлмай, рўзғорларимизга бир нима бўлар деган илинжда ўзлари тузук киймасалар ҳам, қишин-ёзин елиб-югуриб юрган укаларини, уларга ўхшаган мана шу бетон расталардаги бир метрли жойда – катакда ётган паррандадай шумшайиб тургани сон-саноқсиз

майда савдогарларни ўйлаб, уларнинг ҳавас қилишга арзимас бедор, беўйқу кўзларини, моллари-ни харидорга ўтказиш илинжида худди рўпарасидаги уйғурдай мўлтирашларини, айримларининг саратон иссиғида молини сотолмай асабийлашиб, сарғайиб туришларини кўз олдида бирор дақиқа тажассумлантирдию чуқур хўрсиниб қўйди.

Унинг хўрсинишини уйғурдан норозиланиш аломатига йўйган Журъат ҳам шу беш юз сўмни бергиси келмади.

– Онамга олсам нима қипти? Келинг, тўғрилаб бераверинг, еттитани берай-да, менам рози бўлай, – деди Журъат, ўнг қўлидаги уяли телефонини қўлига олиб, қўлини шимининг киссасига суқди.

Савдогар уйғур Журъатнинг бир текис дазмолланган кийим-бошига, қўлидаги уяли телефонига, серсавлат гавдасига, бой-бадавлат, кибру ҳаволи бир зот эканини ифшо этувчи, соқоли қиртишланиб олинганидан силлиқ турган юзига, чимирилган қошларига, ундан эса ўнг қўлидаги йўғон бармоғига тақилган бўлган тўрт бурчакли тилла узукка диққат билан назар солиб чиқиб, истеҳзоли бир жилмайди-да:

– Юриш-туришингиздан бойвачча йигитга ўхшайсиз, ойингиз учун беш юз сўмга оғринманг, ука? – деди.

Унинг «бойвачча» дейиши Журъатга ёқди, аммо нима учундир беш юз сўмни «ма, олақол», деб юборолмади. «Ойингиз учун оғринманг?» демаганида шу ишни қилмоқчи бўлганди, аммо бу гапни айтиб қўйгани учун уйғур савдогарнинг қитиқ патига теггиси келиб тортишди:

– Беш юз сўмам пул, ака, кўчада ётмайди, ё бирортаси чўнтагингизга солиб қўймайди, – ақлли

гап қилган бўлди Журъат, сўнг эса «ўзи туфлингиз шу пулга арзийдими-йўқми?» дегандай уни қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини яна айлантира бошлади.

– Гапингиз тўғри, одам кўчада ётса ётяпти-ки, аммо пул ётмаяпти!

Фақирийга уйғур тижоратчининг гапи таъсир этиб, унга бир қараб қўйди. Хаёлидан шу дамда: «Ҳа, одамнинг қадри сариқ чақага арзимай қолди, буни тўғри айтди», деган ўй ўтди, ана шундай хаёлга бориши ҳамоно: «Мана бунинг яққол мисоли! Онасига беш юз сўмини ўтказгиси келмаяпти, худди Исосини ўттиз кумуш тангага сотган Яхузодай!.. Охир замон яқинлашганини шунданам билса бўлади. Одамларнинг қиёфаси ўзгаряпти! Қиёфасиз одамлар... қиёфасиз дунёни вужудга келтирмасмикинлар?! Бу қиёфасиз дунё анави ўтган Қиёфасиз жамиятдан даҳшатлироқ тусга кирмасмикин? Унда ўзбеклигимиз қоладими?.. Ўзбеклигидан, ўзлигидан айрилган халқнинг оломондан ё бўлмаса, тирикчилик бозорида қолиб кетган Одамдан – кўчада қолган одамдан нима фарқи бор? Йўқ, янглишаяпманми?! Худди умматлари ўттиз кумуш тангага ҳам олмай, хочга михлатиб томошасини кўраётгани Исо алайҳиссалом сингари қадрини йўқотмайдими?! Ўттиз кумуш тангага сотилган қалблардаги оғриқу оҳ-воҳлар, неча-неча авлодларнинг ушалмаган орзу-армонлари... Ўз онасини, ор-номусини беш юз сўмга ҳам олмаслик!.. Ана шу сариқ чақа учун одамлар Иблис билан шартнома тузишгача тайёрлар, худди Фаустга ўхшаб!..», деб турфа ўй-фикрларга борди, қабристонда Журъат онаси ҳақида айтган гапини хотирлади. «Шунинг учун бергиси келмаяпти», деган хуло-

сага борди. Ортиқ жим туролмади, асаби дош бермади, ғижинган бир авзода:

– Қўйинг энди Журъат, ундай қилманг, бериб юборинг! – деди, «Онадан ҳам қизғаниш мумкинми?! Наҳот?! Мен бундай қилолмасдим! Қандай пасткашлик!», деган ўй бир сонияда дилидан ўтиб улгурди, ўзини ичдан хўрлангандай ҳис этди. Худди ана шундай ҳолни у ҳув ўшанда укаси Абдумалик деҳқон билан арзимас пул устида тортишиб қолганида ҳам бошидан кечирганди. Ўшанда ўзини тутиб қололмаганди, охир-пировардида укасини уриб юборишгача бориб етганди. Ҳозир ҳам ана ўша кўйга тушиб қолишидан жуда қўрқди.

Савдогар уйғур Фақирийнинг Журъатдан ранжиганини фаҳмлагани учун:

– Ука, бу йигитга айтинг, одамлар онасини Маккага обориб келяпти-ку энди, тўғрими? – деди, мижози туфлини қўлида айлантиравериши-дан жаҳли чиқди.

Журъатга унинг сўнгги гапи қаттиқ таъсир қилди. У гўё онаси билан ораларида бир пайтлар бўлиб ўтган жанжалнинг тафсилотларидан хабардордай кўриниб кетди унга. Шунинг учун ҳам зарда билан:

– Мен сиздан бировлар онасини Маккага обораётганини сўраяпманми?! Оборса оборар! – дея кекирдагини чўзди.

Савдогар уйғур унинг нафсониятига тегадиган гап қилиб қўйганини сезди. Шу важдан ҳам тезда паст келишга уриниб:

– Йўқ, айтаман-да энди, жаҳлингиз чиқмасин, ука, – деди юмшоқ оҳангда.

– Одамнинг асабини ўйнатадиган гап қиласиз-да, сўнгра, жаҳлингиз чиқмасин ука, дей-

сиз-а?! – ғижинди Журъат, қўлидаги бир пачка элликталикни, ўнта икки юзталикни, ортидан эса шимининг чап киссасидан бир дона қизил беш юзталикни чиқарди-да, барини жамлаб пештахтага улоқтираркан: – Оладиганингиз шу беш юз сўм пул экан-ку, беш юзта гап қилиб нима қиласиз? – деди, сотувчи туфлини қутисига солаётган жойида шартта қўлидан тортиб олди-да, Фақирийга кўтартириб қўйган қизил чинни гулли елим халтани олиб, ичига ташлади.

Уйғур узр сўрагандай қўлини кўксига қўяркан:

– Ука, ана шу беш юз сўм бизга қолади. Ойингиз учун олаётган экансиз, рози бўлинг, – деб чайналди.

Журъат унга зарда қилган тарзда гавдасини ғоз кериб растадан узоқлашаркан:

– Бўпти-ии! – деб ўдағайлаб жавоб қайтарди.

Унинг қўпол муомаласи уйғурдан ҳам бурун Фақирийнинг юрагига тегиб кетди. Журъатнинг орқасидан эргашаркан, «Бунақа қилиб нарса олгандан кўра олмаганиям яхши эди! Яна менинг олдимда шу ишни қиляпти-я! Онаси унинг мана шу хатти-ҳаракатларини кўрса қандай чидаркин?!», деган ўй кўнглидан кечиб, бошлиғига дакки-дашном бермоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ўйланиб қолди. «Сенинг инсофга чақиришингни у тўғри тушунармиди? Кўряпсан-ку, димоғидан эшак қурти ёғилишини! «Ака, сиз менга ақл ўргатманг, менга ақл ўргатадиганлар ҳали онасидан туғилган эмас!», деб қолса нима қиласан? Ҳозирги важоҳати эса ана шундай дейишини айтиб турибди! Шунинг учун индамай қўя қолганинг маъқул», деб ўзига ўгит бериб, ана шу ўгити ҳам уни қаноатлантирмади, ичдан жиғибийрони чиқиб, ичдан ранжиб бораверди.

Хитой бозори орқали бошқаларига нисбатан қимматбаҳо ва тоза моллар сотиладиган, халқда «Корейс бозори» номини олган – «Отчопар»га киравериш да чап томондаги катта ёпиқ бўлинмага ўтарканлар, Фақирий, укалари савдо қиладиган ўнг томондаги қаторнинг ўрталарига кўз югуртириб олган бўлди. Хаёлидан шу дамда: «Улар кетиб қолишган бўлсаям керак, моллари-ни олишолмаяпти-ку, аввалдан қолган эски кийим-кечаклар эса яхши ўтмаяпти дейишаётганди», деган ўй ўтди, ичдан уларга ачиниб қўйди. Журъатга эргашиб ўнг томондаги зиналар билан пастга тушиб «Корейс бозори»га кириб боришди.

Бу ерда ҳам харидорлар сийраклашган, сотувчиларнинг ҳам кўплари кетиб, қаторлардаги жойлар тартибсиз равишда бўшаб қолган, айрим тижоратчилар эса молларини йиғиштираётган, лекин бозор давом этар, ҳали тарқаб улгурмаганди. Икковлари бу бўлинмани ҳам айланган бўлишди. Журъат учун кўйлак ахтаришди. Унинг кўнглига ёқадиган кўйлак ҳадеганда топилавермади. Йўқ, бир пайт, бир растанинг адоғига етиб, тўғридаги иккинчи растага олиб ўтадиган йўлакка яқинлашганларида, рўпарала-ридаги қаторда пештахтаси устига чиқиб ўтириб писта чақаётган қирқ билан элликлар миёнасидаги гирдиғум гавдали, тўгарак юзли, тиканак сочли, қош-кўзларини бўяб олган, оғзи билан тўлган тилла тишлари ярқираётган корейс аёлнинг осиб қўйган турли кўйлакларига ҳар икковининг кўзи тушиб, унинг ёнига ўтишди.

– Келинглар, – деди аёл, парча-парча гулли шойи кўйлаги этагига тўкилган писта пўчоқларини қоқаётганди, этаги кўтарилиб семиз, оп-

поқ, силлиқ сонлари кўриниб кетди. Журъат шунга аҳамият берганди, Фақирийга қараб қўйди, аммо аёл парвосига келтирмади, семиз гавдасига ярашмаган бир тарзда чаққонлик қилган бўлиб сакраб тушди.

Журъат аёл ўзбек тилида «келинглар» деганига кулди. Фақирийга қараб:

– Ўзбек тилини биларканлар-а? – деди.

Фақирий ҳам аёл ўзбек тилида сўзлаганидан хурсанд бўлиб кетганди, ана шу хурсандчилигини сўзларида ҳам ошкор этиб:

– Ўзбекистонда яшайдилар-да, билганлари ўзларига яхши, – деди.

– Ҳув ўша тўғридаги кўйлагингизни кўрсатинг-а, қаерники? – деб сўради Журъат.

Аёл ёнидаги учида илгаги бўлган узун таёғини Журъат назарда тутган кўйлакка яқин олиб борди-да:

– Шуни айтяпсизми? Бу вишнёвий сарочка чистий итальянский! – деб ўзбек тилига рус сўзларини аралаштириб жавоб қайтарди, кейин таёқда уни илиб пастга туширди-да, мижозининг қўлига тутди.

Журъат кўйлакнинг у ёқ-бу ёғига қаради, бўйига ўлчаб кўрди, ёқасининг ўлчамига, ён киссаси ёнидаги кичиккина ёзувига аҳамиятини қаратди-да:

– Мана шу эмблемаси бўлмаса яхши эди, – деди.

– Бу чистий фирминний кўйлак-да, буларда бўлади, – деди сотувчи, ҳадеганда ёқасидаги ёзувга қараётган Журъатга ўлчамини маълум қилди. – Ёқаси қирқ тўрт, худди сизнинг ўлчаминги-из. Эллик тўрт кийсангиз керак-а, помоему?..

– Ҳа, рўстим тўртинчи-да! – деди Журъат, кўйлакни яна бўйнига олиб бориб бўйини ўлчаган бўлди. – Калта келмасмикин мабодо?!

– Кийиб кўришингиз ҳам мумкин, сизга очень подходит! Мана бундай келади! – бош бармоғини бигиз қилиб «во!» деди.

Журъат сотувчи аёл ўз молини унга ўтказишни жуда-жуда истаётганини сезиб, иккинчи томондан, унинг «во»си таъсир этиб кулди-да:

– Ҳа, бўпти, ишондим сўзларингизга, нархини айтинг? – деди.

– Бўлиши ўн тўрт минг, – деди аёл, кейин Фақирийнинг «вой-бў» деганига аҳамиятини қаратиб: – Сизлар хитой бозорида эмассизлар-ку, бу Европанинг товари-я, материалига қаранглар, тикилишига қаранглар, фирминний сарочка-я! – деб кўйлакни мақтай кетди.

Журъат кўйлакни қўллари билан пайпаслаб кўриб:

– Синтетика аралашмаган, юмшоқлигини кўринг Фақирий, тоза пахтадан экан, – деди, кейин корейс сотувчига қараб ўз нархини айтди: – Ўн икки минг берай, келинг қоғозига ўраб беринг!..

– Бўлиши ўн тўрт минг. Мен тушадиган бўлсам боя айтардим, – деди аёл, харидори кетиб қолишидан чўчимади, яна бепарво бир қиёфада қисимидаги пистасини чақишга киришди.

– Ҳар ҳолда Италиядан опкелмаган бўлсаларинг керак? Хитойнинг итальянча фирминний моли бўлмасин? – кулди Фақирий. – Ҳамма ўз молини ана шундай деб мақтаб сотаверади-да!..

– Ока, мен сизни алдамайман. Бу Жанубий Кореядан опкелинган. Но Италия фирмалари ўша ер учун чиқарган товар-да! – тушунтирган

бўлди сотувчи, ортидан Фақирийнинг гапи қаттиқ таъсир этдими, бошини сарак-сарак лиқиллатди, ўзининг жавобидан ҳам қониқмай яна қўшиб қўйди: – Си-из айтаётган ўша Хитойнинг халтурни фирминний моллари Сеулга кириб боролмайди! Корейслар аҳмоқ халқ эмас!

– Нима қилса ҳам миллатдошларингиз-да, мақтайсиз! – кулди Фақирий, кейин бошлиғининг унга қош чимириб қараб қўйишидан яна сезгир тортиб, қўшимча қилди: – Менингча, Хитойнинг моли кириб бормаган мамлакат дунёда бўлмаса керак! Ҳатто океан ортиниям бу давлат молларига тўлдириб ташлаган дейишади, ҳатто Америкаям бу мамлакатни иқтисоди юксалганини, рақобатда ҳар қандай мана ман деган давлатлардан ўзиб кетганини тан олиб турибди!

– Бу энди сизнингча, – деди корейс сотувчи, – аммо Южний Корея бошқача мамлакат. У ерга патентовий, туфтовий товарлар кириб бориши мумкин эмас, проста мумкин эмас и всё!..

– Бўлди, тозалигига ишонтирдингиз, кўйлагингиз италияники экан, – сотувчига ён босди Фақирий, ўзининг ана шу масалада тортишиб ўтирганидан, бунга Журъат аҳамият ҳам қаратмаганидан ичида норозиланиб, ўзини ёмон кўриб кетди. «Кўйлак киядиган, кўйлак танлайдиган Журъат бўлса, сенга нима? Сен нега энди унинг учун жон койитасан?! Хўп қизиқ одатинг бор-да, Абдурауф!», деб ўзини койигандан-койиди.

– Аммо-лекин кўйлакнинг тозалиги кўриниб турибди, – унга қараб олди Журъат, бу гапи орқали ўзининг ҳам кўнглини тинчлантирган бўлди, харид қилаётгани моли пулига арзийдиган кўринди унга, шу боис ҳам шимининг сўл киссасидан

йигирма долларлик яшил қоғозни чиқарди-да: – Буни қанчадан оласизлар? – деб сўради.

Корейс аёл у ёқ-бу ёққа хавотирланиб қараган бўлди-да:

– Эҳтиёт бўлинг, бу ерда коррупциядагилар изғиб юришади-я, – деди.

– Менинг ўзим коррупцияда ишлайман, – илҳомланиб кетиб ёлғон сўзлади Журъат, Фақирийга қараб кулиб қўйди, кўзини қисди. Корейс сотувчи: «Ўзи кийинишингиздан ўхшайси-из, сизникини тўққиз юздан оламан», деганидан янаям илҳомланиб кетиб: – Манг, олинг, тўрт минг қайтаринг, – деди-да, долларни унга бериб, аёл целлофанга ўрагани қўйлакни олди-да, елим халтасига ташлади. Сотувчидан қайтимини олиб, санаб ҳам ўтирмай киссасига солди. Тўгарак юзига табассум югуриб, пачоқ бурнининг катаклари керилган корейс аёлнинг: «Келиб туринглар», деб манзират қилишига аҳамият берган бўлиб «хўп» дегандайин бош тебратди-да, ўзи учун янги кўйлак харид қилганидан ичида севиниб кетиб:

– Ҳа, дарвоқе, Фақирий, сиз ҳам киясизми, сизгаям олиб берайми? – деди, кейин одати бўйича қошларини чимириб, қисқагина кулди. Ундаги қошларнинг чимирилишию сохта кулгисидан бу гапни шунчаки, қўқон манзират қабилида айтиб қўйганини сезиш қийин эмасди.

Фақирий айни пайтда: «Журъат онасига туфли олаётганда беш юз сўм учун нималар демади анави уйғур савдогарга, ўзи учун эса ҳеч бир савдолашиб ҳам ўтирмай корейс аёл айтган нархини берди-я! Тағин бу аёл билан долларда ҳисоблашиб кетди! Қанчалар ўзини яхши кўра-

ди-я бу бола! Ўша, буни дунёга келтириб қўйган онасиниям шунақа яхши кўрса бўлмайдими?!», дея ўйланиб турган эди, Журъатнинг мана бу юқоридаги гапини эшитдию худди бошлиғи унинг хаёлидан ўтаётган ўйларини сезиб қоладигандай чўчиб тушиб:

– Йўқ, йўқ, менинг кўйлакларим кўп! Менга керак эмас! – деди, ўзи сезмаган тарзда бу гапни юмшоқ оҳангда билдирди, ўзи сезмаган тарзда қўлларини кўксига олиб борди. У мазкур хатти-ҳаракати билан Журъатга «мени фақат тинч қўйсангиз бўлгани», деган ҳам бўлди гўё.

Журъат унинг ҳолатидан ана шу мазмунни туйди. Шунинг учун ҳам атайлаб хизматчисининг астойдил «йўқ»лаётганига аҳамиятини қаратмаган бўлиб:

– Ҳа, сиз бунақасини киймайсиз-а? – деди, юқоридаги таклифини шунчаки эмас, чин юракдан айтаётганини маълум қилиб қўйди: – Ўзингиздан кўринг, лекин кийсангиз оберардим, ўғил бола гап!

– Миннатдорман, – жавоб қилди Фақирий, унинг мунофиқлик қилаётганини, ҳақиқатда эса унга олиб беришни хаёлига ҳам келтирмаётганини, буни Фақирий «оберинг» демаслигини билгани учун ҳам шунчаки йўлига, унинг кўнглини кўтармоқчи бўлаётганини, ҳақиқатда эса бу «кўнгилни кўтариш» замирида унинг кўнглини чўктириш, кўнглини ўкситиш, қўли калта эканини яна бир карра эслатиш, шу эслатиш орқали ўзининг орқасидан эргаштириш, «Мен билан юрсанг хор бўлмайсан, менинг қўл остимда ишласанг косангни албатта оқартираман», қабилидаги қатор ишоралар ҳам бор эди-

ки, буни Фақирий аллақачоноқ англаган, ана шу англагани учун ҳам қачондир Журъат билан ажрашишини, видолашишини тушуниб етган, аммо ҳозирча сабр қилиб ишлаб туришга ўзида мажбурлик сезардики, бу оиласидаги аҳволи, укаси Абдумаликнинг бир пайт унга айтган, ҳали ҳам дилидан ўчмаётгани, дилини ўртаб, ярага айлангани таъналари билан боғлиқ эди. У ана шунинг учун ҳам тишини тишига қўйиб ишлаб туриши, ўзини, ўз оиласини эплаб кетиши зарур эканини ҳамиша истар ва қачондир яратган Оллоҳ унинг бошига солган дардидан фориғ бўлиш умиди билан яшаб келар, ана шу умид яна қачондир у ёзишга ўтиришига, ёза олишига, ёзиб кетишига йўл очишига ишонарди. «Бу дард мени умрбод таъқиб этиши мумкин эмас! Достоевскийлар ҳам ёзган-ку! Эпилепсияси бўлиб, тез-тез тутқаноғи тутса ҳам қанча-қанча рўмонлар ёзиб ташлаган-ку! Менам, албатта, ёзаман! Қачондир, албатта, ёзаман!..» деб ўзига ўзи қасд қилиб қўйганди...

Улар ана шу қатор билан бозордан чиқиб кетишга тараддудланиб турган эдилар, Журъатнинг кўзи сал наридаги пештахтага ёйилган моллари ёнида суяниб, унга қараб турган Сокина хонимнинг катта куёви Қуёшбекка тушдию уни четлаб ўтолмади. Ёнига яқин бориб у билан сўрашаркан:

– Ия, Қуёшбек, сизам бозорга чиқиб кетганмисиз? – деди.

Қуёшбек – қуёшдайин сап-сариқ, фақат қошларию кўзларигина қора бўлган, ўттиз билан ўттиз бешлар миёнасидаги, Журъатдан уч-тўрт ёш кичик бўлиб, гавдада ва савлатда ундан қолишмас, аммо овози ана шу важоҳатига сира му-

вофиқ тушмаган, аёлларникидай мулойим, шунинг учун ҳам Журъат баъзида уни ичида: «Жуда мулойим-да Сокина хонимнинг куёви, шунинг учун ҳам қармоққа илинтирган-да бу ялмоғиз! Бўлмаса теракдайин ғўдайган, бели эгилмас бу танноз қизини кимгаям ўтказарди?!», деб муҳокама юритиб қўярди.

– Ҳа, Файзулла билан анави воқеа юз бергандан кейин дўконни ижарага бериб юбордилар-ку аямлар. Ўша ерда ишлаётгандим, бўлмагач бозорга чиқиб кетдим, – деди у, сўнг эса, «мана, қаранг, молларим тоза», дегандай пештахтасига қараб қўйди.

– Ҳа, молларингиз тоза экан, – деди Журъат.

– Пекиннинг асил молларини опкеламиз-да, – жавоб қилди Қуёшбек.

– Нега чўғи кам? – сўради Журъат. – Сизнинг даромадингиз катта бўлса керак?..

– Ҳа, анча молим йўлда, – дея хўрсиниб қўйди Қуёшбек. – Илгариги молларимиз, уям ўн-ўн беш минг долларлик эди, бизага келтириб берадиган фирмани йўлда чатоқ ишлари бор экан, текшириб қопти-да, молларни ҳам опкетиб муҳрлаб қўйибди.

– Ия, Олмазордаги фирма олиб келмасмиди? – қизиқиб сўради Фақирий.

– Ҳим, ўша ердан олардик. Мана бир-икки ой бўлди ололмаяпмиз.

– Менинг укаларимни моли ҳам шундай бўпти. Улар ҳам ўша ердаги фирмага топширишган экан...

– Укангизнинг исми нима?

– Абдумалик.

– Ҳа, бўлди. Ҳув анави Хитой бозорида савдо қилишади-а? Сочларига оқ оралаган йигит? Укалари билан савдо қиладилар.

– Ҳа, ўшалар.

– Сизнинг укаларингиз ҳам четга чиқишадими?

Фақирий Журъатнинг сўроғи тагидаги мазмунни сезгани учун ҳам ўнғайсизланган бир тарзда:

– Ҳа, тирикчилик, нима қиласиз энди? Ўзларидан орттиришмайди, – деди.

Журъат «ҳа, бало экан-ку улар, нега сиз мана бундай хор бўлиб китобфурушлик қилиб юрибсиз?» дегандек нигоҳ қадаркан:

– Улар сизгаям ёрдам беришадими? – деб сўради.

– Шуларнинг кўмаги билан яшаб келаяпмиз-да, йўқса мен оладиган анави... биласиз-ку, – у касаллик нафақасига ишора қилди, – анави пул нимагаям етарди.

– Мен билан ишлаяпсиз, ҳечқиси йўқ, ҳали бойиб кетасиз, – деди Журъат, ўзининг ишлари ёмон эмаслигини, бировларга ёрдам қўлини ҳам чўзиб юрганларини Сокина хонимнинг куёви Қуёшбекка кўрсатиб қўймоқчи бўлди. – Акамнинг ўзлари шоири замонлар. Ҳозир менинг ёнимда юрибдилар.

– Ҳа, аямлар айтувдилар, Журъат ёнида ёзувчиларни олиб юрибди деб...

Журъат ҳам паст тушмади:

– Ҳа, тўғри, ҳозир замон шундай. Шоир-ёзувчиларни ёнингда олиб юрмасанг бўлмайди. Душманлар кўп, – деди, бу гапи билан бир нарсаларга ишора қилган бўлди.

Қуёшбек у билан ҳамиша яхши алоқада бўлгани учун ҳам:

– Сиз бировларга ёмонлик қилган эмассиз-ку, Журъат ака, кимам сизга душманлик қиларди? – деб кулди.

Журъат унга истеҳзо билан қаради. Бу қарашида: «Сенинг хабаринг йўқ-да, мана ўзингнинг

қайнананг билан унинг жияни Қўзивой Акобиров менинг биринчи душманларим-ку! Мендан мўмай пул ундириш ниятида бошимга не кунларни солиб, қанча обориб-опкелди-ку!», деган бир мазмун бор эди. Ана шу мазмунни Қуёшбекдан яширди. Уни бу мавзудан чалғитиб:

– Энди нима қилмоқчисизлар? – деди.

– Молни олиш масаласини айтяпсизми?

– Ҳа-да!..

– Фирмадагилар сабр қилинглар, ўзимиз ҳал қилгунимизча ўзбошимчалик қилманглар, дейишяпти.

– Ҳа, Абдумаликларам шу гапни айтишяпти, – орага қўшилди Фақирий.

– Лекин аямлар: «Ўзим бориб билайин, қани, улар нима қилишмоқчи ўзи», деяптилар.

Фақирийга унинг гап-сўзлари эриш туйилди. «Номинг Қуёшбек бўлса-да, ҳадеганда қайнанангни тилга олаверсанг! Мустақил ўзинг бирор иш қилолмайсанми? Ҳечқурса аканг ёрдам берса бўлак масала эди, қайнанангни ўртага қўшаверасанми?!», деб мулоҳазаланди. Аммо бу ўй-фикрлари дилида қолди.

– Анави жиянлари бор эди-ку? – ўсмоқчилади Журъат.

– Қўзивой тоғамни айтяпсизми?

Акобировни Қуёшбек «тоғам» дейишидан Журъатнинг ғаши келиб, ижирғанди.

– Ҳа, ўша тоғангизни, – деди у пичинг қилгандай палағда овозда. – Ўшани орага аралаштирмадингларми?!

– Ҳозирча ўзим борай-чи, бирор натижа чиқазишолмаса Қўзивойга айтаман, дедилар.

Журъат Акобировнинг лавозими пасайганини таъкидламоқчи бўлгани учун:

– Ҳалиям шаҳардами у одам? – деб сўради, Фақирийга нигоҳ қадаб қўйди. Мазкур қараши орқали бу саволни Қуёшбекни синаш учун бераётганини дараклаган бўлди.

– Ўша ердалар, шекилли. Аямни кўргани келиб турадилар, – деди Қуёшбек.

Унинг «келиб турадилар»идан Журъат чўчиди. Хаёлидан бир сонияда: «Ҳали Сокина хоним дўконимнинг қарорини топиб беришига шу аблаҳ халал бермаса эди?!», деган ваҳимали ўй ўтиб улгурди. Кейин ана шу хаёлидан ўтган ўйларни Қуёшбек сезиб қоладигандай яна бир унга эмас, Фақирийга ҳам қараб олди-да, гапни дарров чалғитиб:

– Майли, Қуёшбек, ишқилиб молларингни эсон-омон олволинглар-да, – деди, сўнг эса: «Қарордан у сўз очмади-ку, демак, унга қайнанаси Сокина хоним, Сокина аждарҳо нимага улар хонадонига борганимни айтмагандир-да!», деб ўйлагани учун ҳам: – Сокина опаниям, Мунисаниям сўраб қўйинг, мен бир ўтарман, вақт топиб, – деди, Қуёшбекдан: «Боринг, боринг албатта», деган такаллуф оҳангидаги манзиратни эшитгач, ёнидаги Фақирийга: «Юринг, кетдик», деди-да, ана шу қаторнинг охиридаги милиция идорасининг ёни билан юриб, бозорнинг дарвозаси томон кетишди.

53

Соҳиба опага ҳали Қоратошдаги ҳовлиси бузилмасидан бурун ўзи бир неча ўн йилдан бери фаррош бўлиб ишлаган шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармасидан қарилик нафақасига чиқиши

арафасида икки хонали уй тегиб қолди. У ана шу уйга сўнгги пайтларда ҳадеганда овсинлари билан чиқишолмай икки ёшдаги ўғлини кўтариб кўзининг ёшини оқизиб келаверишини қўймаётган қизи Дилбарни кўчириб олиб ўтди. Куёви бошида кўп ёқни ўйлаб улар билан кетишга унамаганди, йўқ, кейинчалик, у ҳам тақдирга тан бериб, эски ҳовлисида қолган кўч-кўронини йиғиштириб, хотини ва ўғлига эргашиб қайнанасининг уйига кўчиб келди.

Соҳиба опа анчадан бери улардан хабар олмаганди, йўқ, шу бугун уйқусида алоқ-чалоқ тушлар кўриб, дам онасини, дам қизи Дилбарни кўппак итлар қувлаётганини, охир-пировардида ҳар иккови ҳам қабристонга қочиб киришганидан чўчиб уйғониб кетди. Вужудини нохуш бир кайфият чулғаб олди. Уйқуси ҳам қочиб кетди. Ўрнидан аранг туриб ювиниб келди-да, онасининг руҳига бағишлаб ўзи билганича Қуръон тиловат қилди. Бу билан ҳам кўнгли тинчланмади, ҳадеганда итга таланаётган қизининг қўрқинч акс этган нигоҳи кўзи олдига келаверди. «Бекорга уни итлар талаётгани йўқ! Қайнанаси ё бўлмаса қайнэгачиси келиб тўполон кўтармаганмикин ишқилиб? Кўчиб кетибам уларнинг чангалидан қутулолмайди-да! Ё катта овсини келиб бирор машмаша кўтариб кетдимикин?!», дея турли хаёлларга бориб тинчини йўқотди. Пайтавасига қурт тушиб, нонушта қилар-қилмас ўғли Суҳбатга ҳам айтиб ўтирмай, келинига: «Суръатнинг хотини чиқса айтинг: мен икки-уч соатда Дилбарникига бораману орқамга қайтаман. Наргизани сизга ташлаб кетаверсин, мен келгунимча қараб турарсиз. Негадир ёмон тушлар

кўрдим, Дилбардан хабар олиб келаман, деган бўлди-да, шоша-пиша кийиниб уйдан чиқди. Йўқ, Ибн Сино мавзеидаги уйига бориб қизини соппа-соғ кўрганида кўнгли сал жойига тушди. Бирпас-яримпас невараси Самаджонни ўйнатган бўлди-да, кейин унинг келганидан суюниб, тезда суюқ ошининг тадорикини кўришга киришиб кетган қизи Дилбарни ёнига чорлаб:

– Мен овқатингни егани келганим йўқ, сени кўриб кетайин, дедим. Алоқ-чалоқ туш кўриб чиқибман. Тушимда сен билан Моҳира бувингни итлар қопмоқчи бўлиб қувлаяпти-да! – деди, сўнг эса пешана терларини дастрўмолида артган бўлди. – Энди бирров бувингнинг тепаларига бориб Қуръон тиловат қилиб кетмасам бўлмайди. Бекорга икковинглар мозорга қочиб кириб кетмадинглар. Арвоҳлар дуо талаб бўлиб ётишибди, шекилли. Бирров кириб ўтмасам кўнглим жойига тушмайди, қизим.

Дилбар онасига ўтингандай боқди-да:

– Ҳозир ярим соатда пишади. Ичиб кетинг, кейин бораверарсиз, – деди.

Соҳиба опа унамади. Ошхонага кириб кетаётган қизини тўхтатди-да:

– Қўй, овора бўлма. Шоҳида кеннойинг бозорга тортми, пирогми – пиширириқлар пиширмоқчи бўлганди, ҳали бориб унинг боласига қараб туришим керак, – деди.

– Суръат акамнинг ўзи яхшими? Ипподромга чиқаётган эканлар, деб эшитувдим. Майли, ўзларини эплаб турган эканлар-ку ишқилиб...

– Ўша ишиниям Худо кўп кўрди. Бунга мол бериб юрган йигит устидан шикоят қип келди. «На молимни опкелмайди, на қарзини бермай-

ди», дейди. Яна илгариги бир-иккита оғайниларига қўшилиб қолган-да!..

– Тағин анави нарсани бошламасалар гўрга эди, – хавотирланди Дилбар.

Соҳиба опанинг авзойи ўзгарди. Буғдойрангга мойил тўғарак ва узунчоқ орасидаги юзи тундлашиб, тарам-тарам ажин босган тор пешанаси тиришди. Пешанаси баробарида унинг ҳуснини кўркам кўрсатувчи анчайин сийраклашган пайваста, бир-бирига туташиб кетган қошлари бир бахя юқорига кўтарилиб чимирилди. Хўрлиги келганидан бурун катаклари кенгайиб, қовоқлари солқиброқ турган қўнғирранг кўзларига дарров ёш қуйилиб келақолди. У қизининг олдида ўзини аранг йиғидан тўхтатди. «Менинг кўз ёшимни кўриб кўнгли бузилмасин, ўзининг дарди ўзига етади», деган хаёлга бориб нигоҳини ундан олиб қочаркан:

– Менам шундан қўрқиб турибман. Суҳбатга айтсам уришиб кетадими, у ер-бу ерини майиб қилиб қўядими укасининг, деб айтмаяпман, – дея иддао қилди қизига.

Дилбарнинг онасига ичи ачиди. Буни унинг дадасиникига ўхшаш зулукдайин қора кўзлари хомуш тортиб, онасиникига ўхшаш кўҳликкина юзининг териси пир-пир учганидан ҳам билиш мушкул эмасди.

– Сиз Журъат акамга айтинг. Суръатингиз уларга қулоқ солади, – деб маслаҳат берди онасига.

– Энди уям ўртага тушмаса керак...

– Нега?

– Ўзи бир марта уни мелисадан опчиқиб, анчага тушди. Иннайкейин, Суръат туфайли анави прокурорликкаям киролмабди чоғи. Булар-

нинг рўйхатини давлатнинг қайси бир махсус идорасига берар экан-ку! Укаси шунақа наркаман экан, деб олишмаганмиш уни.

– Энди бошқа кимгаям борар эдингиз?..

– Менам шунга ҳайронман. Негаям Худо мени бунчалар шўрпешана қип яратган экан, ҳечам ақлим етмайди-да! Бошимни қайси тошга уришимни билмаяпман! Битта акам дардимга қулоқ солиб юрардилар, уларам ана ундай дунёдан кўз юмиб кетдилар. Собира холангнинг ташвиши ўзига етади. Неваралари Лолага ҳар ёқдан совчилар келиб эшиклари турумини бузиб ётганмиш. Бир аёл келиб, каттаконроқ аёл экан, опа-сингил ясан-тусан қилиб келишибди дегин, қулоқларига бриллиант зирак тақиб олган ҳар иккови, бўйнида қалин тилла занжир дейишадими, шуни тақиб олишган, энди қўяверасан, шулар совчи бўлиб келиб, Лолангизни берсангиз ҳам берасиз, бермасангиз ҳам берасиз, деганининг устида ўзим ҳам бор эдим. Ҳа, айтгандай, акангниям танир экан ўша аёл. Қайсидир бир билим юртининг хўжайини экан-да!..

Дилбар онасининг бошқа гапларига у қадар аҳамиятини қаратмади. Холаси ва унинг қизи Сабоҳат оиласидаги муаммолар уни қизиқтирмади. Ўзининг ташвиши ўзига етарли бўлгани учун, устига-устак кенжа акаси яна гиёҳвандлигини бошлаб юборганидан қаттиқ ташвишлангани, изтиробга тушгани учун ҳам уни огоҳлантиришини қўймай:

– Опа, вақтида акамга айтиб олдини олишингиз керак! Тағин кейин кеч бўлиб қолмасин! – деди.

– Анави саримсоқ пиёздайин сарғайган Гулчеҳра кеннойингни ҳам мени кўришга ҳеч тоби

йўқ-да! – хижолатланган бир авзода сўзлади Соҳиба опа. – Шунинг учун акангникига боргимам келмайди!..

Дилбар онасининг тўғрилигидан, ҳадеб ўринсиз андиша қилаверишидан норозиланди:

– Энди келиним мени кўришни истамайди деб ўз ўғлингизникигаям боролмайсизми?!

– Ҳе, келин бўлмай жувонмарг бўлсин, ҳечам акангга мос эмас-да ўша пакана фитна! – деб ўғлига ачинди Соҳиба опа. – Шундоқ болам увол бўлди-да!

– Ҳаммасига бувим билан Хатча аммам сабабчи-да!

– Секинроқ айтасанми? Ўша гўргинангда тик тургур билан манави шумкампир ўлгур сабабчи!

– Хатча аммам акамгаям ўзининг бўйига ўхшаганини топган-да! – истеҳзоли кулди Дилбар. – Оёғи чўлоғини топганда унданам пар тушишарди иккови! Хатча аммамни назарда тутяпман-да!..

– Ҳе пар тушмай балога йўлиқсин! Бой-бадавлат, тагли-тахтли одамларнинг қизи экан деб бошимни қотирворишди она-бола икковлари, мана оқибат, хў-ўп одамига йўлиқдим-да!

– Энди бефойда бу гаплар, опа.

Соҳиба опа афсуслангандай бир қиёфада:

– Сен ҳақсан, бир нарса деётганим йўқ. Ўзимизга ўхшаган одмироғи, одамгарчилиги борига йўлиқмаганимга хафа бўламан-да баъзан, – деб ичдан сиқилди.

– Ўртада болалар бор.

– Вақти келса ана шуларниям мендан қизғанади-да, менга яқинлаштирмайди, – келининг қилиғидан ижирғанди Соҳиба опа.

– Ҳаммаси акамда қолган-да! У жиловни бўш қўйганидан кейин нима дейсиз?!

– Ҳали акамга бориб айтинг деяпсан-ку, акангниям менга муносабати маълум. Ҳушига келса гапимга қулоқ солади, ҳушига келмаса тескари қараб кетади. Уни анави тутинган «онаси» борку, Сокина хоним, ана ўша манжалақи шўртумшуқ билан мана бу хотини жудаям айнатди-да! Онадан совутиб юборди шу иккови!..

– Охири акамни нима кунларга солмади ўша «она»лари, хў-ўп обориб-опкелди-ку ўзиям!..

Соҳиба опа хўрсинди. Ортидан бола-чақанинг ташвишидан ҳориб-чарчаган, ўксик бир овозда:

– Нима дейсан энди қизим, – деди. – Ҳаммаси бўлиб ўтди!

Дилбар онасининг аҳволини тушунгандай бир кўйи:

– Шунинг учун онанинг дилини оғритавериш ҳам яхшимас-да, – деб ақлли гап қилган бўлди.

– Ишқилиб касри бола-чақасига урмасин-да, қизим, ана шундан жуда қўрқаман, – овози титраб чиқди Соҳиба опанинг, сўнг эса Сокина хонимни назарда тутиб: – Эшитишимча, акобирдай ўғли сувга чўкиб ўлганмиш-ку, – деди.

– Худо кўрсатибди-да унгаям, – заҳархандалик билан деди Дилбар

– Қайдам, – елка қисди Соҳиба опа, кейин ҳушёр тортди-да, кетиши кераклигини эслаб қолиб, қизининг тиришиб-тортишиб қаршилик билдиришига қарамай юзига фотиҳа тортди-да, ўрнидан қўзғалди. Қизи халтасига солиб қўйгани тўртта ёпган нонни қайтиб хонтахтанинг устида ёзиғлиқ бўлган оқ дастурхонга олиб қўйди-да, Дилбарнинг эътироз билдириб нонларни яна халтага солишга уринишига қарамай, қўлини силтаб ташлаб, ташқарига ошиқди. Қизи

онаси нонларни қайтариб бергани учун ундан норозиланиб қолаверди.

Соҳиба опа Кўкчадаги қабристонга кириб, онасининг, хилхонада ётган акаси Жамол махсумнинг, бош-қа қариндош-уруғларининг руҳи-покига бир калима Қуръон тиловат қилиб, дили хийла равшан тортиб орқасига – ўғлиникига қайтди.

Қоратошдаги ҳовлилари бузилганидан сўнг бошқа маҳалладошлари қатори Хадрадаги Циркнинг орқасидан жой олган ва уни ҳам ўзи билан олиб кетган ўртанча ўғли Суҳбатникига пешинга яқин қайтиб келди. Тушликни тановул қилиб бўлгач, пича нафас ростлаган бўлди-да, уларга яқин яшайдиган кенжаси Суръатдан хавотир олиб, келини Шоҳида бу ерда қолдиргани калитни қўлига олиб, набираси Наргизани етаклаганча уларникига қараб тушиб кетишди.

Кенжа ўғлиникида ҳам кўп ўтирмади. Набираси Наргиза «ўртоқларим билан ўйнайман», деб пастга тушиб кетганидан сўнг ҳам тўрт девор орасида ўтиролмади, у ҳадеганда Соҳиба опани ўз исканжасига олиб ҳиқилдоғидан бўғаётгандек бўлиб туйилаверди. Иккинчи томондан, юраги нима учундир хаприқиб кетаверди. Ортиқ чидолмади. «Пастдаги ўриндиққа ўтира қолайин: Суръатнинг келишиниям пойлайман, иннайкейин, Наргизаданам хабардор бўлиб ўтираман», деди-да, устига жигарранг дерматин қопланган кўча эшикни қулфлаб, учинчи қаватдаги тик зиналар билан шошилмай пастга туша бошлади...

У кўк бўёқ суртилган суянчиқли ўриндиққа бориб ўтирганда хаёл уни ҳар ёққа олиб кетаверди. Дам илгарилари онда-сонда хабар олувчи ўғли Журъатнинг кейинги пайтларда умуман

хабар олмаётганидан ташвишланиб: «Ишқилиб дўкони бузилмасин-да, билмайман, бузилгудай бўлса нима қилади? Не ҳасратда қурувди! Дунёга ўт кетади-да бузилгудай бўлса! Анави иши юришмай прокурорликка киролмаганидан кейин ёлғиз шу дўконга суяниб қолувди!», деб муҳокама юритса, дам тўнғичидан кейинги ўғли Суҳбатнинг иши орқага кетганини ўйлади. Унинг ортидан эса мана бу ўғиллардан кичиги бўлган Суръатнинг тижоратни бир чеккага йиғиштириб қўйиб яна эски ошналарига қўшилиб қолганлигидан қаттиқ сиқилди. «Ҳа, отаси бўлганда эди, шунча ташвиш менинг бўйнимга тушмасди. Ўзи эплаган бўларди бу ўғилларни», деб ўйланди ва эри Эркин ака ҳаётлигида унинг иши ҳадеганда юришавермаганда Эски Жўва бозорига тушиб калла-поча олиб келиб, уни пиширганларини хотирлади. «Ўша калла-поча эски экан, шекилли, увол бўлмасин деб ебман-у баданимга қизил нарсалар тошиб кетди-да», деб фикр юритиб, ўшандан кейин бутун бадани дўмбирадек шишиб, уч-тўрт ой касалхонада ётиб қолиб, ўладиган бир аҳволга келганини, бахтига онаси Моҳира ая унинг тепасида мижжа қоқмай парвариш қилиб ўтирганларини эслаб: «Эссизгина-е, шундоқ ойим ўтиб кетдилар-а! На аканг, на опанг, на бола-чақанг онангнинг ўрнини босолмас экан, онанинг ўрни бўлакча экан! Ҳа, онагинам-а, илоҳим жойингиз жаннатдан бўлиб, маконингиз нурга тўлсин-а!», деб боя қабристонга боргандаги кўнглидан кечган ўйларни эслашга киришган эди, шу ёққа бурилган кўк «Жигули»га кўзи тушиб: «Журъат эмасмикин, унинг машинасиям шу рангда эди», деб ичида сўзланиб турган эди,

машина унинг ёнига келиб тормоз берди. Соҳиба опа рулдаги кўзидан қора кўзойнагини олаётган ўғли Журъат эканини кўрди. Ичдан севиниб кетди. Айни дамда кўнглидан: «Тинчликмикин, ишқилиб?», деган ташвишли ўй ҳам ўтиб улгурди. У диққат-эътиборини машинанинг орқасида ўтирган нотаниш кишига қаратгач, дилидаги ҳозирги ваҳимали ўйлари қайгадир ғойиб бўлиб, ўрнига: «Суҳбатда бирор иши бўлса керак-да, ёнида оғайнисиниям бошлаб келибди-ку!», деган иккинчи бир ўй ўтиб, кўнгли хотиржам тортди. Ҳали ўғли машинасидан тушмай туриб у ўриндиғидан сапчиб туриб кетди.

Журъат машинасидан тушди. Кўйлак-шимини тузатган бўлиб, ўзининг у ёқ-бу ёғига қараб олди. Узук тақилган ўнг қўли билан ҳар куни соқоли қиртишлаб олинаверганидан юпқалашиб шилинаёзган мош-гуруч иягини қашиб қўйди. Истиқболига пешвоз чиққан онасига салом бериб сўрашди-да, сўнгра машинадан тушишга ошиқмаётган Фақирийга юзланди:

– Фақирий, халтаниям олиб тушинг!..

Фақирий елим халтани олиб машинадан шошилмай тушаркан, хаёлидан ўтган биринчи ўй: «Шундай фариштадай онаси билан худди бегоналардай сўрашади-я!», дегани бўлди, мазкур ўйи таъсирида рўпарасидаги олтмишларни қоралаганидан сочлари оқарган Соҳиба опага салом бериб, ўнг қўлини кўксига тутди-да, у томон елкасини энгаштирди.

Соҳиба опа унинг саломига алик оларкан, Журъатга «бу ўртоғингни танимадим-а?», деган савол назари билан қараб олди, кейин Фақирийнинг елкасига қоқиб сўрашди.

– Уйдагилар омонми, айланай? Ота-онангиз, келин, бола-чақалар яхши юришибдими?!

– Раҳмат, раҳмат, ўзингиз яхшимисиз, соғ-саломат юрибсизми? – унинг ҳол-аҳволини сўради Фақирий, Соҳиба опанинг ўйчанлик, хомушлик акс этган нурли юзига, кўзларига боқаркан, Журъатнинг уйғур тижоратчи билан беш юз сўм устида тортишганлари ёдига тушди. «Шундай онаси бор экан-у, ундан беш юз сўмини қизғанди-я!», деган ўй кўнглидан кечди. Кейин эса нима учундир ўзидан хижолат чекди. «Ҳадеганда бировни тергайвериш фазилат саналмайди Фақирий, ўзингни бил, ўзгани қўй!», деб ичида ўзига дакки-дашном берди. Шундан сўнг кўнгли хийла ўрнига тушди.

– Бу одам шоир-ёзувчи Фақирий бўладилар. Мен билан ишлаяптилар, – деди Журъат онасига, ана шундай одамлар у билан юрганидан гердайиб, қўлидаги калитини ўйнатди.

Бошлиғи уни онасига тантанавор таништиришидан Фақирий ўнғайсизланди. Нима дейишини билмай:

– Бозорда тинчгина китоблар сотиб юрувдим, Журъатжон ишга таклиф қип қолдилар-да! – дея камтарлик билан маълум қилди.

– Мана шундай Фақирийдек одамлар бозорда китобфурушлик қилиб юришибди, опа, – деди Журъат, бир онда хаёлидан онасининг ўн-ўн беш йил илгари Сокина хонимнинг олдига унинг устидан шикоят қилиб бориб шарманда қилгани ўтди. Кўнглида яна онасига нисбатан ўзи тушуниб етмагани, неча йиллардан бери унутиб юборолмаётгани хусумати хуружини бошлади. Ана шунинг учун ҳам юқоридаги гапидан муддаоси ҳатто ўзи

орзу қилган жойга киролмаётганини онаси ҳам мазах қилиб қолишидан чўчиб: «Прокуратурага киролмасам-киролмабман-да!», демоқчи бўлганди: – Тошкентнинг ярми амалдорлари оғайнилари бўла туриб, нечта китоб ёзган бўлсалар ҳам бозорда юрган эканлар-да бу киши!..

– Энди тирикчилик, бунинг айби йўқ, – деди Соҳиба опа, кейин Журъатдан ҳол-аҳволини сўраган бўлди: – Ўзинг яхши юрибсанми, Гулюз, Гулруҳлар, Ханжар ўғлинг, Гулчеҳра яхши юришибдими? Нега уларни ҳеч опкемайсан?!

Журъат бола-чақасига эътиборсиз қарагандай бир тарзда «ҳа-аа», деб бош тебратиб қўйди-да:

– Бизлар ишхонадан келаётган эдик, – деб қўя қолди, ана шу гапини тугатар-тугатмас Фақирийнинг қўлидан елим халтани олиб онасига тутқазди. – Мана бунда икки-уч кийимлик мато бор. Оёғингизга туфли ҳам. Тиктириб киярсиз...

Соҳиба опа бир томондан ўғли инсофга келиб унга нарса кўтариб келганидан севинса, иккинчи томондан, у буни ўз ақли билан эмас, жияни Сабоҳатникига совчи бўлиб келган, ўғли Журъатни ҳам танишини маълум қилган ўша «Саодатнинг бошлиғиман», деган чиройли аёл айтгани учун ҳам олиб келганини фаҳми-фаросати етиб англагани важи ҳам: «Ўшанинг гапи билан бу нарсаларни кўтариб келган. Ҳа, ҳа, «онанг бир ҳолатда юраркан», деган бўлса керак-да, ҳадеб кийим-бошимга қарайверишини қўймаётганди», деб ўйлади. Сўнгра Журъатнинг қўлидаги халтани оларкан, Фақирийга кўз қирини югуртириб қўйди-да:

– Барака топ ўғлим, сен мени сийласанг, сени Худо сийласин, – деди.

– У ёқ-бу ёққа борсангиз тиктириб кийиб боринг. Мана бу энгнингиздагига ўхшаш эски кўйлакларда бориб ўтирманг тағин, – деб ғўдайиб, ҳавойилик билан насиҳат қилди Журъат, ёнимда бегона одам турибди-ку ахир, бу гапимни нима деб ўйлайди, деб ўтирмади.

Ўғлининг бу гапидан Соҳиба опа Фақирийнинг олдида ноқулай бир ҳолатга тушди-ю, аммо буни юзига айтмади, фақат унга қараб синиқ кулиб қўйди. Хаёлидан эса: «Ҳа, ҳа, ўша айтган! Бекорга бу: «У ёқ-бу ёқларга борсангиз янгисини кийиб боринг!», демаяпти. «Ўзинг худди министрлардай юрасан-ку, отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан-ку, онанг мана бундай бечора аҳволда экан-да!», деган, йўқса менга азза-базза кийимликлар кўтариб келмасди. Тоза боплаган кўринади буни!», деб ўйлади. Шунда ҳам тилига аччиқ гап келди-ю, аммо ўғлининг феълини билгани, Фақирийнинг олдида уни уялтиришни истамагани учун ҳам:

– Хўп, хўп, тиктириб кийиб борарман, – деди, ўғлининг муомаласидан Фақирий олдида ноқулай бир аҳволга тушди.

Фақирийнинг ўзи ҳам бошлиғи Журъатнинг онасига қилаётган қўпол муомаласидан ғалати аҳволга тушиб гарангсираб қолганди-ю, аммо унга лом-мим дея олмаганди. Уларнинг олдидан кетай деса ҳурматсизлик деб ўйлади, қолай деса Соҳиба опа мендан ўнғайсизланяптими, деган хаёлда, баайни қилқўприкнинг устида тургандек ҳис этди ўзини. Нима қилишини, нима дейишини билмади.

– Қани, юринглар ичкарига, кўчада туришимиз нимаси эди? – деди Соҳиба опа, ўғли Журъат билан Фақирийни ичкарига киришга қистади.

– Йўқ, опа, кирмаймиз, – сўзида туриб олди Журъат. – Ичкари ҳозир ёнаётгандир?..

– Унчаликмас, тўғри, анави кунлари ҳечам ўтириб бўлмаётганди, йўқ, бирдан кун салқинлашиб қолди-ку! Анави кунги ёмғирни қаранглар! – деб Фақирийга қараб кулиб қўйди Соҳиба опа.

– Бари бир, эртами-индин яна ўтириб бўлмай қолади, дўм-дўм-да, – чўрт кесди Журъат.

– Энди нима қиламиз? Бутун бошли маҳаллаларни, ҳовлиларни бузиб ташлаб ҳаммани мана шундай тўққиз қаватли катакхоналарга жойлаштириб ётибди-ку ҳукуматимиз! – Фақирийга қаради Соҳиба опа.

– Нимасини айтасиз. Умуман кўп қаватли уйлар ҳовлига тенг келмайди – куйиниб сўзлади Фақирий.

– Мана шу тўққиз қаватли уйларнинг хоналари катта-катта, сиз нима деяпсиз, – деди Журъат.

– Ҳе, катта бўлмай кетсин! Бари бир ўзимизнинг Қоратошдаги ўша кафтдеккина ҳовлимизга етмайди-да!.. – деб маҳаллаларини, маҳаллаларидаги бир неча узун жинкўчаларинию узоқ мозийда қолган ёш келинлик даврларида ён-атрофида ўралашиб юрган чурвақа болаларни хотирлаб жилмайиб қўйди Соҳиба опа.

Журъат чурқ этмади. Онаси атайлаб Қоратошдаги ҳовлиларини эслатиб, у хотини ва тўнғич қизини олиб кўчиб кетганларига ишора қилаётгандай бўлиб кўрингани учун ҳам Фақирий уларнинг сирини билиб қоладигандай, ундан чўчиб турди.

Фақирий ҳам Соҳиба опанинг гапини маъқуллаб:

– Ҳа, ҳовлиларга етармиди бу каталак хоналар. Бу уйларда ўзимизни бор ҳис этамиз-да, яшаяпмиз демаймиз, – деди. – Ҳали русларда айтади-ку, сушествуем деб...

Журъатга унинг шу гапи ёқди. Ўзининг вақтида кўчиб кетиб тўғри иш қилганини, баҳонада ҳовли-жойли бўлиб қолганидан ич-ичдан севинаркан:

– Буни тўғри айтдингиз. Бу уйларда одам фақат ўзини бор сезади, у яшаяпман деб айтолмайди, – деди, кейин онасининг қистовга олиб уйга таклиф қилишига яна рад жавоби бераркан: – Ҳа, айтгандай, Суҳбат яхши юрибдими, анчадан бери олдимга ўтмайди, илгарилари ўтиб турарди, – деди.

– Билмадим, ёзлиги учун цехни ёпишибди, булочкаларимиз ўтмай қолибди, иши орқага кетган шекилли, болаларининг гапиям ёқмаяпти-да, ишқилиб, – деди Соҳиба опа.

– Ҳозир ҳамма ёқда хўроз бир хил қичқиряпти, – деди Журъат, шоирона ўхшатиш қилдимми, дегандай Фақирийга кўз қирини югуртириб олди, сўзида давом этди: – Бизнинг дўкондаям сотувчилар пашша қўриб ўтиришибди. Аптекадаям савдо умуман йўқ... Битта-яримта йодпод, бинт-минт сотилмаса, умуман одамлар дорига қарамаяпти.

Соҳиба опа ўғли бу гапи билан «мендан ёрдам сўраб умидвор бўлманглар, аҳволим сизларникидан яхши эмас», демоқчи бўлаётганини сезди. Шунинг учун ҳам ундан ортиқ гина-гудурат қилиб ўтирмади.

– Дўконинг ишқилиб бузилмайдиган бўлдими? Ҳар хил миш-миш юрувди-ку, – деди, ўшанда жияни Сабоҳатнинг уйида анави ўзини «Покизахон» деб таништирган чиройли аёл айтган гапини эслади.

Журъат ана шу мавзуда гапиришни истамагандай қўл силтади-да:

– Ҳозир ишқилиб жимжит. Билмайман кейин нима бўлади, – деди.

– Ишқилиб бахтингга бузилмасин-да! Буни қуришнинг ўзи бўлувмиди? Не ҳасратда қуриб битказувдинг! – деди, сўнгра Фақирийга нигоҳ қадаб: – Тўғрими оповси, ҳозир қурилиш қилиш осонми? Мана ўзи бошлаб қўйган уйини ҳалигача биткизолмайди, – дея ўғлига ич-ичдан ачинди.

– Нима бўлса пешанамдан-да, – деди Журъат, ҳамроҳига «кетамизми?» деган бир мазмунда қараб қўйди. Фақирий ҳам бош тебратиб қўйиш орқали унинг истагини тасдиқлади.

Онаси у кенжа укаси Суръатдан сўз очишни хоҳламаганини, прокуратурага ишга киролмагани учун ҳам кенжа укаси билан гаплашишни ҳам, у ҳақида эшитишни ҳам истамаганини яхши фаҳмлагани учун ҳам ўзи у ҳақда сўз очишга мажбур бўлиб:

– Суръатнинг ишлари қандай, нима иш қиляпти, деб сўрамайсанам, – деб ундан ранжиди, кейин Фақирийга қараб олди.

Фақирий она-боланинг олдида ўзининг ортиқчалигини ҳис этиб, нима қилишини билмай турган эди, Журъат Фақирийдан яширадиган сирим йўқ дегандай унга боқди-да:

– Суҳбатдан бир сўровдим. Ипподромга чиқиб кимдандир мол олиб сотиб юрган экан-ку, эшитиб хурсанд бўлдим, ишқилиб. Ўзини, бола-чақасини эпласа бўлди-да, – деди.

– Бозорниям Худо кўп кўрди. Чиқмай қўйди, – кенжа ўғлидан ранжиб гапирди Соҳиба опа.

– Чиқмай қўйди?..

– Ҳа, Хитой бозорида савдо қиладиган Абдумалик деган йигитдан насияга мол олиб сотиб юр-

ган экан, кейин бормай қўйибди. У йигит кеча келиб қолган молларини йиғиштириб опкетди. Анчагина қарзиям бор экан укангнинг... Суръатдан хафа бўлиб гапирди. «Эплолмаса нима қилади насияга мол олиб?», деган бир гапни қилди.

– Абдумалик деган дейсизми? – дея Фақирийга қаради Журъат, шунинг баробарида ранги дам гезарди, дам қизарди. – Сизнинг укангиз эмасми мабодо, Фақирий? Қуёшбек «Абдумалик» дегандай бўлувди, шекилли?!

Фақирий ҳам ажабсингандай бир қиёфада Соҳиба опага боқди-да:

– Сочига оқ оралаган, оқ-сариқдан келган, қирра бурун, чиройли йигит эмасмиди? – деб сўради.

– Ҳа, ҳа, сизга ўхшаб кетадиган жойлари бор! Ўттиз бешлар билан қирқлар ораларида-а? Оппоққинадан келган йигит эканлар, тўғри айтдингиз!..

– Агар шундай бўлса, менинг укаларимдан олган эканлар, – Журъатга қараб бош чайқатди Фақирий, ортидан Соҳиба опага сўзланди: – Менинг икки укам «Отчопар» бозорида савдо қилишади. Ҳақиқатанам биринг исми сиз ҳозир айтганингиздай Абдумалик бўлади. Улар Хитой бозорида кийим-кечак сотишади.

– Шунақа. Ака-ука тирикчилик қиламиз бозорда, девдилар, – маълум қилди Соҳиба опа. – Айтяпман-ку, сизга ўхшаш ерлари бор экан деб...

– Қарзам бўлиб улгурибдими? – энсаси қотди Журъатнинг. – Бунақа экан нима қиларди олди-сотди билан шуғулланиб?!

Ўғлининг терс овоздаги сўзларидан сўнг Соҳиба опанинг кўнгли чўкиб «шилқ» этиб тушди. Кўзлари пирпиради, яна улардаги учқун сўнди. Худди шундай, юзидаги қизиллик ҳам тезда ғо-

йиб бўлиб, бола-чақасининг ташвишида ғам-андуҳга тўлган аёлларда учрайдиган ифода юзига қалқиб чиқди. Журъатга нима дейишини билмай, кичик ўғлининг ёнини олгандай бир овозда маълум қилди:

– Унча кўп эмас экан. Йигирма-ўттиз минг атрофида, шекилли. Буларнинг укалари: «Бизниям ишимиз юришмай қолди. Иложи бўлса шу ой ичида тўғрилаб берсинлар», деб кетдилар. Яхши йигит эканлар, унақа қаттиқ гапирмадилар ҳам...

– Тўғрисини айтибди. Молини фирмадан олишолмаяпти. Фирмани, буларнинг молларини опкеб берадиган фирмани йўлда ушлаб, омборига қулф солиб қўйибди, муҳрлаб кетишибди текширувчилар, – деди Фақирий, кейин Қуёшбекнинг гапини эслатгандай бўлиб Журъатга қараб қўйди. – Муҳрлаб кетишибди текширувчилар!..

Журъат укаси уни ҳам анчага туширганини эслади. Эсладию жиғибийрони чиқди.

– Емоқнинг қусмоғиям бор-да, опа, тўласин энди! – деди онасига бақрайиб.

Ўғлининг қўрс гапидан Соҳиба опанинг юраги увушиб, орқасига тортиб кетди. Ичидан бир нарса «чирт» узилгандек бўлди. «Недурки, мениям анчага туширувди демоқчи бўляпти», деган фикрга боргани учун ҳам Журъатдан ранжиган бир овозда:

– Ҳозир тўлайдиган аҳволда эмас. Хотини Шоҳидадан пул олиб юрганмиш, – деди.

– Мен энди нима қилай, опа? А, айтинг?.. – кутилмаганда паст келди Журъат. – Бошимам қотиб қолди!

– Бир насиҳат қилиб қўй. Ҳар ҳолда катта акасисан. Иннайкейин, керак бўлса қулоғини бураб қўй, дейман-да!

– Қулоғини бураш бўлса, ана Суҳбатга айтинг, у жуда уста қулоқ бурашга, – кесатди Журъат. – Ана шулар, Эркабой акам икковлари бузди бунингизни болалигидан. Чойхонада ўтириб, чойни чифир қилиб ичишиб, буни кайфи етмагандай, «қуруғи»дан ўраб чекишиб, – деб нашага ишора қилди Журъат, – бунгаям «тортиш»га беришиб, мана оқибати нима бўлди? Ўзларини эмас, ўзлари буқадай пишқириб, ҳар якшанбада ошни дамлатиб еб юришибди, маишатлари зў-ўр, бу болани балога гирифтор қилдилар! Ҳа, опа, «Чойга наша қўшиб дамлаб кел», деб чойнакни қўлига тутқизавериб, кейин унгаям мазасини синаб кўришга беришавериб, охири Суръатни балога гирифтор қилишди! Ўзлари эмас, уни жарга қулатишди! Мана Суҳбатингизнинг сизга қилган яхшилиги!..

– Шунақа бўлишини билибдими уям! Билса шу ишни қилармиди?! Бу боланинг бу йўлга кириб кетишини ким туш билибди?!

– Ҳамиша шунақа! Чора қолмаганда менинг олдимга келасизлар! – деб онасидан ҳам, укаси Суҳбатдан ҳам ўпкаланди Журъат.

– Бошқа кимгаям айтардим, ўғлим! Бегона бўлса майли эди, ўз уканг-а!

– Мен бир марта унинг ўртасига тушиб мана бундай бўлганман! – қўли кўмагида томоғини «тилиб» кўрсатди Журъат. – Энди мени тинч қўйинглар! Менга у ҳақда гапирманглар!

– Мен гапирмасам, сен гапирмасанг, ким гапиради, ахир?! – ўғлидан норозиланди Соҳиба опа.

– Ана, Суҳбат гапирсин, деяпман-ку!

– Суҳбат бошқа, сен бошқасан. Сен ўқигансан, оқ-қорани танигансан, – деди Соҳиба опа, у бу гапи билан ўғлини ийдирмоқчи бўлди.

Журъатга онасининг ана шу гапи таъсир этди. Фақирийга ёш болаларга ўхшаб қараб кулиб қўйди. Сал юмшади-да:

– Шоҳида ҳалиям торт-порт пишириб сотяптими? – деб сўради.

– Яхшиям шу ҳунари бор экан, рўзғорини ишқилиб тебратиб турибди-да, – деди Соҳиба опа.

– Суръат ўзи қани?

– Бир жингала сочли йигитга қўшилиб қолган-да! «Шунга ўхшаган бир-иккиталар билан чиқиб кетишни ўрганиб қолдилар», дейди-да Шоҳида!

Журъат Фақирийга, Фақирий эса «Ботир эмасмикин?», дегандай унга ташвишли бир нигоҳда қараб олди.

– Анави эски ошнаси Ботир бўлмасин тағин?! Хўп оғайнини топибди-да, агар ўша бўлса?! Тағин бу анави нарсани ҳидлашга ўргатувди-ўргатувди, энди мана бу ерига уришга ўргатиб ўтирмасин, – деб қўл ишорасида билагига игна санчган бўлди Журъат. – Ана унда кўринг томошасини!..

– Хотиниям худди шу гапни айтяпти, – хомуш бир қиёфага кирди Соҳиба опа. – Сенинг гапингни қилди Шоҳидаям!

– Унақалардан нари юргани яхши эди-да ўғлингиз! Яхшилик чиқиши қийин улардан! Унақалар туппа-тузук одамларни жарга улоқтиришдан ҳам тоймайдилар! – деди Фақирий, кейин ана шу Ботир ҳақида Журъат ундан сўраганида айтиб берган гапларини хаёлидан бир ўтказди, ўтказдию ўша гапини эслатгандай яна унга қараб олди. – Мен уни яхши биламан!..

– Ошнанг олақарға бўлса емишинг бир нарса бўлади деган гаплар бор-а? Ана ўшандай бўлиб ўтирмасин тағин!.. – юраги бир нарсаларни сезиб, хавотирлангандан хавотирланди Соҳиба опа.

– Худди ана шундай бўлиши мумкин! – деди Журъат. – Ўзи бир марта совуғини егандику-я! Ҳалиям ақл кирмабди-да бу гумроҳга!

– Шуни йўлдан қайтармасанг бўлмайди, жоон болам, – унга ялинди Соҳиба опа. – Шу ишни қилмасанг бўлмайди...

– Мана бу одамнинг укаларидан қарз экан-ку, энди қандай тўлайди? – сўради Журъат.

– Бир бало қилиб тўлаб юборар. Суҳбатингам қараб ўтирмас, – кўзлари ёшланиб, бурни ачишди Соҳиба опанинг, шу дамда қўлида ушлаб тургани кийимликлар ҳам унга татимади. «Ҳеч бўлмаса ана шуларни сотиб юбориб ҳам қарзини бериб юборарман», деб хаёл қилди. Аммо бу дилидан ўтган ўйни ташқарисига чиқармади.

– Менам бир айтиб кўрарман, балки улар кечиб юборишар, – деди Фақирий, унга Соҳиба опанинг сўзлари ҳам, туриш аҳволи ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади, илло у ҳам ичида: «Бу гапни қандай қилиб Абдумаликка айтаман. Шундай дейдирган бўлсам, жаҳли чиқиб мени еб қўяр! «Сени боқувдим-боқувдим, энди бошлиғингнинг укасини қарзиям менинг бўйнимгами? Каттангга яхши кўриниш учун укасининг қарзидан кечишимни истаяпсанми?», демайдими? Худди ана шундай дейди, шу гапни айтади!», деб ўйлаб ёнидагилар сезиб қолишидан чўчиб, дарров ўзини қўлга олишга тутинди – юзини ён томонига бурди.

– Йўқ, уни берамиз, айланай, не ҳасратда топишган пуллари-я! Иннайкейин, қиёмат қарз ҳам а?! – деб бошини у ён-бу ён тебратиб, «буни бермаса бўлмайди», деган бўлди Соҳиба опа.

– Майли, менинг ёнимга юборинг уни, бир акангга учрашар экансан, денг, – деди Журъат,

шу пайтда қўлидаги уяли телефон жиринглаб қолди. У уни қулоғига тутди-да: «Эшитаман», деди, сўнг эса бирдан чеҳраси қуёшдай ёришиб, тез-тез нари юриб онаси ва Фақирийдан ўн-ўн беш қадам нарига – машинаси орқасига ўтди-да, бу томонга орқа ўгириб машина капотига суянганча суҳбатга киришди.

Унга шу пайтда телефон қилган Покиза бўлиб, у эртага Лабзакдаги уйига бориб келиши кераклигини, у ерда туман партия кенгашида сўзлаши кутилаётган нутқини қолдирганини ва озроқ пул ҳам олволиши кераклигини маълум қилиб: «Агар вақтингиз бўлса эртага тўртларга мени обориб келарсиз», деди. Журъат ўзида йўқ севиниб кетди. «У ерда қолдирган нутқи бир баҳона бўлаяпти, асли кўнгли бошқа нарсани тусаётган бўлса керак», деган ўй ҳам бир сонияда дилидан ўтиб улгурди. Кўнгли суст кетиб, вужуди қалтираёзди. Ўзи сезмаган тарзда онаси ва Фақирийга эшиттириб: «Албатта бораман! Ўзим обориб опкеламан сизни! Йўқ, йўқ, у иш қайтарилмайди! Анави айтганингизниям бажардим! Сиз хурсанд бўлсангиз бўлгани!», деди-да, яна уч-тўрт бор «хўп-хўп», «яхши-яхши», деб тиржайиб, онаси ва Фақирийга тескари қараб олиб, юмшоқ, мулойим овозда мулозамат қилиб жавоб қайтаргандан сўнг телефонини ўчирди-да, бошқача, кўтаринки бир кайфиятда улар турган сершох акас тагига қайтди. Ҳеч нарсани билмагандай, ҳеч нарсани сездирмагандай бўлиб:

– Бўпти, опа, менинг олдимга юборинг уни, бир тарбиялаб қўямиз-а? – деб беш-ўн дақиқа илгариги ҳолатига зид бўлган бошқача бир кўтаринки кайфиятда Фақирийга қаради.

Фақирий телефондаги суҳбатдан сўнг унинг руҳий ҳолати умуман ўзгарганини, сўзлари ҳам дадиллашиб, кўзлари ҳам чақнаб кетганидан хулосаланиб: «Журъат, ҳойнаҳой, бирорта аёл билан сўзлашди, шекилли. Ўлай агар ростданам бу аёл киши билан гаплашди!», деган хулосага борди.

Соҳиба опа ҳам «қани эди, ҳамиша ана шундай юрса», дегандай унга ажабсиниб нигоҳ қадади-да:

– Барака топ, ўғлим, шунақа қилгин, – деди.

Журъат шериги Фақирийга юзланиб:

– Қани, кетдик, – деди-да, онаси билан қуруққина хайрлашиб, шахт билан машинаси томон юрди. Фақирий ҳам Соҳиба опа билан хайрлашиб, бошлиғининг ортидан кетди.

Улар олдинма-кетин машинага чиқиб ўтирдилар.

– Уйга кирмай кетяпсизлар-да, бошқа бир келинглар, – деди Соҳиба опа ойнадан унга ачингандай қараб турган Фақирийга, ортидан эса ўғлига сўзланиб: – Мана булар учун катта раҳмат. Ҳа, айтгандай, болаларингни бир опкелгин, одам соғинар экан уларни, – деди.

Онанинг сўнгги гапларида ўтинч аломати бор эди, ана шу аломатга Фақирий дарров диққатини қаратди, қаёқдандир кўзлари ёшланиб кетаёзди, қирра бурнининг учи ачишди.

Журъат «хўп» ишорасида бош тебратди-да, кейин «бўпти» дегандай қўлини онасига силкитиб қўйиб, машинасини ўт олдирди, бирор сониядан кейин сигнал бериб қўйди-да, фақат кўтаринки кайфиятда ёхуд ўзи ҳақида яхши гап эшитганидан хурсанд бўлиб кетганида қиладиган ҳаракатлар қилиб, жиддий, босиқ ҳолатидаги ўзини баланддан тутишига, савлатига, салмоқланиб юришига, умуман савлатини намо-

йиш қилишга хос бўлмаган, айни дамда бачкана туйилувчи бир чаққонлик билан ғизиллатиб орқаси билан уни ҳайдаб, қатор тушган тўққиз қаватли уйлардан узоқлашди.

54

Сокина хоним ўша куни Журъатни кузатиб қоларкан: «Менам томошангни кўрадиган кунлар кеп қолар, менам сенинг устингдан хў-ўп, кў-ўп куларман», деб қолган эди-ю, аммо кейин икки-уч марта тушига ўғли кириб чиқиб, уни ҳадеганда хомуш, қора харсанг тош устида қурбақалар қуриллаб сайраб ётган лойқа, кўлмак сувга тикилиб ўтирган ҳолда кўравергани учун ҳам кўнглига тукқан ўша нияти туфайли ҳам ҳадеб тушига ўғли хомуш ҳолда киравергандек туйилган, боз устига, уч-тўрт йил бурунги, Журъатни жияни орқали жазолаганда у худди мана шу ерга келиб қилгани иддаосини эслади. У ўшанда: «Мен бир етимман, етимнинг ҳақини ейишдан қўрқмайсизми?», деган, шундан икки-уч йил ўтгач ўғли билан ана шу ҳодиса юз берган, Сокина хоним кейинчалик ҳам унда-бунда Журъатнинг ўша гапини хотирлайдиган бўлиб қолганди. Мана энди у дўконининг қарорини сўраб келганида, у ҳақда ҳар турли салбий хаёлларга бориб, ичида юқоридагига ўхшаш хулосаларга келиб, уни кузатиб қўйганидан сўнг, кетма-кет икки кун ўғлини туш кўравергач, ўша ичида айтган гаплари ҳадеганда кўнглини ғаш қилаверди. «Кел, – деди у шу бугун ўзига-ўзи. – Кел, нуқул тушимга Файзулла кириб чиқяпти, бориб неварам Ферузни, кели-

нимни кўриб келай, баҳонада дўконга тегишли бошқа ҳужжатларниям йиғиштириб келарман. Зора, уларнинг ичида Журъатни ҳужжатлариям чиқса. Энди бундай ўтираверишб бўлмайди. Ҳеч бўлмаса қўл-оёқли бир йигитлардан шерик топиб дўконни яна ўзим юритишим керак», деди, сўнгра Қуёшбекнинг иши юришмай қолганини, унга бериб қўйгани беш-ўн минг доллар ҳам сувга оқиб кетиши мумкинлигини ўйлади. Мазкур омадсизликлари сабабини ҳам бировларга қўлидан ёки тилидан кўрсатган ёмонликларига, бадниятларига боғлагани учун ҳам яна кўз олдига Журъат келишини қўймади. «Бари бир мен унга бирорта яқини қилмаган яхшиликларни қилувдим. Дўконимга кириб келганида чўнтагида хемири йўқ бир безоринамо дайди эди. Мен ҳатто, ўз онасининг юзига тупургудай бўлган ана шу кўча-безорини одам қилиб, катта бир дўкондорга айлантирдим. Менинг соямда кўплар орзу қилиб етишолмайдиган ўқишларга кириб ўқиди. Аммо охир-оқибат менинг юзимгаям тупурди», деб ўйлади, пировардида эса: «Майли, шундаям менга асқатиб қолар, мана бу ёқда дўконни юрғизишга шерик қидириб юрибман, унданам бирор кор-ҳолда фойдаланарман. Қани, қарорини топиб қўяй-чи, бундан бу ёқ ўзини қандай тутаркин, кўраман», деган ўй-фикрларга бориб, «Ҳозир кийинаман-да, битта-яримта такси тўхтатиб Ўрдага, Файзулланикига бораман. Марямни юбориш бефойда, бари бир у нарсаларни қиз бола нарса тополмайди», деган тўхтамга келиб турган ҳам эди, дарвозаси ёнига машина келиб «ғиқ» этиб тормоз берди, ортидан унга таниш бўлган «Волга»нинг сигнали чалинди. «Қуёшбек

келди, чоғи. Худонинг ўзи уни менга етказди», деб ўйлади Сокина хоним, сўнг эса эндигина ҳаммомдан чиқиб айвондаги кўзгу рўпарасида туриб олчаранг фенида сарғимтир бўёққа бўяган сийрак сочларини қуритаётган кенжа қизи Марямга юзланиб: «Поччанг келди. Айвонгами, ҳув анави ергами ўтқазиб, чой-пой қилиб тур. Мен ҳозир чиқаман», деди-да, куёви кириб келишини ҳам кутиб ўтирмай, кийиниш учун ичкари уйга кириб кетди.

У қайтиб чиққанида Қуёшбек ҳовлининг тўридаги стол атрофида чой ичиб ўтирганди, қайнанасининг кийиниб чиққанини кўрди-ю, «айни муддао бўлди-да», дегандай қўлларини бир-бирига уриб қоқиб, ўрнидан сапчиб туриб кетди. Унинг истиқболига пешвоз чиқиб, салом берди.

– Ўтираверинг, чойингизни ичаверинг, Қуёшбек, – унга манзират қилди Сокина хоним. – Муниса яхшими? Софияни, Аждарни опкелмадингизми?..

– Мен тўғри бозордан келяпман, – деди Қуёшбек, қайтиб ўрнига ўтирди.

– Ҳа, бозорларда тинчликми? Савдолар бўп турибдими? – сўради Сокина хоним, унинг сўроғидан сўнг куёвининг пешанаси тиришгандан-тиришганини кўриб савдоси бўлмаганини, иши юришмаганини ҳис этди.

– Ҳа, бўляпти, насибага яраша, – деб қўйди Қуёшбек, қайнанасининг олдига жиддий бир масалада, анчадан буён ололмаётгани моли хусусида келганини ташқи авзойидаги ташвишли бир нигоҳи ошкор этди. «Нима қилдим энди?», деган бир мазмунни ифодалаб сўл юзининг иягига яқин ерини қашигандан-қашиди.

Сокина хоним илгарилари давлат идорасида ишлаган, муҳандисликка ўқиган куёвининг

ҳаёт тақозоси билан дўконда, ундан сўнг эса бозорда тижорат билан шуғулланиши мумкинлигини етти ухлаб тушида кўрмаганини ташқи қиёфасидан англаб етган бўлди. Яна унинг юзларига, юриш-туришига, ҳатто сўзларига ҳам бозорнинг, бозорчиларнинг таъсири ўтганини кўрди. Ўзи томондан берилган саволга Қуёшбекнинг: «Ҳа, бўляпти, насибага яраша», деб жавоб қайтариши бунинг яққол мисоли эдики, ҳатто куёвининг бу жумласи унинг кулгисини қўзғади. Боз бу жумла унинг табиатига, новча, ориқ, сап-сариқ тусига номутаносибдек, номуносибдек кўринди унга.

Буни Қуёшбекнинг ўзи ҳам сезди. Юқоридаги жавобидан сўнг қайнанасининг юзида кулги пайдо бўлганидан, бир нарсаларни ўйлаб, ўйланиб жим қолганидан ўнғайсизланди. Ана шунинг учун ҳам муддаосига кўчиб:

– Бирда сиз: «Бозорда илгари дўконларда ишлаган йигитлардан борми?», деб сўраганингизда бир йигитнинг исмини айтувдим-ку, мен билан Пекинга борган Абдумалик деган йигитни, илгари универмагда, кейинроқ фирма-дўконида ишлаган яхши бир йигит бор, девдим-ку... шу бир гап топиб келди, – деди.

– Қанақа гап?

– Уям мен топширган фирмага молини топширувди-да, уям ололмаётганди...

– Хўш?

– Шунинг ва яна бир-иккиталарнинг айтишича, баъзилар эвини қилиб, орқаворатдан молини ундириб олаётганмиш-да!..

– Ахир, мошинниям ушлаб, муҳрлаб қўйганмиш девдингиз-ку?!

– Шундайликка шундайку-я, аммо биласиз-ку, қаловини топса қор ҳам ёнади дейди-ку ҳали...

Сокина хоним куёви кимни ва қай йўлни тутишни, нима қилиш керак эканини назарда тутаётганини сезгани учун ҳам:

– Нима, Қўзивой тоғамга учрашайлик, дейсизми? – деб сўради.

Қуёшбекнинг юзи сал ёришди:

– Аввал фирмадагиларнинг олдидан бирров ўтамиз-да! Улар «бизлардан берухсат ҳар хил одамларга учрашиб юрманглар», дейишувди-да!..

Сокина хоним куёвининг шахтини қайтаргиси келмади. «Қуёшбек шуни истаяптими, аввал у билан айтган ерига бориб келақолай», деб ўйлади.

– Сиз нима десангиз шу, – деди у. – Молингизни топширган омбор қаерда ўзи?..

– У ерларни Олмазор дейишаркан! Қорақамишга кетаверишда!..

– Э-эээ, Ишчилар шаҳарчасидан ўтгандами? Бўпти, қайтишда Ўрдага, Файзулланикига кириб келамиз, – деди Сокина хоним, кейин куёви чойини ичиб бўлишини кутди, у ичиб бўлгач, юзига фотиҳа тортди-да: – Бирпас кечиксангиз мен чиқиб кетарканман-а, ўша ёққа отланувдим, – деди, шу яқин атрофда куймаланиб юрган қизи Марямга уй ишлари бўйича бир-иккита топшириқлар берган бўлди-да, ўрнидан қўзғалиб, Қуёшбекнинг олдига тушди...

Қайнана-куёв Тахтапулнинг орқасидаги юқумли касалликлар шифохонасига девор-дармиён қўшни бўлган, атрофи бетон девор билан ўралган, уларнинг юкларини олиб келган фирма омборига кириб борганларида, ҳайҳотдай ҳовлидаги балки тут тагида – чорпояда уч киши ёнла-

ридан оқиб ўтадиган ариққа ташлаб қўйганлари мошранг мешдаги қимизни икки литрли шиша идишга қуйиб олиб ичиб ўтирганларининг устидан чиқиб қолишди.

Улардан бири, омбор қоровули бўлса керак, ёши олтмишлардан ошган, қоратўридан келган бўлса ҳам баданини оқ доғ босиб кетган қирғизқовоқ, қисиқ кўз, иркитроқ бир одам эди. Иккинчиси, эгнига эски трикотаж кўйлак, тринка шим кийиб олгани юзи чўтир, мўйловли бир йигит бўлиб, ёши йигирма беш билан ўттизлар орасида; томирлари ўйноқлаб, бўртиб турган йўғон билакларидан куч ёғилиб турарди. Кўринишининг ўзиёқ у шаҳарлик эмаслигини, вилоятдан Тошкентга иш ахтариб келганлардан эканини ва охир-оқибат шу омбордан қўним топиб, бу ерда ҳаммоллик қилаётганидан ёхуд нарироқда турган юк ташувчи қизил аравачада мол юклаб-мол тушириб бериб юрганидан дарак берардики, буни ўтирганларнинг назарида бадавлат аёллардайин ёинки битта-яримта қорни катта амалдорнинг хотинидай, хотин бўлганда ҳам ишбилармон, тилга бурро ойимчалардай кўринган Сокина хоним дарров пайқай қолди. Пайқадию пастдагиларга мурожаат этмай, юқорида ўтирган, товуқникидай ингичка бўйнига қалин сариқ занжир осиб олган, ўнг қўлининг узун бармоқларидан бирига эса хусусий заргар томонидан ясалгани яққол кўриниб турган тўгарак, жимжимадор тилла узук таққан, сўл қўлида сигарет қутисидай уяли телефон ушлаб олган, ёши ўттизлар атрофидаги, замонавий янги олифта ўзбеклардай бежирим кийинган, юз-кўзлари ҳам чақноқ-бежирим, ана шу чуваккина

бежирим юзига яраштириб сал ўнг томонига қияланган япасқи бурни остига иягига довур тортилган ингичка мўйлов қўйган, қошлари аёлларникидай пайваста, сўл тарафдаги мўйловининг тепасида мошдайин холи бўлган, кўринишидан тижоратчилардан ҳам кўра кўпроқ киноактёрларга ўхшаб кетадиган бир қиёфадаги йигитга мурожаат этиб:

– Саломалайкум укалар, бу ернинг каттаси сизмисиз? – деб сўради, сўрадию Қуёшбекка бир қараб қўйди. Унинг қарашида «мен янглишмадим, шекилли, одамига мурожаат қилдим-а?» деган мазмун ҳам зоҳир эдики, ана шу мазмунни куёви уққани учун ҳам орага тушмай жим тураверди.

Тўрдаги йигитга Сокина хонимнинг савлати ҳам, дадил муомаласи ҳам таъсир кўрсатгани боис, ўрнидан сапчиб қўзғалди. Ариқ тарафга ечиб қўйгани сўнгги урфдаги учи тўмтоқ жигарранг туфлисининг товон томонини босганча кийишга тутинди. Уни судраб Сокина хонимга яқинлашди: аёлнинг йўғон, дадил сўроғидан, ваҳимали туйилган қирғий бурнию қалин тилла билагузук, устига-устак тилла суви суртилган тасмали тўртбурчак соат тақилган гўштдор оппоқ қўлларини осилтириброқ туришидан, яна орқасидаги унда-бунда омборга келиб турадиган сариқ-машак йигит хонимнинг олдида сувга тушган бўлка нонидай «бўки-иб» туришидан бирор нозикроқ жойда ишлайдиган чапани, эркакшода, бойвучча оқсуяк ойимчалардан бўлса керак, деган хаёлга боргани учун ҳам:

– Баҳодир ака йўқ эдилар, мен у кишининг укалари бўламан, – деди, ортидан «бу аёлни нега судраб келдинг?», деган бир мазмунда Қуёшбек-

ка кўз югуртириб олди. – Хўш, опа, нима ишингиз бор эди?..

– Сизниям фирмага алоқангиз борми ука? Сизам ҳал қилаверасизми ишларни?!

– Ҳа, ҳа, опа, менам уларнинг ёрдамчиларидан-ман. Қулоғим сизда, – шошиб қолди йигит.

– Исмингиз нима, ука?

– Ботир, – деди йигит, кафти терлагани учунми ё асабийлашгани боисми, ўнг қўлидаги уяли телефонини ингичка, узун оёқларига ёпишиб турган тўқ кўк шимининг орқа киссасига солиб қўйди.

– Ботиржон, бу йигит менинг куёвим бўладилар, исмлари Қуёшбек.

– Ҳа, ҳа, биламан. Бу ерга келиб турадилар, кўрганман... – тағин ҳам шошилиб жавоб қайтарди Ботир, Сокина хонимнинг салобати босгани сабаб сўзини охиригача эшитмай.

– Кўрган бўлсангиз, биз ўша ололмаётганимиз моллар хусусида келдик. Ўзи нима гап, ука?

– Ҳаммаси жойида бўлади, опахон, фақат озроқ кутиш керак, озроқ сабр қилиш керак.

– Қачонгача сабр қиламиз оповси, сабр косамиз тўлди-ку, ахир! Икки ойдан бери моллари-ни ололмайдилар-а бу киши!.. Ахир, сизларнинг айбларинг учун савдогарлар зарар кўрадими? Буларда нима гуноҳ?!

– Буларда ҳеч бир айб йўқ. Энди биласиз-ку опа, озроқ ишкал чиқиб қолди-да, – тутилди Ботир. – Ишда бўларкан-да!

– Мабодо бир нима бўлиб молларини ололмай қолишса-чи? Орган билан ҳазиллашиб бўлмайди! Конфискация... ҳалиги давлат ҳисобига мусодара қилиб юборса нима бўлади?! Булар бориб айти-шолмайди! «Долларни қаердан олдиларинг? Қанча

долларлик мол опкелдиларинг?», деб буларнинг бошини қотириши мумкин-а?! Биласиз-а?!

– Ҳа, биламиз. Айрим аёллар ҳовлиқиб бориб ишни бузиб, пачавасини чиқариб қўйишди-да! Ана шундай қилиб ўзларини тутиб беришди! Энг ёмони, осон битиши мумкин бўлган ишни чигаллаштириб юборишди!..

– Бизларниям тушунинг-да! Сизларнинг айбингиз учун куйиб қолишни истамаймиз. Иккинчидан, мавсум ўтиб кетяпти, энди молни олганимиздаям бу йил сотолмаймиз. Аввалambор омон-эсон олволайлик-ку!.. – дея зўрма-зўраки жилмайди Қуёшбек, у фирма эгасининг укасига қаттиқ гапириб қўйишдан чўчигани учун ҳам иддао қилгандайин бир овозда сўзлаб, ана шундайин зўрма-зўраки тиржайишга мажбур бўлганди.

– Оласизлар! Биз кафилмиз-ку, ҳеч қаерга кетмайди молларинг!..

– Ўзи шартнома-партнома тузганмисизлар? – куёвидан сўради Сокина хоним, у «йўқ» ишорасида бош чайқатгач, Ботир томон ўгирилиб: – Шартномасиз ҳам кафилликни бўйниларингга оласизларми? – деди, кейин таажжубланаётганини ифшо этиб бошини ўнг ва сўл ёнига силкитиб, қисқагина кулди.

Ботир ҳам ўз сўзида қатъий туриб, ишонч билан:

– «Ҳа» деяпмиз-ку, опахон. Ҳеч қаёққа йўқолмайди, тўлаб берамиз, – деди ваъдани қуюқ қилиб.

– Тўлаб беришингларга ҳеч ишонмаяпман-да! Шартнома бўлмаса иш хом эканини менданам яхши биласизлар-ку, ука! Булар қаергаям бориб арзини айта оларди?! Кимам эшитарди бу шўрликларнинг додини?!

– Энди бошқа йўлимизам йўқ эди-да, ойи. Арзонроққа опкеб беришади, деб шуларга топшира

қолувдим, – айбдор одамдай синиқ бир овозда маълум қилди Қуёшбек. – Агар шунақа бўлишини билганимда-ку... бормай қўя қолардим-а!..

– Арзоннинг шўрваси татимас, деб шуни айтади-да, ўғлим. Бунақа ҳужжатсиз ишлар қанақа йўллар билан қилинишини мен жуда яхши биламан.

– Буларам сиз айтаётган фирмаларга топширишса қимматга тушиб кетишади-да, опа, бозор эса кўтармайди. Рақобатни биласиз...

– Таваккал деб топширувдим-да, аслида шу ишни қилмасам бўларкан, – кўнгли чўкди Қуёшбекнинг.

– Сизлар йўлини қилиб арзонроққа опкираётганингизда бўлган-да, а бу воқеа? – Ботирга юзланиб суриштирди Сокина хоним. – Мен бу ишларни биламан, савдода суягим қотган!..

– Биларкансиз-ку опа, кўза ҳар куни эмас, кунида синаркан. Шаҳар ичкарисига опкириб берадиган одамимиз панд бериб қўйди-да! Нима қиласиз энди?!

– Бунақа ишларнинг охири нима билан тугаши мумкинлигини мен жуда яхши биламан, оповси. Энди бўладиганини айтинг, ҳаракат қиляпсизларми? Мен манавини назарда тутяпман, қўрқмай айтаверинг, бусиз битмайди мунақа ишлар, – деб бош бармоғи билан кўрсаткич бармоқларини бир-бирига ишқаб порани назарда тутди Сокина хоним. – Ёки ўзимиз ҳаракат қилайликми? Биз фақат сизлар аралашган ишни бузиб қўймайлик, деб ҳозирча жим турибмиз-да, йўқса қўлимиз ҳар қаёққа етади! Кўчада қолган одам эмасмиз! Ҳар одамларимиз борки, ҳатто республика прокуратурасигача чиқолади! Керак бўлса ундан у ёғигаям!.. Кўчада қолган эмасмиз деяпман-ку!..

– Кўрини-иб турибди, – деди Ботир. – Аммо ҳозирча жим турганинглар яхши, иш учун. Бирор ўн-ўн беш кунлар ичида ҳал бўлиб қолса керак. Яхши томонга ҳал бўлади, Худо хоҳласа.

– Эшитишимизча, айрим тижоратчилар бошқа йўллар билан молларини олишаётганмиш-ку? – унга синовчан боқди Сокина хоним. – Бу ишни қилиш бизнинг ҳам қўлимиздан келади! Рост айтяпман!..

– Йўқ, у гап ёлғон. Анависи рост. Прокурорга борган аёлларни айтяпман. Аммо бориб арз қилишиб, бизгаям, ўзларига ҳам ёмон қилишган. Ишни чигаллаштириб юборишди. Биласиз-ку энди...

– Прокуратуранинг ўзи босганми сизларни?

– Ҳа, шаҳар прокуратурасининг коррупция бўлими. Шунинг учун анави гап нотўғри. То иш бир ёқлик бўлмагунича юк машиналаримизга бирорта одам яқинлашолмайди. Муҳрланган турибди бешта машинанинг барчаси. Қолганлари Қозоғистон чегарасида турибди.

– Тушунарли, – деди Сокина хоним. – Яна бари бир суриштирамиз.

– Ихтиёрингиз. Аммо ўн-ўн беш кунлар ичида ҳал қилолмасак, ўзимиз сизга айтамиз.

– Бўпти. Қўлинглардан келмаса мен бир-иккита одамларим билан гаплашиб кўраман, – деди Сокина хоним, сўнгра Қуёшбекка юзланиб: – Келинг, яна беш-ўн кун кутайлик, шу йигитларнинг сазаси ўлмасин, – деди, ортидан Ботирга нигоҳини қаратиб қўшиб қўйди: – Акангизга, албатта, менинг келиб кетганимни айтинг, хўпми, ука?!

– Хўп, – дея бош чайқаб қўйди Ботир, кейин қоровул қуйиб узатган косадаги қимизни Сокина хонимга тутди.

Сокина хоним «йўқ, раҳмат», деди, баданига оқ доғ тушган, иркит қоровулнинг қўлидан қимиз ичишга кўнгли тортмади, Қуёшбекнинг қимиз сипқаргиси келди-ю, аммо қайнанаси унга бир қараб қўйгач, унинг йўлини тутиб миннатдорлик билдириш билан чегараланди, холос. Улар бу ердагилар билан хайрлашиб, ташқарига йўналишди.

Дарвозадан чиқишга улгурган ҳам эдиларки, рўпараларидан – ариқнинг нариги бетида «Дамас»ини тўхтатган Абдумалик чиқиб қолди. У ҳам худди Қуёшбекка ўхшаб ташвишли бир қиёфада эди.

Қуёшбек у билан сўрашаркан, қайнанаси Сокина хонимга юзланиб:

– Сизга айтган Абдумалик деган йигит шу киши бўлади, – деди.

Сокина хоним келишган йигитларни яхши кўрарди. У ўттиз билан қирқлар орасидаги оқ-сариқдан келган, қора қош, қора кўз, тўғарак ва чўзинчоқ юзга мойил бўлган, сочларига оқ оралагани ҳам ўзига ярашиб тушган истарали, айни пайтда жиддий қиёфадаги Абдумаликни кўриши ҳамоно юраги жизиллаб, ўзини қўярга жой тополмай, шошиб қолди. У ахтариб юргани шерик бўларли йигит худди шунинг ўзидай туйилиб кетди унга. Абдумалик билан қизиқиб қолиб:

– Яхшимисиз ука, Қуёшбек сиз ҳақингизда кўп гапирадилар. Биз ўша масалада ҳозир кириб чиқяпмиз, йўқ унақа эмас экан, – деди куёвидан аввал, ўзига ёққан эркакларни учратганида шошиброқ, ҳовлиқиброқ кетарди, ҳозир ҳам у билан ана шу ҳодиса юз берди.

Абдумаликка гарчанд Сокина хоним очилиб, ўзини беғубордек тутиб сўзласа-да, унинг ташқи кўриниши, ясан-тусан кийиниши танноз, ки-

бор аёлларни эслатди. Шунинг учун ҳам у билан чўчиброқ, куёви Қуёшбекка қараб-қараб қўйиб сўрашиб, кейин ана шу йўсин сўради:

– Анави, бир-иккиталар молини олишнинг уддасидан чиқибди, деганимними?

– Ҳа, – деди Қуёшбек. – Анави Баҳодир аканинг укасига учрашдик. «Бу гап нотўғри. Яна ўн-ўн беш кун сабр қилинглар, ишни бузиб қўйманглар», дейишди.

Абдумалик Сокина хонимдан чўчибми-чўчимай, андишага бориб деди:

– Менга бу гапни Ўзбек бозорида Саттор айтувди-да, тилла тишли Саттор-чи. Иннайкейин, булар ҳар келганимизда: «Сабр қилинглар», деяверишади, сабрнинг ҳам чек-чегараси бор-да!

– Бир-иккита аёллар бориб ишни мураккаблаштириб қўйишибди-да!..

– Албатта-да! – ўзини қўлга олиб кулди Абдумалик. – «Долларни қаердан олгансан, қанчалик мол олгансан? Конвертацияни қаердан қилгансан?», деб бошларини қотириши аниқ. Уларнинг қўлига тушдингми, истаган нарсасини қилади. Валюта операцияси ҳақидаги анави эски статья ҳам ҳали фақат бизда кучда турибди.

– Худди шунга ўхшаш гапни аямлар ҳам айтдилар, – деб қайнанасига қараб қўйиб кулди Қуёшбек. – А, ая?..

Сокина хоним Абдумаликнинг ақли кўп нарсага етишини фаҳмлагани учун ҳам:

– Яна беш-ўн кунча сабр қилайлик, эплашолмаса бошқача йўл тутамиз, оповси, – деди, кейин «менинг қўлимдан ҳар бало келади», деган ишорани қилган бўлди. Бу билан у «мен билан дўстлашсангиз яхши бўлади», деган иккинчи бир мазмунга ҳам ишора қилди.

Абдумалик Қуёшбек айтгани ўзига ёрдамчи шерик ахтараётган дўкондор қайнанаси шу эканини сезгани учун ҳам бош тебратиб қўйди. Энди бир нима демоқликка чоғланган эди, Сокина хоним ундан илгари отни қамчилаб қолиб сўради:

– Қуёшбекнинг айтишига қараганда, илгари савдо соҳасида ишлаган экансиз-а?..

– Ҳа, – бош лиқиллатди Абдумалик.

– Универмагда ким бўлиб ишлагансиз?

– Институтни тугатиб бориб ҳисобчи, кейин бош ҳисобчи бўлиб ишладим.

– Нега у ердан кетдингиз? Нега ҳисобчиликни ташлагансиз, демоқчиман?

– Миннатдор бўлмайдиган иш экан. Дўконнинг ахлатини тозалар экансиз-ку, аммо косангиз оқармас экан. Ҳисоб-китобнинг, қоғозбозликнинг орасида ўралашиб юраверараркансиз... аммо...

– Аммо роҳатини бошқалар кўриб юраркан. Шундай демоқчисиз, топдимми? – кулди Сокина хоним.

– Тўғри топдингиз. Иннайкейин, ўзингиз кўрдингиз-ку, савдода ишлаган экансиз-ку, эски савдо тизими ўлди. Илгари барча моллар базалардан олинарди, ҳозир истаган пули бор одам опкелиши мумкин. Фақат мана бундай тўсиқлардан эсон-омон ўтолса бўлгани.

– Менга гапларингиз ёқяпти, Абдумаликжон, – илҳомланиб кетди Сокина хоним, кўнглига қаёқдандир ўзга бир истак келгани боис, ҳатто укиникига ўхшаш катта-катта кўзлари сузилиб ҳам кетаёзди. – Тағин қайсидир бир фирмадаям ишлаган экансиз-ку, а?!

– Ҳа, ГТИда ишладим. У ёпилиб кетгач, «Носир Нур» фирмасида ишладим.

– Қайси ишда? Ҳисобчиликдами?

– Йўқ, моллар қабул қилардим.

– Нега у ердан кетдингиз? Ахир, ҳозир «Носир Нур» корпорация бўлиб кетди.

– Бошлиғимизни танисангиз керак, бутун Тошкент танийди-ку Нуриддин акани. Мени мутахассис сифатида ҳурмат қиларди, биласиз-ку энди у кишини, янгича фикрлайдиган янги ўзбеклардан, аммо эркинлик унданам яхши нарса экан!..

Туйқус Абдумаликнинг сўнгги гаплари Сокина хонимга Журъатни эслатди, Журъат ҳам унга қачонлардир шунга ўхшаш гапни қилиб: «Сизга муте бўлиб юраверамаанми?», деган, уни илондан олиб, чаёнга олиб бориб тақаганди. Сокина хоним ана шуларни эсладию собиқ хизматчисига нисбатан дилида бўлган хусумати янада алангга ола бошлади. «Ҳали шошмай тур сен аблаҳни бир ялинтирмасамми?!», деб ўзига-ўзи қасд қилиб қўйди. Кейин яна Абдумалик билан эканини идрок этиб қолиб:

– Энди сизларга ўхшаган йигитларга бозорда юравериш ҳам тўғри келмайди-да! Устига-устак, мана бундай тўсиқлар эзиб юборади-да! Қисқаси, бозорларинг ўлган кўринади, беш-олти йил илгари бошқача бўлган бўлса бордирку-я!

– Буни тўғри айтдингиз, – иқрор бўлди Абдумалик, Қуёшбекка нигоҳини қаратиб олди. – Ҳозир солиқ учун ишлай бошладик-да, сизлардаям шундайми Қуёшбек?

– Шунинг учун мен сизга бир иш таклиф қиламан. Қуёшбек сизга айтдими-йўқми, менинг Қорасувда хусусий бир дўконим бор. Ҳозир ижарага бериб қўйибман, айрим сабабларга кўра... шундай қилишга тўғри келди-да! Энди шуни қай-

та ўзим юритмоқчиман. Истасангиз сиз билан тенг шерикчиликка юритайлик. Нима дейсиз? – куёви Қуёшбекка ҳам қараб қўйди Сокина хоним. – Ҳатто истасангиз ўзингиз бош-қош бўласиз, мен халақит бермайман. Мана, Қуёшбекни ёнингизга олинг, фақат мен билан маслаҳатлашиб турсанглар бўлди. Тўғрими Қуёшбек?..

– Менам Абдумаликка айтувдим, – деди Қуёшбек.

Абдумалик ўйланиб қолди. Бир томондан унга Сокина хонимнинг такаббурлиги ёқмаса, иккинчи томондан ҳали молларини ололмаганидан, яна эркини қўлдан чиқариб юборишдан, орқасида қараб турган уч-тўрт оиланинг рўзғори укаси икковига қараб қолгани учун ҳам бирор бир тўхтамга келолмади. Шунинг учун ҳам дилидагини айтиб:

– Бир нима дейишим қийин. Жуда қийин масала, – деди у бошини қашиб, сўнг эса Қуёшбекка қаради.

Қуёшбекнинг эсига бир нарса тушгандай:

– Ҳа, дарвоқе, шоирми-ёзувчи акангиз бор эканлар-а, Фақирий деган? – деди у ҳаяжонини яширолмай, ортидан қайнанасига юзланди: – Ҳозир Журъат ака билан ишлаётган эканлар. Ўтган ҳафтада бозорга тушишган экан, бир нима олишга, икковларини бирга кўрувдим. Олдимдан ўтиб қолишди.

– Э-э, Фақирий сизнинг акангизми? – ярим табассум, ярим истеҳзо билан сўради Сокина хоним, яна орага Журъат аралашганидан, у ҳадеб хонимни таъқиб қилавергандай туйилишидан ичида бир нарса чирт узилгандай бўлди, иккинчи томондан, Абдумаликнинг акаси айнан ана шу Фақирий бў-

либ чиққанидан унинг укасига қилган таклифи ҳақида ҳам ўйлаб қолди-да, деди: – Журъат икковлари келишувди меникига...

– Ҳа, энди ҳаёт тақозоси билан дўконда ишлаб туришларига тўғри кеп қолди, – деди Абдумалик, акасининг ўз соҳаси қолиб дам бозорда, дам дўконда сарсон юришларидан маълум маънода хижолатланди ҳам, ортидан акаси Абдурауфнинг оғир дард чекканларини эслаб яна бир хўрсиниб қўйди. «Ишқилиб сиқилиб қўймасинлар-да, ҳали дўконда ишлайман деб касаллари қайталаб қолмаса гўрга эди», деди ичида, акасининг куюнчаклигини эслаб яна бир хўрсинди.

– Ҳозир олим борми, дўхтирми, ўқитувчи дейсизми – ҳамма бозорда юрибди, тижоратчига айланган-ку, – орага тушди Қуёшбек. – Бунинг сира ажабланадиган ери йўқ!..

– Илгарилари лавозим керак эди, обрў-эътибор! Ҳозир пулинг бўлса ҳаммасига эга бўласан! Лавозимниям, обрў-эътиборниям сотиб олиш мумкин! – ақлли гап қилган бўлди Сокина хоним, яна кўз олдига қаёқдандир Журъат келақолди. Унга бирда айтган гапини хотирлади. «Сен жамиятда обрў-эътиборга, нуфузга эга бўлиш учун бизларга сақичдай ёпишиб олгандинг! Ҳатто эрларимиз билан дўст тутинишгача бориб етдинг! Сенинг ниятинг маълум!», деб унга таъна тошини отганди. Ҳозир энди айнан яна Журъатга ўхшаганларнинг ошиғи олчи бўлиб, чўнтагидаги пулга ҳамма нарсани сотиб оладигандай бўлиб кўринаверди унга. Ана шунинг учун ҳам Сокина хонимга уни ёдга олиш бир томондан жирканч туйилса-да, бошқа томондан Журъатдаги айрим хислатлар мароқлидай, кулгилидай кўринавер-

ди. Шу важдан ҳам дам ундан узоқлашишни истаса, дам яқинлашишни қўмсайверди. Яна собиқ шогирди эга бўлган бошқа алланималарни ундан юлқиб, тортиб олгиси ҳам келаверардики, у ана шу ёшдан ўтиб қолган бўлса ҳам нафси ҳали ўтиб улгурмаган, нафси ҳали ана ўша нарсаларга қонмаган, нафси чанқоқ эди ўша, унга битмас-туганмас лаззату ҳузур-ҳаловат бахшида этаоладиган шаҳвоний бир истакларига...

– Тўғри айтасиз, – кулди Абдумалик, – пул бўлса чангалда шўрва деганларидай, одамдан бошқа ҳамма нарсани сотволса бўлади.

– Э-э, содда экансиз ука... – эркакшодалик билан чапаничасига, кўзлари ёниб кетиб сўз қотди Сокина хоним. – Пулингиз бўлса, одамниям сотиб олиш мумкин! Одам у ёқда турсин, оламни сотволса бўлади!..

Бирдан Абдумаликка Сокина хонимнинг ҳақиқий башараси очилгандай, бирдан унга Сокина хоним ҳаммадан даҳшатли, ҳаммадан қўрқинчли, жирканч кўриниб кетди. Унга гўё аёл «жарақ-жарақ пулинг бўлса одамниям жарга улоқтирса бўлади, оламниям улоқтирса бўлади», деётгандай бўлиб кўринди. Ундан чўчиб кетди. Ортиқ у билан сўзлашгиси келмади. Уларнинг олдидан иложи борича тезроқ жўнаб қолишни истади.

– Майли, мен ичкарига кириб чиқай, – деб Қуёшбекка сўзланди-да, иккови билан хайрлашган бўлиб дарвоза томон юрди.

Сокина хонимнинг кўнглига Абдумалик ўтиришиб қолгани учун ҳам, унинг ички ҳолатидан бехабар, ортидан:

– Ҳалиги нарсани ўйлаб кўринг, ука, – деб қолди.

Абдумалик ортига ўгирилиб «майли» ишорасида бош тебратди-да, дарвозадан ичкарига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Сокина хоним куёвига қараб:

– Қани, кетдик Қуёшбек, Ўрдага қараб ҳайданг, – деди-да, ундан бурун машина томон одимлади.

Улар Лабзакдан ўтиб кетишаётганда, машина ойнасидан ўнг тарафига қараб келаётган Сокина хоним кутилмаганда гумбазсимон қилиб ишланган, очилганига уч-тўрт йил бўлган катта ҳаммомнинг ёнидаги ўн икки қаватли уйнинг тагига келиб тўхтаган кўк «Жигули»га кўзи тушдию сакраб кетаёзди. Рулда ўтирган Журъатни таниди. Ҳовлиққанча куёвининг елкасига туртиб: «Тўхтатинг, тўхтатинг», деди, Қуёшбек нима гаплигини тушунмай, қайнанамга бир нима бўлдими, деб ўйлаб машинага тормоз берди. «Волга» сал нарида «ғиқ» этиб тўхтади. Сокина хоним ҳовлиқиб ундан тушди-да, куёвининг таажжубланишига ҳам парво қилмай йўлнинг нариги қарама-қарши томонидаги кўк «Жигули»дан кўзини узмади. Ундан биринчи бўлиб Журъат тушди. Кейин илтифот кўрсатиб орқа эшигини очган эди, ичидаги аёл киши оёқларини ташқарига чиқарганини кўрди. Сокина хоним сочлари қирқилган, эгнига чиройли оқ кофта-юбка кийиб олган Покиза тушиб келганини кўргач, ўша ёққа кўзларини олайтириб боқди-да: «Ҳа, ҳа, ҳаммаси маълум. Рашид Нўъмонович нариги дунёга кетиб «пари» бунга қолибди-да! Сулаймон ўлиб, девлару парилар қутулишиб, айшу ишратларини суриб юрган эканлар-да!», дея мулоҳазаланиб, ана шу мулоҳазалари нима учундир уни титратиб юборди.

Ана шу ўйларидан сўнг у нима учундир Журъатни Покизадан қизғанибми, нима учундир яна ҳар икковини бўғиб ташлагиси келиб кетди. Ана шундай асабийлашган бир ҳолатда машинага қайтиб ўтириб, жаҳл билан эшикни тарақлатиб ёпди-да, куёви томонидан: «Кимни кўриб қолдингиз?», деб берилган саволга: «Эски бир танишимни», деб қуруққина, совуққина жавоб қилди-да, ўша ёққа ўзи истамаган бир тарзда яна ўгирилиб қўйиб: «Қани, ҳайданг, кетдик», деди, кейин то ўғлиникига боргунга қадар Журъат ва унга собиқ ҳоким Рашид Нўъмоновичдан ёдгор қолгани, яна унга жияни Қўзивой хотини билан ярашгач, узоқ бўлса ҳам қариндошга айлангани Покиза ҳақида ўйлаб, ўйланиб, гоҳ унга ҳаваси келиб, ортидан эса ҳасади қўзғаб, уларни шарманда қилиш йўлларини қидириб, кўнглига бир нарсаларни тугиб, яна иккиланиб, ёши ўтиб, ҳаётнинг кўп лаззатли томонларидан маҳрум бўлиб қолганини ҳис этиб, ич-этини еб, ич-этини бир нарса кемириб кетаверди...

55

Журъат ишхонасига чоракам бирга яқин етиб келди. Хонада телефонда Мактуба билан суюлиб гаплашаётган Мирзоҳид бошлиғи дорихонага кирганини сезиб аёлга: «Мен кейинроқ телефон қиларман, одамлар келиб қолишди», деб баҳона қилиб телефон гўшагини жойига қўйди. У ҳали ўрнидан қўзғалиб улгурмаган ҳам эди, Журъат ҳовлиққандай бир тарзда эшикни очди-да, ичкарига ҳам кирмай, остонадан:

– Қани, кетдикми Зоҳид, жумага кеч қолмайлик, – деди, соатига қараб олди.

– Шу ўзимизнинг «Яккасарой»га чиқамизми? – сўради Мирзоҳид, бошлиғига яқинлашиб одатдагидай қучоқлашиб эмас, қўл бериб сўрашди.

– Йўқ, «Занги бува»га борамиз.

– Улгурамизмикин?

– Улгурамиз. Менинг машинамда кетамиз, – деди Журъат, сўнг эса Фақирийни суриштирди.

– Фақирий бўлимда, Дариҳа билан молларнинг рўйхатини ёзишаётганди, – деди Мирзоҳид.

Журъат орқасига қайтиб, идора анжомлари сотиладиган бўлим эшигини бориб очди-да, ичкаридаги хизматчилари билан сўрашган бўлди, сўнгра Фақирийга юзланиб:

– Биз билан жумага борасизми, Фақирий? – деб сўради.

Унинг оғзидан «жума» сўзини эшитгач, Фақирий «йўқ» дея олмади.

– Ҳа, майли, – деди.

– «Занги бува»га борамиз. Қани, юринг, – уни шоширди Журъат, ташқарига чиқишганида эса: – Ўзи таҳорат борми? – деб сўради.

Фақирий Тошкент атрофидаги бу муқаддас зиёратгоҳга илгари бормаганини, аммо уни соҳибқирон Темур қурдирганини ўқиган, таърифини эшитган бўлганини ўйлаб хурсанд бўлиб турганди, бошлиғининг сўнгги саволи юрагига қаттиқ ботди, аммо шунда ҳам уни тўғри тушунган бўлиб:

– Ҳа, таҳоратим бузилгани йўқ. Бетаҳорат намоз ўқилмайди-ку, – деди.

Журъат уни синаган тарзда сўраганини маълум қилиб жилмайди, кейин машинасига бориб ўтирди-да, ён томонидаги, орқадаги эшиклари-

ни очди. Мирзоҳид олдига, Фақирий эса орқасига жойлашишди.

Улар «Занги бува»га етганларида, машинада ҳовли адоғидаги масжидга довур кириб бордилар. Журъат уни шохлари ҳар томонга тарвақайлаб, атрофини салқин қилиб турган қари чинор тагидаги бошқа машиналарнинг ўнг томонига – пастдеккина сув жўмраги ёнидаги бўш ерга олиб бориб тўхтатиши ҳамоно шу атрофда тиланчилик қилиб юрган уч-тўртта яланғоч лўли болалар унинг атрофини ўраб олишди. Журъат машинадан тушар-тушмас чўнтагини ковлаб уларнинг қўлига икки-учта элликталик, битта юзталик бериб юборди. Мирзоҳид ҳам уларга раҳми келишдан ҳам бурун Журъатдан қолишни истамагандай бўлиб бир-иккитасининг қўлига йигирма бешталик тутқазди. Фақирийнинг шу дамда хаёлидан ўтган биринчи ўй: «Бизнинг шу ёшдаги болалар бозорда арава тортиб бўлса ҳам пул топадилар-у, булар эса муштдай бошидан садақа сўраб қўл чўзиб юрадилар-а!», дегани бўлди, у ана шу ўйи таъсирида ёнига келган, бошқаларига қараганда ёши каттароқ кўринган, ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги лўли болага қараб:

– Менга қара, тиланчилик қилишга уялмайсанми? Ундан кўра бозорга бориб арава тортсанг бўлмайдими?! – деди зарда қилган оҳангда, кейин гўё уларга яхшилик қилган бўлиб қўлларига садақа пулини тутқазган Журъатдан ранжиди: «Онасидан қизғанган пулни шуларга сочиб кетяпти-я!..»

Лўли бола «ўзинг бориб арава торт», дегандай уни мазах қилиб кулиб тураверди.

– Булар сизнинг ўзингизга арава торттиришади, – деди Мирзоҳид, сўнгра ариқдан наридаги

баҳайбат қайин дарахти соясида чордана қуриб ўтириб олиб, топган пулларини санаб, уларга қараганча Мирзоҳиднинг гапини эшитиб шарақлаб кулишаётган лўли аёлларга қараб қўйди.

Лўли аёллардан боласини эмизаётгани, бошқалардан ёшроқ, қўлларида ҳар турли тақинчоқлар, пешанасида ҳиндларникига ўхшаш қора чизиқчаси бўлгани:

– Ана шу аком ақлли гап қилдилор, бизнинг бачолар араво тортмайди муллоко, – деб шарақлаб кулди, қоп-қора пучқайган кўримсиз кўкрагига ҳадеганда келиб қўнаверишини қўймаётган хира пашшаларни эркакчасига сўкишга киришди. Бошқалари ҳам унинг гапидан сўнг Фақирийни мазах қилган бўлиб яна хахолаб кулишди.

«Занги бува»дай муқаддас зиёратгоҳга келганидан бошқача ҳолатга тушиб руҳланиб, майда гапларга парво қилмагандай бўлиб масжид томон илдам қадамлар билан ошиқиб кетаётган Журъат орқасига қараб, қошларини паст-баланд чимириб, шерикларига юзланаркан:

– Қани, бўлинглар, ортиқча гапнинг нима кераги бор, – дея дакки берган бўлди.

Мирзоҳид унинг дакки-дашномини маъқуллагандай, бош тебратиб, Фақирийга норозиланиб қараб олди.

Фақирий ўз аҳволидан ўнғайсизланди. Айни пайтда лўли аёлнинг сурбетлигидан аччиқланди. Ғижинган кўйи: «Болаларингни мана бундай паст кетиб қўлни чўзишга ўргатгандан кўра, арава торттириб ҳалол луқма топиб ейишга ўргатсаларинг бўлмайдими», демоқчи ҳам бўлди-ю, аммо бу гапи бефойда эканини тушуниб, иккинчи томондан Журъатнинг ҳозирги таъна-

омуз сўзлари таъсирида изза бўлгандайин елка қисди. «Бизлар ўзи шундай халқмиз. Устимиздан кулган мана шу лўлининг ҳам оғзига уриш қўлимиздан келмайди. Аксинча, ўзимизникига шапалоқ тортамиз», деган ўй кўнглидан ўтиб, шерикларидан норозиланиб, уларнинг ортидан масжид дарвозасидан ичкарига кириб борди.

Улар ҳовлининг ўнг томонидаги йўғон ўйма устунлари чинордан ясалган айвонга чиқаверишда остонага бетартиб ечилган қатор оёқ кийимлар ёнига туфлиларини ечиб, айвон орқали ўртадаги нақшинкор эшикдан ичкарига киришганида деярли ҳамма ер банд, жамоатнинг кўплигидан ҳайҳотдай масжид ичи дим, нафас олиш ҳам, тоқат қилиш ҳам жуда қийин эди. Журъат ва Мирзоҳид ромлари қадимий дурадгорчилик услубида ясалган ярим доира шаклидаги катта кўзли ойна ёнида саф тортган қатордаги икки киши сиғарлик жойдан ўрин олишди. Фақирий уларнинг орқасига, ўн-ўн беш чоғли ёш-яланг турган охирги қаторга келиб қўшилди. Имом ваъзини тугатиб, сўфи азон чақиргач, улар ҳам бошқалар қатори жума намозининг олдинги суннати нияти билан тўрт ракат намоз ўқишга тушдилар. Фақирий Журъатнинг орқасида туриб, уларга қўшилиб ана шу намоз амалини бажаришга киришаркан, бояги ҳолати таъсири остида бошлиқлари, умуман баъзи шуларга ўхшаган одамлар ҳақида фикр юритиб: «Қизиқ, бир ҳафта мобайнида ҳар турли номаъқул ишларни, гуноҳларни қиладилар-да, кейин Оллоҳнинг уйига келганда тавба-тазарруга ўтиб олиб хокисорлик билан намоз ўқийдилар, дуога қўл чўзадилар, бу ерни тарк этганларидан сўнг

эса ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса кўрмагандай, тоат-ибодатниям унутиб яна ҳар турли эски бемазагарчиликларини давом эттириб юраверадилар. Ахир, бу қутлуғ даргоҳга келишдан аввал ўзларига бир разм солиб, олмайдиларми? Ҳар келишларида ҳечқурса бир айбларини бўйинларига олиб, ана шу айбларига иқрор тарзида тавба-тазарруни бажо келтирсалар, ё бўлмаса ана шу гуноҳларини тозалаб келсалар мақсадга мувофиқ бўлмайдими? Ҳар келганда бир айбига иқрор бўлиш ва ана шу айбни иккинчи марта такрорламасликка интилгандагина ўқилаётган намоз, бажарилаётган амал мазмун касб этмайдими? Акс ҳолда бу қилаётган тоат-ибодат шунчаки хўжакўрсинга, бир думалаб туриб кетиш учун бажарилаётгандек бўлиб қолмайдими? Қалбдаги иймон уйғониши учун эса инсон ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузата олиши, тергаб бориши керакмасми? Ана шундагина бу ўқилган намозни, қилинган тоат-ибодатларни Яратган ўз даргоҳида қабул этмайдими? Булар эса, фақат булар эмас, бошқалар ҳам, шулар қаторида мен ўзим ҳам мана бу ерга келганимизда ўзимизни бошқа оламга тушгандай ҳис этамиз, энг яхши хислатларимиз фақат ана шу ерга келганимиздагина намоён бўлади!..», деб турли мулоҳазаларга берилган бир кўйи намозини ўқиди. Хутбадан сўнг жамоат сафларини тартибга келтираётганда, олдинга, Журъатлар қаторига ўтишга чоғланаётганди, ёнидаги ёшгина ўсмир чаққонлик билан у мўлжаллаган жойга ўтиб олганини кўриб, орқадаги олтмишларни қоралаган, кўк бахмал дўппили қорамағиздан келган, жаҳлдор одам унинг кўйлаги енгидан

тортиб орқага сурди-да, ёнидаги Фақирийга «ўтинг» ишорасини қилди. Фақирий бошига оқ дўппи кийиб олган қалин қора қошли, тўғарак оппоқ юзли, истарали болага қараб қўяркан: «Чакки қилди бу одам боланинг енгидан тортиб. Вақт-соати келиб эҳтимол худди мана шу бола мен билан ундан аввал Оллоҳни таниб улгурар, уни бу интилишдан орқага суриш яхши эмас», дея ўзича фикр юритган бўлди, айни чоғда яна тезда боланинг мазкур хатти-ҳаракатига одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан эътиборини жалб этиб: «Лекин бир ҳисобдан бу одам ҳам ўзича тўғри қилдиям. Худди, анави, адабиётдаги азалий одат бўйича, олға бос, фақат бизнинг ортимиздан. Ёшингга, бошингга ҳам қара, қабилида иш тутди-да», деб хаёл қилиб, ичида истеҳзоланиб қўйиб, ортидан эса бундай муҳим диний амални бажараётганида дунёвий икир-чикирлар ҳақида ўй сураётганини эслаб қолиб, ўзидан ўпкаланиб, ана шу ўпкаланиш натижасида ўзини катта гуноҳ иш қилиб қўйган санагани важи дили яраланиб, яна тезда ўзини қўлга олиб, бошқалар қатори имомга иқтидо қилган ҳолда жума намозининг фарзини ўқиди. Бу амал бажарилгандан сўнг жамоатга қўшилиб сўнгги суннат намозини ҳам ўқиб олди. Охирида имом Қуръон тиловат қилиб, бу қутлуғ кунда намозга келганлар шаънига дуои фотиҳа қилиб бўлгач, улар ҳам ярим ҳовуч ҳолдаги кафтларини юзларига тортиб, ўрниларидан қўзғалиб, масжиддан гурра чиқа бошлаганлар қаторида эшикка қараб ошиқдилар. Учовлари масжидга охирида киришгани сабабдан ҳам бошқалардан илгари отни қамчилаб айвонга чиқиб, бир-бирларини зиёратлар

билан қутлаган бўлиб қучоқлашишиб, руҳан тетиклашган бир кўринишда пастга тушиб бориб, туфлиларини оёқларига кийишди, улардан илгари Занги буванинг қабри жойлашган тўрдаги мақбарага қараб йўл солган беш-ўн чоғли намозхонга эргашиб масжиднинг юқори қисми томон кетишди. Журъат бўйга новча бўлгани учун ҳам қадамларини дадил-дадил ташлаб шериклари-нинг олдига ўтиб улгурди. Унинг ортидан Мирзоҳид, сал орқароқда эса Фақирий теварак-атрофни кўздан кечириб боришарди.

Аввалги зиёратчилар қайтиб чиқишгач, улар икки табақаси ланг очиқ турган, сўл томонидаги ғиштин деворга бу авлиё зот ҳақида маълумотнома қайд этилган бўлган ганчкор эшикдан ичкарига кирдилар. Журъат шерикларидан илгари тўрдаги қуббасимон даричага яқин бориб чўкка тушди-да, ичкарисидаги устига қизил матолар осиб қўйилган катта қабрга қараб-қараб қўйиб, қўлларини жуфтлаб юзи яқинига олиб борганча Қуръон тиловат қилишга киришди. Бу пайтда Мирзоҳид ва Фақирий ўнг томондаги ерга узунасига тўшалган қизил йўл-йўл жойнамоз пойига ўтиб, улардан сал илгарироқ кирган икки киши билан бирга икки ракаъат намоз ўқишга киришдилар.

Улар намозларини ўқиб бўлиб, Журъат ёнидаги қутичага иккита икки юз сўмлик ташлаётган дарича рўпарасига ўтдилар-да, улар ҳам ичкаридаги қабрда ётган Занги бува руҳи-покига Қуръон тиловат қилган бўлдилар. Журъат ўнг томондаги жойнамозда намоз ўқиб бўлгач, яна бир марта ҳаммалари сўл томондаги узун ўриндиққа солинган кўрпачага ўтириб, ўзларидан илгари

кирган зиёратчилар орасида ёши улуғи ўқий бошлаган Қуръонига соме бўлганча кафтларини жуфтлаб ярим ҳовуч қилиб ўтирдилар, тиловат тугагач, ўша оқсоқол кетидан ҳаммалари юзларига фотиҳа тортдилар-да, мақбара ичини томоша қилган бўлиб бирин-сирин ташқарига чиқдилар. Фақирий шерикларидан орқада қолиб, ён томондаги ғиштин деворга михланган бир парча мармар лавҳага битилган Занги бува ҳақидаги маълумотномани ўқиб чиқаркан: «Занги бува подачилик билан кунини ўтказган экан-да! Соҳибқирон Амир Темурдай бир жаҳонгир ана шундайин бир фақирона-ҳақирона ҳаёт кечирган зотга таъзим қилиб бундай шинам мақбара қурдириб кетган экан! Шундан ҳам ана шундай бир кўпчиликнинг назаридан четда – хилватда умргузаронлик қилган авлиёнинг ҳикмат тўла ҳаёти унингдек бир давлатмандни ҳайратлантиргани, кўп ибратомуз жиҳатлари билан уни лол қолдиргани маълум», деган хулосага келган бир ҳолда бу ерни тарк этаркан, мусулмон ғишт ётқизилган торгина йўлка билан кўп хаёллар суриб борди, олдинроқда кетаётган Журъат ва Мирзоҳидга етиб олди.

Улуғлар ҳаёти ҳақида ўйлаб борар экан, бир тарихнависнинг китобида ёзилган шайх Умар Боғистонийнинг ўғли шайх Ҳованди Таҳурга айтган сўзларини ёдга олди: «Мулла бўлма, суфи бўлма, мусулмон бўл!» «Шайх Ҳованди Таҳур отаси айтган бу жумланинг мағзини бир умр чақиб, ечиб ўтди. Ана шунга ўхшаш масалани Хўжа Аҳрор Валилар ҳам бир умр ечиб, охир-оқибат бировларнинг оғирини енгил қилувчи, ғарибу нотавон, мискин, бева-бечора, етим-есирларнинг

мушкулини осон қилувчи бир улуғвор орифлар бўлиб умргузаронлик қилиб ўтишган», дейилади манбаларда. Бу зот ҳам ўшалар тоифасидан эканига сира шубҳаланмайман... ҳамроҳларига эргашиб келаркан, масжиддан чиқаверишда ўнг томондаги ёйма пештахтада ёдгорлик совғалари, мусулмон одоб-ахлоқига оид диний-дунёвий китоблар сотаётган ёшгина қиз ёнига борганда Журъатнинг ҳиммат камари ечилиб кетиб, қўлига учта тасбеҳни ушлаб олди-да:

– Мана шуларга қанча берай? – деб сўради, сўнг эса орқасидаги Фақирийга ўгирилиб: – Мана бу дуолар ёзилган параходни сизга совға қилайми, ака? – деди, нима учундир Мирзоҳидга қараб кулиб қўйди. Кейин пластмасс кемани қўлига олиб «бу нима экан ўзи?» деган бир саволни ташқи авзойида ифодалаб Фақирийга қаради.

Фақирийга унинг кулгиси ёқмаса-да, бошлиғидан ранжимади:

– Бу кема ҳазрати Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмига тўфон юборилаётгандаги улар ясаб омон қолганлари кемага мазмун беради. Бу офат натижасида ана шу кемага чиқиб олган айрим одамлар билан бирга айрим ҳайвонларгина омон қолишган...

– Нега? – Фақирийга қаради Мирзоҳид, сўнг эса бу воқеага қизиққандай бўлиб сотувчига юзланиб: – Шундайми? – деб сўради.

Оппоқ рўмолга ўраниб олган истараси иссиққина сотувчи қиз кулгичларини кўрсатиб жилмайди-да, елка қисиб:

– Билмадим, бизларга фақат сотинглар, дейишди, сотяпмиз, – деди, у Мирзоҳид ундан бу саволни сўраш баҳонасида қизнинг нозиккина қадди-қоматига, ёқимли, нурли чеҳрасига,

аҳён-аҳёнда сузилиб очилиб-ёпилиб тураётган чиройли бўтакўзларига суқланиб қараётганини пайқамади.

Унинг ана шу ҳолатини чиройли кўзлари унда-бунда сузилиб очилиб-ёпилувчи ёқимли қиз пайқамади-ю, илло Журъат ҳам, Фақирий ҳам балодай пайқашди.

Журъат уни мазах қилгандай бир овозда:

– Сен Фақирийга ишонавер, бу одам бир нарсани билмаса гапирмайди, – деди, сўнг эса ақлли сўз айтгандайин, бошқа томондан эса ўзининг пулдорлигини намойиш этгандайин бир тарзда: – Фақирий мен сизга шуни совға қиламан, – деб шимининг киссасидан бир қисим пул чиқарди.

Фақирий Мирзоҳидни ана шу қараши учун инсофга чақиргандай бир кўйи:

– Нуҳ пайғамбарнинг қавми гуноҳи азимга ботиб кетгани учун Оллоҳ таоло ана шу йўл билан уларни жазолаган экан. Тушундингизми? – деб сўнгги сўзига алоҳида урғу берди. Унинг бу урғуси замирида билган киши учун: «Шунинг учун сен ҳам эҳтиёт бўл, ожизаларга, аёлларга бундай қараб бўлмайди», деган мазмун яширинган эди. Кейин қўшиб қўйди: – Бу ўтмишда ўтган пайғамбарларнинг номлари ёзилган кемани Зоҳиджонга совға қилсангизда, менга мана бу китобни тортиқ қилсангиз, майлими? – У шундай дея Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» номли фалсафий асарини қўлига олди.

Мирзоҳидга Фақирий чақиб олгандай тарзда айтган сўзлари таъсир этиб, китобни шартта ундан тортиб олди-да, сарлавҳасини овоз чиқариб ўқиб:

– «Ичиндаги ичиндадир». Ёмон ичидан пишган одамсиз-да, Фақирий, қанақа китобни олишни

биласиз, – деди киноя билан, у бу гапни Фақирийнинг юқоридаги аччиқ-тизиқ сўзлари тегиб кетгани учун, у ҳам бало эканини намойиш қилиш учун сўз ўйинини ишлатиб айтди. – Майли, Журъат менга шу параходни оберса ётоқхонамизнинг тўридаги эрони гиламга осиб қўяман.

– Унга қараб-қараб қўйиб Фақирийнинг гапларини эслаб тураркансан-да, а? – кулди Журъат, унинг қўлига ўша кемани тутқазди, Фақирийга эса китобни совға қилди.

Фақирий ҳам унга бир нима совға қилмоқчи бўлиб у ёқ-бу ёққа аланглади, аммо чап қўли шимининг киссасидаги арзимаган икки юз сўмга тегди-ю, ҳали қайтаётганида уйига иккита нон кўтариб ҳам бориши кераклигини ўйлаб қолиб пешанасидан муздек тер чиқиб кетаёзди. Ўзини жуда ҳам кичрайиб кетгандай, ён-веридан уни кузатаётган одам ҳам унинг ана шу кичрайиб, ожиз, қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган ландавур экан деб мулоҳаза қиладиган, унга ачинадигандай бўлиб туйилди. «Назаримда Журъат ва Зоҳидгаям ана шундай кўринсам керак», деб фикр юритди, нима қилишини, нима дейишини билмай Журъатга фақат миннатдорлик билдириб «раҳмат» дея олди, холос.

Журъат унинг ҳолатини тушунибми-тушунмай, ҳалиги харид қилиб, қўлида ушлаб тургани уч дона дўлана тасбеҳга ишора қилиб:

– Тасбеҳам берайми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди Фақирий, ғурури поймол этилгандай туйилгани учун ҳам бироз гарангсиради, шу дамда бошлиғининг ҳисобидан китоб олганига ҳам хижолатланди. Унинг бу ҳолатини сезган Мирзоҳид бояги таънаси таъсирида:

– Нима, Фақирий шайхмидики, тасбеҳ ўгириб ўтирса, Фақирий мана бу китобни ўқисин. Тасбеҳнинг биттасини менга бер, машинамнинг ойнасига осиб қўяман, – деди-да, Журъат унинг бу сўзларини қандай қабул қилишига ҳам эътибор бермай бошлиғининг қўлидан бир донасини тортиб олди.

Фақирий шу дамдаги руҳий ҳолати туфайли ҳам Мирзоҳид уни нотўғри тушунишини, унга душман кўзи билан қараши мумкинлигини ўйлаб, ўйлаш баробарида ана шундан чўчиб:

– Йўқ, йўқ, менга китобнинг ўзи бўлаверади, – деб унинг гапини маъқуллаган бўлди.

Журъат ҳар икковларига бир-бир қараб олди-да, ортидан Фақирийга сотиб олиб бергани китобга бир нигоҳ ташлаб қўйиб: «Биринги иккинчингга урса, бари бир Журъат бўлолмайсанлар. Менинг ичимдан нима кечганларини, менинг дардим нимада эканини авлиёйинг ҳам тополмайди», дея ўзига ўзи сўзланиб мутакаббирона илжайди-да, шерикларининг олдига ўтиб, масжид дарвозасидан биринчи бўлиб чиқди.

Фақирий билан Мирзоҳид унинг орқасидан келишаркан, Журъат машинасига қараб юрса керак деб хаёл қилиб турганларида бошлиқлари ўнг томонга, масжид орқасидаги йигирма-ўттиз чоғли қабрлар ёнига етганда, улар томон ўгирилиб:

– Мен билан юрасизларми ё шу ерда турасизларми? Мен ҳув анавиндаги чолга, елкаларимни қоқиб қўйган чолга дам урдириб келай. Иннайкейин, Зоҳид, дам олиш куни қўй опкеб сўядиган бўлсак, сизниям опкетамиз бобой, деб келаман. Мана шу қабрларнинг орқасида, қабристоннинг нариги томонида яшайман девди, – деди.

Фақирий Мирзоҳидга қаради. Мирзоҳиднинг боргиси келмаганини унинг чуваккина юзи буришиб, пешанаси тиришганидан сезди. Буни Журъат ҳам фаҳмлагани учун қўлидаги калитни у томон ирғитди-да:

– Ма, Зоҳид, машинага чиқиб ўтирарсан ё хоҳласанг ҳув анави лўлиларга бориб фол очдириб тур, – деди, кейин ўзи Покиза билан учрашган куни «Фарҳод» бозорида учратгани бола кўтарган лўли аёл ёдига тушди. Унинг ҳам ана шуларга ўхшаб кир-чир эканини эслаб қолиб сесканиб кетди, дарвозага яқин ерга тўпланиб олиб, чордона қуриб ўтирган кўйи пул санаётган, санаш баробарида бир нима хусусида тортишиб қолган бояги лўли аёлларга ишора қилди. – Иложи бўлса, бориб ажратиб қўй, тағин даҳанаки жанжали ёқа бўғишишгача бориб етмасин, – деди, Фақирийга бир қараб қўйди-да, кулиб туриб қўшиб қўйди: – Тўғрими, Фақирий?..

Фақирий Журъат ўринбосарининг қитиқ патига тегадиган гап қилганини сезгани учун жавоб қайтармади, зеро, жавоб қайтаргудай бўлса кекчи Мирзоҳид ранжиб қолиши мумкинлигини яхши сезди. Бошқа томондан, хаёлидан шу он: «Боя бу ерга келаётганимизда лўлиларга танбеҳ берганим унга ёқмовди, мана энди ўзлари учун лўлилар мавзу бўлиб қолди», деб фикр юритаркан: «Ҳечқурса шу ерда бир-бирининг жиғига тегмаса нима эди? Ахир, ўзлари бу ерга нима учун келишдию, нима қилиб кетишяпти? Яна айланиб гап бояги ўйларимга бориб тақаляпти! Ахир, бу ерга эзгу мақсадда – ибодат учун келсанг-да, қилган тоат-ибодатингни шу ернинг ўзида «сувга оқизиб», унга қасам бериб кетсанг,

бу ишинг Худога хуш келадими ахир?!», деб муҳокама ҳам юритди.

Мирзоҳиднинг ўзига ҳам Журъатнинг ана шу гапи айил ботди. Аммо Фақирийнинг олдида айил ботмагандай, бошлиғининг одатдаги фисқу фасодидай деб қабул қилганини ташқи авзойида истеҳзо билан намойиш этди-да:

– Мен шуларга фол очирармидим?.. Менга деса бир-бирини ўлдирвормайдими! – деди, заҳарханда кулги билан Фақирийга нигоҳ ташлади. Лекин ичдан мана бу ҳозир айтган гапи учун дилида тушуниб бўлмас бир қўрқувни туйди. Ана шу қўрқув унинг вужудида қандай, қаердан, нима учун келиб қолганига сира ақли етмади. «Мен шуларга фол очирармидим», деб лўлиларда бор бўлган фол кўриш одатига тил тегизиб қўйганимдан сўнг пайдо бўлди, шекилли», деб ўйлади, шу боисдан ҳам унга ўчакишгандай бўлган бошқа бир ички шижоат билан бошлиғига юзланиб: – Ҳа, айтгандай, сигаретингниям ташлаб кет, ҳали у ерда анча қолиб кетасизларми, – деди, у бу гапи билан бошлиғига «узоқ қолиб кетманглар», деган бўлганди, кейин «қорним таталаб кетди» дегандай чап қўлининг кафти билан ошқозони атрофини пайпаслаб қўйди, бу ҳам камлик қилгандай силай бошлади.

– Қорнингни силайверма. Биламан, очликка чидолмайсан. Қўявер, шу кунларда кайфиятим яхши, қайтишда бир зўр жойга бориб овқатланамиз, – деди Журъат, кейин беш-ўн чоғли қабрлар орқасига ўтиб, ён томондаги янги олинган, ҳали лойи қотиб ҳам улгурмаган пахса девор ёқалаб ёлғизоёқ йўл билан юра кетди.

Унга эргашган Фақирийнинг хаёлидан шу дамда: «Фаҳми ожизимча, унга телефон қилган

ўша аёл туфайли ҳам унинг кайфияти чоғ кўринади. Журъатга ўхшаган йигитлар биргина хотинига қаноат қилиб яшолмайди», деган ўй ўтди, ўтдию туйқус хаёлан ўзининг ана шу ўйини ҳам ўзича тергаб, таҳлил этиб: «Сенам кўп фол очма. Шайтон ҳам сени не хаёлларга солмайди», деди, сўнгра яна одам боласи ожиз, жуда ожиз яратилганини ўйлаб: «Ҳа, жин урсин, шу табаррук жойлардаям шунақа хаёлларга борадими одам деган», деб, ҳақиқатан ҳам оёқ-қўли титраб кетаётганини, ҳақиқатда унинг ҳам нафси хуружини бошлаганини, ана шу туфайли ҳам калласига ҳар турли бемаза, номақбул ўйлар кела бошлаганини ўйлаб борди, ўйларкан: «Бекорга Оллоҳ таоло одам боласига беш маҳал намоз ўқишни фарз қилмаган-да, у ҳар қадамда бузилиб туради-я, ҳар қадамда ўзи сезмаган тарзда дилиям ўзгариб туради», деб хулосаланиб бораверди.

Қабрлар тугагандан сўнг ўнг томондаги сайҳон ер адоғида икки-уч сотихлар атрофидаги томорқа кўринди. Ана шу томорқага райҳон, жамбил, укроп, кашничга ўхшаш ҳар турли кўкатлар, булғор қалампири, бақлажон, помидор, ловия, лавлагига ўхшаш сабзавотлар экилган эди. Томорқанинг нариги томонида қабристоннинг деворларига ёпишган, томи ҳам, теварак-атрофи ҳам бамбукка ўхшаш йўғон қамишлар билан ўралган кичиккина бир чайлага кўзлари тушди. Журъат орқасига қараб «ҳойнаҳой ана шу чайлада яшаса керак мен айтган одам», дегандай бир тарзда Фақирийга ишора қилган бўлди-да, уни эргаштириб ўша ёққа юрди. Чайлага яқинлашганларида ичкаридан бир юмшоқ, иккинчи бир йўғонроқ, дағал овоз ҳар икковларининг

қулоқларига чалинди. Бунга, айниқса, Фақирий диққатини қаратди.

Журъат унга «меҳмони борга ўхшайди-ку», дегандай бир қараб олди-да, улар борган томонларида бўлган, кирадиган ерига ярим-ёрти ёпиб қўйилган, чириб одоқ бўлаёзган чийни тепага кўтарди-да, ичкарига мўралаб:

– Салом амаки, кирсак бўладими? – деб сўради, кейин ичкаридагиларга салом берган бўлди. Ичкаридан: «Киринг, киринг, нечук?», деган юмшоқ овоз келди. Унга жавобан Журъат: «Мен сизга айтган эдим-ку, бир келаман деб», деди-да, эшик мазмунида тўсиб қўйилган чийни янада юқорироқ кўтариб, бошини ташқарига чиқарди-да, орқасида туриб ичкаридаги юмшоқ овозли «Салом амаки»нинг исми ҳам, овозидаги юмшоқлик ҳам оҳанрабодай ўзига тортиб, у одамга қизиқиши ортганидан юраги орзиқиб кетган Фақирийга қараб:

– Қани, келинг, – деди-да, сўнг эса яна ичкаридагиларга мурожаат этди: – Менам бир ўзиммас, бир акахонни бошлаб келдим. – У шундай дея Фақирийни ўзидан олдинга ўтказиб, ўзи орқасидан чийни тушириб, ичкарига кирди.

Мезбон – Салом чол қорамағиздан келган, чўзиқ юзли, соч-соқоли оқарган ва бўйнидан пастга тушган, бошига ёғи чиқиб, тахи ҳам билинмай кетган қора бахмал дўппи, эгнига эса оқ яктак кийиб олган юмшоқ, нурли нигоҳли ва ана шундай нурли юзли бир мўйсафид бўлиб, у Журъат ва Фақирий ичкарига киргач, ёнидаги эллик билан олтмишлар орасидаги соч-соқоли ўсиб, тартибсиз кийинган, бошига эски қўқон дўппи бостириб олган, уч бурчакка монанд суя-

клари бўртиброқ чиққан бузуқроқ юзли, ўткир, айни дамда худди ўлжасига ташланиш пайида бўлаётган бургутдайин бутун диққатини бир жойга тўплаб, одамга қаттиқ нигоҳ қадаб турган меҳмонига «сен бу ёққа ўт» қабилида қўл ишорасида ёнини кўрсатди-да, ҳужрага тўшалган туя юнгидан бўлган эски қизил кигизнинг устида сал пастроққа ўтиб, кичиккина, омонатгина хонтахтанинг юқори қисмига ташлаб қўйилган эчки терилари устидан жой кўрсатди. Меҳмонлар эътироз билдиришиб, «Сиздан юқорига чиқамизми?», дейишса ҳам унамай, уларни тўргa ўтқазди-да, ўзи кираверишдан ён томонга, меҳмонидан пастроққа жойлашди.

– Сиздан юқорига чиқамизми, ота? Жуда ноқулай бўляпти-ку! – деди яна Фақирий чолнинг нурли юзига, чақноқ кўзларига ҳам ҳаяжон, ҳам ҳайрат билан боқиб. «Худди ўйлаганимдай нурли бир мўйсафид эканлар-а! Яна бир танишни жуда эслатяптилар-ку бу киши, аммо ўша таниш, ҳаётнинг кў-ўп паст-баландини кўрган ўша чолнинг ким эканлиги ҳеч эсга келмаяпти-я, ахир тушимгаям кириб чиқувди ўша қайнатам Саидикром эшонга ўхшаган одам: қора камзул, оқ яктак иштонда, бошларига қорами, яшил бахмал дўппи кийиб олгандилар, ерга қараб хомуш, ўйчан, бу одамникидан фарқли ўлароқ, чўққи соқолларини силаб ўтирардилар; ўтган кунларини, ўтган умрларини хотирлагандай, сарҳисоб қилгандай бир мунгли қиёфада! Аҳ, ким эди-я ўша мўйсафид?! Қаерда кўрган эдим-а?! Кимнинг буваси эди-я?!», деган турли хаёлларга бориб, ана шу хаёлларга боргани учун ҳам жуда ўнғайсизланаётган эди, мез-

боннинг ёнидаги одам унинг гапи таъсиридами, ёки ёнидаги Журъатнинг бу ерга кирганидан, кириб устидаги кийим-бошини кир қилиб қўядигандай у ёқ-бу ёғини тузатиш, қараши баробарида ён-атрофига, ўтирган ўрнига ҳазар қилгандай боқиб қўйишидан ижирғангани учунми, ҳарқалай улар томонга ер остидан ўғринча, қаттиқ нигоҳ қадаб, бир тебраниб қўйди.

Унинг ана шу тебранишини нафақат Фақирий, балки Журъат ҳам ўзича таҳлил қилган бўлди, ўзини у одамга парво қилмагандай қилиб кўрсатса-да, ҳақиқатда ана ўша одамнинг нигоҳи таъсири остида ўзининг бу бир бечораҳол чолдан ҳам, унинг ибтидоий ҳаёт тарзию мана бу кулбаи вайронасидан ҳам ҳазар қилмаётганини ошкор этиш мазмунида чордана қуриб ўтириб олди-да, Фақирийга ҳам «мендан ибрат олинг» қабилида қараб қўйиб, яна бир ён-атрофини кузатиб чиқаркан:

– Мен чайлангизни тор, қоронғи бўлса керак деб ўйловдим, нарёғида даричаси бор экан-ку, – деди, кейин тағин чор-атрофга, шифтга кўз югуртириб олди. – Бу бордонга ўхшамайди, шу бамбукка ўхшайди, тўғрими?..

Салом чол меҳмонларига қараб кулиб қўйди-да:

– Бу чайла йўғон-йўғон қамишдан тикланган. Қашқадарёлик бир Амиржон деган қаландарнамо, мана бу жиянимга ўхшаган, – деб ёнидаги хўмрайиб ўтирган одамга ишора қилди, – бир қаландарнамо йигит ҳув анави ёқдаги, – қабристоннинг ён томонидаги бир даҳлиз, уч хонали пасттаккина уйни қўли билан кўрсатди, – гўрков Азаматнинг ҳужрасида бир қиш мен билан умргузаронлик қилганида қуриб бериб

кетди. Ғалати, танти йигит эди, ҳар балога ақли етарди, – шундай дея Фақирийнинг қўлидаги китобга қараб олди-да: – Қўлингиздаги китобга ўхшаган китобларга жуда ўч эди аммо... Ҳар шаҳарга тушганида қаёқлардандир эски-туски китобларни топиб келарди. Анави қалин китоблар ҳам ундан эсдалик қолган, – деди, Фақирийнинг орқасидаги қамиш деворга ўрнатилган китоб токчасини кўрсатиб.

Фақирий Салом чолнинг ёнидаги одамни қаландарларга ўхшатмади, унинг назарида киноларда кўргани, китобларда ўқигани ана шундай таркидунё қилган одамлар умуман қўполликдан, ҳўмрайишдан йироқ бўлган, бошқа одамлардан фарқли ўлароқ ўзларини Аллоҳ йўлига топширган, фақат Яратганни зикр этиб, унга ҳамду санолар айтадиган, бутун хатти-ҳаракатлари ҳам шунга йўналтирилган кўнгли юмшоқ одамлар эдики, улардан бирини у ёшлигида кўриб юрар, кўриб юриб: «Ҳарқалай ана шу одам қаландар бўлса керак, қаландарлар ана шунақа бечораҳол юришса керак», деб ўйлар эди. Ана шуларни ўйларкан, Салом чол назарда тутгани бошининг тепасидаги китоб токчасида беш-ўн чоғли қалин китоблар турганини кўриб:

– Ҳа, айтмоқчи, ота, қаландарлар ҳалиям бор деб ўйлайсизми? – деб сўради.

Журъатга унинг саволи ёқмади. «Нима, чолни имтиҳон қиляпсанми ё синаяпсанми? Мен сени шунинг учун бу ерга олиб келдимми?!», дегандай унга ҳўмрайиб қовоғини уйиб боқди-да:

– Бу киши бор деганлари йўқ-ку! «Қаландарнамо одам» дедилар, холос, – деди шеригини силтагандай бир овозда.

Фақирийга бошлиғининг ана шу силтагандай бўлиб муомала қилиши қаттиқ тегди. Шу сабабдан ҳам:

– Сўраётганимнинг боиси, менам болалигимда ана шундай бир одамни кўпинча кўрардим-да! Қишин-ёзин бир хил чувринди кийимда, қишин-ёзин Сағбондан ўтиб, Чимбойга, маҳалламизга кираверишдаги Кайковуз анҳори ёнида – сув жўмрагида ювинишини қўймас, ўзи қорачадан келган, ёши шу олтмишлардан ошганмиди, юзлари ювинаверганидан қизариб кетган, ҳадеганда икки қўлини юқорига кўтариб «ҳа-ҳу ё оллоҳ, ё дўст ё оллоҳ», дейишини қўймасди-да! Ёнида пайдо бўлиб қоладиган битта-иккита одам ҳам ана шунақа соч-соқоли ўсган, эски, аммо тоза уст-бошдаги одамлар бўлишарди. Ҳалиги одам битта-яримта унга ачинганидан чойчақа ташлаб кетса ҳам қўлига олмасди. «Ерга қўйинглар, чироғларим», дерди. Ҳа, «чироғларим» сўзини, албатта, қўшиб қўярди.

– Салом отам ҳам пул берсангиз қўлларига олмайдилар, тўғрими? – деб шошилиб чолни болаларча оқлагандай бўлиб дараклади Журъат. – Ўтган сафар елкамга қоқиб, иннайкейин, дам уриб қўйдилар. Пул берсам олмайман дедилар. Қўл ҳақи деганимдан сўнггина улар ҳам «ерга қўйинг», дедилар... Шундайми ахир?..

Мўйсафид унга қараб кулиб қўйди-да:

– Ҳа, энди мени қўйинг ўғлим, менинг қаландарлигим қаёққа борарди, – деди, сўнгра ёнидаги шеригига қаради. – Мана бу жиянимиз Хурсандбек асли Булунғурдан, кейин Бойсунга бориб қолган. Бойсунни эшитгансизлар-а?

– Мен билмайман-ку, аммо мана бу одам билади, бу одам ҳам кўп китоб ўқиган. Ўзлари ҳам

китоб ёзадилар, – деб ўзининг билмаслигини оқламоқчи бўлди Журъат. – Шунинг учун ҳам Фақирийга масжиддан мана бу китобни сотиб олиб бердим-а?

Фақирийга унинг мақтови ёқмади. «Тагида миннат ётган нарсани аслида олиб бер демасам бўларкан. Шунинг учун миннатли ошдан беминнат мушт яхши дерканлар-да», деган бир фикр хаёлидан ўтди, ўтдию: «Буни у ўзининг билмаслигини беркитиш, чолни ва мана бу шўртумшуқ жиянини чалғитиш учун айтди-ку», деб муҳокама ҳам юритиб улгургач, бироз ўзини тинчлантирди.

Унинг «китоб ёзиши»ни эшитиб Хурсандбекнинг юзи ёришди. Фақирийга ўткир нигоҳи билан бир қараб қўйди. Аммо орага сўз қўшмади, Салом чолнинг оғзига қараб олиб, яна бошини қуйи эгди.

Салом чолга Журъатнинг бировга ҳадя қилган нарсасини пешлаши айил ботди, илло у бу нарса унинг кўнглини оғритганини айтмади, унга дакки-дашном ҳам бермади. Ўзини шу нарсага аҳамият бермагандай қилиб кўрсатди-да:

– Китоб ёзсалар яхши. Ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди китоб ёзиш. Бу камёб истеъдод камдан-кам одамларга бериладиган Оллоҳнинг марҳамати, – деди, кейин «жиянимиз» дегани Хурсандбек унга ўгринча бир қараб қўйганини, қараш баробарида «менга тегизиб айтяпсизми?» дегандайин бир мазмунни ифодалаб куя егандайин сийраклашган қошларини чимириб, тор, серажин пешанасини яна ҳам тириштириб, ўткир нигоҳини бир нуқтага қадаганини кўргач, ҳалиги сўзида давом этди. – Ана шу Бойсунда умримнинг кўп қисми ўтди. Уруш йилларидан кейин борган бўлсам, шу тўқсонин-

чи йилларнинг ўрталарида бу ерга келдим. Мана шу жиянимиз ҳам ҳозир сизлардан илгари айтиб туриб эди, бизнинг томонлардаям Машрабнинг қишлоғидан бўлган машрабнамо бир одамлар пайдо бўпти, шуларнинг ҳойнаҳой, илгари ота-боболари қаландар ўтган бўлса керак деб...

Журъат боядан бери суҳбатга қўшилолмай ўтирган одамга ёқиш, шу баҳонада уни ҳам суҳбатга тортиш илинжида:

– Акамнинг ўзлари ҳам қаландарларга ўхшайдилар-ку, соч-соқолларига қаранг, – деб чайла эгасига қараб кулиб қўйди, бу гапидан сўнг Хурсандбекнинг на хурсанд бўлганини ва на ранжиганини англолмагани, унинг юзида ҳам, хатти-ҳаракатларида ҳам ҳеч ўзгариш кўрмагач, гапим унга ёқмади шекилли деб ўйлагани учун ҳам дарров эътиборини Салом чолга қаратиб:

– Ўзингиз илгари сафар сўраганимда Тошкентнинг Каттаҳовузиданман, Чорсуга туташган ерида ҳовлимиз бўларди девдингиз-ку!.. Ҳозир жиянимиз булунғурлик деяпсиз?.. – деб сўради.

– Мениям шу нарса қизиқтириб қолди. Бунинг тагида маъно ётган кўринади? – сўроғида фақат қизиқиш аломати ётганини сездирди Фақирий. – Менинг назаримда бекорга у ёқларга бориб қолмаган бўлсангиз кераг-ов?!..

Салом чол бир қўзғалиб қўйди. Кейин ёнидаги Хурсандбекка қараб:

– Чойнакда чой қолмабди, бориб гўрковникидан дамлаб кела қол. Бизники қайнагунча анча вақт ўтади, – деганидан сўнг Хурсандбек энди ўрнидан қўзғалаётган эди, аввал Журъат, ортидан Фақирий уни тўхтатдилар, ҳар икковлари ҳам: «Отанинг ана шу суҳбатларини эшитайлик,

кейин турамиз, шошиб турувдик», дейишди-да, унинг чойга кетишига йўл қўйишмади.

– Бунинг тарихи мана бундай. Урушдан кейинги йиллар Жомийдаги трактор йиғув заводида ишлайман. Бўш вақтларда, якшанба кунларида Қумлоқнинг пастидаги Чувалачида, ҳозир у ерлар бузилиб кетди, Эшон Бобохон отада яширинча эски илмни ўрганаман. Қуръон, Ҳадис илмини назарда тутяпман-да! Бир куни, қўшни билан девор олишимиз керак эди, мардикор ахтариб бозорда бир одамга йўлиқдим. «Ака, нима ишингиз бўлса қўлимдан келади, фақат бу ердан тезроқ кетайлик, тезроқ опкетинг», деган гапни қилди. Кейин билсам унинг асли булунғурлик бўлиб, отаси қулоқ қилингач, Сурхонга бориб қолган экан. Уни Ҳаётмирза раис дейишаркан. Униям «халқ душмани» тамғаси билан қамашга қоғоз келганида бировнинг ёрдами билан Тошкентга қочиб келади-да, бозорга тушади, шу баҳонада битта-яримтадан нажот, битта-яримтаникидан паноҳ кутган бўлади. Мен уни қирқ кун ҳовлим этагидаги ҳужрамда беркитиб юрдим. Бир кун Бобохон отадан илм олгани жўнаб, уйга одатдагидан кеч қайтиб келсам, Ҳаётмирза ҳужрада йўқ. Ўрнида битта хат ётибди. Хатида менга мингдан-минг раҳматлар айтган, кўз ёши тўкканини маълум қилган. Кейин бу ерда ҳам кетига тушишганини даракlаган экан. «Қўни-қўшниларингиздан шубҳам бор, иложи бўлса сиз ҳам қочинг. Мени яширганингиз учун сизниям соғ қўйишмайди, сизниям қамашлари мумкин. Бойсунга қочинг. У ерда сизни менинг яқинларимдан фалончи кутиб олади. Мени яшириб юрганингиз учун сиздан мингдан-

минг миннатдорман», деган бир мазмундаги хатни қолдирган экан. Хатни дарров белимга яширдим-да, устимга чакмонимни кийиб олиб, шу кечаёқ Тошкентдан чиқиб кетдим...

– У одамнинг тақдири нима бўлди? – ўйланиб туриб сўрашга журъат қилди Фақирий. – Кейинги ҳаётини назарда тутяпман-да!..

Салом чол ерга қараб шумшайиб турди-да:

– Эшитишимча, Урусиянинг одам зоти оёғи етмас Сибирь ўрмонларида, Тайга деган тоғлиқ жойларида вафот этган экан. Яқинларининг айтишича, ўша ерга дафн этишибди.

– Бари бир ҳибсга олиниб, Сибирь қилинган экан-да!.. – хомуш тарзда хулоса чиқарди Фақирий. – Ҳа-аа, сон-саноқсиз одамлар у тузумнинг жабрини тортдилар!..

– Шу ерда ҳам мардлик қилган экансиз-да! – уни алқамоқчи бўлди Журъат.

Салом чол унинг гапига эътибор қаратмади, уни эшитмагандай бир кўйи:

– Бу ерда бир қизиму хотиним, кексайган онам қолиб кетишди. Эшитишимча, онам вафотидан сўнг хотиним қўрққанидан ҳам бошқа турмуш қуриб кетибди. Ўша маҳаллардаги маҳаллага раис бўлиб юрган Эргаш мерган отли бир одам бор эди, шунга эрга чиқибди. Бу Эргаш мерган деганимиз маҳалла комиссияси бўлгунига қадар органда ишлаган, чекист эди. Бўйнига маузерни осиб олиб, устидан қора чарм плашни кийиб, Юнусободда ўттиз еттинчи-ўттиз саккизинчи йилларда кўплаб тутқунларни отиб юборган деган гаплар юрарди халқ ўртасида...

– Э-ээ, Қодирийларни отганлар ўшалар экан-да!– тағин ҳам ўйланиб қолди Фақирий, кейин қариянинг сўзини бўлгани учун изза тортди.

– Қайдам, – дея елка қисди Салом чол, Фақирийга бефарқ тикилганча сўзида давом этиб: – Асли у ўратепалик эди. Оташ савдогар деган бир ҳаммаҳалламизнинг уй-жойи мусодара қилинди-ю, ана шу энағар кўчиб келди-да! – деди Салом чол, кейин ўзининг ғайришуурий тарзда сўкиниб юборганидан азият чекди, жуда азият чеккани-дан қулоқ-бурнигача қизарди, ўтирганлардан узр сўради, тағин бир маротаба узр сўрагач, сўзида давом этди: – Кейин менам хотин бола-чақамдан тамом умидимни узиб, мана шу Хурсандбекнинг холасига уйланиб, ўша ерларда қолиб кетдим...

– Бу ерларга қайтишингиз қандай бўлди? – сўради Фақирий.

– Буям қизиқ. Бир куни, ҳа, олтмиш беш, олтмиш олти ёшларга тўлган куним тушимга боя айтганим табаррук зот Эшон Бобохон ота кирдилар-да: «Тошкент атрофидаги «Занги бува»-га боринг-да, ўша ердан паноҳ топинг», дедилар. Бу тушимда бир хосият бўлиши керак деб таъбир қилиб, иккинчи томондан, Тошкентни соғинганим учун ҳам бу ерларга келиб қолдим. Ҳали айтадилар-ку, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деб..

– Қизиқ, – ҳайратлангандай маълум қилди Фақирий, – менам тахминан шундай бўлса керак, деб ўйловдим.

Фақирийнинг гапидан сўнг Журъат ва Хурсандбек бирин-сирин унга қараб қўйишди, аммо Салом чолгина чурқ этмади, бошини хам қилган кўйи тебратиб қўйди.

Фақирий Журъат ва Хурсандбекнинг қарашларидаги унга ишонмаганлик аломатидан воқиф бўлгани сабаб ҳам ўнг кафтини кўксига қўйиб:

– Ҳа, ҳа, рост айтяпман, ишонинглар, – деди, сўнгра кўзларини болаларча жавдиратиб Салом чолга термулди.

Салом чол Журъат ва Хурсандбекнинг Фақирийга ишонқирамай қарашларига эътибор бермаган йўсинда ҳаммаларига бир-бир нигоҳ қадаб олди-да:

– Эшон Бобохон ота доимо мана бу жумларни ҳам арабчада ва ҳам ўзбекчада бизларга ёдаки қайтариб: «Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. Яъни уларни барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб – йўқдан бор этиб тургувчидир. У зот нурининг мўмин банда қалбидаги мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичинда, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У чироқ на Шарқий ва нада Ғарбий бўлмаган, балки заминнинг қоқ марказидаги муборак зайтун дарахтининг мойидан ёқилур. Унинг мойи тиниқ, мусаффолигидан гарчи унга олов тегмаса-да, атрофни ёритиб юборгудек. Оллоҳ ўзининг бу нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Оллоҳ одамлар ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтиради. У чироқлар бир уйларда, яъни масжидларда ёқилурки, Оллоҳ уларни баланд кўтариб, уларда Ўзининг номи зикр этилишига амр қилган эди. У ерларда эртаю кеч у зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳни зикр қилишдан, намозни тўкис адо этишдан ва закотни ҳақдорларга ато этишдан маҳрум қила олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кундан қўрқурлар»[1], дер эдилар. Менимча, – у шундай деб Фақирийга қараб

---

[1] Қуръони Карим, Нур сураси, 35-оят.

қўйди, – қаландарлар ҳам ана шундай бир одамлар бўлишса керак. Бекорга улар сизни ва сизга ўхшаб қўлларига пул тутқизганларни «чироқларим» дейишмаган. Уларнинг ичлари, қалблари чироқдайин нурга тўлиб бўлган бўлиши керак!..

Фақирий яна бир бор чолга ҳавас ва ҳайрат билан боқди-да:

– Шунақа бўлса керак, – деди, юқоридаги саволига тўлиқ жавоб олганини юз-кўз ишорасида сездирди, қизарди, сўнгра анча жим турди, Журъатга қаради, бироқ бирор оғиз сўз демади.

Журъат ҳам ўз навбатида «чол саволингга боплаб жавоб бердими? Кўнглинг ўрнига тушдими?» деган бир мазмунда унга истеҳзо билан қараб олди, сўнг эса мўйсафидга юзланиб:

– Ишимиз юришсин деб қурбонликка бир қўй атаган эдик, шуни якшанба куни дўконда сўймоқчимиз. Сизниям келиб опкетамиз, – деди, ортидан чолнинг ёнидаги Хурсандбекка ҳам назар солиб қўйди.

Салом чол чайланинг бир нуқтасига тикилиб турди. Анчадан сўнг оппоқ соқолини учига довур силаб туриб:

– Ё насиб! Ҳа ўша кун келаверсин-чи, – деди, жиянига кўз қирини ташлаб қўйди.

Журъат унинг боргиси келмаяпти деб ўйлагани учун ҳам:

– Насиб қилади, сизни келиб опкетаман, – деди, унга бир қараб қўйган Хурсандбекни «мени таклиф қилмади деб хафа бўлаяпти», деб мулоҳаза қилгани учун: – Мана бу аканиям олиб борасиз, – деди, ортидан «сенинг ҳам кўнглинг қолмасин-а?» деган бир мазмунда Хурсандбекка қараб жилмайиб қўйди.

Хурсандбек унинг жилмайиши мазмунини уқолмади, бир тебранди. Кўзлари ёниб, ҳалидан буён тундлашиб турган юзи ёришгандай бўлди.

– Бир-иккита машрабона ғазаллар бор эди, сизга кўрсатсам бўладими?.. – деб Фақирийга юзланди у.

– Мен ҳозир матбуотда ишламаяпман, бу киши қўли остидаман, – деди Фақирий, ўзининг савдо соҳасига аралашиб қолганидан ўнғайсизланди, яна мўйсафиднинг сўнгги гапи ҳам уни ўйлантириб қўйди.

– Майли-да, – деди Хурсандбек.

– Кўриб берадилар, ўша куни оборсангиз кўриб берадилар, а Фақирий?..

– Ҳа, ҳа, майли, – деди Фақирий, у ҳали ҳам Салом чолнинг сўнгги жумлаларини ўзича таҳлил қилиб ўтирарди.

Салом чол унинг руҳий ҳолатини сезгани учунми, аввал унга, сўнг эса Журъатга нигоҳ қадаб:

– Сизга дам солиб қўяймми, ўғлим? – деб сўради.

Журъат шошиб тургани учун ҳам:

– Йўқ, йўқ, бошқа сафар, машинанинг олдида ўша кунги оғайнимиз кутиб турувди, – деди-да, Салом чолнинг «нега у кишини олиб келмадинглар?» деб норозиланишига эътибор бермай, уни фотиҳа ўқишликка шоширди.

Салом чол фотиҳа ўқиб бўлиб, ўрнидан қўзғалиб, хонақоҳидан уларни кузатиб ташқарига чиққанида, қабристон тарафга, паст-баланд, кўримли-кўримсиз қабрларга пича қараб олди-да:

– Сизларнинг оналаринг борми? – деб сўради, ҳар икки меҳмони «ҳа», деб жавоб қайтаришгач: – Дунёда онадан азиз, она дуосидан мўътабар нарса йўқ экан. Буни мен сизларга айтаётганимнинг боиси, менам бир фарзанд сифатида

ўз муштипар онамни мана шу қўлларим билан қабристонга дафн этиш насиб этмагани, этолмаганим учун айтяпман. Мени маъзур тутасизлар. Сўнгги нафасларида тепаларида бўлолмаганим менга оғриқли бир армон бўлиб қолган...

Бирдан Журъат сесканиб тушди. Баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. Хаёлидан шу дамда: «Бобой нега бу гапларни бизга айтяпти? Атайлаб, онам билан алоқаларимиз яхши эмаслигини сезгани учун шундай демаяптими?!», деган ўй ўтиб, турли шубҳали мулоҳазаларга ҳам боришгача етди. Кейин яна ўзини қўлга олди-да: «Шунчаки айтди-қўйди-да энди! У қаердан биларди сенинг онанг билан ўрталарингда бўлиб ўтган жанжалларингни?!», дея хулоса чиқаргач:

– Бўпти, Салом ота, якшанба куни ё мен ё ўринбосарим келиб сизларни опкетамиз, – деди.

Салом чолдан яна «Ё насиб!» сўзини эшитгач, у билан хайрлашиб, қабристон орқали масжид ҳовлисига чиқиб борганларида Фақирийни саволга тутди:

– Нега бу бобой ҳадеб «ё насиб»лайверади?..

Фақирийга бошлиғи Салом чолни «бобой»лаб қолиши айил ботди. Яна мўйсафид ўз онасини эслаганида ва ҳадеганда «Худо хоҳласа» мазмунида гап қилганида ўзгача бир маъно сезган бўлди-ю, аммо буни Журъатга айтишни истамади. «Қизиқ, Журъат отасининг қабри тепасида онасини ёмонловди, бу мўйсафид эса ўзгалар қабри тепасида «онангизни эҳтиёт қилинглар!» деб бамаъни насиҳатлар қилди-я!», деб муҳокама юритди, мазкур муҳокамаси ортидан: «Шу одамда авлиёлик сифати борга ўхшайди-да! Бекорга Эшон Бобохон ота айтиб берган қуръоний гапларни мисол тариқасида келтирмади, ўзининг ҳам юзидан фариштали бир одам эканлиги

кўриниб турибди. Одамларнинг руҳоний дунёларига кира оладиган бир сифати бор-да ишқилиб бу мўйсафидда», деган фикрга бориб:

– Энди... Худо хоҳласа борамиз, деган бир гап қилдилар-да! – деди.

Журъат ҳамроҳига ҳам бир нарсадан гумонсирагандай қараб қўйди-да, шу дамда дилидан ўтган ўйини тилига кўчирмади, шунга яқин гап қилиб:

– Негадир чайласига оёғим тортмай борувдим, ўзи Зоҳиднинг билганича бор экан, – деди, сал нарироқ юришгач: – Фақирий, тағин бобойнинг охирги гапларини Зоҳидга айтманг, чол алжирайверади-да, тушундингизми? – дея огоҳлантирди-да, унинг олдига ўтди.

Улар олдинма-кетин машинага яқинлашдилар...

57

Учовлари овқатланиш учун Тахтапулнинг орқасидаги қишлоқ кўчаларини эслатувчи йўл билан «Шаршара»га етиб келишганида соат учдан ўтиб бўлган эди. Пастликка тушаверишдаги йўлнинг сўл томонидаги қатор пастак уйларнинг орқаси машиналар тўхташи учун асфальтланиб, бетон тўсиқ билан ажратиб қўйилган бўлиб, у ерда беш-олтита енгил машина турар, уларнинг ёнида, тўсиқнинг бу бетидаги «қўзиқорин» соябон тагида олтмиш билан олтмиш бешлар орасидаги, бошидаги оқ пешанабоғини қошига довур тушириб ўраб олган, қоратўридан келган, гирдиғум сумбатли хўппа семиз аёл кичиккина табуреткага мук тушиб ўтириб олиб, мошранг сирли челакдаги айронини мақтаб чўмичда шопириб ўтирарди. Журъат ҳам биринчи тезликда

пастга тушиб бориб, тўсиқнинг ўртасидаги очиқ ер билан ўнг томондаги қора «Мерседес»нинг яқинига бориб тўхтади. Ён томондан Мирзоҳид, орқадан Фақирий тушишди. Уларнинг ортидан Журъат ўша ёқдаги эшиклар тугмасини босиб қулфлади-да, кейин уяли телефонини, сигарети қутисини қўлига олиб, олди эшикни ёпиб, қўлидаги калитни бурнига солди. Унинг қулфланган-қулфланмаганини билиш мақсадида бир-икки бор тортиб кўрди, сигарети ва калитини шимининг киссасига солди, чап қўлидаги уяли телефонни ўнг қўлига олди, айрон сотиб ўтирган аёлнинг ёнидан ўтиб кетаётганида, ундан сал илгарилаган шерикларига юзланди:

– Битта-битта стакондан айрон ичвомайсизларми?

Унга жавобан Мирзоҳид ортига ўгирилиб:

– Айрон ични вайрон қип юбормасин, а Фақирий? – дея ёнида кетаётган шеригига қараб қўйди.

Фақирий унинг гапига кулди, аммо ножўя сўз айтмади, жазирама иссиқда, яна қоқ пешинда бола-чақасига беш-ўн танга топаман деб челакда айрон шопириб ўтирган аёлга ачингани учун ҳам кўнглига ҳазил сиғмади, шу боисдан:

– Мен пастда чой-пойми, қатиқми ичақоларман, – деди.

– Хола, булар нима дейишяпти, а? – аёлга қараб кулди Журъат.

– Ҳа, нима дейишяпти оповси?.. – куннинг қизиғидан мияси ачигани учунми, аёлнинг қулоғига гап кирмасди. У айрони устига ёпиб қўйгани докага қўнган икки-учта хира пашшани ҳайдади, ҳайдаш баробарида «ҳа, яшшамагурлар-а!» деб қарғаниб ҳам қўйди.

Журъат унинг қоп-қора қўлларига, ёнидаги сири кўчган оқ тоғорадаги сувга солиб қўйилган тўрт-бешта стаканга, ундан эса аёлнинг қарғаб ҳайдашига парво қилмай яна қайтиб учиб келиб докага қўнаётган пашшаларга, бетон тўсиқнинг нариги томонидаги машиналарга диққатини қаратган бўлди, кейин ярим жилмайган қиёфада:

– Анавилар «бу айрон ични вайрон қилади», дейишяпти-ку, шунақами? – деб сўради.

Аёл оғзидаги ярмига жез қоплатилган сўйлоқ тишларини кўрсатиб кулиб қўйди-да, гавдасига муқоясалаганда номутаносиб тушган кичиккина «қўлбола» табуреткада бир тебраниб олди, дўрдоқ, қалин лабларини чўччайтириб:

– Оповси, мана бундай саратоннинг иссиғида ични вайрон қилиш нимаси эди, бекоргинани айтишибди ўртоқларингиз, қайтанга ичингизни равшан қилади, иштаҳангизни очади, қатиғимнинг ёғини олмасдан тайёрлаганман-а бу айронни! Мана, кўринг, мана қаранг! – деди-да, дастасининг юқори қисми синган чўмичда бир-икки бор уни шопириб қўйди, айроннинг бетида икки-уч муз парчаси қалқиди, сўнгра қўшиб қўйди: – Менинг айронимдан ичмабсиз, дунёга келмабсиз!..

Ана шу челак бетига қалқиган музни кўргач, Журъатнинг айрон ичгиси келмай қолди. Йўқ, аёлнинг қоп-қора қўлларини, сарғайиброқ турган докага ҳадеганда қунишини қўймаётган пашшаларни, тоғорадаги чала ярим чайилган, чети учган стаканларни кўриши билан иштаҳаси бўғилган эди-ю, аммо аёлга гапириб қўйгани учун ёнидан нари кетолмаётганди, челакдаги мана бу муз парчаларига кўзи тушдию негадир айронни кўнгли тортмай қолди. Шоша-пиша

тоғорадаги стаканларнинг бирини олиб, ичига чўмичда айрон тўлдираётган аёлни тўхтатди-да:

– Хола, хола, айронингиз неча сўм? – деб сўради.

Айронфуруш аёл Журъатнинг савлатига, устидаги башанг кийим-бошига бошдан-оёқ разм солиб чиқиб туриб:

– Ҳа-аа, от билан туя бўлармиди оповси, эллик сўм-да! – деди.

Журъат унинг гапига, гапириш оҳангига кулди. Шимининг киссасидан эллик сўм чиқариб:

– Мана хола, эллик сўм. Стакандагини қайтиб челакка ағдарақолинг, – деди.

– Э-бе, ичилмаган айронгаям пул оламанми? Қўрқмай ичаверинг оповси, бир нима бўлса мен кафил, – деди.

– Йўқ, пастда озроқ «манавиндан» ҳам ичмоқчи эдик-да, – арақни назарда тутиб томоғига чертиб қўйди Журъат.

– Ҳеч нима қилмасди ука, «жар»га тушгунингларча йўқ бўлиб кетарди, – деди аёл, Журъатнинг пулини олишини ҳам, олмасини ҳам билмади.

Журъат уни қистовга олди:

– Олаверинг опа, бизларники табаррук...

– Йўқ, оповси, бундай қилолмайман, – унинг қўлини қайтарди айронфуруш аёл. – Бундай қилишга қўрқаман.

Журъат унинг этагига эллик сўмни ташлади-да:

– Жуда кўнглингиз бўлмаса, ҳув анави кўк «Жигули»га кўзингизни ташлаб турарсиз, – деди-да, аёлдан нари кетди.

– Ундай бўлса майли, – деб қолди унинг ортидан аёл, Журъат ташлаб кетган пулни фартугининг киссасига солди. «Шунақа аломат одамларам бор-а дунёда», деб Журъатдан ажаблан-

ганининг белгиси сифатида бошини икки ёнга тебратиб кулиб қўйди.

Журъат тепаликка кўтарилганда, Мирзоҳид ва Фақирий шаршарадан йигирма-ўттиз метрча наридаги Қичқириққа ўрнатилган чархпалак рўпарасидаги қари тол тагида – сув жўмрагида қўлларини ювиб, дарахтга осиб қўйилган фанер бўлагидаги ёзувларни ўқиб турганларига кўзи тушди. Шерикларининг ёнига борди-да, у ҳам сув жўмрагига энгашиб қўлларини ювиб, шимининг орқа чўнтагидан йўл-йўл оқ дастрўмолини оларкан:

– Ҳа, нимани ўқияпсизлар? Нима деб ёзиб қўйишибди? – деб кулиб туриб Мирзоҳиддан сўради.

– Бу ерларни «Хончорбоғ» дейишармиш. Ўн мингга яқин аҳолиси бормиш. «Содда, меҳнаткаш халқ»миш. Кўчаларнинг, маҳаллаларининг харитаси чизилибди. Яна, – дея Фақирийга қараб кулди Мирзоҳид, – яна бу маконнинг эгаси Фақирий акамизга ўхшаган бир ёзувчимиш. Ана шу одамнинг исмиям ёзилибди. Ўзи ёзувчи-шоирлар сал ғалатироқ бўладими дейман-да, а Фақирий? – кўрсаткич бармоғини чаккасига олиб бориб у ён-бу ён буради Мирзоҳид.

Журъат ҳам унинг сўнгги гапидан кулди. Мирзоҳид «ғалатироқ» дегани шоирнинг исми-шарифини билиш истагида фанер бўлагидаги оқ матога кўк бўёқларда ёзилгани «Анвар Шокир қаҳрамонлари макони» деган ёзувга кўзи тушди-ю, юраги шиғиллаб кетаёзди. «Бу Собира холамнинг тўнғич ўғлини исми-ку! Унинг китоб ёзишларини, ана шу ёзганларини қайси бир мукофотга қўйишганини телевизорда уни кўрсатишганида билувдим!..», деган ўй бир сонияда хаёлидан ўтди, ўтдию ҳозир бу одам менинг

холамнинг ўғли бўлади, дегудай бўлса Мирзоҳид уни мазах қилиб қолишидан чўчигани учун ҳам ўзини бу ёзувга ортиқча аҳамият бермагандай қилиб кўрсатди-да: «Ҳа, энди ёзган бўлса ёзгандир-да, яхши анави «Шаршара»дагилар опташлашмабди», деди, кейин Фақирийга қаради.

Фақирий Мирзоҳидга тушунтираётган бўлган ёзувчи ҳақида Журъатга ҳам маълумот берган бўлиб:

– Бу ерларни инқилобгача «Хончорбоғ» дейилган экан. Ёзувчи мана бундай урбанизация даврида шу номни авлодларга сақлаб қолгани, шу ерликлар ҳақида қиссалар, рўмонлар ёзгани катта гап эмасми? Маънавий ҳақи бор-да ана шундай деб ёзишга! Кўп асарларидаги воқеалар ана шу ер одамлари орасида кечади! Шаҳарда яна битта ўзининг шаҳарчасини яратолган бу ёзувчи!.. – деди, ортидан анҳордаги чархпалакка нигоҳини қадаб туриб: – Мен бу ерларни яхши билганим учун айтяпман. Бир қиссасида, «Хончорбоққа тун чўккканда» деган эди шекилли, ана шу қиссада Жўрахон исмли қиз ҳар куни мана шу ерлардан, мана шу жийдазорлар оралаб, баҳор оралаб челагига сув олгани елкасида обкаш кўтариб ҳув ўша ҳозир ресторанниng ўрни бўлган шаршара бўйига тушиб боради. Ёзувчи буни эҳтирос билан, тўлқинланиб, тиниқ бўёқларда тасвирлайди. «Бошига ироқи дўппи, эгнига белнимча кийиб олган, майда қилиб ўрилиб, учига пахта пилик тақилган тимқора қирқ кокил сочлари тақимигача тушувчи Жўрахон баҳор оралаб одимлайди, Жўрахон анҳор ёқалаб тушиб борарди Қичқириқ, шаршара бўйига», деб ёзади... анҳор бўйидаги толпопукдан жевак

тақиб олган мажнунтолларни, жийдазорларни, толбаргакдан жевак таққан қизларни тиниқ, ўзгача бир миллий оҳангда тасвирлайди. У ёқда эса, у ёқда пастда, тепалик ортида, уни севган йигити пана жойга ётиб олиб кузатади. Сени севаман, дея олмай, ҳар куни уни томоша қилиш учун бу ерларга келади...

Журъат Фақирийнинг Анварни оғзидан бол томиб мақташидан севингани важи «бу одам менинг холамнинг ўғли бўлади», деб юбораёзди. Фақат уни бу нарсадан Мирзоҳиднинг ҳалиги гапи тўхтатиб улгурди. Шунинг учун ҳам ҳадеганда қорнини ушлаб қўяётган Мирзоҳидга қараб қўйиб:

– Қани юринглар, Фақирий, қолганини пастда гапириб берарсиз, оч қорингга гап ҳам ёқмаяпти-а, шундайми Зоҳид? – деб ўринбосарига қараб олди.

– Секинроқ гапирасанми Журий, бу акамга толбаргакдан жевак таққан қизлармиди, а Фақирий? Ана ўшалар бўлса бўлгани! Ўзингизам ҳақиқий мажнун экансиз-э Фақирий! – деди, кейин ўрталаридаги ерга қараб турган Фақирийнинг елкасига урди.

Фақирий унга лом-мим демади. Мирзоҳиднинг «ўзингизам ҳақиқий мажнун экансиз-э», дегани эмас, балки уни мазах қилиб елкасига уриб қўйгани унга айил ботди. Ўзини камситилган ҳис этди. Шу он қаёқдандир ёдига яна Фаустнинг арвоҳ билан суҳбатидан кейинги ўйлари келақолди: «Қорин деб ўтурмиз фоний дунёдан, Юрак ташналиги бизга бегона, Юксак мақсадларни кўзлаган одам, Бизларда саналур далли девона, Энг гўзал, мусаффо, сирли туйғулар, Ҳаёт гирдобида янчилар, ўлар...»

Мирзоҳид бошлиғи Журъатнинг ҳиммат камари ечилиб, эримоқчи бўлиб уларни бу ерга олиб келганидан мамнун бўлгани учун ҳам Фақирийга ортиқ таъна тоши отаверишни истамай:

– Ҳали «қиттак-қиттак» устида давом эттирамиз бу мавзуни Фақирий, ҳозир энди ўша ерга тушиб олайлик. Қизлардан гапириш ўзимизгаям ёқади, а Журъат? – деди.

Журъат ўринбосари «коса тагида нимкоса» қабилида гап нишабини Покизага томон оғдираётгандай бўлгани учун ҳам «бу пакана ушлаган жойида одамни чақиб олади-да», деган бир йўсинда ҳушёр эканини маълум қилиб бир қош чимириб Мирзоҳидга қараб олди-да, унга бир оғиз сўз демай олдинга ўтиб, анҳор ёнидаги йўлка билан шаршара бўйига олиб тушадиган зиналар томон одимлади.

Эллик-олтмиш метрча пастга олиб тушадиган зинапояга етганларида ҳар учовлари ўнг томондаги темир панжаранинг тутқичини ушлаганча оппоқ кўпик сачратиб пастга паға-паға булутдай сувни кўпиртириб, ҳайқириб олиб тушиб кетаётгани, одам юрагига маълум қўрқувни солиб пастга оқиб тушаётгани энига уч метрлар атрофидаги бетон тўсиқли шаршаранинг тепага кўтарилишини, сув парчалари устидаги камалакларни кузатиб, қўлларига, бўйниларига сачраётган ёқимли, айни дамда одамнинг этини жунжиктирувчи, маълум маънода уни сескантирувчи сув томчиларидан, ўша ёқдан эсаётган шабадасидан ҳузурланиб пастга тушиб борардилар.

Пастга тушгач, Журъат тўсиқ панжара ёнига борди-да, юқоридаги тўлқинсимон тўсиқларга урилиб ҳайқириб, ошиб-тошиб пастга қараб

оқиб тушаётган шаршаранинг тепасидан кўз узмай шерикларига юзланди:

– Эшитяпсизларми, ҳув ўша шаршаранинг тепасидан тушиб кетган одам мана бу еригача бутун етиб келармикин, омон қолармикин? – деб анҳорнинг оқими тез бўлган ерига ишора қилди.

Фақирий теварак-атрофини кузатишини қўймаётганди, бошлиғининг сўзларига аҳамиятини қаратмай:

– Қайдам, – деб қўйди.

Мирзоҳид эса:

– Спортчилар омон қолади, аммо сен билан менга ўхшаган ҳаваскор сузувчилар у ердан тушиб кетсак, мана бу ўрамага етиб келгунимизча асфаласофилинга равона бўлсак керак, – деди, сўнгра ҳар турли хас-хашакни, ичимликлардан бўшаган елим идишларни, ёғоч бўлакларини чирпирак қилиб айлантираётган ўрамага бир сония қараб турди-да: – Қани, нима қилдик? Ҳув анави тераклар тагидаги шийпонга ўтамизми? – деб Журъатга юзланди.

Журъат ҳам ўзича қулайроқ жойни мўлжаллаб хўрандалар ўтирган томонларга бир-бир назар солиб чиқди-да, кейин Мирзоҳиднинг саволига жавобан:

– Юринглар, анави кўприкчадан ўтиб нариги қирғоқдаги ҳув ўша тол тагида ўтирамиз, одамлардан сал ҳолироқ экан ўша ер, – деди, кейин шерикларининг жавобини кутиб ўтирмай ўзи биринчи бўлиб кўприкча томон юрди. Фақирий ва Мирзоҳид унинг ортидан эргашдилар.

Кўзда тутган жойларига бориб ўтиришганидан сўнг Фақирий юзига фотиҳа тортиб, дуо ўқиган бўлди-да:

– Мен бу ерларни яхши билардим, қанақа жойлар эди-я, – деб нариги соҳилга – рақс майдончасига, ундан эса ошхонага қаради. – Ўша ерда орқадаги маҳаллага олиб ўтадиган энсиз тахта кўприк бор эди, ундан кейин юқорига кўтариладиган зиналар бўлгувчи эди. Бу ерлардан кечқурун, қоронғида ўтиш амри маҳол эди. Болалигимни аниқ эслайман-да, тоғамникига келганларимни айтяпман, – деди, кейин ўтирган ерларидан тепага, юқорига, тунука тўсиқнинг орқасидаги ярим-ёрти кўриниб турган ҳовлига ишора қилиб: – Мана бу тепамиздаги ҳовлида бир қари амаки яшарди. Мана бу толларни ҳам ўша ўтқазган. Мана шу бизлар ўтирган ерда икки-учта қора молини боқиб юрарди. Шу ерни улар учун жой қилиб олганди, – деди.

– Ҳа, ака, у даврлар ўтиб кетди, – деди Мирзоҳид, сал наридаги хўрандаларга хизмат кўрсатаётган хизматчи қизни чақирди, у «ҳозир бораман», дегач, қўшиб қўйди: – Аммо-лекин бу ресторанни хў-ўп жойини топиб қуриб олишди-да, ҳатто одамлар шу ерда тўйларини ҳам ўтказишаётган экан, – деб нариги томондаги катта рақс майдончасига ишора қилди. – Ҳув ўша ерга жойларни қилиб ўтказишаётган бўлса керак...

– Пул бўлса чангалда шўрва, – деб дам Фақирийга, дам Мирзоҳидга қараб кулиб қўйди Журъат. – Эшитишимча, бу ерларни мана шу ҳолга келтириш учун ҳам анчагина харажат қилиб юборган экан, – кўп нарсадан хабари бор одамдай қўшиб қўйди Журъат.

– Жасур акага тегишли эканми бу ер? – ажабсинди Мирзоҳид, ана ўша одамга ҳаваси келгандан, кейин худди бошлиғи Журъат каби ана ўша

одамнинг номини тилга олиб бўлса-да, унга ўзини яқин тутгандай ҳис этиб, ана шу ҳисдан маст бўлиб Фақирийга қараб кулди Мирзоҳид.

– Ие, қизиқ экансан-ку! Ким сени минг йиллик таргаш дейди! Бунақа харидоргир, бунақа гавжум жойларни ўшалардан бошқаси ололарканми?!

– Ҳа, тўғри айтасан.

– Бунақа жойларни одам қилишга бошқа бировнинг кучи етармиди? Ўзининг яқинларидан бирига капитал бериб, шу ерларни юргаз, деган-да! – Фақирийга қараб қўйиб ўринбосарининг устидан кулган бўлди Журъат.

– Ҳа, кимдир илгарилари бу ерга нонвойхона қуришга уриниб бир тандир қурганига кўзим тушувди-ю, аммо бошқасига кучи етмаганди. Ўша тандир бирор ўн йиллар ҳайкалдай ана шу ерда қўққайиб турди-да, янглишмасам.

– Ҳа, билар экансиз, Фақирий, менам бирда шу ердан ўтганимда кўрувдим ўша тандирнинг қўққайиб турганини. Атрофини оқ ғишт билан ўраб қўювди-а?..

– Ҳа, – деди Фақирий, хаёлидан яна ўша ёзувчининг «Хончорбоққа тун чўкканда» қиссаси ўтди. Асар қаҳрамони Наби Тароқнинг бобоси бўлган Сирож маҳсум ёдида гавдаланди. «Занги бува»даги қабристонда кўргани, гаплашгани Салом отани ўз қайнатаси Саидикром эшон каби худди ана шу махсумга ўхшаб кетиши мана энди эсига тушди. Эсига тушдию: «Ҳа, ўша қиссани бошқача ёзганди, мана шу ерларда Наби Жўрахонини талашиб Шерали билан муштлашганди-да, воқеа худди мана шу ерларда бўлган», деб ичида сўзланиб, яна бир карра теварак-атрофларини кўздан кечириб чиққан бўлди.

– Менга буни Шурик айтди-да, Шурикни биласан-ку, братанни олиб юради. Мен билан мана бундоғ-ку, ўша братанга яқин юрган кезларимизданоқ икковимиз қалин бўп кетганмиз. Баъзида мана бундай ёзнинг кечаларидаям шу ерга келиб дам олиб кетишаркан. Биласанми ким билан?..

Шу маҳал юз-кўзларини бўяган ёшгина, ёқимтойгина хизматчи қиз оппоққина оёқларидаги баланд пошнали босоножкасини дўқиллатганча уларнинг тепасига келди-да, қўлидаги таомлар рўйхати қайд этилган бир варақ қоғозни унга бошдан-оёқ разм солиб, бошқача табассум билан кутиб олган Мирзоҳиднинг қўлига тутқазди. Мирзоҳид рўйхатни кўздан кечириб чиқди-да, сўнгра бошлиғига юзланиб:

– Журъат, биринчисига сен яхши кўрадиган ўзбекча қайнатма шўрваям бор экан. Шундан ичамизми? Иккинчисига табака, манти, палов, киевча бифштекс, бифстроган, кабоб «панжа» бор экан. Нима еймиз? – деб яна Журъатга, ундан сўнг Фақирийга кўз қирини югуртириб қўйди.

Журъат унинг қўлидан менюни олди-да, рўйхатга бир кўз югуртириб, Мирзоҳиднинг сазаси ўлмасин, дегандайин унга қараб қўйиб:

– Майли, менга қатиқ, кейин қайнатма шўрва, аччиқ-чучук, иккинчисига кабоб «панжа» бўлақолсин. Киевча бифштекс, бифстроганларни сизлар еяқолинглар, – деди у, ўз гапи ўзига нашъа қилди чоғи, Мирзоҳидга қараб кулди.

Мирзоҳид унинг камситишига эътибор бермади-да:

– Сиз нима ейсиз, шоир? – деб Фақирийга қош чимириб қаради.

Фақирийга унинг қарашидаги такаббурлик ёқинқирамади, шунинг баробарида «мен уни

истайман, мен буни емоқчиман» дея олмади, чунки мана бир неча кундан бери дўкон ҳисобига овқатланиб юрган бўлгани учун, ҳозир эса Журъатнинг таклифи билан унинг ҳисобига бу ерга келган бўлгани учун ҳам ўзига синовчан тикилиб тургандай туйилаётгани шериклари олдида ичдан хижолатлангандай бир овозда:

– Сизлар нима десанглар шу-да, – деди.

– Бўлмаса бизгаям биринчисига шўрва, умуман учта қайнатма шўрва, уч порция кабоб «панжа»! А, шундай бўладими? – деб Журъатга юзланди Мирзоҳид. – Мен «панжа»ни емаганман, шунинг учун сўраяпман!..

– Тўрт бўлак гўшт-да! Тўрт сих кабобнинг ўзи! Фақат буни ликопчага солиб опкелишади. Мазасиям бошқачароқ, хушхўрроқ, келганда кўрасан! – деди Журъат, унинг «хушхўрроқ» деган сўзидан сўнг Фақирий ҳам, Мирзоҳид ҳам «қулт» этиб ютиниб қўйишганининг гувоҳи бўлгани учун ҳам айёрларча кулиб қўйди. Хаёлидан шу дамда: «Ҳа, сенларни оч қўйиб жазолаш керак-да», деган ўй ўтди, кейин тезда кўнглидан кечган ана шу ўйни фаромуш қилди.

– Анавиндан сад грамм-сад граммдан олмаймизми? – деб араққа ишора қилди Мирзоҳид.

– Боя ичмоқчи эдим, аммо энди истамай қолдим, иннайкейин рулдаман-ку, – деди Журъат, уларнинг оғзига қараб турган хизматчи қизга мурожаат этиб: – Буларга юз эллик граммдан иккита қадаҳда ароқ, иккита нон, бир чойнак фамил чой, ҳа, дарвоқе, аччиқ-чучук ҳам бўлса опкелаверинг, – деб буйруқ берди.

– Мен ароқ ичмайман, – деди Фақирий.

– Юз эллик грамм ҳеч нима қилмайди, ака, – эркалангандай овозда унга юзланди Мирзоҳид,

кафтларини бир-бирига ишқади. – А, Журъатнинг даврида? – деб бошлиғига мўлтониланиб қараб олди, айни дамда хаёлидан Мактуба ўтиб улгурди. «Уни албатта бир шу ерга опкелиб меҳмон қиламан! Ундан кейин, мендан бир умр миннатдор бўлиб юради. Ана шу меҳмондорчиликдан сўнг ҳар икковимиз ҳам ўйлаган ниятларимизга эришишимиз турган гап», деб кўнглига тугиб қўйди, яна ортидан: «Худди мана шу ерда Мактуба билан кўз уриштириб шампан ичиб ўтиришга нима етсин? Ана шу сув бўйида унинг кўнглига қўл солиб севги изҳор қилиб кўраман! «Сен менсиз, мен эса сенсиз яшолмаймиз! Кел, энди, «аканг қарағай»га иккинчи хотин бўп қўя қол, керак бўлса «бир калла қанд, битта мулла, уч сўм пул» дегандай, хуфёна никоҳланиб ҳам оламиз, дейман», деган мазмундаги ширин ўй-мулоҳазалар ҳам суриб улгурди.

– Бир марта Зоҳид билан олсангиз-опсиз-да, Фақирий, – ёнига қўшилди Журъат, ортидан ўринбосарини мазах қилган оҳангда давом этди: – Менинг давримда бир яйранглар, а Зоҳид?!

Мирзоҳид унинг кесатиғини тўғри тушунгани учун ҳам:

– Ҳа-да! – дея жилмайди, унинг хаёлини ҳали ҳам юқори қаватидаги қўшниси Мактуба банд этишини қўймасди. «Ўша куни уни уйига олиб кириб таппа босишга бир имконият бўлди-ю, аммо Воҳид халал бериб қолди-да! Нима жин уриб унинг магнитофонини қўлимда кўтариб чиққан эканман, ҳайронман? Аммо-лекин Мактубанинг ўзиям худди ана шу нарсани истаб турувди-да! Ҳа, ҳа, бутун бадани алангаи оташ бўлиб ёниб турганини билагини ушлаганимда-

ёқ сезувдим! Айнан шу нарсани истаб турувди-да остонасида!..», дея ўзининг ўша куни, ўша туни калтафаҳмлик қилганини, калтафаҳмликдан ҳам кўра қўрқоқлик, журъатсизлик қилиб, орзу қилиб юргани нафсоний истагини қондиролмаганидан, имкониятни қўлдан бой берганидан минг афсуслар чекди, айни чоғда Мактубага бўлган қизиқиши, аёлнинг қучоғида сузиб юришга бўлган иштиёқи янада кучайди. «Нима бўлгандаям, бари бир меники бўласан, Мактуб», деб қўйди ўзига-ўзи.

Фақирий астойдил ичишни истамаётганини билдириш учун чап кафтини кўксига яқин қўйди-да:

– Чин юракдан айтяпман, ичишни истамайман, менга бўлмайди, – деди, ёшига ярашмаган бир тарзда кўзларини болаларча жавдиратди.

Журъат «бу шоири замон ҳозир Зоҳиднинг олдида ўз дардини айтиб қўймаса гўрга эди», деган хавотирли ўйга боргани учун ҳам энди шеригини қистовга олмоқчи бўлиб сўзлашга оғиз жуфтлаган Мирзоҳидни гапдан тўхтатиб:

– Майли, майли, зоримиз бор, аммо зўримиз йўқ. Ака ароқ ичишни хоҳламасалар, сен билан ўзим оларман. Юз грамм ароқ билан ҳеч ким ўлиб қолмас, бизларга нима бўларди, а Зоҳид? – деди, сўнгра эса ёдига бирдан яна холаваччаси Анвар тушиб қолгани учун ҳам Фақирийга юзланиб: – Ҳалиги айтганингиз одам «Анвар Шокир»-миди? Шуни яхши ёзувди денг? – деб сўради, бу сўрови замирида бўлак бир мазмун, бўлак бир маъно яшириниб ётганини ошкор этиб, ўринбосарига қараб кулиб қўйди.

Фақирий унинг кулгиси замиридаги ўзга маънога эътиборини қаратмай, тўғри одам бўлгани учун ҳам, бошлиғининг сўзларини тўғри қабул қилиб:

– Ҳув боя айтганим қиссадаги қиз бор-ку, Жўрахон, шуни ана шу хончорбоғлик Наби деган бир йигит севади. Асар қаҳрамони Наби Тароқни назарда тутяпман-да! Шу қизни Шерали деган бир тожик бола билан талашиб ҳув боя машинангизни қўйдингиз-ку, ўша ерда иккови тоза муштлашишади-да! Мана шу анҳор бўйига тушиб қизнинг обкашда сув олишларини ҳув анави ошхонанинг орқасидаги тепалик ортидан ҳар куни томоша қилиб юради-да бола! Муштлашиб калтак еб кетаётганида ариқ бўйидаги бир-иккита момақаймоқ гулидан қуёш ўпич, муччи олаётганининг гувоҳи бўлиб антиқа бир ҳолатга тушади, бутун дардини ана шу ўсимликка айтади!..

– Бу билан нима демоқчи энди? – сўради Мирзоҳид, бошлиғи мавзуни яна ўша телба ёзувчига олиб келиб тақаганидан ижирғанди, Журъатнинг бояги маънодор кулгисида ҳам ана шу ижирғанишни туйган, пайқаган бўлди гўё.

– Бу билан беғубор, соф туйғуларни, боланинг илк муҳаббатини кўрсатаяпти-да ёзувчи! Иннайкейин, мана шу ерларнинг ўша пайтдаги тасвирини, соф миллий ҳаётни, ўзбекларнинг покиза туйғули бир халқ эканини экспрессив-эмоционал бўёқларда эҳтирос билан тасвирлайди-да!..

Журъат Фақирийнинг оғзидан ҳали ўзи эшитмагани, эшитишни ҳам ўйлаб кўрмагани ўзи учун бадҳазм санагани номаълум сўзлар чиққанидан ажабланиб, яна бу таърифлар бошқа бировга эмас, унга яқин бўлган холасининг ўғлига тааллуқли эканидан ҳайратланиб «ҳали шундайми ҳатто» дегандай бир тарзда Мирзоҳидга қараб бош тебратди-да:

– Қайси пайтларни кўрсатган? Ҳозир ҳеч ким обкаш кўтариб жарлардан сув ташимайди-ку? – деб сўради, бу ёзувчига астойдил қизиқиб қолганини маълум қилиб, юзида самимият акс эттириб жилмайди.

– Наби Тароқнинг гоҳ ёшлигини, гоҳ эса кексайгани даврини тасвирлайди. Бизда бунақа ёзувчилар кам. Ҳар турли замонавий бадиий тасвир усулларидан ҳам кў-ўп фойдаланган-да! Боя айтдим-ку, экспрессив-эмоционал бўёқлар деб... унинг тасвир қилиш усулларини айтаяпман-да! Ҳалиги қисса қаҳрамони Жўрахоннинг обкаш кўтариб юришлари бор-ку, у урушдан кейинги эллигинчи йиллар воқеаларини ҳикоя қилади-да! Ана ўша давр қаламга олинади!..

– Нега «Наби Тароқ» деган? Бу лақабми? – кулди Мирзоҳид, кейин бошлиғи Журъатга ҳам қараган эди, унинг ҳадеганда соқоли қиртишланиб олинаверганидан шилинаёзган, териси юпқалашиб қолган такаббур юзида ҳам истеҳзоли бир кулгуни кўрди. «Буям менга «пакана» деб лақаб қўйган, ҳа, ҳа, баъзан гап-сўзларида худди ана шу нуқсонимни тилга олади. Шунинг учун ҳам менга «сениям Зоҳид Пакана дейдилар-ку, шунга ўхшаш бир гап бўлса керак-да», деган бўлиб тиржайди! Ҳа, ҳа, менам нима қилардим шу китоб-фурушга савол бериб? Охир-оқибат ўз саволим ўз нуқсонимни юзимга солинишига, яна манави «олифта» томонидан солинишига, писмиқона, қитмирона тарзда солинишига сабаб бўлди-я!», деб берган саволи учун ичдан ўзидан норозиланиб, қизаринқираб, ич-этини еган бўлди.

– Ўша йигит урушга кетиб қайтмаган Қобил тарқочи деган бир имонли одамнинг фарзан-

ди бўлади, отасининг Эскишаҳарда тароқсозлик устахонаси бўлади-да! Умуман Тошкентнинг шу мавзе аҳолиси илгарилари ҳунармандлар бўлган, ҳунармандчилик билан шуғулланганлар! Шаҳарнинг энг катта бозорига яқин жой бўлган-да, бу ерлар! Илгарилари бу ерларда кўплаб карвонсаройлар ҳам бўлган! Бошқа мамлакатлардан савдогарлар карвони оқиб келаверган, ҳали айтадилар-ку, «Ипак йўли» деб, ана шу йўл бизнинг ўлкалардан ўтган-да, кўряпсизми гап қаерга бориб тақаляпти. Сизлар буни билишларингиз керак, чунки кечаги ва бугунги кун савдогарисизлар!..

Фақирийнинг «кечаги ва бугунги кун савдогарисизлар» деган жумласи Журъатга ҳам, Мирзоҳидга ҳам мойдек ёқиб, маълум томонлари билан эриш ҳам туйилди. Ҳар икковлари ўтирган жойларида бир тебраниб қўйишди. Мирзоҳид бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо бошлиғи яна масхара қилиб қолишидан чўчиб шу сафар тек туришни маъқул билди. Ундаги бу ҳолатни Фақирий сезмади-ю, аммо Журъат сезгани учун томоқ қириб унга қараб олди-да, пича ўйланиб туриб:

– Ҳа-а, шундайми? – деди, яна ўзини сермулоҳазаликка солиб, ўнг қўлининг бош ҳамда кўрсаткич бармоқлари кўмагида иягини қашишга тушди. У холаваччасининг бошқалар олдида шундай обрў-эътибори борлигини сира ўйламаган, сира кутмаганди: ҳа, бир хашаки қаламкашдир-да, ҳозир нима кўп – ўзини ёзувчиман деб ҳисоблайдиганлар кўп; ана шулардан биридир-да, қабилида фикр юритиб юрарди, шу боисдан ундан ўзини олиб қочар, унга ўхшаганларнинг қўлидан ҳеч бало келмайди, мен эса қўлидан иш келадиган одамлар билан яқин бўли-

шим керак, аммамнинг бузоғига ўхшаган бу холаваччамнинг мендан ўзини олиб қочиб юргани ҳам яхши, деб унга оёқ учида қарашга одатланганди. Ўйлаганлари акси бўлиб чиққанидан эса ажабсинди, маълум маънода ана шу нарсани билиб олганидан ичдан севиниб ҳам қўйди. «Қачондир уям менга керак бўлиши мумкин экан, қариндошлик алоқаларини тиклаш зарур экан», деган ўй кўнглидан кечди. «Дарров шунақа томонларини ўйлайсан-а, Журъат? Мабодо ана шу ўйларингни Фақирий ё Зоҳид сезиб қолса биласанми улар сен ҳақингда қандай ўйга боришини? Ҳа-а, ёмонса-ан...», деб ичдан ўзини койиган, ўзидан ранжиб дакки-дашном берган бўлди.

– «Беш кунлик дунё» деган рўмони қаҳрамони Альфия деган бир татар аёл билан бирга бўлиб қайтаётганида, ўзининг қилган ишидан жирканиб кетиб, худди мана шу анҳорда, ҳув анави соҳилида Қичқириққа калла ташлаб чўмилиб чиқиб, кейин кўнгли хиёл, сал равшан тортиб Хончорбоққа кириб кетади, ярим кечада...

– Худди шу ердами?! – ишонмагандай сўради Мирзоҳид.

– Худди мана шу ерда! Агар ишонмасанглар китобниям олиб келиб кўрсатишим мумкин!..

– Демак, бундан чиқди биз тарихий бир жойда ўтирган эканмиз-да! – кулди Журъат.

– Ҳалиги қаҳрамони Альфия деган татар аёл билан дон олишиб келаётган экан, дедингизми?.. Ўзи шулар шу нарсага ўчроқ бўлади, биласизларми? Тағин, Журъат биздаям биттаси бор-а? Фақирий тағин «тап» этиб уни ишхонада босиб ўтирманг-а?! – деб шарақлаб кулди Мирзоҳид, сўнг эса яна Журъатдан кўзини узмай туриб қў-

шиб қўйди: – Дариҳани назарда тутяпман-да, бу кишим энди унинг бошлиғи бўлдилар-ку, а Журъат? Шунинг учун айтяпман-да!..

– Тунов куни менинг олдимга келиб суйкаланяпти-да! – деб бўлимга кирган ўша кунини эслади Журъат. – Зоҳид тўғри айтяпти Фақирий, эри ана ундай бир алкаш бўлса, сизга ёпишишдан тоймайди-да!

Фақирий бошлиқлари дарров гапни бўлак мавзуга буриб юборишларини кутмаганди, уларни ана шу нарсадан чалғитган бўлиб:

– Китобдаям Альфиянинг эри ичаверганидан аёл у билан ажрашиб кетган бўлади...

– Сиз китобни қўйиб туринг Фақирий, Дариҳадан ҳазир бўлинг, – огоҳлантириш баробарида бир нарсаларга ишора қилган бўлди Мирзоҳид.

– Фақат бу нарса дўконда бўлмасин, дўкон пирхона-я!.. – деб ўринбосарининг юқоридаги сўзларига жавоб тариқасида тайинлади Журъат, хаёлидан бир сонияда: «Бу нарсада мендан ибрат олинглар! Мен бундай ишларни фақат хос хоналарда қилиб юраман!..», дея ўзининг киборона ҳаёт тарзидан ич-ичидан мамнунлик ҳис этиб қўйди.

– Э-э, қўйинглар-э! Сизлар чатоқ экансизлар! Сизларга тўғри гапни гапирса дарров эгри томонига буриб юборар экансизлар-э!.. – улардан норозиланди Фақирий. – Мен асар қаҳрамонининг табиати ана шундай жирканч ишни қабул қилмаганини айтсам... асардаги воқеаларнинг ҳаққоний тасвирланганини тушунтирмоқчи бўлсам, сизлар эса... не гапларга обориб тақаяпсизлар.

Журъат ортиқ чидаб туролмади. Шу дамда шерикларига мақтангиси келиб қолгани учун ҳам:

– Ўша сиз ҳалидан буён мақтаётганингиз, воқеаларни ҳаққоний тасвирлаган деётганингиз ёзувчи менинг холамнинг ўғли бўлади! Ўша «Анвар Шокир» деганларинг менинг холаваччам бўлади! – деди.

Фақирий ҳайрат бармоғини тишлагудай бўлиб, юзи ёришиб кетиб:

– Йўғ-э! – деб юборди, бошлиғига ишонқирамади.

Мирзоҳид эса ҳув боя, тепадаги фанер бўлаги осилган бўлган дарахт олдида ана шу ёзувчини мазах қилгани ёдига тушиб, нафаси ичига тушиб кетаёзиб:

– И-е... қизиқ, ҳечам унақамасди-ку? Шунақа холаваччам бор деб ҳеч менга айтмовдинг-ку!.. – дея оғайнисидан, шеригидан норозиланган-дай тутди ўзини, айни пайтда гапириб қўйган номаъқул сўзлари учун изза торта бошлагани-ни нурсиз кўзлари кичрайиб, пешанасини тер босганидан ҳам сезиш қийин эмасди.

– Энди ҳамма нарсани сенга айтаверадими? – кулди Журъат, у бу гапни «холаваччам билан борди-келдимиз деярли йўқ», дея олмагани учун ҳам ана шу тахлит билдирганди.

Унинг онаси билан ҳам, она авлоди билан ҳам алоқаси яхши эмасини билган, тахмин қилган Мирзоҳид ортиқча гап қилмади, бошлиғи ўзини ҳамманинг олдида катта олиб юришини билгани учун ҳам ва Фақирий ҳозир бу ёзувчини осмонга олиб чиққани важи ҳам Журъат ёрилганини, ўзининг ана шундай қариндошлари ҳам бор эканини билдириб қўймоқчи бўлганини сезгани учун ҳам унга чурқ этмади. Фақат Фақирийга юзланиб:

– Фақирий, ўша китобни бир опкеб беринг, менам ўқий, – деди.

– Унга анави ери ёқиб қолди-да, Фақирий, Альфия билан бўладиган иш-чи! А, шундайми Зоҳид? Ўша жойига қизиқиб қолдинг-а?!

– Ўша жойига қизиқиб қолдим, – тап тортмади Мирзоҳид.

– Э-э, у китобда умуман бошқа нарсалар кўрсатилган. Бутун бошли бир халқнинг неча ўн йиллаб қуллик занжирларида сақланиб психикаси ўзгартирилганлиги, руҳи синдирилгани, маънавий қуллик ботқоғига улоқтирилгани кўрсатилган. Яна...

– Э, Фақирий, Зоҳид «психикаси»га ҳам, сиз айтаётган «маънавий қуллик ботқоғига улоқтирилиши» ҳам қизиқ эмас. Унга яланғоч аёллар тасвирланган жойлари керак, тўғрими Зоҳид? – кесатиқ аралаш ўринбосарига нафратланган-дай бўлиб тиржайди Журъат, сўнгра емакларни олиб келиб дастурхонга қўяётган, пича ушланиб қолгани учун улардан узр-маъзур сўраган хизматчи қизга нигоҳини қаратиб яна жилмайди.

– Тўғри, ҳаётнинг бу томонидан ҳам завқланиш керак-да, нима дейсиз Фақирий? – деб шеригига кўз қирини ташлади Мирзоҳид, бошлиғи бу учирма гапларни, қочиримларни бежиз айтмаётгани учун, унинг кейинги пайтда ўз иши билан елиб-югуришларини кечиролмаётганини пайқагани учун ҳам айтаётганини сезгани важи ҳам: – Нима, сенга бу томонининг қизиғи йўқми? Сен завқланишни истамайсанми ҳаётнинг бунақа томонларидан? – деб унга ҳам тегизиб қўйди, ана шунинг баробарида Журъатга: «Янги хизматчингнинг олдида ўзингни беайб фаришта тутяпсанми? Биламан сенинг қандай фаришта эканингни?!», деган бир мазмунда қош чимириб, юзларини учириб мутакаббирона қараш қилди.

Унинг қарашини ҳам, ҳозирги сўнгги гапи тагидаги мазмунни ҳам сезган Журъат Фақирийнинг олдида нафсонияти ерга урилгандай бир ҳолатни ўзида туйди-ю, аммо бу ичдан зил кетишини ўринбосарига ҳам, янги хизматчисига ҳам ошкор этмади, фақат «овқатга қаранглар» қабилида қўл ишораси билан кўрсатди-да:

– Бунақа нарсалар парда ортида қилиниши керак, тўғрими Фақирий? Бундай ишлар эл кўзидан нарида қилинса, сирли тарзда қилинса яхши, – деб сўнгги хулосасини чиқарган бўлди.

Фақирий биринчи марта ана шундай одамлар орасига тушиб қолганидан ичдан сиқилди. Ўша ёзувчини эслаб айтган юқоридаги фикр-мулоҳазалари учун пушаймон еб ўзидан нафратланиб кетди. Иккинчи томондан, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ҳар нарсага балогардон бўлиб, иккита оғайни, айни пайтда кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиб турувчи бу икки рақиб ўртасида қозилик қилиб қолиши мумкинлигидан ичдан зил кетди. Аммо қандай ҳолатда бўлса ҳам, мушкул ҳолатда қолса ҳам юрак амрига зид иш қилмаслигини ўйлаб, сал ўзига тасалли берди-да:

– Иложи бўлса оилага, хотин бола-чақага хиёнат қилмасликка не етсин, – деди. – Оила, хотин-бола-чақа ҳам бир... – у «масжид мисоли», демоқчи бўлди-ю, аммо бу сўзларидан сўнг ҳам кулгига қолиши мумкинлигини ўйлаб, – муқаддас даргоҳ, – деб қўя қолди.

Унинг гапидан сўнг Журъат шарақлаб кулиб юборди, сўнг эса Мирзоҳид билан ораларини юмшатиш мазмунида унга бир қараб олди-да:

– Ўлай агар Фақирий сиз бу дунёнинг одами-массиз! Ё илгарироқ туғилишингиз, ё юз йил ке-

йин туғилишингиз керак эди! – деди, ана шу сўзларидан сўнг эса қўлига қадаҳни олиб Мирзоҳидга тутди. – Кел Зоҳид, шуни сафимизга келиб қўшилган мана шу Фақирий учун олайлик, шу одам ҳам мен билан сенга ўхшаган коммерсант бўп кетишлари учун олайлик! – деди-да, ўринбосарининг қадаҳи билан ўзиникини чўқиштирди.

Мирзоҳид бошлиғи Фақирийга мулозамат кўрсатиш баробарида унинг устидан кулаётганини ҳам сезгани учун:

– Фақирий сиз учун, қўяверинг Журъат билан юриб хор бўлмайсиз, – деди, кейин қадаҳидаги арақнинг ярмини ичиб тугатди. – Мен ва Журъат билан мана бундай кўчаларда юриб, мана бундай дастурхонларда ҳам маза қип ўтирсинлар-да, ҳе онасини... ёзув-чизув қиламан деб ўзизни хор қилиб юрган экансиз-да! Қўяверинг, ўзим сизга савдонинг нозик томонларини, нозик сирларини ўргатаман, а Журий? – деб кўзини қисиб қўйди.

Журъат кулди. Сал ўтмай яна дарров жиддий қиёфага кирди-да:

– Бу савдо соҳасида ўзи айтганидай анча билимдонлардан. Фақат бунинг нозик томонлари бор, шундан эҳтиёт бўлинг Фақирий, – деб хизматчисини огоҳлантирган бўлди. – Бошқа жиҳатларда унга шогирд тушганингизга ачинманг...

Бошлиғининг мана бу сўзларидан сўнг Фақирийнинг ёдига қаёқдандир шу дамда: «Адолат ва эзгуликдан айро тушган ҳар қандай билим доғулиликка айланади. Уни донолик деб айтиш ножоиздир!» деган жумла келди. Келдию: «Буни ким айтганди? Ҳа, ҳа, Суқротнинг сўзлари, «Ҳақиқатни Афинадан устун қўяман, тафаккур-

ни эса миллийликдан», дея бутун Юнонистонга жар солган улуғ Суқротнинг сўзлари эди», деди, кейин бу ҳикматли сўзлар бошлиғининг Мирзоҳид ҳақидаги фикрига ҳам, мана бу ўтириш тарзларига ҳам номутаносиб кўрингани учун ҳам уни тезда фаромуш қилди-да, косасидаги шўрвадан қошиқда ҳўплаб қўяркан, даврада ҳазил-мутойибага яқин кайфиятни уйғотишга интилиб:

– Яна бир томонлари бор экан, шу жиҳатларига ҳам шогирд тушолмайман, шекилли, – деди.

Мирзоҳид Фақирий аёлларни назарда тутаётганини, яна айланиб гапни шу мавзуга тақаганини фаҳмлагани учун ҳам:

– Ёмонси-из, сиз Фақирий! Сизда гап кў-ўп! – деб шўрвасидаги суякни газак мазмунида тозалаб, ер остидан Фақирийга ўзгача бир мазмунда боқди Мирзоҳид, кейин Журъат ҳам Фақирийнинг сўзларини маъқуллаб бош тебратганини кўриб: «Бориб-бориб бу шоир акам сенинг қулоғингга айланмаса гўрга эди-да! Менинг гапимни, қилиб юрган баъзи ишларимни етказадиган айғоқчингга айланмасин-да ишқилиб, бунинг фаришталигига шубҳам бор!», деб ичида ўзига-ўзи сўзланиб, ана шу дилидан ўтган мулоҳазалари таъсирида ҳар икки шеригига хусумат билан қараб қўйди-ю, аммо ичидаги ўйлари ичида қолди, буни фақат билиб қўйишни, ҳисобга олишни ўзига маъқул кўрди. Бир оздан сўнг Журъатга юзланиб: – Ҳа, айтмоқчи, эрталаб Суръат кеп кетувди, – маълум қилди Мирзоҳид. – Нега келганини айтмади-ю, аммо ўтириб-ўтириб кетаётганида мендан ўн минг сўм сўради.

– Нима, бердингми?! – деб Фақирийга маънодор қараб қўйди Журъат. – А?..

– Йўқ, Журъат келса ўзидан оларсан. Мендан берухсат бировга пул берма деган, дедим...

– Тўғри қипсан. Мени кутиб ўтиришга кети чидамабди-да!..

– Билмадим, – деди Мирзоҳид, сўнг эса қўшиб қўйди: – «Қаёқдасан?» десам, «Ипподромдаман – бозорда латта-путта сотяпман», деди, кўринишидан унақамасга ўхшайди.

Журъат «Мирзоҳид ернинг тагида илон қимирласа билади. Бу бола анави нарсани тағин бошлаганиниям сезган бўлиши керак», деган фикрга боргани сабаб ҳам унинг сўзларини маъқуллагандай боқди-да:

– Шу тағин битта-иккита эски ошналарига қўшилиб қолган кўринади. Опам бир-икки насиҳат қип қўй дегандай гап қилувдилар, ўшанга келган бўлса керак, – деди.

– Қўл телефонингга телефон қилдим, ўчириб қўйган экансан, – деди Мирзоҳид. – Аммо-лекин мендан аразлаб чиқиб кетди. Пул бермаганим ёмон алам қилди-ёв!..

Журъат индамади. Фақирийга нигоҳини қаратиб «мана бу одамниям укаларидан қарз бўлиб ётибди», деган бир мазмунни ифодалаб кўзларини юмиб қўяркан:

– Ҳе, уни... – деди, кейин «қани, овқатларингга қаранглар-чи», дегандай бир тарзда қўлидаги санчқи билан имо қилди-да, ўзининг ликопчасидаги «панжа» кабобини ялтироқ оқ пичоқ кўмагида бўлаклашга киришди.

То кабобни еб бўлиб, бир пиёладан чой ичгунларигача ҳар учовлари бирор оғиз сўз демадилар: теварак-атрофларини кузатган бўлиб у ёқ-бу ёққа аланглаб қўйдилар, холос. Фақат

қоринлари тўйиб, бир хил пиёлаларидаги чойни ичиб бўлганларидан сўнг ҳар учовларининг қулоқларига гап ёқадиган бўлганида Мирзоҳид яна анҳорни, теварак-атрофини, сув бўйидаги дарахтларни, ресторанниng жойлашишини бошдан-оёқ кузатиб чиққан бўлди-да, бошлиғининг кайфиятини кўтариш мақсадида ундан қизиқиш билан сўради:

– Боя Жасур ака кечалари бу ерга ким билан келишини айтаман, деган эдинг? Ким билан келаркан бу ерга?!

Ҳақиқатан ҳам Журъат кенжа укасининг яна анави йўлга кирганини ўйлаб кайфияти бузилган эди, йўқ қорни тўйгани учун, иккинчи томондан, Мирзоҳиднинг мана бу сўроғидан сўнг яна кайфияти кўтарилиб, қовоғини очди. Ўзини ҳам бир пайтлар ана шундай халқда баобрў саналган одамлар билан салом-алик қилганларини, Рашид Нўъмонович туфайли улар билан танишиб, давраларига қўшилиб, бир-икки марта меҳмондорчиликларида ҳам иштирок этганларини, қисқаси, ўзини ўшаларнинг қаторида санаган, ҳали ҳам улардан кам ери йўқлигини кўрсатиб қўйиш учун улар билан юрган даврларини эслаб ширин хотираларга берилгандай бўлиб кулиб, ҳузур қилиб керишди-да, кейин бир хўрсиниб қўйиб, оғзидан бол томгандай бўлиб:

– Бош прокурор билан келиб ўтириб кетишаркан, ҳокимам уларнинг даврасида бўларкан, – деди.

– Шаҳарникини айтяпсанми?

– Республика Бош прокурори Маллаевни айтяпман! – дея кўрсаткич бармоғини ҳавода ўй-

натди Журъат. – Сен нима деяпсан, Жасур акаларнинг даврасига унча-бунчаси киролмайди!

– Шу туман ҳокимини айтяпсанми?.. – янглишишдан қўрқиб-қўрқиб сўради Мирзоҳид.

– Шаҳарникини айтяпман! Фозиловнинг ўзи билан мана бундай ўрталаридан қил ўтмайдиган ошна эканлар! Бирга бильярд ўйнашаркан! – деди, кейин «бильярд» сўзини айтиши билан яна қаёқдандир эсига Жамшид тушиб қолди. «Узоғи билан бир ҳафтада бу ишни ҳал этиб сизга жавобини айтаман», деган эди, мана иккинчи ҳафтаям тугаяпти ҳали қорасини кўрсатгани йўқ! Қаёқданам шу ишга бош қўшақолдим? Қаёқданам ўшанда прокуратура олдида қўлимга тутқазгани беш юз долларни олақолдим?! Азаматга сенинг бир сўминг ҳам керакмас деган бир гапни қилган эдим, ҳали ўртага тушганим учун ҳам, ана шу беш юз долларни олганим учун ҳам бошимга бало орттирмасам гўрга эди, шу ишнинг чуви чиқадиганга ўхшайди-да! Ҳали шу ишнинг ҳам ишкали чиқмаса эди, юрагим бир нарсаларни сезаяпти-да», деб мулоҳазаланди, яна тезда кайфияти тушиб, юз-кўзларига ғам чўкди.

– Ҳа, ана шунақа қалқонларимиз бўлсайди, а Фақирий, савдода анча-мунча ишлар қилиб юборса бўларди, – деб ёнидаги Фақирийга ана ўшаларга ҳавас қилгандай бир мазмунда нигоҳ қадади Мирзоҳид. – Э-э, унда зўр бўлардику-я!..

– «Қалқонларимиз» дейсизми? – ажабланди Фақирий. – Нима дегани ўзи у?!

Журъат ҳар икковига бу соҳадаги «жўжалар»га боққандай энсаси қотиб қаради. «Мен нима ғамдаю булар қаёқдаги гапни қиляпти», деб тур-

ган эди, кутилмаганда дастурхон четидаги уяли телефони жиринглаб қолди-ю, фикри бўлинди. Уни қўлига ола туриб, Фақирийни мазах қилгандай оҳангда:

– Ана шундай ҳомийларимиз бўлсайди, демоқчи-да Зоҳид, – деди, кейин эса «эшитаман», деб телефонини ўнг қулоғига тутиб, ўз одатича «ишбилармончасига» чап қўлини киссасига солган кўйи ўрнидан қўзғалиб сал нари кетди. Кейин анчагача анҳор лабидаги қалин панжарасимон бетон тўсиққа кетини қўйиб, ким биландир гоҳ ташвишли, гоҳ асабий бир қиёфада: «Мен унга неча марта айтдим! Ҳал қилсанг ҳал қил ё бўлак йўлини ахтарайлик, дедим! Ҳа, шундай дедим!», дея қўлини паншаха қилиб ўз айтган сўзларини маъқуллашини қўймади. Ўша ерда телефонида анчагача яна нималарнидир гаплашишди. Жойига қайтиб келиб ўтирганида рангидан қон қочиб, ғазабдан қошлари чимирилган, ўнг юзининг кулгичига яқин ери асабий бир тарзда уча бошлаганди.

Унинг ташқи авзойидан ва телефон орқали ким биландир қаттиқ-қаттиқ сўзлашиб савол-жавоб қилганларини эшитиб, бир нарса юз берганини сезган Мирзоҳид сўрашга журъат қилди:

– Ҳа, Журий, тинчликми ўзи?..

– Ҳе, мараз... Жамшид айбни енгиллаштираман деб ишни хуржунлаштирган... ҳол қўйган кўринади, – деди Журъат, сўнг эса бир нарса демоқчи бўлгандай Фақирийга кўз қирини югуртирди. – Азамат телефон қилди. Анави қиз... аёлни «айблов хулосасига қўл қўй», деб прокуратурага чақиртиришаётганмиш.

– Мен ўзи билувдим. «Жамшиднинг акаси Тошкентда йўқ экан», дейишинг билан бу иш-

нинг хуржунлашишидан чўчувдим-а?! – деб Журъатга бирда айтган мулоҳазасини қайта эслатди Мирзоҳид.

– Менам қаердан билай? Шамшод акасига ишонувдим-да! Анави терговчига умуман пул бермаган экан!..

– Пул бермабдими-а?! – ажабланиб бошини у ён-бу ён тебратди Мирзоҳид, елкасини қисди.

– Азаматларга айтибди... – деди Журъат, пича ўйланиб қолди. «Жамшидни менинг ҳузуримга топиб келинглар, мен ўзим уни боплайман!», деганларини айтиб ўтиришни истамади. «Шундай дейдирган бўлсам, «сен ўзинг ундан улуш олмовмидинг?» деб сўраб-истаб қолишданам тоймайди «пакана», Фақирийнинг олдида изза бўлганим қолади», дея фикр юритгани учун ҳам Самандаровнинг сўнгги сўзларини айтишни номувофиқ билди.

– Энди нима қиласан?..

– «Пулни қайтаришсин, биз бошқа одам топиб қўйдик, ўша тўғрилайди бу ишни», дебди акаси.

Мирзоҳид ўзининг бошидан ўтган «бочка» воқеасини эслаб тағин бошини ўнг ва сўл ёнига тебратди. Журъатга: «Сенам ҳавас қилишга арзимайдиган бир вазиятда қопсан», деган мазмунни ифодалаб ачиниб боқаркан, Тошкент Денгизида ўшанда Жамшид билан чўмилаётган ҳурлиқогина қизни кўзи олдига келтиришга уриниб:

– Эй-й, мен уни сенга айтувдим-ку! Яхши одам эмас ўша жононнинг акаси, – деди, шу дамда оғзи қуриб қолганини ҳис этиб, чойнакда қолган фамил чойни пиёласига қуйиб тугатди, кейин уни ҳўплашга киришаркан, ўша нокас кампирдаҳан Эрмат туфайли ҳам анави найнов Ҳикмат билан муштлашганини кўзи олдига кел-

тирди, юраги орқасига тортиб кетганидан ҳам чуқур бир хўрсиниб қўйди-да, пешанасидаги реза-реза терларини кўрсаткич бармоғи билан сидириб ташлади.

– Юзларидан унақа йигитга ўхшамайди-я, – Жамшидни назарда тутган бўлди Фақирий, шунинг баробарида ташқи авзойи орқали Журъатга ҳамдардлик билдираётганини сездирди.

– Эй, ака, одамнинг оласи ичида, дейдилар. Иннайкейин, мўмай пул ҳар қандай валламатиниям йўлдан оздиради, бузиб юбориши ҳеч гап эмас, сиз нима деяпсиз, – деди Мирзоҳид, кейин жуда бамаъни гапни гапираётганини бошлиғи тасдиқлашини истаб, Фақирийнинг соддалигидан кулган бўлиб ярим жиддий, ярим истеҳзо аралаш Журъатга термулди.

Журъат яна бир марта Азаматга «сенинг бир сўминг ҳам керакмас», деб ўзининг Жамшид қўлидан беш юз долларни олганини эслади, ўша пул олганини ҳам, бу ишга бош қўшганини ҳам лаънатлаб, бошқа томондан эса: «Яхшиям ана шу пул олганимни Зоҳидга айтмаган эканман, йўқса мени тоза мазах қиларкан-да», деб мулоҳазаланди-да, қандай қилиб унинг юқоридаги сўзларини маъқуллаганини ҳам сезмади:

– Тўғри айтасан!

Фақирий ўша куни Жамшид билан илк бора учрашиб унинг қайнатасини «танийман», деб юборгани учун ва унинг қайнатаси Сиёвуш Сиддиқий ҳам унга ўхшаб қаламкашларга мансуб эканидан бошлиқлари олдида хижолатланиб, ўзини бу даврада айбдор одамдай санаб, нима дейишини билмай:

– Қайнатаси Сиёвуш Сиддиқий ҳам яхши одам эди, ёмонмасди, – деди.

– Э, ака, ухлаганда ҳаммамизам яхшимиз, – уни мазах қилиб кулди Мирзоҳид. – Сиз қизиқ одам экансиз...

– Ўша «Нексия»ни шу маржанинг пулига олган кўринади, – деди Журъат. – Менга Фарҳод акам ташлаб кетди, дейди. Москвадаги акаси унга машина ташлаб аҳмоқми?!

– Шунақа бўлса керак. «Тико»ни сотган-да, устига ана шу сен айтаётган пулни қўшиб «Нексия» олган, вассалом...

Ўринбосарининг мана бу гапидан сўнг Журъат яна шу юмуш билан Азамат уникига келганида «Жасур акалар ҳалиям «ишкаллар»га аралашадими?», деб сўраганини эслаб вужудини бир қўрқув чулғаб олди. Шунинг баробарида унинг табиатига хос бўлган ички бир ҳовлиқиш билан:

– Қандай бўлмасин уни топиш керак. «Мен уни сенинг олдингга обораман», дедим, – деди-да, ўрнидан туриб кетаёзди, кейин ён-верига аланглаб нариоқдаги анҳорга эгилган қари тол тагидаги хўрандалардан бўшаган столни, дастурхонни тозалаётган хизматчи қизни чақирди.

Бир оздан сўнг хизматчи қиз қўлига ҳисоб-китоб дафтарчасини кўтариб олганча бедана юриш қилиб уларнинг қошига келди-да, мижозлари тўлаши керак бўлган суммани калькуляторда ҳисоблаб берди, кейин унга мўлтираб суқланиб қараётган Мирзоҳидга ёқимли жилмайди. Мирзоҳид бошлиғининг аҳволини кўриб-билиб тургани важи, иккинчи томондан эса тепасида жилмайиб кўз сузиб турган қизнинг олдида ўзини кўрсатиш мақсадида энди қўлини шиминнинг киссасига олиб борган эди, Журъат уни тўхтатди-да, дарров чўнтагидан пул чиқарди. Уни са-

наб қизга тутди. Хизматчи эллик сўм қайтараётган эди, Журъат қўлини нари итариб қайтимига қарамади. Қиз уларга «келиб туринглар», деб миннатдорчилик билдириб нарига кетгач, ичларида ёши улуғи Фақирий эканига ҳам эътибор бермай, хаёли бўлинган, паришон бир кайфиятда юзига фотиҳа тортди, кўйлагининг кўкрак чўнтагидаги қутидан бир дона сигарет чиқариб олиб, ўрнидан қўзғаларкан:

– Юринглар энди, сизларни ишхонага ташлай, кейин бир гап бўлади. Ҳозир уни фақат Дархондан топиш мумкин, уйида ўтирмайди, – деди-да, шерикларига қараб ҳам ўтирмай шошганча нариги соҳилга олиб ўтадиган торгина темир кўприкча томон юрди. Унга Фақирий, орқасидан эса кабоб гўшти парчаси кириб қолган тишининг кавак ерини гугурт чўпида ковлаганча бамайлихотир одим билан Мирзоҳид ҳам эргашди.

58

Дархондаги бильярдхонадан Жамшидни топмади. Ташқарига чиқиб уяли телефонида унинг уйига қўнғироқ қилган эди, уйдагилари ҳам Жамшиднинг эрталаб чиқиб кетганини маълум қилишди. Журъат нима қилишини билмай қайтиб залга кирди-да, қатор қўйилган тўртта катта бильярд тахталари атрофида ўйнаётганлар ёнидан ўтиб юқоридан чап бурчакка, худди унинг қовоқхонасидагига ўхшаб қурилгани кичиккина буфетдаги сотувчидан Жамшиднинг кирган-кирмаганини суриштирмоққа отланган эди, тўғридаги бильярдхона бошлиғининг хонаси очилиб, ичкаридан Нодир чиқиб келганига

кўзи тушди. Нима қилишини билмай, Нодирни кўрмаганга олиб ўзини сўнгги тахтада ўйнаётган новчадан келган, жингала сочли, кавказликка ўхшаш бурундор йигитнинг панасига олиб орқага бурилмоққа тутинган эди, бўлмади, Нодирнинг ўзи унга томон икки-уч қадам юриб:

– Эй, прокурорлар ҳам бизнинг олдимизга келишаркан-ку, а? – деб унинг истиқболига пешвоз чиқди.

Нодирнинг «прокурорлар» дейиши шу дамда Журъатга худди мазахдай туйилди. Гўё у билан Журъат ҳақидаги ҳар нарсани суриштириб юрувчи синфдоши унинг шаҳар прокуратурасида ишламаслигини билиб олгандай бўлгани учун ҳам, иккинчи томондан, Жамшид воқеаси сабаб бўлиб унинг олдида ўзини ноқулай аҳволга тушиб қолгандай ҳис этди. Нима қилишини, нима дейишини билмади, аммо яна тезда ўзини қўлга олиб, сир бой бермай:

– Ҳа, Нодир, қалайсан? – деди, синфдоши билан қўл бериб сўрашди. – Уйдагилар яхшими? Ишлар жойидами? Шу ердамисан?..

– Ҳа, Самиғларникида айтувдим шекилли, шу ерда қимирлаб турибмиз, ишқилиб... – ўзини Журъат олдида пастга олган бўлди Нодир.

– Ҳим... – деб яна бильярдхонага бошдан-оёқ разм солган бўлди Журъат. – Ҳа, залларинг катта экан, анча бўлганмиди очганларингга?.. – хаёлидан бир онда: «Менам бўш ётган савдо залимни бильярдхона қип қўйсам бўларкан, аммо бунга маблағ қани? Иккинчи томондан эса мана бундай гап юрибди», деган ўй ўтиб улгурди, дўкони бузилиши мумкинлигини ўйлаб ўзи сезмаган ҳолда хўрсиниб қўйди.

– Бир йилча бўп қолди-да! – деди Нодир. – Ҳа, тўғри, ўтган йилнинг августида очган эдик.

– Бильярд тахталари ҳам чаккимас. Бунақасини ҳали учратмовдим, – деди Журъат, бу сўзлари билан у ўзига синовчан боқаётган, ташрифи сабабини билишга қизиқаётган Нодирни чалғитмоққа тутинди.

– Ҳа, Грецияга буюртма бериб ясаттирганмиз, – деди Нодир, кейин қўли билан хонасига ишора қилди: – Қани, юр ичкарига, чой қўйиб берай.

Журъат унинг қўқонманзиратига унамади.

– Йўқ, йўқ, шошиб турибман, бир одамни топишим керак эди. Шу ерда бўламан девди, – деди Журъат, сўнг эса баайни Нодир унинг ичидаги дардини сезиб қоладигандай унинг хаёлини чалғитиш мазмунида ярим жилмайди.

– Сен ўзи ҳамиша шошиб юрасан, Журъат, – деди Нодир, кейин у қидириб келган одам ким эканини билишга қизиққандай тарзда сўради: – Ким экан ўша одам?..

Журъатга унинг «сен ўзи ҳамиша шошиб юрасан» дейиши худди «ишларнинг пачавасини чиқариб юрасан», дегандай бўлиб эшитилди, яна Нодир ҳам улар қилиб юрган ишдан хабар топгандай бўлиб кўрингани учун ҳам чўчиб-чўчиб ахтариб келган одамининг исмини айтди:

– Жамшид деган йигит. Кундузлари шу ерда бўламан деган эди...

– Ҳа, Жамшидми? Танийман уни! – деди Нодир, пича ўйланиб турди-да, маълум қилди: – Пешингача шу ерда эди, бир танишига менинг хонамдан телефон қилди-да, бирпасдан кейин шошилиб чиқиб кетди.

Журъатга унинг «бир танишига телефон қилди»си ўз таъсирини ўтказгани учун ҳам ўзини

тўхтатиб қололмади, қандай қилиб сўраб юборганини ҳам сезмади:

– Мабодо аёл киши эмасмиди?

– Йўқ, аёл киши эмасди, – деди Нодир, кўп ўйлаб ҳам ўтирмай қўшиб қўйди. – Ҳа, тинчликми ўзи, Журъат?

Журъат шу дамда Жамшиднинг кимга телефон қилгани билан қизиқиб нотўғри иш қилганига ичдан иқрор бўлди. Иккинчи томони эса Нодирнинг Маҳлиё воқеасидан хабардор эмаслигига амин бўлгани учун ичдан ўзини хотиржам сезди, маълум маънода севиниб ҳам қўйди-да:

– Ҳа, тинчлик, ишимизни биласан-ку энди, ҳар нарсага қизиқаверамиз. Бировни суриштириш бизнинг касб касалимиз, – дейиш билан чекланди, гўё бу билан ўзининг прокуратура ходими эканини яна бир марта уни ўзига рақиб санагани синфдошига маълум қилиб қўймоқчи, шу билан у Журъатдан бир поғона пастда туришини яна бир марта юзига айтиб қўймоқчи бўлганди.

Ундан ана шу жавобни кутиб турган бўлгани учунми ёки Журъат аёл киши билан қизиққани учунми, Нодир унга юзланиб:

– Ўша танишини икковимизам яхши биламиз. Қўзивой акага телефон қилди. Мен сенга айтганим аммамнинг куёви Қўзивой Акобировга. У Жамшиднинг акаси билан ишларкан-ку, а? Шундайми?!

Унинг «Қўзивой акага телефон қилдиси»дан Журъатнинг ўтакаси ёрилаёзди. «Наҳотки, у Қаландаровдан иш чиқмагандан кейин Қўзивойга осилган бўлса? Ҳа, ҳа, ўша куни айтаётган эди, «Мен уни бошлиғига айтдим, эртага уни боплаб тузлайди», деган бир гапни қилувди, бундан чиқди, Зоҳид айтгандай, иш тағин ҳам хур-

жунлашибди-да, орага энди Акобиров аралашган бўлса! Тоза расвойим чиқибди! Ҳа, бу ишга аралашгандан кўра ҳар нарса бўлганинг яхшимасми Журъат?!», деб ҳар турли хаёлларга борди, ана шу хаёлидан ўтган ўйларини баайни Нодир сезиб қоладигандай типирчилаб қолди-да, нима дейишини билмай:

– Ҳа, ҳа, унинг акаси билан бирга ишлайди сен айтган Қўзивой ака, шунинг учун телефон қилгандир, – деди чўчигандай оҳангда.

Нодир ундаги ўзгаришни балодай сезди. Яна Қўзивой акани эслатганида Журъат типирчилаб қолганини пайқагани учун ҳам: «Буларда бир гап бор?», деган ўй хаёлидан ўтди. Ана шу хаёлидан ўтган ўй таъсири остида:

– Йўқ, акаси ҳозир қаердадир экан, бошқа бир иш хусусида гаплашишимиз керак эди, деб шошиб чиқиб кетди. Ҳатто қўлида кўтариб юрадиган сумкасиниям ёзув столим устида қолдириб кетибди, – деди Нодир, ортидан яна Журъатни қистовга олди: – Шу гапларни ичкарида ҳам гаплашишимиз мумкин-ку, тўғрими? Қани юр, озиб-ёзиб кеп қопсан энди, бир пиёла чой ичиб кет, ҳали тағин қачон кўришамиз, Журъат!..

– Йўқ, бошқа пайт, – унамади Журъат, хаёлидан шу дамда: «Агар бу ишга менинг аралашганимни, бош қўшганимни Акобиров билса тоза устимдан кулади-да! Ҳаммаси расво бўлди! Ҳали шу ишга аралашганим учун Сокина хоним олдида, қолаверса, мана бу «онасининг ўғли» олдидаям шарманда бўлмасам гўрга эди! Ҳаммасига Жамшид айбдор, ҳаммасига ўша касофатнинг очофатлиги сабаб... Ҳаҳ, бўлганча-бўлди-да энди!», деган ўй ўтди-ю, бу ердан тезроқ чиқиб

кетишга ошиқаркан: – Мабодо Жамшид кеп қолса, Журъат сени қидириб келди, унга телефон қиларкансан, деб қўярсан... Майлими, Нодир? – деди, сўнг эса бу гапни ҳам айтиб чакки қилганини, ҳали Нодир Жамшиддан бу воқеаларнинг тафсилотини ҳам суриштиришини мулоҳаза қилиб, лабини тишлади.

– Айтаман, албатта айтаман, – деди Нодир, кейин соатига қараб қўйиб у билан хайрлашиб ташқарига йўналган Журъатни бильярдхона остонасигача кузатиб чиқди.

Журъат машинасига ўтирди-да, тўғри Азаматнинг ишхонасига жўнади. У хонага кириб борганида, Азамат телефонда биров билан гаплашаётган экан: «Мана ўзи ҳозир олдимга кириб келди, у билан гаплашволай, кейин сизга жавобини айтаман», деди-да, гўшакни жойига қўйди, ўрнидан қўзғалиб унга яқинлашган Журъат билан қучоқлашиб сўрашган бўлди.

– Ҳозир яна акаси телефон қиляпти. Қандай бўлмасин бугундан қолдирмай пулни қайтариш дейди, – деб қўнғироқ қилган одамни унга дараклади, кейин бошини қашиди.

– Мен ҳозир уни ахтариб Дархондан келяпман. Менимча уям ана шу иш бўйича танишларига учрашиб юрган бўлса керак.

– Қанақа танишлар? Қизиқ экансан-ку, Журъат! Икки ойдан бери қаёқда эди? Энди бирор иш чиқаролармиди?! Мен акаси ўша ерда ишлайди деганингга ишонувдим!..

– Менам акаси иш билан кетишини туш билибманми, Азамат! Иннайкейин, иннайкейин, Қаландаров билан ишни битириб чиқди деб ўйловдим! Ўзи анави қиз... аёлни опчиққанида шундай деганди-да! Ҳаммаси жойида деганди!..

– Қаландаров бизларга ҳалиги гапни қилди деяпман-ку! Яна устига-устак, айбни енгиллаштириб беринг деб тоза унинг бошини қотирибди. Анави пенсионерлар ҳар жойга ёзишаяпти, дейди... Қисқаси, у одам бу Жамшид билан умуман гаплашмоқчи эмас-да!

– Ахир, гаплашиб чиқдим, тегишиниям қўлига бердим, деганди-да!

– Бундан чиқди, сениям алдабди-да ўртоғинг! У Қаландаровга бир чаққа ҳам бермабди, деяпман-ку!..

Журъатнинг рангидан қон қочди. Унинг ўзи ҳам Азаматга «шаҳар прокуратурасига ишга ўтдим», деб уни лақиллатгани учун, иккинчи томондан, Жамшиднинг қўлидан беш юз доллар олганини ўйлаб яна ҳам ноқулай бир вазиятда қолди. Лекин буни Азаматга билдиришни истамади, Азаматга билдиргудай бўлса, «Тилларинг бир экан-да икковингнинг, ахир ўзинг «сенинг бир сўминг ҳам керакмас», демовмидинг? Бузоқнинг югургани сомонхонагача экан-да, а?», деб қолишидан чўчигани учун ҳам унга буни билдиришни номувофиқ билди, фақат ичдан ўзининг бу ҳолатга тушишига сабабчи бўлган Жамшидни лаънатлагандан-лаънатлади.

– Буни менга айтадими, Азамат. Боя сендан телефонда эшитдим у пулни Қаландаровга опкириб бермаганини.

– Уни охирги марта қачон кўрувдинг? – қизиқди Азамат.

Журъат Азамат бу нарсани ундан бежиз сўрамаётганини сезгани учун ҳам:

– Бирор ўн кунлар илгари эди, шекилли, нимайди? – деб сўради.

– Тошкент Денгизида учратган экансизлар, шекилли а? Ёнингда Зоҳид ҳам бормиди?..

– Анави жононинг айтдими дейман, а? – зўрма-зўраки илжайди Журъат, лекин бўлак номақбул хаёлга бормади.

– Ҳа, ўша айтди. Шу ишни енгиллаштираман, ҳозир икковимиз бориб бир одамга учрашиб келамиз, деб униям судраб опкетибди.

– Судраганми-судрамаганми бундан хабарим йўқ-ку, аммо мен ўша қизнинг олдида уни огоҳлантирдим. «Мабодо бу ишни тўғрилолмай қолгудай бўлсанг ҳар икковимиз уялиб қоламиз, бу иш учун икковимиз жавоб берамиз-а!», дегандим.

– Ҳали у бошқа иш учунам жавоб беради, – тутақиб кетди Азамат. – Ҳа, жавоб беради!

– Қанақа иш экан? – сўради Журъат, хаёлидан бир онда: «Сенинг маржангга осилган бўлса керак-да! Нияти бузуқ эканини ўшандаёқ сезувдим! Жамшид чангалига илинган аёллардан ўша нарсани талаб қилмаса қўймайди! Бундай ишда унинг олдига тушадигани йўқ!..» деган ўй ўтди.

– Ўзидан сўрарсан, – деди Азамат, бу гапни у Жамшиддан ғазабланаётгани учун айтиб берди.

– Буни менга қизиғи йўқ, Азамат! Мен қизингни Жамшид билан бирга юборганим йўқ-ку, тўғрими? – деди Журъат, ичдан яна: «Ғунажин кўзини сузмаса, буқа арқон узармиди?!», деб сўзланиб қўйди.

Азаматга унинг гапи таъсир қилди. Нима дейишини билмай:

– Тўғри, аммо у бола ҳайвоннинг ишини қилмоқчи бўпти-да! Тағинам Маҳлиё бунга йўл қўймабди!..

– Зўрламоқчи бўптими?

Азамат индамади. Ерга қараган кўйи:

– Ҳали буларнинг жавоби бўлади. Ўзинг биласан, шаҳар бедарвоза эмас-ку, Журъат – деди.

Бирдан Журъатнинг эсхонаси чиқиб кетди. У иш бунақасига айланиб кетиши мумкинлигини сира ўйламаганди, мана бундай охири жанжалга айланиб кетган ишга аралашиб қолгани учун, қолаверса, пулни Азаматнинг қўлидан у олган бўлгани боис, яна устига-устак, беш юз долларни олгани, олгани заҳоти илгариги қарзи учун Покизага бериб юборгани сабаб яна ҳам ичдан сиқилгандан-сиқилди, нима дейишини билмай:

– Нима, бу ишга «кўча»ни аралаштирмоқчимисизлар? Бундай қилма, Азамат! – деди Журъат. – Оқибати яхши бўлмайди, оғайни!..

– Бошқа йўли йўқ, Журъат. Қизнинг акаси анави иши учун уни кечирмайди. Иннайкейин, бировнинг ишини битирмай туриб ҳеч замонда машина оладими Журъат?.. Оқ «Нексия» миниб юрганмиш-ку, а? «Тико»сини сотиб юбориб?!

– Москвадаги акасиники экан-ку! Ўша куни менга ана шундай деганини жононинг ҳам эшитувди!..

– Ҳатто Қаландаров ҳам айтяпти-ку унинг машинасини ўзгартирганини, – кулди Азамат, пичадан сўнг қўшиб қўйди: – Унинг обрўси баланд, амалдор акаларига фақат Жасур акага ўхшаганлар бас келади, шекилли.

Журъатнинг жон-пони чиқиб кетди-да:

– Орага мен аралашганман-а, Азамат, ҳечқурса шу ёғини ўйламайсанми! Қолаверса, Суҳбат билан ҳам ошначилигинг бор-а!.. – деди.

– Бу ёғини менга қўйиб бер! Сени мен ҳимоя қиламан! Сен фақат орада турдинг, холос! Нима,

сен пул опсанми? Устига-устак, анави ҳўкизнинг ишини қилганам у бўлса?!

Журъат қизишиб кетди. Ўзини қўярга жой тополмади. Шу дамда Азаматга ўзининг ҳеч қандай шаҳар прокуратурасида ишламаслигини, балки ўшанда Азаматни алдаганини, тўғрисини айтолмагани учун, яна иккинчи томондан, «Менда ҳам айб бор, мен ундан беш юз доллар олақолувдим, уни қайтариб беришга тайёрман», дея олмагани учун ҳам мана бу йўсиндаги баҳона билан:

– Шу ишни қилманглар, Азамат, мен акаларининг юзига қандай қарайман. Бугун кечқурун, узоғи билан эртага мен уни олдингга топиб опкеламан, қўлимдан олган пули билан опкеламан, – деб ваъда берди-да, бошқа бир оғиз сўз демай хонани тарк этди.

Унинг орқасидан қараб қолган Азаматнинг хаёлидан шу дам: «У ўзининг обрўсидан чўчияпти, ҳа, ҳа, Жасур акалар олдида бир пайтлар ўралашиб, пилдираб юрган-да, шунақаларнинг орасига тушиб юрибсанми, деб қолишларидан чўчияпти! Ё бошқа сабаби бормикин?», деган ўй-фикр ўтди, ўтдию ажин босган торгина пешанасини қашиганча оромкурсисига ўтириб, яна ўйга толди...

59

У кириб борганида Акобиров хонасидан чиқиб кетаётган эди, Жамшидга кўзи тушиши билан:

– Ҳа, келдингми, Жамшид, мен бир жойга кетаётган эдим, юр мени ташлаб ўтарсан. Йўл-

да гаплашиб кетамиз, – деди-да, унинг жавобини кутиб ҳам ўтирмай, олдига ўтиб ташқарига йўналди.

Машинага ўтиришганда Акобиров унга аммаси Сокина хонимникига олиб бориладиган йўлни тушунтирди. Жамшид у тушунтирган йўл бўйлаб машинасини катта тезликда ҳайдаб кетди. Ярим йўлгача ҳар икковлари жим кетдилар. Бу пайтгача Жамшид Акобировнинг оғзини пойлади, шу билан бирга, Қаландаровнинг «йўқ» деб қолганини эшитишдан чўчиб индамай келди. Қўзивой Акобиров эса: «Қани, индамай турай-чи, ўзи сўз бошлаб қолар», дегани учун, бошқа томондан, аммаси Сокина хоним уни қандай маслаҳат учун чақиртирганини ўйлаб чурқ этмай ўтираверди, лекин шунда ҳам Жамшид ва Қаландаров ўртасидаги келишмовчиликларни бир дақиқага ҳам ёдидан чиқармади. Фақатгина чорраҳада қизил чироқ ёниб, машинасини тўхтатгандагина Жамшид унга юзланиб:

– Мен айтган иш нима бўлди, Қўзивой ака, бир ҳафтадан бери сизни топиб бўлмайди, – деди.

– Э, гапирма, Жамшид, бошлиқ янги эмасми, ўша сен борган куннинг эртасига бир жиноий иш бўйича Самарқандга юборса-да!..

Унинг «бошлиқ янги эмасми», дейишидан Жамшиднинг энсаси қотди. «Қаландаровга сўзини ўтказолмабди-да, бошлиқни баҳона қиляпти», деб мулоҳазалангани учун ҳам:

– Сизларнинг ишингларни Самарқандга алоқаси йўқ-ку, Қўзивой ака, Самарқандда нима қип юрибсиз? – деди.

Акобировга Жамшиднинг кесатиқ тарзидаги мазкур саволи ёқмади, аммо у ошнасининг ука-

си бўлгани, устига-устак, машинасида кетаётгани учун ҳам унинг саволига жавоб қайтариб:

– Тошкентлик бир одамнинг машинасини ургутлик ака-укалар сотиб олиб, ҳали номигаям ўтказишмабди. Икки йилдан бери ишонч қоғози билан ҳайдаб юришган экан. Ана шу машинада бир одам ўлдирилган. Бунинг машина эгасига алоқаси борми-йўқлигини ўрганиш учун бориб келдим, – деди Акобиров.

– Ҳа, гап бу ёқда денг, – деди Жамшид, машинасини Акобиров айтган томонга бурди, сўзида давом этди: – Анави Қаландаров ҳеч бўлмаса Шамшод акамни ҳурмат қилмаяпти-я, ёмон аблаҳ экан-да!..

Акобиров бугун Қаландаров билан гаплашганини яна бир бор эслади. Эслаши ҳамоно «ўзингам беш қўлингни баравар оғзингга тиқасанми?» деб юборишига оз қолди. Ўзини қўлга олди-да, ҳеч бир эҳтиросга берилмай сўз бошлаб:

– Мен у билан гаплашдим бугун, – деди, пича жим тургач қўшиб қўйди: – Анави пул ўзлаштирган қизни айблов хулосасига қўл қўйишга чақиртирибди-ку, а?

Унинг «пул ўзлаштирган қизни... чақиртирибди»сидан сўнг Жамшид сувда бўккан бўлка нондай бирдан бўшашиб кетди. Машинасининг рулини қаёққа буришини ҳам билмади. Унинг шу дамдаги руҳий аҳволини пайқаган Акобиров «ҳозир ўнгга», деб қўйди.

– А, шундайми? Чақиртирибдими? – деди Жамшид, қўл-оёқлари қалтирай бошлаганини сезди. – Мен бехабар қопман-ку!

Акобиров худди ана шу иш бўйича унинг олдига ҳам хотинининг авлодидан Нодир исмли

қариндоши айбланаётган қизнинг акаси билан келганини, «Орқага кетган шу ишни тўғрилаб берсангиз мана шунча берамиз», деганларини эслади, эсладию уни бир дақиқага унутди-да:

– Ҳа, ўша қизнинг акаси ҳам, яна бир йигит ҳам кепти, – деди, кейин Жамшиднинг ранги қув ўчганини пайқагач: – Ўзи кимнинг ўртасига тушиб қолдинг?! – дея бошини у ён-бу ён тебратди.

Унинг бошини у ён-бу ён тебратишидан ишни уддалаёлмаганини сезган Жамшид тутақиб кетди-да:

– Менга шунисини айтинг Қўзивой ака, нима, айбни енгиллаштириб беролмайсизми? – деди.

Акобиров дабдурустдан унинг берган саволига жавоб қайтаролмади, яна устига, «шунча пора олган экансан», деб ҳам ўтирмади, анча ўйланиб турди-да:

– Иш анча чигаллашиб кетган экан, – деди, андак тургач қўшиб қўйди: – Пенсионерлар ҳам ҳар жойга ёзиб юришибди. Бу ишнинг мен ва Қаландаровга боғлиқ бўлмайдиган томонлари бор. Биласан-ку, улар шаҳарга ёзишибди, – деди.

Жамшид истеҳзоли кулди-да:

– Сизам Қаландаровнинг гапини қиляпсиз, нима у сизгаям ўргатиб қўйдими? – деди.

Акобировга унинг «сизгаям ўргатиб қўйдими?»си қаттиқ тегди, аммо ўзини қўлга олди-да:

– Ҳозир тўғрига ҳайда, – деди, сал юришгач эса: – Мени биласан-ку, Жамшид, бировнинг ақли билан иш қилмайман, – дея ўзининг мустақил фикрга эга эканини намойиш этишга тутинди.

– Нега бўлмаса Қаландаров тўқиган уйдирмани қайтараяпсиз? – деди Жамшид, тап тортмади.

– Мен бор гапни айтаяпман, – деди Акобиров, сал ўтгач бироз ҳовридан тушди-да, яна бу иш бўйича қариндоши ўзининг олдига ҳам илтимос билан келганини ўйлаб, хиёл паст овозда: – Бу иш каттамизнинг назоратидаги иш деяпман-ку, иннайкейин, ишни анча чигаллаштириб юборгансан, – деди.

– Нимасини чигаллаштириб юборибман, – деди Жамшид, бу ишни ҳақиқатан ҳам чигаллаштириб юборганига иқрор бўлса-да, ҳозирги саволига Акобировдан жавоб кутди.

Акобиров унинг пулни ҳазм қилиб юборганини билса-да, билмаганликка йўйиб:

– Мени биласан-ку, Шамшод учун ҳар нарсага тайёрлигимни, аммо буни менга икки-уч ой илгари айтишинг керак эди, анча тагига олибди бу иш, – деди.

– Мен қаёқдан билай сизнинг бу ерда ишлашингизни. Билганимда мен Қаландаровга ялиниб юрармидим.

– Тўғри, сенам туш кўрибсанми менинг бу ердалигимни, – деди Акобиров. – Ҳозир, чапга бурасан-да, кўча охиридаги темир дарвоза олдида тўхтатасан.

Жамшид машинасини у айтган томонга бурди-да, Акобировга жаҳл қилган тарзи машинаси тезлигини ошириб, у айтган темир дарвоза қаршисида кескин тормоз берди. «Нексия» бир силкиниб тўхтади. Акобиров ҳам олди томонга чайқалиб, бошини машинанинг олд ойнасига уриб юбораёзди. У Жамшид нега бундай қилганини сезди, аммо ўзини қўлга олиб, қисқа кулги билан:

– Машинанг янги-да, а? Янги машинада тезликни оширишга, бехосдан тормоз беришга

одам ишқивоз бўлади-а?! – деб унинг пластмасс бардачогига уриб қўйди, яна яширин, ўзгача бир мазмунда кулди.

Унинг ана шу кулгисида ҳам, «машинанг янги-да, а?» деб киноямуз тарзда сўрашида ҳам бўлак бир мазмун борлигини сезмаган Жамшид нима дейишини билмай:

– Сизниям қуруқ қўймасдик, Қўзивой ака, сизниям хурсанд қилиб юборардик шу ишни тўғрилаб берганингизда, – деди.

– «Қуруқ қўймасдик» деб яна кимни назарда тутяпсан? – қизиқди Акобиров. – А, Жамшид?..

– Шу ишни тўғрилаб бер, деган оғайнимни-да! Шунинг олдида одам изза бўладиган бўлди-да, – деди Жашид.

– Ўша оғайнингни исми нима? Қаерда ишлайди?

– Оти Журъат, ўзи Южний вокзалдаги дўконда ишлайди, дўкондор йигит. Шунинг олдида уятга қолдим.

Акобировнинг юраги орзиқиб кетди. Шунинг баробарида Журъатнинг исмини, ишлайдиган ерини эшитиб баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. «Ҳали бу бетамиз аралашган ишмиди? Шунинг учун ҳам мана бундай хуржун бўлиб, охири жанжалга айланиб кетаёзган экан-да», деган бўлди-да, Журъатнинг бир пайтлар унга ҳам кўп найранглар кўрсатганини ўйлаб, яна ҳув бирда прокуратура ёнида кўрганини эслаб, кўзларини кичрайтириб анчайин индамай турди-да:

– Ҳим, шундай дегин, – деди, кейин Жамшид «уни танийсизми», деб қолишидан чўчигани учун ҳам: – «Қуруқ қўймасдик, хурсанд қилардик», дейишинг эса ортиқча, – деб қўйди.

– Ҳа, ака, қуруқ қўймасдик, – деб яна такрорлади Жамшид.

Унинг бу сўзи Акобировнинг нафсониятига тегди. Ўзи ҳам ана шу пулни деб бошқаларнинг илтимосига кўра бу ишга аралашмоқчи бўлганидан, яна Жамшид аллақачоноқ бу иш учун олган пулни Қаландаровнинг айтиши бўйича машина сотиб олгани сарфлаганидан «бу гапни шунчаки айтяпти», деб билиб, тутақиб, «Мени мазах қиляпти», дея фикр юритаркан:

– Сенга қанча пул керак бўлса менинг олдимга кел Жамшид, оғайнимнинг укасисан, аммо ҳозир бу ишга аралашолмайман, тўғри тушун, – деди, сўнг эса ярим хижолатланган тарзда машинадан тушди.

Жамшид «пов» этиб ёнганди, яна ана шундай «пов» этиб ўчди-да:

– Нима қил дейсиз, бўлмаса? – деди.

Акобиров айёрлик қилди. Қаландаров билан бўлган бугунги сўнгги суҳбатларидан келиб чиқиб:

– Энг яхшиси Қаландаровнинг олдига бор. «Мана шундай ака, мана шу гап», де, Шамшодни яхши танийди-ку, зора, бирор чорасини топса, – деди.

Жамшид Акобиров гапни айлантириб яна Қаландаровга олиб келиб тақагани учун тутақиб кетди-да:

– Унга бошқа ялинмайман! – деди, бир оз ўйланиб тургач: – Бош прокурор билан ўзингиз гаплашсангиз бўлмайдими? – деб сўради.

– Бу иш бўйича гаплашолмайман. Мен у ерда янгиман, – деди Акобиров, Жамшидга пича тикилиб туриб, қўшиб қўйди: – Ўзи Шамшод қачон қайтади?

– Кейинги ойда дегандилар кеннойим, – деди Жамшид, унга бир оғиз сўз демай машинасига ўтирди-да, уни ўт олдириб, баайни Акобировга жаҳл қилгандай тарзи катта тезликда орқаси билан ҳайдаб, кўчани чангитиб қайтиб чиқиб кетди.

Акобиров анчагача унинг орқасидан қараб қоларкан, «Иккита ўпкаси йўқ хў-ўп топишиб опсанлар-да! «Кўр кўрни қоронғида топади», деб шуни айтади-да», деган хаёлда у ёқ-бу ёғига қараган бўлди-да, чап қўлидаги чарм папкасини ўнг қўлига олиб, очиқ турган эшикдан аммаси Сокина хонимникига кириб борди.

60

Жамшид яна бир-икки жойга бориб учрашди, аммо учрашган жойларидан ҳам ҳеч бир натижа чиқара олмади. Дархонга бориб бильярдхонадан сумкасини олмоқчи ҳам бўлди, сумкада бир-иккита танишларининг телефони бор эди, аммо оёғи нима учундир у ёққа тортмади, яна «Азамат Журъат акага етказган бўлса, мени қидириб у ерга кирган ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, ҳа Журъат ака ҳам бориб қолган бўлиши мумкин, мумкин эмас, боргани аниқ», деб хаёл қилгани учун ҳам машинаси рулини уйига томон бурди.

Кўчасига бурилганида эшиги қаршисида Журъатнинг «Жигули»си турганига кўзи тушиши ҳамоно машинасини тормоз бериб таққа тўхтатиб, орқага буриб қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, аммо бугун бўлмаса эртага тутилишини ўйлаб ниятидан қайтди, нима бўлса бўлди, қабилида қўл силтаб, яна педални босиб газ берди-да, унинг ёнигача ҳайдаб бориб тормоз берди.

Журъат унинг орқасига келиб тормоз берган Жамшид эканини машинасининг ён кўзгусига қараб билиб, унга зарда қилган тарзда кабинасидан тезда тушди-да, унинг истиқболига ошиқиб,

у билан қучоқлашиб кўришмоқчи бўлган Жамшиддан юзини орқага олиб қочиб, қўлини чўзиб қуриққина сўрашди.

– Мен айтган гап бўлдими, Жамшид? – деб сўради.

Жамшид ҳеч нарсани тушунмагандай тарзда елка қисди-да:

– Нима бўлди, Журъат ака, бундоқ тушунтириброқ айтинг, – дея кўзларини пирпиратди.

Журъат у доғулилик қилаётганини пайқагани учун ҳам жиғибийрон бўлди. Жаҳл устида унинг қулоқ-чаккасига тортиб юбормоқчи ҳам бўлди-ю, аммо унинг «обрўли акалари»ни ўйлаб қолгани учун ҳам шайтонга ҳай беришни мувофиқ билиб:

– Муғамбирлик қилманг, Жамшид, мен нима учун Акобировнинг олдига борганингизни билмайманми, – деди. – Аммо-лекин мени ёмон шарманда қилдингиз-да!

– Нодир акам айтдиларми Қўзивой аканинг олдига борганимни? – суриштирди Жамшид. – Ўша ердан телефон қилувдим-да у кишига!..

– Ким айтганининг нима аҳамияти бор, Жамшид? Ҳамма ишни хуржун қилиб юборибсиз-ку, ахир!..

– Қайси ишни хуржун қип юборибман?!

Журъатнинг жон-пони чиқиб кетди, аммо вужудидаги тушуниб бўлмас бир қўрқув унинг алангга олиб ёниб кетишидан тўхтатгани учун ҳам:

– Қайсини бўларди, ўша Маҳлиёнинг ишини-да! Айблов хулосасига қўл қўй деб чақириб ётганмиш-ку уни прокуратурага! Ёки хабарингиз йўқми бу гапдан?!

Шунда ҳам Жамшид пастга тушмади, ҳадеганда илгариги гапини такрорлайверди:

– Мен у ишни енгиллаштираман деб югуриб юрибман, бир бало қилиб тўғриласам бўлдими?!

Журъат истеҳзоли кулди-да:

– Жамшид, қўйинг, менга тинчлик керак, ўзи ўша жононни анави Тошкент Денгизининг бўйида тўғриламоқчи бўлганингиз ҳам етади, – деди, киссасидан сигарет чиқариб, тутатиб олди.

Унинг сўнгги кесатиқ тарзи айтган сўзларидан сўнг Жамшиднинг вужуди музлаб қолгандай бўлди. Нима дейишини, нима қилишини билмай:

– Сизга ким айтди буни? – деб сўради, кўзлари ола-кула бўлиб кетаёзди.

– Мен сизга муғомбирлик қилманг, Жамшид – қайтарди Журъат. – Энди поезд кетди! Пулни шу бугуноқ уларга қайтариш керак! Акс ҳолда...

– Акс ҳолда... нима бўларди?!

– Нима бўларди эмас, акс ҳолда икковимиз бунинг жавобини берамиз! Тушуняпсизми, буларнинг жавоби бўлади! Емоқнинг қусмоғи бор-а, Жамшид!..

– Мен қусиб ўрганмаганман! Ҳали тўғрилайман деяпман-ку! Кейинги ҳафтада акам келарканлар!

– Энди кеч бўлди, Жамшид! Акаси талаб қиляпти! Менинг олдимда Азамат унга сўз берди! Шу бугуноқ обориб беришимиз керак, тушуняпсизми?! Улар бошқа одам топишганмиш!..

Жамшид уни тушунишни истамади. Шунинг учун ҳам бояги сўзини тағин қайтарди:

– Мен у қизни суддан ҳеч бир жойига шикаст етказмай опчиқиб кетсам бўлдими?!

Ўз навбатида Журъат ҳам тутақиб кетди. Чекаётган сигаретини жаҳл устида йўл четидаги ариққа итқитиб юбораркан:

– Ҳеч қаерига шикаст етказмаганингизни кўрдим, – деди зарда билан, чап юзи асабий

тарзда учди, худди ана шу тарзда сўзида ҳам давом этиб: – Ўзи мен аҳмоқ эканман Жамшид, шу ишга аралашиб! – деди қони қайнаб.

– Озроқ манфаат бўлгани учун аралашдингиз-да! Бўлмаса аралашмасдингизку-я, тўғрими?! – деб унинг қўлига тутқизгани беш юз долларга ишора қилди Жамшид. – Бўлмаса аралашмасдингизку-я, тўғрими?!..

– Худди ана шунинг учун ҳам аҳмоқ эканман, деяпман! Худди ана шунинг учун ҳам шу бугуноқ пулини қайтарайлик, ҳар иккимиз ҳам уялиб қолмайлик деяпман!

– Кимдан уяламиз? Мен сизни тушунмадим Журъат ака?!

– Улар Жасур акага шикоят қилишмоқчи, тушунаяпсизми? «Кўча»га шикоят қилишмоқчи!..

– «Кўча»нинг нима алоқаси бор, Журъат ака?!

– Нима, бўлмаса милицияга шикоят қилишсинми, Жамшид? Шуни истайсизми?!

– Жасур акаларнинг олдида бизларниям акахонлар йўқ эмас, – деб унинг сўзларига паст келмади Жамшид. – Ҳа-а, бизниям бир-иккита акалар бор.

– Акахонларингизни қўйиб туринг Жамшид, менгаям тинчлик керак, пулини қайтарайлик, вассалом...

– Мен аввал Қаландаровга учрашишим керак, – ҳадеганда сўзини бермади Жамшид. – Мен бу ишни тўғрилайман, деяпман-ку!

– Қаландаров бир чақа ҳам олмаганман, қани, ўзини менга олиб келинглар, унга айтадиган гапларим бор, деётганмиш!

Шундан сўнггина Жамшид жим қолди. Акобиров нега унга «Қаландаровга бориб учраш»,

деганининг сабабини тушуниб етгандай бўлди. Тушуниб етдию ўзининг Қаландаровдан енгилганини ҳис этиб:

– Кейинги ҳафтада акам келадилар деяпман-ку, бир ҳафта кутайлик, – деди.

– Мен қулоғингизга танбур чертяпманми, Жамшид? – шиминнинг киссасини кавлаб яна сигарети қутисини чиқарди Журъат. – Улар бу ишни эплолмаганимиз учун қайтар дейишяптида! Акангиз ҳам бу ишда ҳеч нима қилолмайди! Биляпман, пулни ишлатиб юборгансиз-да, а?! – у «машина олгансиз» демади, ана шундай дейишни истамагани учун, ўз навбатда ўзи ҳам беш юз долларни кириштириб юборгани важидан, қатъий бир қарорга келган одамдай туриб деди: – Аммо топиб беришингиз керак, ўзга чора йўқ!..

Жамшид ўз айбини тан олгиси келмагани учун ҳам яна чайналди:

– Мен эртага Қаландаровга учрашай-чи?

Журъат тутақиб кетди-да:

– Мен сизга айтайми?! Мен сизга айтсам-чи, Қаландаров сизни бир жойга жўнатворади! Тушунтиролдимми, Жамшид?! Қўл кучини ишлатмайди, оғзи билан жўнатиб юборади! Бировнинг тақдири... бу сизга бильярд тахтаси эмас, оғайни!..

– Нима демоқчисиз бу билан?!

– Мен билан Азаматнинг ёнига боринг, демоқчиман!

– Мен ҳозир бормайман! – деб бир сўзда туриб олди Жамшид.

Журъат бир ҳисобдан Жамшид шу пайтда у билан бормаганига ҳам севинди. Чунки у бирга борадиган бўлса Жамшиднинг олдида уни шайтон йўлдан оздириб у қўлига тутқазгани беш юз

долларни олганини Азаматга айтолмаслигини сезгани, фаҳму фаросати етгани учун ҳам:

– Нега? – деди, хаёлан эса ҳозир бориб Азаматга тўғрисини айтаман: «Мана шу иш учун Жамшид менга беш юз доллар берганди, шайтон йўлдан оздириб ана шу пулни олувдим. Нима қилсанг қил», дейман. Ҳа, ҳа, шундай дейман, деган бир тўхтамга келди.

– Менда ҳозир унақа пул йўқ...

– Қачон бўлади?

– Мен аввал Қаландаровни топай, деяпман-ку!..

Журъат ортиқ у билан пачакилашиб ўтиришни номувофиқ билгани учун ҳам:

– Бўпти, Жамшид, эртага қаердан бўлмасин топиб, менга қўнғироқ қилинг! Акс ҳолда билмайман қандай шароитда қоламиз! Мени янаям уялтириб қўясиз! – деди-да, бошқа бир оғиз сўз демай машинасига ўтирди, уни ўт олдириб, орқаси билан ҳайдаб кетди. Шу кетганча уни кутиб турган Азаматга бор гапни айтиш, яна ўша беш юз долларни эртага топиб беришга ҳаракат қилишини билдириш учун, ички бир қийноқ, изтироб, ана шу ишга аралашганидан минг бор пушаймонлар еб, «шаҳар прокуратурасининг умумий назоратига ишга ўтдим», деб ёлғон гапирганидан ўзи ҳам тушуниб етмагани бир уят ҳиссини туйиб, жон-жаҳди билан машинаси тезлигини ошириб шаҳарнинг кунботарига қараб учиб борарди...

61

Жамшиднинг қўнғироғини икки кун кутди. Аммо ундан дарак бўлавермагач, пайтавасига қурт тушиб, пайшанба куни унинг уйига боришга тараддудланиб турган эди, Азаматнинг олдидан унга «Кўча»нинг одамлари»дан бўлган Қудрат Мерс телефон қилди-да, бир соатдан сўнг Дархондаги бильярдхона ёнига келиб туриши кераклигини тайинлади. Журъат уни илгаридан танигани учун ўзини йўқотиб қўяёзди, нима дейишини билмай: «Қудрат ака, Жамшидни тополмаяпман, усиз боришимнинг нима фойдаси бор?», деган эди, сўроғига яраша: «Жамшид ҳам бир соатдан сўнг ўша ерда бўлади. Уни топиб оборадилар», деган йўғон овозни эшитгач, янада юрагига ваҳм тушаверди. Шу боисдан ҳам: «Хўп-хўп, айтган вақтингизда ўша ерда бўламан», дедию уяли телефонини ўчирди.

У белгиланган вақтга бильярдхона ёнига етиб келди. Сал наридаги қари чинор тагида сариқ «Мерседес» турар, унинг олди қанотига суянган баланд бўйли, оқ сочли, қарашлари қаҳрли бўлган Қудрат Мерс Азамат ва яна бир киши билан нималарнидир гаплашиб турарди. Журъат бу қирқ беш билан элликлар орасидаги ўрта бўй, оқ-сариқдан келган, сурроқ кўринишли, кампирдаҳан кишини Мирзоҳид айтгани Маҳлиёнинг акаси Эрмат эканини сезди. Аммо уларнинг орасида Жамшид кўринмасди. «Жамшид келмаса-я! Ҳамма калтак менинг бошимда синса-я!», деб ваҳимага тушди Журъат. Лекин ана шу ички ҳолатини сездирмасликка тиришиб, ўзини мумкин қадар қўлга олишга уриниб, ма-

шинасини бамайлихотир қулфлади-да, теварак-атрофни кузатган киши бўлиб одимлаб чинор тагига келди, улар билан сўрашди.

– Ҳа, Журъат, – деди Қудрат Мерс бир-бирига туташган қалин қора қошларини паст-баланд чимириб, ўткир, қаттиқ нигоҳи билан унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди, айни пайтда йўғон, узун бармоқларида калитини ўйнатди: – Нима ишлар қип юрибсизлар?..

Журъат нима дейишини билмади. Қудрат Мерснинг важоҳати ҳам, овозидаги дағаллик ҳам, ундан ҳам бурун «нима ишлар қип юрибсизлар?», деб сўраши, яна у ана шуни сўраётганида Журъат ичида ўзларининг оғир гуноҳ иш қилиб қўйганларига дилдан иқрор бўлиши ҳам уни довдиратиб қўйди. Дам Азаматга, дам ана шу кўйга тушишига сабабчи бўлган қизнинг аксига қараб қўяркан:

– Азаматнинг танишига... ёрдам берайлик девдим, – деди тили айланиб-айланмай, ана шундай деб ғўлдиради.

– Мен сени тушунган йигитсан, деб ўйловдим. Ёрдамни шунақа қилиб берадими? – деди Қудрат Мерс, сўнг эса Журъатдан ҳафсаласи пир бўлган тахлит қўл силтаб қўйди, худди шундай кўринишда яна қуюқ қошларини паст-баланд чимирди-да, сўради: – Сигаретинг борми ўзи? Ҳе, сени...

Унинг «ҳе, сени» дейиши Журъатни жуда қаттиқ чўчитиб юборди. Оёғи куйган товуқ мисоли типирчилаб, ўзини қўярга жой тополмади. Шунинг баробарида ўзини йўқотиб қўяёзиб:

– Ҳа, ҳа, – дея шошиб қолиб, ички бир қўрқув аралаш икки қўли билан чўнтак титкилашга тушди. Шиминнинг чап киссасидаги «Кент» сига-

рети қутисини олди-да, ичидан бир дона сигарет суғуриб чиқариб, Қудрат Мерсга илтифот қилган йўсин жилмайиб қўлига берди. У сигаретни оғзига яқинлаштирганда ёндиргичини бураб ўт олдириб, рўпарасига тутди.

Маҳлиёнинг акаси кампирдаҳан Эрматга Журъатнинг Қудрат Мерсга кўрсатаётган илтифоти ёқмаганини ёнидаги Азаматга ўзгача мазмунда истеҳзоланиб қараб қўйишидан ҳам, яна «шунча пулни олиб синглимнинг ишини хуржунлаштирдиларинг», деган мазмунда Журъатга кўзларини олайтириб қарашидан ҳам сезиш қийин эмасди.

Унинг ана шу ҳолатини Журъат ҳам балодай сезди, балодай сезгани учун нигоҳини ундан олиб қочиб, машинаси турган ўнг томонга қаратган эди, кўзи оқ «Нексия»да келган Жамшидга тушди. Унинг орқасидан машинаси ёнига қора «Волга» келиб тўхтади-да, ундан Жасур аканинг ҳайдовчиси, Журъатга яхши таниш бўлган Шуҳрат, яна бир киши, эгнига ён томонида уч қатор кўк чизиқчали енги калта, оппоқ спорт кийими, оёғига кроссовка кийиб олган паст бўйли, аммо бақувват, чайир кўринишдаги, бўй-бастининг ўзи спортчи эканидан шаҳодат берувчи корейс йигит тушди-да, Жамшидни чинор тагида турган Қудрат Мерс ва ёнидагилар томон бошлади. Шундан Журъат Жамшидни ана шулар топиб келишганини, шундан ёши йигирма беш билан ўттизлар орасидаги корейс йигит боксер эканини сезди. Сездию Жамшид томон нигоҳ қадаб қўяркан: «Ҳа, келмас экансан-а! Келмай бўпсан, мажбур қилибам опкелишар! Сен ҳали бунақаларнинг совунига кир ювмабсан!», деб қўйди ичида.

Учовлари олдинма-кетин юриб келиб чинор тагидагиларга яқинлашдилар. Жамшид ҳаммалари билан сўрашди. Шуҳрат ва корейс йигит фақат Журъат билан кўришди. Кейин Шуҳрат «бардам бўлинг» деган мазмунда Журъатнинг елкасига уриб қўйди-да, корейс йигит билан иккови сал нарига – ариқ бўйига ўтиб турдилар.

Журъат рангини гезартириб келган Жамшидга ер тагидан ўғринча қараб оларкан: «Ҳаммасига сен сабабчисан, ҳечқурса пулни вақтида қайтарганингда ҳам шу машмаша йўқ эди», дегандай ўқрайиб боқди. Жамшид ундан нигоҳини олиб қочишга уринди-ю, аммо бу ердагилар унга нотаниш бўлганлари учун ҳам ҳадеганда нигоҳи айланиб Журъатнинг рўпарасида тўхтайверди.

Ўртадаги ноқулайликни Қудрат Мерснинг ўзи бузиб, Жамшидга юзланди-да:

– Мен сизнинг акаларингизни танийман, аммо ҳозир гап бунда эмас, – деди, сўнгра Азаматга, ундан кейин эса Маҳлиёнинг акасига қараб қўяркан, сўзида давом этиб: – Буларнинг ишини тўғрилаб бермоқчимидинглар? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Жамшид, – айбни енгиллаштириб, суддан опчиқиб кетмоқчи эдим...

– Майли, шу жойда тўхтанг, – деди Қудрат Мерс. – Исмингиз Жамшид, шундайми?

– Ҳа, – деди Жамшид, яна ўзининг гапини маъқуллашга тараддудланганди, Қудрат Мерс шартта уни сўздан тўхтатди-да:

– Бўлди, бу ёғини қўйиб туринг, – деди, кейин Азаматга қараб олиб, Жамшиддан сўради: – Бу йигитдан тўрт минг долларни олувмидингиз?!

– Йўқ, – жавоб қилди Жамшид, сўнг эса Журъатга қаради.

– Азаматдан тўрт мингни мен олувдим, – деди Журъат, Жамшидга нигоҳ қадаб қўяркан, ичда ижирғаниб: «Ҳали тўрт мингни менинг бўйнимга илиб қўймасайди бу мараз, бу хунаса», деб ўзига-ўзи сўзлади,

– Ҳа-а, сен олувмидинг? – сўради Қудрат Мерс, тағин Азаматга қаради.

– Тўрт мингни мен олдим-да, Жамшидга бердим. У пулни Қаландаровга опкириб бериши керак эди...

– Ҳа, булар у кишига опкириб беришмаган, у кишининг ўзи айтди, – деб ҳовлиққанча орага қўшилди кампирдаҳан Эрмат. Уни Азамат туртди, «сиз тек туринг» дегандайин бир ўқрайди. Шунда ҳам у тўхтамади: – Менинг синглимни жувонмарг бўп кетишини ўйламадингларми?! Шу, еб кетиш осон эканми? Шунча пулни-я?

– Майли, бу гапларни қўйинг, – деди Қудрат Мерс. – Ҳеч ким пулингизни еб кетмайди! Еб кетишига йўл ҳам қўймаймиз!..

– Сиз билан мен аралашмай турайлик Эрмат ака, фақат у-бу нарсани сўрашгандагина жавоб берайлик, – уни тинчлантирди Азамат.

– Яхшиям анави синглингизни опкемабсизлар, унда тоза соч юлишиш бўларкан-да, – деди Қудрат Мерс Маҳлиёни назарда тутиб, сўнг эса Жамшидга юзланди: – Тўрт мингни опкирмагансизлар, шундайми?..

Жамшид индамади, ерга қаради.

Унинг чурқ этмаганини кўрган Қудрат Мерс қистовга олди.

– Ана шу тўрт мингни шу бугуноқ манавиларнинг қўлига берасизлар, – деди Қудрат Мерс дам Журъатга, дам эса Жамшидга хўмрайиб қараркан.

– Нега энди мен тўлар эканман? – деди Журъат, Жамшидга кўзларини лўқ қилиб қаради.

Жамшид ҳам бутун айб ўзининг бўйнига тушиб қолишидан чўчиб, яна Журъат сувдан қуруқ чиқиб кетиб қолиши мумкинлигини ўйлагани учун ҳам:

– Ахир, мен прокуратуранинг олдида сизнинг улушингизни берганман-ку! – деди тап тортмай. – Ё нотўғри айтяпманми?!

Унинг «сизнинг улушингизни берганман»идан Журъат тутаб кетди. «Ҳали менинг бўйнимга ярмини илиб қўйишмаса эди?», деган хаёлга бориб вужудини қўрқув чулғаб олгани важи:

– Берган бўлсангиз беш юз доллар бердингиз-да! Ўшаниям олганимга минг пушаймонлар едим! – деди Журъат, кейин Қудрат Мерсга юзланди: – «Кўча» ҳар бир нарсани адолатли ҳал қилган-а, Қудрат ака? Бировнинг «обрўли акаси»нинг ҳурмати учун бошқа бировга жабр қилиниши адолатданми?!

Журъатнинг кўзларига ёш қуйилиб келганини кўрган Азамат чидаб туролмади, орага тушишга ошиқиб:

– Журъат буни менга айтганди Қудрат ака, шу иш учун менам озроқ пул қўшгандим. Журъатнинг беш юз долларидан кечиб юбордик. Ҳаммаси адолатдан бўлгани яхши, Жамшид бизга уч ярим мингни топиб берсин, кейин анави иш учун жавоб берсин!.. – деди.

Азаматнинг «анави иш учун жавоб берсин»идан сўнг Қудрат Мерс сал пастга тушди, қўлида калит ўйнаб турган Жамшидга қараб ўқрайган бир тарзда:

– Калитни менга бер! – деб унинг қўлидаги калитини юлиб олди, ортидан унга бўйруқ берди:

– Уйингга бориб мана буларга уч ярим минг долларни опке!..

Маҳлиёни зўрламоқчи бўлгани учун жавоб бериши кераклигини Жамшид ўйламаганди, иш мана бундай чаппасига айланиб кетгани учун ҳам попуги пасайди. Нима дейишини билмай:

– Шунча пулни ҳозир қаёқдан топиб келаман. Уч-тўрт кун муҳлат беринглар, – деб ялинишга тушди.

– Ҳозироқ бориб топиб келасан, йўқса мана бу калит ҳам, ҳув анави «Нексия» ҳам манавиларга ўтиб кетади, – қатъий турди Қудрат Мерс.

«Нексия»дан айрилиб қолиши мумкинлигини ўйлаб Жамшиднинг вужудини қўрқув эгаллади. Нима қилишини билмади. Шунда бирдан тунов куни Қўзивой Акобиров унга: «Қанча пул керак бўлса бераман», деганини эслади. Чеҳраси бироз ёришди-да:

– Калитни беринг, бир одамнинг уйига бориб опкелиб бераман, – деди.

– Йўқ, «Нексия» шу ерда туради, – деди Қудрат Мерс, кейин сал нарида турган, боя Жамшидни олиб келишган йигитларга ишора қилди: – Анави йигитлар билан бориб келасизлар.

Жамшид чор-ночор уларга эргашди.

Жасур акага ҳайдовчилик қилган, ҳозирда Қудрат Мерснинг ёнида юраётган Шуҳрат сал орқароқда қолди-да, Жамшиднинг ортидан ўқрайиб қараб қолган Журъатни назарда тутиб, Қудрат Мерсга юзланаркан:

– Журъатнинг ҳам анавиникига ўхшаган «обрўли» акалари бўлганида аллақачон прокуратурага ишга кириб кетган бўлармиди, – деди, сўнг эса «тўғри гапни гапирдимми?» деган бир

мазмунни юзида ифодалаб Журъатга қараб қўйди-да, йўлида давом этди.

Унинг гапидан сўнг Азамат Журъатга бир қараб қўйди. Журъат уни алдаган бўлгани учун ичдан сиқилди. «Шуригам қизиқ-да, нима кераги бор эди шу гапни гапиришини! Индамай кетавермайсанми? Биров сендан менинг прокуратурага ишга киролмаётганимни суриштиряптими?!», деб мулоҳазаланди. Азаматга яна хижолатланиб, ноқулай вазиятда қолган болаларча ҳазин бир мазмунни ифодалаб, кўзларини пирпиратиб термулди.

– Ана шунақа, бировнинг ўртасига тушишга эҳтиёт бўлиш керак, – деди Қудрат Мерс, ёнидагиларга бир нигоҳ қаратиб олди.

Унинг гапидан сўнг Журъат ерга кириб кетгудай бўлиб турганини сезган Азамат орага аралашди:

– Буям қаёқдан билсин, анави Жамшидга ишонган-да!

– Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга! – деди кампирдаҳан Эрмат, ана шу сўзларидан сўнг Журъат унга бир қараб қўйганини туйди-да: – Яна бир оғайнингиз бор-а, Зоҳид деган? – деб сўради.

– Ҳа, ҳа, – деди Журъат, хаёлидан шу дамда: «Жуда тўғри гапни айтди-ю, аммо ўзининг Жамшиддан ҳам аблаҳ эканини юзларининг ўзи айтиб турибди. Бекорга Зоҳидни тилга олмаяпти», деган ўй ўтди, ана шу ўй таъсирида жуда бир бечора аҳволда қолгандай, қисмати бошқаларнинг қўлида тургандай бир авзода Қудрат Мерсга юзланиб: – Мен кетаверсам бўладими, Қудрат ака? – деб сўради.

– Бўпти, бунақа ишларга аралашганда эҳтиёт бўлиш керак. Ким сени кўпни кўрган, юрган

йигит дейди, – деди Қудрат Мерс, шунинг баробарида Журъатнинг кўнглини кўтарган бўлиб кўзини қисиб, кулиб қўйди.

Унинг «кўпни кўрган, юрган йигит» дейиши Журъатга сал далда бўлди. Хиёл қаддини кўтарди-да:

– Раҳмат, Жасур акани сўраб қўйинг, – деди, кейин Азаматга ўгирилиб: – Мен анави пулни шу икки-уч кун ичида сенга ташлаб ўтаман Азамат, хавотир олма, – дея маълум қилди.

– Сенга ишонаман Журъат, сен Жамшид эмассан-ку! – деди Азамат.

Унинг «сенга ишонаман»идан Журъат яна ҳам хижолат чекди. Ошнасининг ишончини оқлаёлмаганини ўйлаб эса ичидан изтиробга тушса-да, Қудрат Мерснинг охир-оқибат бари бир унинг тарафи бўлгани учун, яна мана буларнинг олдида «ким сени кўпни кўрган, юрган йигит дейди», деган далдасидан илҳомланиб кетди, юз-кўзлари анча ёришиб, ўзини жаҳаннам азоб-уқубатларидан қутулгандай енгил ҳис этиб, айни пайтда Жамшид пулсиз қайтиб келишидан чўчигани сабабли бу ердан тезроқ жуфтакни ростлаб қолишни ўйлаб, шошганча улар билан хайрлашган бўлди-да: «Ишга боришим керак эди, мени кечирасизлар», деб баҳона қилиб машинаси томон йўналди. У шу дамда фақат бир нарсани ҳазм қилолмади, у ҳам бўлса Жамшиднинг бутун айбни унга оғдирмоқчи бўлганини. Ана шу ўй у машинасига етиб боргунга қадар ҳам уни таъқиб этиб келаверди, унга тинчлик бермади. «Ҳа, ҳали ҳаёт бизларни тағин учраштирар! Тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам-одам билан учрашади, дейишади-ку!», деб фикр қилди, ана шундан сўнггина кўнгли сал ўрнига тушиб, машинасига чиқиб ўтирди.

62

Фақирий телефон орқали Мирзоҳид билан гаплашиб бўлди-да, энди гўшакни жойига қўйиб турган эди, хонага Мансур кириб келиб, унинг фикри бўлинди.

– Э, келинг, ука, – деди у Мансурнинг истиқболига пешвоз чиқиб, у билан қўл бериб сўрашди, кейин уни диванга таклиф қилди, энди чой дамлаш мақсадида чойнакни қўлига олган эди, Мансур уни тўхтатди.

– Чой керакмас, ака, ҳозиргина муздек «Тошкент суви» ичиб келяпман, – деди, қариндоши Журъатни сўради: – Ҳа-а, акам ҳали келмадиларми? Ўзи, анави иш тинчиб кетдими ишқилиб? Анави Жамшид оғайнилари билан боғлиқ иш?!

– Ўшани кетида юрувди, шекилли, – мужмал жавоб қайтарди Фақирий. – Ўшани кетида юрибди Журъат.

Мансур Фақирий бир нарсани мендан бекитяпти деб билгани учун ҳам ортиқ бу нарсани суриштирмади, гапни бўлак мавзуга буриб:

– Бешёғочдаги кушхонанинг ёнида бир қаҳваранг «Жигули» «Камаз»нинг тагига кириб кетаёзди, Худо бир асради-да! Шуни, мана бу мевазорлик экан эгаси, қарироқ бир одам, уйига ташлаб келяпман!.. – дея маълум қилди.

У машинани «қаҳваранг» деганидаёқ нима учундир Фақирийнинг кўзи олдидан Жунайид Акбарович ўтди. Устига-устак, «қарироқ бир одам» дейиши билан ўзини қўярга жой тополмай қолди.

– Жунайид Акбарович эмас эканми, эгаси? – деди, кейин хаёлидан «бозорда Фазлиддин икковимиз спорт анжомлари сотиб оляпмиз», деган

Мирзоҳид ўтди, ўтдию ўзи сезмаган тарзда лабини тишлаб «ҳим» деб қўйди.

– Ҳа, ҳа, Жунайид Акбарович, сиз қаердан танийсиз у кишини? – деб сўради Мансур, Фақирийга кулимсираб боқди.

Унинг кулгисидан Фақирий таажжубланди. «Бировнинг бошига мусибат тушсаям кулади-ми?», деб ичида ҳамсуҳбатига савол берган бўлди, ўзи берган саволга ўзи жавоб бериб: «Ўзи шунақа бўлади, баъзида битта-яримтанинг оғзидан яқин кишиси вафот этганини эшитганингда ҳам сенга кулги ўзидан-ўзи келаверади, киши ўзини тўхтатиб қололмайди, қанча уринмасин бунинг уддасидан чиқолмайди», деди. Мансурнинг кулгисини унинг ихтиёридан ташқарида бўлган бир жараён сифатида қабул қилди.

– Биздан канстовар моллари олишувди-да, шу ерда танишувдик, – деди Фақирий, хаёлидан эса яна боя «ҳим»лаб лаб тишлагандаги ўй ўтиб: «Ана шу иш ҳам худога хуш келмади, шекилли, мана бунақа фалокатга йўлиқибди қаҳрамон», деб ўйлади, сўзида давом этди: – Ўзлари қаҳрамон одамлардан эди. Илгариги даврда «Меҳнат Қаҳрамони» бўлган эканлар.

– Ҳа, шунақа экан, – деди Мансур. – Рашидовлар билан бир дастурхонда овқатланганмиз, бирга уриштириб арақ ичганмиз, деди у киши.

– Ҳа, шундай, – деди Фақирий. – Ҳа, айтгандай, ўзларига ҳеч нима қилмабди? Соғ-омонмилар ўзлари ишқилиб?..

– У кишининг ўзига бало урмаган! Аммо машинасининг олди кириб кетган! Ёмон пачоқ бўлган-да! Шуни уйигача кузатиб олиб бориб қўйдик-да, бу ёққа келяпман!

– Ҳа, ўзлари соғ бўлсалар бўпти-да! Машинанинг пачоғини тузатса бўладику-я!..

– Тўғри айтасиз. Ўзи соғ қолганига дўпписини осмонга отса бўлади.

– Ҳа, дарвоқе, Фурқат Шайхов қаерда ишлашини билдингизми? – сўради Фақирий.

– У айтганимдай Бош бошқармада экан. Ҳақиқатан ҳам полковник экан. Уни Жунайид Акбарович ҳам таниркан, – деди Мансур.

Фақирийнинг хаёлидан бир онда: «Жунайид Акбаровичнинг бошига шундай иш тушиб турганда Фурқат ҳақида гаплашиш, Фурқатни эслаш эсига кептими? Ҳеч ақлга сиғмайди-да!», деган ўй ўтди, ўтдию «Ундан Мансур сўрагандир-да! Шу одамни танисангиз мана бу ишимда ёрдам берсин, қачонгача оддий лейтенант бўлиб юраман, халқда обрў-эътиборли одам экансиз, ҳар ҳолда сиз илтимос қилсангиз йўқ деёлмайди, сизнинг йўриғингиз бошқа, Фақирий нима, Фақирий бир эътибордан қолган, ҳеч кимга кераги бўлмаган, ҳеч ким кераксан демаган, на бир мансаби, на бир мақсади йўқ кўчада юрган, тўғрироғи, кўчада қолган бир хашаки шоир-да! Сиз айтсангиз улар бажарди! Сиз қаҳрамонсиз ахир! – деган гап билан кўнглига йўл топишга уринган бўлиши керак», деб фикр юритди. Хаёлларидан маълум маънода кўнгли чўкди ҳам, аммо тезда ўзини қўлга олиб, гапни чўзиб ўтиришни истамади, қисқагина қилиб:

– Нима қиламиз, унинг олдига бориб келамизми? – деб Мансурдан сўради.

– Шунинг учун ҳам шеригимнинг машинасида келдим, – маълум қилди Мансур. – Ташқарида иккимизни кутиб турибди.

– Қани, кетдик бўлмаса, – эшикка томон йўналди Фақирий. – Юринг, бировни кутдириб қўймайлик.

– Бошлиқларингиз ҳеч нима демайдими? – қариндоши Журъатнинг бўш ўриндиғига кўз югуртирди Мансур. – Биз йўғимизда кетиб қопсан, дейишмайдими ишқилиб?

– Журъатнинг хабари бор. Мирзоҳид бир соат-ярим соатларда қайтаман, деганди, дорихонадаги қизларга айтиб кетаверамиз, – деди Фақирий, Мансурдан илгари хонадан чиқди. Унга Мансур эргашди.

Улар Фурқат Шайховга пастдаги навбатчи олдидан телефон қилиб, учинчи қаватга кўтарилишганда у энди чиқиб кетай деб турган экан, Фақирийга кўзи тушиши ҳамон унга қучоқ очган бўлди-да:

– Э, Фақирий, сизниям кўрадиган кун бор экан-ку! – деб қучоқлашиб сўрашди. – Қани-қани, юрингларчи ичкарига!..

Мансур уларнинг сўрашишларидан мамнун бўлди. Чунки у Фақирийни Фурқат Шайхов бундай қучоқ очиб кутиб олишини ўйламаган эди, ана шундай бўлиб чиққач, унинг дили хийла ёришди.

– Э-э, Фурқатжон, ана шу соҳага ўтиб кетиб тўғри иш қилдингиз-да! Бир-икки марта телевизорда кўриб қолиб шуларни ўйлагандим, – деди Фақирий, бу гапни собиқ курсдошининг кўнглига тегмайдиган, ўзининг нотўғри соҳани танлаганини ошкор этгандайин оҳангда маълум қилди, шунинг баробарида ўзи сезмаган тарзда хонага кўз югуртириб чиқди.

– Ҳа, энди менинг қўлимдан сизларга ўхшаб шеър-пер тўқиш, китоб ёзиш келмасди-да,

Фақирий, шунинг учун вақтида отимни қамчилаб ана шу соҳага ўтиб кетақолдим, – деди Фурқат Шайхов гапнинг индаллосини айтиб.

– Тўғри қилгансиз, – деди Фақирий, сўнг эса ҳамсуҳбатининг елкасидаги погонини назарда тутиб:– Полковник бўп кетибсиз-а, Фурқатжон, – дея унга ҳаваси келди, ана шу ҳаваси келганини Мансурга ҳам сездириш мазмунида унга нигоҳ қадаб кулиб қўйди.

– Ўзингиз китоблар ёзяпсизми, Фақирий? – сўради Фурқат Шайхов. – Бирда бир китобингиз, қиссаҳикоялар китобингиз қўлимга тушиб қолувди.

– Ҳозир ёзаётганим йўқ, – деди Фақирий, бошига тушган дардини эслаб сал хомуш тортди, туйқус ана шу дардини, ана шу ички ҳолатини ёнидагилар сезиб қоладигандай, сезиб қолиб уни мазах қиладигандай бўлиб кўрингани учун ҳам ўзини қўлга олиб, ҳушёр тортди-да, ўзи учун оғриқли бир дардга, ушалмас бир армонга айланаёзган мавзуни бошқа тарафга бурди: – Ҳа, айтгандай, бошқа курсдошларниям кўриб турасизми?

– Деярли кўрмайман. Бундан беш-олти йил бурун Фозилжон билан кўришувдик. Газетада муҳаррир муовини бўлиб ишлаган чоғларида. Бир иш хусусида боргандим, кейин эшитсам уям раҳматли бўп кетибди.

– Шундай бўлди, – деди Фақирий. – Жуда камтар, камгап, ажойиб бола эди, ўзи яхши одамлар шунақа бўларкан... – деди у ўйчан оҳангда, яна пича тек тургач қўшиб қўйди: – Фозилжон билан бирга юрарди-ку, Собит, шу бизнинг кварталдаги хўжалик дўконида ишлаётганди, шуям оғир дардга чалиниб юролмай қопти, оёқлари ишламаётганмиш, уям яхши йигит эди.

– Собит-а! Спортсмен эди-ку? Бокс билан шуғулланарди-я!..

– Дард келса спортсменлигига ҳам қарамас экан,– деди Фақирий, яна ўзининг ҳам дардга чалинганини ўйлади, аммо буни айтиб бўлмасини ўйлаб хўрсиниб қўйди.

– Бир вақт топиб бирга бориб келсак бўларди. Ҳалиям Чорсудаги эски ҳовлисида турадими? Бир пайтлар дадасими-ойисими ўлганида борувдик-ку?!

– Йўқ, Назарбекдан жой қилиб кетганман, девди, – деди Фақирий. – Ҳовли солганман девди. Ўзи дўконга ишга ўтиб кетганигаям анча йиллар бўп қолган экан.

– Университетни тугатганимизгаям йигирма йил бўпти-ку, Фақирий, – ўтган йилларини эслаган, эслаш баробарида маълум маънода фахрланиб қўйган ҳам бўлди Фурқат Шайхов.

– А-а, йигирма йил бўптими? Умр оқар сув экан-да, Фурқатжон! Эсингиздами, сизам баъзида сумкангизга китоблар ўрнига, бокс перчаткасини солиб келардингиз? Сизниям боксерлик томонларингиз йўқ эмасди, шекилли? – кулди Фақирий.

– Тўғри, йўқ эмасди. Менам Собитга ўхшаб бу спорт тури билан озроқ шуғулланганман, – деди Фурқат Шайхов, кейин астойдил ҳамкурсига ичи ачишгандай, раҳми келгандай бир қиёфага кирди. – Ҳа, чакки бўпти унинг ётиб қолгани. Унинг аниқ манзилини топсангиз бир кўриб келардик, хурсанд бўларди, – деди у бошини чайқатиб қўйиб, ёнларидаги ўзи каби милиция кийимида бўлган лейтенант погонли Мансурга қараб қўйди.

– Майли, мен дўконидагилардан аниқ манзилини олай, сизга телефон қиламан-да, бирга

бориб келамиз, айтганингиздай, жуда хурсанд бўларди, – деди Фақирий, кейин Фурқат Шайхов дам-бадам Мансурга қараб-қараб қўяётгани учун ҳам унинг чап ёнидаги «Зафар» маркали рангли телевизорига диққатини қаратиб олди-да, мақсадга кўчақолди: – Сизнинг олдингизга мана шу укамнинг ишлари билан келувдим.

– Қани, қандай иш экан?

– Шу укамиз менга укадай, жияндай азизлар. Шулар етти-саккиз йилдан бери шу соҳада ишлаб келадилар-у, аммо олий маълумотли бўлсалар ҳам лейтенант унвонидан нарига ўтолмаяптилар-да!

– Ўзи аллақачоноқ камида катта лейтенант бўлишлари керак эди-ку!

– Буни тўғри айтдингиз, – Шайховнинг фикрига қўшилди Фақирий. – Ҳақиқатан ҳам камида катта лейтенант бўлишлари керак эди.

– Ўзи қайси гуруҳдасиз? – қизиқсиниб сўради Фурқат Шайхов.

– Тўртинчи гуруҳданман, – иши битишига умид қилиб хокисор қиёфада жавоб берди Мансур. – Тўртинчи гуруҳ.

– Бригада командирингиз ким?

– Пўлатов, – деди Мансур.

– Ие, Темур аканинг бригадасидамисиз?

Мансур у бошлиғини танишидан севиниб кетди. «Ишим осон кўчади, шекилли, ишим битадиган кўринади», деб хаёл қилгани учун ҳам юзи ёришиб кетди. Ўзини хийла эркинроқ ҳис этиб:

– Ҳа, Темур аканинг бригадасиданман. Шаҳар ичидаги постларда турамиз, – дея дадил жавоб қайтарди.

– Қани, мен Темур ака билан гаплашай-чи... кейин сизга жавобини айтаман. Менга кейинги

ҳафталарда қўнғироқ қилинг, хўпми? – у шундай деди-да, ёзув столи тортмасидан иккита кичкина ялтироқ қоғозли ташриф қоғози чиқариб бирини Фақирийга, иккинчисини эса Мансурга тутқазди.

Фақирий у берган ташриф қоғозини кўкрак чўнтагидаги ҳужжатнинг орасига солиб қўяр экан:

– Илтимос, Фурқатжон, шу уканинг ишига бефарқ қараманг, шу укани ўзингиз оталиғингизга олинг. Бу йигитда қолиб кетмайди-а? – деб Мансурга кўз қирини югуртириб олди, шунинг баробарида хаёлидан бир онда: «Нима, бунинг номидан Фурқатга бир нарсаларни ваъда қиляпсанми? Берса ўзи беравермайдими, сенга нима? Қандай аблаҳлик, қанчалик паст кетдинг! Ай-йай-яяя! Ўзингни-ўзинг ноқулай аҳволга солаверасан-да, хўп қизиқсан!», деган ўй ўтиб улгурди. Ўзини-ўзи ичдан тафтиш қилгани учун пешанасини муздек тер босиб, кўнгли ғашланди, айни дамда ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди.

Унинг шу дамдаги руҳий ҳолатидан бехабар Фурқат Шайхов сўнгги гапига кулиб қўйди-да:

– Майли Фақирий, сиз овора бўлиб ўтирманг, ўзлари қўнғироқ қиладилар. Мен бу кишининг ўзига жавобини айтаман, қани, Темур ака билан гаплашиб кўрай-чи, – деди, кейин қўлидаги соатига қараб қўйди.

Фақирий жуда сезгир одам эди, собиқ курсдошининг мана бундай «катта одам» бўлиб кетганини кўриб, боз устига, салобати босгани ҳамда шошилиб турганини пайқагани учун ҳам ўрнидан тезда қўзғалди-да:

– Сизни ишдан қўйганимиз учун узр, Фурқатжон,– дея ноқулайлик туйган бир авзода у би-

лан хайрлашиш учун қўлини чўзди, унга Мансур ҳам эргашиб Фурқат Шайхов билан хайрлашди.

– Мен вазирликка кетаётгандим, маъзур тутасиз, Фақирий, – деди Фурқат Шайхов, сўнгра уларни лифтга довур кузатиб чиқди.

Фақирий ўзга одамга ёрдам қўлини чўзганидан қувонди. Мансур ҳам ич-ичидан севиниб, не бир орзу-умидлар гирдобида у билан қўл олишиб хайрлашаркан, ўзи ҳам келажакда ана шу бинога ўтиб ишлаш истаги билан ёнди.

– Анави масалада ҳам бир боғланармиз, Фақирий, Собит масаласида, – деди Фурқат Шайхов, кейин лифт келиб шарақлаб очилиб, меҳмонлари ичига кириб улгуришгач, уларни қўлини кўксига қўйиб кузатди.

Лифт яна қандай қилиб шарақлаб очилган бўлса, ана шундай шарақлаб ёпилиб, Фақирий ва Мансур икковини ғизиллатиб пастга қараб олиб тушиб кетди.

63

Мирзоҳид спорт анжомларини Фазлиддинга бозордан харид қилиб олиб берди. Ишхонасига Журъатнинг ва ўзининг болалари учун уч жуфт теннис ракеткаси ва коптогини олиб келганида ҳали бошлиғи келмаган, дорихонада Зубайда, Сайрам ва Майсара ниманидир ўзларича муҳокама қилиб туришарди. Мирзоҳид уларга юзланиб:

– Ҳа, тинчликми? – деб сўради.

Қизлар бошида индамай туришди, йўқ, охири Зубайда жим туролмади, жуда ҳам ташвишли, изтиробга тушган бир авзода:

– «Кордура» йўқолибди, – деди.

– Нега йўқолади? Сотиб юборгандирсизлар-да! – деди Мирзоҳид, провизор қизларга бир-бир қараб қўйди, кейин бир нарса эсига тушганидан уяли телефонида рақамлар терганча хонага кириб кетди.

Мирзоҳиддан ярим соатлар ўтар-ўтмас Фақирийни Мансур дўкон олдига ташлаб кетди. У билан олдинма-кетин Журъат ҳам офисига кириб келиб қолди.

Учовлари анчагача бугун бўлиб ўтган Жамшид воқеасини таҳлил қилиб ўтиришди.

– Ошнангдан топ, деб шуни айтаркан Фақирий, яна битта шунақа оғайни бўлса душманнинг ҳам кераги йўқ экан. Ҳеч уялмай-нетмай ўзининг бўйнидаги пулни менинг гарданимга илиб қўяй, деди-я! Мана шунақасиям бўп тураркан!..

Унинг ҳадеб бир гапни такрорлайверишидан зериккан Мирзоҳид ўрнидан қўзғаларкан:

– Ўзи мен сенга айтувдим-ку, бировга яхшилик қилма, қилдингми, албатта емаган сомсангга пул тўлашингга тўғри келади деб... Мен Жамшидни билар эдим-да, – деди, бу мавзуга якун ясашни истаганини юзида, айрим хатти-ҳаракатларида сездирди, ортидан дорихонага мўралаб олди-да, яна эшикни юзига ёпиб қўйиб туриб: – Анави дори топширган Рўза опа «Кордура»сини пулини сўраб кепти яна, – деди.

– Сотилган бўлса бериб юбормадингларми, – ўринбосарига таажжублангандай боқди Журъат.

– Ҳамма бало шунда-да! Қизларнинг ўзи билмайди сотган-сотмаганини!

– Нега билмайди? Қани, чақир-чи ҳаммасини! Ўн-ўн беш дақиқага дорихонани ёпиб тур, ё ўзинг тур ўрниларига!..

Мирзоҳидга унинг «...ё ўзинг тур ўрниларига» деб қўпол муомала қилиши қаттиқ тегди, аммо бошлиғига бир оғиз сўз дея олмади, бўйнини қисганча ерга қараб хонадан чиқиб кетди.

Бироздан сўнг хонага Зубайда, Сайрам, унинг ортидан ташвишли бир авзода кўзларини Журъатга мўлтиратган қўйи Майсара кириб келдилар. Журъат қўлида сигарет, авзойи ўзгарган бир қиёфада аввал ўзига яқинроқ турган Сайрамдан сўради:

– Сиз сотдингизми «Кордура»ни?

Бошлиғининг саволидан Сайрам эсанкирамади, аммо унинг кўзига қарамасликка уриниб, шерикларига нигоҳини қаратган бўлди-да:

– Йўқ, мен сотганим йўқ, – дея дадил жавоб қайтарди.

Ундан натижа чиқмагач, Журъат икки яноғи лола янглиғ қизарган Зубайдага диққатини қаратиб:

– Ё сиз сотдингизми, Зубайда? – деб сўради, хаёлидан бир онда: «Нега бу қизариб кетди, дорини шу сотиб юбордимикин?», деган ўй ўтди, ўтдию: «Шунга ўхшайди, ўзи қип қўйган ишидан ичида қийналаётган кўринади, бекорга қизармади», дея хулоса чиқарган бўлди.

Зубайда бошлиғининг саволига дарров жавоб берақолмади, кафти билан чаккасини силади, Сайрамдан гумонсирагани важи унга томон шубҳали, айни дамда ўзгача бир мазмунда қараб олди, кейин уни айбдор қилиб қўйишларидан қўрққандай ҳовлиққан, ташвишланган, безовта бир қиёфада:

– Йў-ўқ, мен сотганимда билардим. Мен уни кўрганим ҳам йўқ, – деб жавоб қайтарди.

– Сайрам сотмаган бўлса, Зубайда кўрмаган экан, демак, унда сиз сотган бўласиз-да, а Май-

сара?.. – деб қорамағиздан келган бўлгани учун ҳатто қизаринқирагани ҳам билинмаётган Майсарага юзланди Журъат, уни синаган тарзда кулиб ҳам қўйди.

Майсара ҳам Зубайдага ўхшаб тўғри, устига-устак, ёши бошқаларидан катта эса-да жуда содда қизлардан эди, бошлиғининг сирли кулгиси унга ёмон таъсир этиб, нима дейишини билмай:

– «Кордура»ни сотган-сотмаганимни ҳечам эслолмайман-да, – деди.

Унинг соддалигини Журъат ҳам биларди, аммо билмаганга олиб:

– Сайрам ўзидан соқит қилди, Зубайдаям сотмадим, кўрмадим, деди, бундан чиқди сиз сотган бўласиз-да, пулни қаерга қўйдингиз? – деб сўради.

– Агар сотган бўлсам пулини кассага қўяман-да, яна қаерга қўйишим мумкин, – деб жавоб қайтарди Майсара, айбдор одам қиёфасида қуралай кўзларини пирпиратиб, атрофидагиларга бир-бир қараб олди, дўкон эгасининг «пулни қаерга қўйдингиз?» деб унга ишонмай қилган аччиқ гапи нашъа қилди чоғи, йиғлаб юборди.

Унинг йиғлаб юборганига Зубайда чидаб туролмади, ёнидаги безга ўхшаб бақрайиб турган Сайрамга қаҳр билан боқди-да, яна унга «ўзинг айтасанми ё мен айтайми», деган тахлит имо-ишора қилди, сўнг эса Журъатга юзланиб:

– «Кордура»ни ким сотган-сотмаганини билмайман-ку, аммо Сайрам кассадан озроқ пул олиб дори сотиб айлантираётганини менга айтди. Менимча, «Кордура»ни Майсара опа сотмаган бўлса керак, – деди.

Журъат провизорининг кассадан пул олиб айлантираётганини эшитиб тутақиб кетиб, Мирзоҳидга қараб олди-да:

– Шу гап ростми, Сайрам? – деб сўради.

Сайрамнинг рангидан қон қочди, ўзини йўқотиб қўяёзди. Нима дейишини билмади, ўзини оқлашга тушиб:

– Мен «Кордура»ни сотганим йўқ, – деб туриб олди.

– Хўп, дорини сотмаган бўлсангиз, кассадан қанча пул олувдингиз? – яна сўради Журъат.

– Беш мингга яқин. Лекин мен уни шу ҳафтадаёқ қўйиб қўяман дедим Зубайдага.

– Зубайда сиз кўрувдингизми Сайрамнинг кассадан пул олганини? – сўради Журъат.

– Йўқ, яқинда билдим. Қўлига узук, қулоғига зирак тақиб олганидан, – деб дугонасига нафрат, айни дамда қўрқув аралаш боқди Зубайда.

– Нега менга ё бўлмаса Зоҳидга айтмадингиз? – тергади Журъат, у ана шу соҳада ўқигани боис савол-жавобни қилишни яхши кўрарди.

– Мен унинг олдига келадиганлардан қўрқдим. Ҳозир тўғриси, Майсара опанинг йиғлаганига чидолмадим.

– Сиз қўрқманг, Зубайда, Сайрамнинг олдига келадиганлар сизга қўли у ёқда турсин, ҳатто тирноғиниям тегизолмайди, мана мен борман, лекин Майсара ҳақиқатанам содда, тўғри қиз, уни ёнини олиб сизам тўғри қилдингиз, – пича қизишди Журъат, ортидан ўринбосарига қараб: – Эртага бўлимда ревизия ўтказинглар, қани, натижаси қанақа чиқаркин, – деди, яна жаҳлдор овозда буйруқ берди: – Сен, Зоҳид, тағин Сайрамга жавоб бериб ўтирма, текширувдан кейин яна ҳаммамиз йиғиламиз!..

Эртаси куни бўлимда ҳисоб-китоб ўтказилди. Унинг натижасида эллик мингга яқин камомад

чиқди. Индинига ҳаммалари йиғилишганида Журъат яна Сайрамни сўроққа тутди:

– Беш мингга яқин олувдим дедингиз-а? Бунақадан неча марта бўлувди? Неча марта олувдингиз демоқчиман-да!

Сайрамнинг ўтакаси ёрилаёзди. Ўзини қўярга жой тополмади, катта-катта кўзларининг ола-куласи чиқиб кетди. Нима дейишини билмай «ҳаммасига сен айбдорсан» деган бир мазмунда шериги Зубайдага кўз қирини югуртириб олди-да:

– Фақат, фақат бир мартагина олувдим, холос, – дея ўзини оқлашга уринди.

– Йўқ, – Журъат дам Зубайдага, дам Майсарага қараб олди, – йўқ, бир марта бўлган эмас, камида тўрт-беш марта олгансиз. Йўқса, эллик мингга яқин камомат чиқмасди.

– Мен фақат бир марта олганман, – бошқасини тан олмади Сайрам, уни «сотган» Зубайдага яна ер остидан ўқрайиб қўйди.

Зубайда унинг қараши мазмунини сезгани учун ҳам жим туролмади:

– Ўзинг ўйла Сайрам, сени деб ҳеч бир айби йўқ Майсара опа айбни ўз бўйнига олса яхши экан-да, а?!

Майсара ҳам юзига муқоясалаганда каттароқ бўлган гирдиғум калласини у ён-бу ён тебратди, у ҳам йиғламоқдан бери бўлиб:

– Мен сизни ҳечам бунчаликка борасиз деб ўйламовдим Сайрам, шу ишни қилар экансиз, бир оғиз менга айтмайсизми?!

Журъат унинг соддалигидан кулди.

– Бунақа ишлар айтмасдан қилинади, Майсара. Айбни сиз бўйнингизга илиб кетсангиз яхши

бўларди-да Сайрам учун, – деди Журъат, бир сонияга Жамшид воқеасини эслади, эсладию ичдан қизишди, ана шу ҳолатини овозида ҳам сездирди: – А, шундайми Сайрам?!

Сайрам бошлиғининг овозидаги ғазабни сезгани учун ҳам индамади, фақатгина ўзи нима қилаётганини идрок этолмай туфлиси билан ер чизди.

– Менга қаранг Сайрам, – уни синамоқчи бўлди Журъат, – тўғрисини айтинг, неча марта пул ўзлаштирдингиз? Ростини айтсангиз мен кечиб юбораман. Мана Фақирий ҳам турибди, Зоҳид ҳам... ана шуларнинг олдида айтяпман, кечиб юбораман!..

Сайрам ичидан пишган қизлардан эди, Фақирийга бир пайтлар шеър ёзишини айтган, айрим машқларини ҳам кўрсатган эди, сиз бу одамга айтинг, менинг айбим йўқ, мен бир марта олганман, холос, деган маънода ундан нажот сўраб боқди-да:

– Мен бир мартагина олганман, бошқасини билмайман, – дейишини қўймади.

Фақирийнинг ҳам бошида унга раҳми келди-ю, аммо кейин у туфайли бошқа бир қиз – Майсара жабр тортиб кетиши мумкинлигини ўйлаб орага тушолмади, тўғриси, қандай қилиб унинг ёнини олишини билмади, шу боисдан ҳам лабини тишлашдан ўзга илож тополмади.

Орага Мирзоҳид аралашиб:

– Камида уч-тўрт марта олгансиз, буни Журъат тўғри айтяпти, иннайкейин, узук ва исирғаниям ана ўша ўмарган пулларингизга олгансиз, – деди, сўнгра бошқа қизларга юзланди: – Сизлар ўзларингизнинг бирор марта ҳам пул ўз-

лаштирмаганинглар ҳақида тилхат ёзиб беринглар, тўғрими Журъат?..

– Шундай қилинглар. Иннайкейин, Сайрамнинг айбдор эканини, бир неча бор кассадаги пулни ўзлаштирганини, ана шу пулларга узук ва зирак сотиб олганини ҳам қайд этинглар, – деди Журъат, айбдор хизматчисининг қўлидаги узукка, қулоғидаги исирғага қараб қўйди. – Тушунарлими? Ўзингиздан соқит қилинглар бу айбни!..

– Мен зирак ва узукни ўзим йиғиб юрган пулга олдим, етмаганига бир... кишидан қарз олиб турдим. Ана Зубайда билади кимдан қарз олганимни, – дея дугонаси томон нафрат билан боқди Сайрам.

– Менам ўттиз-қирқ мингни ўзлаштирганимда билардим узук билан зирак сотиб олишни, – дея Журъатга қараб кулди Мирзоҳид. – «Кордура»нинг пулиям ана шу зирак билан узукка кетган бўлиши керак. Тўғрими Сайрам?

– Мен «Кордура»ни сотган эмасман. Фақат бир марта кассадан пул олганман, бошқасини билмайман, – деб кўзларига ёш олди Сайрам.

Журъат ўринбосарига мурожаат этиб:

– Сенам ўша бўлимнинг бошқарувчиси сифатида ёзиб бер. Ҳаммасини машинкадан чиқарамиз-да ёки икки нусхада ёзиб берсанглар бирини милицияга, иккинчисини институт ректорига жўнатамиз, – деди.

Бир томондан милициянинг, иккинчи томондан эса ректорнинг номини эшитиб Сайрамнинг ўтакаси ёрилаёзди. Яна Фақирийга илтижоли боқди-да:

– Шу ишни қилманглар барака топгурлар. Мен дадамга айтаман, олмаган бўлсам ҳам ўша пулингларни тўлайдилар, – деди, кейин «ҳамма-

сига сен айбдорсан», деган тарзда Зубайдага ғилайланиб қаради.

Журъат нима сабабдан Сайрам шериги Зубайдага олайиб қараётганини пайқагани боис:

– Менга қаранг Сайрам, Зубайдага институтда ёмон қарасангиз ё битта-яримтага чақиб-а?.. Битта-яримта ёмон ниятни кўнглингизга тугсангиз... мана бу хатлар ўша куниёқ туман прокурорининг қўлида бўлади. Бунга мен ваъда бераман, ўша заҳотиёқ сизни опкетишади, – деб қўрқитди.

Бошлиғи жуда ўтказиб юборганини туйган Фақирий охири жим туролмади, орага қўшилиб:

– Дадамни опкеламан деяптилар-ку, Сайрамнинг бировга ёмонлик қилиш қўлидан келмайди, шеър ёзган қизлар унақа ишлар қилолмайди, тўғрими, а? – деди.

– Мана бундай кассадан ўзбошимчалик қилиб пул олиш, яна бир неча марта олиш бировга ёмонлик қилиш эмасми? – Фақирийнинг гапларига истеҳзоланиб кулди Мирзоҳид. – Дугонаси Зубайда бор гапни айтгани учун унга еб қўйгудек бўлиб боқиш-чи?!

– Майли бу ишим учун мени ишдан бўшатақолинглар, – деди Сайрам.

– Ишдан бўшатилишингиз аниқку-я, аммо аввал пулни жойига қўйишингиз керак, – деди Журъат, сўнг эса Мирзоҳидга бир нима демоқчи бўлганди, Сайрам чидаб туролмади чоғи, икки кафти билан юзини беркитганча хонадан чопиб чиқиб кетди.

Бироздан сўнг қизлар ҳам хонадан чиқишди. Уларнинг орқасидан Журъат ўринбосарига тайинлаб:

– Сен чиқиб айт, Зоҳид, шу ҳафтадаёқ дадасини опкелсин. Тағин менсиз бўшаш ҳақида ариза ёзса қўл қўйиб юбормагин, – деб огоҳлантирди.

Ўринбосари хонани тарк этиб чиқиб кетгач, Журъат унга қараб нима дейишини билмай турган Фақирийга юзланиб:

– Энди бу тўполон бор экан бошимизда, – деди.

– Ҳа, нима дейсиз энди, – деди Фақирий, бошқа бирор сўз дея олмади, тунов куни Мансур келганини эслаб:

– Ҳа, дарвоқе, анави куни Мансур икковимиз Фурқат Шайховнинг олдига бориб келувдик, – деди.

– Мансур деганингизга эсга тушди, укам Суҳбат боя кеп кетибди, шекилли. Мени болалигимда боққан Мастон бувимни касалхонага ётқизишибди, шуларни кўриб келай, сиз шу ерда бўп туринг. Ҳали мендан кейин Зоҳид ҳам бирор иши билан йўрғалаб қолади, – деди-да, тезда зарядга қўйиб қўйгани уяли телефонини, ёзув столидаги сигарет қутисини, ёнидаги машина калитини қўлига олиб шимининг киссасига солди-да, шошганча у ҳам хонани тарк этди.

Ичкарида ёлғиз Фақирийнинг ўзи қолди.

64

Ўғли Дилшодни машинасида боғчага ташлаб қайтаётган Мирзоҳидга Мактуба йўлиқиб қолди. Аёл ҳам кенжа қизини боғчага ташлаб келаётган эди, ёнига унга таниш бўлган «Жигули»нинг келиб тўхтаганини сезмагандай ўтиб кетмоқчи бўлган эди, ҳайдовчи машинасининг сигналини босди: Мактуба машинадан чўчигандай ўзини

нарига олди-ю, аммо эшигининг пастга туширилган ойнасидан унга қараб кулиб турган Мирзоҳидга кўзи тушиши билан:

– Ие, сизмисиз? – деди-да, унинг манзиратига кўп ҳам таранг қилавермай, ёнига чиқиб ўтирди.

– Ўша куни мендан ранжимадингизми Мактуба, қайтиб чиқолмадим, – деди Мирзоҳид айбдор одамдай аёлга боқиб.

Мактуба Мирзоҳид ярим кечада эшигини тақиллатиб чиққани ўша кунни яхши эсласа-да, аммо ўзини эслолмаганга солиб:

– Қайси кунни айтяпсиз, – деб билмаган киши бўлди.

– Ҳув ўша кунни-да! Мен қайтиб чиқаман деб чиқолмадим-ку? Воҳиднинг магнитофони қўлимда қолган кунни айтяпман-да!..

Мактуба муғамбирона кулди-да:

– Ҳе, ўлинг илойим, сиз ёмон йигит экансиз-а, – деди.

Мирзоҳид ўша куни Мактуба билан очиқчасига, бепарда, бемалол гапришиб юборгани учун ҳам аёлни ҳеч бир андиша қилиб ўтирмасдан «Шаршара»га таклиф этди:

– Эртага, шанба куни вақтингиз борми?

– Нима эди?..

– Сизни бир жойга олиб бораман...

– Қаерга? – суриштирди Мактуба.

– Бир зўр жойга-да, ҳозирча сир, – кулди Мирзоҳид.

– Сир бўлса бормаганим яхши. Биламан, сиз эркаклар номаъқул жойга бошлайсизлар, – деб юқоридаги кўзгучага қараб сочларини тўғрилаган бўлди.

Мирзоҳид борадиган жойлари «номаъқул жой» эмаслигини айтмоқ учун ошиқиб:

– Сиз «Шаршара»ни эшитгандирсиз, катта анҳор бўйидаги ресторанни? Ўша ерда сизни меҳмон қилмоқчиман!

– Ў-ў, «Шаршара»да меҳмон қилсангиз бораман! Тағин «Шаршара» қолиб бошқа ёққа бошламайсизми ишқилиб?

– Мен ўшанақа эркакларга ўхшайманми, Мактуба? Сизга бўлган муносабатимни биласиз-ку!..

Мактуба ўзи ўйламай айтиб қўйган гапидан азият чекди, бунинг устига, ҳали бирорта эркак уни меҳмон қилмагани эсига тушгани, ўзига ёқиб қолган мана шу йигит уни меҳмон қилмоқчи бўлаётганидан ичдан севиниб:

– Соат неччига? – деб сўради.

– Беш-олтиларга-да! Кун узоқ-ку!..

– Қаерда учрашамиз?

– Домимиздан катта йўлга чиқаверишда йигирма дақиқа кам бешга чиқиб турсангиз мен машинада келиб сизни опкетаман, – деди Мирзоҳид.

– Майли, мен қизларимни синглимникига ташлаб келарман, – деди Мактуба, кейин дўконга етганларида, – машинани тўхтата қолинг. Домнинг олдида Замирами, битта-яримта яқинларингизми икковимизни кўриб қолиб, гап чуваланиши мумкин, – деб эҳтиёт чораларини кўраётганини маълум қилди.

Мирзоҳид домига етмасидан берироқдаги озиқ-овқат дўкони ёнида Мактубани тушириб қолдираркан:

– Эртага-я!.. – деди-да, аёлнинг тўғаракка мойил истарали, икки томонида кулгичи бор бўлган юзида табассумни кўргач, илҳоми келиб кетиб, боз устига, инсоний нафси ҳам хуружини бошлаб машинасини ғизиллатиб унинг олдидан ўтиб кетди.

Аёл узоқлашиб кетган машинанинг ортидан қараб қоларкан: «Эринг бўлса шунақа бойвачча, меҳрибон бўлса-да! Сен шўрликнинг пешананг ҳақиқатан ҳам шўр экан, ана унақа пиёниста, бангига йўлиқдинг! Ҳе-е, уни!..», дея ярим ўкинч, ярим табассум билан нуқтадек бўлиб кўринаётган машинанинг ортидан қараб қолди, узоқ қараб қолди...

Мактуба тепаларига қаёқдандир Ҳикмат келиб қолганини сезмади. Унгача у сув бўйида Мирзоҳид билан ундан-бундан суҳбатлашиб ўтираркан, дастурхондаги турли ноз-неъматларга, теварак-атрофидаги ёш келин-куёвларга, яна дам олиш учун бу ерга келганларга қараб-қараб қўяркан, ўзини дунёда бахтли сезар, бунга яна Мирзоҳид билан бирга ичишгани шампан виноси ҳам ўз таъсирини ўтказганди.

У тасодифан кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, арақ ичгани шундоқ кўриниб турган собиқ эри Ҳикматга кўзи тушдию ўтакаси ёрилаёзди, ўзини қўярга жой тополмади.

Ҳикмат собиқ хотини Мактубани Мирзоҳид билан кўраман деб сира ўйламаган эди, у билан кўриб қолиши ҳамоно Ботир ва Суръат билан ўтирган жойидан сапчиб туриб кетди-да, уларнинг тепасига келишдан ор қилмади. Кела солиб Мактубага заҳрини сочди:

– Сен манжалақи мендан ажралишиб, мана бундай акахонлар билан юрган экансан-да!..

Мактуба шу дамда паст келса Ҳикматга ўхшаганлар уни шарманда қилиши мумкинлигини билгани, тағин устига-устак, Мирзоҳиднинг нима учундир Ҳикматни кўриши ҳамоно ранги

гезариб кетганини, тўғрироғи, ундан қўрқиб кетганини кўргани, гувоҳи бўлгани учун сира паст тушмади, собиқ турмуш ўртоғига баланд келиб:

– Мен энди боши очиқ аёл бўлсам, ким билан меҳмонга боришим, ким билан юришим ўзимнинг ишим! – деди.

– Ҳали шундай бўлдими? – унга ўқрайди Ҳикмат, сўнг эса бутун диққатини Мирзоҳидга томон қаратиб: – Сизга, Зоҳид ака, бу ерларга олиб келиш учун менинг хотинимдан бошқаси қуриб қолганмиди?! – деди.

– Мен бу киши билан қонуний ажралишганман, сиз гапларига қулоқ солманг! – деб Мирзоҳидни тинчлантирган бўлди Мактуба.

Мирзоҳиднинг қулоғига шу дамда Мактубанинг гапари сира кирмади. У ҳаёт уни яна Ҳикмат билан учраштирганини, яна Мактуба бу тасқаранинг собиқ хотини эканини билгани учун ҳам анчадан буён қўйнига қўл солишга уринаётгани аёлни бу ерга таклиф қилган кунини лаънатлагандан-лаънатлади. Нима дейишини билмай қолди. Ён-атрофдагилар ҳам диққат-эътиборларини улар томон қаратаётганини сезгани сабаб ҳам, иккинчи томондан, ўзи соғлом санамагани бу йигит билан уйи қурилишида хўп сан-манга боргани учун, ҳатто солишиб кетиб, охир-пировардида ишлари милициягача бориб етганини эслаб, ўзини мумкин қадар айбсиздек тутиб, жуда хокисор, паст овозда ўзини оқлашга тушиб, ёлғон сўзлашга киришиб:

– Мен Мактуба билан бирга ишлайман. Бугун шунчаки бир ресторанга таклиф қилдим-да, бошқа ёмон ниятим йўқ бу аёлга, – деди.

– Ҳали шундайми? – деди Ҳикмат, орқасига, шу томонга қўлларини ликиллатаётган йигитлар томон қаради.

Мирзоҳид ҳам ўша ёққа нигоҳини қаратган эди, ўтирган икки йигитдан бири Журъатнинг укаси Суръат эканини кўрди, кўрдию бошлиғи Журъат ана шу укасини назарда тутиб: «Яна ёмон шерикларига қўшилиб қолибди», деганини эслаб: «Унинг шерикларидан бири Ҳикмат экан-да! «Кўр-кўрни қоронғида топади», деб шуни айтсалар керак-да!», деган ўй кўнглидан кечди, кечдию вужудини ваҳима эгаллади: «Ҳали у айтиб қўймаса гўрга эди Мактубанинг мен билан ишламаслигини!» Шундан сўнг яна ўзига-ўзи тасалли берди: «У Мактубани танимайди-ку! Иннайкейин, бизда ишлаш-ишламаслигидан ҳам хабари йўқ! Акасининг олдига йилда бир келса келади, бўлмаса йўқ! Бундан буён умуман келмасаям керак!..»

– Шунчаки бир ресторанга таклиф қилдим-да, – деб юқоридаги сўзларини такрорлади Мирзоҳид, кейин «мен ундан қўрқаётганим йўқ, фақат хижолат чекяпман, холос», деган бир мазмунни ифодалаб Мактубага қараб олди.

– Ҳали «шунчаки бир» менинг хотинимга осиладиган бўлдингизми? Ҳали «шунчаки бир» менинг хотинимни ресторанга судраб келадиган бўлдингизми?!– деб бир жумлага ёпишиб олди Ҳикмат, шу вазиятда нима қилишини билмай икки қўли билан бошини қашиб ташлади, орқасига бир-икки тебранди, кейин Мактубага юзланди: – Мен билан қайта ярашишни истайсанми? Мен билан ярашсанг мана бу акахон билан бу ерларга келганингниям кечириб юбораман!

Бундан олдин нима қилган бўлсаларинг – барчасини кечириб юбораман! Ўғил бола сўзим, унутаман! Иннайкейин, қизларимниям жуда-жуда соғиндим...

– Қизлар сизни соғингани йўқ, – баланддан келишини қўймади Мактуба, – ундан кейин, сиз билан ярашганимдан кўра, мана бунақа Зоҳид акага ўхшаган эркакларга ўртоқ тутинганим яхши! Яна бир марта менга қўл кўтарсанг ё мана бу одамга ёмонлик қилишни кўнглингга тугсанг, яна акамни бошлаб бораман уйларингга! Ҳа, ҳа, тинч қўймайман!.. – деди Мактуба, ён-атрофдагилардан чўчиб у ёқ-бу ёққа аланглаётган Ҳикматга сездирмай Мирзоҳидга «шундай қилиш керак эди» деган тарзда ўнг кўзини қисиб қўйди.

Шу пайт уларнинг ёнига жингалак сочли Ботир етиб келди-да, Мактуба ва Мирзоҳиддан узр сўраган бўлиб Ҳикматни нарига судради. Аммо Ҳикмат унга аҳамият бермади, аксинча ошнасининг қўлидан юлқиниб чиқди-да, яна уларнинг тепасига келиб:

– Ҳали шундайми Макту? Ҳали шундай бўлдими?! Мендан мана шунақа пакана, бойвачча акаларни афзал билдингми? Шулар билан ўйнашиб юрганинг яхшими, а?! – деди, пича тек турди, тағин шаллақиланишга тушди: – Ҳўв манжалақи, сен йўқ десанг-чи деявер! Ҳали шу қилганингга-чи, ота-онаси ўпмаган ўн етти яшар бир ҳурлиқога ўйланиб олайки, ана ўшанда чангаллаб қолгин! Ана ўшанда биласан Ҳикматнинг нималарга қодир эканини!..

Мактубага собиқ эрининг жанжали ҳам, «ўшанда чангаллаб қолгин» дейиши ҳам қаттиқ тегди, шу боисдан шеригини олиб кетиш учун

келган, мутакаббирона илжайишини қўймаётган жингалак сочли, қирғий бурун, совуқ башара Ботирга юзланиб:

– Бу кишини тезроқ бу ердан опкетинг, бўлмаса ҳозироқ милицияни чақириб келаман! – деб уларни қўрқитмоқчи бўлди.

– Ўзи бир марта манави акахонимиз милицияга топширгани етади, иккинчи бор уларингнинг қўлига тушадиган аҳмоқ йўқ! – деб Мактубага хезланмоқчи бўлди Ҳикмат, аммо Ботирнинг бақувват қўлларидан чиқолмади, устига-устак ундан: «Бу ерда жанжал чиқариб балога қолмоқчимисан? Нима, ҳаммамизни хитлар опкетишини истайсанми, а хитхонага тушишимизни истайсанми?!», деб дакки-дашном эшитиб олди, унинг қистови остида нари кетдилар.

Улар кетишганидан сўнг Мирзоҳид билан Мактуба бу ерда кўп ўтиришмади, хизматчи қиз келтириб қўйган кабоб «панжа»ни ҳар иккови ҳафсаласиз, айни пайтда иштаҳасиз бир тарзда тановул қилган бўлдилар-да, лабларини артишаётганида Мактуба уни бу ерга олиб келган Мирзоҳиддан сўради:

– Сиз билан ҳам жанжаллашганмиди?!

– Ҳа, Белтепадаги ҳовлимнинг олдида ана шунақа хезланиб келиб тўполон кўтарувди. Охири милиция билан туговди ишимиз, – дея Ҳикмат билан ораларида бўлиб ўтган ўша даҳанаки жангини эслаб хўрсиниб қўйди Мирзоҳид, аммо бўлак ўша воқеага қайтишни ичдан истамади.

– Ўзи ҳаммага шу қилиғини қилади, ҳаммага қуруқланиб юради, демоқчиман-да! Шунинг учун ҳам иккита болам ҳам кўзимга кўринмай бу безоридан қутулиб олган эдим-да!

– Жуда тўғри қилган экансиз! Бунақа эрнинг зуғуми остида яшашнинг ўзи амри маҳол, азобов! Одамни сил қилиб юборса керак бунақа падар лаънатилар! – деди Мирзоҳид, яна пластмасс идишдаги салфеткалардан икки-учтасини олиб қайта лабларини, қўлларини артди-да, ўзи сезмаган тарзда юзига фотиҳа тортиб қўйди.

Уни кўриб Мактуба ҳам қўлларини салфеткада артди. Собиқ эрини қарғашга тушиб:

– Шундай яхши ўтиришни заҳар қилди-я, балога йўлиққур, йигит ўлгур, – деди.

– Секинроқ айтасизми, – унга қўшилишди Мирзоҳид, сўнгра Суръатлар ўтирган томонга ўгринча қараб оларкан: – Ичларида менинг бошлиғим Журъатнинг кичик укасиям бор экан, – деди, хаёлидан бир он: «Ўша куни унга пул бермаганим учун ҳам мана бу маразни гижгижлатиб олдимизга юбормадимикин? Унинг қўлидан ҳар бало келади! Шу аканинг укаси-да!..», деган шубҳали фикрлар ҳам ўтиб улгурди.

– Ҳа-а, шундай эканми? – ажабсинган бўлди Мактуба, кейин Ҳикматни назарда тутиб сўради: – Қандай қилиб бу уларга қўшилиб қолди экан?!

– Уям авлиёлардан эмас! Мана шу Ҳикматга ўхшаган бангилардан биттаси-да! «Кўр кўрни қоронғида топади», деганлари рост экан, уям акаси билан онасини куйдириб ётибди!.. – деди Мирзоҳид, сўнгра эса тимсоҳ терили жигарранг сумкасини елкасига осиб олишга тараддудланаётган Мактубадан сўради: – Қани, кетдикми?!

– Кетдик, – деди Мактуба, қони қайнагандай бир кўйи ғилайланиб Ҳикматлар ўтирган томонга қараб олди, ўзича ғулдираб қарғанган бўлди.

Аввал Мактуба ўрнидан қўзғалиб тепаликка олиб чиқадиган зиналар томон юрди. Хизматчи қиз билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, унга Мирзоҳид эргашди.

Ҳикмат ҳам, Ботир ва Суръат ҳам уларнинг орқаларидан қараб қолишаркан, ўзаро бир нималар дейишди.

65

Фақирий ишхонадан чиқиб, йўлнинг нариги бетидаги тепаликда жойлашган қайнатасиникига кириб борганида, Саидикром эшон ва унга қўшилишиб икки-уч чоғли одам аср намозини ўқиш учун ичкари уйга кириб кетишаётган эди, Фақирийни кичик қайнағаси Анвархон кўриб қолди-да, дарров акаси Акбархон ва яна иккита божаси ўтирган ҳовлидаги дастурхонга олиб бориб ўтқазди. Фақирийнинг келганини ичкари уйдаги аёллар ҳам сезишди чоғи, хотини Фотима ташқарига чиқиб, улар ўтиришган чорпоянинг ёнидан ўтиб кетатуриб, эри билан сўрашиб:

– Яхши келдингизми, адаси? – деб қўйди.

Фақирий «ҳа, келдим» деб хотинига бош тебратиб қўяркан, уйланмасидан илгари нашриётда ишлаган чоғида икки-уч бор «шайтоннинг ичимлиги»ни ичиб олиб Фотиманинг уйини қидириб бу ерга келганларини, Зиёвуддин исмли ҳамкасби билан «қиттак-қиттак» ичиб олиб «қайдасан, Колхозная?» деб эшик санаганларини, бир марта ана шундай ширакайф ҳолда келганида Фотима уни лайча итига талатганини, охир-пировардида ана шундай фақирона умргузаронлик қилувчи хонадонга куёв бўлганини хотирлади. Яна ўшанда етмишларни қоралаб қолган

Фотиманинг дадаси Саидикром эшон эл-юрт ўртасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга эканини ҳам билиб олганди. У Қозоғистоннинг Янгибозоридаги Ўқюнус авлиё ота деган мавзесига бир пайтлар мурид овлаб кетган эшонлардан бўлиб, Тошкентга уч-тўрт ойда бир марта келиб кетар, ана шу келиб-кетганида қариндош-уруғ, ошна-оғайни, масжиддан одам айттириб юбориб қўй сўяр ёхуд сўйдирилган от гўштини олиб келиб норин қилдирар, атрофидаги одамларга Қуръон ҳақида, эскича илм ҳақида суҳбатлар қуриб, гап-гаштак берарди. Эшоннинг бу сафарги ташрифи сабабини Фақирий хотинидан сўраганида у кулиб қўйганди-ю, аммо жавоб бермаганди. Шунинг учун ҳам Фақирий бошида бу ерга бошлиғи Журъатни ҳам бошлаб келмоқчи бўлганди-ю, аммо унинг бегоналарнинг олдида ўтиролмасини, ундан кейин, бундайин бечораҳол, оддий, содда ҳаёт кечирувчиларни менсимаслигини ўйлаб қолгани учун ҳам бир ўзи кириб келишни мувофиқ билганди.

Фақирий ана шуларни ўйларкан, қайнағаси Акбархон билан, унинг ўртанча ўғли Шамсиддинхон ва божаси Собиржон ака билан сўрашди. Айниқса, шу дамда у қайнағаси Акбархоннинг отасидан бекитиқча ичиб олганини сезиб, ҳали замон унга тегадиган битта-яримта пичинг гап қилиб қўйишидан чўчиди. Шу сабабдан ҳам тезда унинг ҳол-аҳволини, ишларини сўраган бўлди-да, сўнгра Шамсиддинхон, ундан кейин ёнида ўтирган, бу хонадонга Фақирийдан уч-тўрт йил бурун куёв бўлган, илгарилари Украинада яшаган, асли Хўжанднинг ўзбекларидан саналган, ҳаёт тақозоси билан Украинага кетиб

қолиб, умрининг узоқ қисмини Донбассдаги шахталарда ишлаш билан ўтказган, кейин у ердаги хотини билан ажрашиб, ўша ердаги икки хонали уйини Тошкентнинг Чорсу мавзесидаги икки хонали уйга алмаштирган, сўнг эса кўчиб келган маҳалласидаги бир-иккита одамнинг далолати билан Саидикром эшонга куёв бўлган Собиржон акадан уй-ичини, унга қўшни бўлган бир рассом оғайнисини суриштирди. У Собиржон аканинг тўғри сўз, соддалиги, баъзида эса чапани табиати учун яхши кўрар, ҳурмат қиларди. Ҳозир ҳам у билан жуда берилиб гаплашаётган эди, тўнғич қайноғаси Акбархон ўғли чойга кетганига ҳам аҳамият бермай, отаси намоз ўқиш учун кириб кетган уйга қараб-қараб қўйиб, унинг қўлига қизил сидирға пиёлада арақ тутди. Фақирий арақ ичганидан ранги яна ҳам гезарган совуқ башарали қайнағаси Акбархонга норозиланиб боқаркан:

– Биласиз-ку Акбархон ака, мен ичкилик ичмайман, – дея узрини айтди.

– Бир пиёла ичсангиз асакангиз кетадими, қайнағанинг ҳам қўлини қайтарадими? – деди Акбархон ижирғаниб, куёви унинг қўлини қайтарганидан қизаринқиради. Унинг ўжарлиги тутганини укаси Анвархон сезди, сездию ликопчадаги олма пўчоқларини тўкиб келиш баҳонасида бу ердан йўрғалаб қолди.

– Мени тўғри тушунинг Акбархон ака, тунов куни дўконимиз бошлиғи бир жойда зўрлаб арақ ичирмоқчи бўлганидаям ичмадим, мени ўз ҳолимга қўйинг, ҳозир чой опкелишса ичаман, – деб жавоб қилди Фақирий.

– Тўғри-да, ичмайман деган одамни ичкиликка зўрламайди, иннайкейин, Акбархон ака,

эшоннинг ўғлисиз, меҳмон келганида ҳеч замон чойдан илгари арақ тутадими?..

Қайнағаси Собиржон аканинг даккисига қулоқ солмади, солишни истамади; Фақирийнинг қитиқ патига тегишда давом этди:

– Ёзувчиликни ташлаб, дўкондорликка уриб кетганингизда ичмайман, дейсизми?!

– Мен ёзувчиликни ташлаганим йўқ. Ҳозирча ҳаёт тақозоси билан дўконда ишлаб турибман, – деди Фақирий, ичида эса: «Бу одамнинг менда нима қасди, нима хусумати бор экан? Ҳар келганимда пичинг отади, шунинг учун ҳам бу даргоҳга келгим келмайди, хотин бўлса «меникиларга қўшилмайсан» деяверишини қўймайди», деб хаёлланиб турган эди, Шамсиддинхон чойнакда чой келтирди. Собиржон ака дарров уни қўлига олди-да, ёнидаги пиёлада Фақирийга чой қуйиб узатди.

– Дўконга ишга кирсангиз ҳам сиз минг йилдаям ҳовли ололмайсиз, – деди дабдурустдан Акбархон. – Ҳа, ҳовли ололмайсиз.

Фақирий нега у бундай деганини тушунмади. Ё хотини Фотима буларга «қачондир ҳовли оламиз, доми қурсин», деган бир гапни гапирганми, деб хаёл қилди.

– Мен сизга домимни сотиб, ҳовли оламиз, дедимми? – деб сўради Фақирий, кейин чидаб туролмади: – Қачон шу ерга келмай пичинг гап, учирма гап қиласиз-а? Мен сизнинг учирма гапингизни кўтаролмайман! Бунга асабим чидамайди! Тушунаяпсизми, соғлиғим кўтармайди!..

– Шу гапларнинг нима кераги бор, Акбархон ака?– орага қўшилди Собиржон ака. – Худо бу одамга ҳовли олишни насиб қилган бўлса бандаси халал беролмаслигини ўзингизам биласиз-ку!

Ҳовли олишга ният қилишган бўлса, шунгаям ҳасадингиз келяптими?!

– Мен тўнғич ўғлим Саъдулла туғилганида эски ҳовлимиздаги сув бўйига меҳмонга чақирганимдаям шу ишни қилувдингиз! Шундан бери менга тинчлик бермайсиз-а? – деди Фақирий, сўнг эса юзига фотиҳа тортди-да, намоз ўқиб бўлган қайнатаси ва яна икки-уч киши ўтирган айвонга кўз қирини ташлади, улар билан кўришишни баҳона қилиб, чорпоядан қўзғалиб ўша ёққа юрди.

Унинг ортидан чорпояда Собиржон аканинг:

– Шу ишни яхши қилмадингиз, Акбархон ака, биров арақ ичишни хоҳламаса оғзига уриб соласизми? – деган қайнағасига айтган дакки-дашном мазмунидаги сўзларини эшитди, эшитдию: «Ичларингда шу одам виждонини йўқотмаган экан, ичларингда шу одам инсофли экан. Шу Собир ака айтмаса, сенга биров дакки беролмасди», деб қўйди.

У айвон рўпарасига бориб дастурхон атрофида ўтирганларга салом берган эди, қайнатаси Саидикром эшон уни ёнига чорлаб:

– Бу ёқдан чиқинг, Абдурауф, бу ёқдан, – деди.

Фақирий қайнатасининг гапини икки қилмади, у кўрсатган томондан айвонга кўтарилди-да, аввал Саидикром эшон билан, ундан сўнг эса ўғли Анвархоннинг қудаси деб таништиргани Сайфиддин ҳожи билан ва охирида эшоннинг укасининг тўнғич ўғли бўлган Маҳмудалихон билан икки қўллаб кўришди.

Пича у ёқ-бу ёқдан сўралгандан кейин қайнатаси невараларини суриштиришга тушиб:

– Саъдулла, Акмал, Асадулла яхшими? Нега невараларни опкемадингиз? – дея гина қилган бўлди.

– Мен ишдан келяпман! Ҳозир автостанциянинг рўпарасидаги дўконда ишлаяпман-ку!..

– Ҳа-а, эшитдим, эшитдим. Дўконам яхши жой. Ўз номи билан «дўкон!» деб қўйибди – икки кон дегани! – деди эшон ўнг қўлининг икки бармоғини жуфтлаб кўрсатаркан. – Бу дегани – чакки эмас!..

Саидикром эшон куёвининг, айниқса, Фақирийнинг ютуқларига севинадиган одам эди, ҳозир ҳам унинг ана шундай иқтисодий мураккаб бир шароитда дўкондан паноҳ топганидан қувонди. Аммо Фақирий унинг қувонишидан ийманган учун ҳам:

– Мен энди вақтинча ишлаб турибман, биласиз-ку, Эшон ота, китоб ёзишни ҳеч нарсага алиштиролмайман! – деди.

Саидикром эшон куёви Фақирий ёзувчиликни бошқа ҳеч бир касбга алмаштирмаслигини яхши биларди. Шу боис ҳам унинг куйиниб гапиришларини дил-дилдан ҳис этгани учун ҳам Фақирийнинг кўнглини кўтаргандай тарзи маълум қилди:

– Ҳа, дарвоқе, Сайфиддин ҳожи, бу куёвим ёзувчилик қиладилар, китоб ёзадилар! Энди ҳаёт тақозоси билан, кўряпсиз-ку ҳамма ёқ остин-устин бўп кетди, дўконда ишлаб турибдилар-да! Озроқ бозорлардаям ишладингиз-а, Абдурауф?

– Ҳа, укаларимга қарашдим.

Сайфиддин ҳожи ўтирган ерида бир тебраниб қўйди, ортидан ҳали оқ оралаб улгурмагани чўққи соқолини силаб қўйди-да:

– Бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейдилар. Ҳозир ҳамма бозорда-ку, ука. Бунинг ҳечам айби йўқ-да, – дея гапга аралашди.

Эшоннинг жияни Маҳмудалихон сергўшт, қип-қизил тўгарак юзининг сўл бетидаги данакдек холини қашиб туриб:

– Ҳа, тўғри айтасиз, – деб унинг ёнига қўшилишди.

Саидикром эшоннинг бошқа фарзандларига нисбатан қизи Фотимага меҳри бўлакча эди, шу сабаб ҳам, ундан кейин, «ҳали дўкон ишларини мақтаб хийла унинг кўнглини чўктириб қўйдим», деган ўйга боргани учун ҳам Фақирийни янада юзага олиб чиққан бўлиб:

– Сизнинг исмингиз Оллоҳ Таолонинг сифатларидан бирига тўғри келади-я, шуни биласизми Абдурауф? Оллоҳ Таолонинг тўқсон тўққиз исмларидан бири – ар-Рауф – бандаларига ўта меҳрибон, раҳмати кенг, шафқатли дегани! Мана Собир акангизнинг исмлариям шундай! Собир эмас, Сабур! Ас-Сабур – гуноҳкор-исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот дегани!..

Фақирий қайнатасининг оғзидан ўз исмининг Аллоҳ Таоло сифатларига бориб тақалишини эшитаркан, хаёлидан бир онда яна қайнағаси Акбархоннинг ҳалиги қуюшқонга сиғмайдиган ҳасадомуз сўзлари ўтиб: «Шундай ўқимишли, дину диёнатли отанинг фарзанди, ана ундай кап-катта одам дилозор, фисқу фасодчи, номаъқул чиқса-я! Ё анави «шайтоннинг ичимлиги» инсон боласини ана шундай кўйга солиб қўярмикин? Олтмишларга бориб қолса-да, ақл топмаса қийин экан одам боласи!», деб тўнғич қайнағасидан чин юракдан ранжиб, ниҳоятда кўнгли оғриб, яна кўнгли ўксиб, бу ерга келганига минг пушаймонлар еб, хўрсиниб қўйди.

Шу маҳал Саидикром эшоннинг кенжа ўғли Анвархон, невараси Шамсиддинхон иккови ўтирганларга шўрва келтириб қолишди. Яна бир бориб келишганидан сўнг эшон Анвархондан акасини ва бошқа куёвларини суриштириб қолди.

– Акамлар, Собир ака, Комилжонлар у ёқда ичишар экан, менам ўзимникини ўша ерга қўйиб келдим, – деди Анвархон, энди орқасига қайтиб кетишга шайланаётганди, отасининг гапи уни тўхтатди:

– Комилжон бу ёққа келмадими, ҳаммаси маълум, – жияни Маҳмудалихонга қараб кулиб қўйди Саидикром эшон, кейин кенжа куёвидан норозиланиб бош чайқатди: – Ҳойнаҳой, Комилжон анави баччағар ўриснинг шишасини кўтариб келгандир-да, ҳаммаларинг ўзларингдан тиниб қолдиларинг?!

Отасининг киноялы сўзларидан сўнг Анвархоннинг елкаси қисилиб, қудаси Сайфиддин ҳожининг олдида қизаргандан-қизарди. Отасига жўяли жавоб қайтаргани арзирли сўз тополмай қолгани важи:

– Нима, шўрвамни шу ерга опкелайми, ада? – деб сўради.

Саидикром эшон ўта сезгир одам эди, ўғли қудаси Сайфиддин ҳожининг олдида ерга кириб кетгудек бўлганини туйгани учун ҳам ичида: «Ҳа, қизингни бу одамнинг ўғлига бериб қўйгансан-да: «Отанг арақ ичаркан, отаси ана ундай эшон бўлса-да, у киши бекитиқча «қиттак-қиттак» қилиб юрса яхшими?», деб қолишларидан уялдинг, ўзинг учун эмас, қизингга дакки-дашном бериб қолишларидан чўчидинг-а?!», деган бир мазмунда кинояланиб сўзланиб, мулоҳазаланиб қўйди-да:

– Опкесанг опке, аммо бундай номаъқулчиликларни қилмаларинг, ёшингга ярашадиган иш

қилларинг. Ҳамманг элликдан ўтиб олтмишга яқинлашиб қолдиларинг-а? Комилнинг йўриғи бўлак, ҳали у бойваччаниям бир қулоғини бураб қўяйки, пулни ҳаром нарсага сарфлаш нима оқибатларга опкелишларини билиб олади ўшанда, – деди Саидикром эшон, ўғли бошини кўтаролмай нари кетганини кўргач, ортиқча гапириб, ортиқча дакки-дашном бериб қўйганини сезиб, ичдан ўғлига ачинган бўлди ҳам, ортидан дастурхон атрофидагилар ҳам жим бўлиб ерга қараб қолганларини кўриб, хиёл қовоғини очди, серажин, чўзиқ, қорамағиз юзига, ўйчан кўзларига янаям нуронийлик, салобат бериб турган, кўксигача тушган қордай оппоқ соқолини учтўрт бор силаб қўйди, кейин меҳмонларга юзланиб: – Қани, овқатга қаранглар-чи. Суюқоши совиб қолмасин... Бизники энди насиҳат қилиш-да, а мулла Сайфиддин? – дея ўтирганларнинг руҳини кўтариб ҳам қўйди.

– Жуда бамаъни гапни айтдингиз, Эшон ота. Бизнинг одамларни бузиб юборган шу ўриснинг арағию Оврупа тарбияси деб ўйлайман, жудаям хонавайрон қилиб юборган. Диндан ниҳоятда узоқлашиб кетганмиз, ёшлар бузилиб бўлган, – деди Сайфиддин ҳожи, сўнг кўп гапириб юбордим, шекилли, дегандай ёнидагиларга ўнғайсизланиб қараб қўйди, косасидаги қошиқни қўлига олди.

Ҳаммалари шўрваларини ичиб бўлиб, косаларини ҳовлида хизмат қилиб юрган Шамсиддинхондан бериб юборишди-да, бирпас-яримпас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Сўзларидан бирида Сайфиддин ҳожи ўтирганларга Рашидхон исмли дурадгор қўшнисининг мақтовини келтираверишини Фақирий сира тушунмай тур-

ган эди, қайнатаси Саидикром эшон анчайин пешанаси тиришиб, ҳожининг гапларини эшитиб бош тебратиб ўтирган куёвига изоҳ берди:

– Ҳожи акангизни биласиз-а, Абдурауф? Бу киши Анвархон акангизнинг қизлари Муҳайёни, неварамни ўғилларига келин қилганлар! Сайфиддиннинг бир мўмин, айтишларича, хотини ўлган бир намозхон қўшнилари бор экан, касби дурадгор экан, эшик-ром ясармиш-а, ҳожи? – қудасига қараб олди Саидикром эшон, ундан «ҳа» ишорада жавоб олгач, яна сўзида давом этди: – Ана шу одамга қизимиз Зуҳрахоннинг қўлини сўраб кептилар-да энди!..

Эшоннинг сўнгги гапини кесатиқ ўрнида қабул қилиб, бошида, Сайфиддин ҳожи унинг «йўқ» деб қолишидан чўчиди. Шу сабаб ҳам Фақирийдан нажот кутгандай бир оҳангда:

– Ҳа, шу масалада Эшон отамларнинг олдиларига келувдим. Ҳар ҳолда бир одамнинг бошини қовуштириб қўйиш савоб-ку, тўғрими? Хотининг, майли, жойи жаннатдан бўлсин, бу қўшним энди... ётиш-туриши бор, кир-чири дегандай...

– Тўғри, – дея унинг сўзларини маъқуллади Фақирий, сўнгра сал қўрқиброқ қайнатасига кўз қирини ташлаб олди. Бу қарашида: «Қиз сизники, тағин ўзингиз биласиз, мен фақат фикримни билдирдим-да», деган бир мазмун зоҳир этиб турарди. У қайнатасидан истиҳола қилгани учун ҳам дастурхон четидаги попугини бураб ўйнашга киришди.

– Энди, кап-катта одам уст-бошини келинларига ювдиришгаям уяларкан-да, Эшон ота. «Аввалларим бундай юмушларни фақат хотинимга буюрардим», дейди бечора. Аммо-лекин ёмон одам эмас, афсусланмайсиз, – дея кўзлари

жавдираб эшонга боқди Сайфиддин ҳожи, кейин «сиз ҳам бир нарса денг», дегандай Маҳмудалихонга қараб қўйди.

Унинг қараши мазмунини туйган Маҳмудалихон калтабақай бўйига номутаносиб равишда ҳаддан ташқари чиқиб кетган қорнини силаб туриб:

– Тўғри, энди, опоқота, барибир Зуҳрани кимгадир узатишингиз керак-ку! Қизи Ойшаям кўчада қолиб кетмас, ҳечқурса мана шу ҳовлида, сизнинг бағрингизда яшаб турар-ку, ахир! – дея амакиваччасига ҳам ачинган бўлди.

– Қизлариниям опкелсинлар, қизлариниям ўзим вояга етказиб, ўзим узатаман, деяпти Рашидхон. Бунақа томонларини ўйламасангизам бўлади, Эшон ота.

– Унақа деган бўлса яхши одам экан, – деди Фақирий, шундай деб қайнатасига, унинг ўйчан тарзда ҳовлининг бир нуқтасига нигоҳ қадаб соқолини силиб туришига эътиборини қаратган эди, бир маҳал уни телефонга чақириб қолишди. У телефонга бориб қайтгач, ҳали ҳам Сайфиддин ҳожига жўяли бир жавоб бермаган қайнатасига юзланиб:

– Эшон ота, узр энди, бошлиғимизга шу ернинг рақамини берувдим, бувиси касалхонада ётган экан, сиз билан бирга бориб келайлик, деб менга қўнғироқ қилибди. Шунга бормасам бўлмайди, – дея қайта-қайта узр сўради-да, уларни безовта ҳам қилмай, нарёқдагилар билан ҳам хайр-хўшлашиб, охири уни кузатгани чиққан хотинига: «Фотима, уйга тезроқ борақол, ҳали болалар дадамни қийнаб юборишган бўлмасин», деб тайинлаб қўйиб, уларнинг ортидан эргашиб чиққан қайнағаси Анвархон билан яна бир

бор хайрлашиб, шошганча юриб дарвозадан узоқлашди-да, пастқам кўча билан пастликка қараб тушиб кетди.

66

Мастон кампирни алоҳида хонага ётқизишган бўлиб, Журъат ва Фақирий кириб боришганида унинг тепасида қизи Васила ва ўғли Эҳсоннинг хотини – келини Нафиса қараб ўтиришган эди.

Журъат икки-уч кун илгари ҳам Мадина опа уни олиб боргани, нафаси ўткир санагани Вилоят отинни бу ерга олиб келиб, эскичасини қилган бўлиб бувисини ўқиттириб кетган, кейин орқаворатдан Васила аммаси «Журъат ойимнинг жанозасини ўқиттиргани аёл отинни бошлаб кепти», деган мазмунда майда гап, майда гапдан ҳам кўра иғво гаплар тарқатганини ҳам эшитганди, шунинг учун ҳам бу сафар бир ўзи бу ерга келса Васила аммаси билан айтишиб қолиши мумкинлигини ўйлаб Фақирийни бошлаб келганди. У кеннойиси ва Васила аммаси билан сўрашган бўлди-да, Фақирийга кираверишдаги стулга ўтиришини айтиб, ўзи Мастон кампирнинг бош томонига яқин ерда турган курсига ўтирди. Қўлидаги елим халтани кеннойисининг қўлига тутқизаркан, ичидаги воронкага ўхшатиб ўралган катак қоғоздаги қурутларни олиб Мастон кампирнинг ўзига берди-да:

– Ассаломалайкум ойишка, яхши ётибсизми? Буларни маза қилиб шимарсиз, – дея энгашиб бувисининг икки юзидан ўпиб қўйиб, серажин, қуруқшаган юзидан силаган бўлди, болаларча аразлаган бир қиёфада аммасига қараб олди.

Мастон кампир бошқаларга ўта жиддий, сержаҳл кўринган, баъзан ўшаларга ана шундай кўринишига яраша қўпол муомала қилувчи набираси у билан гаплашганда, уни кўргани келганида жуда ҳам болаларча, юмшоқ муомалада бўлишини яхши биларди, шунинг учун ҳам қўлига қурут тутқазганидан ҳам, «маза қилиб шимиб ётасиз» деганидан ҳам ажабланмади, билъакс келганига уч кун ўтмай у яна хабар олгани келганидан кўнгли кўтарилиб кетиб: «Нима қилса ҳам боққан болам-да, қадримга шу етяпти», деган ўйда, ўз навбатида у ҳам набирасига қараб касалманд, дардманд жилмайди-да:

– Қурутни яхши кўришимни билардинг-а? – деди, оёқ томонидаги эшикка яқин ерда омонатгина ўтириб, бетоб ётган кампир ва унга қараётганлар олдида ўзини ноқулай сезаётган, қандай бўлмасин бу ердан тезроқ чиқиб кетишни ўйлаётган Фақирийни назарда тутиб: – Бу киши ким бўладилар? – деб сўради, сўнг эса бегона эркакдан уялганидан белигача ёпиб қўйилган оқ чойшабни кўкрагига довур тортди.

Журъат «мен унча-бунча одамни ёнимда олиб юравермайман» дегандай тарзда аввал кеннойисига, ундан кейин эса душмани санагани Васила аммасига қараб олди-да:

– Бу одам катта шоир, Фақирий бўладилар. Илгари газета-журналларда ишлардилар, ҳозир мен билан ишлаяптилар, – деб бувисига жавоб қайтарди.

Фақирий ўзини Журъат бу ерга кўргазма учун олиб келгандай ҳис этгани, устига-устак, учраган одамга уни «катта шоир» деб таништираётгани учун ич-ичидан хижолатланиб кетди. Нима

дейишини, Мастон кампирнинг кўнглини қай йўсинда олишини билмай, тутила-тутила:

– Опоқи яхши ётибсизми? Дўхтирлар яхши қарашяптими? Худо хоҳласа тузаласиз, тузалиб қоласиз. Бизнинг дўхтирлар ўлмасин ишқилиб, – деди, охирги жумлани айтганидан ичида пушаймонлар еди. «Кампир «сиз ўлмайсиз ҳали» деб тушунмадимикин? Ҳе-е, бир тузукроқ гапам тополмайсан-а ландавур, бетоб ётган одамнинг аҳволини шунақа қилиб суриштирарканми?!», дея ўзидан ўпкаланди, ўпкаланиш ҳам майли, ана шундай ўй кўнглидан кечганидан сўнг ўзини ёмон кўриб кетди, Журъатга эргашиб келаверганидан минг бор пушаймонлар еди.

– Айтганингиз келсин айланай, Журъат сизни овора қипти-да! Ота-онангиз, келиним, бола-чақалар омонми? – деб ўзини кўргани келган одамнинг ҳол-аҳволини сўраган бўлди Мастон кампир. – Қаричилик экан, мана шунақа дардга чалинганим-чалинган-да, ўргилай! Буям кўргилик экан...

– Худо хоҳласа тузалиб кетасиз, опоқи, – юқоридаги гапини такрорлаб кампирга тасалли берди Фақирий, кейин ўзига нотаниш бўлган аёллар олдида ўтиришни номувофиқ билгани, ундан ҳам кўра унга нотаниш бўлган Журъатнинг қариндошлари даврасида ўнғайсизланган, боз устига, бегонасирагани важи, Журъатнинг кўнгли учун яна бир бор Мастон кампирга юзланиб: – Майли, тузалиб кетинг опоқи, менга энди узр, йўлакда тураман, Журъат, – деди-да, беморга қараётган аёллардан ийманган, ийманишдан ҳам бурун ҳеч бир қуюшқонга сиғмайдиган ташрифидан изза бўлган, хижолатланган бир авзода палатадан ташқарига чиқди.

Бирор ўн дақиқалардан сўнг Журъат ҳам палатадан чиқди-да, узун йўлакнинг чап бошида уни кутиб турган Фақирийнинг ёнига бориб:

– Юринг Фақирий, бўлим бошлиғи Сулув Сатеновна деган қозоқ аёл экан, шу билан гаплашиб чиқамиз, – деди.

Фақирий бошлиғи уни бу ерга ана шунинг учун олиб келганини ишхонадаёқ сезган эди, шу боисдан ҳам ажабланмади, фақат ўша ёққа киришни истамаётганини билдириш мақсадида:

– Менинг киришим шартми? – деб сўради.

Журъат орқасидан Васила аммаси кузатиб чиқмаганига ишонч ҳосил қилиш учун бувиси ётган палата томон қараб олди-да:

– Сиз фақат менинг бошлиғимдай савлат тўкиб ўтираверасиз, ҳаммасини ўзим боплайман, – деди.

– Қаердаги, прокуратурадагими? – кулди Фақирий, хаёлидан эса: «Бу бола бир марта ана шунга ўхшаш иши учун панд есаям тавба қилмайди-я», деган ўй ўтди, хаёлидан ўтган ана шу ўйни бошлиғининг юзига солишга чўчишдан ҳам бурун бети чидамади.

– Ҳа, прокуратурадаги, бу ёғини энди қўяверинг, – деди Журъат.

– Ўзи хонаси қайси экан? – сўради Фақирий.

– Ҳув анави йўлакнинг охиридаги эшик экан, – деди Журъат, шеригини ўша ёққа бошлади.

Улар эшикка яқинлашиб, Журъат уни очганида ичкаридан чап томонда эллик билан эллик бешлар миёнасидаги, кўзига кўзойнак тақиб олган оқ халатли ориққина қозоқ аёл гавдали, тўладан келган, мўйловли, совуқ башарали бир қозоқ киши билан гаплашиб ўтирган эди, фикри бўлинган кўйи қия очилган эшик томон ўгирилди-да:

– Ҳозир, бироз кутиб турингглар, – деди.

– Кўрдингизми, – деди Журъат эшикни ёпиб қўйгач. – Қозоқ бошлиқ бўлган жойни қозоқлар босади. Ўзига тегишли ё бўлмаса «соққа» берган бир таниши бўлса керак-да, «тузукроқ қаранг» деб гаплашиб кетяпти.

– Ҳа, энди нима қиласиз? – деди Фақирий, хаёлига қаёқдандир онаси уни Гёте билан таништириб қўйган Шопенгауэр тушди. «Одам боласи ҳақиқат учун азоб-уқубатлар чекишини истаган, орзу қилган Шопенгауэр», деб қўйди ичида, кейин қаёқдандир ёдига Фаустнинг Мефистофелга айтган «Абадий ҳаракатдаги, эзгу мақсадлар сари интилувчи ижодий кучга сен иблиснинг совуқ муштин рўпара қилишингничи!», деган тиғдайин ўткир, таҳқиромуз сўзлари тушиб, «Жин урсин, икки куч ҳамиша таъқиб этиб келавераркан-да», деб қўйди.

– Эшитяпсизми гапимни? – деди Журъат, Фақирийдан норозиланиб бошини чайқаб қўйди.

– Ҳа, йўқ, хаёл опкетиб қолди, – деб хижолатланди Фақирий.

– Ҳалиги гапингизга, нима қиласиз эмас, мана шунақа жойларда ҳам ё зўринг билан, ё заринг билан ишни битириб чиқиб кетиш керак, – ўта ақлли гап қилган бўлди Журъат.

Фақирий унга бир оғиз сўз демади. Бу гаплар унга танишдек туйилди, жуда эски, саёз кўринди. Етмишинчи йилларда ўзи ўқигани бир асардаги «Сайфи Соқиевичлар фалсафаси»дай бир гап эди. Ўзи сезмаган тарзда:

– Бу энди Шўро даври дўкондорларининг гапларига ўхшаб кетди, – деб юборди.

Унинг бу сўзлари Журъатнинг жаҳлини чиқариб юборди.

– Ҳе-ей, ака, нима сиз ҳаёт ўзгарди деб ўйлаяпсизми? – қизишди Журъат. – Шундай ўйлаётган бўлсангиз янглишасиз! Замон ҳалиям зўрники, пулдорники! Чидасангиз шу, йўқса...

– Йўқса, бозорга бориб китобфурушлигингизни қилаверинг, демоқчисиз-да! – ичидан дадилланиб кулиб қўйди Фақирий, яна хаёлан бир онда: «Мен ҳақиқат сўзин айтдим камтарин, Манманлик – бу ғофил одамзодга хос. Бутун деб биларлар улар ўзларин, Мен эсам қисмнинг қисмиман холос», деган Иблис жавобини эсга олиб, «Ҳа, Хўжа Аъламбардор мозорига борганимизда бу йигитни бола десам болага ўхшамайди, катта десам болага ўхшайди деб ўйлаб ҳеч тушунмовдим, буни энди тушуниб етдим, қарашлариниям... бу худди ана шу қисмнинг бир қисми... Тағин ким билади?!», деб ичида сўзланди, сўнг эса вужудида ўзи тушуниб етмагани бир кўтаринкилик, айни дамда ғашлик деса ғашликка ўхшамайдиган, қўрқув деса дилхираликка монанд бир ҳолатни туйди.

– Мен унақа демоқчи эмасман, сизга бўлган ҳурматимни биласиз-ку Фақирий, сиз фақат соддасиз. Тўғриси, сиз ўзингиз боя айтган Шўро даврининг ҳам одами эмассиз, ҳозирни ҳам...

– Келажакники демоқчимисиз?

– Келажакка ҳам сиздақалар керак эмас!

– Мен сизни тушундим, – кўнгли ўксиганини ҳис этди Фақирий. – Мени фақат ана ундай деб ўйламанг. Мен касалхонада ана ўшаларданмикинман, деб ўзимни ва уларниям тоза кузатдим. Аммо уларгаям ўхшамадим, ўхшатолмадим ўзимни. Кейин афсусланиб қўйган жойларим ҳам бўлди. Дунёга келиб нима қилардим, дедим. Ҳалигача шундай ўйлайман, шундай деб биламан...

– Сиз унақамассиз. Ёшингиз нечага борди?

– Қирқ бешга яқинлашди, – деди Фақирий хижолатланиб.

– Ёшингиз элликка қараб кетибди-ку, ёш болага ўхшайсиз-а! Сал замонни тушуниш керак, Фақирий, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган ақлли одамлар! Сиз, ахир, бунақа ақлли гапларни менданам яхши биласиз-ку!

– Сизнинг гапларингиз бир домламизнинг, бир олимимизнинг гапларига ўхшаб кетди.

– Нима деганди ўша олим?

– Сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сен билан шуғулланади, деган бир фикрни айтганди.

– Ақлли гапни айтган экан. Келинг, қўйинг, касалхонада сиёсатни қўяйлик, – вужудини қўрқув чулғаб олди Журъатнинг. – Ичкаридагилар ухлаб қолишди-ку!..

У шундай деб энди эшик тутқичига қўл олиб борган эди, эшик очилиб бутун гавдасини ғоз керганча қорнини қаппайтириб ҳалиги қозоқ киши чиқиб келди-да, ичкарида узоқ қолиб кетгани учун узр сўраб ҳам ўтирмай, бўлим бошлиғи билан хайрлашиб, катта-катта, бесўнақай қадам ташлаб ташқарига йўналди. Сулув Сатеновна ушланиб қолгани учун узр сўради-да, Журъат билан Фақирийни ичкарига, хонасига таклиф қилди.

– Қани, киринглар, – деди, икковини рўпарасидаги, ҳозиргина семиз ҳамюрти ўтирган стулларга ўтиришга таклиф этди, кейин эса Журъатга юзланиб: – Эшитаман! – деди.

– Мен ўнинчи палатангиздаги Мастон бувининг неваралари бўламан, – деб жавоб қилди Журъат, ўнг қўлидаги уяли телефонини чапига олди, ўзининг жиддий одам эканини намойиш

этиб оқ кўйлагининг ёқасини тўғрилади, бувиси Мастон кампирникига ўхшаб туташиб кетган қошларини паст-баланд чимирди. – Бу одам менинг, бизнинг каттамиз бўладилар...

– Ҳа-а, – деди Сулув Сатеновна, Журъатдан «қаерда ишлайсиз?» деб сўраб ҳам ўтирмади. – Муллаеванинг набираларимисиз?..

– Ҳа, мен шаҳарда ишлайман.

– Тушунмадим, – кулди Сулув Сатеновна.

– Прокуратурада, – жиддий тарзда жавоб қилди Журъат, Фақирий кулиб юбормасмикин деб мулоҳаза юритиб унга ўқрайиб қараб қўйди. – Шаҳар прокуратурасида!..

– Ў-ў, – яна кулди Сулув Сатеновна, – сизларга ишимиз тушмасин... йўқ, ҳазил албатта, танишганимдан хурсандман. Бизга, албатта, шоҳ ҳам, гадо ҳам бир. Вазифамиз, беморни ким бўлишидан қатъи назар, даволаш! Шунчаки эмас, юрак қўримизни бериб даволаш! Тушунтиролдимми?!

– Ҳа, – деди Фақирий, – Гиппократ қасамёди!

– Ҳа, биларкансиз, – деди Сулув Сатеновна, сўнгра Журъатга диққатини қаратди: – Муллаевани, Мастон бувини мен ўзим синчиклаб кўрдим. Нима десам экан, юраклари заиф, инфаркт олди ҳолатда – қўпол қилиб айтганда! Бир ёғи, қаричилик, саксонга бориб қолган эканлар!..

Журъат унинг сўзларини охиригача эшитмади, гап қўшди:

– Шу бувимни тузатиб чиқарасиз-да опа, бу ёғига бизлар турибмиз, нима хизматингиз бўлса тайёрмиз!

Сулув Сатеновна бурнининг учига довур сирғалиб тушган ойнагининг қаншарини тўғрилаган бўлди, япасқи юзига мутаносиб ёқимли жилмайиб қўяркан:

– Мен, масалан, ана шу ёшгаям етишни истамасдим, – деди.

Журъат унинг нима демоқчи бўлаётганини фаҳмламагани учун:

– Мен сизни тушунмадим, – деди.

Орага Фақирий аралашиб:

– Мен ана шу ёшга боришниям орзу қилмасдим, опкетса эртароқ опкетгани яхши демоқчилар, – деб бошлиғига тушунтирган бўлди.

– Бу энди Оллоҳнинг иши, – билағонлик қилди Журъат, – Оллоҳ ўзи билади қачон опкетишни.

– Бу гапингиз тўғри, – деди Сулув Сатеновна, кейин гапнинг индаллосини айтди. – Бизам қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қиламиз, бу ёғи Оллоҳдан!..

– Дорилар етарлими? – сўради Журъат.

– Етарли, – деди Сулув Сатеновна, – мабодо бизда йўғи керак бўлиб қолса айтармиз, топиб келоласизми?..

– Ҳа, топиб келаман, – деди Журъат. – Тепаларида ўтирганларга айтиб қўйсангиз бўлди, ё қўл телефонимнинг рақамини ташлаб кетаймми? – деди, кейин бундай дегани учун изза тортди. «У «бу рақам кимники экан?» деб қизиқиб қолиб суриштирса-чи?!», деган ўйга ҳам борди. «Баъзан шошиб қоласан-да, Журъат, босар-тусарингни билмай қоласан», деб ўзига дакки-дашном берган бўлди, ичдан қизиб кетгандай ҳис этди ўзини.

– Майли, тепаларида ўтирганларга айтаман, – деди Сулув Сатеновна.

– Бизга хизматлар бўлса айтарсиз, – деди Журъат, ёнидаги Фақирийга «турамиз» ишорасини қилди.

Сулув Сатеновна яна кулди:

– Сизларга ишимиз тушмасин, фақат ўзларинг келиб турингглар, – деди, кейин Журъат билан Фақирийни йўлаккача кузатиб чиқди.

Журъат Фақирий иккови бувиси ётган палата қаршисига довур юриб келишди. Фақирий унга норозилангандай боқди-да:

– Қариндошларингиздан «булар қаерда ишлайдилар?» деб сўраб қолса-чи? Унда нима деган одам бўласиз? – деди.

– Шуни айтиб чиқай, Фақирий. «Мени сўраб қолса, прокуратурада ишлайди, денглар», деб келай кеннойимга. «Мен бувимга яхши қарасин деганим учун ҳам шундай деб чиқдим бўлим бошлиғига», деб уларни огоҳлантирай, – деди-да, палатага кириб кетди.

Унинг орқасидан қараб қолган Фақирий: «Ҳар қадамда ўзини ноқулай аҳволга солишни яхши кўради-да! Шу прокурорликни жуда катта мансаб билади чоғи, ушалмаган орзусини ҳар қадамда ўзи билан олиб юришни хуш кўради!», деган хулосага бориб ҳам қўйди.

Журъат бирпасдан сўнг палатадан қайтиб чиқди-да:

– Қани, юринг Фақирий, ичкаридагиларга тайинлаб қўйдим, – деди, аммо Васила аммаси ана шу гапидан истеҳзоли кулганини, «ҳолинг шу экан-да», дегандайин бўлганини юз ифодасидан сезгани учун ҳам: «Уларга айтиб ўтириш ҳам шарт эмасди, дўхтир фалончи қариндошингиз шу ерда ишларкан-да, дермиди?», деб мулоҳаза юритди-да, шу ердан ҳам дили ёришмай, аксинча хира бўлиб чиқди, кейин унинг олдига Сардор келиши кераклигини, у билан бирга Равшан Ботировичнинг олдига боришлари зарурли-

гини эслаб қолиб, орқасига ўгирилиб Фақирийга юзланиб: – Юринг тезроқ, менинг олдимга Сардор келиши керак эди, – деди-да, ҳовлиққанча югуриб бориб лифтнинг тугмасини босди.

67

У Сардорнинг туғилган кунига Равшан Ботирович келади, деб ўйлаганди, аммо унинг зарур иши чиқиб қолганини Сардорнинг бўлим бошлиғи кўккўз Кўркам Собировичдан эшитгач, «Ҳа, келгиси келмабди-да», деб хулоса чиқариб ҳафсаласи пир бўлди, шу кун ҳокимиятдан келганларнинг аксарияти Сардор билан бир бўлимда ишлайдиганлар бўлиб чиққани учун ҳам уларни яхшилаб меҳмон қилди-ку, аммо Равшан Ботирович келмагани учун унга меҳмондорчилик татимади, шу боисдан ҳам бир маҳал уяли телефонига қўнғироқ қилиб қолган Мадина опани дугонаси Шоҳиста билан бирга меҳмонга таклиф қилди-да, зиёфатнинг охиригача уларга манзират кўрсатди ва ўзи ҳам маросим охирида ширакайф бўлди. Ҳамма еб-ичиб, ўйнаб-кулиб тарқалганидан сўнг залда қолган Кўркам Собирович ва ҳоким котибасини Сардор машинасида олиб кетадиган бўлди, Мадина опа ва унинг дугонаси, паст бўйли, хўппа семиз, ўнг оёғини бир томонга ташлаброқ юрадиган Шоҳиста сатангни Журъат машинасига ўтқазди-да, аввал Шоҳистани айтган ери – Чилонзор Оқтепасига олиб бориб қўйди, кейин ичган арағи таъсирида ҳалидан буён бир гапириб, ўн кулаётган Мадина опани уйи томон елдек учириб олиб кетаётган

эди, у атайлаб рулни бошқариб келаётган Журъатнинг қўлларига ёпишиб олди-да:

– Мени энди шаҳарда сайр қилдирасиз. Кечки Тошкентни сизнинг машинангизда айланишни яхши кўраман, – деб туриб олди.

Журъат аёлнинг айтганини қилиб сон-саноқсиз неон чироқларида фусункор, чиройли кўринувчи шаҳарнинг марказий кўчаларида уни айлантирди, кейин охири хилватроқ бир кўчадан ўтиб кетаётганларида Мадина опа Журъатга «Жигули»ни акас тагида тўхтатишини буюрди, Журъат айтганини қилиб тормоз бериб, моторини ўчирганида, унга яна эридан шикоят қила бошлади:

– Мен сизга ҳув анавинда кафеда ўтирганимизда айтдим-а? Менинг устимдан кулди, мени не балоларга тақамади, деб айтдим-а?!

Журъат «яна Мадина опа эски дардини бошлади-ку», деган хаёлга борган эса-да, унга қаттиқ, кўнглига ботадиган тарзда гапирмади, яна устига-устак, аёлдан тили қисиқлик жойи борлиги учун, ундан қарзи бўлгани учун ён босишга мажбур эди, шу важдан ҳам:

– Ҳа, айтдингиз, Убайдулла ака яхши иш қилмабди, – деди.

Журъатнинг «Убайдулла ака яхши иш қилмабди»сидан сўнг Мадина опа янада авжига чиқди:

– Мен сизга ўша куни ҳали кўкрагимга келган сутни унинг сур башарасига соғиб юбораман, дедим-а?!

– Ҳа, айтдингиз, – деди Журъат, Мадина опа ширакайф бўлса-да, ўзини яхши билаётганига, ақли жойида эканига, ҳар бир сўзига жавоб бера оладиган ҳолатда эканига яна бир карра амин бўлди.

– Мен сизга... менинг кўнглим бошқа одамда эканини у қаёқдан биларди? Ўша бошқа одам кимлигини биласизми? – деб Журъатга синовчан, айни пайтда суқланиб, беҳаёларча кўзларини сузиб боқди, ундан жавоб кутди Мадина опа.

Журъат у кимни назарда тутаётганини жуда яхши билди, шунинг учун ҳам гапни бўлак томонга буришга ошиқди:

– Қўйинг, Мадина опа, шунақа гапнинг ҳеч кераги йўқ-да!

– Билмайсиз, шундайми? – яна унга сузилган кўзларини жавдиратди Мадина опа. – Билмайсизми?!

Журъат у кимни назарда тутаётганини балодай билса-да, бу сафар «йўқ» ишорасида бошини чайқатди.

– Менинг кўнглим сизда Журъатжон, ҳа, сизда! – Мадина опа шундай дея унинг тирсагига ёпишмоқчи бўлган эди, Журъат аёлдан ўзини нари олиб қочди. – Ҳа, ўша ўтган баҳор байрамидан бери сизни яхши кўриб қолганман! Менга Убайдулла аканинг кераги йўқ, менга сиз керак-сиз, сиз Журъат!..

– Биз, ахир, опа-укамиз-ку, бундай гапнинг сира кераги йўқ! – деди Журъат. – Мен сизни «опа» ўрнида кўраман, Мадина опа...

– Сиз билан менинг опа-укалигимиз қолдими, Журъат, опа-ука бўлганимизда ҳув ўша ишларни қилармидик, – деб ўтган йилнинг март воқеасига ишора қилди Мадина опа. – А, ўшандай ишларни қилармидик? Вой ўлай!..

– Ўшанда бир бўп қолди-да, – деди Журъат, хаёлидан шу дам: «Буям «опа-укалигимиз қолдими» деб худди Сокина хонимнинг гапларини гапиряпти, булар билан қилган хато ишларимни

Покиза билса борми, ҳў-ўп обориб-опкелади-да! Келиб-келиб мени шуларга алиштириб юрибсанми, дейиши ҳеч гапмас! Ҳа, ҳа, худди ана шундай дейди!», деб ичдан ўйлаб қўйди, Покизани эслаши ҳамоно эркаклик ғурури, шаъни устун келгандан кела бошлади.

– Тўғриси, мен сиздан фарзанд кўришни истайман, Журъатжон! – деди Мадина опа ҳеч бир андиша қилиб ўтирмасдан. – Менинг сизга сираям оғирлигим тушмайди, фақат фарзанд кўрсам бўлди!..

– Қўйинг, Мадина опа, мендан бу нарсани сўраманг! – деб ўзидан ҳам, ёнидаги унга ёлбораётгани Мадина опадан ҳам ижирғаниб кетди Журъат. – Ундан кейин, бу сира мумкин эмас! Одамлар нима дейди?!

– Бир муллага никоҳ ўқиттирворамиз, вассалом! Ёки мен уйимни сотиб кетаман!.. Истайсизми, Журъат, истасангиз барча қарзларингиздан воз кечиб юбораман!..

Журъат ўзини тутиб туролмади, инсонлик ғурури поймол қилинаётгандек туйилди унга, шунинг учун ҳам:

– Ҳақиқатанам сизга бир гап бўпти ўзи, – деб юборди, кейин жаҳл билан машинасини яна ўт олдирди, Мадина опанинг уйи томон ғизиллатиб ҳайдаб кетди. Анча йўл босишгач, сал ҳоври пасайгач, ёнидаги бепарво бир қиёфада сигарет тутатиб келаётган Мадина опага юзланиб:

– Мен, Мадина опа, сиздан олган қарзларимни албатта шу ой ичида, узоғи билан кейинги ойда қайтариб бераман, аммо бундай гапни бошқа гапирманг, – дея ўтинган бўлди.

– Сиздан нима кетди, карнайчидан бир «пуф» дегандай гап-ку, Журъат, мен учун эса бунинг ҳаётий аҳамияти бор!..

– Менам кесак эмасман, Мадина опа, менинг ҳам юрагим бор, кўнглим...

– Наҳот бутун кўнглингизни Гулчеҳрага бағишлаган бўлсангиз? – ёқимсиз илжайди Мадина опа. – А?..

Журъат ортиқ ўзини тутиб қололмади, ичидаги дардини айтиб юборди:

– Мен учун Гулчеҳрадан ҳам қимматлироқ бўлган бошқа аёл бор, Мадина опа, бутун вужудимни, йўқ, бутун борлиғимни ўша эгаллаб олган! Тушунтиролдимми сизга?!

Мадина опа ҳеч нима дея олмади, фақатгина ҳалидан буён ёниб келаётгандай туйилган юзлари, бадани, бутун борлиғи музлаб қолгандай бўлди гўё. Хаёлидан шу дам: «Сен бари бир менинг чангалимдан чиқолмайсан! Унингни, сенинг борлиғингни, сенинг тинчингни ўғирлаганни кўрасан ҳали, сенинг қўйнингдан улоқтириб ташлайман! Ҳа, ҳа, жаҳаннамга – дўзах қаърига улоқтираман!.. Мени Мадина дейдилар! Шу ишни қилолмасам Мадина отимни бошқа қўярман!», деган ўй ўтиб улгурди.

– Менга қалбингиздан жой ажратмаган экансиз-да! – сир бой бермади Мадина опа, ичган арағи аллақачон тарқаб, асли ҳолига келиб қолганини ҳис этди, шу пайтда хаёлига қаёқдандир Сокина хоним келақолди. Келдию: «Ҳа, ўша билади, бу кўнглида кимни сақлаб юрганини ўша Сокина опадан билса бўлади», дея ўзича фикр қилди.

– Сиз менга фақат опамсиз, холос, бўлак нарсага эгаликни даъво қилманг, хафа қилган бўла-

сиз мени, – деди Журъат. – Ҳа, ҳа, қаттиқ ранжитасиз.

– Тушундим сизни, – деди Мадина опа, энди унинг мияси тиниқ ишлар, бояги бош оғриғидан ҳам, кайфидан ҳам асар қолмаганди. Журъат унинг кўчасига бурилмоқчи бўлганида: – Машинани тўхтатинг, – деди.

– Уйингизгача обориб қўяман, – унамади Журъат.

– Йўқ, озроқ яёв юрмоқчиман, – баҳона қилди Мадина опа. – Бари бир меникига кирмоқчи эмассиз-ку!..

– Бошқа пайт, – деди Журъат.

– Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Кўришгунча хайр, – деди Мадина опа, инқиллаб-синқиллаб машина кабинасидан тушди-да, яна бир бор Журъат билан хайр-хўшлашган бўлиб, баланд пошнали туфлиси билан асфальт йўлни тўқиллатиб юриб кетди.

– Аразлади, – деди ўзига-ўзи Журъат, аммо бояги гапни айтолгани учун ичида енгиллик ҳис этди. Ўриндиққа қараган эди, Мадина опа плиткали шоколадини ҳам қолдириб кетганига кўзи тушди: «Ханжарга обораман, уям шоколадни яхши кўрарди», – деб мулоҳаза қилди Журъат, туйқус анчадан буён бола-чақасини ўйламай қўйганини, уларни эркалаш, ташвишларига эш бўлиш эсига келмаганини, бола-чақаси олдида камдан-кам бўлишини, аксарият умри кўча-кўйда ўтишини, у кўча одами эканини ўйлади, сўнгра машинасини орқага бурib олди-да, уни тўғри уйига ҳайдади.

68

Қўзивой Акобиров аммаси Сокина хонимга: «Мен Қуёшбекнинг моллари бўйича бирор кор-ҳол-ни билганимдан кейин сизларга айтиб кетарман», деган эди, у ана шу молларни ярим ойларда шаҳар прокуратураси ёпиб қўйган омбордан олишлари мумкинлигини, ўзи бош бўлиб олиб беришини хабарлаш учун аммасиникига борди.

Уни ҳовлида Сокина хонимнинг ўзи кутиб олди.

– Кел, Қўзивой, тинчликми? – деди Сокина хоним, дарров жиянини тут тагидаги тўгарак стул атрофига ўтқазган бўлди-да, ўзи қошига қалин қилиб қўйиб, икки чаккасидан иягига довур оқиб тушаёзган ўсмасини ювиб келиш учун лапанглаб сув жўмраги томон юрди. Кўп ўтмай гулдор хитойи сочиққа юзларини артар-артмас у ердан қайтиб келди.

– Тинчлик, – деди Қўзивой Акобиров, – мен молларингизни ўн беш кунлардан кейин олишингиз мумкинлигини айтиш учун келдим.

– Ҳа-а, шундай бўлдими? Яхши хабар-ку жиян, ишқилиб ўзинг бош-қош бўлиб Қуёшбекка олиб берсанг яхши бўларди-да! – деди Сокина хоним.

– Ўзим бирга бораман, шаҳардагиларга айтиб қўйдим, – деди Қўзивой Акобиров, кейин кулди.

– Ҳа, тинчликми, нега куляпсан? – сўради Сокина хоним. – Менинг қўйган ўсмамга кулаяпсан, шекилли? Нима, қолмабдими?!

– Қўйган ўсмангиз қоп-қора бўп қоптику-я, аммо ҳаёт бизни анави шогирдингиз билан яна учраштираёзганига куламан-да, – маълум қилди Акобиров.

– Қайси шогирдим билан? – тушунмади Сокина хоним.

– Анов прокурор-дўкондор шогирдингиз билан-да!

– Журъат биланми?

– Ҳа, ўша билан. Бир аёл пул ўзлаштирган экан, шунинг ишига аралашибди-да!

– У ўзи ҳамманинг ишига аралашади, – деди Сокина хоним, кейин уни жиянининг хотинига кеннойи бўлмиш Покиза билан Лабзакдаги Рашид Нўъмоновичдан қолган уй қаршисида учратганини эслади-ю, аммо бу янгиликни жиянига айтмади, «мен айтадиган бўлсам, Қўзивой уйига бориб хотинчасига дарақласа, тоза жанжал бўлади, орада яна мен балога қолиб ўтирмай», деб ўйлагани учун ҳам нафасини ичига ютди, дамини чиқармади. «Кейин олдимга анави ҳам тағин иддао қилиб келиб ўтирмасин», деб қўйди ичида.

– Ҳе, аралашмай кетсин. У билан менинг бир прокурор оғайнимни укасиям аралашган, тўғрироғи, Журъат унга айтган. Пулни у олган-да, ишни тўғрилолмаган...

– Тўғрилолмаган?!

– Ҳа, менинг қўл остимдаги Қаландаровга пулни беришдан қизғаниб, суддан олиб чиқиб кетишмоқчи бўлишган-да, ҳалиги мен айтган Жамшид, ошнамнинг укаси ўзига «Нексия» сотиб олган. «Тико»сини «Нексия»га алмаштирган.

– У Журъатга шунчаки таниш бўлганми? – қизиқди Сокина хоним. – Ё оғайни эканми?

– Уни биласиз-ку, керак бўлса Иблисминанам оғайни бўлмоқни истайди.

– Буни тўғри гапирдинг, Қўзи, – деди ғайриихтиёрий тарзда Сокина хоним, кейин эса жи-

янининг исмини тўлиқ айтмаганидан хижолатланган бўлди, аммо унинг ташқи авзойида бу нарсага эътибор берганлик аломатини кўрмагач, «Мендан хафа бўлмади, чоғи», деб хулосаланиб қўйиб, кўнгли хийла ёришиб, сўзида давом этди: – Ўзининг манфаати йўлида Иблисминанам оғиз-бурун ўпишмоқчи бўлади-ю, аммо...

– Аммо уддалолмайди, болалик қип қўяди денг.

– Худди шундай жиян, ҳамма ишни чала қилади, – деди Сокина хоним, кейин ичдан ҳовлиқиб кетгани учун, бу иш нима билан тугаганини билишга ошиққани, Журъат билан боғлиқ бўлган воқеаларга бефарқ қарамагани, ўша уни Покиза билан учратган кунидан бошлаб яна бефарқ қаролмай қолгани учун, нима бўлса ҳам унга ёмонлик истаб қолиб, айни дамда ичида бу қашшанг «шогирди»га ўзи ҳам тушуниб етмагани ачиниш билан сўради: – Охир-оқибат бу балога қолгандир?!

– Шундай бўлишиям мумкин эди-ю, бироқ ишга бировни аралаштириб анави менинг оғайнимни укасини хиппа бўққанлар-да!

– Бу Журъатнинг ҳам зўравон укалари бор-да!

– Йўқ, улар эмас, пул берган қиз томони уни ундириш учун Жасурларга мурожаат қилган-да!..

Сокина хонимнинг кўз ўнгида яна Журъатнинг ўшанда Покизанинг қўлларидан ушлаб машинадан тушириб қўяётгани намоён бўлди. Намоён бўлдию сесканиб кетаёзди, Журъатни шу дамда ўлдириб қўйгиси, бўғизлаб-бўғизлаб, қийноқларга солиб, оёқларини ялатгудай тиз чўктириб ўлдиргиси келди. Ўзи сезиб-сезмай:

– Ўзи шу бола балога гирифтор бўлиши керак эди-да! – деб юборди.

Қўзивой Акобиров аммаси Сокина хонимнинг вужудида қандай ҳолат кечаётганидан бехабар ҳолда:

– Охири анави ошнамнинг укаси менинг ёнимга кўз ёши тўккудай бўп пул сўраб кепти.

– Охири айланиб келиб яна сенга келишибди-да! – кулди Сокина хоним, аммо унга кўнгли, ичи йиғлаётгандек, хўрлиги келаётгандек бўлиб туйилаверди. – Сен нима қилдинг?!

– Журъатмас-ку, анави Жамшид кепти, акаси Тошкентда йўқ эди, иккинчиси Масковда яшайди, мендан қарзга пул сўраб кепти-да!

– Шу пайтда-я? Сен нима қилдинг?!

Қўзивой Акобиров «пора» олиб шу ишни бошқа томондан тўғрилаганини айтмади, фақат Жамшидга қарзга пул берганини айтишни лозим билиб:

– Қўйинг-чи, мен пул топиб беришга мажбур бўлдим, – деди, кейин ўзича «пул бердим» демаганига хурсанд ҳам бўлди, унга аммасининг юқоридаги «шу пайтда пул сўраб кептими?», деган мазмунда айтган гапи айил ботган, айил ботишдан ҳам бурун «аммам мени пул сўраб келди, деб ўйлади», деб хаёл қилгани учун ҳам унга ҳозир қариндошига арзирли гап айтганини, мабодо аммасининг ўзи ҳам ундан пул сўраб қолгудай бўлса, унда йўқ эканини таъкидлаб, «бировдан топиб бердим» мазмунида гап қилганидан ичдан севиниб қўйди, шунинг баробарида, ўзида қарзга бергудай пули йўқ эканини ҳам дараклаган бўлди.

– Охири бари бир сенга осилишибди-да!

– Нима қиласиз энди, оғайнимнинг укаси.

– Янги олган машинасини сотақолмабдими?

– Энди ўзи айтяпти, агар Москвадаги акамдан пул ололмасам, машинамни сотиб бўлсаям

сизникини тўғрилаб бераман, бериб турмасангиз бўлмайди, қисташяпти, деди, – деб унга шарт қўйишганини ҳам маълум қилди.

Сокина хоним «жияним мабодо мендан пул сўраб келмадимикин?», деган мулоҳазага борган учун ҳам бир нима дейишга чўчиб турди, сўнг эса яна тезда гапни Журъат томон бурди:

– У қилиб-бу қилиб, ишқилиб бу Журъат деганларининг иши бари бир сенга тушибди-да, шундайми?!

– Нима дейсиз энди? – Акобиров шундай дея рўпарасида турган пиёладаги чойга аммаси олиб келгани пахта гулли косадаги асалдан икки қошиқ солиб айлантирди-да, уни иштаҳа билан ичишга киришди.

Сокина хонимга яна жияни пул учун келгандай бўлиб кўринавергани учун ҳам охир тоқат қилолмади, сўраб-исташга мажбурлик сезди:

– Сенинг ўзингга пул керакмасмиди, Қўзивой?

– Йўғ-э! – кулди Акобиров, чойни охиригача симирди.

Сокина хоним «хайрият» деб юбораёзди, ўрнига гулдор шифон кўйлагининг ёқасини учтўрт бор елпиди, аммо буни ички ҳолати туфайли эмас, исиб кетганининг ифодасига йўйиб:

– Кузга бориб қолганда куннинг бундай исиши нима эди? – деб қўйди.

Акобиров ҳам тулакликда аммасидан ўтса ўтардики, аммо қолишмасди, у ҳам аммасининг нега ўзини елпишга тушганини балодай сезса-да, аммо сезмаганликка йўйиб:

– Бировдан олиб берворақолдим, озроқ ўзимдаям бор эди, – деди, кейин ўрнидан қўзғалишга ижозат сўраган эди, кўчадаги қўнғироқни биров чалиб қолди.

Сокина хоним жиянига «мен ҳозир», деди-да, қари говмишдай лапанглаб шошганча ташқарига йўналди. Пича йўқ бўлиб кетиб, бир пайт ўзига ўхшаган бойвуччаларча кийинган, ёши қирқ билан элликлар орасида бўлган Мадина опа билан бошлашиб кириб келиб қолди.

Акобиров бу ўзига бино қўйган, унча-бунча одамни назари илмайдиган Мадина опани аммасиникида илгари ҳам бир-икки бор кўрган эди-ю, аммо у билан суҳбатда бўлиш насиб этмаганди. Ҳозир ҳам бу истак уни тарк этиб, устига-устак, ўзини аёлларнинг суҳбатига зор эмаслигини ошкор қилгандай тутиб узр сўради-да, «Ишим зарурроқ эди, Сокина опа, сизлар бемалол», дея келган меҳмондан ҳам яна бир бор узр сўраган бўлиб, кейин хайрлашиб, юзига фотиҳа тортар-тортмас ўрнидан қўзғалди.

Сокина хоним ортиқ жиянини қистовга олмади, уйига янги меҳмони келгани учун, боз устига, у билан анча дардлашиши мумкинлигидан ичдан севиниб кетиб Қўзивой Акобировни кузатиб қўйишга ошиқди. «Сиз бемалол ўтиратуринг, Мадинабону, мен жиянимни кузатиб қайтаман», деб бу уйига ташриф буюрган одам унга бегона эмаслигини яна бир бор сездириб, дастурхонга қараб ўтиришни уқтириб, такаллуф қилиб амма-жиян олдинма кетин кўчага йўналишди.

У меҳмонининг ёнига қайтиб, у ёқ-бу ёқдан сўрашгач:

– Сизнинг уйингизда яшаган Журъат бор-ку, шу бир ишга аралашиб бу шўрликниям анчага туширибди-да! – деди дабдурустдан.

Мадина опа Журъат ҳақида қандай гап бошлайман деб бу ерга не хаёлда келган эди, Сокина

хонимнинг у ҳақда гап очиши у учун айни муддао бўлди:

– Журъатнинг қайси ишига аралашибдилар жиянингиз?!

Сокина хонимга Мадина опа атайлаб «Журъатнинг қайси ишига» деётгандай бўлгани учун бир қош чимириб қўйди-да, ўзини бу нарсага эътибор бермаган қилиб кўрсатиб:

– Журъатнинг илтимоси билан бир прокурорнинг укаси аралашган экан, шунинг ишини айтяпман-да! – деди.

Мадина опа ҳам бу нарсага қизиқиб қолгандай:

– Қанақа иш экан? – деб сўради, кейин эса унга чой қуйиб бераётган уй эгасини тўхтатишга уринди: – Менга чой қуйманг Сокина опа, ҳозир ичиб тугатдим.

– Ҳа-а, бўлмаса дастурхонга қараб ўтиринг Мадинахон, – меҳмонига манзират қилди уй эгаси, у сўраган нарсага жавоб қайтарди: – Бу иккови пул олишиб бир аёлними, қизни қамоқдан опчиқишмоқчи бўлишган-да!..

Мадина опанинг хаёлидан: «Бу ўзини хон санаётган Журъат ҳаммадан пул олишни яхши кўраркан-да! Менга ўзи ҳамма нарса мумкин деб ўйласа керак-да, олсалару бермасалар-да, сеними ҳали!», деган ўй-фикрлар ўтиб улгургани учун ҳам:

– Пулни Журъат олганми? – деди ўзини пича ўйлангандай тутиб, сўнг эса Сокина хонимнинг хаёлини чалғитишга уриниб, ажабсинган тахлит истеҳзоли жилмайиб, бош чайқаб қўйди.

– Йўқ, Журъат эмас-ку, оғайниси олган. У бу ишни уддалолмаган. Охири менинг жиянимдан опти-да ҳалиги аёлга қайтарилиши керак бўлган суммани...

– Орада жиянингиз емаган сомсага пул тўлабдилар-да!

– Емаган сомсага пул тўламаган-ку, бу ҳалиги Журъатнинг оғайнисига пул топиб берган-да!

Мадина опа пича ўйланиб турди. «Журъат менданам пул олганини айтайми-айтмайми», дея мулоҳазаланган бўлди-да:

– Ўзи Журъат менданам пул олувди, – дея маълум қилди.

Сокина хоним «Журъатнинг сен билан ҳам алоқаси борми?», деган маъно ила Мадина опага ажабланиб боқаркан:

– Мадинахон, ундан энди пулингизни олиб бўпсиз,– деди.

– Нега ололмас эканман? – таажжубланди Мадина опа, «Ана у таклифимга кўнганида бермасаям майли эди», деб ичида сўзланиб ҳам қўйди.

– Чунки у сиздан олган пулни бошқа мегажингга сарфлаб юрибди-да!

Мадина опага худди ана шу нарсани билиш айни муддао эди, у шошилмасдан, секингина сўради:

– Қанақа мегажин экан, мен танийманми?

– Ҳозир у одам аллақачоноқ нариги дунёга кетган. Юзида тиртиғи бор бўлган илгариги ҳоким Рашид Нўъмоновични айтаман-да! Ана шу Рашид Нўъмоновичнинг бир жазмани бор эди, бу ҳозир Журъатга қолиб кетган. Жуда ўзига бино қўйган танноз ойимчалардан-да! Эркакларнинг тилида айтганда «қушча»лардан!..

Мадина опа бирда Журъат уни олиб борган хонадондаги суратда кўргани юзи тиртиқ кишини эслади. Эсладию аммасининг ўғли Собиржонларникига дори олгани борганида Сабоҳат билан пастга тушган, Сабоҳат уни кузатиб қўяётган совчи аёл ёдига тушиб, ўша ойимчани кўз ўнгида гавдалантиришга тутиндию:

– У мабодо Лабзакдаги ҳаммомнинг ёнида турмайдими? – деб сўради. – Ўн икки қаватли уйда?..

Сокина хоним «ҳа-а, сиз ҳам билар экансиз-ку», дегандайин бир мазмунда меҳмонига кулимсираб боқар экан, ўта муҳим янгиликни айтишга ошиқаётган одамдай у томонга энгашиб:

– Гап шу ерда қолсин-ку, Мадинабону, худди ўша ўн икки қаватли уйнинг бешинчи қаватидаги квартира илгарилари Рашид Нўъмоновичга қарашли эди. У ўша жойни менинг бир танишимдан сотиб олганди. Қисқаси, ўша квартирага шанба кунлари ойимчасини олиб борарди. Ҳозир ана шу кунлари у ерда Журъат билан Покизахон «дам олишади», – деди, меҳмони бу янгиликни бажонидил тинглаётгани учун ошиқиб, «энди бу ёғини эшитинг», деган ишорада давомини сўзлашга тушди: – Унинг эри кимлигини биласизми? Эриям сизларга ўхшаган дорихонада ишлайди, Олой бозорининг ёнгинасидаги дорихонада.

Мадина опага худди шу нарсалар керак эди, у Сокина хонимдан ўзи истагани маълумотларни билиб олди-ю, аммо ўзи лом-мим демади, «ҳа, ҳа», деб бош тебратиб уй эгасининг сўзларини эшитиб ўтираверди. Сокина хонимдан Журъат ва Покизанинг хуфя алоқалари ҳақидаги сирларни обдан билиб олгач, ўзининг бу ерга келиши Сокина хонимни соғинганидан эканини, яна унга қон босимини тушириш учун бир пайтда сўрагани «Энам», «Адельфан», «Раунатин» ташлаб кетиш учун келганини маълум қилди. Кейин Сокина хоним билан пича у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди-да, охири кетиш тараддудига тушиб қолиб:

– Энди менга жавоб берасиз опа, борадиган бир-икки жойларим бор эди, – деди.

– Мадинахон, сиз Журъатдан пулингизни вақтида олволинг, йўқса кейин ундан олиб бўлмайди, – деб унга ўргатган бўлди Сокина хоним, уни ҳурмат қилиб олиб келгани дорилар учун миннатдорчилик билдирди.

– Албатта, оламан, – деди Мадина опа, ичида эса: «Ҳали бу боладан аламимни шундай олайки, ҳали у менинг совунимга кир ювмаган экан. Анави маржасиям «Покиза» деб ота-онаси исм қўйганига минг пушаймонлар ейди. Ҳа, у менинг совунимга кир ювмаган экан», деди, ана шу нарсалар ҳақида ўйлаб-ўйланиб ғазабланган учун ҳам ёқимсиз, носамимий илжайди-да, Сокина хоним билан хайр-хўшлашиб, ташқарига томон йўналди. Уй эгаси уни кўчага довур кузатиб чиқди.

* * *

Бир-икки кун ўтгач, Журъатга телефон қилди-да: «Шу шанбами-якшанбаларда учрашайлик, бир муҳим иш хусусида», деганида, Журъат унга: «Фақат шанба эмас, якшанбада майли», деганидан сўнг ўша куни унинг Покиза билан учрашуви борлигини, бу учрашувлари тушдан сўнг бўлишини билиб олди. Шу кунининг ўзида телефон сўров бюросидан Олой бозори ёнидаги навбатчи «Дурбек» дорихонасининг телефонини суриштириб ёзиб олди-да, бир-икки таништлари орқали дорихона мудири Сафар ака Нодиров эканини билиб олгач, кечга томон унга қўнғироқ қилиб, «Сизга дўст, яхшилик тилагувчи одамман», деб ўзини таништириб, «Кейинги шанба, фалон пайтдан фалон пайтгача хотинингиз Лабзакда, ҳаммом ёнидаги ўн биринчи

дўмда, «411101» рақамли телефони бор бўлган, бешинчи қаватдаги уйда Журъат деган йигит билан бўлади. Унинг кўк рангли «Жигули»си бор, давлат рақами мана бундай...», деб огоҳлантиргандан сўнггина кўнгли жойига тушди. Сафар акага яна: «Сизга яхшилик истовчи, сизга дўст аёл огоҳлантиряпти. Лекин мени хотинингиз ёки ўша йигит суриштиргудай бўлса, эркак одамдан билиб олдим, эркак одам дараклади деб айтинг», дея қайта-қайта тайинлаб ҳам қўйишни унутмади. Шундан кейин ҳоври босилиб кўнгли тинчиди, шундан кейин ҳовлига тушиб, дугонаси Шоҳиста иккови анчагача сигарет чекиб, воқеанинг кейини нима билан тугаши мумкин эканини чамалаб, турфа хулосалар чиқариб, ўзларича турли фол очган бўлиб гаплашиб ўтиришди. Бу қилган ишлари ёмонлик билан тугаши мумкинлиги ҳақида ҳам ўй суриб, ана шу ўйлари таъсирида ваҳимага тушган ҳам бўлдилар. Охирида Мадина опа дугонаси Шоҳистага қараб: «Нима қилганда ҳам тўғри қилдим, уларни худди ана шундай жазолаш керак, мен айтгандим-а, менинг совунимга кир ювмабсанлар деб, мана энди томошаларингни кўраман!», деб ўйлади.

69

Суҳбат акаси Журъатнинг ишхонасига келганида хонада Фақирий ва Мирзоҳид ўтиришган, Фақирийга Мирзоҳид Мактубани «Шаршара»га олиб борганида тасодифан у ерда бир пайтлар сан-манга бориб қолгани, тарихини Фақирийга айтиб бергани Ҳикматга йўлиққанини, у Мактубанинг биринчи эри бўлиб чиққанини, ичиб

олиб тоза асабларига текканини, яна у билан жингалак сочли Ботир ва Журъатнинг кенжа укаси Суръат ҳам ўтирганларини айтиб бераётган эди, Суҳбат кирди-ю, уларнинг суҳбати охирига етмади, бўлинди.

У аввал Мирзоҳид билан сўрашди, кейин Фақирий билан қўл учида кўришди. Фақирий унинг важоҳатидан «қиморбозларга ўхшайди-я», деб турган эди, Мирзоҳид улар икковини бир-бирига таништириб:

– Бу йигит Журъатнинг укаси Суҳбат бўлади, – деди, ўз навбатида Суҳбатга юзланди: – Бу киши Фақирий бўладилар. Ҳаёт тақозо қилиб, биз билан ишлашга мажбур бўлиб қолган қаламкашлардан.

– Журъат акам дадамга ўхшарканлар, деб ишга олган шоиру замон акамиз шу кишими? – кулди Суҳбат, у кулганида оғзидаги тилла тишлари ярқираб кетди.

Улар ҳали у ёқ-бу ёқдан гаплашишга ҳам улгурмаган, фақатгина Фақирий чой дамлаб олиб келиб, энди Суҳбатга, ортидан эса Мирзоҳидга қуйиб узатган, шундан кейин ўрнидан қўзғалиб жавоннинг эшикка яқин табақасини очиб, ичидан ликопчадаги қанд-қурс, шоколадларни олиб курсичага қўяётган эди, хонага Журъат кириб келиб қолди.

У укаси билан қучоқлашиб сўрашди, қолганлар билан эрталаб ҳам сўрашган бўлгани учун қўл бериб кўришди.

– Ҳа, Суҳбат, яхши юрибсанми? Ишлар жойидами?! – деб юқоридан келиб, кесатиқ оҳангида укасининг ҳол-аҳволини суриштирди.

– Ишлар қаёқда жойида бўлсин, цехлар ёпиқ, болалар тарқаб кетган, бўличка чиқмаяпти.

Журъат укасига бундай муомалада бўлаётганининг боиси, унга Жамшиднинг иши бўйича Азаматга учрашиб бир-икки оғиз тушунтириб қўй, бундай ишни қилишмасин, деганида Суҳбат бу ишга аралашишни ўзига эп билмаган, қисқаси, акасининг илтимосини ерда қолдирганди. Ана шу сабабдан ҳам у Суҳбатга «сенам келаркансан-ку менинг олдимга» қабилида баланддан келиб сўрашишни ўзига эп билганди. Ана шундай юқоридан келишини қўймай жавоб қайтаришга уриниб:

– Бунақасиям бўп туради савдода, – деди Журъат.

– Ўзингиз яхшимисиз, кеннойим, болалар? – деди Суҳбат, акаси унга рўйхуш бермаётганини туйди, туйдию «Сенинг олдингга келгилик қилмасин дердим-у, аммо келишга мажбур бўлиб қолдим-да», деб ичдан ундан ижирғанди.

– Ҳа, ҳаммаси яхши юришибди, – қуруққина жавоб қайтарди Журъат.

Суҳбат акаси у Азаматнинг ишига аралашмагани, ўзини олиб қочгани учун ҳам ундан ранжиётганини балодай сезгани важи ҳам кулиб юбориб:

– Ҳа, айтгандай, анави иш тинчиб кетдими? – деб сўради.

Журъат укаси унинг устидан кулаётганига аччиғи келди. Укасининг кулгиси унга айил ботди. «Ҳа, менинг бошимга иш тушса булар хурсанд бўлар экан-да, илгари Акобиров дўконимни босганидаям: «Ака, ҳолинг нима кечди?» деб сўраб келишга арзимовди, ҳозир ҳам ўша қилиғини қиляпти, қиморвозлигига боради-да», деган ўй-хаёллар кўнглидан кечгани сабаб ўзини билмаганга, укасининг саволини тушунмаганга йўйиб:

– Қайси ишни айтяпсан? – деб анқовсиради.

– Анави Жамшиднинг ишини-да! Азаматга бориб учраш, шу ишни бошқаларга оширмасинлар, анави қизнинг акасини бу нарсадан қайтарсин, девдингиз-ку?!

– Ўша Маҳлиёнинг акаси бошқаларга оширди-ку! Жамшиднинг бўйнига Қудрат ака қўйди-ку!..

– Қудрат аканинг ўзи келдими? – деб ажабланди Суҳбат, акасининг иши катта доирага чиқиб кетишини кутмаганини ташқи қиёфасида ошкор этди, шунинг баробарида, акасига «сиз ҳам чакана одаммассиз, сиз ҳам балонинг ўқисиз, унча-бунчасига ён босмагандирсиз, ўзингизни хафа қилдириб қўймагандирсиз ҳар ҳолда», дегандай бир тарзи кўзларини чақнатиб, бир-бирига туташ қошларини паст-баланд чимирди. У кўпинча бировдан ҳайратланса, ё бировдан ҳайрон бўлса ана шу аломат унинг юзида акс этарди.

Укасининг ана шундай бир ҳолатда экани-ни, унга ҳаваси ва ҳасади келаётганини ўзича фаҳмлаган бўлгани учун ҳам:

– Уларнинг ўзи «бу ишни адолатли ҳал қил Қудрат, Журъатга жабр бўлмасин», деб уни юборган экан-да, Шуриклар айтди-ку! – деди.

– А?! – ҳайратини яширолмай оғзи очилаёзди Суҳбатнинг. – Шуриклар айтибдими?..

– Ўша ерда Жамшид менинг бўйнимга илмоқчи бўлди-да! Мени гўл деб ўйлади, шекилли! Яхши, Азамат билан олдиндан гаплашиб қўйгандим...

– Нега ундай қилди? Яхши бола, девдингиз-ку?

– Ўзи шунақа яхшилардан чиқаркан-да, – Журъат шундай дея дам Фақирийга, дам Мирзоҳидга қараб қўйди. – Йўқ, бошида Қудрат ака уни ҳақ демоқчи бўлди-ю, аммо: «Унинг «обрў-

ли» акаларини деб «Кўча» адолатсизлик қиладими?», деганларим таъсир қилди чоғи, уни пулни шу заҳоти топиб келишга жўнатди, муддат-пуддат бериб ўтирмади.

– Азамат юзингизни ерга қаратмадими? – сўради Суҳбат, шунинг баробарида: «Сизга бир нарса бўлса менам қараб ўтирмасдим, Азаматни обориб-опкелардим, шунинг учунам сизга ён босишган-да», деган бир мазмунни ифодалаб қараш қилди. – У сизга қарши бирор нима қилиши керак эмасди, ундан хотиржам эдим!..

– Азаматга бир-икки кун илгари учрашувдим, аммо сен ҳақингда лом-мим демади, бир оғиз айтибам қўймабсан, – ундан гина қилди Журъат, шунинг баробарида, у ҳам «у сизга қарши бирор нима қилиши керак эмасди, ундан хотиржам эдим, дейишинг ноўрин», деган оҳангда сўзлади, ташқи авзойида ҳам шунга яраша ўзгаришни содир этиб, укасига заҳархандалик қарашини қилди. – Ҳар ҳолда бегона эмасдинг, туғишган укам эдинг!..

Суҳбатни унинг «ҳар ҳолда... туғишган укам эдинг» дейиши сескантириб юборди, ўзи сезмаган тарзда бутун баданида чумоли ўрмалагандай бўлди, бегоналарнинг, айниқса, «шоиру замон акалардан экансиз-да» дегани Фақирийнинг қарашидан ўнғайсизланди, нима дейишини билмай гарангсираниб турди-да:

– Боришга ҳечам вақтим бўлмади. Қўйлиқдаги цехдан сомса пиширадиган печни шимон қип кетишибди, сира имкон бўлмади, – дея асосли баҳонани рўкач қилган бўлди, на акасининг ва на хонадагиларнинг кўзларига қараёлмади.

– Мана бу ерга келишга вақт топибсан-ку! – укасидан астойдил ранжиди Журъат. – Илга-

рилариям ишинг тушганида чопиб келардинг! Тўғрими, Зоҳид? – дея ёрдамчисига кўз қирини ташлади у, Мирзоҳиддан садо чиқавермагач, «Суҳбатдан чўчияпти» деган хаёлга борди-да, «Бунинг нимасидан қўрқасан, буларники фақат кариллаб юриш, амалда эса ҳеч вақо қилолмайди, бу билан Эркажон акамнинг услублари шундай, важоҳатини кўз-кўз қилиб юриш, холос, аммо кучи ҳеч балога етмади», деган мазмунда ўйга борди, ана шу ўйи таъсирида яна укасига қараб истеҳзоли жилмайди, сўнгра юқорида чала қолган сўзида давом этди: – Нега индамайсан? Ёки ёлғон гапиряпманми?!

Суҳбат ҳам дам гезарди, дам қизарди, ичдан тутаб-тутаб келди-ю, аммо бегоналарнинг олдида яна ўзини қўлга олиб:

– Бўлди-да энди, ҳадеб пешлайверасизми қилган яхшиликларингизни! – деб акасини жеркиган бўлди.

Ака-ука ўртасида гап қоча бошлаганини, бу, айниқса, Журъатнинг гап-сўзларида, хатти-ҳаракату гина-гудуратларида яққол намоён бўлаётганини сезиб аввал Фақирий, бироз ўтиб эса Мирзоҳид ҳам ташқарига чиқиб кетишди.

Улар чиқиб кетишгач, Суҳбат бу ерда хийла ўзини эркин ҳис этди-да, акаси билан айтишиб ўтиришни ўзига эп билмагани учун муддаога кўчиб, келиши сабабини тушунтира кетди:

– Бу ерга келишга вақт топган бўлсам, бувимни кўргани борувдим, сизам борган экансиз-ку анави шоир акам билан бирга, манави дориларни сўратиб юборди Васила аммам.

Журъат «Оббо лаънати-ей, анави Сулув Сатеновна Васила аммамдан сўраган бўлса керак-да:

«Бу жиянингиз ростданам прокуратурада ишлайдими?», деб... Ҳа, ҳа, бошқалардан эмас, ундан сўраган, чунки унинг олдига бўзчининг мокисидай кириб-чиқиб юрганам шу бўлса керак. Уям нима дерди, онаси қўлида ётибди, бу дўхтирлар яхши қарасин деб: «Ҳа, катта амалда ишлайди, прокуратурада бўлса керак», дейди-да! Ҳа, ҳа, у «ишлайди», демайди, «ишласа керак», дейди, менинг ўшандай жойда ишлашимни аслида унинг ўзиям истамайди, шунинг учунам Сулув Сатеновнани алдаб чиққанимга бир томондан чидаса, иккинчи томондан ғазаблангандир, ё устимдан кулганмикин? Ҳа, ҳа, у менинг устимдан кулган! Ҳали, ака-укасига, Нафиса кеннойимга ҳам, келган-кетганларгаям устимдан кулиб гапириб ўтирмаса эди, шу ишни чакки қилдим-да, ай-яй-йааа», деб фикр юритиб, ана шу айтиб қўйгани номатлуб гапи учун изза тортиб, ёнида унинг жим қолганидан ажабсинаётган Суҳбат олдида ҳам уялиб пешанасини майда тер босди, аммо ички ҳолатини унга иложи борича сездирмасликка уринди. Шунинг учун ҳам: «Қандай дори керак бўлса менинг олдимга боринглар», деган сўзларини ҳам фаромуш қилиб:

– Ўша сўратган дорилари қоғозини менга опкелдингми?! – деб укасининг қўлидаги бир парча рецептга ҳам қарамай уни ғадабга олишга тушди.

Суҳбат акаси билан яна пачакилашиш бефойда эканини тушунгани учун ҳам дорилар рўйхати қайд этилган қоғозни акаси ўтирадиган стол устига қўятуриб:

– Ўзингиз айтган экансиз-ку, қандай дори керак бўлса менга айтинг, деб, «Церебризин» билан «Деклоберл»ми, иннайкейин, буйракларигаям

«Фталазин» эди шекилли, ана шулар керак экан, – деди.

– Ҳаммаси қиммат-қиммат дорилар экан, аптекада савдо йўқ, иннайкейин, биласан, шерикли иш, яна бошқа тарафдан, яқинда бўлимда текширув ўтказилганида анча камомад чиқди. Бир қозоқ провизоримиз кассадан пул олиб айлантираркан...

– Шунақаякан уларга айтиш керакмасди, айтдингизми, обориб бериш керак бўлади.

– Шуни менинг олдимга кўтариб олиб келмай ўзинг обориб берақолмайсанми? Уйда ётганларидаям анча пулли дорилар олиб бориб берувдим. Ҳаммасини обораверіш бир кишига оғир бўларкан, – деб иддао қилди Журъат. – Тушуняпсанми?!

Суҳбат жаҳл билан ёзув столи устидаги дориқоғозни қайтариб олиб, киссасига солди. Сўнгра акасига аразлагандайин боқиб:

– Менинг ишим мана бундай бўлмаганида сизнинг олдингизга рецепт кўтариб келмасдим, – деди-да, акасига димоғ қилиб, хайр-маъзурни ҳам унутиб жаҳл билан хонанинг эшигини тарақлатиб очиб, ташқарига отилди.

Суҳбат жўнаб кетганидан кўп ўтмай хонага Мирзоҳид қайтиб кирди-да:

– Ҳа, тинчликми, Журъат, Суҳбат қовоғидан қор ёғиб чиқиб кетди, хайр-маъзур дейишгаям тили айланмади, – деб суриштирди.

– Мастон бувимга керак бўлган дорилар рецептини менга кўтариб кепти. Васила аммам юборганмиш. Хў-ўп одами юборибди-да! Уларам фарзанди, ҳеч- қурса дорисини олиб беришсин! Мен бир неча марта олиб берганман! Қолаверса, аптекадаги дорилар ҳам ҳисоб-китобли, бу иш

шерикли, жавобгарлиги бор, дедим. Ўзи савдо йўқ, камомад устига камомад чиқиб ётибди, тушун Суҳбат, дедим. Менга жаҳл қилиб дориқоғозии кўтариб олиб чиқиб кетди.

– Тўғри айтибсан, – унинг укасига қилган жавобини маъқуллади Мирзоҳид, шу маҳал ёзув столи чеккасида турган телефон жиринглаб қолди-ю, у ўтирган оромкурсисидан сапчиб туриб кетди, гўшакни олишга ошиқди. Журъат эса: «Идора анжомлари» бўлимида нима гап экан?», дея ўрнидан қўзғалди-да, «мен ҳозир келаман» дегандай имо-ишора қилиб дорихонага чиқиб, у ердан эса ёрдамчи эшик томон юрди.

* * *

Мирзоҳидга шу пайтда Муяссар қўнғироқ қилганди. У: «Мени танидингизми?», деди. Мирзоҳид: «Нега энди танимай, Амин Шарифий яхши юрган эканларми?», деб жавоб берганидан сўнг ингичка, ёқимли овозда: «Сурайё опам ҳам яхши юрибдилар», деди-да, кўп ҳам уни гапга тутмай ўзига зарур бўлган дориларни сўради. Мирзоҳид: «Ҳар иккиси ҳам бор, фақат нархи сал баландроқ», деганидан сўнг: «Эртага пешингача олиб кетсам бўладими?», деб сўрагач, «Ҳа, келиб олиб кетинг, мен сизни кутаман», деб маълум қилди Мирзоҳид, Муяссар билан хайрлашиб гўшакни жойига қўйди. Хаёлидан бир онда: «Буям чакки аёлмасди, бечора ўзи шунақа аёллар бахтсиз бўларкан-да, биттаси Мактубами? Топган эри ана шу Ҳикматми? У ношуд шундай чиройли ўтиришимизни заҳарга айлантирди! Келиб-келиб ўша куни «Шаршара»га борганини-чи? «Кўр кўрни қоронғида топади», деб шуни

айтар экан-да, унинг олдида Суръатларни ивирсиб юрганини-чи?!», дея хаёл қилгач, «Қани, акаси Фақирийнинг олдида нима қилаётганийкин?», дея ичида сўзланиб ўрнидан қўзғалди.

70

Эртасига соат ўн иккиларда узоқдан тезлигини ошириб келаётган машина дорихона рўпарасида ғийқиллаб тормоз берди. Мирзоҳид ўзининг машинасидан хавотир олиб: «Бу ўпкаси йўқ ким экан?», деб дераза пардасини нарироқ суриб, ташқарига қараган эди, уникига ўхшаган қаймоқранг «Жигули» рулида Ҳикмат ўтирганининг шоҳиди бўлди. «Бундан чиқди чет эл маркали машинасини алмаштирибди-да, – деб ўйлади Мирзоҳид. – Яхшиям у Муяссар билан бирга тушмади, машинасида қолди».

Кўп ўтмай дорихонада «Мирзоҳид ака керак эдилар», деган Муяссарнинг ёқимли, айни пайтда ҳазин овози эшитилди-да, Зубайданинг «мана бу хонага кирасиз»идан сўнг эшик қия очилиб:

– Мумкинми, кирсам майлими? – деб хонага Мирзоҳидга таниш бўлган аёл кириб келди.

Мирзоҳид ташқарида Ҳикмат ўтиргани учун эшилиб кетолмади, ўзини босиқ тутишга уриниб:

– Яхшимисиз Муяссар, уйдагилар яхшими? – деб қуруққина сўрашди.

Ўз навбатида Муяссар ҳам «Зоҳид ака ташқарида машинада эркак киши билан келганимни кўрди шекилли, совуққина сўрашяпти», деб хаёлланди-да, у ҳам ўзини сал вазминроқ кўрсатиб, оғир-босиқлик билан, хийла хижолатланиб сўрашиб:

– Раҳмат, Зоҳид ака, – деди, сўнг эса гапни кўпам чўзмади, бегона йигит билан келгани учун ҳам ишини тезроқ битириш илинжида, боз устига, дорихона эгасининг вақтини олишни одобдан билмагани учун ҳам муддаога кўча қолди: – Мана шу рецептда ёзилганларидан ташқари «Тифлокс», «Ципробай», «Оксалинивий мазь» билан «Ноотропил» деган дорилар ҳам керак эди.

– Мен ҳозир, сиз ўтириб туринг, – деди Мирзоҳид, бўлимга чиқиб кетди, бир оздан сўнг қайтди. – Мана, кеча телефон қилишингиз билан олдириб қўювдим.

– Раҳмат, Зоҳид ака, неча пул бўлади, – деб сўради Муяссар, дорихона эгаси ҳадеганда парданинг очилиб қолган еридан ташқарига қарайверишидан ўзини ноқулай ҳис этди.

– «Ноотропил» тўрт минг, нариги мазь билан «Тифлокс» бир минг тўрт юз, жами беш минг тўрт юз сўм бўлди, – жавоб қилди Мирзоҳид, сўнг эса сўрамайман деса ҳам сўраб юборди: – Танишингиз билан келдингизми ё бегона машинами?

Муяссар Мирзоҳид ҳалидан буён кўча томон қарайверишидан ноқулайлик ҳис этаётганди, унинг суриштиришидан яна ҳам хижолат чекди, икки яноғи қизариб кетиб:

– Нима, рулда ўтирган йигитни танийсизми? – деб сўради, табиатан у ҳушёр бўлгани учун ҳам кўнгли бир нарсаларни сезиб, ғаш тортди, Мирзоҳиднинг пича индамай туриши эса яна гумонини оширди. – Танишмисизлар у билан? – дея қайта сўради.

– Нимага қизиқиб қолдингиз таниш-танишмаслигимиз билан? – деб жавоб қилди Мирзоҳид, айтиб қўйган гапи учун ўзини жуда ноқулай сезди, ноқулай сезишдан ҳам бурун маълум маънода Ҳикматдан чўчигандан чўчиди ҳам.

– Мен учун бу нарсанинг аҳамияти муҳимлиги учун айтяпман. Қўшниларидан бири бу йигит сизларга мос эмас, дебди бизникиларга! – деб уйдагилари уни шу йигитга узатишмоқчи бўлишаётганини дараклади, дараклаш баробарида лола янглиғ қизарган юзидан қон қочиб, чиройли юзидаги яққол кўриниб турган асаб томирлари титраёзди.

Мирзоҳид нечанчи бор ўйланиб турди-да:

– Фақат унга айтмасангиз айтаман, менинг номимниям билмасин, – деб илтимос қилди.

– Нега? – дея ажабланди Муяссар.

– У билан орамизда бир гап ўтган. Лекин бундан қатъи назар у сизнинг тенгингиз эмас, Муяссар. Сиз анча қийинчилик кўрган аёл бўлганингиз учун айтяпман, бўлмаса менга нима эди. У ўзи бир туппа-тузук аёлни жувонмарг қилган-ку, энди навбат сизга етибди-да, сизни бахти қаро қилмоқчидир. Ўзингизнинг бахтингизга ўзингиз чанг солиб нима қиласиз?!

– Ўша қўшнисиям ойим билан Сурайё опамга шу гапни айтибди.

– Ишонмасангиз Чилонзордаги торт сотадиган бозорда Мактуба деган аёл бор, шундан сўранг. Ўша аёл бу нусханинг биринчи хотини.

– Буни яхши айтдингиз!..

– Торт бозорининг тепасига катта соат осиб қўйилибди. Худди ана шу соатнинг тагида у аёл савдо қилади.

– Исмини Мактуба дедингиз-а? – шахти анчайин сусайиб сўради Муяссар, у турмушга чиқмоқчи бўлгани Ҳикмат илгари бир марта уйланганини эшитган бўлса керак, яна тезда ўзини қўлга олди. – Мактуба, Чилонзордаги бозорда, соатнинг тагида торт сотади, дедингиз...

– Ҳа, торт бўлмаса ҳар турли пиширикlар-да! Ўзи сизгаям ўхшаб кетадиган томонлари кўп. Бир-бировингизга ўхшайсизлар икковингиз, дарров таниб оласиз. Битта-яримталардан сўрарсиз, Мактуба ким деб...

– Ҳа, топиб оламан, – деди Муяссар. – Албатта, суриштираман. Бу умр савдоси-я! Ўзи биттасидан куйганим етади!..

– Шуни айтаман-да, – деди Мирзоҳид, яна деразадан машинада ўтирган, ҳадеганда безовта бўлаётган Ҳикмат томон қараб қўйди-да, ҳовликқан бир кўйи уқтирди: – Фақат мен айтганимни билмасин. Умуман, менинг исмимни унинг олдида эсга олманг, хўпми?!

– Ўлибманми? Менда ундай одат йўқ, – деди Муяссар, кейин Мирзоҳид уни қаердан танишини суриштириб қолди: – Сиз уни қаердан танийсиз? Ё ўша Мактубага қариндошлигингиз борми? Шундай бўлса керак-а?!

– Йўқ, қариндошчилигимиз йўқ, аммо ана шу Ҳикмат яшайдиган Белтепадан ҳовли қилганман. Бир иш бўйича орамиз бузилган, бошқа маҳал айтиб бераман сизга.

– Хўп.

– Яна қайтараман, у аблаҳ бир йигит бўлгани учун, сиз шунча азоб-уқубатлар кўрганингиз учун айтяпман. Мени тўғри тушунинг, – дея қўлини кўксига қўйди Мирзоҳид.

– Балки Худо мени сизнинг олдингизга юборгандир, шу дори баҳонасида мушкулимни осон қилгандир, – деди Муяссар. – Албатта, суриштирмай қўймайман!..

– Фақат-а... – деб «тисс» дегандай кўрсаткич бармоғини лабларига тиккасига қўйди. – Унда ҳамма ёқ... остин-устин бўп кетади-я!..

– Бўлди, шу гапнинг ўзи етади, – деди Муяссар, сўнгра Мирзоҳид билан хайрлашиб хонадан чиқиб кетар экан, олиб қўйган дорилар учун унга миннатдорчилик билдирди: – Катта раҳмат, Мирзоҳид ака, яхшилигингизга қайтарай.

– Раҳматнинг ҳожати йўқ, бизнинг вазифамиз сизга ўхшаш яхши одамларга хизмат кўрсатиш, – деди Мирзоҳид, Ҳикмат келиб қолишидан чўчиб ичдан шошиб кетаверди. – Сурайёниям сўраб қўйинг. Ё менга Сурайё опа бўладиларми?

– Албатта Сурайпамга саломингизни етказиб қўяман, – деди Муяссар хонадан чиқиб кетатуриб. – Кейин сизга қўнғироқ қиларман!..

– Сиз учун аптекамиз ҳамиша очиқ, – унинг орқасидан кўнглини кўтарди Мирзоҳид, аёл чиқиб кетгач, турфа ўй-хаёллар кўнглидан ўтишини қўймади, «Унга ҳозир гапириб берганларимни Ҳикматга айтмасмикин?», деган ваҳимали ўйда парданинг тирқишидан Муяссарнинг машина орқасига ўтирганини, Ҳикмат ундан бир нималарни сўраб машинасини ўт олдирганини, кўп ўтмай ҳайдаб кетганини кузатиб турди. Кузатар экан: «Нега бунчалик кўп ушланиб қолдинг?», деб сўради, шекилли? Бу аёллар ҳам анойилардан эмас, ундайин бир аблаҳга сир бой бермаган бўлса керак, ҳар ҳолда!», деб фикр юритиб, кўнгли сал жойига тушди-да, сўнг эса ошқозони таталай бошлаганини, қорни очаётганини сезди. «Журъат келса овқатланишга борардик, ё Фақирийни олиб Қозиравотга ўтаймикин? Хонадоннинг норин шўрвасини ичмаганимизгаям анча бўлди», деди-да, сўлаги оқаёзиб ўрнидан қўзғалиб, хонадан чиқди.

71

Якшанба куни пешиндан сўнг «Коника»дагилар фотостудияни беркитиб кетишди. Идора анжомлари сотиладиган бўлимга ҳеч зоғ кирмай қўйди. Дорихонадан бўлимга ўтиладиган эшик рўпарасига кичик стул қўйиб олган Фақирий Зубайда иккови Сайрамнинг қилган ишини муҳокама қилиб ўтиришар экан, дорихонага қўлидаги сеткада булочкалар тўлғазиб олган йигирма беш билан ўттизлар миёнасидаги қорамағиз, қотмадан келган, қора соч, чўзиқ бузуқроқ юз, бир-бирига туташиб кетган қалин қора қошлари паст-баланд чимирилган, зулукдай қора кўзлари кишига қаттиқроқ тикилувчи йигит кириб келди-да, Фақирийга салом берар-бермас Журъатни сўради.

– Журъат ичкарида, ҳозир келди, – деди Фақирий, аммо бошлиғи ширакайф ҳолда эканини, пешиндан кейин дўконга ана шу кўйи кириб келганини айтиб ўтирмади, «ўзи билиб олади» қабилида фикр юритди.

– Хабарим бор, телефон қилувдим, – деди нотаниш йигит, сўнгра уларга бир оғиз сўз демай ўнг қўлидаги сеткасини чапига олди-да, сочини ён томонига тўғрилаган, шимини кўтарган, қўйингки, ўзи учун зарур, муҳим бир одамнинг олдига келаётгандай яна Зубайдага бир қаради-да, аввал эшикни тақиллатди, кейин ичкарига кирди.

Зубайда Фақирийга, Фақирий эса Зубайдага қараб қўйди, ҳар икковлари ҳам қош қоқиш билан «бу йигит қизиқ бўлди-ку», деган бир мазмунни ифодаладилар, аммо чурқ этмадилар.

Кўп ўтмай Журъат хонасидан бир дона булочка кўтариб чиқиб келди-да, қўлидаги булочкани иккига бўлиб ярмини Зубайдага, иккинчи ярмини эса эътироз билдиришига қарамасдан Фақирийнинг қўлига тутқаза туриб:

– Менинг қўл остимда ўсган укалардан, ҳозирда Эски Жўвадаги бозор ёнида булочка пиширадиган ошхонаси бор, – деб ҳозир келган йигитнинг таърифини келтирган бўлди. Яна ичкарига кириб кетди.

Бирор ўн дақиқалар ўтгач, ҳалиги йигитнинг ўзи электр човгумни кўтариб чиқиб, қайнатиш учун қайси розеткага қўйиш кераклигини сўради.

Фақирий унга кўрсатган эди, Зубайда чаққонлик билан унинг қўлидан «Тефал»ни бориб олди-да, кўча эшикка яқин турган катта сопол гултувак ёнидаги энсиз курсига олиб бориб қўйиб, қайнатгичнинг санчқисини розеткага тиқди.

– Қайнаса айтасиз-а, синглим? – деди ҳалиги йигит, унинг овозидаги оҳанг илтимосдан ҳам бурун буйруқдай чиққани учун Зубайда яна Фақирийга «сал беандишароқ йигит эканми?» деган бир мазмунда қараб ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини юпқа ва қалин оралиғидаги лабининг бурчига олиб бориб силаб қўйди.

Унинг қараши мазмунини туйган Фақирий ҳам шу маънони ифодалаб кўзларини юмиб, бош лиқиллатиб қисқагина кулди-ю, аммо чурқ этмади.

Бироздан сўнг чой қайнади. Зубайда ичкарига кириб пахта гулли чойнакни олиб чиқди. Унга қаҳвадан бўшаган идишга солиб қўйилган «Импра» чойидан кичик қошиқда бир маротаба солди-да, човгумдан қайнаган сувни тўлатди. Уч-тўртта пахта гулли пиёлани чайиб келиб, бир

қўлида чойнак, иккинчи қўлида чайилган пиёлаларни кўтариб ичкарига кириб кетди. Бироз ўтгач қайтиб чиқди-да, Фақирийга юзланиб:

– Сизниям чақиришяпти Абдурауф ака, дўконни беркитар экансиз-да, ичкарига кираркансиз, – деди, дорихонада, умуман дўконда биргина Зубайда Фақирийнинг исмини айтиб чақирар, «Абдурауф ака» дейиши унинг ҳазин, юмшоқ овозига жуда ярашиши учун ҳам у Зубайдага «мени Фақирий деяверинг» демас, биргина шунга ўз номини тўлиқ айтишга қўйиб берганди.

Фақирийга ҳозир келган йигит ёқинқирамаган бўлса-да, ичкарига кириб улар суҳбатига қўшилгиси келмаса-да, чор-ночор ўрнидан қўзғалди. Бўлимга ўтиб, расталар охиридаги, «Коника»га ўтаверишдаги деворда осиғлиқ турган қулф-калитларни олди-да, сўнгра дўконнинг темир эшигини улар билан қулфлади, кейин ташқарида ёнгинасидан ўтиб кетаётган, пластмасс бидонда газ сув будкаси томон сироп олиб бораётган Олимжон билан сўрашди, унинг: «Хўжайин шу ерда эканлар-да», деган ярим киноямуз сўзларига, худди шу тарзи: «Ҳа, Журъат акангиз шу ерда», деди-да, бошлиғи тағин бир марта уни йўқлаб қолишини истамагани учун дорихонага йўналди. Ён томондан ҳожатхонага кириб, эшик орқасидаги сув жўмрагида қўлларини ювиб чиқди-да, Зубайдага юзланиб:

– Қани, кирай-чи, нима гап экан, – деди.

Зубайда Журъатнинг ширакайфроқ эканига ишора қилиб кулди.

Фақирий унинг нимага кулаётганини сезди, аммо чурқ этмади.

– Мумкинми? – деб ичкарига кирди.

– Келинг, келинг, Фақирий, – деди Журъат, ўзи дарров оромкурсига ўтиб ўтириб, дивандан Фақирийга жой кўрсатди.

Ҳозир келган йигит – Холмурод пиёлалардан бирини қўлига олиб, «бу одам менга керак бўлмайди», дегандай мазмунда Фақирийга эътиборсизгина чой узатди, кейин Журъатнинг пиёласини қўлига олиб, эринмасдан унинг шамасини тўкиб келди, ичига чой тўлдирди-да, «нозик» одамларга узатадигандай тусда унга узатиб, ўзи ҳозир олиб келгани булочкага ишора қилиб, иккитасини Журъат ёнига, бирини Фақирий яқинига суриб қўяркан:

– Олинглар, олинг, Журъат ака, – деди, мазкур такаллуфидан қаноат ҳосил қилди чоғи, овоз чиқариб: «Эй Оллоҳ, ўзингга шукр», деб қўйди.

Фақирий унинг ҳадеганда Журъатга мулозамат қилаверишидан «уни прокуратурада ишлайди деб биладиган» укаларидан эканини, иши тушгани учун ҳам мана бундай сетка кўтариб келганини тезда пайқаб, ерга қаради. Нотаниш йигитнинг хатти-ҳаракатлари унга эриш туйилди.

– Бу йигитнинг исми Холмурод, менинг қалин укахонларимдан, бир пайтлар ўзим учирма қилганман, Фақирий, – деди Журъат, у ҳам ҳалиги йигит қуруқ эмас, бир сетка булочка кўтариб келганидан ўзини қўярга жой тополмаётганини Фақирий балодай сезди. – Бу одам Фақирий, ўзлари катта ёзувчилардан, ҳозирда савдонинг сирларини ўрганяптилар. Кейинчалик мен ҳақимда китоб ёзмоқчилар, а, тўғрими Фақирий?..

– Ҳозирча мени Журъат учирма қиляпти, – кулди Фақирий.

Холмурод ўта ҳушёр йигитлардан эди, Фақирийнинг «учирма» бўлаётганини эшитмаганга

йўйди, Журъатнинг ўзи ҳақида китоб ёздирмоқчи бўлаётганидан мамнун эканлигини ошкор этгандай тарзда бошини у ён-бу ён тебратди-да:

– Нима, китоб ёзишларига арзимайсизми? Тошкентда мана ман деган ўнта бадавлат, басавлат акалардан биттаси сиз бўлсангиз, саноқли акалардан-а! Мана бундай ҳайҳотдай дўконларни қуриб қўйган бўлсангиз, устига-устак, шаҳар прокуратурасига ишга ўтаётган экансиз... Оллоҳ хоҳласа ўтасиз ҳам!..

Фақирий ўзи сезмаган тарзда мийиғида кулиб юборди. «Журъат прокуратурага ишга ўтяпман, деб бунинг ҳам бошини қотирибди-да», деган ўй кўнглидан ўтди, аммо унинг устидан кулмади, аксинча ачинди. «Буям ўзимга ўхшаган бир бечора-да! Буям ҳаётда кўп нарсани орзу қилган-у, аммо орзуси орзулигича қолиб келаётганлардан-да!», деб фикр юритиб ўтирди, аммо Холмуроднинг ҳозирги мақтовларига, Журъатни кўкларга кўтариб мақташига муносабат билдирмади.

– Энди бир гап чиқиб қолди, – деди Журъат, Фақирийга юзланди. – Холмурод Эски Жўвадаги бўличка дўконида ишларди. Энди хўжайини бир гап чиқарганмиш. Нима эмиш, булар режани бажаришолмаётган эмиш, шунинг учун дўконни ёнидагиларга ижарага бериб юбормоқчимиш...

– Ўзи дўкон қаерга қарашли? – сўради Фақирий.

Холмурод нажоткори Журъат эмас, Фақирий бўлиб қолиши мумкинлигини сира кутмаганди, ана шундай бўлиб чиқадиган кўрингач, тезда «отни қамчилаш»га тутиниб, унинг ёнига яна бир булочкани суриб қўйди, ортидан унга мулозамат кўрсатиб:

– Олинг, ака, Оллоҳнинг неъмати, – деди.

Журъат унинг хатти-ҳаракатига аҳамият бермади, аммо Фақирий бу йигит ҳар икки гапнинг бирида «Оллоҳ» сўзини қўшиб туришидан ижирғанди. Унга гўё Холмурод бу сўзларни юракдан эмас, ўзини «тақводор» кўрсатиш учун шунчаки йўлига айтаётгандек бўлиб туйилди, шу томони билан ҳам унинг ҳар бир хатти-ҳаракати унга эриш кўринди. У Фақирийга Журъатнинг гап-сўзларига яраша эмас, ундаги ҳар бир руҳий ўзгаришдан, хатти-ҳаракатидан келиб чиқиб, шунга яраша муомала қилаётгандай эди.

– «Тошйўлтранс» акционерлик жамиятига қарашли, «Чорсу» бозорига кираверишда...

– Бошлиғингнинг фамилияси ким эди? Қаршибоевми?

– Ҳа, Қаршибоев Қувондиқ, – деди Холмурод, бошлиғини тилга олаётганида қошлари чимирилиб, қовоғи уйилиб кетди.

– Бу ерлик эмасми? – сўради Журъат. – Шу Хоразм томонларданми?..

– Валлоҳи аълам, Бухородан, – деди Холмурод,– унинг қариндошлари ичидаям прокурорлари бор, шекилли.

– Нима деб ўйлайсиз, Фақирий, мен ҳозир унга телефон қилиб: «Мен шаҳар прокуратурасида ишлайман! Нега менинг укамни хафа қиласиз? Нега унинг «точка»сини бошқага сотиб юбормоқчисиз? Ҳа, сотиб юбормоқчисиз!», деб дўқ урсам нима деркин?! – дея «сотиб» сўзига алоҳида урғу берди Журъат.

Фақирийнинг хаёлидан дарров «Жамшид воқеаси» ўтди. «Ўзи бир марта ана шунга ўхшаш номаъқул хатти-ҳаракати туфайли емаган сомсага пул тўлай деди-ку, энди яна ўзини жанжал-

ли ишга урадиями! Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аринининг уясини кавламоқчи бўладиями!..», деб фикр юритди, аммо хаёлидан ўтган ўйларни унга айтмади, унга бундай қилиш тўғри бўлмаслигини тушунтирган бўлиб:

– Унинг ҳам қариндошлари прокуратурада ишлайди деяптилар-ку! Унақа одамлар обдан суриштиради: «Кимсиз? Қайси бўлимдасиз? Фамилиянгиз ким? Қаерликсиз?» дейди, – деб тушунтирди Фақирий, кейин яна Журъатнинг ичкилик ичиб олганига ишора қилиб, «яримта отволиб ундай идораларга қўнғироқ қилиш, яна «прокуратураданман» дейишам жуда қуюшқонга сиғмайдиган иш-да», демоқликка ҳам чоғланди-ю, аммо шу гапдан тийилди, «Пов этиб ёниб кетишиям ҳеч гапмас! «Нега менга ақл ўргатасан?» деб мана бу укасининг олдида мени шарманда қилишиям мумкин», деб хулосаланиб, ичдан бир куч уни ана шундай деб юборишдан тўхтатиб улгурди.

– Буни тўғри айтдингиз, – ўйланиб қолди Журъат, шу ўйланиб қолишида унинг ўзи ҳам яқинда худди шундай бировнинг ўртасига тушиб жанжалли воқеадан зўр-базўр қутулганини хаёлидан ўтказди, хаёлидан ўтказдию «Фақирий ҳам бало, ана ўша воқеани Холмуроднинг ёнида айтмади, айтгудай бўлса мени шарманда қилишини билди, бу ишга бошқа томондан ёндашди, бало бу китобфуруш ёзувчи, бунақалар эсдан оғган бўлмайди, бунақалар эси, ақли ҳаддан ташқари яхши ишлайдиганлар бўлади», деб ўйлади, ана шундай хулоса чиқарганидан ичида ўзидан мамнун бўлди, бу мамнунлик унинг юз-кўзида ҳам акс этди, «Арақ ичганида шу

Фақирийга юқоридаги ақлли гаплари учун юз эмас, икки юз, йўқ, яримта қуйиб берардим-да, биргалашиб ичардик, унинг ақлли гапларини эшитиб ўтирардим», дея сўзланиб, ана шу ёқимли нарсалар кўнглидан кечганига яна мамнун жилмайиб, тағин ана шу жилмайганидан ўнғайсизланиб Фақирийдан сўради: – Бошқа қайси йўлни тутамиз? Сиз нима дейсиз, Фақирий?!

Холмурод Фақирийга нажоткорига қарагандай нигоҳ қадади-да:

– Отам қарилар, пенсиядалар, ойим касал ётибдилар. Энди беш-ўн танга топиб уларнинг оғзиларига ёқадиган ул-бул обораётгандим. Худо буниям кўп кўрди, – деди, одамга нигоҳ қадаганда кесиб оладигандай ўткир, боя қаттиқ кўринган зулукдайин қора кўзлари ёш болаларникига ўхшаб пирпиради, кейин дабдурустдан уни йўтал тутди, кафти билан кўкрагини ушлаб қўйди.

Фақирийга унинг «отам қарилар, ойим касал ётибдилар...» дейиши ўз таъсирини ўтказиб улгурган, кўзлари ёшланиб, бурни ачишиб кетди. «Шу йигитда бронхит борми дейман-да, бояям бир-икки бор уни йўтал тутиб қолувди. Ҳа-а, шунақага ўхшайди, нафас олишидан маълум. Қаттиқ сиқилсаям келиб қолади бу дарди», дея ичида сўзланиб, оилавий аҳволи яхши эмаслигидан шикоят қилаётган Холмуродга ич-ичдан ачинди, «Шунақаларга ёрдам бермасанг, кимга ёрдам берасан, Абдурауф? Шунақаларга ёрдам қўлини чўзмасанг нима қилиб бу дунёда яшаб юрибсан?!», дея ўзига савол бериб, ичдан жунбишга кела бошлаган эҳтиросини жиловлай олмади, Холмуроднинг бошлиғидан жаҳли чиққанини, астойдил ғазаби қўзиганини маълум қилиб:

– Қани, сизни ишдан бўшатсин! Қани, сизни... дўкончангизни бировга ижарага бериб юборсин-чи!..– деди-да, сапчиб ўрнидан туриб бориб телефонга ёпишган эди, Журъат ундан сўради:

– Ҳа, кимга қилмоқчисиз?

– Давронбекка қилмоқчиман, девонга!..

Журъат ҳам қувонганидан кўзлари ёниб кетди, боз устига, ўзининг елкасидан Холмуроднинг бу юмуши соқит бўлаётганидан ниҳоятда севинди. Шунинг учун ҳам ўрнидан тура солиб ўзининг ўриндиғига бориб ўтирди-да:

– Фақирий, менам сизга ана шу Давронбекка айтиш керак, демоқчи эдим, худди ана шу Давронбеклар боплайди бунақа қувондиқларни! – деди, сўнг эса Холмуродга кўзини қисиб қўйди: – Қўявер, уям бегона эмас, аканинг шогирдларидан, ўзимизнинг одам, – у шундай деди-да, пича ўйланиб қолди, тағин Фақирийга сўзланди: – Бугун шанба-ку, ишда бўлмаса керак.

– Уйига телефон қилайми? – сўради Фақирий. – Нима дейсиз?..

– Бунақа нарсани одатда телефонда гаплашилмайди. Бунақа илтимосларни битта пакет кўтариб уйига бориб айтилади, – билағонлик қилди Журъат.

– Пакетнинг кераги йўқ, шундай айтавераман, тушунади, – унамади Фақирий.

– Ахир, унақа каналлар, тўғрироғи акалар, бизга кейин ҳам керак бўладими, Холмурод?..

Холмурод нажоткори топилганидан шошиб қолди. Журъатга «мен сизни тушундим, устоз» деган бир мазмунда боқди-да:

– Ҳа, керак бўлади. Битта пакет кетса-кетибди-да, битта пакет кимни ўлдирибди, ака, – деди.

– Шу пакетни ойингизга олиб боринг, қайтанга дуо қиладилар. Давронбекка шундоғам айтавераман, шундоқ ҳам бажараверади мен айтган илтимосни.

– Ойинг жуда ўлар ҳолда эмаслар-ку, жуда оширворма, – Холмуроднинг бояги иддаосидан ранжиган бўлди Журъат. – Бунақа акахонларни эса кейинам назарда олиб юриш керак.

– Тўғри, – деди Холмурод, – Журъат аканинг сўзини икки қилсам бўлмайди.

– Ўзингиз биласиз, – дея ўжар бошлиғига қарши боришни номувофиқ билди Фақирий. – Мен шунчаки айтдим, холос.

– Мен сизларни уйигача обораман, аммо ичкарига зўрламайсизлар, бари бир кирмайман, – деди Журъат, бошқалардан аввал юзига фотиҳа тортди, шахт билан ўрнидан қўзғалди. – Қани, юринглар.

Холмурод ва Фақирий унинг ортидан хонадан чиқишди.

Дорихонада Журъат провизори Зубайдага ўзининг қайтмаслигини билдираркан: «Зоҳид келгудай бўлса касса қилсин, ҳамма ёқни кўздан кечириб чиқсин-да, калитларни қоровулга топшириб кетсин», деб буюрди, кейин муҳим иш юзасидан чиқиб кетаётган киши тусида дадиллик билан одимлаб дорихонани тарк этди.

72

Шундан икки кун ўтгач, Холмурод келиб Давронбек унинг бошлиғига қўнғироқ қилганини, Қаршибоевнинг унга нисбатан муомаласи ўзгарганини, Худо унга инсоф бериб: «Ҳозирча ишлаб

тураверинг-чи», деганини маълум қилди. Шу куни ҳам қуруқ келмади, икки целлофан халтада булочка олиб келиб, қўярда қўймай бирини Журъатга, иккинчисини эса Фақирийнинг қўлига тутқазди. Фақирий ўзининг тегишини Мирзоҳид билан бўлишиб олди. Мирзоҳид зарур иши борлигини баҳона қилиб ишдан эртароқ кетди. Дўконни ёпиб кетишаётганида, Журъат Фақирий ва Холмуродга юзланиб:

– Мен сизларни «Чилонзор» метросигача ташлаб кетарман, – деди, икковини машинасига чиқазиб йўлда олиб кетаётганида эса орқа ўриндиқда ўтирган Холмуродга қараб қўйиб: – Боя Зоҳиднинг олдида айтмовдим, мана шу ишлар сал юришгач, Давронбекни, каттанг Қаршибоевни, бу ёқдан мана мен ва Фақирийни оласан-да, битта-яримта чойхонада ош қилиб юборасан. Қонуни, йўли шунақа, кейин хурсанд бўласан. Сал унақа одамлар билан апоқ-чапоқ бўлиб олиш керак, – деб ақл ўргатди.

– Худо хоҳласа, – унинг гапига кўнган бўлди Холмурод, аммо Журъатнинг бу гапи унга ёқмаганини, ёқишдан ҳам бурун айил ботганини унинг юз-кўзларидан, икки-уч бор томоқ қириб қўйишидан билиш мумкин эди. Худди ана шу нарсани Фақирий сезди.

– Хоҳласаям, хоҳламасаям шундай қиласан, – буюрди Журъат. – Агар пулинг бўлмаса мана мен бераман!..

– Мен йўқ деяётганим йўқ-ку, Журъат ака, сиз нима десангиз шу-да, – деб мазкур сўзлари орқали ўзининг йигитлик ғурурини, шаънини ҳимоя қилмоқчи бўлди Холмурод.

– Қўйинг Журъат, бу нарсанинг кераги йўқ, – деди Фақирий, ўзи ёрдам сўраб келган бир кам-

бағал йигитни бошлиғи ошга туширмоқчи бўлаётганидан қаттиқ ранжиди, шу важдан Холмуродга тасалли берди: – Бунақа нарсаларни умуман хаёлингиздан чиқариб ташланг!..

– Кейинчалик ҳам керак бўлади, сиз аралашмай туринг Фақирий, – хизматчисига дакки берди Журъат.– Ҳали Холмуроднинг «точкаси»-ни кенгайтиришимиз керак, иннайкейин, ана шу Давронбеклар қўли билан хусусийлаштириш имконияти ҳам туғилиши мумкин бўлади, – яна бир марта Холмуродга қараб олди у.

Холмуродга Журъатнинг сўнгги гапи бошқача таъсир этди. Бир сонияга ўзини хусусий мулк эгаси ҳис этиб, энтикиб кетаёзди. «Бу одам билмаса гапирмайди», деган ўй кўнглидан кечаркан, Фақирийга ёнига тушаётгани учун «майли» ишорасида бош чайқатиб қўйди-да:

– Журъат ака, сиз айтаётган ишни қиламиз. Худо ўша кунларга етказсин-чи, – деди.

Журъатга унинг яна ўртага Худони аралаштириши ёқмаса-да, бу сафар Холмуродга дакки-дашном бермади, балки хизматчисини ғадабга олди:

– Сиз анави куниям оғзимга урувдингиз, яна ўша ишни қиляпсиз, Фақирий. Бир ошминан одам қашшоқ бўлиб қолмайди, мана мен Холмурод учун қип берарман ўша ошни, аммо анави керакли одамларни йўқотиб қўйиш керак эмас. Мен буни бошимдан ўтказдим, арзимаган ўн-йигирма мингни қизғаниб катта улушни бой бериш мумкин. Сиз ҳам, мана бу Холмурод ҳам биз юрган жойларда юрмагансизлар-да!.. – деди Журъат, Фақирий ҳам, Холмурод ҳам унга бир оғиз сўз дейишолмади, ана шундан сўнг у «ҳар

икковининг оғзига урдим, лом-мим дейишолмади, дейишсин-чи», деган фикрга бориб, кўнгли тинчиб, уларни «Чилонзор» метро станциясигача ташлаб кетди.

* * *

Эртасига хонада ҳаммалари тушликни қаерда қилишга бош қотиришаётганида, пешинга яқин бир шиша арақ кўтариб Мансур келиб қолди.

– Бугун ичмасак бўлмайди, – деди у Журъатга қараб кулиб қўйиб. – Шунинг учун сизларнинг олдингизга келавердим.

– Ҳа, тинчликми? Нима, Рашидхон поччамга хотин топилдими, дейман? – кулди Журъат.

– Ҳа-да, – севинди Мансур. – Ўзиям мана шу автостанциянинг орқасидаги эски ҳовлилардан экан. Қўшнимиз Сайфиддин ҳожи ака топди.

Фақирий Мансурнинг оғзидан Сайфиддин ҳожининг исмини эшитдию юраги «шиғ» этди. Унинг дадаси ўзига божа бўлаётганини тушуниб етди, аммо бу янгиликдан севинмади. Нима учундир шу дамда Мансурни ҳам, Журъату Мирзоҳидни ҳам ана шу арақ, Мансур кўтариб келган арақ туфайли ҳам ўзининг қайнағаси Акбархонга ўхшаб кетаётганларини ҳис этган, ана шу ҳис унинг севинишига халал берган, у ичида ўзича «ҳа, энди тақдир-да», деб қўйган, шу боисдан ҳам буни бу ердагиларга ошкор қилишни истамаганди.

– Ана, Фақирий ҳам шу ёқларга куёвлар-ку, балки у кишининг хотинлари танир сенинг бўлғуси ўгай ойингни. Адангнинг хотини сенга «ўгай ойи» бўлади-да, шундайми Фақирий? – деб сўради Журъат, ундан жавобни кутиб ҳам

ўтирмай яна қариндошига юзланди: – Майли, нима бўлгандаям Рашидхон поччамиз хотин-халажли бўлаётган эканлар-ку, бу ёғига кунларам салқинлашиб қолди. Куз... қиш... эркак одамнинг бир ўзи яшаши қийин бўлади, иннайкейин, битта печка керакку-а, Фақирий?!

– Фақирий бунақаларни тушунадилар-а? – орага тушди Мирзоҳид. – Эркак одамга бунақа «печка» албатта зарур-а?!

Бошлиқларининг суюқ гаплари Фақирийга ёқмади, Мансурнинг отасига узатилаётган аёл унинг хотинига сингил бўлгани учун ҳам нафсониятига қаттиқ тегди, ўзига қаттиқ олди. Ҳар икки бошлиғи ҳадеганда уни мазах қилмоқчидай бўлиб кўринаверди, «Йўқ дардим яна қайталаяптимикин?», – деб ўзига савол берди Фақирий, саволидан қаноат ҳосил қилмагач: «Йўқ-йўқ, ҳар нарсага, ўзимнинг ана шу ҳолатимга ҳам танқидий қароляпман-ку, фақат бу муҳитдан чарчадим, бу чиркин муҳит кўнглимга тегди, зиғир ёғидай меъдамга тегди!», деган хулосага борди, шу дамда қандай қилиб бу ердан чиқиб кетишини билмади, шунча пайтдан бери унга яқиндай бўлиб қолган мана бу кишилар ҳам унга хунук бир махлуқ сингари бадбашара кўриниб, нафратини қўзғатди, аммо тишини-тишига қўйишга мажбур бўлди.

– Қани, нима қилай, шу баҳона қиттак-қиттак оламизми? – деб арақни очишга киришди Мансур, ҳаммаларига бир-бир қараб олди.

Мирзоҳид дарров кичкина курсидаги пиёлаларни устма-уст териб, ювиш тадорикига тушди. Хонадан ташқарига йўналаётганида:

– Нима, газаксизам овурамизми? – деб Журъатдан сўради.

– Мана, колбасаям опкепти-ку, – деди Журъат. – Бўлар шу?

– Бирор бир егулик овқат опкелмасак бўлмайди, – деди Мирзоҳид, сўнгра Фақирийга қаради: – Пул берсак, мана бу ёнимиздаги қаҳвахонага чиқиб бифстроганми, бифштексми опкеласизми, шоир ака?..

Фақирий Мирзоҳиднинг юқоридаги сўзларидан сўнг ўзини яна ҳам хўрлангандай ҳис этди.

– Овқатни опкелиш майли-ку, аммо мана шуни ичмасанглар яхши бўларди-да, – деди у нима деб жавоб қайтаришини билмай. – Тағин ҳаммамиз ҳеч нарса билмагандай жумага борамиз... энг обрўли, муқаддас масжидларда намоз ўқиймиз...

Унинг сўнгги гапи Журъатга таънадай кўриниб, ёмон таъсир этди. Шу дамда бир томондан якшанба куни қурбонликка қўй сўяман деб ниятини амалга оширолмаганини, бошига анави Жамшид воқеаси тушганини эсласа, иккинчи томондан «Занги бува»даги Салом чолнинг сўзларини хотирлади, хотирладию «Фақирий ана шуларни назарда тутиб менга кесатиқ қиляпти, аслида унга кеча Холмурод икковига айтган гапларим, қилган насиҳатларим ёқмаган, шунинг учун мендан аламини оляпти», деб билгани важи ҳам:

– Сизам Холмурод билан яқин бўп қолиб «тақво» сўзларини қиляпсизми? Тақводор бўп қолдингизми? Кеча ўзи қанча гаплашдинглар? – деб суриштиришга тушди. – А, акахон?!

– Ярим кечагача гаплашиб қопмиз, – деди гинасини унутиб Фақирий. – Холмурод бошқача экан, эскича билими ўткир экан, қоронғигача, йўғ-э, ярим кечагача қоп кетибмиз.

Журъатга хизматчисининг ҳалиги таънаомуз кесатиғи ҳали ҳам таъсир этаётган, таъсир этиш баробарида ич-ичдан ғазабини қўзғаётган, бошқа томондан, Фақирий ўзи қилолмаган ишни битириб, яна устига, Холмурод билан апоқ-чапоқ бўлиб олгани унинг ғашини келтириб ижирғантираётганди, шу боис ҳам жаҳл устида ҳеч ўйлаб кўрмай:

– Кўр кўрни қоронғида топади, деб шуни айтади-да, – деб юборди.

Фақирийга унинг сўзлари чаён чаққандай таъсир этди. Журъат бу мақолни бехосдан эмас, атайлаб айтгани учун ҳам ўзини қўйишга жой тополмади. Хаёлидан шу сонияда бир зум Фаустнинг Мефистофелга айтган жумласи ёдига тушди: «Мана энди менга кимлигинг маълум, Йўқота олмагач оламни буткул, – Майда нарсаларга қилурсан ҳужум...»

– Ахир... ахир уни биринчи сиз топгансиз-ку! – кўзларидан ёш чиқиб кетаёзди Фақирийнинг. – Сизнинг оғайнингиз-ку! Мен фақат худди сизни ё бўлмаса мана бу Мансуржонни Фурқат Шайховнинг олдига оборгандай Давронбекнинг олдига олиб бордим, холос! Яхшилик қилай дедим...

Журъат энди ўзини такаббурликка олди. Чунки Фақирийнинг мана бу сўзларидан сўнг Мирзоҳид уни мазах қилаётгандай кўринган, шу сабаб ҳам собиқ китобфурушнинг гап қайтариши, яна аммаваччаси Мансур олдида ўзини ҳожатбарор кўрсатиши унга ёмон алам қила бошлаганди.

– Униям сизга ўхшаб бозорда тупроққа беланиб ётганида топувдим. Фақат у сизга ўхшаб китоб эмас, чўнтагида дипломи бўлатуриб супурги сотиб юрганида менам унга яхшилик қилувдим!..

– Сиз... сиз паст экансиз, – унинг хўрлашига чидолмай ўрнидан сапчиб туриб кетди Фақирий.

– Ҳа, пастдан ҳам баттар, Мефистофель экансиз!.. – у шундай деди-да, шартта бориб хона эшигини очиб, югургудай бўлиб ташқарига отилди.

Унинг ортидан Журъат, унга эргашиб Мансур ҳам хонадан ташқарига чиқишди. Фақат Мирзоҳидгина ўрнидан қўзғалмади. Дорихона эшиги рўпарасида бекатга ошиқаётган Фақирийнинг орқасидан Журъат чақирди:

– Орқага қайтинг, Фақирий, сўзимни қайтиб олдим!..

Аммо Фақирий орқасига қайтмади, бу ердан иложи борича тезроқ узоқлашиш мақсадида бекатга биринчи келган автобусга чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

73

Сафар ака «сизга дўст бир аёлман», деган нотаниш кимсадан хотини ҳақидаги гапни эшитганидан буён ўзини қўярга жой тополмайди. Яна у бир куни худди ана шундай кўк «Жигули»да хотини Покизани бир йигит катта кўчага ташлаб кетганини кўрган бўлгани учун, яна бошқа бир куни эса унинг бўйнига яқин ери қизарганига кўзи тушиб: «Бу ерингизни қаерда қизартирдингиз?», деб хотинини тергаганида, Покиза уни силталаб ташлаганини, аммо Сафар аканинг дилида ўшандан буён хотинига нисбатан шубҳа, унга ишонмаслик ҳисси пайдо бўлганини, ич-этини бир нарса кемириб келганларини бирин-сирин ёдга олди. Ўзини дўст қилиб кўрсатган, тағин устига-устак, «...эркак одамдан эшитдим денг», деб уни огоҳлантирган, унга тайинлаган аёл рост сўзлаётгандай бўлгани учун

ҳам: «У аёл эҳтимол ўша йигитни менинг хотинимдан тортиб олиш учун шундай дегандир ё Покизанинг ишхонасидаги битта-яримта душманларидан бўлса керак. Покизамиш-а, Покиза!», деб ҳар турли ўйларга борди, тинчини йўқотди, аввалги шубҳалари тўғри чиққанига ишончи комил бўлаверди. Бир ҳафтагача у бошини қайси тошга уришини, нима қилишини билмади, хотинини ғадабга олиб уни дўппосламоқчи, ана шу дўппослаш баробарида шармандасини чиқариб аламидан тарқамоқчи, бола-чақасининг кўзи олдида уни уйдан қувиб ҳайдамоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ичидаги бир куч уни шошилмасликка, ҳукм чиқаришга ошиқмасликка чақираверди. Шу гапларни айтадирган бўлса хотини бари бир жўяли бир баҳона топиб сувдан қуруқ чиқишини, «Менга душман бўлган, ўрнимга кўз олайтирган битта-яримта аёл сизга ҳеч куракда турмайдиган ана шундай туҳмат гапларни қилаётгандир», деб қутулиши ҳам мумкинлигини ёки у ҳеч ўйлаб кўрмагани бошқа бир баҳонани рўкач қилишини, бундай ишларга эса у устаси фаранг эканини, бундай айёрлик эса унинг қўлидан келишини, ўшанда у Покизага: «Бўйнингни қаерда қизартирдинг?» деганида ҳам у тутқич бермаганини эслади, эсладию ичдан қийналса-да, хотинига нисбатан муомаласини, қарашларини ўзгартирса-да, ич-этини еб, унга нафратларини, ғазабини ошкора сочмаса-да, шанба кунининг келишини сабрсизлик билан кутди; ўша кунгача на юришида ва на туришида ҳаловат бўлмади, уни шайтон васвасага солиб, ҳар турли йўлларни кўрсатиб, хотинини дўппослашга, дўппослашдан ҳам бурун бола-чақасининг кўзи олди-

да шармандасини чиқаришга чақирди-ю, аммо бошқа бир куч уни сабр-тоқат қилишга, хотинининг ана шундай йўлга кирганини ўз кўзи билан кўриб, гувоҳ бўлиб, қўли билан ушлаб олмагунча бу гап-сўзларни, унинг вужудини ларзага солган хабарни сир сақлаб туришга ундади. У гарчанд шу кунлар ичида булар ҳақида хотинига чурқ этмаган, «Сен фоҳишасан, сен бузуқсан, сени уч талоқ қўйдим», деб очиқ айтмаган бўлса-да, ана шу гапни айтадирган бир ҳолатда юрди, жиззакилиги ортди, на ейишида, на ичишида ҳаловати бўлмади. Хотини билан бир ўринда ётишга ҳам ор қилди, унинг наҳс иши эрнинг тинчини бузди, муомалаларида хотинидан ҳазар қилиб ижирғанишини қўймади-ю, аммо бу нарсадан чурқ этиб оғиз очмади, фақат ўша шанба куни номаълум аёл айтган манзилга қизи ва ўғлини олиб бориб ана шуларнинг олдида Покизани шарманда қилмоқчи, ана шундан сўнггина бутун аламларидан тарқамоқчи, шундан сўнггина ораларини очмоқчи бўлиб, тишини тишига қўйиб чидаб юрди, бесабрлик билан ўша кунни кутишини қўймади. Аммо унинг учун энди яшашда мазмун қолмаганди. Одамлар юзига қараёлмади, гўё улар унга таъна-маломат тошларини отишаётгандай бўлиб кўринаверди. «Ҳа, ўл, ҳезалак, шу наҳсни ҳам хотин қилиб юрибсанми?», деяётгандай бўларди ҳар кўринган киши. Шунинг учун ҳам у ишхонасида ҳам, кўча-кўйда ҳам одамови бўлиб қолган, иложи бўлса одамлар билан гаплашмасам деб ўзини улардан нарироқ, панага олиб юрар, худди улар унинг устидан кулиб, мазах қилишаётгандай бўлиб кўрина бошлаганди. Нима қилишини, додини кимга ай-

тишини билмади, Санжар билан қизи Шаҳлога ҳам чурқ этолмади, чурқ этгудай бўлса ўзи туҳматчига айланиб, хонадонларида қиёмат-қойим бўлиши мумкинлигини, яна охир-оқибат ўзи айбдор бўлиб қолиши турган гаплигини ўйлаб тишини тишига қўйиб юрди...

Шанба куни пешиндан кейин уйига келганида қизи Шаҳлонинг оғзидан: «Ойим ишда ушланиб қолишлари мумкин экан», деган жумлани эшитгач бутун вужуди музлаб, анча пайтгача карахт бир ҳолатда турди, сўнгра эса, «Анави менга қўнғироқ қилган аёлнинг гапи чин экан, демак, бугун бу бузуқ ўша ўйнаши билан айш-ишрат қиларкан-да», деган хулосага келиб, типирчилаб қолди. Қизига бир оғиз сўз демади-ю, аммо ўғли Санжарни суриштирди. У ўғлини олиб бориб онаси нима иш билан шуғулланаётганини унга кўрсатмоқчи, унинг олдида, унинг гувоҳлигида хотинининг шармандасини чиқармоқчи, кейин талоғини қўлига тутқазмоқчи бўлди. «Шунда болалар менга бир оғиз сўз дейишолмайди, шунда у мегажин ўзининг шармандасини чиқаради, ўғлининг олдида ҳақиқий башараси очилади, ўзини абгор қилади», деб хулоса чиқарди.

– Санжар қаерда? – деб сўради қизи Шаҳлодан. – Кўча-кўйда ҳам кўринмади?

– Бувим чақиртирган эканлар, қуриган бир дарахт бор, шуни арралаб бер болам, деб, – деди қизи Шаҳло.

У қизи Шаҳлодан «бувим» деган сўзни эшитдию яна фиғони фалакка ўрлади, шайтон васвасага солишини қўймади. Бир томондан ҳозир қайнанасиникига бориб хотинининг саёқ юрганини билдирмоқчи ҳам бўлди, аммо айтгудай

бўлса кампирнинг ўтакасини ёриши мумкинлигини ўйлаб ҳозирча сир сақлашни, тўйдан илгари ноғора чалмасликни маъқул кўрди. Фақат ҳозир бориб у ердан ўғли Санжарни олиб, у билан нотаниш аёл айтган манзилга бормоқ ниятида қизига қараб:

– Бизнинг уйда ҳам бир қуриган дарахтни арралаш керак бўлади, шекилли, – деди, қизи Шаҳло унинг нимага шама қилаётганини, нимани назарда тутаётганини тушунмаганини юз ифодасида ва елка қисиш орқали билдиргач, «ҳа, қўявер мени», деган йўсинда қўл силтади-да: – Мен бориб Санжарни опкеларман, – дея ҳовлиққанча ташқарига югургилаб кетди.

Қизи Шаҳло дадасининг бир неча кундан бери ғалати бўлиб юрганини сезган эди-ю, аммо ҳозирги айтган гапини ҳам, «бориб Санжарни опкеларман», дея худди ортидан биров қувлаётгандай безовталаниб кўчага отилишини ҳам тушунмади. Отасининг ортидан қараб қоларкан, ўзи сезмаган тарзда: «Ишқилиб, охири яхшилик билан тугасин-да», деган жумла оғзидан чиқиб кетди. У ҳам дарвозага довур юриб борди.

...У ўғли Санжарни олиб айтилган ерга етиб келганида, ўша ўн икки қаватли бино орқасидаги машиналар қўйиш учун мўлжалланган тўхташ жойида ўша у бирда кўргани, телефонда нотаниш аёл айтган кўк «Жигули» турганини кўрдию бутун вужуди титраб, кейин эса оёқ-қўли бўшашиб, ўғли Санжарга ёш боладайин мўлтираб қараб қолди. Бошида нима қилишини билмади. Машинасини кўк «Жигули» турган ердан панароқдаги акас дарахти тагига олиб борди. Кўйлагининг кўкрак чўнтагидан ўша

аёл унга айтганда ёзиб олгани телефон рақамли қоғозни чиқарди-да, аввал ўша айтган рақамга қўнғироқ қилмоқчи, кейин бешинчи қаватга кўтарилиб эшикни тақиллатмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо ичидаги бошқа бир одам уни сабр қилишга чақирди. Ота-бола телефон қилишса, улар гўшакни олмаслиги, юқорига кўтарилиб эшикни қоқгудай бўлишса очмасликларини, иккинчи томондан, ён-атрофдаги қўшнилар олдида тўпаланг кўтармасликни, тўпаланг кўтариш бефойдалигини мувофиқ билдилар. Яна уларнинг тушиб келишларини кутиш кераклигини, ҳар икки бетавфиқ, беномус фосиқларни машинага ўтираётганларида қўлга тушириш айни муддао бўлишини келишиб олдилар...

Бир соатлар ўтгач, Санжарнинг тоқати-тоқ бўлиб, онасининг бундай пасткашликка бормаслигини отасига айтиб: «Балки сизни алдашгандир, бу ифлослик ойимнинг душманларининг ишидир», деб онасининг ёнини олган бўлиб, шунда ҳам ортиқ чидаб туролмай, ўша айтилган қаватга чиқиб, айтилган эшикни тақиллатмоқчи бўлиб, отасига қулоқ солмай машинадан тушиб, ўша бино томон юрмоқчи бўлиб турганида, унга қарама-қарши томондан онаси бир баланд бўйли йигит билан қўлтиқлашиб олиб шу ёққа – кўк «Жигули»га қараб юриб келаётганини кўрдию ўтакаси ёрилгудай бўлиб:

– Бундай бўлиши мумкин эмас, дада! – деб қичқириб юборди.

– Мен буни илгаритдан билгандим!.. – ҳовлиққанча машинасидан сапчиб тушиб кетди Сафар ака, сўнгра ўғлининг ортидан у ҳам бино тагида тақка тўхтаб қолиб гарангсираётган хо-

тини ва унинг жазмани бўлган ўша баланд бўйли йигит томон юрди.

Уларни кўрган Покизанинг эсхонаси чиқиб кетди. Яна тезда ўзини қўлга олишга тутинди-да, жазманига «сиз кетаверинг» ишорасини қилди.

Журъат унга еб қўйгудай бўлиб қарашаётган ота-боланинг ёнидан оёғи қалтираганча ерга кириб кетгудай бир аҳволда шошганча машинасига томон ўтиб кетди.

– Бу йигит билан нима қип юрибсиз, ойи?! – йиғламоқдан бери бўлиб онасига ўшқирди Санжар. – Сиздан сўраяпман?!

Покиза эри уларнинг орқасидан пойлаб келиши мумкинлигини сира кутмаган, яна ўзи билан ўғли Санжарни ҳам бошлаб келишини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Ана шу ҳеч кутмагани ҳодиса юз берганини кўриб: «Буларга, ҳойнаҳой, битта-яримта чаққан, бизларни кузатиб юрган, кетимизга тушганлардан бўлиши керак», деган хулосага бориб ўзини йўқотаёзди, аммо яна тезда устомонлик қилишга ўтиб:

– Муҳим иш юзасидан бир одамга учрашиб чиқяпмиз. Шу укамнинг иши билан, – дея ўзини оқламоққа уринди-ю, бироқ унинг сўзларига ўғли ҳам, эри ҳам ишонишмади. Шундан сўнггина Покиза ўзининг Журъат билан қўлтиқлашиб чиқиб чакки қилганини тушунди, ўзини енгилган ҳис этиб, ерга қаради.

– Суф-е сизга ойи! Қўлтиқлашиб олиб иш битирасизми?! – ўзини қўярга жой тополмади Санжар. – Исмингизга ярашиқ иш қилсангиз бўлмасмиди?! – у шундай деб Журъат томон ҳезланиб бормоқчи бўлган эди, отаси билагидан тўхтатиб улгурди.

– Ҳамма иллат мана бу бузуқ онангда! Ғунажин кўзини сузмаса, буқа арқонни узмайди, ўғлим! – деди Сафар ака. – Ҳамма иллат сен паразитда! Санжар тўғри айтди, «Покиза» деган исм сенга ҳайф!..

– Мен бориб уни ўлдираман! – деб яна онасининг жазмани кетган томонга ошиқди Санжар. – Мен бундай шармандаликка чидолмайман!..

– Қўй-қўй, борма! – ўғлининг қўлидан ушлаб қолди Сафар ака, шу дамда нима учундир ундаги хотинига нисбатан бўлган ғазабланиш, нафратланиш ҳислари йўқолиб, ўрнига жирканиш ҳисси пайдо бўлиб улгурганди. – Сенинг ана шундай ҳаром ишлар қилиб юрганингни юрагим сезарди Палид экансан, палид!..

– Ҳа, ифлосман, палидман! – йиғлаб юбораёзди Покиза. – Сизни севолмаганим учун шундай қилдим!..

– Мени севолмаганинг учун эмас, ўзингнинг нафсингни тияолмаганинг учун шундай йўлга киргансан! Ҳеч бўлмаса мана бу фарзандларингни ўйламайсанми?!

– Фарзандларимнинг ҳузури ўзига! – деб юборди Покиза, сўнг эса ўйламай айтиб юборган ана шу сўзлари учун тилини тишлади.

– Сизга шундай ҳузур керак экан-да, а? Шунақа йигитлар керакмиди?!

– Онанг ҳаётдаги ҳузур-ҳаловатни шунақа нарсаларда деб билади, Санжар, – ўғлига қаради Сафар ака, ортидан эса хотинининг упаэлик суртилган юзига жирканиб боқди: – Мен сендақа хотинни уч талоқ қўйдим, кетавер ўша жазманинг билан!..

– Уят сизга ойи, одамларнинг юзига қандай қараймиз?! – йиғлаб юбораёзди Санжар. – Лолага энди нима дейман?!

– Ҳаётингизда биринчи марта эркак одамнинг ишини қилдингиз! Мен талоқ қўйишингизга лойиқман! – деди Покиза. – Нима қилсанглар қилаверинглар!..

Санжар яна машинасини буриб кетиб қолмоқчи бўлган Журъат томон ҳезланаётган эди, отаси нечанчи бор унинг тирсагидан тўхтатиб улгурди:

– Қўй ўғлим, бориб нима қилолардинг, аввало мана бу онангни Худо уриб қўйган бўлса!..

Журъат машинасининг сигналини чалиб Покизанинг диққатини ўзига қаратмоқчи, бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо аёл ўша ёққа қарамади, тўғрироғи, ўша ёққа эътиборини қаратадиган аҳволда эмасди. Сафар ака ва ўғли дарғазаб бўлиб энди у томон юрмоқчи бўлишган эди, Журъат қўрқиб кетди-да, машинасини орқаси билан юргазиб тўхташ жойининг нариги томони билан ғизиллатиб чиқиб кетди.

– Ана, сени опкетмоқчи эди! – деди Сафар ака, хотинининг сур башарасига истеҳзоли боқди.

– Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ, ҳеч кимнинг! – айюҳаннос солиб йиғлаб юборди Покиза. – Ҳеч қайсингни кўришни истамайман! Йўқолларинг, йўқол ҳамманг, деяпман!..

– Юр, Санжар, кетдик, – деди Сафар ака, ўзининг феъл-атворига хос тарзда нафрат, жирканиш билан хотинига боқди, аммо унга қўл кўтаролмади, ҳатто бу ҳақда ўйламади ҳам, фақат ўксинган бўлди: – Эсиз, эсиз болалар! Эсиз умрим!..

– Менга сиздай онанинг кераги йўқ! – деди Санжар, кейин онасидан юз ўгириб машиналари томон кетди.

– Тағин уялмай-нетмай ўшанда: «Биз бола-чақанинг ташвишини қиладиган ёшдамиз»,

дейсан-а! – деб Покизанинг ўғли Санжар учун совчиликка кетиш олдидан уни чалғитиш мақсадида айтган гапларини қайтарди Сафар ака, сўнгра у ҳам ўғлига эргашди.

Покиза нима дейишини билмади, ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча турган жойида ҳайкал мисоли қотиб қолди. Эри ва ўғли машинага ўтиришиб қуёш уфққа ботаётган томонга қараб кетишди. Покиза ботаётган қуёшга анчагача тикилиб қолди. Бу унинг ботаётган қуёшидай, сўнаётган қуёшидай бўлиб кўринаверди. Бундан буён нима қилишини, қандай яшашини билмади. Ўзи ўйлагани, кўпинча қўрқиб юргани воқеа юз берганди. Ана шу нарсанинг олдини олиш мумкин бўлатуриб ололмаганидан афсус-надоматлар чекди, аммо энди бу чеккани афсус-надоматлар уч пулга чиққанини, энди кечикканини, жуда кечиккани англади. Тақдирга тан бериб, Рашид Нўъмонович замонидан унга мерос қолгани икки хонали уйига қайтди.

74

Журъатни бир нарса қийнаб, ваҳимага солиб келаверди: у ҳам бўлса ким Покиза билан унинг дон олишиб юрганларини фош этди экан? У бошида бу ишни Мадина опадан кўрди, чунки фақатгина ана шу аёлни бу ерга олиб келганди; бироқ бу асоссиздек кўринди, Мадина опанинг Сафар акага уларни чақишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмади, устига-устак, у аёл Покизанинг эрини танимайди! «У бошқа ҳамма ишни қилиши мумкин-у, аммо сотқинлик қилиши мумкин эмас, бунчаликка бормайди! Борган тақдир-

да ҳам мени огоҳлантирган бўларди! «Сенинг устингдан шундай иш қиламан, мана кўрасан!» дерди! Йўқ, анави нияти амалга ошмагани учун шу ишни қилдимикин? Унда Сафар ака билан уни ким таништирди экан? Мана шу томони жумбоқ-да!», дея турфа ўйлар, фаразлару шубҳалар қилиб келаверди, мазкур шубҳалар унинг хаёлини Сокина хоним томон етаклади. «Ё кампиршодан келган ҳунармикин? Бундайин фитналарга ана шу чаён қодир! Шунинг ишига ўхшайди! Фақатгина у ва Мадина опа билишарди бу хуфия квартирани!», дея ўй суриб кетди-ю, аммо бу икки «алвасти»нинг тил бириктириши мумкинлигини сира ҳам ақлига сиғдиролмади, чунки Сокина хоним илгарилари гарчанд Мадина опа билан яқинлашган, ҳатто, иккови яқин дугоналардай ош-қатиқ бўлиб юришган пайтлар ҳам бўлган бўлса-да, кейинчалик бу алоқалари узилиб кетганини бир марта Мадина опанинг оғзидан эшитган эди. «Ёки бу ерда Жамшид ва Акобировнинг қўллари бормикин?!» Унга ана шундай бўлиб туйилаверди, лекин у Жамшидга Покиза икковларининг алоқаларини сира айтмаганди. Жамшид, Акобиров ё бўлмаса Мадина опа учовлари тил бириктиришлари мумкинлиги эса сира ақлига сиғмади, «Бундай бўлиши ҳечам мумкинмас! Мадина опа қандай қилиб улар билан топишиб олади? Иннайкейин, Акобиров ва Жамшиднинг бундан бошқа ишлари йўқми?! Нима бўлганда ҳам ёмон бўлди! Нима бўлганда ҳам қўлингдан нима келарди? Айбдорларни бир нима қилолармидинг? Ўзи бу ёқдаги ишларинг хуржунлашиб ётган бўлса! Энди биттаю битта эрмагинг – Покизадан ҳам жудо бўлдинг! Жудо

бўлиш майлику-я, аммо бу ёғи энди тинчиб кетсин-да! Бу ёғи энди босди-босди бўлсин, йўқса жанжал авж олиб кетиши мумкин-а! Унда бутун шаҳарга ўт кетади-я!..». У ана шундай ҳар турли ўйларга бориб, турфа хаёллар гирдобида қандай қилиб яна Лабзакка айланиб қайтиб бориб қолганини билмади. «У шу ерда бўлса керак? Ҳойнаҳой эри ва ўғли уни ташлаб кетишган бўлса керак? Ҳа, у шу ерда!», деган ўй билан машинасидан шахт билан тушди-да, ҳеч ўйлаб ўтирмай бешинчи қаватга кўтарилиб Покизанинг уйини тақиллатди. Лекин Покиза уни уйига киритмади, «Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ! Йўқолинг! Уйимни куйдирган сиз бўласиз! Йўқол!..», деб уни ичкаридан туриб қувиб солди. Журъат унинг эри Сафар ака бу учрашувларини қандай билиб қолганини сўраганида, Покиза эрининг анчадан бери ундан шубҳаланиб юришларини дастмоя қилиб кўрсатганидан сўнггина Журъат бу ишга ҳали йўлда у гумонсирагани, хаёлидан ўтказгани одамлар аралашмаганини, Покизанинг эрининг ўзи кетларидан тушганини сезиб тинчиди, аммо у бир томондан бундан буён Покизанинг боши очиқлигидан қувонса, иккинчи томондан, бу воқеа эл оғзига тушиб, бундан ҳам каттароқ фожиа юз беришидан қаттиқ чўчиди. Ортиқ Покизага тиқилинч қилмай, қўлларини шимининг киссасига суққанча хомуш бир қиёфада зиналардан пастга қараб тушиб кетди.

У ана шу ҳолатда қандай қилиб уйига етиб борганини ҳам билмай қолди. Машинасини дарвозадан ичкарига олиб кираркан, «Шу воқеа ёпиғлиқ қозонлигича қолса бўларди-да, агар буни бошқалар билгудай бўлса батамом шарманда бўла-

ман-да! Ана унда бутун шаҳарга шарманда бўлдинг деявер, Журъат, нима жин уриб шу бугун учрашақолдинг? Покизани иккинчи бор кўрмасам ҳам майли, фақат шу воқеа одамлар орасига тарқамаса бўлди эди?!», дея ўй ўтди хаёлдан, у бугун юз бергани мана бундай шум воқеа фақат аёлнинг оила доирасида қолишини истар, унинг мана бу Жамшид воқеасидан сўнг иккинчи бор Журъатга алоқаси бўлган жанжал-суронга айланиб, бутун қариндош-уруғларига, яна бошқа тарафдан, Покиза ва Сафар акаларнинг яқинларига ҳам ёйилиб кетишидан, айниқса, чўчиди. Унда ўз-ўзидан бутун элга достон бўлиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, ҳар турли ваҳимали ўйлар вужудини кемиришини қўймади.

– Ана, даданг келяптилар, – деб қўлларини белига қўйиб эридан аразлагандай бир ҳолатда болаларини ёнига чақириб Журъатни кутиб олди хотини, сўнгра эса эрининг қўлида турган халтадаги сочиқ-сучуқларга ишора қилди: – Билмайман кимлар билан айш-ишрат қилиб келяптиларкин... Мени уйга ўтқизиб қўйиб ўзлари истаган аёлнинг қўйнига кириб чиқаверадилар!..

Журъатга хотинининг иддаоси таъсир қилиб, «у билиб қолибди-да!», деб мулоҳазаланиб бир томондан вужудини ўзи сезмаган аллақандай қўрқув қамраган бўлса-да, иккинчи томондан, хотинини у сира ўзига бундай бетгачопарлик қилишига йўл қўймаганди, шунинг учун ҳам унинг оғзига ургандай тарзда ўшқирди:

– Нима, сен мени бировнинг қўйнида ётганимни кўрдингми?! – деб унинг тирсагидан силтагудай бўлиб ушлаб олди-да, ичкарига итариб олиб кирди: – Нима қиласан ҳовлида айюҳаннос

солиб?! Нима ўзи сенга етмайди?! – деб унинг битта қилиб ўрилган, белигача тушадиган сочларини қўлига бураб олиб, пастга тортиқлай бошлади, бурашга тушди.

Ўғли Ханжар ва икки қизи Журъатнинг қўлига ёпишишди.

– Дада, қўйиб юборинг ойимни!.. – дўрилдоқ овозда унинг билагидан пастга тортди Ханжар, онасининг сочларини отасининг чангалидан юлқиб олишга, шунинг баробарида, энгашиб олган онасига озор бермасликка тутинди у.

Журъат ўғлининг қўлларидан ушлаб нарига итариб юборди, кейин яна хотинига хезланди:

– Нима, сен мени биров билан тутиб олдингми? – дўқ урди унга, хаёлидан бир онда Покиза икковини аёлнинг эри тутиб олгани ўтди, ўтдию гўё улар иккови орасидаги муносабатлар ошкора бўладигандай, «қўрқоқ олдин мушт кўтарар» қабилида у ҳам хотинига мушт кўтариб: – Ҳозир Зоҳидга телефон қилайми, айтсинми қаерда эканимизни? – деб уни қўрқитмоқчи бўлди. – А, қаерда эканимизни билмоқчимисан?!

– Биламан, Зоҳид ака билан тилинглар бир, у айтмайди сизнинг қаерда бўлганингизни! – бўш келмади Гулчеҳра, эрининг бақувват чангалидан юлқиниб чиқиб кетди.

– Ҳей, манжалақи, – деб яна хотинига ўшқирди Журъат, сўнг эса ўғил-қизларини ичкари уйга ҳайдаб киргизди. – Нима қиласан болаларнинг олдида ҳар хил бўлмағур гапларни айтиб! Нима қиласан уларнинг мурғак кўнглига ғулғула солиб, қалбини жароҳатлаб! Менга ҳозир аёллар билан дон олишиш ёқадими?! Ўзи у ёқда бутун бошли дўконимдан айрилай деб турибман-ку!..

– Бўлмаса қаерда эдингиз? Мана бу нарсаларни кўтариб келдингиз? – ҳоври сал пасайди Гулчеҳранинг. – Бекорга буларни кўтариб келмадингиз!

– Нима, сенга ҳисобот беришим керакмиди? Шунча пайтдан бери айтиб келармидим?! А, қаерда юрганимни айтармидим?!

– Ўйнаш ўйнаб юрганингиз учун айтмайсиз-да! – йиғи-сиғи қилишга тушди Гулчеҳра. – Шу умидлар билан бир ёстиққа бош қўйганмидик?! Ота-онамнинг кўчада қолган қизи эмасдим!..

– Саунага тушдик, тушундингми?! Кимлар билан тушганимниям айтайми?! – дўқ-пўписа қилишга ўтди Журъат. – А, шуни билмоқчимисан?!

– Сауна баҳона дийдор ғанимат!

– Ҳей, қўлингдан келганини қил, билдингми?!

– Қўлимдан келгани болаларни олишу, онамникига кетиб қолиш!

– Истаганингни қилмайсанми? Ойингнинг кўзи учиб турибди-да сенларга, а?! – хотинига паст келмади Журъат, шунинг баробарида, ташқи авзойини киноялы бир тарзда ўзгартирди. – Нима ўзи сенга етишмайди? Истаганингни олиб берсам, уст-бошингнинг ялтир-юлтурини қара, бўйнингга мана бундай занжирлар тақиб қўйганим, тишларингни ялтиратиб қўйганим етмайдими? Бошқа аёллар бундай юришни тушларида орзу қиладилар-а, сенга ўзи нима етишмайди?!

– Бундай қўғирчоқ бўлиб уйда ўтиришнинг менга кераги йўқ! – ҳўнг-ҳўнг йиғи қилишга тушди Гулчеҳра. – Мениям тушунишларини, мениям ҳис-туйғуларим билан ҳисоблашишларини, мениям инсон эканлигимни, одамларга керак эканлигимни тушунишларини истайман! Кесак эмасман-ку, ахир!..

– Нима, кўча аёлларига ўхшамоқчимисан? Кўчага чиқариб юборайми?! – заҳархандалик билан кулди Журъат, айни пайтда хаёли яна Покизага кўчди: «Нима қилаётганийкин? Уйига олиб кетишдимикин?!..»

– Мени тушунишларини истайман, менгаям қулоқ солишларини, мениям одам ўрнида кўришларини, ҳа, ҳа, одам деб билишларини истайман! Мениям қип-қизил қонга тўлган юраккинам бор, ахир!..

– Сенга қулоқ соладиган аҳмоқ йўқ! – деди Журъат, туйқус яна Покизадан хабар олишни кўнглига тугди. Нима учундир аёл шу дамда унга интизордек, ёлғиз ўзи унга маҳтал бўлиб кўзи тўрт ҳолда ўтиргандай бўлиб туйилди. Нима учундир унга телефон қилгиси, ундан хабар олгиси хуружини бошлади. «У квартирага энди эриям, ўғлиям қайтиб бормайди. Уларга Покиза керакмас, у энди ёлғиз меники, менга керак, холос», деб хулосаланди. Гарчи аёл «Менга ҳеч кимнинг кераги йўқ», деган бўлса ҳам уни ёлғиз қолдиришдан чўчиди, юраги хаприқиб кетаверди. Қандайдир бошқа куч уни яна ўша, бундан уч-тўрт соатлар бурун шармандаси чиққан жойга боришга ундайверди... У хотини билан бошқа айтишиб ўтиришмади, ётоқхонага кириб кийимларини алмаштириб чиқди-да, хотинининг: «Яна қаерга кетяпсиз?», дейишига, «Ишинг бўлмасин, хушласанг шу, бўлмаса катта кўча!», деди-да, уяли телефонини қўлига олиб ҳовлига чиқди, дарвозани яна қайтадан очиб, машинасини орқаси билан ҳайдаб кўчага чиқиб кетди...

75

Муяссар Чилонзор бозорининг орқа қаторидаги торт, ҳар хил ширинликлару пишириқлар тайёрлаб сотадиган аёллардан сўраб-суриштириб Мактубани топди. Мактуба ҳаммадан чеккада, Суръатнинг хотини Шоҳида билан ёнма-ён дастурхон учун қўйиладиган майда ширинликлар сотаётган экан. У бу нотаниш жувон нима учун унинг олдига келганини бошида тушунмади. Муяссар «бир беш дақиқага вақтингизни оламан-да», деганидан сўнг Мактуба катта кўк сирли тоғорада ушлаб тургани ширинликларини Шоҳиданинг қўлига топширди-да, исмини Муяссар деб таништирган унга ўхшаш бежирим жувон иккови сал наридаги панжара ортига, теварак-атрофини соя қилиб турган катта қайрағочнинг тагига ўтдилар.

Муяссар гапни узоқдан бошлаб:

– Менинг турмуш ўртоғим... анча бўлди вафот этганлар. Юраклари хуруж қилиб оламдан ўтганлар, – деди-ю, юзлари бужмайиб кўзига ёш олди.

– Эсиз, – дея уни юпатган бўлди Мактуба, – сизам ёш бўп туриб менга ўхшаб бахтсиз экансиз.

– Ҳа, опа, Оллоҳнинг иродаси, – бош тебратди Муяссар. – Мени сизнинг олдингизга бир андиша олиб келди.

– Қандай андиша экан? Кейин мени қандай танидингиз, сизни ўзи менинг олдимга ким юборди?

– Ҳа, дарвоқе, боя айтганимдай исмим Муяссар. Мени сизнинг олдингизга Зоҳид ака юбордилар. Андишамнинг боиси, бир одамга турмушга чиқмоқчи эдим, шу одамни... тўғрироғи Ҳикмат акани... қисқаси, у йигит сизнинг би-

ринчи оилангиз экан-да! – тутилиб-тутилиб сўзлади Муяссар, сўзлар экан худди ортидан уни ёв қувлаётгандай ичи пишиб кетаверди.

– Зоҳид ака: «Шу аёлдан сўранг унинг қандайлигини?» дедиларми? – сўради Мактуба, бир томондан ўзининг олдига бу аёлни ана шу масала бўйича юборгани учун Мирзоҳиддан норозиланди ҳам.

– Сиз тўғри тушунинг, мен дори олгани уларнинг олдиларига киргандим, Ҳикмат аканинг машинасида боргандим. Зоҳид ака уни таниркан, менинг ҳам оилавий шароитим билан таниш эди...

– Сизни Зоҳид ака қаердан танийди? – Мирзоҳидни бу аёлдан қизғангандай бўлиб сўради Мактуба, хаёлидан бир онда у билан «Шаршара»га борганида собиқ эри Ҳикматга йўлиққанлари, унинг кўтарган машмашаси ўтдию юраги орқасига тортиб кетди.

Муяссар бу аёлга Мирзоҳид у ва дугонаси Сурайёни машинасида Қатортолга ташлаб қўйганини айтмади, унинг суриштиришида бўлак бир мазмун борлигини туйгани учун ҳам:

– Узоқроқ қариндошчилигимиз бор эди, – деб ёлғон сўзлади.

– Ҳа, қариндошмисизлар? – чеҳраси хиёл ёришди Мактубанинг.

– Шу Зоҳид ака бу йигит сизга бўлмайди, дедилар-да, – деди Муяссар, кейин кўзлари ёшланди. – Менинг биринчи эрим яхши одам эди, аммо юраклари туғма парок бўлгани учун уч йил атрофида турмуш қурдик-у, аммо умрлари қисқа экан...

– Ҳа, сизам жабр кўрган, жафо чекканлардан экансиз. Фарзандингиз йўқмиди?

– Йўқ, – деди Муяссар, – у киши...

– Тушундим, – деди Мактуба, сўнг эса, ўз дардини очди. – Бу жувонмарг отдай бўп туриб ўзини хароб қилиб юрибди. Анави нарсага ружу қўйган, ичкилик ўлгурга. Уям етмагандай, наркоманлик томонлари ҳам бор... иккита қизим билан ажрашиб ўтирибман-да!.

Мактубанинг сўнгги гапларидан Муяссарнинг ўтакаси ёрилгудай бўлди.

– Вой ўлай, Худо бир асрабди-да мени! – дея ёқасини чангаллади.

– Қўли ўлардай югурдак. Анавини ичвогандан сўнг кўзига нафақат хотин, бола-чақаси, ота-онасиям кўринмайди... Бунинг ит феълига беш-олти йил мен чидаб келдим-да, бошқа одам боласи чидолмасди. Охири дадамга: «Олиб кетинглар, йўқса ўзимни бир нарса қилиб қўяман», деганимдан сўнг иккита болам билан ажратиб олишди... Ҳе, йигит ўлсин илойим, оппоқ пахтадеккина жувон экансиз, сизгаям бошқа насиб қилгани бордир, нима қиласиз ўн гулингиздан бирини сўлдириб... Қўйинг, у йигит ўлгурга «йўқ» деб жавоб бериб юборинглар. Ҳали нима, ўттизга тўлмагандирсиз?

– Йўқ, йигирма еттидаман, – йиғламоқдан бери бўлиб жавоб қайтарди Муяссар. – Беш-ўн кун илгари шу ёшга тўлдим.

– Ҳали сизга шундай шаҳзода йигитлардан келадики...

– Шаҳзода бўлмасаям, инсофлиси бўлса бўлгани, Мактуба опа, – деди Муяссар.

– Инсофлиси топилиб қолади, – кўнглини кўтарди Мактуба. – Эркак зотининг уруғи қуриган эмас-ку!

– Тўғрику-я!..

– У жувонмарг Ҳикматга текканингиздан кўра, бошқа эркакка иккинчи ё учинчи хотин бўлиб текканингиз тузук, энди тушунгандирсиз... Менинг бутун умримни хазон қилган ана шу йигит ўлгур бўлади.

– Тушундим, – деди Муяссар, кейин хижолат чеккандай бир қиёфада Мактубадан узр сўради: – Сизниям ишдан қўйдимми? Фақат шу гап шу ерда қолсин, опа.

– Нима, мен у отинг ўчкурга «сени мендан суриштириб келдилар», дермидим, – истеҳзоли кулди Мактуба. – Иккинчи бор унинг бетини кўрмасам дейман-ку ахир!

Муяссар «бу гапни Зоҳид ака айтдилар», дея олмади, Мактуба «нега бунча Зоҳид акага ёпишиб олди», дейишидан хижолатланди, шу важдан ҳам:

– Йўқ, энди ўзингиз биласиз-ку, – дейиш билан чегараланди.

Мактубага Муяссарнинг сўнгги гапи мужмал кўринди. Шунинг учун ҳам:

– Тағин ўзингиз биласиз, синглим, ҳаёт қурадиган сизсиз, тағин собиқ эрини қизғаняпти деб ўйламанг,– деди Мактуба, қисқа кулди: – Мен фақат сизга яхшилик истайман, холос.

– Мен сизни тўғри тушундим, опа, – деди Муяссар, уни ишдан қўйгани учун узр сўраркан: – Палакатимни Худонинг ўзи аритди, – деб қўшиб қўйди, шундан сўнггина Мактуба билан хайрлашиб, метро томон юрди.

Мактуба қайтиб бозорга кирганида Шоҳиданинг ёнида эри Суръат ғўдайиб туриб, тоғорадаги Мактубага қарашли ширинликларини кекса бир кампирнинг сумкасига солаётганининг гувоҳи бўлди.

– Сизларниям уринтириб қўйдимми, – деди у, Суръатдан узр сўради.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Суръат, кекса кампир дастрўмолидан олиб, титроқ қўлларида санаб унга тутқазган пулларни Мактубага берди, кейин эса бу аёлни қаерда кўрганлигини эслашга тутинди, унга халал бермаслик учун хотинининг бу ёнига ўтди.

– Ҳа, тинчликми? – сўради Шоҳида. – Нима учун сизни сўраб келган экан у жувон?

Мактуба Шоҳида унинг нарсасини сотиб турган бўлгани учун ундан яширолмади, тўғрисини айтиб қўя қолди.

– Бу жувонга менинг аввалги турмуш ўртоғимдан совчилар келаётган экан, бир танишим олдимга юборибди.

– Эркакми, аёлми? – сўради Шоҳида.

– Аёлларни биласиз-ку, юборармиди?! Аёл – аёлга бунақа масалада яхшилик истармиди?!

Бирдан Суръат бу аёлни таниди. «Зоҳид ака билан «Шаршара»да ўтирган жувон-ку, Ҳикматнинг биринчи хотини!», деган ўй хаёлидан ўтди, вужуди қулоққа айланиб, аёллар гапини тинглади.

– Бу жувонга «у йигит сенга эрлик қилмайди», деган бўлса керак-да!

– Ҳа, худди шундай! У жувонмарг, – дея Суръатга бир қараб олди Мактуба, сўнгра овозини пастлатди: – Мени умримни хазон қилди-ку, энди бу жувоннинг қадрига етармиди... алкаш ўлгур, энди эшитишимча «қуруғи»га ҳам ўтганмиш... анави ҳидлайдиганига!..

Шоҳида эрига бир қараб олди. Суръат типирчилаб қолди. «У аёлга бунинг манзилини Зоҳид берган бўлса керак, у одамларга яхшилик қилиш

ўрнига ёмонлик истаб юради. Тезда, зудлик билан Ҳикматга айтиб қўйиш керак», деган ўй хаёлидан бир сонияда ўтиб улгурди. Унинг пайтавасига қурт тушди, яна устига-устак шу пайтда боши гарангсиб, гунг бўлиб қолаёзди: Ҳикматнинг биринчи хотинидан «қуруғи»дан ҳам тортаётганмиш» деган жумлани эшитиши ҳамоно унинг ҳам ўшандан ҳидлагиси келиб кетди, бу гиёҳванд модданинг хумори тутди. «Ҳозир Ҳикматга бориб шу гапни етказаман, эвазига бир ўрашлик «оқи»дан беради, бир хумордан тарқайман-ку», деган хаёлга борди-да, типирчилаб қолди. Аёлларнинг сўзини бўлиб:

– Гапингларни бўлдим, Шоҳида, мен бир жойга боришим керак эди, – деди-да, кетиш тараддудига тушди.

– Анави нима бўлди? Ипподромдагиларнинг қарзи? Ҳечқурса беш минг сўмини обориб туринг, – деди Шоҳида, эрининг дабдурустдан жўнаш тараддудига тушиб қолганидан ажабланди.

– Қани бўл, бер, бўлмаса уни ташлайман-да, кейин ўтиб келарман ўша жойга, – деди Суръат, ичдан шошиб кетаверди, тезроқ бориб ўша «нарса»ни мириқиб ҳидлагиси келаверди, шу дамда хумори тутгандан тутар эди.

– Тағин бошқа ёқларга бориб юрманг, – эрини огоҳлантирди Шоҳида, хаёлидан бир онда: «Тағин ўша нарсанинг хумори тутгани учун типирчилаб қолмадимикин?», деган ўй ўтди, ўтдию шуни айтмоқчи ҳам бўлди-ку, аммо ёнидаги Мактубадан ийманди, «Бунинг эриям ўша нарсага суяниб қолган экан деб ўйламасин», деган хаёлга борди.

– Йўқ, мол олгани бораман деяпман-ку, ҳозирги айтганларинг молидан бермай қўйишди-ку!

– Қарзимиздан қутулайлик, яна бериб қолишар. Тушунадиган одамлар-ку, – деди Шоҳида, кейин эрининг қўлига беш минг сўм тутқазди.

Суръат пулни шимининг киссасига солди-да, худди ортидан ёв қувлаётгандай хотини ва Мактуба билан хайрлашиб бозордан йўрғалаб қолди.

76

Мирзоҳид шу кеча сира ухлаёлмади: у ёнига ағдарилди, бу ёнига айдарилди – ҳеч бўлмади, бирпасгина кўзи илинса, тушига ҳовлисининг ёнидаги ёнаётган вагонча, дам эса Мактубага бақираётган сурбет Ҳикмат кириб чиқаверди. Фақатгина тонгга яқин кўзи илинди. Икки соат ухлар-ухламас чўчиб уйғонди, нима учундир яна Ҳикмат билан муштлашган сайҳонликда югуриб юрганмиш-ку, сариқ «Москвич»да ҳув бирда уни ўша ерга олиб бориб қўйган Турғунбой ортидан машинасида қувлармиш...

У тезда ювинди-да, чала-ярим нонушта қилгач, хотини дазмоллаб қўйган кўйлак-шимини кийиб, қўлига уяли телефонини олиб, залдаги тўгарак стол устида турган машинасининг калитини яқинда Журъат иккови тиктиргани оқ шимининг киссасига солиб, ўғли Дилшоднинг «дада, менга оқ опкелинг!», деб унга суйкалишига ҳам аҳамият бермай ташқарига ошиқаётганида, хотини Замира уни йўлдан тўхтатиб:

– Нега бунчалик шошиляпсиз, ишга ҳеч бунақа шошмасдингиз-ку? – деб сўради.

– Ҳар хил алғов-далғов тушлар кўрдим, ҳовлидан бир хабар олай-чи, – деди Мирзоҳид, Замиранинг жавобини кутиб ҳам ўтирмай ташқарига отилди.

У Белтепага етиб борганида кўча оғзидан бир ўт ўчирувчи қизил юк машинаси чиқиб келаётганини кўрди-ю, юраги шиғиллаб кетиб, темирчининг босқонидек гурс-гурс тепа бошлади. У қандай қилиб машинасини ҳайдаётганини ҳам, қандай қилиб ҳовлисига яқинлашиб қолганини ҳам сезмади. Қай кўз билан кўрсинки, ҳовлисининг паст томонидаги вақтинча қургани уйларнинг томи ёнаётганини, уни ўт ўчирувчи машинада келганлар қалин шлангда сув пуркаб ўчиришаётганининг гувоҳи бўлди. Кенг кўчада ўн-йигирма чоғли одам йиғилган, улар орасида қўшнилари Мирсодиқ ака, Илёс акалар ҳам туришганини кўрди. Мирсодиқ ака миршаблар кийимидаги икки-уч одамга бир нималарни тушунтирарди. Мирзоҳид улар орасида Ўлмас Козимов ҳам борлигини кўрди, кўрдию бир томондан кўнгли сал тинчиса, иккинчи томондан бу фалокатнинг сабабчиси Ҳикмат эканини сезиб, ич-ичдан сиқилиб, фиғони фалакка етди.

У машинасидан тушиб, улар томон ошиқаётганида дарвозанинг калитини олмаганини, уни уйида қолдириб келганини эслаб, кўнгли янада хижил бўлди.

– Ана, Зоҳиджоннинг ўзи ҳам келди, – деди Мирсодиқ ака, сўнг эса шоша-пиша бўлган воқеани тушунтиришга ошиқди: – Яхшиям кучукка овқат беришга кеп қолдим, бўлмаса сизнинг ҳам, менинг ҳам мана бу кўча томондаги уйларимизниям ёқиб юборар экан, падарлаънати анави лўли! – деб икки-уч бор ана шу жумлани қайтарди.

– Лўли дедингизми? – сўради Мирзоҳид, юраги яна «шиғ» этди. – Бадир эмасмиди мабодо?!

– Худди ўша! – деди Козимов, Мирзоҳид билан қўл бериб кўришди. – Нима, бировда гумонингиз борми?

– Ҳикмат, уни Ҳикмат ёллаган! – бақириб юборди Мирзоҳид, сўнгра Мирсодиқ аканинг ҳовлиси орқасига – сайҳонлик томон ўтиб, у ер орқали вақтинча қурилган уйи орқасида куймаланаётган ўт ўчирувчилар томон ошиқаётган эди, Козимов уни йўлдан тўхтатди.

– Қўрқманг, фақатгина уйингизнинг томи ёнибди, пастга ўтган эмас, сизникидан ҳам кўра мана бу қўшнингизникига кўпроқ шикаст етибди, – деб Мирсодиқ акага ишора қилди Козимов. – Шамол чап томонга эсгани учун аввал бу кишининг томига урибди... Бадирни опкетганмиз, изоляторда ётибди. Бир-икки нарсаларни аниқлаб олишимиз керак.

– Мен уни сизнинг томингиздан пастга тушаётганида ушлаб олдим. Яхшиям ўғлим икковимиз келган эканмиз, – деб фалокат сабабини тушунтиришга тушди Мирсодиқ ака, айни пайтда ўзининг ҳам уйига шикаст етганидан қаттиқ сиқилди.

– Бадирда менинг хусуматим йўқ, ҳаммасига Ҳикмат айбдор! У Бадирга «дори» бериб: «Шу ишни қиласан!», деб ундаган бўлиши керак! Бу шундай бўлган! Шундай бўлгани аниқ!..

Ўлмас Козимов ёнидаги миршабларга Ҳикматнинг уйини тушунтирди. Улар орқа томондаги кўчага қараб кетишди. Шериклари кетганидан сўнг Ўлмас Козимов ён-атрофдагиларни тарқалишга чақирди. Беш-ўн чоғли одам воқеани ўзаро таҳлил қилган бўлиб нари кетишди. Мирсодиқ ака ва икки ўғли, Илёс ака ва Мирзоҳид қолишганида Козимов уни сал четроққа бошлади-да:

– Ўша жанжалдан кейин Ҳикмат билан бошқа пачакилашмовдингларми? – деб сўради.

– Йўқ, айтишиб қолмовдик-ку, аммо-лекин у мени бир одам билан бир жойда кўриб қолувди.

– Тушунмадим, – деди Козимов, ўзининг таажжубланаётганини кўз ва қоши орқали маълум қилди.

– У мени қўйиб юборган хотини билан «Шаршара»да ўтирганимизда кўриб қолиб... Мен у аёлни тўғри кўнгилда меҳмон қилаётувдим... ўша ерда собиқ хотинини ичволиб тоза ҳақорат қилувди.

– Бошқа ҳеч нима юз бермовмиди? У ердан тинчгина кетувдингларми?..

– Ҳа, уни бир жингалак соч оғайниси бизнинг ёнимиздан олиб кетувди, – деди Мирзоҳид, хаёлидан бир сонияда: «Ҳалиги Муяссарга айтган гапларимни билиб қолмадимикин? Ўшани билиб қолиб, шу ишларни қилмадимикин? Наҳот, Муяссар унга айтган бўлса, наҳот, ўша куни айтганларимни оқизмай-томизмай унга етказган?! Йў-ўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, сира мумкин эмас!», деган ўй ўтди.

– Шунинг учун у Бадир лўлини гижгижлатган деб ўйлайсизми? А, шундайми?!

– Ҳа, бунга аминман! Бошқа ҳеч ким қилиши мумкин эмас!.. – деди Мирзоҳид, яна пича Козимовнинг саволларига жавоб бериб турган эди, у ёқдан Козимовнинг шериклари Ҳикматнинг қўлини боғлаб олиб келиб қолишди. Ўғлининг ортидан Наримон ака, хотини йиғламоқдан бери бўлиб судралиб келишди.

Козимов Мирзоҳидга қараб, кўрсаткич бармоғини лабига олиб бориб, билан жим туринг деб имо қилди, сўнгра қўллари боғланган Ҳикматга юзланиб:

– Бадир ҳаммасини айтиб берди! Мирзоҳиднинг уйини ёқиш учун уни сен ундаган, гижгижлатган экансан! Биласанми нима учун?... – деди, Ҳикматга синовчан тикилди.

– Нима учун? – деб сўради Ҳикмат, Мирзоҳидга еб қўйгудек бўлиб хўмрайди.

– Унга героин берган экансан, эвазига Зоҳиднинг уйини ёқасан, деган экансан. Ёки Бадирнинг тушунтириш хатини кўрсатайми?! – деб папкасини титкилай бошлаган эди, Ҳикмат уни тўхтатди.

– Вой шўри-им... – деб ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди Ҳикматнинг онаси.

– Ҳе, падарингга лаънат! – сўкинди отаси Наримон ака. – Ҳали шунақа ишларни қип юрибсанми?!

Ҳикматнинг жиззакилиги тутди. У Мирзоҳидга яна еб қўйгудек бўлиб ўқрайди-да, бирдан ўшқира кетди:

– Мен, мен Муяссар билан янгитдан ҳаёт қурмоқчи, ҳаётимни бошқатдан изга солмоқчи бўлган эдим, ундан фарзандлар кўриб, қайта ота бўлмоқчи эдим! Мен ҳам бошқатдан уйланиб, ҳаётимни қайтадан бошлайман девдим, аммо сен унга зомин бўлдинг! Энди у ёқдан қайтиб келганимдан кейин ҳам сени тинч қўймайман! Яхшиси мен «зона»дан чиққинумга довур бу ерлардан туёғингни шиқиллатиб қол! Ҳа, ҳа, бари бир мен сени тинч қўймайман! Осмонга чиқсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан тортиб чиқараман!..

Унинг гаплари Мирзоҳидга ёмон таъсир этди. У қаттиқ қўрққани, тағин устига-устак, кечаси билан ухламай чиққани ва Ҳикмат «Муяссар воқеаси»ни эслатгани учун, бу ёқда эса уйи ёнганини кўтаролмади, бир дақиқага кетган пулларини эслаб фиғони фалакка ўрлади-ю, кейин

бирдан юрагини чангаллаб, ерга йиқилиб тушди, ҳушини йўқотди, ҳеч нарсани билмади. Фақат анча ўтгач, кўзини очганида ўзини хонада, нашатир спирти ҳиди анқиб ётган касалхонада, тепасида кислород баллони ушлаб турган оқ халатлилар қуршовида кўрди, кўрдию ўзининг бир ўлимдан қолганини ҳис этди, хаёли яна Ҳикматга кўчди... Сўнг эса ғойибдан унга бир сас эшитилгандай бўлди гўё: *бу саёқ юришинг оқибати, бу ҳаром ейишинг оқибати!..* «Ҳа, ҳа, шундайга ўхшайди, ё Худо, э Тангрим... тавба қилдим, тавба», дея пичирлади, кўкариб кетаёзган юпқа ва қалин оралиғидаги лаблари титради. Шу дамда акасининг туғилган кунидан ширакайф ҳолда қайтиб, дори етказиш баҳонасида Мактубаникига кўтарилганини ўйлаб, туйқус Фақирий бирда уни огоҳлантирганини ёдга олди. Кўзлари пир-пир учганини туйди. «Бунақа ишнинг охири фожеий тугаши мумкин, эҳтиёт бўлинг, болали аёл экан, яхши эмас...», деганди-я! Қулоқ солишни истамовдим... Э Худо, э Худо, Дилшоднинг бахтига омон қолдим, шекилли. Боя қоронғи зулматдайин таг-туги кўринмас, ваҳимали жарлик тубига қулаб тушаётганимда Дилий тортиб олди. Ҳа, шу боламнинг бахтига омон қолдим, шекилли... Ўшанда яхшиям Мирвоҳид чақириб қопти, яхшиям уйига кирмабман. Унда ҳовлим ёнгани, мана буниси ҳам ҳолва бўларкан, унда қиёматни кўр экан... Бу ҳаммаси ана шунақа ғирром ҳаётинг оқибати, ҳе, учраган қизга кўз олайтирмай ҳар нарса бўл!.. Бугунми, қачон эди, у сени тинч қўймайман, қайтиб келиб бўлсаям қасдимни оламан деди-ку, ҳа, ҳа, буларнинг барчасига саёқ юришлар, ҳаром луқмалар са-

баб. Ҳе, арақ ичмай ҳар нарса бўл... нафс... нафсингдан кўр...», дея яна бир инграб, тепасида куймаланаётган кўзнойнакли аёлни ғира-шира кўриб, унинг гаплари ҳам қулоғига кирмай кўзи юмилди. Энди унга фақат қора доғлар, қоп-қора доғлар кўринди, холос...

77

Бемаврид қамалиб қолган жияни Суръатнинг аҳволини келини Шоҳидадан сўраб қайтаётган Васила опа бозордан чиқаверишда икки сумкасини тўлдириб «такси» тўхташ жойига томон ҳаллослаб кетаётган Сокина хонимни кўрди-ю, ҳовлиқиб бориб унинг қўлидан сумкаларини олишга киришди.

– Вой сизмидингиз, Василахон? – уни кўрганидан севиниб кетди Сокина хоним, чап қўлидаги сумкасини бераркан: – Сизга оғирлик қилади, бунисини ўзим кўтараман, – деб ўнг қўлидагисини унга бермади.

Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб «такси» тўхташ жойига бордилар, сал наридаги суянчиқли ўриндиққа бориб ўтирдилар. Сокина хонимнинг сумкаларини ёнларига – бўш жойга қўйишди.

– Ҳа, тинчликми, Василахон, бозорга тушибсиз-ку, аммо ҳеч нарса харид қилмабсиз? – сўради Сокина хоним, Василанинг юзидаги ажинларга термуларкан: «Буям эрдан ёлчимади, бирам қариб кетибдики», деб қўйди ичида, собиқ ходимасига ичи ачишган бўлди.

– Тинчлик эмас, Сокина опа, жияним қамалиб қопти, – деди Васила опа, нима учундир бу хабарни ташвиш билан эмас, янгиликдай хабарлади.

– Қайси жиянингиз? Ўғлингизнинг қамалганини айтувдингиз-ку, аммо жиянингизни... эшитмовдим. Ҳа, дарвоқе, Журъатнинг укасими?..

– Ҳа, кичик укаси, – деди Васила опа. – Торт сотиладиган бозорда хотини пиширикдар сотади, шундан ҳол-аҳволини сўраб келяпман!

– Нима қилган экан?!

– Шериклари билан кетибди-да! Бунинг бир ўртоғи бир лўли йигитга анави отинг ўчкур, нимаям дерди, гиёҳ дейдими, шуни берибди-да, эвазига бировнинг уйини ёқтириб юборибди. Булар, яна битта болаям бор экан, ёндиришда иштирок этмаса-да, аммо анави гиёҳ учун обориб қамаб қўйибди-да!..

– Қайси бир бечораникини ёқишибди экан?

– Уям ким денг? Уям таниш экан, Журъатнинг ўринбосари бор, Зоҳид деган, шунинг Белтепадаги янги ҳовлиси экан!..

– Ўзи шу жиянларингиз ҳеч одам бўлмади-бўлмади-да, Василахон! Акаси Журъат ҳам бир ғалва бошлаган, хабарингиз борми-йўқми?..

Васила опа Журъат қандай ғалва бошлаганидан бехабар эди, билишга ошиқди:

– Ўлимдан хабарим бор-ку, аммо Журъат қандай ғалва бошлаганидан бехабарман, опа!

Сокина опа айёр эди, Мадинага Журъат ва Покиза воқеасини айтиб берганини билдирмади, аксинча, Мадинадан эшитган воқеани айтишга ошиқиб:

– У мен яхши танийдиган бир аёл билан дон олишиб юраркан. Шу икковини Лабзакдаги бир хонадонда ҳалиги аёлнинг эри ушлаб олибди-да, ана кўринг томошани!..

Васила опа гарчанд Журъат жияни бўлса-да, гарчанд ана шу жияни бир пайтлар унинг ўғли-

ни қамоқдан олиб қолишга уринган, яқинда эса онаси Мастон кампирнинг ҳол-аҳволини сўраб касалхонага бориб бўлим бошлиғи Сулув Сатеновнага учрашган бўлса ҳам Журъатга душманлик кайфиятида эди, шунинг учун ҳам Сокина хоним айтган янгилик уни ташвишлантирмай, балки севинтирди.

– Ўз оёғига ўзи болта урибди-да, Сокина опа, ҳар ким қилганини кўраркан, – дея Журъат уни бир ярим минг долларга туширганига ишора қилди Васила опа, у бирда Сокина хонимга бу воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб берган эди.

– Шунақа, оповси. Мен унга қанча яхшиликлар қилувдим-а, ота-онаси қилмаган яхшиликларни қилувдим. Охири нима қилди, юзимга тупуриб чиқиб кетди. Иннайкейин, биласиз, унақа-бунақа ташвиш тушмади бошимга, ўғлим Файзулладан айрилдим, шунда бир оғиз ҳол-аҳволимни сўраб келмади. Ҳатто кейин қизимнинг тўйига айттириб юбордим, шунгаям келмади-я! «Сиз опамсиз, сиз онам қилмаган яхшиликларни қиляпсиз», деб мени хўп алдаб юрган экан-да, бу илон ўлгур!..

Сокина хонимнинг Журъатни илонга ўхшатишидан Васила опа кулиб юбораёзди:

– Жуда тўғри топдингиз, Журъат худди илоннинг ўзи, илон бўлгандаям кобраси! – деди Васила опа, сўнгра жияни касалхона бўлим бошлиғи Сулув Сатеновнани қандай қилиб алдаб чиқиб кетганини айтиб берди. – Яқинда ойимни касалхонага ётқизувдик. Ўша ердаям бўлим шифокорини «мен прокуратурада ишлайман», деб алдаб чиқиб кетди-да!..

– У кўпларга ўша ерда ишлайман, деб юраркан. Мениям қулоғимга чалинувди... жияним айтиб берувди...

– Уям майли, бизга нима дори керак бўлса айтинглар, девди, дори керак бўлганда укаси Суҳбатни олдига юборсак, «Ўзларинг топинглар, аптекани дорисидан беролмайман», деб уни чиқариб юборибди. Укасиниям жаҳли тезлигини биласиз-ку, ҳозир сал иши юришмай қолган, ёнида пули йўқ экан, «Ҳе, дори сўратган сенларни!» деб ҳаммамизни сўкиб, дўхтир ёзиб бергани дориқоғозни юзимизга отиб кетди-да, нима дейсиз энди?!

– Ҳа, дарвоқе, Мастон опоқи яхшимилар? – деб Васила опанинг онасини аҳволини сўраган бўлди Сокина хоним. – Тузалиб кетдиларми, ишқилиб?!

– Ҳозирча тузуклар. Касалхонадан опчиқдик, бир нарса дейиш қийин. Юракни биласиз-ку, бу ёқда буйрак, яна устига қаричилик...

– Ҳа, қийин, – деди Сокина хоним, кейин хаёли яна Журъатга, Журъатнинг оиласига кўчди. – Дарвоқе, кеннойингиз ҳозир ким билан яшайдилар, ҳалиги айтганингиз Суръат биланми?

– Йўқ, Суҳбат билан турадилар. Мана бу кенжа жияним ёмон бола эмасди, «амма-амма» деб ўлиб бўларди, қўшни яшарди-да, бу болани ҳалиги нарса, анави нашавандларнинг нарсаси адо қилди-да!

– Соҳиба кеннойингизгаям қийин бўпти. Бирорта боласи ақлли, эс-ҳушли чиқмади-я!

– Қизлари яхши, шу хабар олиб туради. Иннайкейин, Суҳбатниям топиш-тутиши ёмон эмасди, иши ҳозир сал оқсаб қопти-да!

– Анави йигит ўлгур қарашиб турармиди?!

– Қарашса керак, билмайман, – деди Васила опа, яна жияни Журъатнинг унча-бунча одамни назар-писанд қилмайдиган тўнг, сур башараси кўзи олдидан ўтди, ўзига қилган ёмонликларини эслади, шунинг учун ҳам Сокина хонимга

юзланди: – Ўзи дўкони бузиларкан, деб эшитувдим, устига-устак, энди манави воқеа юз берган бўлса, хўп шўри қурийдиган бўпти-да!..

– Худо унгаям бир кўрсатсин, ана унда билади устозларни чирқиллатиш қандай бўлишини, – деди Сокина хоним, кейин бирдан шунча гапни айтиб юборгани учун чўчиб ҳам кетди, шу боисдан Васила опани огоҳланатирди: – Тағин Василахон бу ҳақда Журъатнинг хотини Гулчеҳрага оғиз оча кўрманг-а! Сиз билан мендан чиқмасин, оповси! – деб унга уқтириб қўйди.

– Сиз билан мен айтмасак ҳам тешик қулоқ бари бир эшитаркан, Сокина опа. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, дейишади-ку!..

– Сиз билан мендан чиқмагани яхши, Василахон, – деди Сокина хоним. – Бошқалар тарқатса қўяверинг, ҳар ким экканини ўраркан! – у шундай деди-да, ўрнидан қўзғалди: – Энди мен борай, жиянимникига кетаётувдим, шу ердан бозор-ўчар қилиб олай, дегандим!..

– Бизникигаям боринг, Сокина опа, – деди Васила опа, сал нарида тўхтаган «такси»га қўл кўтарди. Сокина хоним бориб гаплашгач, унинг сумкаларини орқасидан кўтариб олиб бориб берди, ўша ерда қўшиб қўйди: – Менам бир сизни меҳмон қилай дейман-да, сизнинг олдингизда қарзим кўплигини ҳамиша сезиб юраман!

– Албатта, бир бораман, – деди Сокина хоним, сўнг эса «такси»нинг орқасига сумкаларини қўйиб, ўзи олди ўриндиққа, ҳайдовчининг ўнг ёнига ўтираркан: – Сизга бир қўнғироқ қиламан-да, албатта, бораман, Василахон, – деб унинг кўнглини тўқ қилиб қўйди: – Ўшанда бир бафуржа дардлашармиз, оповси...

Васила опа Сокина хоним ўтириб кетган «такси»нинг орқасидан қараб қоларкан, жияни Журъатнинг мана бу фосиқ ишининг оқибатини ўзича чамалади, ортидан бир шумликни ўйлаб, келини Гулчеҳранинг ўзига эмас-у, аммо бошқа жияни Мансурнинг хотини Маржонга телефон қилиб ундан «суюнчи» олишни кўнглига тугди.

78

Акобировнинг хотини Жамила акасининг ўғли Санжар қўлини тилганини эшитиши ҳамоно жиянини кўргани касалхонага борди. У билан анча гаплашиб ўтирди. Аммаси туришга ҳозирланганида чап қўлининг билагигача бинт билан бойлоғлиқ бўлган Санжар дераза ёнида хомуш ётаркан, унга ёзғирди:

– Энди нима қиламан, Жамила опа? Одамларнинг юзига қандай қарайман? Лолага нима дейман?! – у шуларни айтаркан, ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди.

Жамила аммаси чўнтагидан дастрўмолини олиб унинг юз-кўзларини артди, сўнг эса овутган бўлди:

– Лолани ўйлама, ўзингни ўйла! Иннайкейин, у имонсизниям ҳадеб ўйлайверма!..

– Унинг қаерда ишлашини биласизми? Бир дўкондор экан, вокзалдаги дўконда ишларкан! Исми Журъат экан! Шунга бизларни алмаштирибдилар-да, ойим!

– Ойи дема-е! «Ойим» дейишингга арзирмиди у мегажин! – жиянининг пешанасидан силади Жамила опа, кейин жияни билан хайрлашиб ўрнидан қўзғаларкан, деди: – Мен Қўзивой поччангга айтаман, бир танобини тортиб қўяди

уни! Бировнинг оиласини бузиш қандай бўлишини кўради ҳали!..

– Йўқ, керак эмас, менинг ўзим ҳисоб-китоб қиламан! – инграб юбориб аммасидан кўзларини яширди Санжар. – Ўзим унинг танобини тортиб қўяман ҳали!

– Унақа нарсаларни хаёлингга келтирма! Бизнинг авлодда биров-бировга қўл кўтарган эмас! Яратганнинг ўзига ташлаб қўй!..

– Яратганнинг ўзига ташлаб қўй, дейсиз! Бизни шунчалик шарманда қилдиларки, асти қўяверасиз!.. Бундай бош кўтариб юргандан кўра бу дунёда яшамаганим яхши эди! – дея аммасига иддао қилди Санжар, кейин яна юзларини ёшириб олди.

– Сабр қил, Санжар, сабр қил! – унга тасалли берди Жамила опа, палатага жиянига укол қилиш учун ҳамшира келганди, у ўрнидан қўзғалди, шу дамда эрининг ишхонасига боришни кўнглига тугди: – Мен яна келаман! Ҳеч нарсани ўйламай ёт, Санжар! – деди Жамила опа, кейин жиянининг пешанасидан ўпиб, хонани тарк этди.

У касалхонадан чиқиб, тўғри эрининг ишхонасига борди. Жамила опа кириб борганида Акобиров бир мўйсафид қарияни хонасидан кузатиб чиқаётган эди, хотинининг ранги девор янглиғ гезариб кетганини кўрди-ю, бир нарса юз берганини кўнгли сезди.

– Ҳа, тинчликми, бу ерга кепсан? – сўради эри, уни хонага киритди, эшикни ёпаркан, котибага юзланди: – Мени безовта қилишмасин! Битта-яримта келса кутиб ўтирсин!..

– Анави воқеадан кейин Санжар қўлининг томирини кесибди! Ҳозир олдидан келяпман! – дея ҳовликди Жамила опа. – Нуқул кўзларини ёшириб йиғлашини қўймаяпти-да!

– Ўзига зиён етмабдими, ишқилиб? Омон қоптими ишқилиб?!

– Ҳа, Шаҳло вақтида ваннага кириб қолган экан, Худо бир асрабди-да жияним шўрликни!

– Ҳаммасига анави онаси айбдор! Покиза акангни шарманда қилмаганида шу ишлар йўқ эди! Акангам ўзи қизиқ экан, ўша ерга ўғлини оборишининг ҳеч кераги йўқ эди!.. Бир ўзи бориб орани очиб келиши керак эди! Юртчилик, бутун шаҳарга шарманда бўлишининг ҳеч ҳожати йўқ эди-да!..

– Сиз шундай дейсиз-да!

– Калтакнинг бир томони сен билан менгаям тегиши мумкин-да, ишимиз мана бундай нозик бўлса! Бир аёлни тарбиялай олмадингларми шунча одам, демайдими эшитганлар?!

– Кошки у бировга қулоқ соладиган аёллардан бўлса! Ўзини еттинчи осмонда олиб юради-ку! Акам бечораниям неча марта жеркиб ташлаганларини ўз қулоғим билан эшитганман!..

– Шунинг учун юриб кетган-да! Сафар акангни эркак ўрнида кўрмаган-да!

– Ҳе, ўлсин илойим, бутун авлодимизга иснод келтирди! Қариндош-уруғларнинг олдида шарманда қилди! – деди Жамила опа, кейин бу ерга келишдан мақсадини айтди: – Анави, у билан тутиб олишгани йигит ким экан денг?!

– Ким экан?

– Вокзалнинг ёнида, автостанцияга яқин ерда дўкони бор экан, исмини Санжар нимаям девди, шуни хўжайини экан!..

– Журъатми?!

– Ҳа, ҳа, Журъат деди! Ана шу йигит ўлгур экан!..

Акобиров бирдан аммаси Сокина хонимнинг секин унинг қулоғига шивирлаб: «Ҳали эшитиб қо-

ларсан Қўзивой, бу зоти паст яна бир нарсани бошлаб қўйган, ҳали қулоғингга чалиниб қолади. Бунинг дўконини буздириб юбориш керак! Ҳа, ана шунда бунинг эси киради», деган ярим истеҳзоланиб айтган сўзларини эслади, эсладию хотинига:

– Яна падарлаънати Журъатми?! – деб юборди, ортидан шу туфайли Жамшид ҳам ундан олган қарзини ҳалигача қайтармаётганини ўйлади, ўзи истамаган тарзда «уф» тортиб қўйди.

– Ҳа, нега «уф» тортасиз? Нима, уни танийсизми? – эридан сўради Жамила опа.

– У падарингга қусур неча йиллаб Сокина опамнинг қонини ичган, менинг ўзимнинг ҳам асабимни еган, – деди Акобиров, аммо Жамшид шулар туфайли уч ярим минг доллар қарз олганини хотинига айтмади. У бу пулларни хотинидан яшириб қўйганди, унга шунча бекитиқча пули борлигини айтмаганди.

– Ана, шунақа-да, униям бир танобини тортиб қўйиш керак! – деб эрига йўл кўрсатмоқчи бўлди Жамила опа. – Нима, шаҳар бедарвоза эканми?! Шундоқ жияним уларни деб ўлиб кетай деди-я!..

– Бу хатти-ҳаракатларига жиноий иш очиб бўлмайди! Фақат кеннойингни акангдан ажраштириб юбориш мумкин, бошқа жазо йўқ!.. Виждон жазоси бор, холос! Ана, ўғли ундан воз кечибди-ку, шу холос!

– Нима, анави йигит ўлгур ҳеч бир жазосиз қутулиб кетадими?!

– Уни поччанг жазолаши мумкин...

– Равшан акамми?!

– Ҳа, Равшан Ботирович!

– Қандай қилиб?

– Дўконини буздириб юбориши мумкин.

– Айтаман... буздириб юборадиям!

– Эшитишимча, ўша томонларга кўприк қурилади деган гап бормиш-у, аммо унинг дўкони қолармиш...

– Шу бугуноқ айтаман. Равшан акам менга қулоқ солади. Равшан акам бунақа шармандаликни кечирадиган одам эмас. Буни яхши айтдингиз, – деди Жамила опа, ҳеч ўйланиб ўтирмай ўрнидан қўзғалди: – Мен унга Санжарнинг аҳволини ҳам айтаман!..

– Мен бугун сал кечроқ бораман, – деди Акобиров, хотинининг юқоридаги сўзларидан сўнг у ҳам чуқур ўйга чўмиб қолди. Ўзича у ҳам кўнглига бир нималарни тугди. – Менам Равшан акага телефон қиларман, – деди, хотинига қараб қисқагина кулди, унинг бу кулгисида «бу ишда менинг ҳам ёрдамим тегади», деган аломат бор эди. Ҳарқалай, хотини ана шу мазмунни туйди. Хонадан чиқиб кетаркан:

– Бугун нима овқат қилиб қўяй? – деб сўради.

– Билганингни қил, мен бугун бир жойга кириб ўтаман, эҳтимол, ўша ерда ул-бул тотинарман, – деди, оғайниси Шамшодникига меҳмонга бормоқчилигини, ўша ерда унинг укаси Жамшидни ҳам кўришни, кўриб ундан олган қарзини сўраш мўлжали борлигини айтиб ўтирмади.

Жамила опа эридан йўл учун икки-уч минг сўм олди-да, хонани тарк этди.

79

Журъат ҳокимиятга кирган эди, у ердагилар ҳокимнинг чет элга делегация билан кетганлигини маълум қилишди, ҳоким ўринбосари Равшан Ботирович эса кечки пайт бўлишини, ҳозир юқо-

рига мажлисга кетганини котиба унга маълум қиларкан: «Сизнинг дўконингиз бузиладиган бўпти, Равшан Ботировичга албатта, дўконнинг қарорини олиб келаркансиз. Қарорсиз сизни қабул қилмас эканлар, Равшан ака», деб маълум қилди.

Журъат ҳокимиятдан асаби бузилиб чиқди-да, машинасини тўғри Сокина хонимникига қараб ҳайдади. У Сокина хонимникига бориб, дарвозанинг чап бурчагидаги қўнғироқни босган эди, бир пайт эшикни хонимнинг кенжа қизи Марям очди. Остонада турган, илгаригидан анча озиб, кенг пешанасига ажин тушган, шахти ҳам аввалгидай бўлмаган Журъатни ичкарига таклиф қилди.

Журъат унинг таклифини рад этиб:

– Менга Сокина хоним керак эдилар, Марям, – деди, кейин қизнинг унга ичи ачишиб қараб турганини сезгач, янада ўнғайсизланди-да: – Тўғрироғи, дўконимнинг қарори у кишида эди, ҳозир менга мана мундай керак бўлиб қолди, – деб томоғини «тилиб» кўрсатди.

– Аямлар Сижжакка кетган эдилар, қариндошларимизникига, – деди Марям, пичадан кейин қўшиб қўйди: – Файзулла акамникидан сизнинг қарорингиз... дўконингизнинг қарори чиқмабди. Шундай деб қўй, дедилар аям. Журъат аканг келиб сўраса шуни маълум қип қўй, дедилар. Уйниям тит-пит қилиб юбордилар, аммо... афсус қоғозингиз топилмади. Менинг ўзим гувоҳман, Журъат ака, – хижолатланган овозда дараклади Марям.

Журъат Сокина хоним атайлаб Сижжакка кетиб қолганини сезди. «У дўконимнинг қарорини жўрттага йўқ қилиб юборган! Ҳа, ҳа, бунақа иш унинг қўлидан келади», деб хулоса чиқарди, шундан сўнг Марям билан хайрлашиб кетаркан:

– Аянгга айтиб қўй, Марям, пора бериб бўлсаям дўконимни асраб қоламан! – деди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб Сокина хонимникидан жўнаб кетди.

Қайтишда у Мадина опанинг дорихонасига кирди. Мадина опа уни илгаригидай қувонч билан кутиб олмади, совуққина қарши олди. Журъат ўзича: «Мадина опа Покиза икковимизнинг воқеамиздан хабар топдимикин, қовоғи осилиб кетибди», деб ўйлади, бу мавзудан сўз очмади, сир бой бермасликка тиришди. Аммо дўкони билан боғлиқ бўлган воқеани баён қилди:

– Мадина опа, сизнинг олдингизга бир масала юзасидан келгандим, – деди у, анчагача аёлдан пул сўраёлмай турди.

Мадина опа ҳам ўз навбатида унга сир бой бермади, «Покиза машмашаси» унинг иши эканини сездирмади, аксинча шу дамда унинг хаёлидан: «Мана, менинг олдимга мишиғингни оқизиб келаркансан-ку, бола», деган ўй ўтди, ана шундай ўйдан сўнг: «Мадина опанг билан ўйнашма, демаганмидим сенга! Қалбингдаги Покизанг энди ҳам ёрдам берсин-чи сенга! Унинг аҳволи ҳам сеникидан баттар бўлса баттардирки, аммо беҳтар эмас, бутун оиласининг олдида шармандаси чиқиб ётгандир!», деган хулосага борди, ана шу муҳокамаларидан лаззатланди чоғи, Журъатга зимдан нигоҳ қадаб кулиб қўйди-да:

– Биламан нима учун келганингизни, Журъат, – деди.

Журъатга аёл уни мазах қилгандай кўринди, аммо шундай бўлса ҳам дилидагини айтди:

– Ҳа, Мадина опа, озроқ пул керак бўлиб қолди! Дўконимни бузишмоқчи, ҳокимиятдагилар-

га пул тиқиштириш керак бўлиб қолди! Равшан Ботирович деган аблаҳни биласиз-ку!..

Журъатнинг бундай мулзам бўлиб келиши Мадина опага жуда қўл келди, пича уни қийнагиси, шу баҳонада аламларидан тарқашни кўнгли тусаб қолди. «Ҳолинг шу экан-ку, Журъат, ўша куни ўзингнинг ғурурингни пеш қилдинг, Мадина опангдай туллак бир аёл билан ўйнашмоқчи бўлдинг, у ҳам майли, униям кечириб юбордим, аммо мендай бир аёлнинг муҳаббатини рад этганингни ҳеч қачон кечирмайман, кечиролмайман! Охир-оқибат мушук боласидай мулойим бўлиб олдимга келаркансан-ку! Мени қийнаш, менга озор етказиш қандай эканини сенга ҳали кўрсатиб қўяман! Мен сени шундай қарзга ботириб қўяйки, бутун умр тўлолмай қолгин!..», деб фикр юритар экан:

– Менда ҳозир пул йўқ-ку, Журъат, иннайкейин, анави олдинги қарзингизниям ҳали берганингиз йўқ, – деди.

Журъат ўша куни Мадина опа ширакайф ҳолда айтган таклифини эслади, эсладию: «Кўнаверсам бўларкан, карнайчидан «пуф» кетди эди, холос», деб ўйлади.

– Қарзимни берган бўлардим, кичик укам Суръат «ЧП» иш қип қўйди. Бир-икки ёмон болаларга қўшилиб, ўшалар буниям судраб кетишди, – деб маълум қилди. – Ўшанинг кетига сарфлашга тўғри келди. Йўқса, қайтариб берган бўлардим қарзимни...

– Тўғри бўлдими, ишқилиб? – сўради Мадина опа, бу гапи билан Журъат ва оиласининг ҳаётига у бефарқ қарамаслигини намойиш этди.

– Энди шарт билан чиқариб олмоқчимиз. Суҳбат югуриб юрибди кетидан.

– Сизга ўзи қанча керак бўлади? – сўради Мадина опа, бу гапи билан ҳали ҳам Журъатдан кўнгли совимаганини, ҳали ҳам унинг ишқида ёниб юрганини, унинг дўконининг қисматига бефарқ эмаслигини маълум қилди.

– Шу икки минглар атрофида бермоқчиман-да ҳокимга. Унинг оғзини ёпмаса бўлмайди Мадина опа, ҳадеганда қарор сўратиб ётибди. Қарорни бўлса Сокина хоним йўқ қилиб юборибди, ўшанинг қўлига бериб қўювдим, – деди Журъат.

Журъатнинг оғзидан Сокина хонимнинг исмини эшитиши билан Мадина опа бир чўчиб тушди. Гўё у билан хоним орасидаги сирларни Журъат сезиб оладигандай, кўзларини ундан олиб қочди, аммо кейин бу сирларни Журъат билиб олишга қодир эмаслигини туйгач:

– Нега унга бердингиз? Опа сизни ўлгудай ёмон кўрарди-ку! – деб айёрлик билан унинг дилига қўл солди, зеро, Сокина хоним ҳам Журъатни ҳар қадамда таъқиб этиб келса-да, аслида унга ипсиз боғланиб қолганини Мадина опа сезиб юрарди, «Ҳатто оҳанрабодай унга боғланиб қолган», деб хулосаланди у.

– Буни тўғри айтдингиз. Ўша пайтларда шерик бўлиб ишлаймиз, деган бир гапни қилувдилар-да, – деди Журъат, Сокина хонимдан озроқ пул олганини айтиб ўтирмади.

Мадина опа истеҳзоли кулди-да:

– Опа сизни ютиб юборади-ку, шериклик қилармиди, – дея ҳадеганда Журъатнинг кўнглини Сокина хонимдан совутишини қўймади.

– Охир-оқибатда душманим бўлиб чиқди. Дўкони бузилса-бузилаверсин деб, қарорниям йўқотиб, ўзи Сижжакка кетиб қопти.

– Ҳамма сизга Мадина опангиздайми? – ўзини Журъатга яқин қилиб кўрсатди Мадина опа. – Ҳали анави «қалбимга ундан бошқаси сиғмайди», деганингиз жазманингиз ҳам менингдек бўлмайди, сизни менингдек тушунмайди!..

Журъат қизариб кетди. Нима дейишини билмади. Покизани ўйлаши ҳамоно юраги бир хил уриб кетди. «Наҳотки, ундан айрилган бўлсам?», деб фикр юритди, юраги увушиб, дўкон кетидан югуриши ҳам унга татимади. Йўқ, кейин ўзини қўлга олди-да, Мадина опадан сўради:

– Майли, қачон бериб туроласиз?

– Кейинги ҳафталарда гаплашармиз. Бир одамга Россиядан дори опкелишига анча пул бериб юборувдим, ўша келсин-чи!..

– Майли. Мен ҳоким ўринбосарининг олдига киришим керак эди. «Кейинги ҳафтада сиз билан «муомала» қип кетаман», дейман-да! – деди Журъат.

– Бўпти, – деди Мадина опа, кейин тилла тишларини кўрсатиб ёқимсиз тиржайди: – Шу ҳафтада яна бир хабар оларсиз...

Журъат унинг нимага ишора қилиб кулганини балодай сезди-ю, аммо жавоб қайтармади, шошганча «бўпти» деган бир мазмунни ифодалаб бош тебратди-да, дорихонадан ташқарига отилди.

* * *

Ҳоким ўринбосари Равшан Ботиров уни одатдагидан совуқ кутиб олди. Ҳатто ўтиришга жой ҳам кўрсатмади. Фақат унга ер остидан хўмрайиб боқаркан:

– Қани, қарорни опкелдингизми? – деб сўради.

– Қарордан бошқа ҳамма ҳужжатлар бор-ку, қарор бир гап бўлар. Менинг ўзим қарор эмас-

манми, Равшан ака, – деб ўзича порага ишора қилди Журъат.

– Сизнинг ўзингиз қарор эмас, қарорингиз, қарорингиз бўлганда бузганимизнинг ўрнига сизга жой берардик, ҳозир эса беролмаймиз. Юқоридан буйруқ бўлган, биринчи навбатда сизнинг томонлар бузиладиган бўлди.

– Дўконимми?!

– Ҳа, – деди Равшан Ботиров.

– Ахир, у ёқлар қолади, деган бир гапни қилувдингиз-ку, – деб овози хириллаб қолди Журъатнинг, кейин у ҳоким ўринбосарининг Покизага ҳам айтган гапларини эслатмоқчи бўлди-ю, аммо журъат қилолмади, «Ўша воқеани эшитган бўлса, атайлаб қилмаяптимикин?», деган мазмундаги шубҳага ҳам борди-ю, бироқ шубҳаси асоссиздек туйилди, «унга эмас, пулга шама қиляпти», деб ўйлагани учун:

– Кейинги ҳафтада олдингизга кириб «муомала» қип кетаман, Равшан ака, шуни бузилишини тўхтатиб туринг, барака топинг, – деди ўтингандай оҳангда.

– Менга «муомала» қип кетишингизнинг ҳечам кераги йўқ, менга сиз қарорни олиб келинг, ана шундан сўнг сизга жой берилишини комиссияга қўйиб кўрамиз, – деди Равшан Ботирович, «гап тамом-вассалом» дегандай бир тарзда ёзув столига мушт туширди.

– Мен ҳокимга кираман, ҳоким қачон келади? – деб сўради Журъат.

– Ҳоким қайтишларига ҳали бор. Барибир, у кишиям шу гапни қиладилар. Ҳозирча бутун ваколат менга топширилган, – деди Равшан Ботирович, кейин «хонани бўшатинг» дегандай ўрнидан қўзғалди.

– Қарор топилмаса нима бўлади? Тўғриси, қарор йўқолган, – деди Журъат, бу жумлани қандай қилиб айтиб юборганини ўзи ҳам сезмади.

– Ундай бўлса сизга ўн кун муҳлат. Эртага сизга расмий тарзда хат юборилади, ўн куннинг ичида дўконни бузиб, керакли материалларни олсангиз олдингиз, йўқса ўзимиз бульдозерни тушириб юборамиз.

– Иложи йўқми, Равшан ака? Ҳамма нарсанинг иложини топса бўлади-ку, фақат ўлимдан бошқасини?!..

– Иложи йўқ! Юқоридан буйруқ бўлган, кўприкнинг биринчи навбати Наврўзгача битиши керак!..

Журъат ҳоким ўринбосарининг хонасини қандай қилиб тарк этганини билмади, хомушланиб ҳокимият биносидан ташқарига чиқди, нима қилишини билмади. Хаёлига Покиза келди. «Фақат у тўғрилаши, фақат у ҳоким ўринбосари билан гаплашиши мумкин», деган ўй кўнглидан кечди, аммо шу билан бирга: «Ҳозир у менинг дардимга қулоқ солармиди, ўзи мен туфайли оиласи ана ундай алғов-далғов бўлиб ётган бўлса! Бутун бошли бола-чақаси ундан юз ўгирган бўлса!», деб ўйланди, шунда ҳам уяли телефони орқали аёлнинг ишхонасига қўнғироқ қилди, аммо гўшакни ҳеч ким кўтармади. Кейин эса Лабзакдаги квартирага қўнғироқ қилди, у ерда ҳам ҳеч ким гўшакни кўтармади. «Ҳойнаҳой менинг қилганимни билиб ҳам кўтармади», деган хулосага борди, шунда ҳам машинасига ўтирди-да, тўғри ўша ерга ҳайдади.

У бешинчи қаватга кўтарилиб, эшик қўнғироғини босганди, ҳеч ким эшикни очмади. Аммо ичкаридаги оёқ шарпаларидан Покиза хона-

да юрганини сезди. Шунинг учун ҳам қулоғини эшикка тутиб:

– Покиза очинг, бу мен, Журъатман! – деди, аммо ичкаридан овоз бўлавермади, фақат бу сафар аёл кишининг йиғиси қулоғига чалинди. – Покиза, эшитяпман-ку, ичкарида йиғлаяпсиз!..

– Кетинг, кетинг деяпман! Уйимни куйдирганингиз етмайдими?! – ичкаридан йиғи аралаш дўқ урди Покиза. – Ҳаммасига сиз айбдорсиз! Ҳаммаси сиз ва мен туфайли бўлди! Санжар!..

– Санжарга нима бўпти? – қўрқиб кетиб сўради Журъат. – А?!

– Қўлини тилибди! – ўшқирди Покиза. – Касалхонага опкетишибди!

– Омонми ишқилиб?..

– Омонми эмиш! Жўнанг! Сизни кўрарга кўзим йўқ! – дўқ урди Покиза, шу гапи билан Журъат ва ўзининг алоқаларига нуқта қўйган бўлди.

– Кетаман, мана кетяпман, Покиза! – дея ҳисобот берган бўлди Журъат, ичкаридаги аёлнинг ҳўнг-ҳўнг йиғисига чидаб туролмади, йиғи унинг юрагини эзиб юборди, бу йиғи у билан Покизанинг ўзаро алоқаларига алвидо айтаётгандай бўлди. Биринчи марта бу аёлнинг олдида ўзини айбдор ҳис этди, биринчи марта ҳақиқатан ҳам бу аёлнинг оиласини барбод этганини, бутунлай барбод этганини ҳис этди. Ўзини айбдор санади, кўзларидан ёш чиқиб кетди, ортиқ бу ерда туришга маънан ҳақи йўқдек кўринди. Ортига ўгирилди-да, ҳовлиққанча пастга қараб тушиб кетди. Тушиб кетатуриб: «Бўлди, бўлди, бу ерга бўзчининг мокисидай қатнайверишни бас қил, ҳамма нарсанинг чегараси бор, тўсиқдан ўтдингми, бу ёғига хароб бўласан, бу аёлни умуман

каллангдан чиқариб ташла! Бугун ўғли қўлини тилган бўлса, эртага қизи шу ишни такрорлаши мумкин, индинга эса унинг ўзи ... аринінг уйи бузилгандан баттар бўлиб кетмасин! Унинг оиласини барбод қилганинг етмагандай, ўзиниям бир балога гирифтор қилмагин. Қайданам келдим, нима жин уриб унга яқинлаша қолдим. Ҳа, онанинг қарғишига қолдим, шекилли. Бекорга Фақирий паст экансан, Мефистофель экансан, демади. Бу сўз ёмонга ўхшайди. Ҳа, пастман, жуда жирканч, нокасман! Нокас бўлмасам Равшан Ботирович билан гаплашиб бер деб бу ерга келармидим. Ҳе, йўқ бўп кетмайдими бу дўкон!.. Ҳа, ҳа, Зоҳидга ўхшаб бир нарсага чалиниб қолмасам гўрга эди!..», дея турли ўйлар, ваҳимали ўйлар гирдобига тушиб, қандай қилиб машинаси ёнига келиб қолганини билмади. Сўнг эса ўзи сезмаган тарзда орқасига, ўн икки қаватли иморатга бошдан-оёқ бир нигоҳ қаратиб олди-да, яна унга алвидо айтган бўлиб: «Қадамим қирқилсин сенга қорамни кўрсатсам, сенга тағин суйкалсам», деб аёлни бундан буён тинч қўйишга ичдан ўзига сўз берди. Тағин қаёқдандир Фақирийни ёдга олди. Барчадан яхшилигини аямайдиган, барчага баробар бўлган, шундай покиза, чумолига ҳам озор беришни истамайдиган бир одамнинг дилини оғритиб қўйганини ич-ичидан англаб етиб, ана шу англагани учун ҳам дафъатан кўнгли бир хил бўлиб ўкраб юбораёзди. Ичи тўлиб кетди, томоғига ёнғоқдек бир нарса тиқилди, нафас ютиши қийинлашди, «Эҳ, эҳ, уф... уф, ҳалқуумм... қанчалар пастсан, қанчалар тубанлик», деди-да, чуқур бир хўрсиниш ила чўнтак кавлашга тушди, сигаретини олиб чекмоққа тутинди-ю, аммо шу нарсага ҳам тоқат қилолмай уни иккига

бўлиб мижиғлаб, ёнидаги бетон ариққа итқитиб, пича гарангсираниб турди-да, кейин ғайришуурий тарзда қўл силкиб «э, Оллоҳ, ишқилиб охири бахайр бўлсин», дея Яратганга илтижо қилган бўлиб, машинасига чиқиб ўтирди...

80

Абдурауф Фақирий Кашшофлар кўчаси билан касалхонадан қайтаётган эди, ёнида бир одам тўхтаганини кўрди. Бошига беретка, оёғига калиш, калтароқ тринка шиму енги ўзининг бўйига муқоясалаганда калтароқ келадиган чит-алакдан кўйлак кийган девонаваш кишини у таниди. Бу бир пайтлар уни митингда миршаблар қутқусидан, зулмидан қутқариб олган Саидакбар мелиса эди. У Фақирийни танимади, у Фақирийни танимади-ю, аммо ўрус тилида калласига келган сўзларни қийналиб айтаверди.

Фақирий унинг жумла тузишга қийналаётганидан, яна устига-устак, бундай девонаваш қиёфасидан азият чекди. Хаёлига «Саидакбар мелиса эсдан оғиб қолибди-да», деган ўй келса-да, ўзи сезмаган тарзда:

– Ўзбекча гапирсангиз ҳам тушунаман, – деди, «Саидакбар мелиса нима жавоб қайтараркин, тўғри жавоб қайтарса, «Мен Абдумутал отанинг ўғли Абдурауф бўламан. Эсингиздами, фалон йили фалон митингдан мени соғ-омон олиб чиққан эдингиз, шунгаям ўн йилдан ошибди, ўша ҳаммаҳаллангиз бўламан», демоқчи бўлганди, аммо ўйлагани бўлмади, Саидакбар мелиса ўзбек тилида бобиллаб кетди:

– Ҳе, керак бўлса мен сенга бошқа тилдаям тушунтириб қўяман! Ҳув ўша ёққа обориб ташлайман!..– деб қўлини паншаха қилиб йўлнинг нариги бетидаги ёқилғи қуйиш шохобчасига ишора қилди. – Тушунарлими? Бошқа тилни билмайди дейсанми, хўв, менга қарагин!..

Фақирий Саидакбар мелисанинг важоҳатидан, дўрдоқ лабларининг орасидан кўриниб турган сарғайган, четлари чатнаган катта, мертик тишларини кўрсатиб тез-тез, жаҳл билан сўзлашидан қўрқиб кетди. Бундай пайтларда касал одамнинг сўзларини тасдиқлаш кераклигини мувофиқ билиб:

– Тўғри, тўғри, бошқа тилниям биласиз! Тўғри, ўша ёққа обориб ташлайсиз! – деди, тўсатдан унинг ташланиб қолишидан хавфсираб ўзини орқароққа олди.

Саидакбар мелиса ташланмади, ундан ўз сўзларини тасдиқлатиб олгач, бошидаги береткасини яна ҳам чуқурроқ бостириб олди-да, гавдасига номутаносиб бесўнақай энгашиб, чап оёғидаги орқаси йиртиқ эски калишини ўнг қўлига ушлаб олгани камзулининг чўнтагига солди, кейин ўзи нима қилаётганини ўзи идрок этолмай бир пой калишда ҳозир ўзи қўли билан кўрсатган катта машина йўлининг нариги бетидаги ёқилғи қуйиш шохобчаси томон чопиб ўтиб кетди.

Фақирий унинг ортидан анчагача қараб қолди. Саидакбар мелисадай соғ-саломат, айғир отдай юрган одамнинг мана бундай кўйга тушиб, эсдан оғиб юришини сира ақлига сиғдиролмади. «Бу телба дунё истаган пайтда ҳам инсон боласини ўзининг кўйига тушира олиши мумкин экан-да», деган ўй билан уйига қайтди. Тушлик

пайтида дастурхон устида касалхона кўчасида кўрганларини хотинига гапириб ўтирган эди, ташқари эшикнинг қўнғироғи жиринглаб қолди.

Хотини Фотима бориб очди.

Шу заҳоти унга таниш бўлган эркак кишининг:

– Ёзувчи акам уйдамилар? – деган йўғон овози эшитилди.

Фақирий собиқ бошлиғи Журъатнинг овозини танигани учун ҳам сапчиб ўрнидан туриб кетди. Уйнинг эшикка яқин бурчагидаги кийим илгичдан костюмини олиб кийди-да, йўлакка чиқди. Остонада ўнг қўлини деворга суяганча рангидан қон қочган, шахти паст, хомуш бир қиёфада Журъат турарди. Фақирий у билан қўл беришиб кўришди-да, сўнгра ичкарига чорлади.

– Ташқарида гаплашсак ҳам бўлади, Фақирий, уйга кириш шарт эмас, – дудуқланди Журъат.

– Қизиқмисиз, – унамади Фақирий. – Қайдин-қаёқдан мени ахтариб келсангиз-да, ташқарида гаплашамизми, – деди уй эгаси, қўярда-қўймай уни ичкарига бошлади.

Улар залдаги устига қизил духоба дастурхон тўшалган тўгарак стол атрофига ўтирдилар. Фақирий фотиҳа ўқиди.

Журъат Фақирийга қараб-қарамай:

– Мендан хафа эмасмисиз, Фақирий? – деб сўради, кейин қизарди.

– Сиздан хафа бўлганда нима, тирикчилик ўтяпти, ўлиб-нетиб қолганимиз йўқ, – жавоб қилди Фақирий.

– Ўшанда сизни чакки ранжитдим, Фақирий, – дастурхондан бош кўтаролмай узр сўраган бўлди Журъат. – Чакки бўлди ўша кунги ишим...

– Шуни билсангиз бўлгани, шунинг ўзи катта гап, – деди Фақирий, «сенга ҳам ақл кириб

қолибди-да» дегандайин бир мазмунда Журъатга синовчан боқди. Шу маҳал Фотима дастурхонга нон, ҳар турли ширинликлар, атлас гулли чойнакда фамил чой дамлаб олиб келиб эрининг яқинига қўйди. Фақирий тезда чойни қайтаришга тушди.

– Бу нарсаларнинг кераги йўқ, кеннойи, ҳозир тураман. Акамда икки оғиз гапим бор эди, – ноқулай аҳволга тушиб Фотимага ер остидан кўз югуртирди Журъат. – Овора бўлманг.

– Овораси борми, – деди Фотима, иккита пахта гулли пиёла ташлаб кетди.

Фақирий тезда чойни қайтаришга тушди. Пичадан кейин пиёлалардан бирига чой қуйиб, Журъатга узатди.

– Уй-ичлар яхшими, ойингизлар? – деб Журъатдан ҳол-аҳвол сўраган бўлди Фақирий. – У ёқда Зоҳид яхши юрибдими?..

– Зоҳид касалхонада. Уйини ёқиб юборишди, – деди Журъат, бир нимани эслаб «уф» тортди.

– Янги қураётган ҳовлисиними?

– Ҳа, ўшани.

– Ҳа, қизиқ. Нега ундай бўлди?

– Ҳа, шунақа бўп қолди. Кейин айтиб бераман, Фақирий, ҳозир мендан сўраманг, – деди Журъат, кўзлари ёшланаёзганини яширди.

Фақирий яна ўзи сезмаган ҳолда:

– Қизиқ, – деб юборди, кейин ўнғайсизланганча қўшиб қўйди: – Яхши бўмапти...

Журъат чуқур хўрсинди-да:

– Шунақа Фақирий, Зоҳид ана ундай бўлди. Бу ёқ-да хотин бола-чақа уйига кетди, кичик укам қамалиб қолди, Суҳбат ўша аразлаганча бошқа олдимга келмади, яна талай гаплар... Хуллас, ўзим қолдим, якка-ёлғиз... Устига-устак, ке-

чалари тушимда дам дадам билан, дам эса бир пайтлар панд-насиҳатларига кўнмаганим якқаю ёлғиз марҳум тоғам билан уришиб чиқаман. Билмайман, мен билан нима юз бераётганини...

Фақирий Журъат билан ҳам, Мирзоҳид билан ҳам фалокат юз берганини ички сезги орқали туйди, «Саёқ юриш, ҳаром ейиш оқибати», деб юборди ичида, аммо унга чурқ этмади. Журъатнинг ўзига эркини қўйиб берди.

– Эсингиздами, анави архитектор Рустам аканинг олдидан қайтаётганимизда бир гап айтувдингиз?

– Ҳа, эсимда...

– «Энг қийин шароитга тушсангиз ҳам менга орқа қилаверинг», дегандингиз?..

– Нима, дўкон бузиладиган бўляптими?

– Ҳа, Фақирий, менинг ёнимга қайтинг!..

Фақирий ўйланиб қолди. «Елкамнинг чуқури кўрсин бу зиндонхонани», деб кетиб қолганди, аммо собиқ бошлиғи Журъатнинг мана бундай бош эгиб келганини кўрдию унга ич-ичдан раҳми келди. «Буям бир бечора-да!», деган хулосага борди. Дарров хаёлига Давронбек келди:

– Битта-яримтага айтиш керакмасмиди мабодо?..

Журъат Фақирий кесатмаяптимикин дегандай унга боқди, аммо уй эгасининг юзида шубҳаланишига асос бўладиган белгини кўрмагач, иддао қилишга ўтди:

– Анави Давронбекдан бўлак ҳеч ким ёрдам беролмайдиган кўринади. Ҳокимиятдагилар тўнларини тескари кийиб олишган, жой беришниям ўйлашмаяпти. Бузиб юбормасалар, деб қўрқяпман!..

– Мен Давронбекка учрашай, кейин жавобини сизга айтаман, – деди Фақирий.

Шу пайт хотини Фотима косада суюқ оши олиб келди-да, аввал меҳмонлари бўлган Журъатнинг рўпарасига қўйганди, у овқат ичишга унамади. Бетоқат бир қиёфада юзига фотиҳа тортди-да, Фақирийнинг қистовига ҳам қулоқ солмай, ўрнидан сапчиб туриб кетди.

– Бошқа пайт ичарман, бошқа келганимда, – деди, кейин Фақирийнинг «насибангизни қолдириб кетманг», дея яна қистовга олишига қулоқ тутмади, йўлакка чиқиб, остонага тўшалган шахматга ўхшаш сариқ катакли линолеум устидаги туфлисини оёғига кийди-да: – Мен сизни кутаман, Фақирий, – деб кўча эшик тутқичидан тортди, уни очиб ташқарига отилди.

Фақирий Журъатни кузатиб қайтганида, хотини Фотима унга муҳим бир хабарни етказиш илинжида турганини кўрди.

– Ҳа, бир нима демоқчига ўхшайсан?..

– Бизнинг директоримиз Покиза Самадовна билан гап-сўз бўлиб кетган йигит мана шу-да! Китоб сотаётганингизда мен билан сизни бирга кўрганди, аммо мени танимади! Мен бир марта унинг хонасидан чиқиб келаётганимда олдига кириб кетаётганини кўрувдим! Ҳозир эри уни қўйиб юборганмиш! Ишгаям келмаяпти бошлиғимиз!..

– Журъат сенга қариндош бўлади, бу ёғини суриштирсанг. Зуҳра синглинг унинг поччасига тушган, ўлган аммасининг ўрнига!.. – деди Фақирий.

– А-а! – бошини қашиб, лабини тишлаб қолди Фотима. – Шундай бўлганмиди?!

– Сен нима деб ўйловдинг?! – истеҳзоли кулди Фақирий. – Ана шунақа!..

– Вой ўлай-ий, вой шўри-им!..

– У қиёфасиздир, аммо бормаса бўлмайди! Қолаверса, ҳаммамиз бечоралармиз!.. – деди Фақирий, хотинига бўлак бир оғиз сўз демай, ўз хонасига ўтди.

81

Фақирий Давронбекнинг олдига бориб воқеани тушунтирди-да, қайтишда Журъатнинг ишхонасига ўтди. Қай кўз билан кўрсинки, Журъатни икки милиция кийимидаги ва икки оқ халатли одам «Тез ёрдам» машинасига судраб ўтқизишаётган, орқароқдаги уч-тўрт киши эса катта бульдозер ҳайдовчисига дўконни бузиб юбориш ҳақида тушунтиришаётган, буйруқ беришаётган экан.

Фақирий ўша ёққа ошиқди. Бу пайтда Журъатни машинага босиб ўтқизиб, унинг ортидан оқ халатли кишилар ҳам ўтиришди-да, орқадаги миршаблар машинаси кузатувида кўк чироғини чирқиллатиб дўкон ёнидан олиб ўтиб кетишди.

У ҳалиги уч-тўрт кишининг орасида Равшан Ботировични таниди. Равшан Ботирович Фақирий бу ерда ишлаётганида бир марта дўконга кириб ўзини таништирган ва: «Директорингиз қарор ва бошқа ҳужжатларни олиб менга учрашсин», деган, яна ўша келганида дўконнинг ёнидаги Журъатга қарашли бўлган ёзги ошхонани бузиб ташлашга оғзаки буйруқ берганди.

Фақирий уларга яқин борди-да, нима дейишни ўйлаб ҳам ўтирмай арзу дод қилишга ўтиб:

– Ўзини ана ундай машинага босиб опкетдинглар! Дўконини бузяпсизлар! Ўрнига жой ҳам бермадинглар! Ҳеч бўлмаса икки-уч ой муҳлат бермайсизларми, мардикор опкелиб материалларини ажратиб олмайдими?! Буни қуриш учун оз мунча кучи кетганми у бечоранинг!.. – деди.

Ҳоким ўринбосари Фақирийга синчковлик билан тикилди-да:

– Сиз ўзи ким бўласиз? – деди. – Нима ишингиз бор бизнинг нима қилаётганимиз билан?!

– Мен шу ерда ишлаганман! Сизлардан сўрашга ҳақим бор! – деди Фақирий.

Ҳоким ўринбосари пича ўйланиб турди-да:

– Юқоридан буйруқ бўлган, Наврўзгача биринчи навбатини битказишимиз керак! – деди.

Фақирийнинг фиғони фалакка ўрлади:

– Юқоридагилар ҳам тирик одамлардир! Улар мана бундай қишнинг аёзли кунида бир бечоранинг дўконини бузинглар, дейишмагандир?! Дўпписини ол деса, бошиниям қўшиб олаверадими?!

– Ука, сиз аралашманг! Ҳеч ким бошини олаётгани йўқ! Бу нима деганингиз?! Биз фақат уни даволатиш учун касалхонага жўнатдик! Руҳий касалликлар шифохонасига! Бу аҳволда бари бир бузиб ололмасдиям!.. Калласига келган гап билан валдираяпти! Бульдозернинг олдига узала тушиб ётиб олибди! Унинг эс-ҳуши жойида эмас! Дам прокурорман, дейди, дам ўзича менга пул бермоқчи бўлади! Хуллас, у даволаниши керак-да!..

– Бари бир бировга зуғум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!..

– Бизга ақл ўргатманг! Бу ерда барча ишлар қонун доирасида олиб бориляпти! Яхшиси бу ердан жўнанг, акс ҳолда сизниям тегишли жойга юборамиз! Бизнинг ишга халал берманг!..

Ҳоким ўринбосарининг дағдағаси Фақирийни қизиштириб юборди:

– Ким бўлишимиздан қатъи назар ҳаммамиз инсонмиз-ку! – деб унга гап уқтирмоқчи бўлди Фақирий. – Амалимиздан тушишимиз мумкин, уни ҳеч кимга боғлаб бергани йўқ, аммо инсоний қиёфамизни йўқотмайлик!..

– Бу гапни тўғри айтдингиз! Ана шунинг учун ҳам бу ердан тезроқ кетинг, деяпман! Акс ҳолда!..

«Акс ҳолда кўрасиз кўрадиганингизни», деб ичида сўзланди Фақирий, кейин сал нари кетди, бульдозерчига бир нарсаларни тушунтираётган баланд бўйли йигитга пича қараб қолди. Хотирасига шу дамда Исо бинти Марямни ўттиз кумуш тангага Синидрон қўлига ушлаб берган, «У ибодатхонани бузишга одамларни чақирган», деган Яхузо тушди. «Ичларингда биринг мени сотасизлар», дейишига қарамасдан уни сотган Яхузо ҳафсаласи пир бўлиб пулни Синидронга – Каифага ташлаб келади. У пулларга ўликларни дафн этиш учун бир кулолнинг ҳовлисини сотиб олишади. Чўққида ўтирган Пилатнинг ҳам оёғи тагида синган кўза! Бировни (Пайғамбарни!) сотиш, унинг қонини тўкиш эвазига топилган пулга кулолнинг уйини харид қилиб, у ерга марҳумларни дафн этиш – умид кўзаларининг синиши билан баравар эмасми?!», Фақирий шу дамда мана бу ерга йиғилганларни ўз Исосига хиёнат қилиб, охир-пировардида тушкун кайфиятга тушган Яхузога солиштирди. «Бировнинг дўконини бузиш, уни норози қилиш ҳисобига, унга маънавий жароҳат етказиш ҳисобига хайрли ишларни қилиш, жаннат орзусида бўлиш, бу худди чўққига чиқиб олиб синган кўзачага ти-

килиб ўтирган Пилат ҳолатини ё бўлмаса бировнинг қони эвазига топилган ҳаром пулни диний маҳкама томонидан эзгу ишга сарфлашга ният қилинган-у, аммо бу эзгу ишдан қон ҳиди уфуриб турганга ўхшамайдими?», деб мулоҳаза-ланиб, ўшанда касалхонада фаррош кампирдан олгани «Инжил» эгаси Исо алайҳиссаломга ҳам, унга хиёнат қилганларга ҳам ичдан ачиниб, ачиниш баробарида: «Нима қиласан уларга ачиниб, бошқа дин одамлари бўлса?», деб ичида сўзланиб, кейин эса ўзининг фикрига қарши ўлароқ: «Сенинг диндошларинг бунақа ишларни қилмаяптими? Мана кўраяпсан-ку, бир бечорани нима қилишганини! Уларнинг мусулмонлиги қоптими? Исо, «Исо алайҳиссалом қиёмат белгиси», дейилган Қуръони Каримда, Қиёматга яқин ерга тушиб бизнинг Ислом динига одамларни тарғиб қилишлари башорат қилинган! Булар эса буларнинг ишлари на насронийликка ва на мусулмончиликка тўғри келади! Умуман, умуман одам болаларидан инсоф қочди, имон кетди! Аммо имон шунчалар керакки, шунчалар керак!»..., дея турфа ўйлар гирдобига тушиб дўкондан узоқлаша бошлаганда, йўлнинг нариги бетидаги Камол аканинг ошхонаси қаршисида турган оқ «Нексия»га кўзи тушди. «Нексия»нинг рулидаги Жамшидни, орқа ўриндиқдаги Сокина хонимни таниб қолди. Аммо ҳайдовчининг ён томонидаги Қўзивой Акобиров эканини кўрмади. Улар бульдозер буза бошлаган Журъатнинг дўконига бутун диққатларини қаратиб ўтирардилар. «Ҳа, томоша кўргани келишибди булар, томоша кўргани», деди Фақирий ўзига-ўзи, кейин бирдан машинада ўтирганлардан жирканиб кет-

ди. «Аблаҳлар, аблаҳ экансанлар!», дея уларнинг хатти-ҳаракатига ўз баҳосини берган бўлди-да, нигоҳини ўша томондан олиб қочди, тезроқ бу ердан кетишни мўлжаллаб, қулоқчинини бостириб олди-да, четроққа ўтиб, дарахтлар орасидаги ёлғизоёқ йўл билан тепаликка қараб кетди.

82

У касалхона ҳовлисининг адоғидаги бир пайтлар ўзи ётган еттинчи бўлимга етиб келганида орасига темир панжара ўрнатилган икки табақали итальянча дераза қаршисида Журъат турганининг гувоҳи бўлди. Фақирий бир дақиқага бир пайтлар худди ана шу дераза қаршисида ўзининг ҳам ҳовлига хомуш тикилиб турганини эслади. У деразага яқинлашди, Журъатга қўлини силкитди. Журъатнинг солқиган, хомуш юзига билинар-билинмас табассум югурганининг шоҳиди бўлди. У дераза табақаларини очди. Фақирийга қўлини чўзиб кўришаркан, биринчи айтган сўзи:

– Фақирий, менга сульфазин қилиб қўйишди, ёмон азобларкан, – дегани бўлди, анча сарғайган серсоқол юзи пешанаси аралаш тиришди, нур қочган кўзлари яна ҳам ғамга ботди. Фақирийдан жавобни ҳам кутиб ўтирмай қўлини соқоли ўсиб кетган иягига олиб борди: – Мени таниб бўлмай қолгандир-а, Фақирий?..

– Йўқ, йўқ, яхшисиз, – деди Фақирий, унинг кўнглини кўтарди.

– Яхшимасман, Фақирий, кечалари гоҳ дадамнинг, гоҳ тоғамнинг арвоҳи билан айтишиб чиқяпман! Айниқса, Жамол тоғамнинг арвоҳи

менга тинчлик бермаяпти! Ҳақиқатан ақлдан озганга ўхшайман, Фақирий!..

– Эс-ҳушидан айрилган одам «...ақлдан озганга ўхшайман» демайди Журъат, ўзининг хатти-ҳаракатларига танқидий баҳо беролмайди. Сиз қаттиқ сиқилганингиздан шу кўйга тушгансиз.

– «Депрессия» дерканми бу ҳолатни? Дўхтир мен билан суҳбатда шундай деди...

– Ҳа, шундай шекилли, шундай.

– Улар дўконимни ер юзидан қўпориб ташладилар, Фақирий. Мана шу қўлларим билан қуриб битказганим, не ҳасратда қурган жойимга бульдозер қўйиб юбордилар, эшитяпсизми, Фақирий, вайронага айлантирдилар!..

Фақирий инграб юборган Журъатга тасалли берди:

– Ҳали дўкон қурасиз Журъат, дўконсиз қолиб кетмассиз!

– Йўқ, Фақирий, энди мен ҳеч нарса қуролмайман, ҳаммасидан чарчаганман... ҳаммаси жонимга тегди... яшаш ҳам...

– Ана шундай деманг-да! Мен ҳали сизни прокуратураларда ишлаб юрганларингизни кўраман, деб юрибман-ку!..

– Фақирий, мен ёмон одамман-а? «Мефистофель экансиз» дегандингиз-ку бирда! Ҳарқалай, бу дегани яхши одам бўлмаса керак?..

– Қўяверинг, бу дунёмизнинг ўзи Мефистофель!..

– Тоғамнинг арвоҳидан, айниқса, ёмон қўрқяпман, Фақирий. Арвоҳ ургани ёмон бўлади, дейишади...

– Унақа нарсаларни ўйлайверманг, иннайкейин, қўрқаётган экансиз, демак, соғсиз...

– Шунақа деб туринг, Фақирий, бўлмаса, умуман руҳим тушиб кетди!

– Руҳни туширманг, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз!

– Мен ҳали бу Равшан Ботировичлар билан бошқачасига гаплашаман, Фақирий, – дея бир нарсаларни кўнглига туггандайин кўзларини юмиб олди Журъат, шу гапни айтиб турган эди, уни ҳамшира чақириб қолди. У ҳамширага нажоткорона боқди: – Ҳозир бораман, ҳозир!..

Фақирий ҳам уни ортиқ безовта қилгиси келмади, бунинг устига, қора совуқ оёқ-қўлларини тарашадек қотиргани учун, йўл олис, уйига етиб олиш қийин бўлгани учун ҳам тезроқ бу ердан кетишни ўйлади. Шу важдан ҳам олиб келган майда-чуйдани бир амаллаб дераза панжараси орасидан ўтказиб бераркан:

– Булар ҳақида ўйламанг, ҳамма нарсага улгурасиз, Журъат, – деди.

– Ҳали сиз билан «Занги бува»га бориб жума намозини ўқиймиз, Фақирий, – деди Журъат, синиқ кулди.

– Худо хоҳласа, – деди Фақирий, Журъат билан қўл олишиб хайрлашди. «Яхши қолинг», деди, кейин унга хомуш қараб қолган Журъатга «ҳаммаси яхши бўлади», деган бўлиб кўз юмиб, бош тебратиб қўйди-да, орқасига қайтди.

У шифохона дарвозасидан чиқиб кетаётган эди, рўпарадаги трамвай йўлидан шу ёққа чопиб ўтган бошига эски тивит рўмол, эгнига ранги униққан қора духоба нимча кийиб олган аёлни кўрди. Уни таниди. Журъатнинг онаси Соҳиба опа эди.

Соҳиба опа ҳам ўзига салом берган ўрта ёшлардаги кишини таниди. Унинг елкасига қоқиб сўрашаркан:

– Сиз бирда Журъат билан бизникига боргандингиз-а? Абдумаликнинг акасисиз-а? Менинг Суръатимга мол бериб турган йигитларнинг-а?! – деди.

– Ҳа, – деди Фақирий. – Мен Журъатни кўриб чиқяпман. Анча дуруст аҳволи!..

– Анави дўконини бузганларнинг касрига қолди-да болам шўрлик, қаттиқ сиқилди!..

– Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади, менам ана шу ҳолатни бошимдан кечирганман, хола!

– А-а... шундай денг оповси, тузалиб кетади, денг! Менам унга шу гапни айтганим-айтган! Ҳали ишниям топиб оласан, кўчада қолиб кетмайсан, деганим-деган!..

– Журъатга ўхшаш йигит кўчада қолиб кетармиди, ҳали ҳаммаси олдинда, – дея аёлга тасалли берди Фақирий.

– Ўзи прокурорликнинг ўқишини тугатган. Тузалсам ана шу ишга кириб кетаман, дейди...

Туйқус Фақирий ҳам боя Журъатга ана шу ишга кириб кетишига тилак билдирганини хотирлади, хотирладию ўзидан ижирғаниб кетди, ижирғанишдан ҳам бурун нафратланди. Соҳиба опага тайинли жавоб қайтаролмади, қайтаришга ожизлик қилди. «Ахир, бугун ҳар турли номаъқулчиликларни қилиб юрган, боши берк кўчаларга кирган, ҳаром-ҳалолнинг фарқини ажратолмаган, мана шу оқ кўнгил, муштипар онага, бола-чақасига хиёнат қилган тубан бир кимса, эртага ўзи ҳув бирда мазах қилгани Хўжақулов ё бўлмаса Қўзивой Акобировларнинг курсисига чиқиб ўтирса, улардан бешбаттар қабиҳликларни қилмайдими, ёвузликларга қўл урмайдими? Ана, ёлғондан прокурорман, деб неча киши-

нинг бошини қотирмади, Жамшид иккови не ишларни қилишмади!.. Унда дунёга ўт кетмайдими?! Зоҳид икковининг мана бу уйи куйиши ҳолва бўлиб қолмайдими?! Ўз онасини қақшатган, ўз онасига раҳм қилмаган кас бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатармиди?! Нодон одам ҳар қанча эзгуликлар қиламан, инсонпарварлик созин чаламан, дегани билан у ярим тунда Фауст ҳузурига ташриф буюриб фалсафа сўқимоқчи бўлган Иблиснинг бузуқ сафсатаси бўлиб қолаверади-ку! Худди беш-ўн кун бурун унинг дўконини бузганлар ҳақида ўйлаган фикрларингдан, чиқарган хулосаларингдан ҳам даҳшатли кўриниш тус олиши мумкин!..», деди, сўнг эса яна ўша нодон, жоҳил Яхузодан қочаётган Исо алайҳиссалом ёдига тушди. Неча турдаги дардларга даво топган, ҳатто ўликларни тирилтирган Пайғамбар ўз шогирдларига: «Нодонлик, аҳмоқлик Оллоҳнинг қаҳридур, бу дарди бедаводур», дея кўрнамакни тузатишга ожиз эканликларини афсус, минг афсуслар чекиб билдирганликларини ўйларкан, «Одамлар тақдири, инсонлар қисмати билан боғлиқ ҳуқуқ-тартибот идораларига, жойларига, мансаб курсиларига раҳм-шафқатдан, меҳр-мурувват кўрсатишдан йироқ бўлган кимсаларни яқинлаштириб бўладими?.. Э-э, Абдурауф-а?!», дея ўзидан ўпкаланди, Журъатга тасалли тарзи айтган жумласидан тағин-да уялди, ортидан эса: «Унда Пайғамбарининг неча бор огоҳлантиришига қулоқ тутмай Оллоҳ томонидан уларнинг фаҳму фаросатини синаш учун юборилган туяни сўйиб, бадбахтликка маҳкум этилган Самуд қавмининг, Ирам юрти эгаси Од

қабиласи ё бўлмаса Мусо уруғининг куни келмайдими?! Йўқ, бекорга ҳаётининг сўнгида исломни маъқул топган Лев Толстой инсоният янги асрларда, янги минг йилликларда ўз туриш-турмуши, ахлоқига бир назар ташлаши керак, ўз ҳаётини қайта изга солмас экан, бефаросатларча ҳавойи нафсининг қулига айланар экан, у таназзулга юз тутади, хароб бўлиши аниқ, деб бутун дунёга жар солмаган!..», дея турли ўй-фикрларга берилди, ёнидаги Соҳиба опа сал нари кетиб, ўша ердан орқасига анграйиб қараб турганини идрок этиб қолиб, бир чўчиб тушиб, унга томон юриб:

– Кечирасиз, маъзур тутинг, хаёл опкетибди, – дея айни дамдаги аҳволи-руҳиясидан хижолатланди.

– Хайрлашувдим, эшитмадингиз чоғи, кетаверишга эса яна бўлмади. Сизларни тушунаман – кўп ўйлайсизлар. Менинг жияним ҳам китоблар ёзади...

– Танийман, узр, – янада ноқулайлик ҳис этди Фақирий, аёлнинг нега кетолмаганини ҳам тахминан сезди..

– Ҳа, айтгандай, ўғлим, сизнинг укаларингиздан Суръатим қарз олганди. Бирда Абдумалик келувдилар, Журъат менга бериб кетган матолар билан туфлини опчиқиб бердим. «Пулнинг ўрнига мана шуларни олинг», дедим, аммо олмадилар. «Қарз ёмон бўлади, у дунёда бунинг сўроғи бўлади», десам ҳам олмай кетдилар. Нима қилишимни билмадим, дуо қилиб қолавердим...

Фақирий укаси Абдумаликнинг савоб иш қилганидан хурсанд бўлиб:

– Бу дунёда дуоям олиш керак-ку! Тўғри қилибсиз, шу арзимаган пул билан у бойиб кетармиди?! – деди.

– Илойим укаларингизниям, сизниям давлатингиз зиёда бўлсин, – деди Соҳиба опа, кейин Фақирий унинг оёғидаги калишга ачиниб боқаётганини кўриб: – Маҳсида юролмайман, оёғим шишиб кетган, – деб тушунтирган бўлди, ўнг қўлидаги эски сумкани чап қўлига олди-да, у билан хайрлашиб, шошганча касалхона ичкарисига кириб кетди.

Фақирий қишнинг аёзли кунида уст-боши юпун, эгнига пальто ҳам киймаган, уринган тивит рўмоли билан кўкрагини ёпиб олиб, устидан духоба нимча кийган, оёғидаги калиши судралиб-судралиб кетаётган аёлнинг ортидан анчагача қараб турди. У кўздан йўқолгачгина, ортига ўгирилиб йўлга тушди. Шу пайтда қор учқунлай бошлаганди, кўп ўтмай эса у хийла тезлашиб паға-паға ёға бошлади. Бу қор янги асрнинг, янги минг йилликнинг илк қори эди. Кўчада кетаётган Фақирий уни ғарч-ғурч қилиб босиб келар, у ҳам ортда қолган ҳаётига назар солар ва ана ўша ўтган ҳаёти энди қайтиб келмаслигини, ўтган одамлар ҳам қайтмаслигини чуқур ҳис этар, йўлда ёнидан ўтиб кетаётганларни ҳам эртага истаса ҳам учратмаслигини, улар ҳам ўтган аср каби қайтмас бўлиб кетаётганларини ҳис этар, ана шу ҳис уни тобора ўзга бир паноҳга бошлар, у паноҳ эса яна уни охир-оқибат анчайин кексайиб қолган отаси, жўжабирдай оиласи томон етаклар, у ана шу кичик ватани сари шошилиб кетар, ортда бўралаб ёға бошлаган янги минг йилликнинг илк қори унинг қадам изларини тобора кўринтирмай қўйган, у фақат олдинда уни ва ҳамюртларини, инсон болаларини кутиб турган қувончу ташвишлар ҳақида ўй суриб

келаверар, тангадай-тангадай ёға бошлаган қор учқунлари энди юзига келиб урила бошлаган, у ҳақиқатан совқота бошлагани учун қулоқчинини тушириб, неча йилдан бери кияётгани, бир-икки ерини куя еган пальтосининг ёқасини кўтариб олди, аммо юз-кўзларига урилиб эриб кетаётган қор унга маълум ҳузур бағишлар, ана шу ҳузурни ич-ичдан туйгани учун ҳам ҳаёт унга яна ҳам қизиқ кўрина бошлаган, ана шунинг учун ҳам унинг вужудида яшаш иштиёқи яна жўш урди. У Яратган бошқаларни синагани каби уни ҳам синаётганини, бошқаларга имконият бергани каби унга ҳам янги имкониятлар беришини ўйлаб келар, «Фақат биз одам болалари Оллоҳ Таолонинг бу имкониятидан, бу инъомидан унумли фойдаланиб қолишимиз, уни қўлдан чиқармаслигимиз, кейинчалик афсус-надоматлар чекиб қолмаслигимиз учун арзирли, ҳа, ҳа, арзирли ҳаёт ҳам кечиришимиз зарур бўлади», деб муҳокама юритиб келар, қор эса тағин ҳам иштаҳага кирган, кўчада деярли йўловчи қолмаган, теварак-атрофга сирли қоронғилик чўка бошлаган, Фақирий эса ана шу сирли қоронғилик бағрини тилиб борар экан, энтикиб-энтикиб нафас олиб қўяр, олдинда эса ҳали қанчадан-қанча қувончли ва изтиробли, машаққатли кунлар, ойлар, йиллар турганини, зеро Янги аср инсон болаларига яна кўплаб бошқа яхши-ёмон кунларни тақдир этиб қўйганини идрок этиб келар, ана шу идрок этгани, англагани учун ҳам ўтган ва олдида турган ҳаёти қай бир жиҳатлари билан унга қимматли, қизиқ, ибратли, мазмунлидек кўриниб қолганди. Янги асрнинг илк қори эса авжига чиқиб, бутун теварак-атрофга ўзининг

оппоқ сепини ёя бошлаган, шундан ҳам бутун борлиқ, бутун жонлиқ оппоқликка йўғрилгандек кўринарди...

Атрофга эса аллақачон тун чўкиб, шаҳар Янги асрнинг илк қорли – сирли тунини қаршиларди...

Тошкент, Дўрмон,
2000–2003 йиллар.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА[1]

Қаламкаш янги асарини ёзиб тугатгач, бир томондан ўзини қушдек енгил ҳис этса, иккинчи томондан уни улкан бир масъулият ўз домига тортишини қўймайди. Ўз-ўзидан бу масъулият нималардан иборат бўлади, деган савол туғилади, албатта. Бу масъулият ёзувчининг китобхон олдидаги бурчида кўзга яққол ташланади: у вазифасини ҳалол, бекаму кўст бажаролдими? Бугунги китобхон унинг асарини ўзининг маънавий олами учун бегона, бадҳазм санамайдими? Бугунги ўқувчи асарнинг қай томонларини қабул қиладию қай жиҳатларига эътироз билдиради? Ундан ўзи ахтарган, ўзи учун зарур озиқани олишга эришадими? Бошқача айтганда, асарни охиригача ўқиб чиқишга муваффақ бўладими?..

Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, «Сўнгги йилларда китоб ўқиш камайиб кетди, бадиий асарлар ҳам кам ёзилаяпти, одамлар тирикчилигини ўтказадими, сенинг ёзган рўмонингни ўқийдими?!», дегувчилар кўплиги ҳеч кимга сир эмас, китоб дўконлари пештахталари илгаригидай сермаҳсул, баракали асарлар билан тўлмаётганини яшириб ўтиришнинг ҳам сира ҳожати йўқ; буни китобхонлар билади, китоб дўконларини айлансангиз кифоя, бунинг гувоҳи бўласиз. Ва буни табиий бир ҳолдек, табиий бир жараёндек қабул қилиш ҳам одат тусига кирди. Зеро, кечаги ортда қолган ҳаётимизда шунчалар оламшумул воқеалар юз бердики, буни қайта бир тафаккур чиғириғидан ўтказиш учун, қайта

---

[1] Романнинг илк нашрига ёзилган.

бир тафаккур этиш учун неча ўн йиллар керак бўлишига шак-шубҳа қилмайман. Бунинг яққол мисоли ўлароқ кечаги яшаб ўтган тузумимизни кўрсатишимиз мумкин. Курраи заминимизда инсониятга ваҳшат солган улкан бир империя таназзулга юз тутиб, дунё харитасидан ўчириб ташланди. Мазкур ҳудудда бир неча мустақил, эркин ўз қўлида бўлган давлатлар вужудга келди, мустақил давлатлар оёққа турмоқда. Ўзининг иқтисодини, ўзининг сиёсатини, ўзининг илм-маърифати, маданиятини қайта қурмоқда, ўтмишда ота-боболари қолдирган бой маънавий бойликларни яна қадр топтириб, жумла-жаҳонга кўз-кўз қила бошлади...

Баъзи бир манбаларда, айрим адиблар битикларида салтанатлару давлатлар паторат топиб, жамият бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётганида ёхуд иқтисодий таназзуллару инқирозларни, иқтисодий буҳронларни бошдан кечираётганида, айниқса, унинг маданиятига, унинг маънавиятига путур етади, бу соҳалар орқага чекинади, деган мазмундаги ўй-мулоҳазаларни, қарашларни ўқиганмиз, учратганмиз. Йигирманчи аср Амриқо адабиётининг улкан намояндаларидан бири Уильям Фолкнер Ясунари Кавабатанинг ҳамюртлари – Токио дорилфунунининг талабалари билан бўлган учрашувларидан бирида: «Фақатгина жамиятдаги ҳаёт бир оқимга тушгандагина у мамлакатда сермаҳсул ижод қилиш мумкин», деганида қанчалар ҳақ эканини мана бугунги ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. «Умумбашарият тараққиётига ҳайратомуз ижобий таъсир кўрсатолган «Илиада» ёхуд «Одиссей»ни яратган Хомер даврида

қадим Юнонистон инсониятга бемисл қирғин келтирувчи урушлар даврини бошдан кечириб бўлиб, тинч осойишта ҳаётга қадам қўйган бир палла эди...», дейди бу ўлмас эпик дурдона асарни қадим юнон тилида ўқиш бахтига мушарраф бўлган улуғ мутафаккир адиб Лев Толстой. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бадиий сўз, бадиий сўз санъати хийла ортга чекинганидан, яна ҳам камёблаша бошлаганидан ажабланмаслик керакдек кўринади...

Мамлакатимиз мустақил бўлди, бозор иқтисоди сари дадил қадам ташлай бошлади, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида иқтисодий мураккабликларни бошдан кечирилаяпти. Албатта бу иқтисодий қийинчиликлар қаламкашни ҳам ана шу улкан оиланинг аъзоси сифатида четлаб ўтмайди. Бу вақтинча қийинчиликларни баъзилар оғриқли қабул қилади, баъзилар бепарвороқ, яна бошқалар эса унинг онгли иштирокчисига айланиб мамлакатида, нафақат мамлакатида, ана шу йиллари дунёда кечаётган ўзгаришларни, одамлар ҳаётидаги, турмуш-турмушидаги ўзгаришларни кузатади, улар билан ёнма-ён бўлади, елкама-елка туради, бирга нафас олади, дардига ҳамдард бўлади, улар мушкулини осон қилишга уринади.

Шу нуқтаи назардан олганда, маълум маънода, ўзимни бахтли санашга ҳақлиман, деб ўйлайман. Бизнинг юртларга бозор иқтисоди ёпирилиб кира бошлаган дастлабки йилларданоқ кўплаб одамларимиз, тижоратчиларимизга қўшилиб бир неча хорижий мамлакатларда бўлишга тўғри келди. Эркак-аёлларимиз билан Дубай, Шаржа, Бангкок, Патайя, Харьков ва бошқа шаҳарлар кўчаларида, бозорларида, дўкон-

ларида, аэропортларида, вокзал перронларида, елканли қайиқларида, оролчаларида елкамизга қоп ортиб юришга, мамлакатимиз бозорларини ўша пайтларда юртимизда етишмайдиган саноат моллари билан тўлдиришга тўғри келди. Пул ҳукмини ўтказа бошлаган дастлабки йилларда турфа хил феъл-атворли, турли касбдаги одамлар билан учрашишга, улар билан суҳбатлашишга, ҳаётларини чуқур ўрганишга, табиатларидаги ўзгаришларни тадқиқ этишга тўғри келди. Уларнинг айримлари ниҳоятда меҳнаткаш, ўзларини ўтдан-чўққа уришга чўчимайдиган, турмушда учрайдиган барча тўсиқларни енгиб ўтишга қодир иродага эга бўлган одамлар эди, аммо пул... Яна шундай одамлар ҳам бор эдики, уларни ташқи қиёфасидан жуда бамаъни, маълум маънода олижаноб, зиёли дейишга ҳам арзигудек эди, аммо пулнинг олдида, пул ҳукмини ўтказа бошлаган паллада у ўзининг кўпқирали оҳанрабоси билан ана шуларни ҳам ожиз бир қулига айлантириши ҳеч гап эмаслигини кўрганинг учун, кўпчиликнинг қиёфасини ўзгартириб юборишининг шоҳиди бўлганинг учун бефарқ қўл силтаб ўтиб кетолмас экансан. Яна худди ана шу ҳаёт, эртага, индинга, ўн йилдан сўнг, йигирма... эллик йилдан сўнг давом этиши муқаррар бўлган турмуш тарзи одамларимизда қайси фазилатларни намоён этадию, қайси иллатларни юзага келтириб чиқариши хавфи бор; ана шу жумбоқ ҳам оддий бир фуқаро сифатида, қаламкаш сифатида сенга тинчлик бермас, ана шу жумбоқни ечиш зарурдек ҳечқурса ҳаётимизда ижтимоий иллатга айлана бошлаган, урчий бошлаган дардга аниқ ташхис қўйиш ке-

ракдек туйилавераркан. Зеро, ёзувчи дардни даволовчи эмас, дардни айтувчи, деб ўйлайман. Дардни даволаш учун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий дорилфунунлари мавжуд. Аммо ёзувчи ҳар бир даврда, ҳар бир жамиятда халқнинг юрагига қалқиб чиққан дардини айтиб келган, бу унинг виждони билан боғлиқ нарсалар, албатта...

Ана шу йиллари тўқсонинчи йиллар бошида ёзиб тугатганим «Беш кунлик дунё» рўмонини эълон қилдирдим. Унда ўтган аср етмишинчи-саксонинчи йиллар воқеалари ҳикоя қилинади. Ўтган шўролар тузумида маънавий қуллик ботқоғига улоқтирилган, ана шу ботқоқда неча ўн йиллаб яшашга мажбур этилган заҳматкаш халқимиз ҳаётини, тарихдан «турғунлик даври» деб ном олган бир неча ўн йиллик ҳаётини қўлдан келганча тасвирлашга уриндим...

Аммо ўша кезлари ҳам мени яшаётганимиз бугунги ҳаёт, ҳар куни кўчаларда, бозорларда, янги ўзбеклар офисларида, фирмаларида, қурилишларида, дўконларда, китобфурушлик расталарида, ҳуқуқ-тартибот идораларию божхоналарда, хуллас, янги ҳаётимиз кечаётган «муҳим объектлар"даги кишиларимиз ишлари, қувончу изтироблари, эркак-аёлларимиз тақдири оҳанрабодек ўзига жалб этган, ижодкор сифатида ташвишлантиришини қўймасди. Улар ҳаётига, улар туриш-турмушига, улар хатти-ҳаракати, гап-сўзи, онги, тафаккуридаги ўзгаришларга фалсафий қарашга, фалсафий ёндашишга урина бошлаган, ана шу уринишим натижаси ўлароқ ўзимча бўлғуси асарим асосий ғоясини, таъбир жоиз бўлса, қулфу калитини топгандек қўлимда маҳкам ушлаб тургандек бўлардим.

«Таназзулга юз тутган шўро тузуми одамлар қиёфасини бузиб юборди, пул ҳукмдорлик қилган даврга келиб эса бу ташқи ва ички дунёларига путур етган айрим каслар ҳавойи нафсларига, ҳою ҳавасларга учиб Иблис билан келишишгача, шартнома тузишгача бориб етди», деган жумла онгим, шууримнинг қат-қатига ўрнашиб қолдию тинчимни ўғирлади. Бу жумла, неча йиллаб ўйлаган фикр-мулоҳазалар бўлғуси китобимнинг фалсафий йўналиши, ғояси бўлиб хизмат қилиши керакдек кўринаверди. Асар воқеалари, асар қурилиши, ундаги персонажлар эса ўзим бир неча йиллар мобайнида кўрган, яхши билган, туриш-турмушларини кузатганларим, феъл-атворларидаги айрим нуқталардан «лол» қолганиму табиатларидаги айрим нуқсонлари билан келишолмаганим кишиларимиз бўлиши керак эди гуё. Шу ерда марҳум бир олимимизнинг адабиёт назариясига оид китобида ўқиганим устоз Ойбек оғзидан эшитгани бир жумлани келтириб ўтишни жоиз деб билдим. «Мен Алишербекнинг бутун феъл-атворини, туриш-турмуши, ички ва ташқи дунёсини ўрганиб чиққач, у ҳақдаги рўмонимни ўйнаб-кулиб ёзолдим...»

Мен устоз Ойбек қадар маҳоратли эмасман, бу нарсани даъво қилаётганим ҳам йўқ, аммо асарни ёзишга киришганимда, ўзим тўқиганим воқеалар, ўзим ҳаётда учратганим одамлар қиёфасини баъзи образларда тажассумлантириш, гавдалантириш нисбатан енгил кечган бўлса, баъзиларини тўлақонли тадқиқ этиш, тасвирлаш мураккаб, жуда машаққатли кечди. Зеро, асарда учратганингиз, учратишингиз мумкин бўлган Журъат, Сокина хоним, Мирзоҳид, По-

киза, Қўзивой Акобиров, Жамшид, Фақирий, Қаландаров, Соҳиба опа, Азамат, Салом чол, Саодат ва бошқа персонажлар маълум бир томонлари билан мураккаб, айримлари эса фожеий қисматли одамлар. Уларнинг чигал тақдирларини ечиш ёки тадқиқ этиш осон эмасди. Аммо бутун вужудим, бутун куч-қувватимни шу ишни уддалашга, уларда учраган хатоликлар, айримлари қилган катта-кичик гуноҳларини бошқалар такрорламасликларига, уларнинг, ўзим тўқиган қаҳрамонларнинг ҳаёти кишиларимизга сабоқ бўлиши кераклигига ўқувчининг диққат-эътиборини тортишга уринганимга, биз инсон болалари учун сув ва ҳаводек муҳим ҳисобланган айрим долзарб муаммоларни ўртага ташлашга тутинганимга ҳали-ҳануз мамнунман, бу нарса менга енгиллик, айни дамда таскин-тасалли ҳам беради.

Роман сўнгида ҳаётда кўп қийинчиликларга дуч келган, машаққатлар чекиб дардга чалинган, шўродан кейинги дастлабки иқтисодий мураккаб йилларда китобфурушлик қилиб, турмуш тақозоси билан дўкондорлар орасига тушиб қолган, у ердан ҳам ўзи излагани нарсаси – бахтини тополмаган меҳр-мурувватли, ҳожатбарор, нурли Абдурауф Фақирий собиқ бошлиғини руҳий касалликлар шифохонасидан кўриб қайтаётганида унинг олдига келаётган юпун, жуда юпун уст-бошдаги муштипар, айни дамда худди мана шу ўғлидан кўп жабр-ситамлар кўрган Соҳиба опа ўғли Журъат кўчада қолиб кетмаслигини, тузалиб чиқса ўз соҳаси бўйича ишламоқчи эканлигини айтиб: «У прокурорлик ўқишини тугатган, бу ердан тузалиб чиқсам ўз соҳам бўйича ишлайман деяпти», дея ўзини тинчлан-

тириш орқали ўғлининг келажакдаги орзусини маълум қилганида, Фақирий у аёлга таскин беришга арзирли сўз тополмайди. Зеро, унинг ўзи ҳам тўсатдан мана бундай дардга чалинган собиқ раҳбарига тасалли бериш мазмунида ана шунга ўхшаш тилак билдириб қўйган, аммо кейин Журъат каби фосиқ кимсалар инсонлар тақдири, инсонлар қисматига алоқадор бўлган ўта масъулиятли соҳаларда ишласалар, мансаб курсиларига ўтириб қолсалар қандай фалокат юз бериши мумкинлигини ўйлаб кўрмаганидан қаттиқ ташвишланади, изтиробга тушади. «Ахир, бугун ҳар турли номаъқулчиликларни қилиб юрган, боши берк кўчаларга кирган, ҳаром-ҳалолнинг фарқини ажратолмаган, мана шу оқ кўнгил, муштипар онага, бола-чақасига хиёнат қилган бир кимса эртага ўзи ҳув бирда мазах қилгани прокуратурадаги Хўжақулов ё бўлмаса Қўзивой Акобировларнинг курсиларига чиқиб ўтирса, улардан бешбадттар қабиҳликларни қилмайдими, ёвузликларга қўл урмайдими? Унда дунёга ўт кетмайдими?! Ўринбосари Мирзоҳид икковини мана бу «уйи куйиши» ҳолва бўлиб қолмайдими? Ўз онасини қақшатган, ўз онасига раҳм қилмаган кас бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатармиди? Нодон одам ҳар қанча эзгуликлар қиламан, инсонпарварлик созин чаламан дегани билан у ярим тунда Фауст ҳузурига ташриф буюриб фалсафа суқимоқчи бўлган Иблиснинг бузуқ сафсатаси бўлиб қолаверади-ку!..», дея куйинади.

Мен рўмоннинг ана шу қаҳрамон ҳаёти, мураккаб тақдири билан боғлиқ ерларида асар фалсафий йўналиши, фалсафий таъсир кучини

белгилаш, шу баҳонада кўплаб дунёвий муаммоларни, ижтимоий иллатларни очишга қулфу калит вазифасини ўташи мақсадида, «аччиқни аччиқ кесади» деганларидай, Гётенинг машҳур «Фауст»идаги айрим ўзим учун мунозарадек туйилгани, келишолмаганим қарашларига муносабатимни билдиришга уриндим. Бу келажак авлод учун, янги жамият қураётган мамлакатимиз ёшлари тафаккури оламини бойитишга кичик бир ҳиссам бўладигандек кўрингани учун ҳам машҳур шоир дунёқарашининг айрим жиҳатлари билан мулоҳаза юритишга ўзимда журъат сездим. Ана шундан сўнг асарнинг бир кўзгуси, рўмоннинг бир нурли қиррасини ўзида акс эттириши лозим бўлган, асардаги иккинчи бир ажиб сиймо санаганим – Салом чолнинг Қуръони Каримдан олган таъбири билан айтганда, «...ул зот нурининг мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичинда, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди»ган, китобнинг қурилишида ҳам шамчироқлик вазифасини ўз бўйнига олган Фақирий, ана шу Журъат кабилар юқорида тилга олинган муҳим, масъулиятли вазифаларга қўйилсалар беш-ўн кун бурун унинг дўконини бузишга келган туман маъмурлари ҳақида ўйлагани, чиқаргани хулосаларидан ҳам даҳшатли кўриниш тус олиши мумкинлигини тафаккур этиб, «Инжил» эгаси Исо алайҳиссаломни Рим ноиби Понтий Пилат ва диний маҳкамага тутиб берган ва ана шу тутиб беришини ул зот олдиндан башорат қилган Яхузодан қочаётганида, шогирдларига, «Нодонлик, аҳмоқлик Оллоҳнинг қаҳридур», дея бу кўрнамакни тузатишга ожиз эканликларини афсус, минг афсуслар

чекиб билдирганликларини хотирлаб: «Одамлар тақдири, инсонлар қисмати билан боғлиқ ерларга, мансаб курсиларига раҳм-шафқатдан йироқ бўлган Журъат ёхуд Мирзоҳид кабиларни яқинлаштириб бўладими?!», дея яна бир маротаба ўйламасдан айтиб қўйган ўз сўзларидан изза тортади. «Унда Пайғамбарининг неча бор огоҳлантиришига қулоқ тутмай Оллоҳ томонидан барчаларининг фаҳму фаросатини синаш учун юборилган туяни сўйиб бадбахтликка маҳкум этилган Самуд қавмининг, улкан чодирли устунлар қурган, Ирам юрти эгаси бўлган Од қабиласи ёхуд етакчиси Тур тоғига кетганида ортидан бузоққа сиғинишгача бориб етган Мусо уруғининг куни келмайдими?!.. Йўқ, бекорга ҳаётининг сўнгида исломни маъқул топган Лев Толстой инсоният янги асрларда, янги минг йилликларда ўз туриш-турмуши, ахлоқига бир назар ташлаши керак, ҳаётини қайта изга солмас экан, бефаросатларча ҳавойи нафсининг қулига айланар экан, у таназзулга юз тутади, хароб бўлади деб бутун дунёга жар солмаган!..», деб турфа ўй-мушоҳадаларга борган, фикр этган Фақирий ҳам Соҳиба опа билан хайрлашиб, унинг ортидан қараб қоларкан, заҳматкаш, мушфиқ онанинг аёзли қиш кунида жуда бечораҳол бир аҳволда касалхона дарвозасидан кириб кетишини кузатиб туриб, азият чекиб: «Ҳа, бекорга Пушкин битикларидаги бир аёлнинг фожеий қисматини ўқиб қолган мутафаккир даҳшатга тушмаган, ҳатто Петр I ҳақида рўмон ёзиш ҳам кўнглига сиғмай, оддий одамлар, оддий халқ изтиробига қайғуришни ўз ҳаётининг мазмунига айлантиролди...», деган тўхтамга келиб, у ҳам собиқ

бошлиқлари билан ишлаган қисқа бир муддатда улар билан мулоқотда бўлган баъзи кишилар, бир-икки аёл хулқу атворига ўзининг баҳосини берган бўлди, тағин-да ўйга чўмди. Шунда янги асрнинг илк қори ёға бошлади...

Асар янги минг йиллик билан якунланади. Фақирий Яратган бу янги минг йилликда инсон болаларига янги-янги имкониятлар бериши ҳақида ўй-мулоҳазалар юритар экан, Одам Ато фарзандлари ҳам ана шу нарсалардан ибрат олишлари кераклигини, бу ўткинчи дунёда арзирли, ҳа, арзирли бир ҳаёт кечиришлари зарур эканлигини тафаккур чиғириғидан ўтказиб борди, ана шу кўйи уйига қайтди...

Мен ҳам ушбу асарни мутолаа қилган китобхонлар бу мураккаб, айни чоғда чигал тақдир эгалари бўлган қаҳрамонлар турмушига, уларнинг айримлари кирган, кириб қолган кўчаларга ибрат кўзи, тийрак нигоҳ ила боқишларига, «нега, нега?» дея савол қўя билиб, чуқур, янада чуқурроқ тафаккур этишларига, хулоса чиқаришда шошилмасликларига, айримларининг аҳволига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлишларига барчаларини огоҳ этаман. Зеро, бадиий сўз санъатининг куч-қудрати, ёзилган, ёзиладиган асарлар қадр-қиймати, таъсир қуввати, улар маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳам ана шу нарсаларда кўзга яққол ташланса, ажаб эмас...

МУАЛЛИФ

Адабий-бадиий нашр

АББОС САИД

КЎЧАДА ҚОЛГАН ОДАМ

Роман

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ
Садоқат ҚАРШИБОЕВА

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 22.06.2015 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 23,375. Шартли босма тобоғи 39,27.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 5000 (1-завод 500 та) нусха. Буюртма № 132.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-30-52; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ ТОМОНИДАН 2015 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛДИ:

ЎТКИР ҲОШИМОВ
«Дунёнинг ишлари»
84x108 1/32, 336 бет, юмшоқ муқова

XX аср ўзбек адабиётида ўз ўрни ва услубига эга бўлган адиб – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, айтиш мумкинки, XXI аср ўқувчисининг ҳам севимли адиби бўлиб қолади.

Жонли ва ҳаётий тасвирлар, соф ўзбекона ёндашув ва характер, қаҳрамонлар ўртасидаги суҳбатлар мутолааси ўқувчини ўз таъсирига олади. Нафақат миллат, балки чин инсонийлик тараннуми ёзувчи асарларида етакчилик қилиши китобхон учун тарбиявий ва ҳаётий сабоқ бўлади. Хоҳ жиддий, хоҳ ҳажвий бўлсин Ўткир Ҳошимов асарларида ҳаёт қайнайди: унда ҳар биримиз ўзимизни, оиламизни, дўсту ёримизни, ҳатто ҳеч кимга ўхшамаган онамизни кўрамиз...

Бир инсон умрини қамраган роман бўлсин, қатор новеллалардан иборат қисса ёки ҳикоя бўлсин, жанридан қатъи назар, Ўткир Ҳошимов асарларида дунёнинг ишлари мужассам. Мутолаа ҳар қандай ўқувчи учун катта ҳаётий хулоса беришига ишонамиз.

САИД АҲМАД
«Уфқ»
84x108 1/32, 912 бет, қаттиқ муқова

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси нафақат ёзувчи ижодида, балки ўзбек адабиётида янги жанр ҳисобланади. Ижодининг энг сермаҳсул даврида ёзган ушбу роман-трилогияда ёзувчи Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек деҳқонларининг фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади, урушдан олдинги ва кейинги давр муаммолари ҳақида баҳс юритади.

Даврга хос қийинчиликлар, машаққатлар оғушида уруш ва меҳнат фронтига сафарбар қилинган ёшлар

қалби жўшқинлик ва муҳаббат туйғуларидан йироқ эмас: Азизхон ва Лутфиниса, Низомжон ва Дилдор, Турсунбой ва Зебихон... Асарда ўт-олов бўлиб ёнган ошиқ-маъшуқларнинг ҳеч бирига висол насиб этмайди. Қийинчиликлардан кейин қаҳрамонлар яна севгига, садоқатга рўбарў бўлишади, аммо биринчи муҳаббат давр ва синовлар қаърига сингиб кетади...

Ўқувчи мутолаа давомида нафақат жонли тасвирлар орқали тарихий маълумотлар билан танишади, балки ҳаёт машаққатларидан сабоқ чиқаришга, инсонийлик ва муҳаббат айнан қийинчиликлар таъсирида тобланишига амин бўлади.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ
«Юлдузли тунлар»
84x108 1/32, 668 бет, қаттиқ муқова

Маҳоратли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг ушбу асари ўзбек адабиётининг энг сара тарихий романлари сирасига киради. Унда Мовароуннаҳрдек улкан салтанатнинг парчаланиб кетиши, Темурийлар сулоласининг инқирози, ҳокимиятга эришиш илинжида тахт талашиб, бир-бирларига қилич кўтарган оға-ини, тоға-жиянларнинг фожиавий қисмати акс эттирилган. Роман воқеалари орқали ўқувчи тарихда Темурийлар ўртасидаги низолар, фитна, фисқу фасод туфайли юзага келган қонли урушлар, аёвсиз хунрезликлар оқибатида беҳад қонхўр беклар зулмидан силласи буткул қуриган халқнинг ғоят ночор аҳволи ва уюшқоқликдан бехабар Темурийларни Шайбонийхон қанчалар осон маҳв этгани билан танишади.

Асарнинг бош қаҳрамони мирзо Бобур одамлардаги бемеҳрлик, бир-бирини кўролмаслик, худбинлик, хиёнат сингари жирканч иллатлар билан ғоят эрта, ўн икки ёшида тахтга ўтирганида рўбарў бўлди. Асар мутолааси давомида бутун умр Ватан ишқида ёниб, соғинч билан ўртаниб, «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим...» дея изтироб чеккан бобокалонимиз дарди китобхон қалбини ларзага солади.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ
«Одам бўлиш қийин»
84х108 1/32, 352 бет, юмшоқ муқова

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек насри ривожида ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг ёшлар ҳаёти, маънавий-ахлоқий муаммолар, инсонларнинг мураккаб муносабатлари ҳақида яратилган роман, қисса ва ҳикоялари бугунги кунда ҳам севиб ўқиладиган асарлардир. Адиб болаларнинг бепоён орзулар олами, ёшларнинг гоҳ лаззатли, гоҳ изтиробли муҳаббати, сидқу вафо, хиёнат, оталар ва болалар, умуман, турфа тоифадаги инсонлар ўртасидаги муносабатларни ғоят чуқур ва самимий тасвирлайди. Шунинг учун ҳам адибнинг асарлари ҳамон китобхонлар қалбини ром этиб келмоқда.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
«Муҳаббат»
84х108 1/32, 248 бет, юмшоқ муқова

Абдулла Қаҳҳорнинг илк ҳикоялар тўплами 1932 йилда чоп этилган. Бугунгача бўлган давр мобайнида ўзбек адабиётида, жумладан, ҳикоянависликда жуда кўп асарлар яратилди. Сара ҳикоялар, дея эътироф этилган бир қанча ижод намуналари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Аммо Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари йиллар чиғириғини писанд этмай, ҳамон севиб ўқилади.

Адиб қаҳрамонлари ўқувчи учун қадрдон ва ардоқли. Мутолаадан кейинги танаффусда Унсин учун қайғурамиз, Туробжоннинг хотинига анор илинамиз, Қобил бобога таскин бергимиз келади, минг бир жонли Мастура ва унинг вафодор эри Акромжонга ҳавас қиламиз. Содда ва камтар инсонлар сизни суҳбатга чорлайди. Беихтиёр яна мутолаага шошиласиз. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида ана шундай оҳанрабо бор...